

НИЗОМИДДИН ШОМИЙ

ЗАФАРНОМА



ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1996

Мазкур китоб "Камалак" нашриёти ижодий жамоаси билан ҳамкорликда нашрга тайёрланди.

Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси Амир Темурнинг ҳаёти ва жўшқин фаолияти, мўгуллар истилоси асоратидан Ватанни озод этиб, марказлашган қудратли давлатни тиклаши, ҳарбий юришлари ва, ниҳоят, бу фавқулодда истеъдодли инсон шахсиятидаги зиддиятлар тафсилоти ҳаммани қизиқтиради. Бу борада ҳали Амир Темур ҳаётлигидаёқ воқеалар шоҳидлари томонидан ёзилган асарлар тарихий манба сифатида муҳим аҳамиятга моликдир. Улардан бири Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"сидир. Шомий Темур ҳаётини пухта билган, унинг саркардалиги ва давлатчилик қобилияти, диний ва дунёвий фанларга муҳаббати ҳақида мустақил тушунчага эга бўлган. Шу сабабли у воқеаларни ҳаққоний ёритган ва Темур фаолиятига холисона баҳо беришга ҳаракат қилган.

Форс тилидан ўгирувчи — Юнусхон Ҳакимжонов
Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул
муҳаррир — Асомиддин Ўринбоев
Изоҳлар ва лугатларни тузувчи — Ҳабибулло Кароматов
(жуғрофий номлар изоҳи — Омонулло Бўриевники)
Ҳофизи Абрунинг "Зафарнома"га ёзган "Зайл"-
("Илова")ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини
тузувчи — Омонулло Бўриев
Муҳаррир — Муборак Фозилова

ISBN 5-640-02169-1

Ш 4702620101-112 96
М 351 (04) 96

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1996 й.

НИЗОМИДДИН ШОМИЙ ВА УНИНГ "ЗАФАРНОМА" АСАРИ

Марказий Осиё, айниқса, Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари тарихида XIV—XV асрлар улғу саркарда, давлат арбоби Амир Темур ва унинг авлоди — Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги билан боғлиқ катта сиёсий ўзгаришлар ва айти бир вақтда иқтисодий ва маданий, фанний ва маънавий — жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор ривожланишлар даври бўлди. Шунинг учун ҳам бу даврни дунё илмий тадқиқотларида Марказий Осиё тарихидаги буюк юксалиш даври деб баҳолаб келинмоқда.

Ҳозирги кунларда бу тадқиқотлар учун манба хизматини ўтаб келаётган тарихий асарларни яратиб ҳам ўша вақтлардаёқ кенг ривож топиб, XV асрда ва ундан кейин ҳам таниқли муаррихлар томонидан давом эттирилди. Бу асарларда соҳибқирон Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда марказлаштирилган давлатни барпо этиш учун олиб борган курашлари, ҳарбий юришлари, давлатчилик сиёсати ҳамда халқаро дипломатик ва савдо алоқаларини мустаҳкамлашга, деҳқончилик ва ҳунармандчиликни, маданий қурилишларни ривожлантиришга қаратилган тадбирлари қаламга олинган.

Ана шундай ёзма ёдгорликларнинг энг дастлабкиларидан бири Амир Темурнинг бевосита топишириғи билан моҳир адиб ва тарихнавис Низомиддин Шомий томонидан ёзилган "Зафарнома" номли асардир.

Асар муаллифи Низомиддин Шомийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўрта асрлар ва ҳозирги замон адабиётида ҳам маълумотлар жуда оз. Туғилган йили номаълум. Унинг келиб чиқиши жойига нисбат берилиб, Шомий ёки Шанбий (Шанби Ғозоний) нисбаси билан ҳам аталшига қараганда у аслида Табриз чеккасидаги Шанби Ғозон деб аталган мавзедан бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

Муаллифнинг ўзи ҳақида "Зафарнома"да келтирган маълумотлари унинг Амир Темур билан учрашувлари ва асарнинг ёзилиш тарихи ҳақидаги айрим қисқа-қисқа лавҳалардан иборат, холос. Жумладан, мавлоно Низомиддин 1393 йил август ойида Амир Темур аскарлари Бағдод шаҳрини забт этганликлари ҳақидаги воқеаларни қаламга олар экан, унинг ўзи биринчи бўлиб шаҳардан чиққанлиги, ҳазрат Соҳибқирон билан учрашиб, суҳбатда бўлганлигини эслатиб ўтади ("Зафарнома", Тауэр нашри, 1-жилд, 139-бет).* Демак, у мазкур 1393 йили Бағдодда яшаган ва унинг Амир Темур билан биринчи учрашуви ана шу йили содир бўлган.

Низомиддин Шомийнинг Соҳибқирон Амир Темур билан иккинчи учрашуви эса "Зафарнома"нинг 1400 йил воқеалари баён этилган варақларда учрайди. Бу йили октябр ойида Амир Темур Шом (Сурия) теграсида жойлашган Ҳалаб шаҳрини қамал қилган. Муаллифнинг ёзишича, у ўша вақтда Хижоз томон сафарга кетаётганида шаҳар муҳофазачилари шубҳаланиб, уни тўхтатганлар ва қалъа рўбарўсидаги бир бинога қамаб қўйганлар. Бу ердан у қалъанинг забт этилишини ўз кўзи билан кўрган (Тауэр нашри, 1-жилд, 227-бет). Шу давр муаррихларидан бўлган Ҳофиз Абрунинг ёзишича, жангдан сўнг Жалол ул-Ислом номли амир Низомиддин Шомийни Амир Темур ҳузурига олиб келган, ҳазрат Соҳибқирон унга илтифотлар кўрगाзиб, яхши қабул қилган (Тауэр нашри, 2-жилд, Прага, 1956 йил, 160-бет).

Низомиддин Шомий ҳаётининг сўнгги йиллари қандай кечганлиги ҳам маълум эмас. Бу ҳақда фақат тахминлар асосидагина хулоса чиқариш мумкин. Жумладан, Ҳофиз Абру 1412 йил воқеаларини баён этар экан, Низомиддин Шомийни марҳум сифатида тилга олади (Тауэр нашри, 2-жилд, 14-бет). Яна шу каби қиёсий маълумот: агар эронлик манбашунос олим Муҳаммад Тақи Донишпажуҳнинг тахминий сўзлари эътиборга олинса, муаррих Низом Шомий ва 1400 йили Ҳалабда ёзилган Муҳаммад пайғамбар ва ўн икки имом таржимаи ҳолига бағишланган бир асар муаллифи Низом ал-Воиз деб танилган Али ибн Муҳаммад иккаласи бир муаллиф

*

Zafarnama par Nizamuddin Sami. Edition critique par Felix Tauer. Tome I: Texte persan, Praha, 1937; Tome II: Introduction commentaires, Index, Praha, 1956.

бўлиб чиқади. У ҳолда мазкур асарнинг 812 (1409) йили кўчирилган нусхасида қайд этилишича, Низом ал-Воиз (демакки, Низом Шомий) бу вақтда ҳаёт бўлмаган (Ч. А. Стори. Персидская литература. Изд-во "Наука", Москва, 1972, часть II, с. 788).

"Зафарнома" асарининг ёзилиши тарихига келсак, шуни таъкидлаш лозимки, мавлоно Шомийнинг ўзи берган маълумотга кўра 804 ҳижрий йили (милодий 1401 йил 11 августдан 1402 йил 1 август оралиғи) Амир Темур уни ҳузурига чорлаб, ўз юришлари битилган йирик бир асар яратишга ундаган. Соҳибқирон ўша даврга қадар муниший ва котиблари тарафидан тузилган битиклар уни қониқтирмаганлигини айтган. Ёзилажак асар авом халққа тушунарли содда, равон тилда ва айни пайтда маърифатли кишилар эътиборига ҳам лойиқ тарзда ёзилиши лозимлигини уқтирган. Мавлоно Низомиддин асарни унинг кўнглидагидек услубда ёзишни ўз зиммасига олган (Тауэр нашири, 1-жилд, 10—11-бетлар). Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, Амир Темур бундай масъулиятли ишни ишонч билдириб Шомийга топшириши мавлоно Низомиддин ўз даврининг билимдон фузалоларидан ва зукко адибларидан бири бўлганлигини кўрсатади.

Табиийки, бу учрашувдан сўнг Низомиддин Шомий сарой тарихчиси сифатида Амир Темурнинг кейинги барча юришларида унга ҳамроҳлик қилган. Бунга далил "Зафарнома"нинг ўзида учрайди: 806 йил муҳаррам ойида (1403 йил, июл-август) Гуржистондаги Биртис қалъаси забт этилишини ёзар экан, Низомиддин Шомий бу воқеани ўзи кузатганлигини ёзади (Тауэр нашири, 1-жилд, 281-бет). Яна бир далил шуки, Шомий юришлардан бирида ийди рамазон муносабати билан йиғилган жамоага ваъз айтиб, сўнг пешнамозликни адо этган. Бу воқеани машхур тарихнавис Шарафиддин Али Яздий шундай тавсифлаган: "Шу йил рамазон ийдини (806 йил, 1 шаввол —1404 йил, 12 апрел) ҳазрат Соҳибқирон Оби Оғлиқ ёқасида кутди. Замонанинг балоғатли фузалоларидан бўлган ва ҳазрат Соҳибқироннинг эзгуликлари ва фахрли ишларидан бир қанчасини баён қалами билан ифодалаган мавлоно Низомиддин Шанбий ийд хутбасининг қироатига ва намозига киришди" (Яздий, "Зафарнома", Тошкент, 1972, 449 б—450 а варақлар).

Тахминан шу вақтда ёхуд бир неча ҳафта кейин мавлоно Низомиддин Соҳибқирон юришларини 1404 йил

баҳоригача етказиб, асарни тамомлаган ва уни Озарбайжондан Самарқандга қайтиш тараддудида бўлган Амир Темурга тақдим этган. Бундан кейинги Амир Темур вафотигача (1405 йил 18 феврал) кечган воқеалар кейинроқ муаррих Ҳофиз Аbru томонидан "Зафарнома"га "Зайл"—"Илова" тарзида ёзилган.

Низомиддин Шомий "Зафарнома" асарини ёзиш учун қандай манбалардан фойдаланган? Афсуски, бу борада на муаллифнинг ўзи асарида бирор маълумот келтирган ва на замондошлари асарларида бу ҳақда ёзилган. Лекин, "Зафарнома" асарини тадқиқ этиш натижасида Шомий қуйидаги манбалардан фойдаланганлигини тахмин қилиш мумкин:

а) Амир Темурнинг мунишлари ва котиблари назм ҳамда насрда форсий ва туркий тилларда ёзган кундаликлар ва битиклар. Бу манбалар бизнинг давримизгача етиб келмаган;

б) муаллифнинг ўзи 1400—1404 йиллар давомида Амир Темур юришларида шоҳиди бўлган ва ёзиб олган воқеалар;

в) Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши билан боғлиқ воқеалар кундалик тарзида баён этилган Ғиёсиддин Алининг "Рўзномайи ғазавоти Ҳиндистон" асари.

Шуни ҳам эслатиб ўтмоқ лозимки, XV аср муаллифлари Фасиҳ Хавофий, Шарафиддин Али Яздий, Хондамир ва бошқаларнинг асарларида соҳибқирон ҳаётлигидаёқ Шомийдан бошқа муаллифлар томонидан ҳам Амир Темурга бағишлаб бир неча тарихий ва адабий асарлар яратилганлиги қайд этилган. Масалан, кермонли адиб Шайх Маҳмуд Зангийи Ажам дoston шаклида "Жўшу хурўш" номли асар ёзган. У 806 (1403—1404) йили Гуржистонда бўлган Амир Темурга дostonни тақдим этмоқ учун кетаётиб, кўприкдан йиқилиб ҳалок бўлган. Унинг ўғли мавлоно Қутбиддин отасининг асарига "Зайл" ("Илова") ёзиб, Темурга топширган (Яздий, "Зафарнома", 1972 йил, Тошкент нашри, 439 б варақ), Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асарида ҳам (1333 ҳижрий шамсий, Теҳрон нашри, 3-жилд, 290-бет) Сафиуддин Хутталоний исмли олимнинг Темурга бағишлаб туркий тилда бир асар ёзганлиги эслатилади ва ҳоказо. Аммо бу ва яна бошқа асарларнинг бизга етиб келган-келмаганлиги ҳозирча номаълум. Низомиддин Шомий эса ўз даврида уларнинг мавжуд бўлганлигини "Зафарнома"нинг бирор саҳифасида ҳам эслатиб ўтмаган.

"Зафарнома" тарихий асар сифатида XIV ва XV аср бошида Темур ва теурийлар ҳукмронлиги давридаги Ўрта Осиё, Олтин Ўрда хонлиги, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатлар тарихига оид воқеаларни ўз ичига олган. Асар муқаддимасида Амир Темур тарих саҳнасига чиққан 1360 йилга қадар Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган чингизий ҳукмдорлар ҳақида қисқа маълумот берилган. Сўнгра Амир Темурнинг XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг бошида қилган юришларининг батафсил баёни келтирилган. Асар 1404 йил март ойида (806 йил рамазон ойи) Амир Темур Озарбайжонда Аррон Қаробоғида турганлигининг баёни билан якунланиб, унинг вафоти (1405 йил 18 феврал) гача, яъни бир йилча вақт ичида содир бўлган кечмишлар ёритилмай қолган.

Низомиддин Шомий асарида келтирилган воқеалар силсиласи кейинги тарихнавислар томонидан давом эттирилган. Жумладан, теурийлардан Шоҳрух Мирзо (вафоти 1447 йил)нинг тарихнависи Ҳофиз Аbru аввало, юқорида эслатилганидек, "Зафарнома"га "Зайл" ("Илова") ёзиб, уни Темур вафотигача етказган, сўнг эса, ўзининг "Мажма" ("Тўплам") номи билан аталиб келинаётган тарихий асарини ёзар экан, Шомийнинг "Зафарнома"сидан ҳам фойдаланган ва воқеалар тизмасини Шоҳрух Мирзо ҳукмронлик қилиб турган 1420 йилгача давом эттирган. Кейинроқ 1423 йили Шоҳрух Мирзонинг ўғли Бойсунғур Мирзо (1433 йили вафот этган) фармони билан Ҳофиз Аbru тўрт жилддан иборат "Мажма ут-таворихи султония" ("Султонга бағишланган тарихлар йиғиндиси") деб аталган асарни ёзишга киришган ва уни 1427 йил воқеаларининг баёни билан тугатган. Асарнинг тўртинчи жилдида Амир Темур ва теурий шаҳзодалар тарихи акс эттирилиб, унга Бойсунғур Мирзога бағишланганлигини кўрсатиш учун "Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий" ("Бойсунғурга аталган тарихлар сараси") деб ном берилган.

Амир Темур ва теурий шаҳзодалар даврини ўрганишда муҳим ҳисобланган яна бир тарихий асар ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Бу теурий Умаршайхнинг ўғли Искандар Мирзо (Форс ва Исфаҳон ҳукмдори, 1415 йили қатл этилган) номига бағишланган, 816 (1413—1414) йилда ёзиб тугатилган, В. В. Бартольд дастлаб муаллифи ва номини аниқлай олмагани учун

шартли равишда "Аноним Искандера" деб номлаган тарихий асардир. В. В. Бартольд кейинроқ Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкирасидан асар муаллифининг исми Муъиниддин Натанзий эканлигини, асарнинг "Мунтахаб ут-таворихи Муъиний" деб номланган бир қўлёзма нусхаси Париж миллий кутубхонасида сақланаётганлигини аниқлаган. Баъзан бу асарнинг манбаларидан бири сифатида Шомийнинг "Зафарнома"си кўрсатилади. Лекин, В. В. Бартольд теурийларга оид ёзма ёдгорликларни пухта ўрганиш натижасида бундай фикрни нотўғри деб топган ва Натанзий ўз асарини ёзишда туркий тилда уйғур ёзувида мавжуд бўлган битикларга суянган бўлса керак, деб тахмин қилган.

Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асари ўзида жамланган тарихий маълумотларнинг ишончлилиги билан XV—XVI асрларданоқ бошқа асарлар учун бош манбалардан бири бўлиб хизмат қилган. Шарафиддин Али Яздий (1454 йили вафот этган)нинг 1419—1425 йилларда ёзилган "Зафарнома", Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482 йилларда яшаган)нинг "Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи"), Фасиҳ Хавофий (тахминан 1442 йили вафот этган)нинг "Мужмали Фасиҳий" асари, Муҳаммад Фазлуллоҳ Мусавий (XV аср)нинг "Тарихи хайрот", Хотифий (XV аср)нинг назмда битилган "Теуурнома" асари, Мирхонд (1433—1498 йиллар)нинг "Равзат ус-сафо" ("Поклик боғи"), Хондамир (1475—1535 йиллар)нинг "Ҳабиб ус-сияр" ва бошқа бир қатор асарлар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бирида илгариги асарлардаги воқеалар ҳар хил тахрирларда қайтарилиши билан бирга бошқаларида учрамайдиган воқеалар тафсилоти ҳам мавжуд.

Соҳибқирон Амир Теуур давлатининг XIV аср охириги чораги ва XV аср бошларидаги тарихига доир асарлар сирасига Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур", испан сайёҳи Руи Гонзалес де-Клавихонинг сафар хотираларини ҳам киритиш мумкин. Лекин улар хотиралар, сафар таассуротлари сифатида расмий солномалардан услуб ва мазмун жиҳатидан фарқ қилади ва тарихий манбалар орасида ўзига хос ўринга эга.

Шомий "Зафарнома"сининг фақат икки қўлёзма нусхасигина сақланиб қолган. Биринчиси, Амир Теуурга тақдим этилган қўлёзманинг 1425 йилда кўчирилган нусхаси бўлиб,

у Истанбулдаги "Нури Усмолия" масжиди кутубхонасида 3367 инвентар рақамида сақланмоқда. Иккинчиси, муаллиф томонидан Амир Темурнинг набираси Мирзо Умар баҳодир ибн Мироншоҳ (вафоти 1409 йил)га тақдим этилган қўлёзмадан 1434 йилли кўчирилган нусха бўлиб, у Лондондаги "Британия музейи" кутубхонасида 23980 инвентар рақами билан сақланиб келмоқда.

Таниқли матнунос олим Феликс Тауэр мазкур қўлёзмаларда айрим ноқисликлар бўлганлиги сабабли, уларни Ҳофиз Абрунинг "Зубдат ут-таворих"и билан солиштириб тадқиқ этиш асосида "Зафарнома"нинг икки жилддан иборат илмий-танқидий матнини нашр эттирган (1937 йил, Прага ва 1956 йил, Прага). Биринчи жилдига фақат "Зафарнома"нинг матни киритилган. Иккинчи жилдда эса ноширнинг сўзбошиси, Ҳофиз Абрудан қўшимчалари ва нусхалардаги фарқлар берилган.

Асар кейинги вақтларда Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан ўрганилиб, ундан қисқартириб таржималар қилинган. Жумладан, 1949 йили Анқарада Нежоти Луғол исми олим Ф. Тауэрнинг наشري асосида асарни қисқартириб, турк тилига ўзгирган. Ундан ташқари, шарқшуносликка оид бир неча китобларда бу асардан терма таржималар эълон қилинган.

1969—1972 йиллар орасида Шомийнинг "Зафарнома"сини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Феликс Тауэрнинг наشري асосида биринчи марта ўзбек тилида тўла нашрга тайёрлашга киришилган ва бу ишни институт катта илмий ходими Юнусхон Ҳакимжонов (1974 йили вафот этган) ўз зиммасига олган эди. Бироқ, ўша йилларда "Темур шахсига сиғиниш" масаласининг кўтарилиши билан Амир Темур даврига доир асарларни чоп этишнинг иложи бўлмай қолган ва шу сабабли Ю. Ҳакимжонов таржимаси дастлабки қоралама ҳолида қолиб кетган эди.

Кейинги йилларда Республикамиз мустақилликка эришиши шарофати билан қадриятларимизни, меросимизни чуқур ўрганиш, тарихимизни ҳаққоний ёритиш учун зарурий ёзма манбаларни чоп этиб, оммалаштириш борасида Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида амалга оширилаётган ишлар қаторида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихий манбаларини ҳам ўзбек тилида нашрга тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Улардан бири — Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" аса-

ри бўлиб, наирга Ю. Ҳакимжоновнинг таржимаси асос қилиб олинди. Таржима, юқорида айтганимиздек, дастлабки ҳолида, ўз вақтида изоҳлар, кўрсаткичлар, луғатлар тузилмай қолиб кетганлиги учун, бу ишлар кейинги икки-уч йил ичида баҳоли қудрат бажарилди, "Зафарнома"га Ҳофизи Аbru томонидан ёзилган "Илова"* ҳам О. Бўриев таржимасида изоҳлари билан киритилди. Изоҳлар ва луғатлар Ҳ. Кароматов томонидан тузилди (жуғрофий номлар изоҳлари — О. Бўриевники). Кўрсаткичларни тузишда А. Уринбоевга Юнусхон домланинг ўғиллари Асбадали Ҳакимжонов ёрдамлашди.

Таржимани наирга тайёрлашда Ю. Ҳакимжонов қўлёзмасини "Зафарнома"нинг мазкур Тауэр наширига изчил равишда солиштириб, қайта ишлашга, жиддий тузатишлар киритиш ва ҳатто, кўпгина саҳифаларни янгидан таржима қилишга тўғри келди. Бу иш А. Уринбоев зиммасига тушди (Ҳ. Кароматов кўмагида). Шу билан бирга айтиш лозимки, бу иш жараёнида гарчи "Зафарнома" матнини тўла ва мазмунан аниқ акс эттиришга катта эътибор берилган бўлса-да, аммо, услуб раванлиги жиҳатидан ҳали айрим нотекисликлар кўзга ташланиши мумкин. Қадим туркий ва мўғулча атамалар, исмлар ва жой номларини ёзишда араб ҳарфларини транслитерация тарзида акс эттирилди, уларнинг аслий талаффузини аниқлаш бўйича қўшимча тадқиқотлар ўтказилиши лозим бўлар. Изоҳлар ва луғатларнинг мукамаллиги борасида ҳам шунини эслатиб ўтиш жоиздир.

Таржима матнида қўлланилган белгилар: форсий матн орасида учрайдиган Қуръони карим оятлари, ҳадислар ва умуман араб тилидаги иборалар синиқ қавс < >, таржимон ёки муҳаррир томонидан мазмунни тўлатиш ёки тушунтириш мақсадида қўшилган сўзлар думалоқ қавс () ичида берилди. Кўрсаткичлар рўбарўсидаги рақамлар "Зафарнома"нинг Ф. Тауэр нашири бетларига ишорадир. Улар таржима матнида ҳар бир бетнинг бошланиш жойида қавс ичида қуноқ рақамлар билан, — масалан (7), — қайд этилди.

А. Уринбоев

* Continuation du Zafarnama de Nizamuddin Sami par Hafiz-i Abru, Prague, 1934.

I. МУҚАДДИМА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

Чексиз шукроналар айтиш ва туганмас ҳамду санолар изҳор этиш ул олий ҳазрат Азалий зот (шаъни)га бағишланмоғи муносибдирки, унинг азалият шаҳристонни чеккаларига "ибтидо" (деган тушунча) учун йўл йўқ! Турли-туман мадҳлар ҳамда тамаёу риёкорликдан холи санолар туҳфалари ул Абдийсифат ҳазратгагина лойиқдирки, унинг мулки абадийлигига "интиҳо" (деган тушунча)га асло ўрин йўқ! У — қадимдир, қадимлигининг чек-чегараси йўқ; У — доимийдир, доимийлигининг ҳадду саноғи йўқ; У — йўқдан бор қилувчидир, аммо бирор модда ёрдамида эмас; У — яратиш санъатини намоеън қилувчидир, аммо бирор асбобу олат қўллаш билан эмас! Кўрувчилар дийдаси унинг аниқ зоти жамолини кўра олмайди ва сўзловчилар тили мадҳу саноси ҳақиқатини баён этолмайди. На ул зотга ўхшашу монанд бор, на мавжудлигига тағайюру завол ва на мулкига ўзгаришу интиқол! Улуғ Аллоҳ таолодан ўзга илоҳ йўқдир! Унинг худолик қуёшининг шуъласи бутун мавжудот зарраларининг ҳар бирида тобланади; унинг зотига шоҳидлик берувчи жамолини энг нозик нарсаларни кўрабилувчи мутафаккирлар кўзи офтобу ой кўзгусида эмас, балки йўл тупроғию гиёҳлар баргида кўради. (Шеър):

Ҳақиқатни англашга ҳеч бир дил йўл тополмайди,
Камолотидин ҳам ақлу жонда огоҳлик йўқ.
Зотининг идрокида фикру хаёл
Жавлон урмакликка топмайди мажол.
То ўзи ўз зотин изҳор этмади,
Ҳеч химса аслини англаб етмади.

Ул мислсиз зотнинг мавжудлиги ва яккаю ягоналигига ҳужжат келтириш ва далилларни исботлаш гарчи уламо ва фузалолар иши бўлса ҳам, аммо, ҳар бир мулк ва вилоятда

фарзи кифоятни ўташ тариқасида калом илмида моҳир бир шахс бўлмоғи лозим, токи у, мушриклару қайсарлар, бузқчилару фасодчилар шубҳа туғдиргудек бўлсалар, уларга жавоб айтсин ва ишончли далиллар билан бединлар мазҳаби ботил эканлигини исботлаб берсин!

Юксак камолот эгаси бўлмиш муҳаққиқлар ақлни ортиқ даражада уринтирмай, ҳикмат ҳам ақл билан етишиладиган билимларнинг турларию жинсларини қўллаб ўтирмай, У (Аллоҳ)нинг мавжудлигини ҳақиқат деб билаверадилар ва ягоналигини тасаввур қилаверади-лар. Агар бирор киши тақлид қилиб билиш зулматидан халос топса ва у худди кўршапалакдек кўр бўлмаса, унинг учун кундузнинг мавжудлигига ҳеч бир далил ҳожат эмас. (Мисраъ):

<Кундузнинг далилга эҳтиёжи йўқ!> (4)

Кўзи зийрак ва ақли тийрак ҳар бир киши, албатта, оламни тутиб турувчи, ою кунни сайр эттирувчи зот борлигини билади. (Шеър):

Ҳа, шундай. Ҳар бир билимдон учун
равшандирки,
Айланувчи нарса бор экан, уни айлантурувчиси ҳам
мавжуддир.
Қари кампир айлантираётган чархга
қийсан
Айланувчи (фалак) чархини тасаввур
қилгин.

Айтишларича, ўзи динсизликка мойил ва яратиш ҳақиқатларидан ғофил бир подшоҳ бўлган экан. Унинг камолга етишган дабири — оқил вазири бўлиб, у қани энди подшоҳни ғафлат чоҳидан чиқарсам ва (шу билан) берган неъматни, қилган яхшиликлари ҳаққини адо этсам, деб пайт пойлар экан. Кунларнинг бирида вазир шошилиб подшоҳ ҳузурига киради. Подшоҳ ҳаққига дуо ва мадҳу сано маросимини адо этгач: "Эй подшоҳ, бир ажойиб хабар эшитдим. Ажиб бир воқеа рўй берибди, ҳозир бир гуруҳ ишончли кишилар келиб, бу хабарни етказдилар: ўтган кунни подшоҳ ҳазратлари ов қилиш ниятида чиққанларида сувсиз, шўрхок тиканзор бир саҳрога бориб етган эдилар. Зафарнишон лашкар сувсизлик ва иссиқдан қийинчилик ила ўтган ўша тиканзор ҳозир гулистонга айланибди, сувсиз саҳродан тиниқ

сувли чашмалар чиқибди, ўнқир-чўнқир жойлар ўрнида олий қасрлар қад кўтарибди, мевали дарахтлар ҳосилга кирибди", дебди. Шоҳ унга қараб: "Агар сенинг ақлинг ва билимингни синамаган, донишмандлигингни билмаганимда эди, ақлдан озибди деб муолажага буюрган бўлардим. Бу қандай беҳуда ва бемаъни ёлгон сўз. Кориз қазиб ер остидан сув чиқарувчиларнинг саъй-ҳаракатисиз ва курак-кетмон ёрдамисиз қандай сув чиқади; бинокор усталар қўл урмай, тошу пўлод ишлатмай олий қасрлар қандай қад кўтаради, дарахтлар ўтқазилмасдан ўзича ўсиши, боғ эса боғбонсиз мева бериши мумкинми?" — деди. Вазир айтди: "Подшоҳнинг бахтиёрликлари боқий бўлсин; бир тиканзорда муҳандису устасиз, бинокорсиз қасру айвон пайдо бўлишига шубҳа билан қарасангиз, <(Аллоҳ) осмон гумбазини бино қилди ва нуқсонсиз баланд кўтарди>¹ (деган оятда) ишора қилинган осмоннинг баланд биноси ва <(Аллоҳ) ундан сувларини чиқарди ва ўтлоқларини яратди>² (деган оятда) далолат келтирилган ернинг кўкаламзор бўстони Яратувчи мударбирсиз ва қудратли холиқсиз ўз-ўзидан қандай қилиб пайдо бўлган, деб биласиз?" — деди.

Бу танбеҳдан кейин подшоҳнинг кўзидан ғафлат пардаси кўтарилиб, ўз аҳвол кайфиятини билди ва ғафлат қоронғулигидан уйғонди. Аллоҳ таоло (оятда) айтади: <(Эй пайғамбар), агар бу мункирлардан осмон ва ерни ким яратди, деб сўрасанг, улар Худога нисбат бериб, унинг яратувчилигига гувоҳлик берадилар>³. Бинобарин, ҳар бир миллат Худони ўз тилида ёд этади ва ўз ишига кушойиш берувчи деб уни танийди. (Шеър):

Ўз тилида ҳар қаю миллат Худо номин атар,
Бири Аллоҳ дер, бири Тангри дегай, бири Худо. (5)

Инсонлар у ёқда турсин, барча ҳайвонлар аҳволи қаттиқ тангликда қолган пайтида, ҳодисалар тойғоғида турган ҳолатида ҳожатмандлар қиблагоҳи бўлмиш осмонга кўз тикиб, ўз ишига кушойиш тилайди, мушкулини осон этишини сўраб, оламни яратувчи парвардигорга кўз тутайди. Оқил киши тафаккур кўзи билан қарар экан, мавжудот зарраларидан бўлган ҳар бир зарра Аллоҳнинг мавжудлиги ва ягоналигига аниқ гувоҳ, ошкора шоҳиддир. (Шеър):

Ҳар бир нарсада бир белги борки,
У Аллоҳнинг ягоналигидан далолат беради.

У шундай бир қудрат эгасидирки, барча салобатли (султонлар) унга қуллик остонасига бош қўядилар, у шундай забардастдирки, подшоҳлар унинг қодирлик даргоҳи олдида ўз ожизлик ва нотавонликларини эътироф этадилар. (Назм):

Мағрур подшоҳлар ҳожатин сўрар,
Даргоҳида бошини ерга қўяр.
Саркаш инсонларни тездан тутмагай,
Узрин айтганлар сўзин рад этмагай.

У шундай карамлидирки, халққа йўл кўрсатмоқ учун ростликда сараланган пайғамбарларни юбориб, ҳидоят ва иршод эшигини жаҳон аҳли юзига очди; Ҳақни танимадим дейишга халқда ҳеч қандай асос қолмади. Мартаба ва даража эътибори билан барча пайғамбарларнинг аввалгиси, набийлик ва расуллик навбати бўйича уларнинг охиргиси — Муҳаммади Арабийдир. (Байт):

У олий насабли хожа, баланд мартабали раҳнамо,
Худо динининг ҳомийси-ю, куфру жоҳилликни
йўқотувчидир.

Энг олий дуолару барча мақтовлар унинг шаънига бўлсин! (Назм):

У шундай раҳнамодирки, Маҳдий⁴ унинг гуломи,
шундай уммийдирки, сўзлари ҳақиқат,
Удир саккизинчи беҳишт подшоҳи, Тўртинчи китоб посбони,
Удир подшоҳлар тожин олувчи, пайғамбарларга тож кийдирувчи,
Ақл унинг эшигида азобдан амонлик хатини топди,
Барча пайғамбарлар унинг эшигида закотталаб бечоралардирлар,
У эса пайғамбарлар тожи-ю, закот тўлашга қодир тожирдир.

Юз мингларча анбарафшон дуолар насими ва мушк таратувчи мақтовлар ул пок руҳга нисор этилсин ва муқаддас зотга туҳфа бўлсин! (Шеър):

Аллоҳ унга ўз умматларининг кафти покизаю очик
авлоди томонидан ўз раҳматини йўлласин!
Эй сиз, у жанобнинг шафоатидан умид тутувчилар,
У зотга салавот ва салом айтинглар!

Ана энди (дуою саломлар) ул (жаноб пайғамбар)нинг хонадонига бўлсинким, улар <Айт (эй, пайғамбар): мен сизлардан бирор ажр-ҳақ сўрамайман, илло яқин қарин-

дошларингиз билан тотувликда бўлишингизни (талаб қиламан)>⁶ деган оят мазмунига биноан сараланган (банда)ларнинг тўридан жой олгандирлар. Шунингдек, (дуою саломлар) унинг номдор асҳобларига бўлсинким, улар дин майдонининг шаҳсуворлари, иймону ишонч маъракасининг муборизлари, илмлар мамлакатининг подшоҳлари ва <менинг асҳобларим юлдузлар кабидирлар> (деган ҳадисда кўзда тутилганларнинг) раҳбарларидирлар.

Яна (дуою саломлар) ҳар бир диёр ва шаҳарлардаги имомлар, муҳожирлар ва ансорларга бўлсин! Хусусан, ўшал халифалик тахтининг маснаднишини, олий ҳимматлилик ва улуғлик чангалзорининг шери, (6) яхши бандалар пешвоси, қайин оталар сараси Абу Бакр Сиддиқга⁷ бўлсинким, <ғордаги икки кишининг иккинчиси у эди>⁸ (деган оят) унинг тавсифида нозил бўлгандир. Удир иймон осмонининг қўёши, удир охирзамон пайғамбарининг улуғ дўсти. У шундай бир сараланган жавҳардирки, офтоб осмонда айланишга бошлагандан буён ундан фозилроқ киши устига соя ташлаган эмас. У шундай бир покиза гавҳардирки, замон саррофлари орасида пайғамбар сўзлари дурдоналарининг қийматини ундан бошқа ҳеч ким билаолган эмас, Аллоҳнинг расулига ишонишда унинг тили асло ўзга томонга бурилмаган, унинг монандини гардун кўзи умр бўйи кўрмаган, иймон келтириш майдонида илдамлик тўпини барча тенгқурларидан олиб қочган. Аллоҳ унинг саховати ва тақводорлигини Қуръони каримда мақтаган, унинг халифалик замонида илму шариат ниҳоли кўкариб, ҳосилга кирган, дин ва миллат улуғлиги осмонида равнақ ва шуҳрат топган. У худо расулининг қўним вақтида ҳамдамию сафарларида йўлдош бўлган халифасидир!

Яна (дуою саломлар) ҳидоят йўлининг қибласи, адолат мамлакатининг амири, Вадд ва Суводга топинувчи (кофирлар)нинг қотили амир ал-мўминин Умар ибн Хаттоб¹⁰га бўлсинким, у халифалик мансабига пайғамбар ҳадисию саҳобалар машварати билан тайинланган, диний аҳкомларни юргизиш сиёсатида унинг дарраси қиличдек кескир, Ислом дини муҳиммотлари ижросида шердек жасур, салобати ҳайбатидан кўрқиб шайтон унинг йўлидан четланган, кароматининг шуҳрати Ниҳовандда¹¹ Сорияга¹² <Эй, Сория, тоғдан сақлан> хитобини эшиттирган, шариату сиёсат ишларида мардлигу мардоналик додини берган, касби ғишт териш-у, аммо диний ишларда

бир гиштни иккинчисига чалиштирмаган, ҳақни ноҳақдан айирган, савобни хатодан фарқ қилгандир.

Яна (дуою саломлар) вафодор амир, икки нур эгаси¹³, одобу ҳаё соҳиби бўлмиш амир, ал-мўминин Усмон ибн Аффонга¹⁴ бўлсинким, у жангнинг оғир пайтида машаққат қўшинини тартибга келтирган, хушвақтлик чоғларида саҳобалар мажлисига зийнату равнақ бахш этган, пайғамбарлик осмонида ярқираган икки юлдузнинг тулуъ жойи, набийлик йўлидан етишган икки сайёранинг оромгоҳи ва пароканда Қуръоннинг жам этувчисидир.

Яна (дуою саломлар) пайғамбарнинг ғолиб шери амир ал-мўминин Али ибн Абу Толибга¹⁵ бўлсинким, у ҳашамат ва виқорли имом, Дулдул¹⁶ (оти) ва Зулфиқор¹⁷ (қиличи) соҳиби, "Ҳал ато"¹⁸ (сураси) унинг учун (Тангридан) фармон, "Ло фато"¹⁹ (ибораси) шаҳрида машхур (пайғамбарнинг) ички ва ташқи сирларига маҳрам, унинг <Сен менга Ҳорун ўрнидадирсан> деган илтифотига мушарраф бўлган, имомлик насаби унга <мен кимга хожа бўлсам, Али ҳам ўшанга хожадир> (деган ҳадис) таъкиди билан қарор топган, унинг халифалик мажлиси <Ё Аллоҳ, Али қайси томонга юрса, ҳақликни у билан бирга юргаз> (деган пайғамбар дуоси)нинг шамъи билан мунаввар бўлган, насабининг номаси ҳазрат пайғамбарнинг девонидан <Сенинг этинг менинг этим> деган илтифоти билан унвонланган, улуғлик даражасининг тўни набийлик корхонасидан <Алига адаб ўргатдим ва унинг адабини яхши қилдим> (деган ҳадис) билан зийнатланган. Кимда-ким унинг зотини мақтаса, қуёшни равшанлиги учун, осмонни баландлиги билан мақтаган кабидир. (Байт):

Мен дедим банданг тили васфинг қилурда қисқадир,
Ул деди шундай бўлур, етса жамол ўз авжига.

(Мазкур халифаларнинг) байт:

Тўртгаласи пайғамбарлик биносининг тўрт чеккасидир,
Уларнинг тўртгаласи анбиёлар руҳининг тўрт
таянчидир. (7)

Ана энди (дуою саломлар) у (ҳазрат Али)нинг дилбанд фарзандлари, у баланд аршнинг безаклари, ҳазрати расул робби-л-оламиннинг жигаргўшалари, пайғамбар жигарининг икки пораси, Фотима²⁰ дийдасининг икки нури Ҳасани²¹

мужтабо ва Ҳусайни²² шаҳиди Карбалого бўлсинким, <бу икки имом ўлтирсалар ва турсалар> (деган ибора) уларнинг мансаблари қудратини кўрсатувчи ва <бу икки сайид — жаннат аҳли ёшларидир> (деган ибора) уларнинг мажлислари олийлигини таърифловчидир.

Яна (дуою саломлар) ҳазрати пайғамбарнинг икки улуғ амакиси ва набийлик борғоҳининг икки атоқли фарзандлари Абу Аммор Ҳамза²³ ва Абулфазл Аббос²⁴ ларга бўлсинким, улар лутфу марҳамат бўстонининг икки етилган меваси ва Абу Маноф²⁵ дарахтининг икки шохи, бирлари дин чодирининг устунни, бошқа бирлари шариат биносининг асосидир.

Улардан сўнг (дуою саломлар) "ашарайи мубашшара", яъни нажот умиди борлиги хабарини эшитишга муяссар бўлиб, жаннат даражаларига лойиқ топилган у ўнта (зот)га бўлсинким, улар кофирлар билан жанг қилиш ва бузғунчиларга қарши туриш сафида <гўё бир-бирига ёпишган бинолардек>²⁶ барқарор турган эдилар. <Аллоҳ уларга ўзининг баракотли ва қутлуғ саломларини йўлласин!>

У баландпарвоз шоҳбоз (ҳазрати пайғамбар) жисмоний қафас танглигидан руҳоний олам фазосига йўл олгандан кейин халифалик маснади "хулафойи рошидин" — (тўртта) тўғри йўл тутган халифалар вужуди билан ораста бўлди, уларнинг саъй-ҳаракатлари ва жидду жаҳдлари баракотидан зулму бедодлик тикани дин ва давлат теварагию мулку миллат заминидан юлиб ташланди. (Пайғамбар) <Халифалик мандан кейин ўттиз йил давом этади> (деганидек) ўттиз йил муддат ўтгач, халифалик палосини йиғиштирдилар ва <ундан сўнг (халифалик) подшоҳликка айланади> (деган сўзлари) чодирини тиклаб, миллатни давлат тузуми билан қувватлантирдилар ва динга подшоҳлик орқали ривож бердилар. Қудратли султонларнинг улуғлари ва номдор маликларнинг етакчилари қўлига ҳал қилиш ҳам манъ этиш жиловини, кенг қўйиш ҳам танг тутиш ихтиёрини бердилар, шариатни юритиш ишларини кескир шамшир ҳайбатига ҳавола қилдилар. Чунки осмоний фармон шундай ворид бўлгандир: <Алҳақ, биз пайғамбарларни аниқ далиллар билан юбордик ва токи одамлар адолат билан тўғри муомалада бўлсинлар учун, улар билан китоб ва тарозу туширдик. Ва яна темир ҳам туширдикки, унда инсонлар учун катта хавф ва фойдалар бордир>²⁷.

Олимлар китоб, тарозу ва темирнинг бирга аталганлиги борасида айтганлар: "Улар орасидаги тафовут шундан иборатки, пайғамбарлар халққа юборилганида уларнинг вази-фаси, аввало, осмоний оятлар ва руҳоний далолатлар билан одамларни Худо (итоати)га даъват қиладилар, агар қабул қилмасалар ва бош эгмасалар, маълум далиллар билан уларни ҳақ йўлга келтирадилар ва тарбият қиладилар. Тарозу шундан иборатдир. Борди-ю, бу икки йўл ҳам уларга фойда бермаса, унда шамшир яланғочлашдан бошқа чора қолмайди. Яъни, байт:

Кўйган малҳаминг фойда бермаса,
(Яра) қай жойда бўлмасин, доғламоқ керак.

Табобат илмида муқаррар қоида шуки, аввал мувофиқ овқатларни истеъмол қилиш ва касал мизожига риоя этиш билан саломатликни сақлашга интиладилар. Агар борди-ю, мизожда ўзгариш рўй берса, енгил овқат ва муносиб ичимликлар билан муолажа қиладилар, дори-дармонлар билан тузатишга киришадилар. Агар иллат дорилар ҳам фойда келтирмайдиган даражада кучайгудек бўлса, <Энг сўнгги даво — доғлашдир> деганларидек, доғлашдан бошқа чора топа олмайдилар. (8)

Ана шу муқаддималарга кўра маълум бўладики, <одамларнинг> султондан қўрқиши Қуръондан қўрқишидан кўра кўпроқдир>. Яъни, одамларнинг султондан қўрқиб ўзини тийиш даражасига Қуръон орқали етишиб бўлмайди, балки муфсид кишилар давлат арбобларидан қўрққанлари даражада Худойи таолодан қўрқмайдилар. Бу борада ҳазрат Аллоҳ таоло (оятда) туширган: <Албатта, улар ўз дилларида Аллоҳдан кўра сизлардан кўпроқ қўрқадилар, чунки улар гумроҳ қавмлардирлар>²⁸, яъни, шаксиздирки, сизлар ботир, қўрқмас ва ўқёю қилич эгасидирсизлар. Сизнинг ҳайбатингиздан қўрқиш кофирлар дилида Худонинг ҳайбатидан қўрқишдан кўра кўпроқдир. Бунинг сабаби шуки, улар аҳвол ҳақиқатини билмайдиган бир тоифадирлар ва жоҳиллик ҳам ғафлат мақомида боғланиб қолганлар.

Қилич зарби билан динга қувват берувчи, билак кучи билан бузуқ фикрли кишиларнинг томирини қирқишга савй-ҳаракат қилувчи тоифалар ҳам давр тақозоси ва ҳар бир шахс аҳволига қараб фарқли бўладилар. Баъзида халқлар тўғри йўлда ва яхши аҳволда барқарор турган

бўладилар, шариатнинг амри ва манъига қараб амал қиладилар, жаҳон тинчлик либосини кийиб, халқлар осойишталик ва роҳат уйқусида ётадилар. Агар борди-ю, фисқу фасод, саркашлигу ҳақ йўлдан озиди ҳоллари халқнинг ёқасидан тутиб, шариат йўлидан бош тортсалар, молу дунё гурур ва ёмонликларини орттириб, Худони унутсалар, шариат эгаси (Аллоҳ)нинг фармонини бажармасалар, у пайтда илоҳий ҳикмат уларга нисбатан подшоҳлар муносабатини ўзгартиришни тақозо этади, уларнинг адабини бериш ва жазолашни подшоҳлар дилига жо қилади.

Қўйидаги ҳадиси шарифга айтилганларнинг маъносини тасдиқловчи гаплар киритилган. Мазмуни: <Мен шундай Худоманки, подшоҳлар подшоҳидирман. Подшоҳлар дили ва (ҳатто) манглайидаги ҳар бир туки менинг қудратим қўлидадир. Кимда-ким менинг бўйруғимга бўйсунса, мен подшоҳлар дилини унга меҳрибон қиламан. Кимки менинг фармонимни тутмаса, мен унга подшоҳлар дилини бе-шафқат қилиб, уларнинг қаҳру ғазабига дучор этаман. Шундай бўлгач, сизлар подшоҳлар ҳақида ёмон гап қилмаслигингиз лозим. Лекин, тавба қилинглари ва менга топининглари, токи мен уларни сизларга меҳрибон қилгайман>.

Бинобарин, султонлар ва давлат арбоблари замон тақозосига кўра уч тоифага бўлинадилар: бутунлай лутфу марҳамат кўрсатувчи, тамоман қаҳру ғазаб зоҳир этувчи ёхуд бу икки хислатнинг ўртача маромини тутувчилар. Ана шу (учинчиси) камолотга яқинроқдир ва у Аллоҳнинг жалолий ва жамолий²⁹ тажаллиётлари ўртача маромини ўзида жамлаган бир комил зот бўлиб, унинг лутфу қаҳри ҳар бир замон талабига кўра олам аҳлига намоён бўлиб туради. Яхши бор, ёмон бор, аъло бор, тубан бор, шунингдек, яхши ишлар билан шуғулланувчи ва ёмон ишлар билан шуғулланувчилар бор, кофир бор, мўъмин бор, покиза бор, фосиқ бор — буларнинг ҳаммаси ундан ўз қилмишига яраша жазо ва мукофот олади. Икки денгиздек бўлмиш бу икки сифатни ўзида жамлаган зот ҳар бир асрда (бир бор) зоҳир бўлгусидир. Унинг хайрли ишлари, расм-русумлари, феъл-атвори ва сўзларининг натижалари (таъсири) (9) фақат йиллар эмас, кўп асрлар давомида замона (сафҳаси)да боқий қолади, набира-чабиралари, дўстлари ва яқинлари ўша йўлдан юрадилар, унинг феълу ҳаракати ва нуфузли ҳукмларига

эргашадилар. Бу даъвонинг шоҳиди ва бу маънонинг нишони адолатли, энг ҳимматли улуғ амир, яъни даргоҳи илоҳийга мансуб бандаларнинг сараси ва меҳрибон Аллоҳнинг (ердаги) сояси, давлат эгаси, дину дунё қутби, соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг вужуди шарифларидир, Аллоҳ таоло ер юзида унинг мулклари ва султонликларини барқарор этсин ва олам аҳли устига унинг марҳамату эҳсонларини ёғдирсин. Унинг адолати сиёсату жазога яқин, қаҳри эса лутфга аралашдир; нишу найзаси бол билан бирга; мулойимлиги ғазаб билан ҳаммайдон; жамолий жилва асносида (ҳазрат) Муҳаммад шариасти буюрган амалларни улуғлашга интилади; пайгамбарлик дарахтининг шоҳлари, валийлик бошоғининг доналари, Худо расулининг фарзандлари, Фотимаи Заҳронинг нуридийдалари бўлмиш саййидларни улуғлаш ва ҳурматлашда энг нозик тарзда эъзозу икром қилади. Мажлисларда уларни ҳаммадан устун қўяди. Пайгамбар ҳазратларининг ворислари ва нубувват даргоҳининг ноиблари бўлмиш уламонинг шаъну шавкати улуғлашда бирор дақиқани ҳам эътиборсиз қолдирмайди. Юқори даражадаги фозиллар ва улардан қуйироқ кишиларни бир-биридан фарқ қилиб, ҳар бирини ўз мартабасига кўра барқарор тутади. Ҳар бир кишини фазли ва донишмандлиги даражасига лойиқ мақомга қўяди. Машойихлар ва солиҳ бандаларни улуғлайди, улар билан ҳамсуҳбат ва ҳаммажлис бўлишга рағбат кўрсатади. Ожиз кишилару раиятларни, савдогару деҳқонларни муҳофаза этишда қонунларга риоя қилиб, адолат расмини бажо келтиради. Асрлар мобайнида ҳали бирор талабгорнинг ақду никоҳига кирмаган икки буй етган гўзалдек бўлмиш Эрону Турон мамлакатларини (Амир Соҳибқирон) тўла забт этиш ва адолатли сиёсат юритиш орқали шундай бошқармоқдаки, у ерларнинг донишмандлари ҳайрон қолмоқда. Унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хитой ва Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит³⁰ атрофларигача, Бобул-Абвобдан³¹ то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зариф тижорат молларини келтирадилар ва олиб кетадилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир дониға ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамиға ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати

ва адолати натижасидандир. Унинг муборак вужуди ҳам ҳасаб (номдорлик) шарафи билан ораста, ҳам насаб даражаси билан безатилган. Ҳасаб шудирки, уни киши ўзининг жидду жаҳди ва саъй-ҳаракати билан ҳосил қилади, насабни эса ота-боболардан мерос йўли билан топади. Амир Соҳибқирон аввало камолот ва мартабаларга ўзининг етук саъй-ҳаракати ва жидду жаҳди билан эришди. Ушбу китоб бошдан охиригача ўша ҳолатлардан хабар берганлиги учун, биз бу хусусда гапни чўзмаймиз, чунки кимда-ким бу муборак тарих мутолаасига мушарраф бўлса, (Соҳибқироннинг) мулку мамлакат ишлари борасида қилган гўзал тадбирлари ва дину давлатнинг муҳим ишларини тартибга солишдаги саъй-ҳаракатлари қай даражада бўлганлигини ва қай ердан (бошлаб), қай ерга етказганлигини билади. Аммо унинг улуғвор насабига келсак, бахтиёр подшоҳ, (10) яъни Чингизхон³² ўз фарзандларини оёққа турғизган вақтида ёсоқ ва йўсун (боби)да бошқа фарзандларидан мумтоз бўлган иккинчи ўғли Чигатойни³³ махсус мурувват билан тақдирлади; ўз лашкарининг сарасидан бир қисмини танлаб (унга тақдим этди). Бу қисм сардори барлос қавмидан бўлган Қарочор³⁴ эди, унинг тўғри фикрлиги, етуклиги, сиёсати ва шижоатига (Чингизхоннинг) тўла ишончи бор эди. (Шунинг учун) ул комкор подшоҳ мамлакат ишларини бошқаришни, сиёсату қонун-қоидаларини юргизишни унинг донишмандлиги ва ақлу заковатига ҳавола қилди. Ана шу киши Амир Соҳибқироннинг улуғвор бобоси эди. У комкор подшоҳнинг узоқни кўзлаш, ишнинг оқибатини ўйлаш каби хислатлари орадан кўп вақт ўтгач, шу кунларда аён бўлдики, Амир Соҳибқирон ҳисобсиз фитнаю ғавғоларни бошидан кечиргач, мамлакатни забт этиб, тартибга солди ва Чигатойнинг қутлуғ уруғи нафақат Эрон ва Турон салтанати, балки рубъи маскуннинг аксар мамлакатларида мулк ва давлатга эгалик қилмоғи учун замин яратди; саркашлар гарданини итоат ҳалқасига киритди; гарданкашлар бошини ҳалокат тупроғига отди; унинг ўткир қиличи зарбидан омон қолганлар эса чақмоққа панжа уриш, тоғ билан беллашиш, денгизга зўрлик кўрсатиш ва фил билан кураш тушиш ғоятда аҳмоқлик ва ниҳоятда гумроҳлик эканлигини тушундилар. Бўйсунуш ва фармонбардорликдан ўзга чора топмадилар, ўзларини унинг хизматкорлари ва ҳашамлари қаторига урдилар. Шунча айб ва гуноҳлардан кейин бож ва хирож

тўлашни ўз зиммаларига олиш билан жонларини бало дарёсидан нажот соҳилига етказдилар. Оқибат, ҳаммалари итоат остонасига бош қўйиб, мутиъ ва фармонбардор бўлдилар.

Буюклик эгаси Аллоҳ таолонинг сояси, Ул ҳазратнинг жамолию жалолини ўзида акс эттирувчи бу мислсиз зот (Соҳибқирон)ни улуғ ва қудратли Аллоҳ кўп йиллар ва ҳисобсиз асрлар давомида жаҳонгирлик ва жаҳондорлик (мақоми)да устувор тутсин, унинг иқболи этагию қудрати майдонини замона ҳодисалари гардию даврон мусибатлари зарбидан саломат сақласин; унинг бузургвор уруғи ва номдор авлодини токи арш равоқию ер курраси қойим экан, мусалсал ва барқарор этсин; уларнинг бирлик шамъи токи жаҳон бор экан нур сочиб турсин, унинг гўзал савий-ҳаракатлари бутун жаҳонда шукроналар билан зикр этилсин, давлат байроғи эса Исрофил³⁵ карнай чалгунга қадар ғолиб бўлсин — Муҳаммад ва унинг барча авлоди ҳақи! (Назм):

Худоё, Эрону Туронни ўз фармонида тутиб турган
Жаҳоннинг бу дарвишдўст шоҳини
Халқ бошида доимо устувор сақлагил!
Тоату ибодат кўмагида дилини хушёр туттил!
Унинг умид дарахтини ҳосилдор сақлагил,
Умрини узоғу юзини ёруғ эттил!

Аммо баъд, бу китоб ёзилишинининг сабаби шул эрдиким, саккиз юз тўрттинчи ҳижрий йилда (1401 йил 11 август — 1402 йил 1 август) Амир Соҳибқирон ҳазратлари, Аллоҳ таоло салтанатларини замон охиригача барқарор этсин, камина бандангиз Низомиддин Шомийни ҳузурларига келтиришни буюрди. Мен палос ўпиш шарафига мушарраф бўлганимда (ул ҳазрат) сийлашу иззатлаш маросимларини бажо келтириб, лутфу эҳсонлар кўрсатдилар. Шундан кейин тарбият ва бандапварварлик юзасидан олий ишорат содир бўлдиким, (11) гарчи у зот қилган ишларининг бу абадиятга улангур давлатнинг бошланишидан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган тарихини онҳазрат учун ёзган бўлсалар ҳам, аммо улар ҳали муносиб тарзда жамланиб, тақдим этилмаган экан, бу банда (Низомиддин) уларни йиғиб, ортиқча сўзлардан тозалаб, боб-боб қилиб тартиб беришга машғул бўлгаймен, лекин шу шарт биланки, такаллуфу безак бериш; лоф уриш зийнатидан ўзимни тийгаймен; (асар) услуби сўз

оройишию ибораторолик санъатидан соф ва холи бўлгай. Яна Соҳибқирон ҳазрат менга: "Шу услубда ёзилган, ташбиҳ ва муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсадлар ўртада йўқолиб кетади, агар сўз қоида-қонунидан насибадор бўлганлардан биронтаси маънисини фаҳмлаб қолса қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз. Шу сабабли, унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди", дегач, банда (Низомиддин) ер ўпиб арз шарафига шундай етказдим: "Ҳарчанд сўз мартабалари кўп ва манзиллари саноқсиздир, аммо абадиятга пайванд ушбу давлат соясида бу фақирнинг сўз санъатида бақадри имкон қудрати ва унинг услублари борасида бу фан арбоблари наздида шуҳрати бордир. Олимлар мақбул сўз ҳақида шундай деганлар: <Яхши ва равон сўз улдирким, авом халқ унинг маънисини англагай, хос кишилар эса унга айб қўймагай>. Шунинг учун айтмишлар (байт):

Гар истъедод бўлмаса, ҳеч ким айтолмас,
Хосга мақбулу омма тушунгудек сўзни".

Амир Соҳибқирон ҳазрат: "Мен ана ўшандоқ сўзни хоҳлайман", деди. Мен дуо маросимини бажо келтиргач, арз иззатгоҳига шундай деб етказдим: "Агар ҳукмлари жорий бўлса, бу банда шу тариқа йўлдан боргаймен, қудратим етгунча унинг уҳдасидан чиқишга урингаймен ва бу хизматни умрим шарафи деб билгаймен". Бинобарин, жидду жаҳд камарини жон белига боғлаб, бу абадиятга улангур давлат қарор топган даврдан ҳозиргача (806 йил рамазон — 1404 йил март ойи) кечган воқеалар, рўй берган ҳодисаларнинг шоҳиди бўлган ёзиб олувчи (котиб)лар ва кўним жойлардаю сафарларда воқеа-ҳодисаларни кўриб, қайд этиб борган мулозимлар (битикларига) тақаллуфу безакларсиз, софу пок иборалар либосини кийгазишни ва уларни тартибга солиб, бобларга ажратиб, изчиллик билан аниқлаб таҳрир қилишни ўзимга лозим, деб ҳисобладим. Шунинг учун ҳиммат этагини жон белига бар уриб, ирода енгини шимариб, ўзга юмушу машғулотларни четга суриб қўйдим ва фақат шу ишга киришиб, икки тилли қалам³⁶ ёрдами билан бир юзли қоғозга³⁷ юз тутдим. Мен унда Соҳибқирон ҳазратнинг мақтовли саъй-ҳаракатлари, мақбул ишлари, тўғри фикрлари ва хатосиз тадбирлари тарихини баён қилдим, токи бу китоб жаҳон подшоҳлари, Одам авло-

дининг донишмандлари, хусусан, олий ҳазратнинг қутлуғ фарзандлари ва муборак уруғларининг кундалик ҳаётларида ва подшоҳлик қонун-қоидаларида уларга саодат рўзномаси, давлатни (бошқаришнинг) сардафтери, йўлбошчи устоди ва кўнгилочар ҳамдами бўлгай. Улар турли мамлакатларни забт этишда, узоқ йўлларни босиб ўтишда, шаҳарларни олишда, халқларни ободонлик ва фаровонликда сақлашда, дин ва давлатнинг чигал масалаларини тартибга солишда, мулку миллат қоидаларини қанот ёйдиришда уни дастуруламал қилгайлар. Ул ҳазратнинг феълу ҳаракатлари ва сўзларини юриш-туришларида муршид, ишлари ва ғам-ташвишларида чораю тадбир кўрсатувчи деб билгайлар; у билан амирлар, вазирлар, панду насихат қилувчилар ва йўл кўрсатувчи маслаҳатгўйларга муҳтож бўлмагайлар. Умидимиз ва илинжимиз шу, ишончимиз комилки, бу китобнинг фойдалари (12) замона юзида ва кеча-кундуз саҳифасида боқий қолгай. Соҳибқирон ҳазрат номи жаҳон тургунча (замона) саҳифасидан ўчмагай, унинг ҳайбати овозаси, салобати зикри оламнинг Шарқу Ғарбига етгай. (Байт):

Боқий қолувчи нарсани зикр этмоқликни
Улуғлар иккинчи ҳаёт демишлар —
<Яхши амаллар боқий қолгувчидир>³⁸,
Шу бойликнинг ўзи сенга етарли.

Бу ҳазрат давлатининг дарахти Чингизхоннинг саодат бўстонида ва муборак уруғида нашъу намо топибгина қолмай, балки сўнгги замону охирги даврларда ул улуғвор хонадон боғу роғининг сувсиз қолган ариғига ҳазрат Соҳибқироннинг боғбонлик саъй-ҳаракати қайтадан сув келтирди ва подшоҳ Чингизхоннинг расм-русумию қонун-қоидаларини жаҳонда янгилади, айниқса Чигатойнинг қутлуғ уруғи наслини тирилтириб, Эрону турон салтанати мартабасига етказди. Ана шулар назарга олинганда у давлатнинг бошланишидан то шу кунга қадар сўз занжирини узмай ҳикояларни изчиллик билан бир-бирига улаб бориш ва салтанатнинг бир (сулола)дан иккинчисига ўтиш жараёнини очиқ кўрсатиш лозим эди. Аммо улуғ подшоҳ Чингизхон қиссаси тарих китобларида турли иборалар билан ёзилиб, зикр этилганлиги сабабли уларни такроран баён қилишга эҳтиёж йўқ, деб билдим.

II. ЖАҲОНГУШОЙ ҲАЗРАТ (АМИР ТЕМУР)НИНГ МУБОРАК ТАРИХИ БОШЛАНИШИ

Гарчи жаҳонгир подшоҳ Чингизхон ҳаётининг тўла тафсилоти бу ерда зикр этилмаса ҳам, аммо ушбу муборак тарих аввалида унинг наслидан то шу дамгача рубъи маскунда салтанат қурган, подшоҳлик қилганларни баён этиш муносиб кўринади ва бу фойдадан холи бўлмаса керак. Чунки бу тарих мавзуъи фаришта сифат зот Амир Соҳибқироннинг қилган ишлари ва сўзларига (бағишланган) бўлиб, унинг давлати дарахти Чиғатой салтанати ариғи (лаби)да ўсиб унғандир. (Шундай бўлгач), даставвал Чиғатой зикрини келтириш лозим эди, бироқ сўзнинг боғланиши учун, аввал (Чингизхоннинг) бошқа ўғиллари наслини қисқа бўлса-да, ёд қилиб ўтамиз. Сўнгра Чиғатой хусусида гап бошлаб, сўз занжирини мустаҳкамлаймиз. Ана шунда, иншооллоҳ, сўз боғланиши қоидага тушгай.

Чингизхоннинг тўрт ўғли бор эди, улар: Жўчи¹, Чиғатой, Ўқтой², Тўли³. Уларнинг ҳар бири бир мамлакатга подшоҳ бўлди ва уларнинг насли ҳам ўша мамлакатларнинг салтанат ишларига мутасаддилик қилган. Аммо улардан улуг юртда, яъни Хитойда подшоҳлик қилганлари ўн тўрт кишидир: 1) Ўқтой қоон, 2) Куюк қоон⁴, 3) Мунка қоон⁵, 4) Тўлининг биродарзодаси (жияни) Қубилай Чичон⁶, (13) 5) Тўлининг набираси Темур қоон. У подшоҳ бўлган пайтда номини Улжойту⁷ деб атаганлар, 6) Қишлой қоон, 7) Қишлой ўғли Тўқта қоон, 8) Тулак ўғли Хон Тойзий. У салтанат (тахтига) ўтирганда номини Йўлақту деганлар. 9) Оюширин Доро қоон, 10) Дўққуз Темур қоон, 11) Ясудор қоон, 12) Анка қоон, 13) Илик қоон, 14) Элчи Темур қоон, агар худо хоҳлаб подшоҳлик унга етса подшоҳликка лойиқдир.

То шу кунгача Дашти Қипчоқ⁸ да подшоҳлик қилиб келганларнинг сони эса йигирма бештадир: 1) Жўчи, 2) Боту⁹, 3) Беркахон¹⁰, 4) Сойинхон, 5) Йўсун Мунка, 6) Тўқтахон¹¹, 7) Ўзбекхон¹², 8) Жонибекхон¹³, 9) Бердибекхон¹⁴, 10) Келдибекхон, 11) Наврўз¹⁵, 12) Черкас, 13) Хизрхон¹⁶, 14) Муруд¹⁷, 15) Бозорчи, 16) Соси Нукой, 17) Нукойнинг жияни Туғлуқ Темур, 18) Туғлуқ Темур биродари Муροхожа¹⁸, 19) Қутлуғхожа¹⁹, 20) Ўрусхон²⁰, 21) Тўқтақие²¹, 22) Тўмқон Темур Малик²², 23) Тўқтамишхон²³, 24) Темур Қутлуғ²⁴, 25) Шодибек²⁵.

Ироқда²⁶ подшоҳлик қилганлар сони ўн тўрт киши бўлган: 1) Тўли ўғли Ҳулокухон²⁷, 2) Ҳулоку ўғли Абоқохон²⁸, 3) Абоқохон биродари Аҳмадхон²⁹, у ислом динини қабул қилган эди, 4) Абоқохон ўғли Арғунхон³⁰, 5) Арғунхон биродари Кехотухон³¹, 6) Бойдухон³², 7) Ғозонхон³³, 8) Улжойтухондирки³⁴, уни Муҳаммад Худобанда дейдилар, 9) Абу Саъид³⁵ Баҳодирхон, 10) Арпа³⁶ — Арпабўканинг қариндоши, 11) Мусохон³⁷, 12) Йўл Қутлуғ ўғли Султон Муҳаммад³⁸, 13) Жўчининг Хуросондаги қариндоши Тағой Темурхон³⁹, 14) Сулаймонхон⁴⁰.

Аммо Чигатойхон элида подшоҳлик қилганлар ўттиз бир киши эди: 1) Чигатойхон, 2) Чигатой ўғли Йўсун Мунка⁴¹, 3) Қаро Ҳулоку⁴², у подшоҳлик пайтида вафот этди, 4) Қаро Ҳулоку хотини Арғина⁴³, 5) Бойдор ўғли Алиқу⁴⁴, у Арғина хотинни ўз никоҳига олган эди, 6) Қаро Ҳулоку ўғли Муборакшоҳ⁴⁵, 7) Бароқ⁴⁶, 8) Широмон ўғли Некипай⁴⁷, 9) Тағой Темурхон⁴⁸, 10) Даво Чечан⁴⁹, 11) Даво ўғли Кунчакхон⁵⁰, 12) Бўри ўғли Толиқу (Нолиқу), 13) Даво ўғли Эсан Буғо⁵¹, 14) Даво ўғли Кепакхон⁵², 15) Даво ўғли Элчикдойхон⁵³, 16) Даво ўғли⁵⁵ Дура Темурхон⁵⁴, 17) Даво ўғли Тармаширинхон⁵⁵, 18) Эбукин ўғли Жингши⁵⁶, 19) Эбукин ўғли Йўсун Темурхон⁵⁷, 20) Ўктой қариндоши Али Султон⁵⁸, у ноҳақ равишда подшоҳлик тахтига ўтирди, 21) Пўлод ўғли Муҳаммад⁵⁹, у Кунчакхоннинг набираси эди, 22) Ясувар ўғли Қазон султон⁶⁰, 23) Ўктойнинг қариндоши Донишмандча⁶¹, у подшоҳликка етишмади, 24) Сурғату ўғли Баёнқули⁶², 25) Йўсун ўғли Темуршоҳ, 26) Эмилхожа ўғли подшоҳ Туғлуқ Темур⁶³, 27) Туғлуқ Темур ўғли Илёсхожа⁶⁴, (14) 28) Дурчи ўғли Кобул Султон⁶⁵, 29) Муҳаммад ўғли Одил Султон⁶⁶, 30) Суюрғатмишхон⁶⁷, 31) Суюрғатмишхон ўғли Маҳмудхон⁶⁸, Аллоҳ таоло ер юзида унинг мулки ва султонлигини барқарор этсин.

Жаҳонгир подшоҳ Чингизхон фарзандларининг ишларини тартибу интизомга келтирган вақтда: "Кимда-ким билимни, ёсоқни, сиёсатни, ботирликни, расм-русум риоясини дўст тутса, Чигатойга мулозимат қилиши лозим", деган эди, у ақлли подшоҳ ва адолатли хон эди. Бағри кенг, фаросат ва заковатда комил, зийраклик ва донишмандликда машҳур эди. Чингизхон аскарларини тақсим қилган вақтида бир неча минг жанговар отлиғ аскарни Чигатойга топширди. Ушбу аскарларнинг йўлбошчиси

Қарочор эди. Бу киши барлос қавмидан бўлиб, Амир Соҳибқироннинг улуғ бобосидир. Чингизхон Олтойдан бошлаб то Сайхуннинг ўрта оқимиғача, ундан то Жайхуннинг интиҳосигача ҳаммасини Чигатойга берди⁶⁹. Чингизхон Султон Жалолидинни⁷⁰ енгиб, Синд дарёси томонидан қайтиб келгандан сўнг⁷¹ Чигатойни Туркистон ноҳиятининг ҳоқими этиб тайинлади. Чингизхон вафотидан кейин Чигатой Ўктой қоонни улуғлаб, унга иззату икром билдириш бобида кўп ҳаракат қилди. Мудҳиш ўлим Ўктой қоонни ҳам юлиб кетганда (Чигатой) ўз биродарига бўлган муҳаббатининг ғоятда кучлилиги, айрилиқнинг шиддатидан олти юз қирқинчи йилда (1242 йил 1 июл — 1243 йил 21 июн) ўша воқеадан ўн ой ўтгач, қаттиқ касалликка чалинди. Умид ва ҳаёт уйини вайрон қилувчи ўлим зарбасидан тахту тожидан айрилди. Байт:

Эй жаҳон, ўстирма, ўрар экансан,
Не нафъ ўстирмоқдан ўрар экансан.

Чигатой вафотидан кейин, юқорида батафсил зикр этилганидек, подшоҳлик бир (шаҳзодадан) бошқа бирига ўтиб турди. Уларнинг орасида Қаро Ҳулоқунинг ўғли Муборакшоҳ ғоятда софдил, кам озор, чидамли, саховатли, шижоатли ва сабр-бардошли эди. Чигатой улуси унинг замонида амну омонликда ва роҳатда яшади. (Шундан сўнг) подшоҳлик навбати яна қайтадан Давохонга етганда, у ўттиз уч йил ҳукмронлик қилди. У яхши тадбирлар қўллаб, Чигатой улуси аскарларини бир ерга тўплади.

Подшоҳлик навбати унинг ўғли Кунчакхонга етди, у ҳам тўғри тадбирли эди. Отасининг мамлакатини кенгайтирди. У Қайдухон⁷² болалари мамлакатни ушлаб туrolмаслигини кўргач, уларнинг вилоятларини ҳам Чигатой вилоятига қўшди ва ўз тасарруфига киритди. Подшоҳлик навбати Кепакхонга етгач, салтанат унинг улуғлиги кўланкасида раванқ топди. Адолати овозаси жаҳонга кетди. Етти юз қирқ еттинчи йилда (1346—1347) подшоҳлик Донишмандча ва Буёнқули қўлида бўлган пайтда амир Қазоғон⁷³ мамлакат ишларини юритишга бошчилик қиларди. Унинг адолати ва эҳсонидан олам аҳлига кўп фойдалар етарди. Шариат йўриғи ва ростлик йўлини тутиб, ҳаммага мақбул ҳаёт кечирарди. Доимо мазлумлар додига етиб, халққа адолат эшигини очиб,

олимлар ва шарафли зотларнинг ҳурматини сақларди. Раият ва қўл остидагиларни фаровончиликда тутарди. У қишни Соли Сарой⁷⁴ ва Қаротурда⁷⁵, ёзни эса Мунк⁷⁶ шаҳрида ўтказарди. (15) Кўп вақтини қуш солиб ов қилишга сарфлар эди. Аммо ҳақиқатда эса у жон уйини хатарга қўярди-ю, қуш солаяпман деб ўйларди. Охири, кунлардан бирида ов қилиб юрган пайтида Уранайтиён қабиласидан бўлган Қутлуғ Темур уни шаҳид этди. Амир Кайхисрав⁷⁷ каби улуғ амирлар ва мулозимлар Қутлуғ Темурни ўртага олиб ўлдирдилар. Амирзода Абдуллоҳ⁷⁸ отаси ўрнига амирлик мансабига ўлтирди. Амирлар ва нўёнлар итоат камарини жон белига боғлашиб, унинг фармониغا бўйсундилар. Худди шу йили Буёнқули ўз отасини мағлубиятга учратди. Бироқ, подшоҳ Буёнқулининг (ўзини ҳам) салтанат ва давлат (тахти)дан туширдилар. Темуршоҳ хонни тахтга ўтказдилар. (Аммо) унинг қадами мамлакат учун қутли бўлмади, деб атрофдан амирлар ва мамлакат катталари йиғилишиб, биргаликда уни давлат тепасидан олиб ташладилар⁷⁹. Унинг тобеълари ва тарафдорларини тарқатиб юбордилар. Амир Баён Сулдуз ва амир Ҳожи Барлос⁸⁰ мамлакат ва вилоятларни ўз тасарруфига олди. Амир Баён мамлакатни бошқариш ишидан ғофилликда шаробхўрлик ва айш-ишрат билан машғул бўлди. Лекин шунга қарамай, нияти холис, ёмонлиги йўқ киши эди. Гарчи у яхшилик ва меҳрибонлик мақомида туриб, лутфу марҳамат ва саховат қилган бўлса ҳам, аммо, сиёсат мақомига келганда сустлик ва бепарволик қиларди. Донишмандлар демишларки: "Мулк (подшоҳлик) сиёсатсиз барқарор турмас ва қиличсиз мустаҳкам бўлмас". Шунга кўра унинг мулкига ҳам фасоду тартибсизликлар йўл топти. Амирлар бўйсунмай қўйдилар ва ҳар бири ўз билганича иш юритди. Турклар Кеш деб атаган Шаҳрисабз ва унга қўшилувчи тобеъ жойлар ўша вақтда Амир Соҳибқирон, (яъни) жаҳон мамлакатларини фатҳ этувчи Амир Темур Кўрагон ва Ҳожи Барлос тасарруфида эди. У жойлар қадимдан уларга тааллуқли эди. Хўжанд мамлакати амир Боязид тасарруфида турарди. Балх⁸¹ ва баъзи вилоятлар амир Ҳусайн⁸² тасарруфида бўлиб, у отасининг мансабини талаб қиларди. Улжой Бугўй Сулдузий баъзи вилоятларни тасарруф қилган эди. Шибурғонни⁸³ эса Муҳаммад Хожа Апарди олган эди. Бадахшон⁸⁴ подшоҳлари тоғу тошларга бош олиб кетгандилар. Кайхисрав ва Улжойтулар Қатлон⁸⁵ ва Арҳанг⁸⁶ вилоятида бошлиқ бўлиш даъвосини қиларди. Амир Хизр эса Ясовурийларнинг ҳаммасини ўз

тасарруфига олди. Кимки оз бўлсада куч-қудратга эга бўлса, мухолифлик мақомида туриб, бўйсунини истамасди. Шу сабабли фитнес-фасод тарқалди. Паришонлик ва ташвиш мамлакат аҳволига йўл топди. Қудратли ва улуғ Тангрининг омонат топширган раияти зулм бўрилари чангалига тушди. Шу ўртада Мўғулистон вилояти⁸⁷ подшоҳи Туғлуқ Темур салтанат ишларига бошчилик қилишни ҳавас этиб, ўзига тобеъ кишилар ва аскарларини йиғиб, Мовароуннаҳр томон юзланди. Самарқанддан икки манзил беридаги Чоноқ Булоққа етди. Ўзининг амирлари ва давлат арбоблари билан жонқий (кенгаш) ва маслаҳат ўтказгандан кейин Керойит қабиласидан Тўқ Темур, амир Ҳожи Эркинугий, амир Бекижакларга Мовароуннаҳр томонига боришни тайинлади. Уларга Боязид Жалойирийга тобеъ бўлишни буюрди. Амирлар хоннинг ишоратини қабул қилиб, йўлга тушдилар. Хўжанд чегарасига етишганда, амир Боязид Жалойирий уларга эл бўлиб, ўзининг мукамал лашкари билан қўшилди (16) ва Шаҳрисабз томонга равона бўлдилар. Амир Соҳибқироннинг биродари (амакиси) амир Ҳожи Барлос Хуросонга жўнашга қарор қилди. Амир Соҳибқирон унга шундай деди: "Сиз Хуросон томон боришга азм қилибсиз! Вилоят ва мамлакат ҳокимсиз ва бошлиқсиз қолиб, унга фитнес футур йўл топгай ва зарар етгай. Агар маслаҳат кўрсангиз, мен ўз вилоятимга бориб, у жойдан подшоҳ хизматига юзланай, унинг амирлари ва вазирларини кўрай, токи вилоят хароб бўлмасин".

Ҳожи Барлос, бу сўзлардан димоғига саодат ҳиди етгач, уларнинг маслаҳатга мувофиқлигини билди ва гапларини тўғри деб топди. Амир Соҳибқирон ўз вилоятига йўл олди. Тўхтамасдан юриб Хузор⁸⁸ мавзесига етганда, у ерда подшоҳ амирларидан Бекижак ва катта (улуғ) Тўқ Темурларга дуч келди. Амир Ҳожи Маҳмудшоҳ бостириб келаётгани ва подшоҳ лашкарининг манғлой қисмига қачарчи (йўлбошчи)лик қилиб бораётганини кўрди. Улуғ Амир Соҳибқирон амирларни тинчлантириб шундай деди: "Тўхтаб туринглар! Мен бориб амирлар билан учрашай, уларнинг маъқуллашига кўра ҳар нимаики ҳозирги вазиятда маслаҳатдан деб топилса, шуни бажо келтирайлик". Сўнгра давлат арбоблари расмича улар билан мулоқот қилиб, пешкаш тақдим этиш удумини адо этди. Амирлар унинг пешонасида бахту иқбол нишонасини кўришгач, Амир Соҳибқироннинг муҳаббати уларнинг дилидан жой олди.

Уни азиз тутиб, улуғ боболарининг вилояти бўлмиш Шаҳрисабз тумони ҳамда (шаҳарга) тегишли атроф ерлар ва музофотларни (унга) топширдилар. Подшоҳ (Туғлуқ Темур)га итоат қилганлиги учун уни мақтадилар. (Амир Темур) Хузордан жўнаб Кеш шаҳрига етгач, у жойдан то Амударёгача бўлган ерлардан аскар тўплади. Оз муддатда кўп аскар йиғди. Амир Хизр билан иттифоқ тузиб, унга қўшилди. Туғлуқ Темурхон амирлари эса бир-бирлари билан муҳолифликка юз тутиб, билмадиларки: <Агар бир жамоа аҳли ўзаро ихтилофга йўл қўйса, ўз душманини қувватлантириб, унинг кучайишига имконият туғдирган бўлади>⁸⁹. Алқисса, амирлар Туғлуқ Темурхон томонга қайтдилар. Шу аснода амир Ҳусайн лашкар тортиб, амир Баён томонига йўл олди. У элчилар юбориб, амир Боязид, амир Хизр ва Амир Соҳибқирондан мадад сўради. Мазкур амирлар кенгашиб, Амир Соҳибқирон (аскарлари) лашкарнинг муқаддима ва манғлой қисмларини ташкил этишини, амир Хизр эса лашкарнинг қул қисмини бошқариб боришини маслаҳат кўрдилар ва тезлик билан амир Ҳусайн томон жўнадилар. Амир Боязид эса ёмон ниятли кимсалар фурсатдан фойдаланиб бирор сўз чиқармаслиги учун шахсан ўзи Туғлуқ Темурнинг олдига боришга қарор қилди ва шошилишч равишда у томонга йўл олди. Хўжанд вилоятига етганида подшоҳ Туғлуқ Темур ҳамма лашкари билан ўз пойтахтига қайтиб кетганини билиб севинди ва айшу ишрат билан машғул бўлди. Амир Соҳибқирон ва амир Хизрлар амир Ҳусайн олдига етиб боргач, ҳаммалари иттифоқликда амир Баён (Сулдуз) томонига лашкар тортидилар. (Амир Баён) юзма-юз олишиб, қаршилик кўрсатишга қурби етмаслиги туфайли Бадахшонга қараб қочди⁹⁰. (Улар уни таъқиб этиб) Бадахшон дарвозасига етганларида Шоҳ Баҳоуддин ҳам қочди ва мамлакат амир Ҳусайн тасарруфига кирди. У Кайқубодни⁹¹ (17) ёсоққа етказди. (Сўнгра) Амир Соҳибқирон ва амир Хизрлар амир Ҳусайндан ижозат олиб, зафар ва шодмонлик қанотида ўз вилоятларига қайтишди. Амир Соҳибқирон йўлда амир Хизрдан айрилиб, Кеш томон жўнаб кетди. Ун кунлик йўлни тўрт кунда босиб ўтиб, (сўнг) тўй ва меҳмондорчилик жиҳозларини муҳайё қилди. Амир Хизр яқин етгач, унинг истиқболига чиқиб, иззату икромлар кўрсатди ва унга мақбул бўладиган

хизматларни адо этди. Сўнгра амир Хизр ўз вилояти томон йўлга чиқди. Амир Соҳибқирон ўзининг иззат қароргоҳига қайтди. Шу ўртада Сулдуздан Туғлуқ Темур номли бир амир хуруж қилди⁹². Амир Соҳибқирон лашкарини йиғди, иккинчи томондан амир Хизр йўлга чиқди. Ҳар иккиси Қаҳалқада⁹³ бирлашдилар ва иттифоқликда амир Ҳусайн билан учрашдилар. Хизмат вазифасию тўй маросимини ўтказиб, сўнг унинг ижозати билан яна қайтиб кетишди⁹⁴. Шу пайтда Ҳожи Барлос амир Боязид⁹⁵ олдига борди. Амир Боязид эса унинг кўнглини овлашни вожиб деб билиб, (унга) лашкар тузиб берди ва амир Хизр устига жўнатди. Амир Ҳожи Барлос лашкар билан амир Боязиддан илгари Кеш шаҳрида ҳозир бўлди. Амир Соҳибқирон бу воқеадан хабардор бўлгач, аскар тўплаб, амир Хизр олдига келди ва у билан бирлашди. Иттифоқлик билан юриб, Оқ ёрга етишганда амир Ҳожи Барлос қарши чиқди. Ўртада қаттиқ жанг воқеъ бўлди. Ҳожи Барлос у жойдан ўтиб, Самарқанд томонга жўнади, бориб амир Боязидга учрашди. Унинг иттифоқи ва маслаҳати билан жанг қилишга азм қилдилар. Қаттиқ жанг бўлиб, Ўрдувон⁹⁶ ўлдирилди. Амир Соҳибқирон ва амир Хизр Шаҳрисабз лашкари билан Самарқандга қараб юрди. Йўлда лашкар қочиб, ортига қайтди⁹⁷ ва амир Ҳожи Барлос олдига борди. Амир Хизр эса Амир Темур ўз лашкарини биродари томонига юборди, деб гумон қилди. Шу сабабли у Амир Соҳибқирондан бадгумон бўлди ва бу унинг сўзлари ҳам феълидан кўриниб турарди. Амир Соҳибқирон ва амир Чоку бу ҳолатдан сергакланиб, ундан айрилдилар ва Ҳожи Барлоснинг олдига кетдилар. Ҳаммалари учрашгач, биргаликда амир Боязиднинг олдига бордилар. Амир Боязид уларга иззату икром кўрсатди. Амир Соҳибқирон лашкарнинг муқаддима ва манғлой қисмини бошқарди ва иттифоқ билан амир Хизр томон йўл олдилар. Унга етишгач, жанг ўтиланганди. Кўзлар ўқу найзалар игнаси билан тикилди. Шундай жанг бўлдики, Исфандиёр ва Рустам қиссасини унуттирди. Амир Хизр қочишни айнан зафар кучи деб билди. Амир Боязид эса Амир Соҳибқироннинг ёрдамида ғалаба қозониб, ҳукумат тахтига ўтирди. Шу аснода у хиёнаткорлик фикрида Амир Соҳибқиронга қасд қилди. Амир Соҳибқирон худо кўнглига солиб, ўзининг равшан фикри ва сезгирлиги туфайли бу

маънийни (олдиндан) сезиб қолди. Соҳибқиронни улуғ Тангри келажакдаги буюк ишлар учун мўлжаллаб қўйганлигидан уни ўз ҳимоясида сақлади: гўё қон келаетгандек, бурнини ушлаб мажлисдан чиқиб кетди ва дарҳол (18) отга миниб, ўқ-ёй ва садоғини от устида ўтирган ҳолда белига боғлаб, улуғ Тангрига таваккал қилиб, саҳро томон жўнади ва бало денгизидан нажот соҳилига етиб олди. Ҳожи Барлос бундан хабар топиб, дарҳол элчи юборди ва насихат қилди: "Зинҳор Омуя сувидан нарига ўтма! Менинг сўзимга қулоқ сол. Эндиликда вазифа шулким, Кеш чўлининг аскарлари бизга тааллуқли бўлгани учун уларни олиб чиқ ва Абдуллоҳ ҳамда Зиндачашм томонига жўнагин. Бизнинг лашкарнинг муқаддима ва манғлоий бўлгин. Мен амир Чўгонни ниҳоятда кўп аскар билан кетингдан сенга мадад бериши учун юбораман". Амир Соҳибқирон бу гапдан шод бўлиб, унинг топшириғига биноан иш тутди, Термизга етганида Шайх Али Журжирий унга қарши чиқиб, жанг қилишни истади. Аммо Соҳибқирон бир ҳамладаёқ уни жойидан олиб ташлади ва эски Термизгача қувиб бориб, лашкарини тарқатиб юборди.

III. ПОДШОҲ ТУҒЛУҚ ТЕМУРНИНГ ИККИНЧИ МАРОТАБА МОВАРОУННАҲР ВИЛОЯТИГА КЕЛИШИ БАЁНИДА

Илгари айтиб ўтилганидек, подшоҳ Туғлуқ Темур ўз вилояти ва пойтахтига бориб етгач, ҳисобсиз лашкар йиғиб, қайтадан Мовароуннаҳр диёри томон юзланди ва Хўжанд шаҳрига етиб келди. Амир Боязид итоат ва бўйсунуш камарини жон белига боғлади. Амир Баён ҳам бўйсунуш мақомида туриб, уни истиқбол этиш учун Самарқандга келди. Амир Ҳожи Барлос амирлар билан кенгашди ва уларга: "Амирларнинг подшоҳларга муҳолифлик қилишларида омонлик йўқдир", деди-да, Аллоҳга таваккал қилиб унинг олдига борди. Шу аснода подшоҳ амир Боязидни тутишга амр қилди. Амир Ҳожи Барлос бундан ваҳимага тушди ва: <Тоқат қилиб бўлмайдиган нарасдан қочиб, пайғамбарлар суннатидан>, деган (нақл)га амал қилиб қочди ва Кеш вилояти сари юзланди. Вилоят халқини кўчириб, Омуя сувидан ўтказиб,

Хуросон вилоятига кирди. Амир Соҳибқирон эса кундан-кун кучайиб бораётган давлатининг ишорати билан подшоҳ томонга жўнади. Керойит қабиласидан бўлган амир Ҳамид подшоҳнинг яқин кишиларидан эди; у ақлда, тадбирда машҳур, иш юритишда ва халқ ҳожатини чиқаришда маълум эди. Амир Соҳибқирон у билан учрашиб, кўп маъқул ва кўнгилга ёқадиган сўзларни айтди. Амир Ҳамид уни подшоҳ олдига олиб борди. Амир Соҳибқирон подшоҳ қабулида бўлиш ва унинг парваршини қозониш шарафига етишди. Ҳукм бўлдики, Кеш вилоятининг тумони унга топширилсин ва ўн минг киши унинг фармонида ва қарамоғида бўлсин.

(Подшоҳ) ҳукмига биноан лашкарлар тартибга келтирилди ва қиш фаслида амир Ҳусайн томон йўналдилар. Жанг сафи тизилган куни Кайхисрав амир Ҳусайн лашкаридан (19) қочиб, подшоҳ хизматиغا кетди. Амир Ҳусайн қарши туришни маслаҳатдан деб топмади. Подшоҳнинг лашкари вилоятларни то Ҳиндукушгача талон-торож қилди ва яна Самарқанд томон қайтди; амир Баённи ёсоққа етказди¹.

IV. ПОДШОҲ ТУҒЛУҚ ТЕМУРНИНГ ИККИНЧИ МАРОТАБА ЎЗ ПОЙТАХТИГА ҚАЙТИБ КЕТИШИ ВА (ЎҒЛИ) ИЛЁСХОЖА ЎҒЛОННИ МОВАРОУННАҲР ПОДШОҲЛИГИГА ҚЎЙИШИ БАЁНИДА

Подшоҳ Туғлуқ Темур Мовароуннаҳр мамлакатини истило қилгач, атрофдаги амирлар, нўёнларни қаҳру ғазаб ва лутфу карам билан итоату бўйсунуш измига киритди, фасоду бузуқчилиги билан уни ташвишга солган бир жамоани эса ёсоққа етказди. Ишончга лойиқ кишиларни лутфу марҳамат билан тақдирлади. Низо қўзғатади деб гумонсираган кишилардан бирор кимса қолмагач, ўз ўғли Илёсхожани Мовароуннаҳр салтанатдорлигига тайинлади. Амир Бекижакни унинг хизматиغا қўйди. Ўзи эса шону шавкат ва комронлик билан пойтахтига қайтди. Амир Соҳибқиронни ҳам шаҳзода хизматиغا тайинлади ва турли-туман тарбияту марҳаматлар кўрсатди.

Подшоҳ кетгандан кейин Бекижак унинг амрига мувофиқ иш юритмади. Зулму адолатсизлик билан душманлик туғён қила бошлади. Амир Соҳибқирон уни шу ҳолатда кўргач, суҳбатидан ўзини узоқ тутишни маслаҳат кўрди, чунки бир куни келиб, у туфайли подшоҳ олдида шармисор бўлиб қолмаслиги керак эди. Шунга биноан улардан айрилди ва амир Ҳусайн томонига қараб жўнади. Сағча қудуғ мавзеида иккиси учрашди.

У пайтда Тўкал Хивақ¹ амири эди. У Амир Соҳибқирон ва амир Ҳусайннинг аҳволидан хабар топгач, макру ҳийла билан уларни қўлга туширишни хоҳлади. Улар унинг қасдидан воқиф бўлишди ва олтмишта навкар билан Поёб² томон йўл олдилар. Тўкал бир минг киши билан уларнинг ортидан кетди. Улар тўқнашдилар ва кун бошланишидан катта жангга киришдилар. Икки томон ҳам мардлик ва мардоналик кўрсатди. Икки томондан шу қадар кўп одам ўлдирилдики, амир Ҳусайн ва Амир Соҳибқирон етти киши билан қолишди, Тўкал эса 50 киши билан. Қолганлар ўлдирилдилар ёки пиёда қолиб қочдилар. Амир Ҳусайн ўша етти киши билан ўзини Тўкал туғи томон урди ва (уларнинг тўдасини) иккига бўлиб, бир-биридан ажратиб юборди. Улар яна бирлашдилар.

Амир Соҳибқирон амир Ҳусайнни олдинга ўтказиб юбориб, ўзи унинг ортидан токи бехатар ерга етгунича қўриқлаб боришни маслаҳат кўрди. Душман уларни таъқиб қилиб, ортларидан бостириб келмоқда эди. Амир Соҳибқирон шамшир ва ўқ-ёй зарби билан душманни қайтариб турди.

Шу ўртада **(20)** амир Ҳусайннинг оти йиқилди. У пиёда қолди. Амир Ҳусайннинг хотини Дилшод ого ўзи пиёда бўлиб, отини унга берди. Амир Соҳибқирон у отга мингунича муҳофаза этиб турди. Орқадан ганимларнинг бири етиб келди. Амир Соҳибқирон унга ўқ узиб йиқитди.

Шундан сўнг улар саҳро томон юзландилар. У билан қолган етти кишидан иккиси хуросонлик, бири чиғатой (қавми)га мансуб ва бошқа тўрттаси мовароуннаҳрликлар эди. Бу кишилар уларнинг отларини олиб қочдилар. Амир Ҳусайн ва Амир Соҳибқирон пиёда қолиб, қудрат эгаси ҳазрат (Аллоҳ)га илтижо қилдилар.

Амир Соҳибқирон амир Ҳусайннинг синглиси бўлмиш ўз ҳурматли ҳарами Улжой Туркон ого билан чўлдан

чиқиб, Фай ариғига етдилар. Туркманлар уларнинг йўлини тўсди. (Амир Темур) душман Улжой Туркон оғзининг ҳолидан воқиф бўлмаслиги учун уни бир қудуққа³ яширди. Ўзи қилич яланғочлаб туркманлар билан жанг қилишга шайланди. Шу аснода қадимий дўсти бўлмиш Ҳожи Муҳаммад исмли бир шахс уни таниб қолди ва туркманларга у билан жанг қилишни ман этди. Унга от келтириб миндирди. Туркманлар ўша тунда уни яна қўлга олдилар. Тонг отгач, уларнинг паст табиатлигини билган Амир Соҳибқирон иккита тўмға ва бир дона лъълни бахшида қилди ва қўлларидан халослик топди. Мазкур Ҳожи Муҳаммад учта отни керакли анжомлари билан ҳозирлаб, Сори Қулончи исмли бир кимсани қачарчи этиб тайинлагач, уларни амир Ҳусайнга етказасан, деб йўлга солди.

Амир Ҳусайнга етишгач, олиб борган отларни унга тортиқ қилдилар, уни отга миндириб, Маҳмудий (деган жой)га етдилар. У жойда сув йўқ эди. Сувни қудуқдан тортишди. Ўн икки кун у жойни манзил қилиб туришди.

V. АМИР АЛИБЕКНИНГ АМИР ҲУСАЙН ВА АМИР СОҲИБҚИРОНИ УШЛАБ, МОХОН¹ДА ҲИБС ҚИЛГАНИ БАЁНИДА

Амир Ҳусайн ва Амир Соҳибқирон ҳодати шу даражага етганда, Алибек Жовуний Қурбоний² бу маънидин воқиф бўлди ва қуролланган олтмиш нафар кишини ҳозирлади. Улар ҳужум қилиб, буларни банди этгач, Мохон вилоятига олиб кетдилар ва ваҳшатли бир мавзеда нохуш бир жойга³ қамаб қўйдилар. Муҳаммадбек Алибекнинг акаси эди. У укаси олдига одам юбориб, унга насиҳат қилди ва нолойиқ қилмиши учун маломат этди. Укасини уларни озод қилишга зўр бериб ундади. Ўзининг хос кишилари орқали улар учун тухфалар (21) ва ҳадялар жўнатди. Алибек мурувватсизлик қилиб, тухфаларни уларга бермади. Аммо уларни ҳибсдан бўшатиб, ориқ от ва озғин туя берди. Шу ўртада Амир Соҳибқироннинг хизматига Муборакшоҳ Санжарий⁴ исмли қадимий дўсти етиб келиб, яхши отлар тортиқ қилди. Узрлар айтиб, мақбул бўладиган хизматларни бажо келтирди. Амир Соҳибқирон отларнинг ҳаммасини амир

Ҳусайнга тортиқ қилди. Иттифоқ билан Гармсир томонга жўнашди. Амир Соҳибқирон ижозат сўраб, Бухоро томонга кетди⁵. Қудуққа бекитиб қўйгани Улжой Туркон оғони отга миндириб⁶, ўз вилояти ва эли ичига кирди⁷. Тамука⁸ уларни қарши олиб, ер ўпиб хизматда турди. Ўн беш киши тўпланиб, отланишди ва Хузор томон йўл олишди. У мавзедаги отларни ҳайдаб Оққубийга етказишди. Омую сувидан ўтказиб, чўлга ва қумликка киришди. Арғуншоҳ Бурдолиқий у ҳазратнинг суҳбатдош хизматкори эди, у ўн беш киши жамлади. Ҳаво ғоятда иссиқ бўлганидан (Омуя) суви бўйидаги тўқайда бир ой тўхтаб турдилар. Тўсатдан жуда кўп аскарнинг қораси кўзга ташланди ва у ерда қолишни маслаҳат кўрмадилар. Улуғ Тангрига таваккал қилиб ўзларини Омую сувига ташлашди. Аллоҳнинг инояти билан душманлар ёмонлигидан қутулишди. Улжой Туркон оғо ҳам Амир Соҳибқиронга эргашиб, от билан ўзини сувга ташлади ва сувдан саломат кечиб ўтди. (Сўнг) чўлга кирдилар ва ўша ернинг яйловларида бир ой кун кечирдилар. Шундан сўнг отланиб, у ердан Самарқанд томон юзландилар ва (шаҳарда) Амир Соҳибқироннинг опаси Қутлуғ Туркон оғо уйига келиб тушдилар. Ўша ерда қирқ саккиз кун бўлдилар. Уларнинг келганлиги овозаси халқ орасида тарқалгач, отланиб Кеш шаҳри яқинига келдилар ва Ажиғий номли қишлоққа тушдилар. Яна қирқ саккиз кун бу ерда турдилар. У ердан отланиб, Омую сувига етдилар. Дарё соҳилида Темурхожа ўғлон ва Баҳром⁹ келиб, Амир Соҳибқиронга учрашди. Дийдор кўришишдан шоду хурам бўлдилар. Ҳаммалари ватанларини тарк этиб, Гармсир томон юришга азму ирода қилдилар. Тумон (Гармсирий)¹⁰нинг ҳузурида амир Ҳусайннинг хизматига етишдилар¹¹. (Сўнгра) мингга яқин киши билан Сеистонга кетдилар¹². Шу пайтда Сеистон ҳокимига қарши зўр бир душман пайдо бўлиб, ҳоким унга қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилаётган эди. У буларда буюклик ва шижоат нишонларини кўргач, уларга: "Душманим ғолиб келиб, мени ожиз қолдирди. Агар мардона ёрдамингиз билан ғанимларим дафъ бўлса, сизларга жавоҳир ва кўп мол тортиқ қиламан ва токи тирик эканман, мамнун ва миннатдор бўламан", деб кўп ялиниб-ёлворди. Улар (илтимосини) қабул қилиб, саодат билаги зўри билан унинг душмани вужудининг тутунини чиқардилар, уларни мағлуб этиб қочирдилар. Сеистон подшоҳи ваъдасига вафо

этмади ва булар Сеистонни ташлаб чиқдилар. Сағзийлар¹³ (22) буларнинг йўлини тўсди. Улар кўп сонли бўлгани учун жанг узоқ давом этди. Амир Соҳибқирон ўқ отишда замондош ва тенгдошларининг мумтози ва жаҳон яғонаси эди. Ҳар бир отган ўқи билан бир сағзийни қулатарди. Байт:

Қўлига олар бўлса ўқу камон,
Кутулмас эди ҳеч ким бегумон.

Сағзийлар кўп эди. Амир Соҳибқироннинг забардастлигини кўришгач, ноилож ҳаммаси бирдан ҳамла қилди. Шу ўртада Амир Соҳибқироннинг қўлига ўқ тегиб, мажруҳ бўлди. Пировардида амир Ҳусайн ва унинг лашкари сурон билан жангга кириб, сағзийларни тўхтатиб қўйдилар. Амир Соҳибқиронни Гармсирга олиб боришиб, (амир) Тумон олдида қолдирдилар ва бир неча кишини унинг хизматига қўйдилар, токи улар уни даволашга машғул бўлсинлар. Амир Ҳусайн тўқсонга жанговар кишиси билан Бақлонга бориб етди. Охир оқибатда Бекижакнинг кичик укаси кўп аскар билан келиб, буларнинг йўлини тўсди. Ўртада жанг бошланди, улар кўп бўлганлигидан амир Ҳусайн лашкарини тўзғитиб юборди. Амир Ҳусайн ўн икки киши билан қочди, улардан тўрттаси отлиқ, саккизтаси пиёда эди. Шибарту мавзеига бориб етдилар. Бу орада Амир Соҳибқироннинг қўли анча тузалиб қолди. <Аллоҳ ўз бандаларига лутф этадур>¹⁴ деган оят табиби <биз Қуръон (оятларидан) шифо бўлганларини нозил қилурмиз>¹⁵ (ояти) дорухонасидан шафқат марҳамини қўйиб, унинг заҳмини даволади. У Темурхожа ўғлон ва унинг навкарлари билан йигирма тўрт киши бўлиб, Каҳмард томон жўнади. Улар амир Ҳусайннинг хабарини эшитганди. Севинч номди навкарни унинг олдига юбордилар¹⁶. У бориб хабар¹⁷ етказиши лозим эди. Бир-бирлари билан Арсафда¹⁸ учрашишга қарор қилдилар. Шу ўртада Амир Соҳибқироннинг Сиддиқ исмли биродари¹⁹ ўн беш кишиси билан етиб келди. Бир-бирлари билан дийдор кўришганларидан шодмон бўлдилар. Шу куниёқ уни амир Ҳусайн томонига юбориб, ўзи ҳам кетидан йўлга тушди. Арсаф томонидан юз отлиқ киши кўринди. Билиб келмоқ учун одам жўнатди. "Агар бизга элу дўст бўлса, чарх уриб айланиб билдирасан", деди. Етиб келгач, қарасалар, у Ҳарту Эсин ўғли Қазончи

экан. Амир Хусайннинг хабарини эшитиб келаётган экан. Чарх уриб айланди. Икки томондан югуришиб бир-бирларига етишдилар. Амир Соҳибқиронни кўргач, шодландилар. Амир Хусайннинг келганини билиб, Арсаф томон кетдилар. Қайси бир жойга тушсалар, қоровул юбориб, эҳтиёткорлик чорасини кўриб туришарди. Тонгда қоровул узоқдан (бир тўда отлик) қорасини кўриб хабар қилди. Гумонсираб, текшириб кўришди. Улар амир Туғлуқхожа Барлос, амир Ҳожи Сайфиддин, Отша, Туто бошлиғ ва бошқа таниқли кишилардан иборат етмиш нафар бир жамоа эди. Улар Амир Соҳибқирон номини эшитгач, пиёда бўлдилар ва таъзим маросимини бажо келтирдилар. Ҳар икки томондан шодлик изҳор этдилар. Эртаси куни Каҳмард тарафдан тўзон пайдо бўлди. Текшириб кўрсалар, Шербаҳром экан. У гапга кирмасдан (амир) Тумон олдида қолган эди, (энди) амир Хусайн ва амир Соҳибқиронни истаб келибди: бу воқеа ҳам қувват ва шавкат ортишига сабаб бўлди. Сиддиқ эса амир Хусайн олдида етиб бориб, унга Амир Соҳибқирон хабарини етказгач, (23) амир Хусайн ғоятда севинди. Дарҳол отланди. Тумқули бир юз ўттиз, Маҳмудқули бир юз эллик киши билан унинг кетидан равона бўлдилар. Арсафда бир-бирларига етдилар. Яхши-ёмон ўтган кунлардан, замона саргузаштларидан ҳикоятлар айтиб, тинглаб ўлтирдилар. Шу ўртада Менгли Буғонинг Улочуда душманликка бел боғлаб турганлиги маълум бўлди. Булар унинг қалъасига боришга қасд қилдилар. Шербаҳром рози бўлмади. У: "Менгли Буғо менинг дўстим, мен унинг олдида бориб насиҳат қиламан, у хизматга келади", деди. Менгли Буғо бу аҳволдан хабар топгач, қалъани ташлаб қочди. Шу ҳолатда турганларида Дулон Жован²⁰ элидан уч юз киши (Соҳибқирон) хизматига келдилар. Ер ўпиб, ўзларининг аслида Амир Соҳибқироннинг элу юртидан эканликларини, яна хизматга келганликларини билдирдилар. Буларнинг келиши Амир Соҳибқирон шавкати ортишига сабаб бўлди. Дарайи Арсаф мавзеига бориб тушдилар. Отларига қўйилган қоровул бир қорани кўриб, хабар қилди. Текшириб билишса, Тумоннинг ўғли Ўлмас²¹ экан, у икки юз киши билан эл оралаб (Балх) вилояти отларини ҳайдаб келаётган экан. Амир Хусайн ва Амир Соҳибқирон хабарини эшитиб, уларнинг хизматига етиб келди.

Амир Соҳибқирон Тамукани тўрт нафар киши билан Қаҳлаға томонига хабар олиб келиш учун юборди. Улар бориб, мўғуллар вилоятга кириб, талон-тороғ қилаётганини кўришди. Тамука ўз уйи яқинига етди²². Оғани ва қариндошлари ҳозир бўлдилар ва бир-бирлари билан қучоқлашиб, шодлик изҳор қилдилар, Тамукага: "Уйингга туш, болаларингни кўр", деб шунча қистасалар, у: "Менинг хожам уйдан узоқда бўла туриб, унинг хизматкори уйини кўриши муносиб эмас", деди.

Шу аснода амир Ҳусайн ва Амир Соҳибқирон Дарагезга²³ кўчиб ўтдилар ва Улжой Буғо майдонига тушдилар. Амир Соҳибқирон амир Сулаймон, амир Мусо, амир Чоку, амир Жалолиддин ва амир Ҳиндукаларнинг Термизга келиб тушганлигини эшитиб²⁴, Тулун Буғони улар томон юборди ҳамда ўртада бир кеча ўтказиб, Омуя сувидан ўтишни ва аҳволни уларга билдиришни буюрди. Шу ўртада Абу Саъид, Менгли Буғо ва Ҳайдар олти минг мукамал қуролланган киши билан гинаю кудурат ва душманлик камарини белга боғлаб, бир кеча оралатиб, эрталаб Амир Соҳибқирон устига бостириб келдилар. Ўртада фосила бўлиб турган Оби Сиёҳ соҳилига тушдилар. Ҳар икки лашкар бир-бирига қарши пистирмада турдилар. Амир Соҳибқирон уларнинг яқинига бориб, оқилона муомала ва ширин сўзлар билан уларни бир оз шаштидан қайтарди. Ҳа, шундай, оқил киши ва комил хирадманд теран фикру дониш билан қувватланар экан, у тил тифи билан шу қадар (кўп) дину давлат ишларини бажара оладики, мингта жангчи ўткир шамшир билан уларнинг ўндан бирини ҳам амалга оширолмайди. Душман Дарагез суви²⁵ лабини эгаллади. Амир Соҳибқироннинг лашкари эса қарши қирғоқ бўйлаб Қуд ариғи соҳилидан борар, жанг қилишга жой ва сувдан ўтишга кечув излашарди. Шу зайлда Балх рўпарасига бориб қолдилар. Абдуллоҳ ариғини (24) ўртада қолдириб, унинг икки қирғоғида саф тортдилар. Лашкарнинг маймана ва майсара қанотларини тартибга келтирдилар. Шу вақтда Термизга келган вилоят амирлари: амир Мусо, амир Сулаймон ва амир Чоку ҳаммалари Амир Соҳибқирон олдига етиб келиб, хизматга турдилар. Тамука ҳам келиб қўшилди. Чошгоҳ пайтидан то кеч тушгунча икки томондан ўқ отиб турдилар. Тўсатдан бир ўқ келиб Тамукага тегди ва у ярадор бўлди. Ўша кунни тунга уладилар.

Эртаси куни тонг отгач, Амир Соҳибқирон вақтни ўтказмай ҳамла қилди ва Тангрининг қўллаб-қувватлаши ва давлат билагининг кучи билан душман лашкарига шикаст етказди. Уларни қувиб кўприкдан ўтказди ва шеру бўридан қочган қўй галасидек олдига солиб ҳайдади. Амир Ҳусайн ва Амир Соҳибқирон узангиларида галабаю жиловларида зафар билан ўз иззат қароргоҳларига келиб тушдилар. Лашкарни санашган эди, роса икки минг киши экан. Амир Соҳибқирон лашкарга етакчилик (манғлой) қилиб, кемага ўтирди ва Термиз томонга ўтди. Қаҳлағага қоровул юборди. Қоровулни йўл қоқиб чарчаган экан, уйқу галаба қилиб ухлаб қолди. Бекижакнинг биродари Ожунойнинг лашкари етиб келди ва унинг олдидан ўтиб кетди. Амир Соҳибқирон қоровулга ишониб, унинг хабарига мунтазир бўлиб турган эди, тўсатдан душман лашкари тўда-тўда бўлиб келиб қолди. Амир Соҳибқирон шу аҳволда лашкарини тартибга солишга қодир эмасди. Бирин-кетин ўзларини кемага ташлаб, Омuya сувидан ўтиб олдилар. Амир Соҳибқирон андак лашкари билан орол ўртасида тоза жанг қилди. Лашкарнинг ҳаммаси сувдан кечиб ўтгунича бир мунча вақт шу тарзда тўхтаб турди. Аммо чодирлари, юку анжомлари душман томонида қолиб кетди. Сувдан ўтганларидан кейин кемаларни куйдирдилар. У жойда²⁶ бир ой тўхтаб, сўнгра Балхга қарашли бўлган Хулм мавзеига етдилар. Таралиб кетган аскарлар шу жойда жамъ бўлди. У ердан равона бўлиб, Бурулдой элини тўпладилар. Сўнг эса Бадахшон ва Толиқон томон юрдилар. Оби Шўрда Бадахшон шоҳлари сулҳ туздилар. Бир неча кун у ерда тўхтаб турдилар. Сўнгра Амир Соҳибқирон лашкарга муқаддима ва манғлой бўлиб Арҳанг Сарой²⁷ томонга қайтдилар. Соли Саройдан ўтиб чўлга кирдилар, ундан бориб Кўлак²⁸ даштига тушдилар. Амир Соҳибқирон шу кечада кийимларини ечиб, этигини тортиб, хотиржам ухламоқчи бўлиб турганида, амир Ҳусайннинг кишиси келиб, тез етиб боришини талаб қилди.

Амир Соҳибқирон дарҳол туриб жўнади: хизматига етиб борганида Пулод Буғо ва Шербаҳром унинг олдида эканлар. Амир Ҳусайн Шербаҳромдан шикоят қилиб: "Ҳозир биз душман лашкарларига йўлиқиб турганимизда бу бевафолик қилиб, ўз вилоятимга кетаман дейди, шунча насиҳат қилсам ҳам фойдаси йўқ", деди. Амир Соҳибқирон ҳам унга кўп насиҳат қилди, фойда бермади. Амир Ҳусайн дарғазаб бўлди-

ю, аммо, ғазабдан бўшалиш пайти эмас эди, аччиғини ютди. Шербаҳром мухалифлик қилиб, ўз ерига жўнади. Амир Ҳусайн (25) Амир Соҳибқиронни лашкарга манғлой қилиб: "Илгарироқ юр, чунки эшитилишига қараганда душманлар Тошкўприқдан ўтиб, Жалонийгача бўлган (ерларни) эгаллаб ўтирибдилар", деди. Амир Соҳибқирон йўлга тушди. Бориб кўрдик, Туғлуқ ва Кайхисрав лашкар муқаддимасида мўғул амирларидан кўплари билан лашкарнинг қул қисмида турган экан. Бубакон ўғли Темур, Сориқ, Шонкум, Ҳожибекнинг биродари Туғлуқхожа, Бекижакнинг ўғли Куч Темур ва бошқа Ҳазора амирлари йигирма минг киши билан келиб, Жалонийдан то Пули Сангин²⁹ гача бўлган ерларда жойлашган эдилар. Амир Ҳусайн лашкари олти мингга етарди. Улардан икки минг кишини саралаб, Амир Соҳибқиронга берган эди. Амир Соҳибқирон ўша сараланган икки минг киши билан улуг Тангрига таваккал қилиб чошгоҳдан кеч киргунгача тўхтовсиз жанг қилди. Шу қадарки, охири икки томон лашкарининг тоқати тоқ бўлди. Шом намози вақтида (Соҳибқирон) атрофга назар солиб қараса, душман лашкари ҳали кўп, иш эса жуда оғир. У ўткир зеҳни билан бу бобда етук фикр юргазди. Нурли хотири ойнасида "амир Мусо, амир Муайяд ва Учқаро баҳодирлар беш юз киши билан Пули Сангин бошида душман лашкари қаршисида турсинлар", деган маъни юз кўрсатди.

Амир Соҳибқироннинг ўзи бир минг беш юз тажрибали, жанговар отлиқлар билан Эсан майдонидан то Кеш теваригача бориб, ярим кечада сувдан ўтдилар ва тоғ устига чиқиб, ҳар жой-ҳар жойда ўт ёқдилар. Ғаним қоровуллари буларнинг хабарини етказдилар. Хавф ва қўрқинч ғалаба қилиб, душман қочишга юз тутди. Амир Соҳибқирон уларнинг кетидан қувиб ҳалокатга дучор қилди: ўлдирилганлардан тепалар пайдо бўлди. Шу ҳолда Кужроти майдонига етиб, шу ерга тушдилар. Иккинчи томондан амир Ҳусайн лашкарнинг қул қисми билан етиб келди. Амир Соҳибқирон яна икки минг кишига манғлой бўлиб Қаҳлағага етди. Амир Сулаймон, амир Чоку, амир Баҳром, амир Жалолиддин Барлос, Ҳожи Сайфиддин ва Йўл Темурга икки юз кишини бериб, улардан тўрт қўшин тузишни ва ҳар бир отлиққа иккитадан дарахт шохини икки ёнига осилтириб боғлатиб, йўлга тушишни буюрди, токи душман йўлнинг чангу тўзони осмонга кўтарилганини кўриб, кўп лашкар келаётган экан деб тасаввур қилсин. Улар бу буйруқни бажо келтирдилар. Кеш шаҳрига кирдилар.

Бу пайтда Жете³⁰ лашкари Тошариқ³¹ да эди. Амир Соҳибқирон юз киши билан орада бир кеча ўтказиб Хузорга етди. Хузор ва Кеш лашкарларини жамлаб, Жигдолик³² томонга юборди. Уларга Тойхожа Салбарийни лашкар кетидан чиғдовул қилиб жўнатди. Шайх Муҳаммад лашкарнинг саккиз қўшини билан уларга бориб қўшилди. Лашкарнинг бариси Жигдолик томон йўл олди. Шу ўртада амир Ҳусайн қул лашкари билан етиб келди. Бундан қирқ икки кун олдин Қатлонда ажралиб кетган Шербахром ҳам уларга қўшилди. Ҳаммалари Жигдоликда жамъ бўлдилар. Амир Ҳусайн Амир Соҳибқирон билан учрашиб, зафарнишон лашкар билан Хузор томонга кетдилар. Хожа Размоз³³ мозорида унинг руҳидан ёрдам тилаб, аҳду паймонни янгиладилар. (26) Ўтмишдаги дўстлик ва ихлос (тугунлари)ни бирлик ва хослик (изҳори) билан мустаҳкамладилар.

Тангри таоло Амир Соҳибқиронни улуғ ишларга мўлжаллаб қўйганлиги учун уни муҳофаза қилиб келар ва унинг давлату саодати асарлари кундан-кун зиёдроқ намоён бўлар эди. Шу боисдан (Аллоҳ таоло) унинг дилидаги ҳақ кўмагига бўлган ишончни орттиришни истади: кунларнинг бирида у чошгоҳ вақтида бир фикр билан машғул бўлиб турганда: "Шод бўл, ғам ема, Тангри таоло сенга ёрдам ва зафар каромат қилди", деган овозни эшитди. Амир Соҳибқирон: "Бу жойда бирон кимса сўзладими ёки йўқми?" — деб сўради. У ерда ҳеч кимса йўқлиги маълум бўлгач, бу сўзлар унинг идрок қулоғига ғойибдан келганлигини фаҳмлади. Унинг дили илоҳий кўмак билан қувватланди.

Илоҳий одат шундай бўлиб келганки, агар у бирор бандасига иноят назари билан қараса, уни ўз тарбиясини қабул этишга лойиқ қилади: гоҳи-гоҳида унга олами ғайбдан хуш-хабар беради, токи бандаси ундан қувватланиб, у вазифани қабул қилишга тайёр бўлсин. Чунончи, ҳазрат пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламга нисбатан шундай қилганки, Жабраил тушиши ва пайғамбарлик мансабига тайин этилишидан илгари ғайбий хотиф-хабарчилар орқали унинг дилига қувват бериб турган: шу қабилда секин-секин (у зотнинг) муборак қалбларида бир неча суратлар жой олган ва улар қувватдан амалга кўчган пайтда (у кишида) уларни қабул қилишга лаёқат пайдо бўлган эди.

Амир Соҳибқиронда ҳам шундай ҳолат содир бўлгач, у бундан шод бўлиб, амир Ҳусайн хизматига шошилди ва рўй

берган воқеани унга айтди. Буни яхши фолга йўйиб, (бўлажак) давлатдан умидвор ҳолда отландилар. Худого таваккал қилиб, икки жамоага бўлиндилар: ўнг қўлда амир Ҳусайн лашкари ва чап қўлда Амир Соҳибқирон лашкари. Уларнинг лашкари оз сонли эди. Тошариқда жойлашган душман лашкари эса кўп эди. Уларнинг бошлиқлари Илёсхожахон, амир Ҳамид, амир Тўқ Темур ва Бекижак эди. Улар ҳам икки гуруҳга бўлиндилар. Ўнг қўлда Тўқ Темур, Бекижак, чап қўлда амир Ҳамид, қул қисмида эса Илёсхожа турди. Қабойи Матон³⁴ мавзеида жанг сафларини тиздилар. Амир Соҳибқирон ўзини ул поёнсиз денгизга урди ва Рустами Достондек шамширу камонига қўл узатди. Биринчи ҳамлада Тўқ Темур баҳодир, Бекижакнинг биродари Беки, Давлатшоҳ ва бошқа икки подшоҳзодани отлар оёғи остига ташлади. Барин қабиласидан Тумса ва Жамродийларнинг хос кишиларидан Жанбу — ҳар иккиси жангда мардоналик кўрсатишди ва душман лашкаридан кўпини ҳалок қилишди, қолганларни у ердан чекинтириб, остин-устин қилиб юбордилар. Амир Соҳибқирон душман кетидан қувлаб, Оби Ёмга³⁵ етди ва (у ерда) йўлларини тўсиб, улардан кўпини ўлдирди. Амир Чоку ва амир Сайфиддинни лашкар билан Самарқандга юборди. Искандар ўғлон, амир Ҳамид, амир Юсуфхожа қўлга тушдилар³⁶. Улар амир Бекижакнинг Илёсхожа билан қочганлигини маълум қилгач, (27) амир Ҳусайн ва Амир Соҳибқирон шоду хуррам бўлиб, бир неча кунни Оби Ёмда ўтказдилар. Амир Соҳибқирон амир Ҳусайн билан маслаҳатлашиб, Шербаҳромни (ҳамроҳликка) тайин қилди, улар ўз лашкарлари билан Хўжанд сувидан³⁷ кечиб ўтиб, Тошканд четига келиб тушдилар. Амир Соҳибқирон ва амир Ҳусайн ҳар иккиси бир неча кун қандайдир касалликка чалиндилар. Охири Тангри таоло ғайб хазинасидан шифо каромат қилди. Улжой Туркон оғо ҳам Гармсирдан етиб келди.

(Амир Соҳибқирон ва амир Ҳусайн) кўнгилларини ёзиш ва дилларини яйратиш учун Оқорда ов қилиш билан машғул бўлдилар. Кунларни айшу ишрат, зиёфат ва тўй бериш билан ўтказдилар. Сўнгра омонлик ва зафар қўлловида Самарқанд шаҳрига кирдилар ва тинчлигу осойишталик тахти узра фароғатда ўтирдилар. Байт:

То чекмагунча ранжу машаққат
Бўлмас муяссар бу ганжу давлат.

Мамлакат аҳволи шу хилда қарор топиб, Самарқанд бўйсундирилгач, пайғамбарлар саййидининг, <у кишига Тангрининг раҳмати ва саловоти бўлсин>, ҳижратидан етти юз олтмиш бир йил ўтганда (1359 йил 23 ноябр—1360 йил 11 ноябр) амирлар ва нўёнлар Оқор мавзеида кенгаш қилишиб, Кобулшоҳни подшоҳлик тахтига ўтказдилар³⁸ ва шундай бир маросимга муносиб тўй қилиб, тухфа ва пешкашларни тақдим этдилар: айшу ишрат базмини ўрнига қўйдилар. Шеър:

Тўй қилдилар зебу зийнат билан соз,
Унинг васфин қилсам сўз бўлмай дароз.
Олтин-кумуш, нозу неъмат пайваста,
Бутун айвон саҳни бўлди ораста.

Шу аснода Амир Соҳибқирон ўз отасининг қадим дўстлари бўлмиш Искандар ўғлон ва амир Ҳамиднинг (гуноҳидан ўтишни) амир Ҳусайндан илтимос қилди. Амир Ҳусайн Амир Соҳибқироннинг юз-хотирини қилиб, уларнинг қонидан кечди ва (Соҳибқиронга) бахшида этди. Аммо уларнинг ажали етганлиги сабабли бу савъ-ҳаракат фойда бермади.

Амир Ҳусайн Соли Саройга қараб йўл олди ва амир Соҳибқиронга Жунайдни Зиндачашмга топширишни буюрди. Соҳибқирон унинг амрини бажо келтирди. Ўша кечаси Зиндачашм унинг ишини саранжомлади. Тонг отгач, Амир Соҳибқирон амир Довуд ва амир Сайфиддинларни амир Ҳамидни талаб қилиб олиб келиш учун юборди. Боязид ва Иман эса улар амир Ҳамидни ўлдиргани келаётирлар деб ўйлаб, улардан илгарироқ уни гурзи ва қилич зарби билан ўлдирдилар. Амир Ҳусайн бу ҳолатдан воқиф бўлгач: бу кечмишда навкарлар ва паст мансабдаги кишилар юқори даражадагилардан яхшироқдир, деди. Шунингдек, амир Ҳусайнни қистовга ола беришгач,³⁹ у Искандар ўғлонни ҳузурига чорлатиб, ёсоққа етказди.

Қиш тугаб, баҳор ўз жамолидан оламга гўзаллик берган пайтда душманларнинг (бир ерга) тўпланганликлари хабарини келтирдилар. Амир Соҳибқирон амир Ҳусайн ҳузурига элчи юбориб, уни бўлган воқеадан воқиф этди. Амир Ҳусайн Амир Темурга лашкарнинг муқаддимасини ташкил этиб, илгарироқ боришини буюрди. Амир Соҳибқирон, Пўлод Буғо, Зиндачашм ва бошқа лашкарлар билан йўлга тушиб, Оқор мавзеига етди. У ерда то отлар семирғунича бир неча кун тўхтаб турдилар.

Амир (28) Ҳусайн (ҳам) лашкарларни тўплаб келиб, Ҳўжанд сувидан ўтди. Душман лашкарининг манғлой қисми яқинлашиб келди. Амир Соҳибқирон Чинос ва Тошканд ўртасига келиб тушди. Унинг буйруғига кўра лашкар атрофига ғовлар қурилди. Амир Ҳусайн ҳам етиб келди, у лашкарини сувдан ўтказиб (шу ерда) жойлашди. Душманлар Бодом суви⁴⁰ ёқасини эгалладилар. Шу вақтда амир Ҳусайн ўз амирларига нисбатан бадгумон бўлиб, авзойи ўзгарган эди. Амирлар ва давлат арконлари ҳам иккиланишиб, Амир Ҳусайнга бўлган ишончлари йўқолган эди.

Уша куни ҳар икки томон лашкарининг қоровуллари бир-бирларига яқин етдилар. У йил — илон йили эди⁴¹. Икки наҳс сайёра⁴² бир-бирига яқинлашай деб қолган эди. (761 йил) муборак рамазон ойининг аввалида (1360 йил 16 июн) саф тиздилар. Амир Ҳусайн ўнг қўлда турди. Қанбулда арлотийлар қабиласидан Тилончи эди. Ҳировулда амир Ул-жойту, Шербахром, Пўлод Буғо, Фарҳод, Малик ва буларга монанд номдор баҳодирлар турган эдилар. Амир Соҳибқирон чап қанотда жойлашган эди. У лашкарни тартиб ва интизомга келтирди: қанбулга амир Сори Буғони тайин қилди, ҳировулга Темурхожа ўғлонни жойлаштирди. Амир Чоку, амир Ҳожи Сайфиддин, амир Мурод, амир Аббос — бу номдор баҳодирлар лашкарнинг қул қисмини ташкил етдилар. Улар қатъий азму қарор ва зўр жидду жаҳд билан душманга юзландилар. Тўсатдан ҳаво ўзгарди: осмонни булут (қоплаб), ёмғир ёға бошлади. Камону ўқлар шу даражада (нииб) кетдики, чунончи душманга отиш мумкин бўлган бирорта ўқ қолмади. Тўнлар ва этиклар сувга ғарқ бўлди, саллалар бошга оғирлик қилди. Лой ва балчиқ шу даражага етдики, отлар жойидан кўзгалолмай қолди. Душман аскарлари наमत жомалар ёпиниб, жойларидан кўзгалмай осуда турдилар. Амир Ҳусайн яқинлашиб келгач, мумкин бўлган қадар жанг бошладилар. Амир Ҳусайннинг лашкари душман лашкаридан зиёд эди. Бир-бирларига ташландилар. Чап қанотда турган Амир Соҳибқирон душманнинг ўнг қанотига шикаст етказиб, уни жойидан улоқтирди. Подшоҳ⁴³ лашкари тарқалиб кетди. Уларнинг қанбулида Шонкум турган эди. Улар қочдилар, чунки тўхташга имконлари йўқ эди.

Аммо, душманнинг чап қанотдаги лашкари ғолиб келиб қувватланди ва Тилончи ҳамда Зиндачашмни қувлашга тушди. Душман лашкарининг қанбулида Шером Ижам (?) борарди, у забардастлик ва мардоналик билан

лашкарни қувлаб, амир Ҳусайн (турган жойга) етказди ва амир Ҳусайннинг қул қисмини жойидан қўзғатди. Шербаҳром бу ҳолатни кўргач, жўшқинга келиб, Пўлод Буғо ёнига борди. Унинг ортидан амир Шамсиддин ҳамла қилиб, баҳодирлик мақомида мардоналик кўрсатди, қўй галасига ўзини урган бўридек душманларни қувлади. Амир Соҳибқирон бу ҳолатни кўргач, Аллоҳ таолодан кўмак тилаб, ўн етти қўшун билан ҳамла қилди, душман бошига ўқу қилич ёғдирди. Лашкарининг кўплигига қарамай, Шамсиддинни қочишга мажбур қилди. Амир Ҳусайн душманнинг мағлуб бўлгани, Амир Соҳибқироннинг ғалаба қозонганини кўргач, яна ўз лашкари (29) олдига қайтди ва жойидан жилмагандек бўлиб турди.

Амир Ҳожибек душманнинг ўнг қанот лашкарини қувиб борарди. Барот ва Ўрунг Темур ўзларининг ўнг қанот лашкарлари қочганини кўргач, қўрқинчда турардилар.

Амир Соҳибқирон ўз навқари Тобон баҳодирни амир Ҳусайн олдига юборди ва унга: "Маслаҳат шундайки, иттифоқ билан яна бир бор душман устига бостириб бориб, мардонавор ҳужум қилайлик", деди. Амир Ҳусайн бундан ғазабланди ва навқарга ўшқириб, чунонам урдик, у йиқилиб қолди. Амир Соҳибқирон иккинчи марта Малик ва Ҳамдийни унинг олдига юбориб, (номаъқул) ҳаракатига илтифот кўрғазмай: "Маслаҳат шулким, душман устига бостириб борайлик ва бу ишда сустлик қилмайлик", деб таъкидлади. (Амир Ҳусайн) яна ғазабланди ва шундай деди: "Мен душмандан қочганим йўқ. Нега менга бундай дейсан? Агар сизлар душманни қочирсангиз ҳам, ўзингиз қочсангиз ҳам менинг қўлимдан қутулишингиз (?) маҳолдур", деди. Уларга дашном бериб, нолойиқ сўзлар айтди: ўзига эътимод қўйиб, лоф ура бошлади. Унинг аҳволи чеҳрасида бахтсизлик ва кулфат асари намоён бўлганлигига ана шу (гаплари) шоҳидлик бериб турарди. Унинг иши кундан-кун юришмай, орқага кета бошлади. Кимда-ким меҳру оқибат пардасини юзидан кўтарса, аччиқ сўзлар ва номаъқул ахлоқи билан одамлар дилини оғритса, халойиқ ундан нафратланиб, юз ўгиради, унинг душманларига илтижо қилади. Дилга тил жароҳатидан етадиган озор ва қийноққа найза ва синондан етадиган (озор) баробар келолмайди. Шунинг учун демишларким, (байт):

<Найзадан танга етган жароҳат тузаладию,

Аммо тил тигидан дилга етган жароҳат асло битмайди>.

Малик ва Ҳамдий хафа бўлиб, аччиқланган ҳолатда унинг олдидан қайтиб, Амир Соҳибқирон хизматига келдилар ва унинг оти жиловини тутиб: "Жанг қилиш маслаҳатдан эмас", дедилар. Аллоҳ таоло Амир Соҳибқиронни давлат эгаси қилиб яратганлиги туфайли, насиҳатчилар гапига қулоқ солиб, уларнинг тўғри маслаҳатидан четга чиқмади. Шунинг учун барча унга нисбатан муҳаббат ва бўйсунуш камарини жон белига боғлади. Бутун лашкар унга мутиъ, фармонбардор ва тарафдор бўлдилар. Ҳақимлар васиятларида айтилганки: "Агар қайсидир насиҳатгўй сенга бирор насиҳатни сўзласа, сен унга чуқур фикр кўзи билан қарагин. Агар унинг насиҳати бошқаларнинг манфаати учун ва сенинг зарарингга бўлса, ундан сақланмоқликни вожиб бил ва унинг ёмонлигига ишончинг комил бўлсин. Агар ўзгаларнинг зарарига ва сенинг манфаатингга бўлса, аниқ билгинки, у сендан (бирор нарсани) тамаъ қилмоқда. Агар унинг насиҳати сенинг манфаатингни кўзласа, бошқаларга ундан зарар етмаса, албатта, уни қабул қил! Ва унинг сўзидан четга чиқишни жойиз кўрма! Айниқса, агар у киши сенинг ўз табақангдан бўлса, унинг машғулоти сенинг машғулотингга мувофиқ келса, юмушларингга сенга ҳамкорлик қилса, унинг насиҳатини эшитиш (барчадан) лозимроқдир".

Алқисса, осойишталик ноғорасини қоқдилар. Ҳар икки томон лашкари ажралиб, ўз жойига бориб тушди. Амир Ҳусайн (30) кечаси Амир Соҳибқиронни ҳузурига чорлади. Амир Соҳибқирон бормади ва шундай деди: "Одамлар жангда жонини тикмоқдалар, у эса бадхулқлик қилмоқда".

Ўша тун кунга уланди. Лашкарлар отланди. Амир Ҳусайн ва Амир Соҳибқирон лашкарини тартибга келтириб; унинг ўнг ва сўл қанотларини ростлаб, жангтоҳ томон юзландилар. Душманлар қочишга юз тутди. Шамсиддин ҳануз лашкарининг қочганидан беҳабар, улардан ажралиб қолганди. Шу пайт унинг туғи ва нишонаси пайдо бўлиб, лашкари унга қараб кела бошлади. Шу сабабли, душманнинг қочган лашкари хавфдан қутулиб, тарқалиб кетгандан сўнг яна жамъ бўлдилар ва тўсатдан ҳамла қилдилар. Душманнинг ғалаба қозониши азалда белгиланганлиги сабабли ҳаракат фойда бермади. Амир Ҳусайн қочишга юзланди. Унинг дилозорлик ва бадхулқлик дарахти нокомликнинг аччиқ мевасидан ҳосил берди. Лашкар тарқалиб, сочилиб кетди. Худди хазон баргидек отдан лой ва балчиқ устига тўкилдилар. Душманлар ғолиб келиб, аёвсиз қилич тортдилар ва кўп тўдалар-у,

ҳисобсиз одамларни ўлдирдилар, охири ўлдириш уларга малоллик келтириб тўхтадилар. Ўн мингга яқин киши отларнинг оёғи остида қолиб нобуд бўлди. Бу мағлубият воқеъ бўлгач, амирлар ва лашкар қолдиқлари Самарқанд ва Кеш томон жўнадилар. Амир Ҳусайн Амир Соҳибқиронга: "Ўз хонадонинг ва элингни сувдан ўтказ!" — деб буюрди. Амир Соҳибқирон жавоб берди: "Эл-юрт, яқин кишилар сувдан кечиш мақсадида жўнаб кетдилар. Аммо бундан нима фойда? Ахир вилоят вайрон бўлди-ку, яшашу тирикчилик одамлар учун аччиқ кечмоқда, шаҳарлар харобага айланади. Маслаҳат шулки, сиз саломат жўнайберинг! Мен яна бир неча кун шу ерда туриб, лашкар тўплайман ва бу душманлар билан яна бир бор жанг қиламан", деди. Шу гапни айтгач, ўша ерда тўхтади. Жуда кўп жидду жаҳдлардан сўнг ўн икки қўшун аскар йиғиб, уларни тартибга солди. Темурхожа ўғлон, Жовурчи ва Аббос баҳодирни етти қўшун билан лашкарга манғлой қилиб, Самарқанд томонга юборди. Йўлда Жовурчи шароб ичиб маст бўлгач, беҳуда сўзларни айта бошлади ва Довудхожа ҳам Ҳиндушоҳга: "Сизлар нима фикрдасизлар, ахир Амир Темур сизларни ушлаб, амир Ҳусайн олдига юбормоқчи, амир Ҳусайн эса сизларни ўлдиради", деди. Бу гапдан уларнинг хотири паришон бўлиб, қўрқдилар ва юз ўгириб, душман лашкарига қўшилдилар. Кўҳакка етишгач, Жете лашкарининг манғлой қисми бўлмиш Кепак Темур ва Ҳожибек ўғли Энгирчоқ қарши келди. Уларни лашкароҳга етказдилар. Темурхожа ўғлон ўз лашкарини ушлаб туролмади: лашкар жойида турмай тарқалиб, пароканда бўлиб кетди. Лашкарнинг манғлой қисми тўхтаб турмагач, Амир Соҳибқирон Омуга сувидан кечиб ўтиб, Балхга келиб тушди. Тумон, ҳазора, ўз эли, Кепак подшоҳ тобъларини ва Улжой Буғо тумонини йиғди. Чатр-соябон, саропарда: хиргоҳ ва боргоҳларни тикиб, Тангри ҳазратининг неъматига шукрона адо этди ва айш-ишратга машғул бўлиб, машаққат ва оғирчилик кунларида тортган қийинчиликлари эвазига бир неча кунни роҳат ва фароғатда (31) ўтказди. Амир Ҳусайн эса ўз уйига етгач, раият ва қабиласидан бўлганларнинг қай биридаки қувват бўлса, ҳаммасини кўчириб, Қабирту мавзеига олиб борди. У жойда тўхтади ва душман аҳволини аниқлаш учун бир неча кишини тайинлади. Агар душман кучли бўлса-ю, (унга қарши) тура олмаса, Ҳиндистонга ўтиб кетишни ният қилди. Бу азм-қарори ҳам унинг бедавлатлиги далилларидан эди. Чунки шундай демишлар (байт):

Ҳар киши ўз ҳиммати миқдорича топғай камол,
Боғласа кўнглини бир ишга, етғай унга бемалол.

Кимда-ким баланд ҳимматли ва қадр-ҳимматли бўлса, у кичик ишларга бош эгмайди. Унинг назари доимо камолот даражаларида тараққий этиш ва қудрат чўққиси томон кўтарилишга қаратилган бўлади; одамзоднинг ажали азалдан белгиланганлигини англайди ва унинг вақти етганда катта ишга киришганми ёки кичик ишга қаноат қилганми, фарқи йўқ эканлигини билади.

Шунинг учун ҳукамолар демишлар: сен ўзинг ёқтирган ва маъқул кўрган ишни бошлар экансан, ўзингни ерга урма ва паст ҳимматлилик қилма! Шунга қасд қилгинки, ҳимматинг боши осмонга етсин, чунки агар ажал вақти етса, хоҳ катта иш бошида бўлгин, хоҳ кичик иш устида, ўлимнинг таъми ҳар икки ҳолатда бирдек бўлади. Шундай бўлгач, оқил киши шу маънини қалб кўзи рўбарўсида тутиб, ҳиммат бошини паст ишларга эгмайди. Аллоҳнинг расули — саллаллоҳу алайҳи васаллам — ҳадисларида шундай дейилган: ҳақиқатда, Тангри ҳазрати баланд ҳимматлилик ва кенг табиатлиликка алоқадор ишларни дўст тутуди. Сустлик ва паст ҳимматлиликка тортадиган ишларни душман тутуди. Бу сўзлардан ғараз шулки, амир Ҳусайн паст ҳимматлик мақомига қадам қўйиб, тубан фикрлар қилганлиги учун охир-оқибат, ўз ҳиммати ниҳоясига етди.

Алқисса, шу ўртада Жете лашкарининг отларида вабо пайдо бўлиб, уларнинг кўпи ўлди. Шу сабабли лашкар тарқалиб, ожизу саргардон бўлди.

Амир Соҳибқирон Аббос баҳодирни Қаҳлаға томонга қоровул қилиб юборди. У бориб Жете аскарларининг қайтганини аниқлаб келди, уларнинг аслаҳасиз, уловсизлигидан хабар бериб, деди: "Уларнинг тўрттасига бир от тўғри келади. Бир отга икки кишидан мингашиб кетиш-япти. Уларнинг кўплари садоқ-ўқдонларини орқаларига боғлаб, пиёда қайтмоқдалар". Бу хабарни эшитиб, Амир Соҳибқирон шоду хурсанд бўлди, Тангри таоло ҳазратига шукрона бажо келтирди. Бўлиб турган аҳволни амир Ҳусайнга айтмоқ учун унга бир кишини юборди; ўз оиласини Самарқанд томонга жўнатди. Ўзи отга миниб, амир Ҳусайн истиқболига чиқди. Бақлон⁴⁴ тепасига етганда учрашдилар. Мажлис қуриб, (32) мамлакат ишлари ҳақида бир-бирлари билан кенгашдилар. Амир

Соҳибқирон ижозат сўраб яна қайтди. Қиш фаслини Қаршида ўтказди, ўшанда Қарши қўрғонини эгаллаб, талон-торож қилди. Яна ўша йилнинг ўзида қўрғонни қайта кўтаришга киришиб, охирига етказди.

VI. АМИР ҲУСАЙННИНГ САМАРҚАНД МАМЛАКАТИНИ ЭГАЛЛАГАНЛИГИ БАЁНИДА

Баҳор фасли келгач, амир Ҳусайн лашкар тортиб Самарқандга кетди. Мавлонозодаيي Самарқандий, Мавлоно Хурдак Бухорий ва Абу Бакр Наддоф учовлон сарбадор бўлишиб, безори одамлар улар атрофига йиғилган эди. Улар Жете лашкарининг Самарқандга киришига йўл қўйишмади, (лашкар) ожизлик қилиб, ортиқ тўхтаб турмади. У уч киши эса сардорликдан мағрурланиб кетиб, жабру зулми ҳунар қилиб олдилар. Халқ уларнинг қўлида жабру ситам ва адолатсизликка гирифтор бўлди.

Амир Ҳусайн Самарқандга етгач, сарбадорларни¹ дорга осиб, халқни уларнинг шарридан қутқаришни буюрди. Амир Соҳибқирон Мавлонозода учун шафоат тилаб, уни халос этди. Қолганларини ҳалок қилдилар. Амир Ҳусайн ўрнашиб олгач, унинг табиатидаги хасислик ғолиб келиб, мол тўплашга берилиб кетди. Уни деб бошини хавф-хатарга қўйган жамоатни ўздан нафратлантирди, уларнинг молини тортиб олишга қасд қилди. Шулар жумласидан амир Чоку, амир Сайфиддин, Оқ Буғо баҳодир, Элчи баҳодир, Давлатшоҳ баҳодир каби Амир Соҳибқироннинг мулозимлари бўлган бир гуруҳни муҳассилга топширди.

Бу амирлар бошидан турли савдолар кечганлиги натижасида аксар моллари йўқ бўлиб кетганлиги боисидан амир Ҳусайн (талаб қилган) молни тўла йиғиб бўлмади. Амир Соҳибқирон уларнинг ишига бош қўшиб, мадад ва ёрдам кўрсатди: уларнинг муаммоларини ҳал этиш учун кўп олтину кумуш сарфлади. Жумладан, ўзининг никоҳида бўлган амир Ҳусайннинг синглиси улуғ оғо — Улжой Туркон оғонинг зираги ва биллак узугини ҳам олиб, амирларнинг мусодара этилган моллари ҳисобида топширди. Молларни амир Ҳусайн олдига келтирганларида, буларни таниди, аммо унинг баҳридан ўтишга бахиллиги йўл қўймади. У ақалли бахиллик, пастҳимматлилиқ билан сардорлик ва подшоҳлик бирга

бўла олмаслигини ҳам тушунмади. Ҳақимлар айтмишларки: "Бахиллик қайси жойда бўлмасин, ҳасрату надомат унинг қучоғидадир, тамаъ қайси эшикдан кирмасин, хўрлигу зорлик унга эргашади; баднафслигу хасислик нима нарсагаки ёпишмасин, уларга ноумидлигу зиёнкорлик йўлдош бўлади".

Сўзнинг қисқаси, (талаб қилинган) маблағдан яна уч минг динор қолган эди, (33) Амир Соҳибқирон унинг эвазига ўзининг хос отларини пешкаш қилди. Амир Ҳусайн отлар унга тегишли эканлигини билиб, қабул қилмади ва қайтариб юборди. У: "Мен Соли Саройга кетяпман, олтинга эҳтиёжим бор, мадад бер ва ёрдам қил, менинг молларимни тўлдир, ўша нақд, уч минг динорни ҳам юборгин. Мен уни Ҳусайн Сўфига² қизининг қалин моли сифатида юбораман", деди. Амир Соҳибқирон бу таклифни қабул қилиб: "Мен молнинг чорасини кўраман, аммо сенинг хизматингдан айрилмайман, чунки кимда-ким ўз амирининг суҳбатидан ва хизматидан узоқлашса, душманлар имкон топадилар ва пайт пойлаб, ёлғон сўзга ростлик либосини кийгизадилар-да, ҳоқимнинг дилини ўзгартирадилар. Мен бунга тоқат қилолмайман: агар суҳбатдошликка ижозат бермасанг, унда ижозат бергилки, токи бу хизматкоринг хонайи Каъбага юз тутиб, ўтган умрининг тадорукини кўрсин ва йўл қўйган гуноҳлари учун узр сўраш билан машғул бўлсин", деди. Амир Ҳусайн бу гапларни маъқул кўрмади ва жуда кўп уринишлардан кейин Кеш шаҳрининг ҳукмдорлиги ва амирлигини Амир Соҳибқиронга топширди. Эртаси куни амир Ҳусайн Соли Саройга равона бўлди. Амир Соҳибқирон ўзининг иззат қароргоҳига келиб тушди, молнинг қолган қисмини жамлаб, амир Ҳусайн кетидан юборди. У замона ҳодисаларидан, носоз даврон машаққатларидан чарчаганлиги туфайли, бир оз муддатни фароғатда ўтказиб, муборак хотирини шод этиш учун овга чиқишга азм қилди. Хурсандлиги ортиб, бахтиёрлик оғушида отга минди.

Шу ўртада амир Мусо, Ўрду хотун, Али Дарвиш ва Фарҳод иттифоқ тузишиб, хиёнат ва маккорлик хусусида машварат қилдилар ва сохта бир мактубни ёздилар. Унинг мазмуни шундай эди: "Амир Темур амир Ҳусайнга қарши душманлик йўлига кириб, бу ишни тартибга солиш билан банд. Бизлар буни хайрхоҳлик юзасидан маълум қилдик". Бу мактубни амир Ҳусайнга юборишди. Амир

Ҳусайн унинг мазмунидан огоҳ бўлгач, элчи юборди ва унга: "Амир Темур, амир Мусо, Али Дарвиш ва Фарҳодлар Ўрду хотун олдига борсинлар. У ерда сўроқ ўтказиб аниқласинлар: кимнинг сўзи тўғри бўлса, у иззат-икромга сазовор бўлсин, акс ҳолда қаҳру ғазаб остига олинсин", деди. Бу сўз Амир Соҳибқироннинг муборақ қулоғига етгач, ўзининг ҳақлигини кўрсатиш ва бу тўхмат ғуборини ўз номуси этагидан қоқиб ташлаш учун тезда Самарқанд томонга йўл олди.

Амир Мусо ва Али Дарвиш бунини эшитиб, тортишув ва тафтиш бошланишидан илгари Хўжандга қараб жўнадилар. Амир Соҳибқирон шундай деди: "Бу муфсидлар ёлғон сўзлашни бошлаб, фитнаю фасодга асос солдилар. Ҳоким бўлиб турган амир Ҳусайн бўлса феъли бузилиб, халқнинг молига тама қилмоқда ва фасодчиларнинг гапига қулоқ солмоқда. Агар текширмай туриб ногоҳ ғазабига олса, иш қўлдан кетади. Унда бунинг чораси не бўлур?" (Байт): (34)

Қўлдан кетган иш учун фойдаси йўқ афсуснинг
Воқеанинг иложин воқеъ бўлмасдан қилгин.

Кимда-ким олдиндан ҳушёрлик шартларига риоя қилмаса, эҳтиёткорлик чорасига бепарволик билан қараб, ёвуз ниятли душманга эътиمود қилса, ўз ҳалокатига ўзи интилган ва ўз давлатининг заволига ўзи ҳаракат қилган бўлади. Шунга биноан, Амир Соҳибқироннинг иқболи уни ушбу фикрга олиб келдики, у бу иш устида чуқур ўйлаб, ўз ишида ғафлату бепарволикка йўл қўймади, ёвуз ниятли душман ундан устун келишидан илгари чораю тадбир мақомига қадам қўйди. Бахт унга ёр бўлганлиги учун тадбир тақдирга мувофиқ тушди.

VII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ШЕРБАҲРОМ ВА БАҲРОМ ЖАЛОЙИРЛАР БИЛАН КЕНГАШИБ, АМИР ҲУСАЙНГА МУХОЛИФ БЎЛГАНИ БАЁНИДА

Фазлу камол арбоблари ва ақлу дониш эгаларига равшандирки, олий ва улуғ Тангри ҳазратининг иродаси бирор ишга қаратилса, аввало ўша ишнинг вужудга келишига сабаб бўладиган нарсани пайдо қилади. (Байт):

Бирор ишнинг бўлмоғи лойиқ топилса,
Ночор унинг сабаблари муҳайё бўлур.

Шу маънига биноан, Худойи таолонинг иродаси амир Хусайн давлатининг заволига тааллуқ топгач, дастлаб халқнинг дилини ундан нафратлантирди ва унинг ахлоқини ўзгартирди; (шунингдек), Амир Соҳибқиронни олам ишларига ҳоким этишни хоҳлагач, ҳар бир қалб соҳибининг дилини унинг тарафига мойил қилди, унга эзгу ишларни бажаришда кўмак берди. Шунинг учун давлат амир Хусайндан юз ўгириб, бу соҳибдавлатнинг истиқболига қўшотлаб чопди. <Айт: "Эй мулку давлат эгаси бўлган Танграм"> (деган оят) унинг эгалиги камолотига ишорат қилиб тургувчи қудратли Тангрининг олам бўйсунувчи фармонига биноан мамлакатни забт этиш маншури ва салтанат ҳимояти муҳрини <у мулкни истаган кишига беради>² (деган оят) девонида соҳибқироннинг исми шарифига битдилар ҳамда амир Хусайннинг подшоҳлик кунлари (ёзилган) саҳифани <истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан>³ (деган оят) қўли билан ўчирдилар.

Бу аҳвол зоҳир бўлишининг ибтидоси ва ўзгариш ҳамда алмашилиш нишонаси шу эдики, Амир Соҳибқирон амир Хусайнга нисбатан шубҳа ва гумон уйғонгач, ўз жонини сақлаш ва қадр қимматини асраш тадбирини унга муҳолифлик (35) қилишда кўрди. Чунки кимда-ким маккор душман ва ёвуз ниятли ғаддорга ишонч билдирса, ўз давлати юзини тирнаган ва ноумидлик тупроғини ўз истаклари бошига сочган бўлади. Амир Соҳибқирон чуқур фикрлаш кўзи билан тадбир ойнасига назар солганида, унда бир гуруҳ якдил дўстлари билан мушоварат қилиб ҳамда тажрибали оқиллардан кўмак тилаб, бу буюк ишга киришишдан ўзга сурат юз кўрсатмади. Шунга биноан, Шербаҳром ва Баҳром Жалойирга бу сирни ошкор қилди, улар бир-бирлари билан маслаҳатлашиб аҳду паймон боғладилар ва амир Хусайнга муҳолифлик қилишда иттифоқ туздилар. Шербаҳром Амир Соҳибқирон томонидан Одил исмли навқарни ўзи билан олиб кетди⁴, ўз навқари Баротхожани эса қолдирди: буниси қайтиб келгач, унисининг кетишига қарор қилинди. Шербаҳром ўз вилоятига етиб боргач, лашкар тўплади, кўп фикрлаш ва гумонсирашдан кейин амир Хусайн хизматида борди, ўзини унинг кўзига яхши кўрсатиб, мулозаматига машғул бўлди⁵. Амир Хусайн ўзининг хизматидаги амирлар

билан машварат ва жонқий тузиб, ўртада аҳду паймон қилдилар. Малик ва Абдуллоҳ Байровни Амир Соҳибқирон олдига юборишни маслаҳат кўрдилар. (Улар орқали юборилган) мактуб мазмуни шундай: "Шу вақтгача бир-биримиз билан иттифоқликда можаролар анжомига етиб, мамлакат ишлари тартиб ва интизомга тушганлиги сабабли, энди вазифа шулки, бундан кейин ҳам ўша зайлда ўртамизда соф ният, вафодорлик, ҳамжиҳатлик ва иттифоқлик бўлсин, дўстлигимиз асосига раҳна тушмасин".

Амир Соҳибқирон мактубга жавоб ёзиб, сўзни Шербаҳромга қаратди: "Келишмовчилик ва мухолифатни сен юзага келтирдинг! Душманликни сен бошладдинг, энди бўлса макру ҳийла билан амир Ҳусайнга қўшилиб, ўзингни яхши одам қилиб кўрсатмоқдасан ва найранг билан мени тузоққа туширмоқчисан! Қисматинг тезда ҳал бўлади, ҳасрату пушаймонларинг фойда бермайди, ана шуларни назарга олиб, сен ўз ишингни билгин-у, мен ҳам ўз ишимни билай".

Шундан кейин Амир Соҳибқирон тадбир қўллашга киришиб, Баҳром Жалойир, амир Чоку ва Аббос баҳодирларни катта лашкар билан амир Мусо ва Али Дарвишлар вилоятини қаҳру ғазаб билан босиб олиш учун жўнатди. Улар бу ҳолдан хабар топиб, қочдилар. Баҳром Жалойир ёмон ният қилиб: "Биз амир Ҳусайнга қарши туролмаймиз, энди бизнинг ҳолимиз хароб бўлади", деган андишада тезда ўз мулозимлари ва хос лашкарини отлантирди. Али Дарвишнинг эли ва вилоятини талон-торож этиб, баъзиларини ўлдиргач, ўз элини ҳайдаб Қаҳлаға томон жўнади. Амир Соҳибқирон билан учрашмади ҳам, у билан бу хусусда кенгаш ҳам қилмади. Амир Соҳибқирон лашкар тўплаш учун Самарқандга жўнади. Шу ўртада Ясовурийлар амир Ҳусайнга қарши душманликка ўтиб, амир Сулаймон ҳам Жовурчини (унга қарши) кўзгатишди. Аммо улар қочиб, амир Ҳусайн олдига кетишди. Шу ҳолатда Али, Илёс ва Ҳожи Маҳмудшоҳ итоат кўрсатиб, бир гуруҳ ясовурийлар билан Амир Соҳибқирон хизматига келишди. (36) Амир Соҳибқирон ҳазратлари амир Қаро номли ўз биродарини Ҳиндука билан бирга Самарқандга шихна этиб тайинлади. Амир Қаронинг бу ишга лаёқати бўлмаганлиги боисидан ўзини девоналикка солди, Ҳиндука эса қочиб, амир Ҳусайн олдига кетди. Амир Соҳибқирон лашкар тўплаш иродаси билан жўнаган кунда Улжой Туркон ого бетоб

эди. Қайтиб келганида у улуғ бону олами фонийдан жаҳони боқийга кўчган экан. Амир Соҳибқирон ундан айрилиб қолганига кўп қайғурди. Унинг вафотига йиғлаб, ҳасрат чекди. (Байт):

Ораларига ўлим туфайли жудолик тушмаган
икки дўстнинг жамълигин кўрганмисан?!

У равшан раъй ва комил ақл билан ҳар бир қовушиш кетидан бир фироқ ва ҳар бир уланиш кетидан бир узилиш борлигини ҳамда доду фарёд чекишдан танга ранж, жонга азоб етишидан бўлак ҳосил йўқлигини тушунгач, Худонинг ҳукмига рози бўлиб, сабру саботни ўзига шиор қилди.

VIII. АМИР ҲУСАЙН КЕЛИБ СУЛҲ АСОСИНИ ҚУРГАНЛИГИ, АММО ҚАЙТАДАН ЖАНГ БОШЛАНГАНЛИГИ БАЁНИДА¹

Амир Соҳибқирон ўз дилини амир Ҳусайнга қарши муҳолифликка чоғлагач, кўп лашкар тўплаб йўлга тушди. Қаҳлагадан ўтиб, Бойсун мавзеига етди. Амир Ҳусайн томонидан Малик ва Абдуллоҳ Байров сиртдан тинчлик ва сулҳ ўрнатмоқчидек, аммо аслида ясовурийлар лашкарини (фитнага) кўзғатиш учун етиб келдилар. Амир Чоку ва Аббос баҳодир ҳам шу мавзеда келиб қўшилдилар. Амирлар Малик ва Абдуллоҳни қўлга олиш керак деб маслаҳат бердилар. Амир Соҳибқирон бунга розилик бермади ва шундай деди: "Бу фикр тўғри эмас, чунки бу кунлар давлатимизнинг бошланғич кунларидир. Агар биз уларни қўлга олсак, бошқа кишилар тисарилиб қоладилар ва биз томонга келишдан иккиланишга тушадилар. Қайси бир подшоҳ ўз ишини ғаддорлик ва бевафолик асосига қурса, кишиларга озор бериш ва ҳалок қилишга ошиқса, унинг давлати чайқалиб, қарорсизликка юз тутади. Биз ўз салтанатимизни одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш асосига қураётганлигимиз сабабли уларни юпантириб, хотиржам қиламиз. Ана шундан кейин агар улар бунинг қадрини билмасалар, онкўрлик мақомига қадам қўйсалар, у ҳолда бизнинг давлатимиз уларни ўз қаҳру ғазабига дучор қилади, уларнинг ёмон қилмишлари ўзларига қайтади", деди-да,

дарҳол отга минди: уларга ижозат бериб, қайтариб юборди. Сўнг Қаршига келиб тушди. Амир Ҳусайн эса Шербаҳром билан отланиб, (37) лашкар тўплаб келмоқда эди. Муборакшоҳ ва Шайх Муҳаммад Амир Соҳибқирон билан яқдил бўлиб, унинг ҳузурига жўнашга азм қилган эдилар. Аммо амир Ҳусайн ва Шербаҳром лашкари тезлик билан етиб келгач, бунинг имкони бўлмади қолди. Зарурат юзасидан амир Ҳусайн томон кетишди. Амир Ҳусайн Хизр хазиначиғи ўзи қасам ичган Қуръон (нухаси) билан Амир Соҳибқирон олдига жўнатди ва макру фириб йўлидан бориб, уни ҳийла билан қўлга тушироқчи бўлди-да, ушбу сўзларни айтиб юборди: "Бизнинг ўртамиздаги келишмовчилик мамлакат хароблигига сабаб бўлади. Сенинг ақлу иқтидорли ва диёнатли бир мусулмон эканлигинг маълумдир. Шунинг учун бу борада фикр қилиб, мамлакат ва раият аҳволининг ислоҳига ҳаракат қил! Мен ўз лашкаримни Чағонога² жойлаштираман, сенинг лашкаринг эса Хузорда тўхтаб турсин. Ҳар биримиз юз киши билан келиб, Чакчакда³ учрашайлик ва аҳду паймон тузиб, бундан кейин душманлар ва бузуқ фикрли кишиларга йўл бермайлик, амонлик ва айшу ишратда кун кечирайлик".

Амир Соҳибқирон ақлу дониши комил, зеҳнли ва тажрибали бўлганидан унинг бевафолигини фаҳмлади ва бу хусусда яхшилаб ўйлаб кўриб, ўша пайтга муносиб иш кўришни хоҳлади. Аммо, амирлару мулозимлар буни маъқулламадилар ва сулҳ тузишга ундадилар. Амир Соҳибқирон иложсиз қолиб, лашкарни Хузорда қолдирди-да, ўзига жанг кўрган, совут-қалқонли, отлари бақувват уч юз кишини танлаб олди. Улардан икки юз кишига Деҳи нав мавзеига бориб туришни, то фармон бўлмагунча у жойдан қўзғалмасликни тайинлади. Ўзи эса юз киши билан жўнаб, Деҳи навга⁴ келиб тушди. Амир Ҳусайн ва Шербаҳром эса макру ҳийла ишлатиб, фурсатдан фойдаланиш мақсадида сараланган уч минг киши билан йўлга чиқдилар.

Амир Соҳибқироннинг йигитларидан бири уларнинг олдида эди, у қочиб Кеш йўлидан ўтиб, Деҳи навга етди. Аммо Амир Соҳибқирон у жойдан ўтиб кетган эди. Йигитнинг оти чарчаб юролмай қолди. Унинг Баҳром Коёк номли ғуломи бор эди, унга тезликда Амир Соҳибқирон олдига бориб, воқеани арз қилишни буюрди. Бу йигит ғоятда жоҳиллигидан: "Амирлар сулҳ тузишга

ҳаракат қилаётган бир пайтда бу хабарни етказиш иш бузилишига сабаб бўлади, бу муносиб эмас", деб тасаввур қилди ва у хабарни етказмади. Амир Соҳибқирон бу маънидан беҳабар саҳар вақтидаги ширин уйқуда эканлигида душман етиб келиб, ҳар томондан ўраб олмоқчи бўлди. Амир Соҳибқирон улар фурсатдан фойдаланишидан олдинроқ отга миниб, Танги Ҳарам⁵ (дараси)га етиб олди ва (дарадан) лашкарни ўтказиб душман йўлини тўсди, жанг бошланиб, ўткир қилич зарби билан у ғаддор лашкарни қайтарди. Аммо душманлар уларнинг кетидан кела бердилар. Қотилиш⁶ мавзеига етганда эса у жойдан нарига ўтишга қувватлари келмай, тўхтаб қолдилар. Деҳи навда тўхтаб турган икки юз киши бу хабарни эшитгач, пароканда бўлиб тарқалиб кетди. Амир Соҳибқирон эса оз сонли кишилари билан Қарши томонга равона бўлди ва Хузордан ўтгач, ўзининг қудратли амирлари ва атоқли вазирлари билан машварат тузиб, (38) Хуросон томонга юришни маслаҳат кўрдилар. Шу мақсадда Бурдолиқ ташқарисидagi Исҳоқ қудуғида жамъ бўлиб, то тарқалиб кетган лашкарлар йиғилиб келгунча тўхтаб турдилар. Сўнг Мохон томонга юриб, Омуя сувидан кечиб ўтдилар ва чўлга кирдилар. У жойда Ҳирот малики⁸ ҳузурига элчи юбордилар, яна бир элчини Муҳаммадбек ибн Арғуншоҳ олдига жўнатдилар. Гарчи уларнинг бу ишга аралашмасликлари ва улар ёрдамига кўз тутиб бўлмаслигини билса ҳам, элчи юборишдан мақсади уларни синаш ва (вазиятдан) бохабар бўлиш эди. Элчилар бориб қайтишгунча икки ярим ой сув (Омуя) ёқасида тўхтаб, у тарафдан келаётган ҳар бир савдогарни кетказмай турдилар. Элчилар қайтишгач, савдогарларга ижозат бердилар ва "бизларни Ҳирот малики чақирибди" деб овоза тарқатдилар. Сўнг дарҳол у ердан кўчиб, йўлга тушдилар. Савдогарлар ўз жойларига боргач, уларнинг Ҳирот йўли билан кетганликлари ҳақида хабар бердилар. Амир Мусо уларнинг гапини тасдиқлади ва ўзи ҳам бунга ишониб, Қаршидан ташқари чиқди ва етти минг киши билан Боймароғга келиб тушди, ундан Ўзганд томонга кўзгалди. Малик ва Черик Қаровнос⁹ лашкаридан беш минг киши билан Хузор томонга кетиб, Қарағошун ва Гунбади Лавли¹⁰ мавзеига бориб турдилар. Уша пайтда Амир Соҳибқирон ёнида икки юз қирқ уч кишидан ортиқ (аскар) йўқ эди. У улуғ амирлардан Суюрғатмиш ўғлон, амир Чоку, амир Сори Буғо, амир Ҳусайн, амир Ҳожи

Сайфиддин, Аббос баҳодир, Оқ Буғо баҳодир ва Маҳмудшоҳларга қирқ нафар сараланган жанговар кишиларни қўшиб Омуя суви лабига юборди. Улар тўхтамасдан отларни сувга солиб, дарёдан кечиб ўтдилар ва тунда Хузорни ўраб, уни эгалладилар: лашкарнинг қолгани ҳам сувдан ўтиши учун, кемаларни бу томонга юбордилар. Улуғ амирлардан Суюрғатмиш ўғлон, амир Довуд, амир Чоку, амир Сори Буғо, амир Ҳусайн, амир Ҳожи Сайфиддин, Аббос баҳодир, Оқ Буғо ва Маҳмудшоҳлар тунда Бурдолиқ мавзеига етишди. У мавзени ўраб жойлашишди ва амир Мусонинг элчисини қўлга олишди. Тонгда отланиб жўнашди ва тунда Пазди кўҳна¹¹ мавзеига етишди. Йўлларни эгаллаб, кимки сувдан кечиб ўтса ушлашди. Кеч паллада отланиб, Ширкандга¹² етдилар. Амир Чоку (Амир Соҳибқиронга юзланиб): "Маслаҳат шулки, Худога таваккал қилиб, тунда амир Мусога ҳамла қилайлик", дея арз этди. Амир Соҳибқирон унга: "Лашкаримиз ғоятда оз, агар бизга ёмон кўз теккудек бўлса, яна қайта тўпланишимиз мушкул бўлади. Сизлар шу ерда тўхтаб туринглар. Мен Қаршига бориб жой танлаб, ишнинг тадбирини ўйлаб кўрай", деди ва Мубашшир ҳам Абдуллоҳни ўзи билан бирга олиб учовлари жўнадилар. Қаршига бориб етдилар. Амир Соҳибқирон хандақ лабига келиб тушди, унинг суви жуда кўп эди. Отларни ўзининг қадим хизматкорларидан бўлган Мубашширга топширди ва ўз муборак зоти билан тиззасигача сувга кириб, ундан кечиб ўтди ва дарвозага етди: дарвозани қоқиб кўриб, орқасига тупроқ уйиб қўйилганлигини (хокрез) аниқлади. (39) У ердан жўнаб, қалъанинг буржига етди. Унга кирадиган жойни топиб, Абдуллоҳга кўрсатди. (Илгарироқ) унинг буйруғига мувофиқ Бурдолиқдан нарвонлар келтирган эдилар, уларни қўйиб чиқадиган жой тайин қилди. Бу ишларни тартибга солгач, ўз лашкаргоҳига қайтди. Лашкарни олиб Қаршига етиб келди. Қирқ уч кишини отларнинг олдида қолдирди, юз кишини (илгари) Абдуллоҳга кўрсатган жойдан (қалъага) киришга буюрди. Фармонга биноан ўша кўрсатилган жойга нарвонлар қўйиб, қалъага кўтарилдилар. Амир Соҳибқирон юз киши билан қалъа дарвозасига етди, ичкаридан ҳам лашкар дарвозага етиб келди. Дарвозабонларнинг ҳаммаси маст уйқуда¹³ ётганини кўрдилар. Қўлга қилич олиб, ҳаммасини ҳалок қилдилар. Дарвиш Буғо дарвозани болта билан синдирди

ва Амир Соҳибқирон бурғу чалиб ичкарига кирди. Қарши халқи уйқудан уйғониб шу ҳолатни кўрдилар. Ҳайратга тушиб, (жанг қилишга) ожиз қолдилар. Зафарнишон лашкар қалъани эгаллагач, амир Мусо ва унинг тобелари уйлариңи талон-торож қилди, қул ва асирлар олди. Амир Муҳаммад¹⁴ жуда ёш эди. Амир Соҳибқирон уни қочириб юборишга буюрди, токи у Мусо олдига боргач, унинг лашкари хавф ва қўрқинчдан тарқалиб кетсин. Аммо улар Муҳаммад етиб келиши билан қочишни ўйлаганлари ҳам йўқ. Тунда Малик баҳодир олдига одам юбориб, лашкарларни тўпладилар ва йўлга чиқиб қалъани тўрт томонидан ўраб олдилар. Ақлли амирлар эҳтиёт юзасидан дарҳол қалъадан ташқарига чиқдилар. Шаҳар тарафидаги дарвозани амир Сори Буғо қўриқлаб турди. Хузур томонидаги дарвозани амир Довуд, амир Муайяд ва амир Ҳусайн муҳофаза қилиб турди. Амир Ҳожи Сайфиддин, Аббос баҳодир, Оқ Буғо баҳодир ва ўзга амирлар жонбозлик мақомида туриб, жидду жаҳд кўрсатдилар. Муайяд эса ўттиз киши билан қалъадан чиқиб келиб, ўзини душман сипоҳларига уриб, мардона жанг қилди. Шу аснода Дурко баҳодир қочиб қўрғонга кирди. Амир Соҳибқирон ўша куни қалъадан чиқиб жанг қилишга азм этган эди, амир Ҳожи Сайфиддин нужум ва рамал илмларидан хабардор бўлгани учун буни маслаҳат кўрмади ва шундай деди: "Эртага чошгоҳ вақти ғоятда қутлуғ соатдир". Ўша куни тўхтаб турдилар. Душман томонидан эса икки юз киши тура ва қалқон тутиб қалъа тагига келдилар. Тонг отгач, Элчи Буғо баҳодир, Оқтемур баҳодир жангга ҳозир элик киши билан дарвозага етиб келдилар. Хандақ устидаги кўприкни ағдариб ташлаб, тўхтовсиз душманга ҳамла қилдилар. Амир Соҳибқирон Алишоҳ ва Дарвишакка йигирма отлиқ қўшиб, уларнинг олдига бориб кўмак беришларини буюрди. Пиёда аскарлар душманга етишгач, ғанимлардан бўлган Тағой Буғо баҳодир қилич яланғочлаб келиб қолди. Оқтемур баҳодир унинг йўлини тўсиб, бир зарба билан қулатди. Амир Мусо томонида бир ёш ўзбек йигити бор эди. У йигитлиги ва куч-қувватига мағрур бўлиб, гурзи кўтариб майдонга кирди. Қазонбуғо баҳодир олдинга чиқиб, унинг икки (40) қўлидан шу қадар маҳкам тутдики, қимирашга мажولي қолмади. Банги баҳодир келиб уни қилич билан ҳалок қилди. Амир Сори Буғо ва Элчи баҳодир дарвоза томондан ўқ-ёй ёғдирдилар. Душманлар тураларини ташлаб қочдилар ва ўзлари учун тайёрланган хандақларида паноҳ топдилар. Охири қочиб, шаҳар кўчаларига кирдилар. Боз устига Та-

ваккул юз киши билан иккинчи томондан ҳамла қилди, душманнинг пиёда аскарлари ўқ-ёй ёғдириб зафарнишон лашкарни қайтарди. Амир Соҳибқирон ўн беш киши билан ҳамла қилди ва лашкарига тўхтовсиз ҳужум этишни буюрди. Элчи Буғо ва Баҳром буйруққа биноан ҳамла қилишди. Таваккул девор тагида турганида Элчи Буғо етиб келди ва девор устидан унга қилич солди, у бошини тортиб қолди ва қочишга юзланди. Бир хуросонлик билмасдан ва танимасдан қилич солиб, Баҳромнинг бошини учуриб юборди. Хузор дарвозаси томонида Қаровнос лашкари турган эди, Амир Соҳибқирон олтмиш навкари билан жўнади. Малик ундан қўрқиб ўғруқ томонига қочди. Унинг ўрдуси Гунбади Лавлига тушган эди. Зафарли лашкар улар кетидан етиб келгач, қайта қочишди. Амир Чоку ва амир Сайфиддинга фармон бўлдики, уларнинг ортидан Танги Чакчакгача қувиб бориб, қўлга туширсинлар, агар қурбилари етмаса ҳийла билан тўхтатиб туришга саъй қилсинлар, токи қутли лашкарлар етиб келиб, ғалаба қозонсинлар. Амирлар ҳукм ижросини кечиктирдилар. Амир Соҳибқирон амир Довудни олдинга ўтказиб, ҳужумга ўтди. Душманнинг юз кишиси пистирмада турган эди, муносиб фурсат топиб, икки тўдага бўлиниб ҳамла қилдилар ва Элчи Буғо устига ҳужум қилиб, уни қайтардилар. Душманнинг ўнг қаноти Амир Соҳибқиронга ҳамла қилди, аммо шамшир зарбига дуч келгач, қочишга юз тутдилар. Амир Соҳибқирон ва амир Довуд душманнинг чап қанотида ҳужум қилдилар. Улар ҳамма от-уловларини ташлаб, жон ҳовучлаб қочдилар. Амир Мусонинг хотуни (Орзумулк оғо) ўша лашкарнинг ичида бўлиб, Тумон оғога ҳомиладор эди. У Малик баҳодирга ҳамроҳ бўлиб қочиб борарди. Амир Соҳибқирон Маликка қарата қичқирди: "Сенинг қонингдан кечдим. Ўз йўлингга жўна. Амир Мусо хотинидан ажрал!" У шундай қилди, хотундан айрилиб қочди. Хотинлар орасида бир навкар бор эди. У камонига ўқ-ёй қўйиб ўқталиб борарди-ю, бироқ отмаётган эди. Амир Соҳибқирон уни моҳир тирандоз дея гумонсираб, отининг бошини тортиб сергакланиб турарди. У ўзича: "Бир хотинни деб ўққа учиш маслаҳат эрмас", дея ўйларди. Бунинг устига жаноб ҳазратнинг оти ариқчага тушиб қолганди. Давлатшоҳ бахши бу ҳолни кўргач, бошига қалқон тутиб навкар устига ташланди. Навкар ноилож ўқ отди ва унинг ўқ отишга ҳунарсизлиги маълум бўлди. У хотинлар билан бирга қочди. Амир Соҳибқирон Қизилқоқ музофотидан¹⁵ бўлган Оқубидан қайтди. Амир Сайфуддин ва амир Чоку (41)

душманнинг кетидан бормаганликларига пушаймон бўдилар ва Жигдолик томон жўнадилар. Душманни Чакчакдан ўтказиб юбордилар. Қочиб кетаётган жалойир элини ушлаб олиб келдилар. Шу йили Амир Соҳибқирон муборак рамазонни Қаршида ўтказди. Бухоро ҳукуматдорлигини Маҳмудшоҳга топширишга қарор қилди.

Шу кунларда Никпайшоҳ Хуросон ишларига мутасадди бўлиб, вилоятини Омуя сувига тартибга келтирган ва бу ерлар унга қарашли бўлган эди.

Али Ясовурий эса шу ўртада қочиб, Маҳмудшоҳга қўшилиб, у ерда туриб қолган эди. Амир Соҳибқирон бир неча бор уларнинг келишини талаб қилди. Улар сузлик ва бепарволик қилиб келмадилар. Амир Муайяд ўз оиласини кўчириб, Турумжи билан Хуросон томонга юборди. Улар йўлдан адашиб, дуч келган ердан юрдилар ва от-уловларидан кўпи ҳалок бўлди. Шундан сўнг бошқа бир йўлбошловчи уларни Мохонга етказди.

IX. АМИР МУСОНИНГ АМИР ҲУСАЙН ТОМОНИГА ҚОЧГАНЛИГИ ВА ЛАШКАР ТОРТИБ АМИР СОҲИБҚИРОН УСТИГА КЕЛГАНЛИГИ БАЁНИДА¹

Амир Ҳусайн (юқорида айтилган) аҳволдан хабардор бўлгач, амир Мусо, Улжойту, Жаҳоншоҳ ва Пўлод Буғоларни жўнатди. Улар Танги Чакчакка етдилар. Қаҳлага ва Танги Чакчак ўртасига келиб тушдилар. Жанг тайёргарлигини кўриб, душманлик камарини жон белига боғладилар. Уларнинг хабари Амир Соҳибқиронга етгач, кутилмаганда ҳужум қилиш учун ўша томонга равона бўлди. Улуғлик эгаси Тангри ҳазратига таваккал қилиб, ёғийни излаб Ялғузбоғ йўлидан қор кечиб Қарнобдан ўтди. Бир неча кишини юқори йўлдан айғоқчилик қилиш учун жўнатди. Улар бориб ёғийни ўрганиб, душманлардан йигирма кишини ушладилар. Қўлга тушганлардан ғанимлар тунда Танги Чакчакдан ўтиб, Жигдоликка тушганликларини билиб олдилар. Амир Соҳибқирон иккинчи марта бир жамоа кишиларни жўнатиб, душманни тузукроқ ўрганишларини буюрди. Улар Оқ қиё тепасида (ғаним) лашкарининг жангга тайёр турганини кўрдилар. Амир Соҳибқирон лашкарини сафга тизиб, улар қаршисидан йўлга тушди. Икки томон бир-бирларини

кўришгач, Кўрданг² йўлидан ўтиб жўнади. Душман ўн мингга яқин киши бўлса ҳам ўз жойидан қўзғалмади. Амир Соҳибқирон икки юз киши билан ўша жойга тушди. У ердан Бухоро томон жўнади. Али (42) ва Маҳмудшоҳ унга пешвоз чиқиб, ҳурмату иззатини жойига қўйдилар.

Бу воқеалар юз беришидан илгарироқ амир Чоку Маҳмудшоҳни отнинг думига боғлатиб адабини берган эди. Шунинг учун у энди ваҳимага тушиб, Амир Соҳибқиронни Хуросонга боришга ундади. Бу хусусда қанча кўп уринмасин Амир Соҳибқирон унинг сўзига илтифот қилмади. Амир Чоку, амир Сайфиддин ва Аббос баҳодир ўзаро машварат тузиб, ижозатсиз Хуросон вилоятига кетдилар. Амир Соҳибқирон бундан воқиф бўлгач, шу жойда туриб қолди. Шу орада амир Ҳусайн томонидан амир Мусо ва Улжойту (лашкарнинг) манғлойи бўлиб, Бухорога етиб келишди. Амир Соҳибқирон Маҳмудшоҳ ва Алига: "Энди маслаҳат шулки, олға юриб тунда тўсатдан душман устига бостириб борайлик", деди. Аммо улар бу гапга қўшилмай, шундай дедилар: "Маслаҳат шулки, отларимизни авайлаб тинч турайлик. Агар душман бизга қасд қилса, (унга қарши) жавоб беришга машғул бўламиз".

Амир Соҳибқирон улар билан келиша олмагач, ажралиб Хуросон томон боришга азм қилди. Омуя сувига етганда кемада сувдан кечиб ўтиб, чўлга кирди. Ўртада бир кеча ўтказиб, Мохонга етди. Ўз ватанига бориб, ёронларига қўшилди. Амир Ҳусайн бир лашкар билан Бухорога келиб, Маҳмудшоҳ ва Алини қуршаб олди, лекин макру фириб қўллаб, Шайхи оламгача орқага қайтди. Тожиклар уни қочди, деб гумон қилишиб, тезликда ортидан жўнадилар. Аммо (амир Ҳусайн) яна қайтиб, кўп тожикларни ҳалок қилди. Қолганлар қочиб, ул ҳалокат маконидан аранг жонларини қутқаздилар. Али ва Маҳмудшоҳлар дод-фарёд қилдилар. Бирон кимса уларнинг сўзларига парво қилмади. Аҳволни кўришгач, тунда қалъа дарвозасини очиб, Хуросонга йўл олдилар. Амир Ҳусайн уларнинг ортидан то Омуя сувигача никовул югуртирди. Уларга етолмадилар. Али ва Маҳмудшоҳ хижолат ва шармисорлик мақомида Амир Соҳибқирон ҳузурига келдилар. Амир уларнинг хатоларини кечириб, илиқ қаршилади. Шарафларига тўй берди, сийлади, устларига тўн ёпди, биргаликда овга чиқиб, уларни хотиржам, кўнгилларини шод этиб уйларига қайтарди.

Қамишзорга ўт қўйсинлар, деб буюрди. Қамишлар ёниб битгач, ердан ўт-майсалар ўсиб чиқди. Отларга ўт бериб семиртирдилар.

Шу ўртада Никпайшоҳ душманга айланиб, лашкар аҳлини Амир Соҳибқирон томон ўтказмаётганлиги хабарини эшитдилар. Амир Ҳусайн ҳам ганим бўлганлиги учун (Амир Соҳибқирон) бу икки душман ўртасида туришни маслаҳат кўрмади. Худойи таолога таваккал қилиб, Тўрткўл йўли орқали Омuya сувига етди. Сув жуда кўп эди. Амир Соҳибқирон ўз муборак зоти билан бошчилик қилиб, сувдан кечув жойини излашарди. Охири Бурдолиқ этагидан кечув жойини танлаб, амирларни тўрт юз киши билан дарё қирғоғидан (43) борадиган пастки йўл орқали жўнатди. Ўзи икки юз киши билан чошгоҳ вақтида сувга тушиб, кечга яқин саломат қирғоққа чиқди. Ўртада бир кеча ўтказиб, саҳар вақтида Никпайшоҳни ҳар тарафдан ўраб олди. Никпайшоҳ жасур, эпчил чавандоз, моҳир тирандоз ва найзабоз эди. У дарҳол қўлига камон олиб, мардлик билан кучи билан қазога қарши тура олиш мумкин деб ўйлади. Бахт ёр бўлмагач, биринчи ўқ отишдаёқ камоннинг ипи узилди. Дурко баҳодир ва Хитой баҳодир етиб келиб уни тутдилар ва қолган амирлар ва аскарлар ўтиши учун кемаларни юбордилар.

Амир Соҳибқирон Қаровнос лашкарининг Бухорода турганлигидан хабардор бўлиб, улар қасдида йўлга тушди. Ўртада бир кеча ўтиб, Бермас мавзеига етди. Амир Халилни ва ўша жойда турган лашкарни қаҳру ғазабига дучор қилиб, мағлуб этди ва бир ой давомида қоровулда ўтирди. Сўнг у Мохонга боришга азм қилиб, Никпайшоҳни ёвуз қилмишлари эвазига ёсоққа етказди. У ердан кўчиб, Мохонга бориб тушди. Амир Чокуни элчи қилиб Ҳирот малики томон жўнатди. Малик Ҳусайн унга кўп иззат-эҳтиром билдириб, турли-туман илтифотлар кўрсатди, Амир Соҳибқиронга нисбатан тарафдорлик ва муҳаббат изҳор этиб, иттифоқлик бобида кўп савй-ҳаракат қилди ва: "Мен Сарахсга бораман, Амир Соҳибқирон ҳам у томондан ташриф буюрсинлар, токи бир-биримиз билан учрашиб, муҳаббат пойдеворини мустаҳкамлайлик ва мувофиқат асосини аҳду паймон билан тасдиқлайлик", деди.

Амир Соҳибқироннинг равшан фикри замонанинг жаҳоннамо ойнаси бўлганидан, бу иш устида ўйланиб қолди.

Улар томонидан амир Наврӯз ва амир Чўпон каби илгариги (амир)лар бошига тушган воқеаларни муборак хотиридан ўтказди ва ўзича ўйлади: "Бахтли кимса — бошқалар бошидан кечган ҳодисалардан ибрат олгучи кишидир". Бу тоифа (маликлар) кўпларга нисбатан бевафолик қилганлар. Уларга эътиمود этиш ва инон-ихтиёри уларнинг қўлига топшириш оқиллик ва узоқни кўриш йўлидан йироқдир. Шуниси таажжубланарлики, марҳум амир Чўпон доимо амир Наврӯзнинг ақли ва фикрини маломат қилиб айтарди: "Унинг қилган иши тадбирдан узоқ бўлди, у ихтиёрини ғурийлар қўлига топширди. От усти, сахро ва лашкарни қалъанинг тўрт деворига алмашди". Шунча гапдан кейин навбат амир Чўпоннинг ўзига келганда, бу маънидан ғофил бўлиб, Ҳиротга паноҳ сўраб борди ва бу унинг ўз бошига ҳам етди.

Алқисса, Амир Соҳибқирон Аллоҳ томонидан қўлланган зот бўлганидан тақдир унинг тадбирига мувофиқ келди, у ўзини ўша ҳалокат жаридан сақлаб қолди. Унинг саодати давлату иқбол тили билан куйлар эди.

Гарчи дил сен учун эзгулик ниятида йўл бошласа ҳам
Жон ўзини (сақлаш) устида қайгуради.
Шу маромга етганда агар тизгинни тортилса
Минглаб ғаму гусса (жон) учун ҳам, мен — саодат учун
ҳам фойдага айланади. (44)

Х. АМИР СОҲИБҚИРОН АМИРЗОДА ЖАҲОНГИРНИ¹ ҲИРОТ МАЛИКИ ОЛДИГА ЮБОРГАНИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқироннинг муборак азму иродаси (Ҳирот малики) билан учрашмаслик ва унинг олдига бормасликка жазм этгач, унинг қатъий фикри малик хотирини ўзгача бир йўл тутиб риоя қилишни тақозо этди, токи янгидан таъкидланган ўша муҳаббат занжири узилмасин. Шунинг учун жаҳон аҳлининг амирзодаси, давлат кўз қорачигининг нури, саодат боғининг гули, иқболу комронлик чаманининг гулбарги, ҳаёт бўстонининг тоза ниҳоли бўлмиш Жаҳонгирни Муборакшоҳ Санжарийга топшириб, зўр дабдаба ва тартиб билан малик томонига юборди. Маликка шундай деб ёзди: "Мен сенинг мусулмонлигинг ва диндорлигингни биламан; дўстлигингга ишониб ўз

фарзандим, нуридийдамни олдинга юбордим, умидворманки, уни асраб, подшоҳона иззат-икромлар билдириш вазифасини адо этиб, шафқат назари билан қарарсан”.

Уларни жўнатгач, ўз муборак зоти олти юз киши билан отга миниб, ўртада бир кеча ўтказиб, эртаси куни Чорбоққа етдилар. Хузор томондан келиб Қаршини ўраб олдилар, амир Мусо навкарларини қаҳру ғазаб билан тутқин қилдилар. Навкарлар: “Қайсарнинг қариндошуруғлари бу ердан узоқлаб кетдилар, ўз лашкарларини олиб қочдилар”, дедилар. Аночоғ, Кудо, Ўрдушоҳ, Дурко ва Шайх Али баҳодир хато қилиб, суриштирмасдан савдогарлар билан жанг қилдилар, ғолиб келиб, улардан жуда кўп ипак мато ва молларни тортиб олиб келтирдилар. Амир Соҳибқирон уларни койиди ва улар молларни эгаларига қайтариб бердилар. Қаровнос лашкари беш минг киши Қўзи Мандоқда турган эди. Амир Сулаймоншоҳ, Баротхожа ва Ҳиндушоҳлар лашкарлари билан уларнинг устига келди. Аночоғ ва Кудо Хузор томонидан етиб келишди ва уларга қўшилишди. Амир Соҳибқирон улар аҳволидан беҳабар эди. Ярим тунда отга миниб, Навқатга етди. У ерга борганда кўп лашкар жам бўлганини билди. Шу ўртада амир Чоку отдан йиқилиб жароҳатланган эди, уни ўттиз киши билан Хуросонга юборди.

Амирларнинг ҳаммаси иттифоқликда жанг қилишни ихтиёр этдилар. Аммо Али Ясовурий бу фйкрга қўшилмади ва буни маслаҳатдан деб топмади. Амир Соҳибқирон қаҳру ғазаб билан уни мажбуран отга миндирди. Шайх Али баҳодир, Оқ Буғо баҳодирни олтмиш киши билан (лашкарга) манғлой этиб жўнатди. Душман томонидан Ҳиндушоҳ уч юз киши билан лашкарнинг муқаддимасида келаётган эди. Икки томон тўқнашиб, (45) бир-бирларига ташландилар. Катта бир жанг воқеъ бўлди. Тангри таоло ҳазрати Амир Соҳибқиронга зафар ва нусрат берди. У душманни ҳайдаб, ганимларни қувиб, душман лашкарининг қул қисмигача етказди.

Шу мавзегга тушиб, отларга дам берди. Сўнг намози аср пайтида отланди. Олти юз кишидан иборат етти қўшун тузди, лашкарга дилдорлик кўрсатиб, жангга рағбатлантирди. Амир Довуд, амир Сори Буғо, амир Хусайн, амир Ҳожи Сайфиддин, Аббос баҳодир, Оқ Буғо, Ҳинду, Элчи, Дурко, Шайх Али ва Маҳмудшоҳлар лашкарнинг чап қанотида туришди. Зафарпаноҳ Амир

Соҳибқирон лашкарнинг қул (қисмида) туриб душманга ҳамла қилди, шамшир захмию билак кучи билан мардоналик кўрсатди. Бу икки лашкар тўқнашганда Бадриддин, унинг ўғли ва Али Ясовурий қочишга юз тутдилар. Амир Соҳибқирон ёғийга ҳамла қилди ва душманлар орқа ўгириб қочдилар. Зафарли лашкар уларни никомиший қилиб Жигдоликкача етдилар. Душманнинг от-улови, қурол-аслаҳаларини тортиб олдилар.

Улжойту Тойхонжи ва Пўлодлар Амир Соҳибқиронга дўст ва ихлосманд эдилар, лекин (энди) душман бўлиб кириб келишган эди, лашкар аҳли танимасдан уларнинг бошини кесиб келтирдилар. Амир Соҳибқирон камоли вафодорлиги, марҳаматлилиги ва собиқ хизматлар ҳуқуқини муҳофаза қилиши туфайли бу иш унинг муборак хотирига оғир келди. Уларнинг жасадини Самарқандга олиб боришга ишорат қилди, токи у жойлардаги уламо ва солиҳ бандалар уларга жаноза намозини ўқиғайлар ва уларнинг хизматкорлик ҳуқуқини рия қилғайлар. Шундан сўнг у: "Энди маслаҳат шуки, душманларга фурсат бермасдан ҳайдаб, Хисорга етказамиз ва лашкар йиғиб, амир Ҳусайн билан жанг қиламиз", деди. Амирлар ва нўёнлар бу сўзни маслаҳатдан деб билмадилар ва тиз чўкиб арз қилдилар. (Амир Соҳибқирон) давлатхоҳлар насиҳатини қабул қилиб, Самарқанд томонга қайтди. Сўнг вилоятдан лашкар тўплаб, йўлга тушди. Тармочуқ ва Тағойшоҳни молларни йиғиб орқадан борсинлар учун Кеш вилоятида қолдирди.

Лашкарларни тартибга келтириб, Самарқандга етганларида Учқаро баҳодир амир Мусо лашкарини олиб ташқари чиқди ва Оби Раҳматда йўлни тўсди. Амир Соҳибқирон буни билиб қолиб, лашкарни тартибга келтириб, ўнг ва сўл қанотларни тузиб етиб келди. Давлат қуввати билан душман сипоҳига ҳамла қилди. Мардоналик биланининг зарби билан ҳаммасини тарқатиб юборди. Оқ Темур баҳодир орқадан қувиб келиб, Учқаро баҳодирга қилич солди. Учқаро ҳам Оқ Темурга ташланиб, отини мажруҳ қилди ва уни пиёда қолдирди. Амир Соҳибқирон ёғий кетига тушиб, то улар қочиб ҳисорга киргунча қувди. Учқаро баҳодир бир минг беш юз кишини олиб қайтиб келди ва лашкарини сафга тизиб жангга юзланди. Зафарли лашкар ғазабланган шерлардек улар томон юз тутди. Душманга хавф ва қўрқинч ғолиб келиб, жанг қилмасдан илгари қочиш йўлига кўз тикдилар. Улар шаҳарнинг кўчалари ва маҳаллаларига бориб

етишди, ammo дарбанд — ўтар жойларни тор қилиб қўйганликлари учун отларнинг эгари ғаним сипоҳи орқасидек шикастланди. (46) Улар бахтсизликка учраб, қаҳр-ғазабга дучор бўлиб шаҳарга кирдилар.

Амир Соҳибқирон қайтиб кетиб, бир неча кун Фаринканд ва Соғаржи⁶ да истироҳат қилди. Шу аснода Улжойту ва Пўлод Буғолар лашкар тортиб келаётирлар, улар Тармочуқни ушлаб ўлдирдилар, деган хабар эшитилди. Буни Тағойшоҳ қочиб келиб⁷ етказди. Бу гапдан Амир Соҳибқироннинг ғазаб ўти алангаланди, дарҳол отланиб зафарли лашкари билан Оби Ёмга келиб тушди. Арғуншоҳ Бурдолиқийни айғоқчилик қилишга жўнатган эди, у бир кишини ушлаб келтирди. Уни сўроққа тутдилар. Банди тиз чўкиб қуйидаги жавобни берди: "Улжойту ва Пўлод Буғо Тум (суви)га келиб тушдилар. Амир Хусайн лашкарининг қул (қисми) билан Нахшаб⁸ га кўнди". Амир Соҳибқирон лашкари кўпайиб кетганини кўриб, ўз вилоятидан йиққан лашкарини тарқатиб юборди⁹, сўнг Самарқанд этагидан йўлга тушди¹⁰.

Амир Хусайн бундан илгари амир Мусога (одам) юбориб, уларнинг йўлини тўсишни буюрган эди. Амир Мусо, Учқаро баҳодир бутун лашкари билан Аччиғ Кўкалдирга келиб тушган эди. (Соҳибқироннинг) зафарнишон лашкари ҳар томондан ҳужумга ўтди. Учқаро баҳодир қаршилик кўрсатишга тоқати келмай, Самарқандга қочди. Лашкарлар пароканда бўлди. Амир Соҳибқирон у ердан жўнаб, ўртада бир кеча ўтказиб, Соғаржига етди¹⁰. Отларга дам бериб, эрта саҳарда отга минганича кеч пайти Қарчуққа келиб тушди. Ундан чиқиб, эрталаб Тевабўйни мавзеига етди, туш пайтигача тўхтаб туриб, сўнг отга миниб, орада бир кеча ўтказиб Кўканг ва Юз Қўшунга етди. Тунда у жойга тушди.

XI. КАЙХИСРАВ БИЛАН БАҲРОМ ПОДШОҲ ТУҒЛУҚ ТЕМУРГА ИЛТИЖО ҚИЛГАНЛИКЛАРИ ВА ЛАШКАР ОЛИБ КЕЛГАНЛИКЛАРИ БАЁНИДА

Кайхисрав ва Баҳромнинг воқеасига келсак, улар Мўғулистонга бориб, Кучук Темур ва Дуровуллар бошчилигида етти минг аскар олиб келиб, Тошкандга тушишган эди. Амир Соҳибқирон ҳам иродаси жиловини ўша томонга

бурди. У ерда бир ой муддат тўхтаб турди. Тўйлар қилдилар. Вақтларини завқу сафо ва бахтиёрликда ўтказдилар. Лашкар ва вилоят эли Баҳромнинг олдида тўплансинлар, деган подшоҳ (Туғлуқ Темур) ёрлиғи чиққанлиги туфайли, у ёрлиғ ҳукмига кўра (Тошканд) вилоятини эгаллади, Амир Соҳибқиронга нисбатан муносиб хизматни бажо келтирмади. Озиқ-овқат ва отларга ем-хашак юбормади, балки Амир Соҳибқироннинг хоссايи шарифи бўлган мавзеларни подшоҳ учун мол ундираман деган баҳона билан ўз тасарруфига олди. Ҳолбуки ўрталарида қадимдан дўстлик ва қариндошлик нисбати бор эди. Амир Соҳибқирон унинг мувофиқатчилигида икки марта подшоҳ ва амирларга душман бўлиб, унга ёрдам беришга астойдил интилганди. У эса бу яхшилик ҳаққини унутиб, (47) унга вафо қилмади. Жаҳон аҳли уни маломат ва лаънат ўқиға нишон қилди. Амир Соҳибқирон унинг қулоғини бураб қўйишга ва адабини беришга қодир эди. Аммо (Баҳром) подшоҳ (Туғлуқ Темур)ни кўриб келганлиги туфайли, подшоҳ ҳурматини риоя қилиб, унинг хатоларидан ўтди. Чунончи ҳукамолар: <Баъзи ишларда ўзни билиб билмасликка солиш, уларга кўз ташламасдан ўтиш карамли ва улуғ кишилар одатидандир>, деганлар. Шуларнинг ҳаммасига қарамай, уни душман билан муҳорабага чорлади. У эса ижобат қилмади, мувофиқатчилик ва ҳамроҳлик мақомига қадам қўймади.

Амир Соҳибқирон Кайхисрав (билан) тўй қилиб, бир-бирларига хеш бўлдилар: Кайхисравнинг қизи Руқия хоникани ўз фарзанди амирзода Жаҳонгир учун сўраттирди. Бир муддат айшу сафо билан машғул бўлдилар.

ХП. АМИР ҲУСАЙННИНГ АМИР СОҲИБҚИРОН ТОМОНИГА ЛАШКАР ТОРТИБ КЕЛГАНЛИГИ БАЁНИДА¹

Ўша (769/1367—1368) санада амир Ҳусайн катта бир лашкарни мукамал тартиб билан олиб чиқиб, Қаровнос ва Шаҳрисабздан ўтиб, Солорбулоққа² келиб тушди. Мўътабар⁴ амирлардан амир Мусо, Шайх Муҳаммад³ ва Улжойту⁴ ларни лашкарга муқаддима қилиб юборди. Кетма-кет қарийб минг кишини ҳам юборди. Улар Булунгурга келиб тушди. Ўша мавзеда Малик икки минг киши билан келиб Сўзангарон⁵ да турди, Жаҳоншоҳ бир

минг беш юз киши билан Работи Малик⁶ ка келиб тушди. Яна бир минг киши Еттиқудуқ йўлининг бошига Дизакнинг Харман (мавзеи) га келиб тушди. Жанг лашкарнинг озлиги ёки кўплиги билан эмас, улуғ Тангрининг ёрдами ва қўлловига кўра (ҳал) бўлишига ишонган Амир Соҳибқирон амир Кайхисрав билан келишган ҳолда икки минг мўғул аскар ила Тангри таоло ёрдамига ва иноятига таваккал қилиб, амир Ҳусайн лашкари томон йўлга тушди. Амир Соҳибқирон беш юз отлиғ билан лашкарнинг манғлоий бўлиб, Хавос¹⁰ дан чиқиб келиб, Жаҳоншоҳ лашкарига тўсатдан ҳужум қилди, уларни пароканда ва зеру забар этди. Ўша куни Дизак мавзеига етдилар. Озгина тўхтаб, отларга дам беришди. Улжой Мўғулни уч юз киши билан ўша мавзеда қолдирдилар. Амир Соҳибқирон икки юз киши билан отланиб, Худойи таолога таваккал қилиб, Тангридан мадад ва ёрдам сўраб, ўттиз нафар жанговар, тажрибали одамни олдинга юборди. Ўзи эса етмиш киши билан Инижкакўл йўли билан равона бўлди. Душманлар лашкарнинг муқаддимасини кўришгач, ваҳимага тушиб: "Мўғул лашкари келибди, қул қисми унинг ортида бўлса керак", деб гумон қилишди. (48) Малик уч минг киши билан қочишга юз тутди.

Амир Мусо ва Шайх Муҳаммад бу ҳолатдан хабар топгач, йигирма минг аскари бўла туриб шикаст топдилар. Мағлуб бўлиб, паришон ҳолда ортларига қайтдилар ва тўхтовсиз юриб, амир Ҳусайн ҳузурига етдилар. Шу аснода Кайхисравдан киши келиб: "Дизак мавзеида қолдирилган икки юз мўғул мусулмонларни талон-торож қилиб, асир олиб кетдилар", деб хабар берди. Бу воқеа Амир Соҳибқиронга ғоятда оғир ботди, дарҳол отга миниб, Кайхисравнинг олдига етиб борди. У билан кенгашиб шундай деди: "Раият Тангри таоло ҳазратининг (бизга) топширган амонатидир. Тўнгла қиёматда уларнинг аҳволини биздан сўрайди. Айниқса бизга итоат қилиб, бўйсуниб турган мусулмонлар тоифаси (ҳақида сўрайди). Бу ишнинг чорасини кўришда сузлик қилмаслик керак". Дарҳол лашкардан олтмиш кишини саралаб олиб, (у ерга) юборди, токи улар бориб тоғ томондан қораларини кўрсатсинлар, шоядки уларга кўрқув тушса ва шу сабабли у асирлар халос топсалар. Борганларнинг қораси кўрингач, мўғулларни хавф ва кўрқинч босиб, асирларни бор талаган нарсалари билан бирга ташлаб қочдилар.

Зафарнишон лашкар асирларни бутун моллари билан ўз тасарруфига олгач, озод қилдилар. Амир Соҳибқирон у ердан жўнаб¹¹, Хумрак¹²ка бориб тушди.

ХШ. АМИР ҲУСАЙННИНГ ЎЗ АМИРЛАРИГА ҒАЗАБ ҚИЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

Амир Мусо ва Шайх Муҳаммад воқеаси амир Ҳусайнга маълум бўлгач, амирларига кўп маломатлар қилди, койиди. Ўзи отланиб чиқиб Оқкўтал¹га етди. Хўжанд дарёсидан ўтиб, Амир Соҳибқирон устига бостириб бориш учун ўн минг кишини ўзидан олдин юборди. Амир Соҳибқирон ва Қайхисрав беш юз киши билан отландилар. Тунда Порсин²га етдилар. Йўл бошини тўсиб, бурғу чалдилар. Хавф ва қўрқув душманларни ёқасидан тутиб, улар тарқалиб кетдилар. Баҳром Жалойир мўғул лашкари билан кўтал-довондан ўтиб, Сайром³га етди. Амир Соҳибқирон ва Қайхисрав ҳам ўша ерга бордилар. Уларнинг кўчларини Чимиканд⁴дан топдилар. Баҳром мўғул лашкари билан ўз вилоятига чекинди. Амир Соҳибқирон ва Қайхисрав қишлоқ учун жой излардилар. Қайхисрав Ўтрор⁵га кетди. Амир Соҳибқирон у ердан қайтиб, қишни Тошкандда ўтказди. Амир Ҳусайн лашкарлари билан Самарқанд томонга қайтди. Пўлод Буғо ва баҳодирлиги билан танилган бир неча баҳодирни Самарқандда қолдириб, ўзи Арҳанг Саройга бориб қишлади. (49) Сори Буғо ва Оқ Буғони Қайхисрав билан учрашган вақтларида лашкар сўратиб амир Шамсиддин ва Ҳожибек томонига юборган эди, улар баҳор фаслининг аввалида келишди. Мўғул лашкари келди деб овоза қилишди.

Амир Ҳусайн Хўжанд ва Тошканд уламо ва машо-йихларига киши юбориб: "Ҳаммаларингиз йиғилишиб, Амир Темур хизматиغا боринглар. Саъй-ҳаракат қилиб, бизнинг ўртамизда сулҳ тузинглар. Орамизга тушган ғуборни вафо ва мувофиқат суви билан ювинглар", деб илтимос қилди. Уламо ва машоих тўпланишиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига боришди. Мадрҳу сано удумини бажо келтириб, дуо расм-русмини адо этишгач, шундай дедилар: "Лашкарни тезлаш раият ва мамлакат аҳволининг хароблигига сабаб бўлади, яхши ният ва камоли эътиқодингиз шуни тақозо этадики, сиз сулҳ тузишга мойил бўлинг, токи мамлакат хавфхатардан амонда бўлсин, раиятлар фаровон ва хотиржамликда ҳаёт кечира

олсин". Ҳазрати Тангри таолонинг фармони ҳам шу зайлдадир: <Сулҳ хайрлидир>⁶.

Амир Соҳибқирон туш кўриб эди; Хўжанд дарёсида кўп сол ва ходаларни тўплаганмиш, ўзи эса дарёнинг ўртасида бир ходада ўтирган ҳолатда Худодан бошқа ҳеч бир зот халос этмаслигини билиб, ўша ходанинг устида Худойи таолога сажда қилиб ёлвориб, зорланиб нажот ва халос сўраётган эмиш. Уйқудан уйғонгач, шарафли фикрида сувни лашкарга йўйган эди. Уламо ва машойих ўртада туриб сулҳ талаб қилишгач, кўрган туши муборақ хотирига келди. Лекин кўпам тушига ёпишиб олмасдан, амир Ҳусайнга софдиллик қилиб, жанг ва хусумат фикридан кечмишни маслаҳат кўрди. Ўзича ўйлади: "Бу хайрли ишда одамларнинг борди-келди ташвишисиз, кўп ҳам чўза бермасдан, сидқи ният билан дўстлик аҳду паймонини янгиласам-да, ўзим амир Ҳусайн олдига бориб, неки гап бўлса юзма-юз унга айтсам ва сулҳу сафони барқарор қилсам".

Бинобарин, отга миниб эртаси кунчиқар пайтида Самарқанд дарвозасига етди. Шаҳарга кирмоқчи бўлиб турганида у ердан бир киши чиқиб: "Амир Ҳусайн вафот этди", деб халқ ўртасида ёлғон хабар тарқатди. Амир Соҳибқирон токи бу кечмишни текшириб кўриб, шу пайтга муносиб иш нима бўлишини аниқламагунча шаҳарга киришга шошилмасликни маслаҳат кўрди. Шу сабабли, Шодмон⁷ томонга қараб жўнади. Йўлда амир Ҳусайн лашкаридан бир неча қўшунни учратди. Улар унга қасд қилган эдилар, Амир Соҳибқирон ҳамла қилиб уларни ҳайдаганча Оби Ёмга етди. У ерда тушиб, бир замон тўхтади. Отларни тўйғазиб, яна отга минди ва Ниёзийга етиб тўхтади. Шунда сафлар тузган ҳолда лашкар тортиб амир Мусо келиб қолди. Баҳодирлар бир-бирлари билан сўзлашиб: "Бу — Амир Темур. У амир Ҳусайн олдига кетаяпти", дедилар. Амир Мусо бу гапларга қулоқ солмасдан жангга тайёрланди. Ноилож Амир Соҳибқирон ҳам жанг қилишга мажбур бўлиб, муҳорабага шайланди. (50) Донолар айтганлар, яъни: <кимики унинг розилигини истаб, унга нисбатан лутфу марҳамат ва одамийлик йўлини тутган бўлса-ю, у рози бўлмаса ва мардлик ҳам мурувват йўлидан узоқлашса — у ҳақиқатда шайтондир. Кимики уни зўравонлигу қаҳр билан ғазабга келтирса-ю, аммо у беғайратлик мақомига қадам қўйса — у эшак ва ҳўкиз саноғидадир>.

Амир Соҳибқирон уларнинг орқасидан ўтиб жанг қилиш учун Сайфиддин ва Хитой баҳодирни эллик киши билан юборди ва ўзи етмишта отлиқ билан Хузор томонга жўнади. (Амир Мусо) йўлини тўсдилар. Амир Мусо лашкари буни кўргач ваҳимага тушиб, парокандаликка учраб тумтарақай бўлиб қочди. Унинг лашкаридан анчасини ҳалок қилдилар ва кўпларини кетидан қувиб бориб ер тишлатдилар, яна бир гуруҳини пиёда қолдирдилар. Шу аснода амир Ҳусайн лашкари етиб келди деган хабар етди. Амир Соҳибқирон у сўзни эшитгач, ортига қайтиб, олти юз кишини тартибга келтирди ва бир баланд ерга чиқиб турди. Тўсатдан Қаровнос лашкаридан ўттиз қўшун сараланган йигитлар ва яхши отлар билан чиқиб келди. Маймана ва майсарани ораста қилиб саф тортдилар. Аммо бир-бирларига яқинлашмай, қора кўрсатиб боришарди. Охир ёғий ўз лашкари билан бир ерда тўхтади. Амир Соҳибқирон лашкарини ораста қилиб, ортига қайтди. Ўртада бир кеча ўтказиб, Қойнорга етди. Саҳар вақтида у жойга келиб тушди. Бундан олдин Панжшанба исмли бир кишини амир Ҳусайн томонига элчи сифатида юборган эди. Қойнор ва Шақшорда унга мунтазир бўлиб турди. Амир Ҳусайн жанг қилмаслик ва сулҳ тузиш борасида қасамёд қилиб, аҳду паймон тузиб, буни таъкидлаш учун Туроншоҳни Панжшанбага қўшиб юборди. Амир Соҳибқирон Аббос баҳодирни Туроншоҳ билан амир Ҳусайн олдига юборди, токи улар бориб унинг аҳду паймонини янгилаб қайтгайлар. Амир Ҳусайн эса қайтадан аҳду паймон тузиб, Амир Соҳибқиронни ўз ҳузурига олиб келишлари учун амир Мусо ва Улжойтуни ўн минг киши билан жўнатди. Улар Кўмишкандга Алиато мазорига бориб тушдилар. Амир Соҳибқирон эса Алиободга тушган эди. Ўртада элчилар бориб келгач, ҳар бирлари юз киши билан келиб мулоқот қилишга келишдилар. Бир-бирларига яқинлашган вақтда Амир Соҳибқироннинг навкарлари улар устидан ғолиб келишни истаб: "Унинг забардаст, таниқли амирлари шу тўдада келибдилар, агар уларни йўлимиздан улоқтириб ташласак, бизларга қарши туришга куч-қуввати етадиган ўзга кишиси қолмайди", дедилар. Ақлли кишилар фурсатни ғанимат билладилар. Шунинг учун айтмишларки: ...яъни, <замон тез ўтувчи фурсатдир. Худди булутдек ўтади, учган юлдуздек кетади қолади>. Ҳақимлар айтганлар: <Киши ақлининг комиллигини шундан билса бўлади: агар душман давлати шамолини қаттиқ эсаётган ҳолда кўрса — тавозе мақомига

қадам қўяди, агар душман давлатининг ялови шикаст топиб йиқилганини кўрса, фурсатни қўлдан чиқармайди>.

Қайси бир давлатдаки (51) ушбу икки нарса жам бўлса, унда ҳеч эзгулик бўлмайди: биринчиси — жисмоний лаззатлар билан нафсини қондиришга ғоятда берилиш; иккинчиси — қулай имконият туғилганда фурсатни бой бериш.

Айтмишларки, айрим подшоҳларнинг бошқаларидан улуглиги уларнинг аслзодалиқ фазилатидандир ва уни беш нарса билан билиб бўлади. Биринчиси — фуқарога кўрсатган марҳамати; иккинчиси — мамлакатни сақлаб тура олувчи адолати; учинчиси — золимнинг жабрини мазлумдан қайтара олувчи ҳайбати; тўртинчиси — душманнинг макр-ҳийласидан огоҳликка восита бўлгудек дониши; бешинчиси — фурсатни ғанимат билиш учун иш оқибатини кўра билиши. (Байт):

Қилмагин вақтинги зое, фойдасиз афсусу ҳайф,
Чунки фурсатдур ғанимат ҳам эрур "ал-вақту сайф"⁸.

Амир Соҳибқирон бу ҳолдан хабардор бўлгач, ўз кишиларини койиб деди: "Аҳду паймон дин арконининг бир рукнидир. Қайси подшоҳ дин арконларига риоя қилишда сустлик қилса, унинг давлати доимо тебраниб ва чайқалиб туради. Халойиқ қайси маликнинг бузилмас аҳду паймониغا ва вафосига суянса, унинг мулки доимо обод, лашкари кўп бўлади". Шу жиҳатдан демишларки:

Душманинг кўнгли қарор топсин десанг,
Аҳду паймонида тургин устувор.

Алқисса, икки томон бир-бири билан учрашиб, аҳду паймонни янгидан туздилар. Амир Соҳибқирон амир Мусо ўтовига тушди. Ваҳшату жафо улфату сафога айланди. Лашкарга ижозат бериб, ортларига қайтардилар. Амир Соҳибқирон Кеш томонга жўнади. У вақтда Бадахшон амирларининг амир Ҳусайнга душман бўлган пайти эди. Амир Ҳусайн лашкар тортиб улар томон кетган ва икки лашкар бир-бирининг қаршисида турган эди. Унинг лашкари ўша вилоятга босқин қилиб турганди.

Амир Соҳибқирон отланиб, Кешдан хуросонликлар томонига жўнади. Хуросонликлар бундан хабардор бўлиб, Балх ва Хулмни талон-торож қилиб қайтдилар. Амир Соҳибқирон

Омуя сувидан ўтиб, Термиздан амир Ҳусайн томонига кетди. Унинг келаётгани хабари амир Ҳусайнга етгач, у Бадахшон шоҳлари билан сулҳ тузиб қайтди. Қундузга етганларида бир-бирлари билан учрашдилар. Ўтган иш ўтиб, энди софдиллик билан иттифоқ ва яқдил бўлдилар. Бир неча кунни Ишкамиш¹⁰ юқорисида бир-бирларига тўй бериб, айш-ишрат билан ўтказдилар.

У жойдан лашкар тортиб, Кобул томонга жўнадилар. Пўлод Буғо ва Оқ Буғо уларга душманлашиб, Кобул ҳисоридан паноҳ топишганди, уларни ўраб олиб, жанг бошладилар. У жангда Амир Соҳибқирон мардлик ва мардоналик кўрсатиб, душманларни ожизу музтар этди. Хитой баҳодир, Шайх Али баҳодир ва бошқа кўплаб атоқли зотлар у жангда ярадор бўлдилар. Охир-оқибат ҳисорни эгаллаб, ҳар иккала душманни тутиб келтирдилар. Амир Ҳусайн яна бир бор Амир Соҳибқирон билан кенгашиб шундай деди: "Энди Балх томонга боришга азм қилдим, (52) у ерни тузатиб, ҳисор қураман. Бу хусусда кўнглингга нима келса айт". Амир Соҳибқирон айтди: "Олам унинг вужуди билан мунаввар бўлиб фахрланган биродарингиз амир Абдуллоҳ амир Қазоғон замонида жами мамлакатларни биларди. Бир пайт Самарқанд томонга бормоқчи бўлган эди, унинг хизматида бўлган улуғ амирлар арз қилиб: "Ўз вилоятини қўйиб, бегона вилоятни обод қилиш ақл йўлидан узоқ", дедилар. Мен ҳам ишингнинг ўнгидан келиши учун сенга буни маслаҳат кўрмайман". Амир Ҳусайн айтди: "Албатта мен сенинг ҳар қандай фикрингни тўғри деб биламан. Сенинг давлатимга хайрхоҳлигинг ва яхши ниятда эканлигингга шак-шубҳам йўқ. Аммо бу истак хотиримни бутунлай эгаллаб олган, ўз хотиримни ундан холи қила олмайман", деди.

XIV. АМИР ҲУСАЙННИНГ КОБУЛ ҲИСОРИНИ ОЛГАНДАН КЕЙИН БАЛХГА КЕЛИШИ БАЁНИДА

Охири амир Ҳусайн у ердан Балх томон равона бўлди. Амир Соҳибқиронни ўзи билан бирга олиб қайтди. Балхга етгач, ҳисор қуриш хусусида фикр юргизиб, тадбир қўллашга киришдилар¹. Бу ишнинг тўғри ёки хатолиги ҳақида ўйлаб турганларида, ногоҳ мўғуллар лашкар тортиб келгани ҳақида хабар етди. Амир Соҳибқирон, амир Мусо ва амир Али лашкарнинг манғлоий бўлдилар.

Мўғул лашкари эса Тошкандга келиб тушиб, қишни шу ерда ўтказди. Амир Ҳусайн лашкарнинг қул қисми билан Кеш вилоятида қишлади. Амирлари Муқурқарода жойлашдилар. Қамариддин, Кепак Темур ва Шерўғул мўғул лашкаридан баъзилари билан амир Ҳожибекка қасд қилдилар ва лашкар тартиб келдилар, яқин етгач, ўзаро сўзлашиб ортларига қайтдилар. Қамариддин ва Кепак Темур ҳийла қилиб қочишди. Амир Ҳожи ўз лашкари билан (улар) кетига тушиб, Шерўғулни тутиб ёсоққа етказди. Мўғуллар ғазабга келдилар. Шундай бир вазиятда Бадахшон шоҳлари от қўйиб Қундузга кўрдилар ва талон-торож қилдилар. Амир Соҳибқирон ва амир Мусо: "Вилоятдан мўғул лашкари қочиб пароканда бўлди. Биз уларнинг кетидан қувамиз", деган эдилар, амир Ҳусайн розилик бермади. (53)

XV. АМИР ҲУСАЙН ЎЗ ЎҒЛИ ЖАҲОН МАЛИКНИ АМИР СОҲИБҚИРОНГА ҚЎШИБ ЛАШКАРНИНГ МАНҒЛОЙИ ЭТИБ ЮБОРГАНИ БАЁНИДА

(Амир Ҳусайн) яна қайтадан лашкарини жангга ҳозирлаб, тартибга келтиргач, Бадахшонга равона бўлдилар. У Кешм¹ мавзеига етганда лашкарининг қул қисмини ораста қилди. Ўғли Жаҳон Маликни Амир Соҳибқиронга топширди ва уни лашкарнинг манғлоийи этди. Амир Соҳибқирон у жойдан отланиб душман томонига равона бўлди. Душманлар Каркас² кўтали (довони)дан тушдилар, аммо лашкарнинг қорасини кўргач, қочишга юзланиб, Журмун³ кўталини эгалладилар, бироқ у жойда ҳам тўхтаб туролмасдан қочдилар. Йўл-йўлакай (Журмун) суви⁴дан ўтадиган жойлар ва кўприкни буздилар. Вовлум⁵ларни эгаллаб, тўхтаб турдилар. Амир Соҳибқирон қайтадан кечик солиб, лашкарини тартиб билан ўтказди. Ёғий яна бир бор турган еридан қочиб, Наботор томонга бориб, Бадахшон шоҳларига қўшилдилар. Улар билан иттифоқ бўлиб Наботорни олдилар. Катта сув олдида баҳайбат бир тоғ ва азим бир дара бор эди. Лашкарини ораста қилиб, ўша тоғ устига чиқиб, ҳўкиз бошли қалқон ва тураларини олдиларига қўйиб турдилар. Лашкар қорасини кўргач эса

яна қочдилар. Кунқорўлангнинг⁶ бу томонида Омуя сувига борадиган йўлларни эгалладилар. Пистирмада турган ерларини мустақамладилар.

Амир Соҳибқирон лашкарининг манғлоийи етиб келгач, баҳодирлар олдинга ўтиб жанг бошладилар, ёғийни пастга туширдилар. Шоҳ Шайх Али Бадахшонийни кетидан қувиб етиб ушладилар, уларнинг от-қўйлари галаларини ҳайдаб, ортларига қайтдилар. Амир Соҳибқирон: "Ёғий қочди, вилоятни олиш керак", деб буюрди. Жаҳон Маликни Курон томонга жўнатди. Улар илғор (қисм) бўлиб бориб, талон-торож қилдилар ва кўп ўлжа олдилар. Аммо қайтаётганларида уларни йўл бошида душманлар тўхтатиб, олган нарсаларининг барини тортиб олдилар. Лашкардан баъзиларини ўлдирдилар. Бир юз ўттиз кишини отидан қулатиб, тутқин этдилар. Жаҳон Малик қочди.

Бу хабар Амир Соҳибқиронга етгач, ўзи отланиб, ўн уч киши билан Добон тоғи устига чиқиб, улар ўтадиган тор йўлнинг бошини тўсиб турди. Кўп жанг ва ҳисобсиз ҳаракатлардан кейин эли ва ўзига яқин кишиларни душмандан қутқариб олди. Айтишларича, Амир Соҳибқирон шундай деганмиш: "Мен шунча кўп жанглар қилдим ва кўп воқеаларни бошдан кечирдим-у, аммо бу жангдан қаттигини кўрмадим".

Шу аснода мукамал қуроолланган элликта йигит Амир Соҳибқиронга (қарши) **(54)** яқинлаб келди ва яна икки юз киши уларга ёрдамга етишди. Элчи Буго мардоналик кўрсатиб пиёдалар орасига ташланди ва бир неча тожикнинг гарданига шاپалоқ уриб, ширин тил билан айтди: "Олдингизда турган киши — Амир Темурдир. У сизлардан олинган асирларни озод қилиб, ўзингизга беради, сизлар нега беҳуда жанг қиляпсизлар". Душманлар турган жойларида унга бош эгдилар. Улар орасидан икки киши чиқиб таъзим қилди. (Амир Соҳибқирон): "Бизнинг вилоятдан олганингиз от ва қурол-аслаҳаларнинг барчасини жамлаб бизга келтиринглар, шунда биз асирларни сизга қайтарамиз", деб ишорат қилди. Ҳаммалари хизмат мақомида туриб, ишоратни қабул этдилар, қурол-яроқ ва совутлардан ҳар нимаикни олган бўлсалар, келтирдилар, Амир Соҳибқирон ва Жаҳон Малик учун тўққиз-тўққиз тортдилар. Уларнинг асирлари қайтариб берилсин, деган фармон содир бўлди.

У, жойдан қайтгач, қул лашкари тезлик билан етиб келди. (Қочиб кетган) Тезакчи Жалойир (ва баъзи аскарлар) Бадахшонга кирган эдилар, амирлар: "Уларни қайтиш вақтида сўроққа тутайлик", дедилар. Амир Соҳибқирон бу гапни эшитиб ғазабланиди ва уларни (ҳозироқ) ҳузурига келтириб, воқеани сўради ҳамда гуноҳқорларни чўп ёсоққа етказди.

XVI. ШАЙХ МУҲАММАД БИЛАН КАЙХИСРАВНИНГ АМИР ҲУСАЙНГА ДУШМАН БЎЛГАНИ БАЁНИДА

Амир Ҳусайн Амир Соҳибқирон олдига киши юбориб: "Кайхисрав ва Шайх Муҳаммад душманлик йўлига кирдилар, тезда етиб келишинг керак, чунки бу муҳим ишнинг тадбиру чораси сенинг раъйинг ва маслаҳатингсиз муяссар бўлмайди", деди. Амир Соҳибқирон дарҳол отланиб Соли Саройга, сув бўйига етиб келди ва унга учрашди. Амир Ҳусайн унга муносиб иззат-икром ва эҳтиром кўрсатиб, улуғлаш ва сийлаш маросимини кўнгилдагидан зиёда ўтказди.

Амир Соҳибқирон Бадахшонда турган вақтида Шайх Муҳаммад ва Кайхисрав бир гап айтишган ҳамда амир Ҳусайнга бир нишон — мактуб юборган эдилар. (Амир Ҳусайн) хатни эҳтиётлаб сақлаб келарди. Амир Соҳибқирон бундан хабардор эди. Шундай бир вазиятда у ўзича ўйлади: "Агар амир Ҳусайннинг аҳду паймони рост, дили менга нисбатан соф бўлса, бу гапни менга айтиши ва у мактубни менга кўрсатиши керак". Иш Амир Соҳибқирон ўйлаганидек бўлиб чиқмади. Амир Ҳусайн (мактубни) пинҳон тутди. У амир Ҳусайн ҳақида бадғумон бўлиб ўйга толиб, ўтовида ўтирганида икки киши кириб келди. Улар: "Амир Ҳусайн сизга нисбатан ёмон ниятдадир. У сизни ушлашга қасд қилган", дедилар. Амир Соҳибқиронга камоли мардлик, куч-қувват, (55) шижоат ва ботирлик хос бўлганидан кўнглига бундан кўрқинч тушмади. Бирор кишига бу ҳақда гапирмади ҳам. Шу ўртада бир киши келиб, унга мактуб тутқазди. Бу мактуб подшоҳ номидан амир Мусога ёзилган эди: "Муносиб фурсат пойлаб туриб, Амир Темурни ушлагин". Амир Соҳибқирон ўша мактубни пинҳон тутди ва ўзича

ўйлади: "Бу ёлгон бўлса керак. Агар уларнинг кўнглида бу (фикр) бўлса эди, учрашув кунидаёқ (жонимга) қасд қилган бўлардилар. Амир Мусонинг нима кучи борки, мени тутқин қила олсин". Шу фикр (билан) отига минди ва у гапнинг тўғри-нотўғрилигини очиқчасига сўраб аниқлаш учун отини чоптириб кетди. Етиб бориб кўрдик, амир Ҳусайн сув бўйига бориб турган экан. Шу пайт кемадан бир киши чиқди-да, амир Ҳусайннинг қулоғига: "Ёғий етиб келди. Лашкарларни (жангга) ҳозирлаш керак", деб шивирлади. Амир Ҳусайн Амир Соҳибқиронга: "Сен лашкарнинг манғлоий бўлиб сувдан ўт, ўз лашкарингни ораста қилиб олдинга юр. Сендан илгари Зиндачашм ҳам лашкари билан кетган эди", деб буюрди. Амир Соҳибқирон ўз лашкарини сувдан ўтказиб, йўлга тушди. Душманлар унинг ҳамласидан кўрқиб, орқаларига қарамай қоча бошладилар ва Олой² томонга кетдилар. Кайхисрав қочди. Зиндачашм унинг кетидан қувиб кетди. Шайх Муҳаммад ҳам қочди. Амир Соҳибқирон уни таъқиб қилиб, Хўжанд сувига етказди. Шайх Муҳаммад у ердан ҳам қочиб, Тошканд томонга, ундан Ўтрорга равона бўлди. Давлат яловлари зафару галаба билан Кешга кириб келдилар.

Юқорида зикр этилганидек, Амир Соҳибқирон имкон қадар амир Ҳусайннинг мамлакатдорлиги ва давлати ишларида мардлик-мардоналик вазифаларини адо этди, садоқат ва ихлос юзасидан душманлари юзига қилич солди ва унинг мухолифларини хору залил этди. Амир Ҳусайннинг синглиси унинг никоҳида бўлиб, у билан қавм-қариндошлик ва дўстлик алоқаси ҳар томонлама мустаҳкам эди. (Чунончи), амир Ҳусайн салтанат тахтига ўтказгани Одилхон (кейинчалик) ундан қочиб Кеш шаҳри ёнидан ўтаётган пайтида, буни Амир Соҳибқирон пайқаб қолган ва кетидан бориб, у билан жанг қилган, уни тутиб, амир Ҳусайн олдига юборган эди. Ҳарҳолда у дўстлик аҳди ва шартига вафо қилиб, унинг буйруқлари (ижросида) ҳеч вақт сустлик кўрсатмади ва бош тортмади. Қилган шунча саъй-ҳаракати ва жонбозлиги сўнггида: "Вилоятингни кўчириб бизнинг олдимизга кел, муҳим ишлар сенинг келишингга мунтазир", деб хабар юборди.

Пўлод Буғо ва Халил бу ишда кўмаклашмоқчидай бўлиб, (аслида эса) унга қасд қилиб, озор бермоқчи

эдилар. Амир Муайяд мастлик ҳолатида Жовурчининг ўғлини ўлдириб қўйди.

Амир Ҳусайн Амир Соҳибқироннинг синглиси Ширинбек оғони кўчириб келиш учун киши юборди. Яна амирзода Жаҳонгирни юбориб, (у орқали) Амир Соҳибқиронга: "Амир Мусони ўз эли билан кўчириб менинг олдимга юбор, ўзинг эса вилоят забтига машғул бўлиб, у жойда тур", деб хабар берди. Шу ҳийла билан Амир Соҳибқиронни хотиржам қилмоқчи бўлди. Амир Ҳусайн гарчи жасур киши ва шамширдор баҳодир бўлса-да, аммо бахил ва хасис эди. Шу сабабли одамлар ундан нафратда эдилар ва кўпчилик ундан (56) юз ўгирган эди. (Байт):

Бахиллик бир айбдирки, у юз фазилатингни беркитиб қўяди,
Сахийлик бир кимёдирки, у юз айбингни фазилатта айлантиради.

ХVII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ АМИР ҲУСАЙН БИЛАН ЖАНГ ҚИЛГАНЛИГИ ВА У ТОМОН ЛАШКАР ТОРТИБ БОРГАНЛИГИ БАЁНИДА¹

Амир Ҳусайннинг одамларга нисбатан нияти бузилиб, уларнинг молига тамаъ этиб, шаъну номусига тегадиган ҳақоратлар қилгач, халқнинг ундан кўнгли совиди. Давлат ва мамлакат аҳволи ундан юз ўгирди. Азиз ва олий Тангри буюради: <Аниқки, то бирон қавм ўзларини (ўзлари) ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас².

Қайси бир подшоҳ ўз раияти ва аркони давлати молига тамаъ қилса, у девор устида туриб, ўзи турган деворнинг остини кавлаб бўшатган кишига ўхшайди. Агар девор қуласа, у кишининг ҳалок бўлиши хавфи бордир. Шунинг учун айтмишларки (байт):

Қайси шоҳ ўз халқининг молига қўл чўзса агар,
Ул қазиб девор тагин, лойи билан томин сувар.

Қайси бир шоҳ халқига яхшилик истаб, ўз ишини халқининг ва раиятнинг ҳолини сўраш, уларга ғамхўрлик қилиш асосида қурса, ҳамманинг дили унинг муҳаббатига

чамбарчас боғланади, уларнинг ҳиммати унинг дуоси ва мадҳу саносига бағишланади. (Байт):

Хоҳласанг халқинг, сипоҳингга гар сен яхшилик,
Хоҳлагайлар сенга ҳам халқинг, сипоҳинг яхшилик.

Амир Соҳибқирон амир Ҳусайннинг аҳволи ўзгарганлиги, ҳаракатлари ва гапларининг айниганлигини мушоҳада этгач, фаросат кўзи билан қалбининг жоми жаҳоннамоси³ да унинг мулки ва давлати юзининг тирналганлиги ва аҳволига путур етганини кўрди. Амир Мусо билан кенгашиб⁴: "Амир Ҳусайннинг гапларию ишларига ишонч қолмади. Бузуқ фикрли кишилар унинг мизожу табиатини бўйсундиришга муваффақ бўлибдилар. Ўйлайманки, ғаразли кишиларнинг сўзи билан ғаддорлик ва макру ҳийла ишлатиб, тўсатдан бизга қасд қилиб қолиши мумкин", деди.

Амир Довуд ва амир Чоку каби давлат амирлари ва нўёнлари ҳазрат Соҳибқирон билан яқдил бўлишди. Ҳусайнбек, амир Ҳожи Сайфиддин, Аббос баҳодир, Оқ Буғо баҳодир, Шайх Али баҳодир, Давлатшоҳ бахши ва Элчи баҳодирлар уларга бўйсундилар, буларнинг ҳаммаси ҳам амир Ҳусайнга муҳолиф бўлишда иттифоқ туздилар. Атроф теваарақдаги кишиларни ҳам шу фикрга қўйилишга ундадилар. Охир-оқибат муҳолифат изҳор қилиб, Али Ясовурийни қиличдан ўтказдилар, улуг ва азиз Тангри ҳазратидан ёрдам сўраб, лашкар туздилар (57) ва амир Ҳусайн томон юзландилар. Шайх Муҳаммад Хўжанд томонга қочган эди, дарёдан ўтиб Ўтрорга етганда уни тутиб келтириш учун амир Ҳиндуни юбордилар. Амир Мусо Амир Соҳибқирон лашкарининг қул қисми билан Хузор мавзеига етди. (Лекин) фикри бузилиб, ёмон ўй-ниятлар билан аҳду паймонини синдириб, Самарқанд томонга жўнади. Амир Соҳибқирон бу ҳолдан огоҳ бўлди ва Аллоҳга таваккал қилиб, ўзининг хос лашкари ва ишончли кишилари билан йўлга тушди. Подшоҳзода Суюрғатмиш, амир Муайяд, Ҳусайнбек ва бошқа бир гуруҳ баҳодирларни лашкарга манғлой этиб олдинга юборди. (Лашкарнинг) қулида ўз муборак зоти турди. Лашкар манғлойи Термизга етгач, қораларини кўрсатдилар. Амир Ҳусайн лашкарининг манғлойи Ҳиндушоҳ ва Халиллар узоқдан уларнинг қорасини кўриб, тўхтамасдан қоча бошладилар. Амир Соҳибқирон уларнинг кетидан жўнади. Шу ҳолатда Аллоҳ таоло уни шарафли этгур Макка саййидлари

жамоатидан бўлмиш улуғ амир ва муҳтарам саййид Саййид Барака⁵ етиб келди. У Амир Соҳибқиронга катта ноғора (табл) ва ялов тортиқ қилди. Амир Соҳибқирон бунини муборақ фол деб билиб, тўхтовсиз равона бўлди ва Чағон⁶га бориб тушди. У ердан амир Чокунини Сулдуз лашкарини ва ўзининг хос лашкарини кўтариш учун Хатлонга юборди. Амир Ҳинду эса изма-из бориб, Шайх Муҳаммадга етди ва уни ушлаб ўзи билан бирга олиб келди. Шу вақтда Амир Соҳибқирон Бадахшон шоҳига элчи юбориб, лашкар сўради. Амир Ҳусайн Улжойтуни Қундуздан ҳайдаган эди, шу кунларда амир Улжойту ва Бадахшон шоҳи Шайх Муҳаммад барча тобеълари ва лашкари билан Хулм мавзеида эдилар, улар Амир Соҳибқиронга келиб учрашдилар. Амир Ҳусайндан қочган Кайхисрав ҳам келиб қўшилди. Ҳамма амирлар, сардорлар теварак-атрофдан Амир Соҳибқирон остонасига юзландилар. Шундан сўнг Амир Соҳибқирон номдор биродарларини лашкарнинг манғлои етиб олдинга юборди. Шайх Али баҳодир душманни узоқдан кўриб ҳамла қилди, қаттиқ жанг бошланди. Бироқ ғалабага эришолмай турган эди, Хитой баҳодир иккинчи томондан жангга кирди ва иттифоқлашиб душманни жойидан қўзғатиб қувладилар. Шайх Али баҳодир у жангда Чўпон Сарбадорни тутиб келтирди.

XVIII. ПОДШОҲ СУЮРҒАТМИШ¹НИНГ ПОДШОҲЛИК ТАХТИГА ЎЛТИРИШИ БАЁНИДА

Муқаррар қоида ва муайян тартибга кўра Тангри ҳазратининг сояси бўлмиш подшоҳсиз мамлакат ишлари интизом топмайди, сиёсат ва адолат қонун-қоидалари барқарор бўлмайди. Қачонки салтанат юритишга лаёқатлиги кўриниб турган, улуғ хонадонга мансуб мустақил подшоҳ бўлмас экан, олам аҳли аҳволига тўс-тўполон (58) йўл топади, ишларда тартиб ва интизом йўқолади: на сипоҳда пушту паноҳ ва на раиятда мададкору таянчиқ бўлади. Қачонки тайинли бир шахс бу мансабга лойиқ келса ва бошқарув ишларини ўз гарданига олса, атроф-теварақдаги фасодчилар тамаъ қилишни тарк етиб, итоату бўйсунуш йўлига кирадилар. Баний Исроил воқеаси бу даъвога гувоҳдир: уларнинг мамлақати мутааййин бир подшоҳдан холи қолганда, гарчи улар орасида

Юшаъ пайғамбар мавжуд эса-да, бир ривоятга кўра, Шамъун ва иккинчи бир ривоятга мувофиқ Ашмуилга ушбу илтимосни қилганлар, яъни: <Бизга бир подшоҳни тайин қилгинки, токи ундан бизнинг белимиз ва дилимиз қувватланиб, кофирлар ва дин душманларига (қарши) жиҳод қилайлик>². Шунга биноан Амир Соҳибқирон мамлакат ва давлат қонун-қоидаларини мардоналик билан кучи, саодатли толеъи баракати, тақдирга мувофиқ тадбири ва яхши кечмишлар билан мустаҳкам қилгач, (бир вақтлар) Чигатойхонни Амир Соҳибқироннинг бузургвор бобоси бўлмиш Қарочор барлосга топширган улуғ подшоҳ Чингизхоннинг узоқни кўрувчи назари тўғри эканлигини асрлар ўтгандан кейин олам аҳлига равшан қилмоқчи бўлди, амирлар ва нўёнлар билан машварат тузиб, у улуғ хонадон (аъзолари)дан салтанатга мутааййин бўлган подшоҳ Суюргатмишхонни бахтли бир толеъ, муборак бир кун ва саодатли бир соатда Ўрпўз³ мавзеида мамлакат подшоҳлиги тахтига ўтказди. Шундай улуғ мажлисга лойиқ подшоҳона тартиб ва расм-русмларни ҳозирлади ва бир неча кунни айшу комронлик билан ўтказдилар.

Ёсоқ ва йўсун йўл-йўриқларини қадимий қонун-қоидалар асосида қайтадан тиклагач, лашкарни тартибга келтириш ва сипоҳни ораста қилиш билан машгул бўлди ва зўр шавкат ҳамда буюк куч-қудрат билан амир Хусайн томон йўлга чиқди. Бу хабар тарқалгач, ҳамма томондан лашкарлар жамъ бўлдилар. Зиндачашм ҳам етиб келди. Ҳаммалари йиғилишиб Балх⁴ қалъасини ҳар тарафдан ўраб олдилар. Қалъа ичидан кўп отлиқ ва пиёдалар чиқиб келиб жанг қилдилар. Амир Соҳибқироннинг фарзанди дилбанди, жаҳон амирзодаси, адлу эҳсон қуёшининг шуъласи, бахтиёрлик тожининг гавҳари ўн олти ёшли Умаршайх баҳодир⁵ (қалъа) дарвозаси томон юрди. Уни бу ишдан ҳар қанча қайтармасинлар, фойда бермади. Шу ёшида ҳақиқий мардоналик кўрсатиб, душманларни тўхтатди. Аммо жанг охирида оёғига ўқ тегиб, мажруҳ бўлди. Уста жарроҳлар ярали жойни доғладилар. У камоли ғайрати ва мардонлигидан оҳ демади, қошини ҳам чимирмади. Тун бўлгач, икки томон лашкари ўз жойига қайтди. Тонг отгач, яна жанг ноғорасини қоқдилар. Жангу жадал мардлари дарвозани очиб ташқари чиқдилар ва жанг бошладилар. Муҳораба шу даражага етдики, жанг майдонида қондан ариқлар оқди. Итоатсиз-

ларнинг бошлари коптокдек бало чавгонининг қайқисига тушди. (Шеър): (59)

Икки томон сипоҳин ур-ур деган садоси,
Отлиқлар тўзонидан тўлди жаҳон фазоси.
Ўликлар жасади ётар жанг майдонида,
Бош, қўл, оёғу кулоҳ, қиличию найзаси.

Аҳвол шу даражага етгач, амир Ҳусайн қўрқиб ожиз бўлиб қолди. Шундай ҳолатда ҳам молу ашени тану жонига ва номусига қалқон қилишга ҳирсу нафси йўл қўймади. Қани ҳимматки, бирон кишига бир дирам берса! (Байт):

Аясанг жангчилардан олтин-кумуш, молингни,
Қилич олиб қўлига олмагайлар ёнингни.

Шу сабабдан лашкарнинг аксари тарқалиб, ундан кўнгиллари қолди. Амир Ҳусайн қўрқувнинг зўридан қалъа дарвозасини ёпди, ҳақиқатда эса ўзи учун давлат дарвозасини ёпди. Амир Соҳибқирон: "Агар жон керак бўлса аҳду паймонингга вафо қил", деб хабар юборди. Амир Ҳусайн ёлвориб: "Мен амирлигу давлатимдан ва молу мулкимдан кечдим. Йўлимни очиб қўйишни буюргин, токи ташқари чиқиб, Каъба томонга кетай", деди. Амир Соҳибқирон унга жавобан: "Сенинг бахтинг қайтди, кунинг битди. Қалъадан чиқиб, таслим бўлишдан бошқа чора йўқ", деди. Ўртада бир неча элчию номалар бориб келгач, охир-оқибат, эртаси куни амир Ҳусайннинг қалъадан чиқишига ва амонликда бўлишига қарор қилинди. Амир Ҳусайн бу қарорга ишонмади, кечаси икки навқари билан қалъадан чиқиб, минорага яширинди. Аммо ажали етгани боисидан ҳийла-ю, қочиб фойда бермади.

XIX. АМИР ҲУСАЙННИНГ ҚОЧГАНИ ВА МИНОРАГА ЧИҚИБ ОЛГАНИ БАЁНИДА

Ғаройиб тасодифлардан бири шуки, бир киши отини йўқотган эди. Уни қидириб ҳар томон кезарди. Охири минора тепасига чиқиб, отини саҳродан қарамоқчи бўлди. Минорада амир Ҳусайнни кўриб қолиб, таниди. Бечора амир Ҳусайн жонининг хавфу хатаридан унга бир ҳовуч марварид бахшида қилди ва онт билан айтдики: "Менинг сиримни фош этма. Агар умрим вафо қилса ва давлатим қайтиб келса,

сенга кўп яхшиликлар қиламан. Охират савобини бир Худонинг ўзигина билади". У киши эса қасам ичиб, аҳду паймон билан уни хотиржам қилди. Дарҳол пастга тушиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига борди ва унга кўрган-билганини сўзлаб берди. Бу хабарни эшитгач, давлат амирлари отга миндилар, пиёдаларни ўзларидан илгари жўнатиб, минора атрофини ўраб олдилар. Уни қаҳр-ғазаб билан мажбуран пастга туширдилар, қўлини боғлаб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. (Байт): (60)

Амру фармонингни тутмай кимда-ким тортиди бошин,
Кўргил, остонанга келтирди фалак судраб бошин.

Амир Соҳибқироннинг улуғвор зотида суҳбатдошлик ҳақини тан олиш, собиқ хизматкорлар ҳуқуқига риоя қилиш (сифатлари) мавжуд бўлганлиги учун унинг қонидан ўтмоқчи бўлди. Лекин шу пайт Кайхисрав кириб келди ва тиз чўкиб биродари хунини талаб қилди¹. Амир Соҳибқирон уни раъйдан қайтармоқчи бўлди. Шу аснода (Соҳибқироннинг) кўзларига ёш тўлиб, (ўтмиш) суҳбатдошлик ҳуқуқига риоя қилмоқчи бўлди. Аммо амир Улжойту кўз қири билан амир Муайяд ва Кайхисравга ишорат қилди, улар ёпирилиб, машваратсиз амир Ҳусайнни қасосгоҳга олиб бориб ёсоққа етказдилар. У ўтқазиб қўйган подшоҳни² ва икки ўғлини ҳам кетидан йўқлик оламига жўнатдилар. Ҳа, <...бу кунларни (яъни ғалаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида галма-гал алмаштириб турамиз>³.

Давлат яловини ҳар куни бир томга тикадилар. Бахту зафар хутбасини ҳар ҳафта (жумъа) ўзга бир номга ўқийдилар. Бу кавну фасод оламида на бир мамлакат ва подшоҳликка эътиمود бор ва на шавкату куч-қудратдан мадад бор. Дунё бир гўзал келинчакки, ҳар куни янги эрнинг оғушига киради, у шундай улфатки, ҳар соатда бошқага кўнгил қўяди, на унинг давлати пойдордир ва на унинг меҳри бир (маромда) барқарор, на сўзи тўғри ва на аҳди устувор. Унинг ишваларидан дили қувониб, охири насибаси ғаму андуҳ бўлмаган ким бор?! Унинг фирибидан кўнгли яйраб, оқибатда пушаймон бўлмаган ким бор?! Шеръ:

"Кўнгилни менга бергин", дейди доим сенга дунё.

Нега бу тилсиз сўзлагувчининг пандини эшитмайсан асло:

Меҳрсиз дунёга нега меҳринг қўярсен, ундан Искандар

бежон бўлди-ку!

Вафосиз ёрга нега ошиқ бўлурсен, уни деб Доро
мулкдан ажради-ку!

Бу поёнсиз биёбонда хаёлот сароби ҳирсу нафс бандаларини ҳалокат тупроғига ташлаган. (Оятда айтилганидек): <Уларнинг ишлари саҳродаги саробга ўхшайди, ташна одам уни сув деб ўйлайди-ю, олдига келгач, ҳеч нарса топмайди>⁴.

Бу дўстлигу улфат мажлисида минглаб нозанинларни умид шароби оёқдан йиқди: <...уларни суғуриб олинган хурмо (дарахти)нинг таналаридек юлиб — учириб кетур>⁵. (Байт):

Жаҳонга кўнгил қўйма, чунки бу шундай бир келинчакки,
Ундан кўз ёши-ю, жигар қон бўлишидан ўзга (наrsa) йўқ.

Хулоса шуки, унинг шавкату қудрати йўқ бўлди, бахт-саодати қуёши ботиш ҳудудига етди. Унинг давлати завол топиш сари юз тутди ва такаббурлик тахти тубанлик ва хорлик тупроғига йўналди. (Байт):

Алп-Арслоннинг⁶ бошини кўрдингми, у юксакликда
гардунга етган эди,
Энди эса, агар Марвга келсанг, Алп-Арслон
бошини тупроқда кўрасан. (61)

Амир Ҳусайннинг давлати бисотини йиғиштиргач, Амир Соҳибқироннинг иззат ва улўғлик чодирини осмонга етказдилар. <Биз сени ерда халифа қилдик>⁷ (ояти) ёрлигини қазо ва қадар муншийлари <(Аллоҳдан) унинг ўзи қилган иш ҳақида сўралмайди>⁸ (деган ояти) девонида (Амир Соҳибқироннинг) шарафли исмига ёздилар ва <Сен истаган кишингга мулк ато қилурсан>⁹ туғроси (билан) муҳрладилар ҳамда олам (ишлари)нинг ҳал этиш ва ман қилиш тизгинини унинг қудрат кафтига тутқаздилар. <Айт: Эй мулку давлат эгаси бўлган Тангрим, Сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан; истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдadir. Албатта Сен ҳамма нарсага қодирсан>¹⁰.

Қазо суворийси қадар қамчини билан унинг давлати отини зафар майдонида чоптирди ва иқбол йўлбошловчиси унинг истиқболига чиқиб, ушбу икки байтни ўқиди:

Тангри сени юборди эй подшоҳ жаҳонга,
Ол эртароқ жаҳоннинг тўрт томонини нишонга,
Мамлакатлар даъвосин гувоҳидир қиличинг,
Даъвойингга эришиш учун йўналтиргин ҳар ёнга.

Амир Ҳусайн воқеаси ниҳоясига етиб, Балх мамлакати эгаллангач, қалъа ва ҳисорни вайрон қилдилар, иморатларни кўпориб ташладилар, аскарлар ҳар томондан талон-тороғга қўл чўздилар ва кўп ўлжа олдилар. Бу ғалабанинг овозаси дунёга тарқалди. Жаҳон аҳли бу воқеадан тегишли хулосалар қилдилар. Амир Темурнинг соҳибқиронлиги овозаси оламга ёйилди.

Шундан сўнг (Амир Соҳибқирон) Балх сувига¹¹ кўприк боғлаб ўтди ва Кеш шаҳри орқали Самарқанд томон йўл олди. У ерга етгач, ўзи ёқтирган жойда ва иззат қароргоҳида жойлашди-да, қалъа, ҳисор ва ҳашаматли саройлар қуришни буюрди. Муҳандислар ва бинокорлар фармонга мувофиқ олтин нақшли бинолар қурдилар, подшоҳона мавзелар барпо этдилар.

Мамлакат Амир Соҳибқирон тасарруфига киргандан кейин амирлар ва нўёнлар билан иттифоқликда мамлакат тахтини ва подшоҳликни жаҳон подшоҳи Суюрғатмишхон вужуди билан янгидан зийнатладилар.

XX. БАЛХ ШАҲРИ ОЛИНГАНДАН КЕЙИН АМИР МУСОНИНГ ТУРКИСТОН ТОМОН ҚОЧГАНЛИГИ, АМИР СОҲИБҚИРОН АМИР ЖУНКЕНИ УНИНГ КЕТИДАН ЮБОРГАНЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ЖАНГИ БАЁНИДА¹

Шу аснода амир Мусо қочиб, Туркистон томон йўл олди. Амир Жункени унинг кетидан юбордилар. У амир Мусога етиб олиб, у билан жанг қилди ва ёғийни қочирди. Амир Мусо яйлов ва тоғли ерларда (62) саргардон бўлиб қочиб юрар эди, иккинчи марта амир Қарлуғож² унинг кетидан йўлга тушди. Уларнинг қорасини кўрган амир Мусо икки ҳарам билан қочиб, Шибуронга Зиндачашм олдига борди ва уни ҳам балога қолдириб, (Соҳибқиронга) душман этди.

Амир Соҳибқирон эса тир ойи³да амирлар ва нўёнларга қурултой учун унинг даргоҳига йиғилишлари лозимлиги ҳақида фармон берди. Барча фармонга муво-

фиқ ҳозир бўлди. Зиндачашм буйруққа кўра келмагач, Амир Соҳибқирон унинг олдига элчи юбориб, итоатсизлиги учун унга таҳдидлар қилиб, ўрдуга келишини талаб этди. Зиндачашм элчини зўр ҳурмат билан кутиб олди ва: "Сенинг кетингдан кафан ва шамшир билан бораман", деб қасам ичди. (Мисраъ):

Ўлдирадими ёхуд қолдирадими ўзи билади.

Бундан илгари Хуросонда икки таниқли ва номдор амир Байрамшоҳ ва унинг ўғли Тилончи амир Ҳусайнга душман бўлишган эди, улар унинг (давлати) завол топганлиги воқеасини эшитишгач, хурсанд ва шодмон бўлиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига йўл олдилар. Зиндачашм маккорлик ва ғаддорлик хаёлида уларнинг йўлига чиқиб, айш-ишрат учун лозим бўлган қўй, шароб ва бошқа шунга муносиб нарсаларни муҳайё этди. Уларга тўй берди, мастлик ҳолатида отаю ўғилни тутиб, оёғига кишан солди ва ўзининг катта акаси амир Муҳаммадга топшириб, одамларнинг олдида: "Буларни Амир Темур хизматига етказгин", деб буюрди. Ака-ука тил бириктириб қўйганига мувофиқ акаси уларни йўлда ўлдирди. Бу хабар Амир Соҳибқироннинг шарафли қулоғига етди. У Улжойту Апардига буюрди: "Бориб бу қариндошингни маломат этиб, дўқ-пўписа қилгин ва охири насиҳат айлаб, уни ўзинг билан бирга олиб кел". Улжойту узр сўраб: "Ўйлайманки, унга насиҳат қилиш бефойда, ўртада мен хижолат бўлиб қоламан", деди. Амир Соҳибқирон унинг узрини инобатга олиб, амир Тобон баҳодир ва Хожа Юсуф⁴ни Зиндачашмнинг олдига юборди, уларнинг зиммасига насиҳат қилиш вазифаларини юклади. Амирлар йўлга чиқиб, Шибиргон дарвозасидан кириб бордилар. Зиндачашм билан учрашгач, унинг чеҳрасида муҳолифлик асарини кўрдилар. Зиндачашм шу дамнинг ўзида иккисини ҳам тутиб боғлаб қўйди. Бу хабарни Амир Соҳибқиронга етказганларида, унинг буйруғига кўра амирлар ва нўёнлар лашкарлар билан отландилар, сўнг у томонга юзланиб, Шибиргонга етиб бордилар⁵ ва Зиндачашмни қуршовга олдилар. У ожизлик ва ҳайратда қолди; ўзининг кучсизлигини, зафарнишон лашкарнинг куч-қудратини кўриб зорланиш ва ёлворишга тушди; афв этиб, марҳамат кўрсатишларини илтимос қилиб, лашкарнинг қайтиб кетишини, унинг ўзи шамшир ва кафан

билан улуг даргоҳга боришини ўтинди. Амир Соҳибқирон унинг гуноҳларини афв этаги билан ёпиб, илтимосини қабул қилди. Сўнгра Самарқандга қайтди. Зиндачашм амир Мусони (қалъадан) ташқарига чиқарди ва ўзининг укаси (билан) Амир Соҳибқирон ҳузурига юборди. Амир Улжойтунни ўзига ҳимоячи этди, ўзи эса кафан ва шамшир билан (63) Амир Соҳибқирон даргоҳига борди. Улжойтунинг қарилиги ва ожизлиги инobatга олиниб, унинг шафоати қабул қилинди ва Зиндачашм палос ўпиш учун келганида (Амир Соҳибқирон) унинг гуноҳларидан ўтди. Амир Мусога ҳам аввалгидек ҳурмат кўрсатиб, унинг гуноҳларини афв этди. (Байт):

Ҳазрати Одам замонидан то даврони подшоҳ,
Улуглардан афв этиш-у, қарамлардан гуноҳ.

Сўзнинг қисқаси, уларни сарупо ва инъомлар билан сийлаб, эҳсонига хос этди, ўтган вақтлардагидек уларни мамлакат ишларига дохил қилди.

Зиндачашм ҳалокатдан халос топгач, феълидаги шайтонлик ва бадбахтлик уни яна тўғри йўлдан оздириб, бўйсунуш тариқидан юз ўтирди. Хонзода билан иттифоқ бўлиб, Термизни ғорат қилди. Бу хабар Амир Соҳибқиронга етгач, Хитой баҳодир ва Арғуншоҳ баҳодирни лашкарга манғлой этиб юборди ва Зиндачашмни қаерда учратсалар, у билан жанг қилиб, қўлга олишни буюрди. Улар Термизга етганларида, Зиндачашм лашкар қорасини кўриб, қочишга юз тутди. Омуя сувига қурилган кўприк ва кечувни бузди. Ғалаба ёр лашкар етиб келгач, Шибурғон вилояти ҳалқи жон хавфидан кўприк ва кечув томон югурдилар, етиб боргач, унинг бузилганини кўрдилар ва жаҳон кўзларига қоронғу бўлиб, ҳаётдан умид уздилар. Шу аснода лашкар етиб келди ва уларга ўқ ёғдирди. Баъзилари ўзларини сувга ташлаб ғарқ бўлди, баъзиларига ўқ тегиб ҳалок бўлди. Уларнинг оз қисмигина тирик қутулди. Зиндачашм Шибурғон кўрғонига кириб олди. Амир Чоку бутун лашкари билан унинг кетидан борди ва қишни қалъани муҳосара этиш билан ўтказди. Баҳор фасли келгач, Зиндачашм қалъадан чиқди, амир Чокунинг этагига ёпишиб, ўтган ишлардан пушаймонлик билдирди ва ўз қилмишлари учун тавба қилиб, гуноҳини кечиришларини сўради. Амир Чоку Амир Соҳибқирон ҳузурига келди ва амирлар билан

иттифоқликда Зиндачашмни (афв этишга) шафоат қилдилар. Амир Соҳибқирон подшоҳона мақтовли ахлоқ йўлидан юриб, илоҳий суннатга эргашди ва Зиндачашмни исёнига жавобан эҳсону ҳурмат билан қаршилади ва қонидан ўтди. Зиндачашмнинг вилоятдан нимаики ўлжа қилиб олинган бўлса, унга қайтариб бериш ҳақида ҳукм бўлди. Тўй бериб сийлаганларидан сўнг унга хилъат, камар ва туя, от, қўйлардан жуда кўп инъом қилиб, мартабасини баланд кўтарди. Шунчалик инъому эҳсон ва марҳаматлар кўрсатилганига қарамай, бир муддатдан кейин ифлос нафси уни яна фирибгарлик ва маккорлик (йўлига) солди. Аммо тадбири тақдирга мувофиқ келмагач, у ҳаракатларидан (яна бир) гуноҳ ва зарардан бўлак натижа топмади. Субҳоноллоҳ, бечора одам мана қай тарзда ёмонликка бошловчи нафснинг фирибига алданади, ўз соҳибининг (эзгулик) ҳуқуқини итоатсизликка алмаштиради ва унутиш мақомига қадам қўяди! Ҳа, нима ҳам қилиб бўларди?! Одамнинг туғма табиати шундай. Тангри ҳазрати унинг бу мақоми хусусида шундай буюради: <Агар (дунёга) қайтарилсалар, шубҳасиз, ўзлари ман қилинган ишларга қайтадилар — албатта улар ёлғончилардирлар>⁸, яъни, бу кофирлар охиратга етганларида ва ул саройнинг азобларини кўрганларида **(64)** зорланиб: <Худовандо, на бўлғайки бизнинг гуноҳимиздан ўтиб, қайтадан дунёга юборсанг, токи биз лозим тарзда ҳаёт кечирсак ва шойиста амалларни бажо келтирсак>, деб ёлвориб илтимос қиладилар. Аммо куфрони неъмат этувчи одамизод ғаддордир, агар Аллоҳ уларни қайтадан дунёга келтирса, яна ўша ёмон қилмишларига киришиб, нолайиқ ишларга машғул бўладилар; демак, улар бу даъвони қилишда ёлғончидирлар. Одамизодда ҳеч қандай хислат куфрони неъматдан ва ношукурликдан ёмонроқ бўлмас. Шунинг учун демишларки (байт):

Куфрони неъмат куфрдан ёмон,
Куфр сўзи бирдир, иккидир куфрон⁹.

Бу воқеалар бўлиб ўтганидан кейин тўнғиз йилига тўғри келган етти юз етмиш учинчи (1371—1372) йил Амир Соҳибқирон лашкар тортиб муборак юришга отланди, мўғул вилояти¹⁰ ни ўз ҳукмига бўйсундирди. Ўрунг Темур эл бўлгач, (мамлакатни) унга топширди-да, яна қайтиб ўз жойига жўнади.

Шу кунларда Кепак Темур Амир Соҳибқиронга душман бўлгани ҳақида хабар етди. Баҳром ва Аббос баҳодир Амир Соҳибқирон буйруғига биноан лашкар тортиб, у томонга равона бўлдилар. Улар душманга етишгач, лашкар аҳлидан (баъзилари) бевафолик қилиш фикрига тушдилар ва қадим айёмлардан бери Баҳромга душман бўлган сада амири Тезакчи билан иттифоқликда Баҳромни ушламоқчи бўлдилар. Баҳром бу маънидан воқиф бўлиб қолди ва ўзининг эҳтиёти (чорасини) кўриб, суҳбатдош бўлган амирларига бу воқеани айтди. Шайх Али баҳодир ғазабга келиб, душманларга ҳамла қилмоқчи бўлди. Хитой баҳодир уни тўхтатиб қолишга ҳар қанча уринмасин, фойда бермади. Шайх Али баҳодир ўзини душман сафига урди. Душманлар кўпчилик эдилар. Хитой баҳодир жангга кириб, Ойиша Хотун сувидан ўтди ва (Шайх Алини) куч билан ушлаб, мажбуран (душман) лашкари орасидан олиб чиқди. Вақт тақозосига биноан душманлар билан сулҳ туздилар, қайтишларида макру ҳийла (ишлатишни) ўйлаган ул жамоани жазолаб қайтдилар. Амир Соҳибқироннинг ғазаб ўти алангаланиб, дарҳол отланиб душман лашкари томон йўлга чиқди. Улар бундан хабар топгач, қарши туришга қувватлари келмаганлиги туфайли бошларини олиб қочдилар. Ғалаба ёр лашкарлар уларни никомиший қилиб, Санкиз Ёғоч мавзеигача қувдилар. Кўп асир ва ғаниматлар олиб қайтдилар. Удан ато зиёратгоҳида амир Мусо, Зиндачашм ва Хизрнинг ўғли кенгашиб, аҳду паймон қилдилар. Хонзода ва шайх Абуллайс Самарқандий бундан илгарироқ улар билан иттифоқ тузган эдилар¹¹. Амир Соҳибқирон у ҳолатдан воқиф бўлиб ишорат қилди ва уларни тутиб, қилмишларига яраша жазоладилар, ҳамма (мол)ларини ўтда куйдирдилар. Амир Соҳибқирон амир Мусога қарата: "Гарчи сен мухолифат кўргазиб, бу номақбул ишга киришган бўлсанг ҳам, аммо қадимий дўстлигимиз ҳаққи сени афв этдим. Хонзода эса ҳазрат рисолатпаноҳнинг муборак насларидан бўлгани учун (қилмишига) бардош бериб, унга бирон зарар етказишни раво кўрмаймен", деди. Аммо бир муддат кўзга кўринмай турсин учун муборак сафарга Ҳижозга жўнасин, деган ҳукм бўлди. (65) Хизрнинг ўғлига амир Сайфиддин шафоатликка ўтиб, Амир Соҳибқирон унинг гуноҳини афв этди. Аммо Зиндачашм ҳақида: "Уни менинг олдимга йўлатманглар", деб буюрди. "Енг ичида илонни парвариш қилиш ақлдан эмасдир, душманни дўст деб билиш донишмандлик ва оқибат - андишликдан

душманини огоҳлантириб, инсоф ва тўғрилиқ йўлига чақирса, жанг ва ситамкорликнинг ёмон оқибатларидан сақлаб қолса, ҳақиқатда узрини бажо келтирган бўлади. Шундан кейин ҳам агар бадфеъллик юзасидан бахтсизлик содир бўлса, бунинг гуноҳи гапга қулоқ солмаган ва инсоф йўлидан юз ўтирган киши гарданида бўлади. (66)

XXII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ БИРИНЧИ МАРТА ХОРАЗМ САРИ ЛАШКАР ТОРТИБ БОРИШИ БАЁНИДА

У йил сичқон йили эди¹. Амир Соҳибқирон лашкарини тартибга келтириб, қуроллантириш билан машғул бўлди, ғалаба ёр лашкарга ҳисобсиз мол, кўплаб от ва совутанжомларни тарқатишни буюрди, сўнг Хоразм томон юришга жазм қилди. Тоғ Адоғ ва Сепоя² мавзеидан ўтганларида, қаршиларидан душман қоровули чиқиб келди. Зафар ёр лашкарнинг бир тўдаси уларга ҳамла қилиб, ғалаба қозонди ва уларни тутиб ёсоққа етказдилар.

Буни муборак фол деб билиб, у ердан ўтдилар ва Кот ҳисорига етдилар. У ерда Байрамхожа ясовул Ҳусайн Сўфи томонидан шихна эди, Муайяд қози эса ҳукмронликда унга шерик эди. Лашкар у ерга етганида ночор ҳисор дарвозасини маҳкам беркитдилар ва аррода, тирри чархларни тайёрлаб турдилар. Амир Соҳибқирон буйруғига кўра аскарлар ўтин ва хас-хашак йиғиб келиб, хандақни тўлдирдилар. Сўнгра (Амир Соҳибқирон) Кўча Маликка хандаққа тушишни буюрди, аммо унга қўрқинч голиб келиб, туша олмади. Шунда Хумори ясовулга ишора қилган эди, у фармонга бўйсуниб, хандаққа тушди; Мубашшир, Тойхожа унинг кетидан эргашдилар. Буни кўрган лашкарлар тўхтовсиз хандаққа тушдилар ва сувдан кечиб ўтдилар. Шайх Али баҳодир биринчи галда фасил тепасига кўтарилди, Мубашшир ҳам чиқиб олмоқчи бўлиб унинг оёғидан тутган эди, эплай олмади, иккалалари ерга йиқилдилар. Шайх Али баҳодир яна фасил тепасига чиқди, душман унга найза ўқталган эди, у найзани тортиб олиб синдирди ва душман бошига қилич солди. Лашкар аҳли ҳар томондан йўл очиб, қалъага кирдилар. Душман сипоҳини қиличга ем қилиб — ҳаммасини ҳалок этдилар, мол ва аслаҳаларини таладилар. Вилоят асирларини (Самарқандга) қайтариб, эртаси

куни у ердан кўчиб, Хоразм томон жўнадилар. Кўча Маликни ўша куни хандаққа тушмай қилган гуноҳи ва айби учун чўб ёсоқ этдилар, сўнгра эшак думига боғлаб, Самарқанд томон ҳайдадилар.

Амир Соҳибқирон амир Гиёсиддин тархон, Юсуфшоҳ Хожа ва амир Тумонни лашкарга манғлой этиб (олдинга) юборди. Улар Жўйи Гурлонга³ етдилар. Менглихожа ва Калик билан жанг қилдилар. Ҳар бир йўлиққанни тутдилар ва ўлдирдилар. Амир Соҳибқирон у ердан лашкарни илғор этиб ҳар томонга юборди. Лашкар тарқалиб кетиб, кимни топса талон-торож қилди.

Ҳусайн Сўфи қалъа ва ҳисорга кириб олиб, сулҳ тузиб, фитна ўтини сўндиришга ҳаракат қилмоқчи бўлди. Лекин шу аснода Кайхисрав бир элчини жўнатиб, уни қаршилиқ кўрсатишга тезлади. Юборган хабарида: "Зинҳор унга ишонма, (67) дўстлик эшигини оча кўрмагин. Лашкарларни тўплаб, дарвозани оч-да, ташқари чиқ, мен эса бу тарафдан етиб бораман ва биргалашиб душманни даф қиламиз", деди.

Амир Ҳусайн Сўфи унинг сўзларига ишониб, лашкар ва раиятни шаҳардан ташқари олиб чиқди, ноғора чалиб, Жўйи Қовун суви⁴ лабида саф тортиб турди. Зафар ёр лашкар илғор қилиб, ҳар томонга тарқалиб кетган эди. Бу хабар Амир Соҳибқироннинг шарафли қулоғига етгач, тўхтамасдан отланиб, хос лашкаридан ёнида ким бўлса, барисини тартибга солди ва бурғу чалиб (душманга) юзланди. Лашкарнинг маймана ва майсара қисми ораста қилинган, Қовун Суви ўртада фосила эди.

Улар бир-бирларига қарама-қарши турганларида Абочи, Сори Буғо ва Жирғоту сувга от солиб, бу томонга ўтдилар. У тарафдан ҳам мард йигитлар уларга ташланиб, жангни бошлаб юбордилар. Подшоҳ Суюрғатмиш ҳам ўз қўли билан ўқ отди ва Бекхожани ортига қайтарди. Шайх Али баҳодир беш навқари билан сувга от солди ва ҳамла қилиб Хожа Шайхзодани қочирди. Амир Муайяд, Хитой баҳодир ва Оқ Темур— бу довюрак шерлар — ҳаммаси ўзларини сувга ташладилар ва ундан саломат кечиб ўтдилар. Аммо Элчи баҳодир сувга шўнғиб ҳалок бўлди. Амир Соҳибқирон ҳам сувга от йўлламоқчи бўлган эди, Шайх Муҳаммад унинг оёғини ўпиб, тўхтаб туришини сўради. Амир Соҳибқирон унинг сўзини қабул қилиб, ўз иззатгоҳида қарор топди. Шайх Муҳаммад ўзини сувга ташлади ва оти билан сувдан кечиб ўтди.

(Шундан сўнг) ҳар тарафдан ҳамла қилдилар ва душманлар кетидан қувиб, дарвозага етказдилар.

Амир Соҳибқироннинг атрофга тарқалиб кетган лашкарлари қайта жам бўлдилар, улар ўзлари билан чексиз ва саноқсиз талон-торож қилиб олинган мол ҳамда аслаҳа-анжомларни келтирдилар. Шундан кейин бир неча кун ўтди; ҳисордан ҳеч бир киши ташқари чиқмади⁵. Бир неча кундан кейин элчи келиб, Ҳусайн Сўфи ҳақиқатан ҳам вафот этганлиги ва унинг ўрнига Юсуф Сўфи⁶ ўтирганлиги хабарини етказди. (Байт):

Жаҳон ҳукмдорсиз ҳеч қолмагай,
Бири кетса ўрнига бошқаси келгай.

Сўнгра ўртада элчилар бориш-келиш қилишиб турдилар ва бир-бирлари билан боғланиб, қариндош бўлишиб, орадаги ваҳшатни унсу улфат билан алмаштирдилар. Воқеа бундай бўлган эди: амир Нангқудойнинг ўғли Оқ Сўфи⁷ подшоҳ Ўзбекнинг қизини никоҳига олган, Хонзода подшоҳ (Ўзбек)нинг набираси эди. Амир Соҳибқирон уни улуг амирзода Жаҳонгир учун сўраттирди¹⁰. Юсуф Сўфи бундай пайвандлик учун миннатдорчилик изҳор қилиб, рағбат кўрсатди ва бу муборак никоҳни анжомига етказдилар. Жанг ва хусумат хешлик ва дўстликка алмашинди. Амир Соҳибқирон ғолиб ва музаффар қайтиб, ўз вилоятига келиб тушди ва ўша куниёқ Кайхиравни тутиб, подшоҳ (Суюрғатмиш) олдига келтирди. Нўёнлар ва амирлар сўроқ (ёргу) қилиб, унинг юқорида эслатиб ўтилган амир Ҳусайн Сўфини қаршилик кўрсатишга ва жанг қилишга ундагани воқеасида ва бошқа кечмишларда қилган гуноҳларини исботладилар ва банди этиб, Самарқандга олиб бордилар, у ерда ёсоқ (қатл)га етказдилар.

Амир Соҳибқирон қишда (68) ўз тахтгоҳида қарор топиб, лашкарга уй-уйларига кетишга рухсат берди.

XXIII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ МАРТА ХОРАЗМ ТОМОНИГА ЛАШКАР ТОРТИБ БОРГАНЛИГИ БАЁНИДА¹

Юсуф Сўфи яна олдинги гапидан қайтиб, аҳду паймонини бузди ва ўз сўзига вафо қилмади. Лашкар тортиб Кот вилоятини хароб қилди ва у жойнинг аҳолисини

тарқатиб юборди. Бу хабар Амир Соҳибқиронга етганда етти юз етмиш бешинчи (1373—1374) йилнинг баҳори (1374 йил, март) бўлиб, сигир (хўкиз) йилига тўғри келарди. Атрофдан сон-саноқсиз лашкар тўплаб, Хоразм шаҳрига йўл олди. Юсуф Сўфи ёмон қилмишларига пушаймон бўлди. Даҳшат ва қўрқув мизожига ғолиб келиб, амонлик сўради ва бунга восита бўлиши учун Хонзоданинг сеп-молини тайёрлаб, тезлик билан жўнатишни мақбул кўрди. Унинг матлуби муяссар бўлиб, амонлик ҳиди жони димоғига етгач, Хонзоданинг жиҳозларини тартибга келтириш, зебу зийнатлари ва молини ораста этиш билан машғул бўлди; энг қимматли ва зариф молу рўзғор асбобидан, олтин-кумушдан ишланган, дуру жавоҳирлар билан безатилган нодиру камёб зеб-зийнатлар ва турфа буюмлардан шу қадар кўп ҳозирладики, унинг ҳисоби тасаввур чегарасидан ҳам чиқиб кетарди, ақл уларнинг саноғига етолмасди.

Туркий йўлбарс йилига тўғри келган (етти юз) етмиш олтинчи (1374—1375) йил (Амир Соҳибқирон) амир Довуд, Ёдгор барлос ва Узун Улжойтуларни подшоҳона ҳадялар, маликона нодир буюмлар билан Хоразмга юборди ҳамда уларга олий насабли Хонзодани иззат-икромли элчилар ҳамроҳлигида Самарқандга олиб келишни буюрди. Улар Хоразмга етганларида Юсуф Сўфи мартабали меҳмонларни улуғлаш ва ҳурматлаш вазифаларини бажо келтирди ва Хонзодани, шундай бонуни ўшандай (улуғ) ҳазратга юборишга лойиқ тартибу дабдаба билан жўнатди. Хонзоданинг етиб келаётганлиги хабари келгач, Амир Соҳибқирон улуғлаш ва ҳурматлаш расмига риоя қилиб, Қайдухон ўғлининг келинчаги Қуртғо хотунни истиқболга чиқарди. Нўёнлар, амирлар, қозилар, уламо ва ашрофу акобир унинг истиқболи учун то Котгача бордилар ва зўр иззат-икром билан уни Самарқандга олиб келдилар. Мамлакатнинг акобир ва аъёнлари билан тўлган мажлисда пок шарият ижобича муборак вақт ва бахт толеи (кулиб боққан соатда) никоҳ ақдини туздилар. Олтинкумуш, дур-жавоҳир, мушку анбар сочқи қилдилар. Маддоҳлар васфида лол қолгудек, сўз усталари мақтовига ибора топишдан ожиз даражада машҳур тўйларгагина хос асбобу жиҳозлар, мазали таомлар муҳайё қилинди ва одамлар бир муддат айшу роҳат ва тинч-осойишталикда кун кечирдилар. (69)

XXIV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ МЎҒУЛ ТОМОН ЮЗЛАНИШИ ВА УНИНГ ҚАМАРИДДИН¹ БИЛАН ЖАНГ ҚИЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

Қуён йилига тўғри келган етти юз етмиш еттинчи йил шаъбон ойининг аввалида (1375 йил 26 декабр) Амир Соҳибқирон мўғул томон боришга азм этиб, йўлга чиқди ва Қатавон мавзеига бориб тушди. Ўша кунларда қору ёмғир шу қадар кўп ва совуқ шиддати чунонам зўр бўлдики, ҳатто томирлардаги қон музлаб қоларди. Шу боисдан кўп одам ва от-уловлар нобуд бўлди. Одамлар молу бойлиги, оту хачиридан айрилди.

Аҳвол шу даражага етгач, Амир Соҳибқирон Самарқандга қайтди ва икки ой давомида шу ерда тўхтаб турди.

Шаввол ойининг аввалида (1376 йил 23 феврал) у яна лашкарни ҳозирлашни буюрди ва ғалаба ёр лашкарни тартибга келтирди. Амирзода Жаҳонгирни лашкарга манғлой этиб, Шайх Муҳаммад ва Одилшоҳни у билан жўнатди. Улар Жорунқо мавзеига етгач, хабар келтириш учун бир кишини хабарчи этиб (олдинга) юбордилар. У бориб аҳволни билгач, ушбуни маълум қилди: "Қамариддин Кўк-тепа мавзеида лашкарларини тўплаб турибди, аммо сизнинг келаётганингиздан хабари йўқ. У Ҳожибекни кутмоқда".

Лашкарнинг манғлойи тезда йўлга чиқсин деган ишора бўлди. Сўнг Амир Соҳибқироннинг ўзи ҳам уларнинг кетидан жўнади. Қамариддин унинг келаётганидан воқиф бўлгач, тўхтаб туришни маъқул кўрмади. Унинг Барка-йи Ғуриён деб аталувчи мустаҳкам бир мавзеи бор эди. У ердан учта катта дарё оқиб ўтарди. Қамариддин икки дарёдан ўтиб, учинчисига келиб тушди ва йўлларни мустаҳкам қилди. Амирзода Жаҳонгир зўр шавкат ва кўп лашкар билан сафларга тизилган ҳолда (ёсомиши қилиб) яқинлашди ва ганим қаршисига келиб турди, аммо (Қамариддин) тонг отгач, кетма-кет келаётган лашкарларни ва уларнинг кўпсонлигини кўриб, даҳшат ва қўрқув унга ғолиб келди ва қочишга юз тутди. Баҳодирлар унинг кетидан қувиб (никомиший этиб), кўп аскарларини ўлдирдилар. Қуёш кўтарилгач, Амир Соҳибқирон лашкарнинг қул қисми билан етиб келди, амир Довуд ва амир Учқаро баҳодирни душман кетидан

жўнатди. Улар фармонга биноан йўлга тушдилар. Ажал амир Ҳусайннинг гирибонидан олиб, сувга чўктирди ва у ҳалок бўлди. Улар мўғул лашкарини талон-торож қилиб, мол-дунё ва от-уловларини Самарқандга олиб бордилар. Амир Соҳибқирон душманини таг-томиридан қуритиш қасдида Бойтоққача борди.

Улуғ амирзода Жаҳонгирни Қамариддинни излаб топди ва қўлга тушириш учун ўзидан илгари юборди. Жаҳонгир фармонга биноан жўнаб, Уч Пармонни талон-торож қилди. Қамариддин тоғда паноҳ топганди. (70) У Жаҳонгирнинг байроғи ва туғини кўргач, қочди. Жаҳонгир амир Шамсиддиннинг қизини² қўлга тушириб, элчи жўнатди ҳамда Бўён оғо³ ва Дилшод оғо⁴ келганини эълон қилди.

Амир Соҳибқирон эллик уч кундан бери бир ерда жойлашиб турган эди. У бу хабарни эшитиб, тўхтамасдан йўлга чиқди ва Қароқасмоқдан тепароқда амирзода Жаҳонгирга етиб олди. Амирзода Дилшод оғони ва ўлжа олинган ҳадду ҳисобсиз қўй галаларини Амир Соҳибқиронга пешкаш этди. Сўнгра у ердан кўчиб, Отбоши⁵га келиб тушдилар ва Арпо Ёзи деган жойда тўхтадилар. Ҳазора амири Муборакшоҳ Макрит (Амир Соҳибқироннинг) қадим қулларидан ва хайрхоҳларидан эди. У тўй ва тўққиз-тўққиз қилиш вазифаларини адо этиб, шойиста хизматлари билан Амир Соҳибқиронга яқинлашди. Амир Соҳибқирон шу ерда Дилшод оғони ақди никоҳ шарафи билан мушарраф этди ва шарафли ҳарамини улуғ бонунинг боргоҳи билан зийнатлади. Сўнг Амир Соҳибқирон у ердан кўчиб, Ясси вилоятидан ўтди ва Ўзгандга келди. Ўша мавзеда улуғ оғо — Қутлуғ Туркон оғо, нўёнлар ва амирлар унинг палосини ўпиш учун етиб келдилар. Тўй ва шодиёналардан кейин Ўзганддан чиқиб, Хўжанд вилоятига йўл олдилар. Одилшоҳ Жалойир тўй қилиб, мақбул бўладиган хизматларни бажо келтирди. Аммо кўнглида Амир Соҳибқиронга суиқасд қилиш фикри бор эди⁶. Улуғ Тангри Амир Соҳибқиронни раббоний илҳом билан бундан оғоҳ этди ва у дарҳол отланиб, ўз мамлакати томон жўнади. Амир Соҳибқирон Қамариддин томон биринчи марта лашкар тортиб борганида, Шайх Мўхаммад, Одилшоҳ ва Туркон бир жамоа кишилар билан бирга Одилшоҳ билан Амир Соҳибқиронга бевафолик қилиб, имконида топишлари билан уни қўлга олишга аҳд этган эдилар⁷. Одилшоҳ Амир Соҳибқирон остонасини ўпишга келиб, ўтмиш воқеаларни

арз иззатгоҳига етказди. Амир Соҳибқирон мазкур маънини унга изҳор этмади. Уларга эҳсонунинъомлар марҳамат қилиб, тарбият ва эътиборини кучайтирди. <Билиб билмасликка солиш жувонмардлар одатидандир> (нақли) мазмунига кўра (муносабатларига) соя туширмади. Чунки гоҳида шундай бўладики, оқил ва комил донишманд киши бадхоҳ ва ёвуз ниятли душманини лутфу эҳсон билан ўзига хайрхоҳ дўстга айлантиради. Чунончи, Кисро⁸ ҳақида шундай бир ҳикоят келтирадилар: Форс (вилояти) амирларидан бирининг номи Митор экан. Аммо у Кисрога нисбатан хиёнат қилиш режасини тузибди ва бир жамоа кишиларни ўзига иттифоқ этибди. Бузуржмеҳр⁹ бу ҳолдан хабардор бўлиб, Кисрони шундай деб огоҳлантирибди: "Маслаҳат шулким, эртага ҳаммани йиғиб, амирлар ва аркони давлат ҳузурида уни банди қилишни буюрасиз. Буни кўриб, бошқалар хиёнат этишдан тўхтагайлар". Кисро буни маъқуллабди. Эртаси кунининг буйруғига биноан салтанат тахти поясига Митор учун олтин курси келтириб қўйибдилар. Кисронинг ишорати билан унга кўп олтин-кумушлар ва жавоҳирлар инъом қилибдилар, иқтоъ тарзида берилган ер-сувларини кўпайтирибдилар. Бузуржмеҳр бу ҳолни кўриб, таажжуб қилибди. Подшоҳни холи топган пайтида бунинг сабабини сўрабди. Кисро унга: "Қанчалик ўйламайин, эҳсонун марҳамат бандидан қаттиқроқ бир бандни топа олмадим ва дилдан бўлак бирор нозикроқ аъзони кўрмадим; (шу боис) унинг баданидаги энг нозик аъзосига энг қаттиқ бандни солдим", дебди. (71)

XXV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ УЧИНЧИ МАРТА ХОРАЗМ ТОМОН ЮРИШИ БАЁНИДА

Аждарҳо йилига тўғри келган етти юз етмиш саккизинчи йилнинг султоний наврўзи кириб, (1377 йил март) офтоб баҳорги тенгқуликнинг аввалги нуқтасига етганда, Амир Соҳибқирон Хоразмга юришга отланди ва элчи юбориб (маълум қилди): "Модомики итоат этиш ва эл бўлиш даъвосини қилар экансизлар, ул диёр амирлари билан иттифоқликда лашкарлар жам қилиб, муборак ўрдуга ҳозир бўлинглар". Шу ҳол асносида Шайх Муҳаммад Баённи тутиб, гуноҳини бўйнига қўйгач, ёсоққа етказди, амир Сори Буғо, Одилшоҳ, Хитой баҳодир ва Элчи Буғони ўттиз минг киши билан

Қамариддинга қарши жўнатди, ўз муборак зоти эрса отла-
ниб, Хоразм томон йўлга чиқди ва Се-поя мавзеига етди.
Шу ўртада Туркон Омуя суви тарафидан қочди, Пўлод
тезлик билан унинг кетидан жўнаб кетди ва ўртада бир
кеча ўтказиб Порёб мавзеида унга етиб олди. Улар уч ке-
ча-кундуз бир-бирлари билан жанг қилдилар. Охир-оқибат,
Туркон ва биродари Турмиш қочдилар. Пўлод баҳодир кет-
ларидан қувиб, Турконга етиб олди. Турконнинг оти тўхтаб
қолди. У отдан тушиб, биринчи ўқи билан Пўлоднинг отини
қулатди, иккинчи отган ўқи Пўлоднинг дубулғасини тешиб
ўтди. Охири бир-бирларига ташландилар. Пўлод Турконни
ерга қулатиб, бошини танасидан жудо қилди, биродари Тур-
мишни эса Эмин Сарбадор ўлдирди.

Одилшоҳ вилоятни холи топгач, Хитой баҳодир ва
Элчи Буғони олиб, Сори Буғо билан бирлашди ва
ҳаммалари (Амир Соҳибқиронга қарши) бош кўтардилар,
ўз эл ва лашкарларини йиғиб¹, Самарқанд қалъаси ва
қўрғонини муҳосара қилдилар. Шаҳар аҳли ўқ-ёй ва
новак захми билан уларнинг шаҳарни ўраб олишларига
йўл қўймади. Қўрғон ҳокими Оқ Буғо баҳодир эди. У
Амир Соҳибқиронга хабар юборди. Бу вақтда Амир
Соҳибқирон Котдан ўтиб, Хосга етган эди. У бу воқеадан
хабардор бўлгач, дарҳол амирзода Жаҳонгирни манғлой
этиб олдинга юборди, ўзи ҳам лашкарнинг қул қисмида
кетма-кет жўнади. Амирзода Жаҳонгир Бухоро вилоятига
етиб борди, Амир Соҳибқирон эса Работи Маликка тушди.
Амирзода Кармина мавзеида душманга етди. (Ёғийлар)
ўзларининг баробар келолмасликларини билиб, ўзбек ви-
лоятига² кетдилар ва Ўрусхон ҳузуридан паноҳ топдилар.
Ўрусхон яйлоққа кетган вақтида, унга нисбатан ҳам
ғаддорлик ва бевафолик қилиб, ўзлари-нинг бадаслик-
ларини кўрсатдилар. Охири лашкар тортиб, Ўрусхонга
шикаст етказдилар. Кимки бадасл пасткаш одамга ишон-
са, куфрони неъмат қилган ва ўзгалар ҳаққини танимаган
кимсани ўз эҳсонига ва марҳаматига лойиқ кўрса, ул
киши ўз умидлари косасини тупроқ билан тўлдирган ва
илонни қўйнида парвариш қилган бўлади. (72) Кимда-
ким ўзининг қадимий валийнёматиға вафо қилмаса ва
кўп йиллик хизматлари ҳаққини адо этмаса, ўзгаларнинг
беш кунлик (хизматлари) ҳуқуқини қайдан ҳам била
олсин?! Алқисса, улар Ўрусхонга ғаддорлик қилгач,
Қамариддин³ томон йўл олдилар ва уни фитнаю фасодга
тезладилар.

XXVI. ҚАМАРИДДИННИНГ ЎЗГАНДГА БОСТИРИБ КИРИШИ ВА АМИРЗОДА УМАРШАЙХ АМИР СОҲИБҚИРОНГА ХАБАР ЮБОРГАНЛИГИ БАЁНИДА

Қамариддин лашкар тортиб Андигонга кириб келди. Қазоқ ҳазораси бир лашкар билан олдинда кетаётган эди. Амирзода Умаршайх Амир Соҳибқиронга: "Душман катта куч ва тўда билан келди, Андигонни остин-устун қилди", деган хабар юборди. Амир Соҳибқирон дарҳол отланиб, ўртада бир кеча ўтказиб, Отбоши мавзеига етиб келди.

Қамариддин ўз уйи (эли)ни кўчириб, қуrolланган тўрт минг кишиси билан пистирмада тўхтаб турди. Аммо охири қочишга юз тутди. Ғалаба ёр лашкар унинг кетидан борди, бироқ унинг эл ва курони ҳақида хабар топа олмади. Шундан сўнг лашкарлар талон-торож учун (атрофга) тарқалиб кетдилар. Амир Соҳибқироннинг олдида лашкарнинг атоқлиларидан беш минг чамаси киши қолди. Булар амир Муайяд, Хитой баҳодир, Оқ Темур баҳодир, Шайх Али баҳодир ва бошқалар эдилар. Аммо улар ҳам душман тарафига талон-торож қилиш учун кетишиб, Амир Соҳибқирон билан икки юз кишигина қолди. Қамариддин пайт пойлаб, тўсатдан мунтазам лашкари билан етиб келди. Шундай бир ҳолатда Амир Соҳибқирон дилга қувват бериб, мардоналик кўрсатиш ва Тангри ҳазратига таваккал қилишдан ўзга бирор чора йўқлигини кўрди. У ўша кичик тўдани ёсомиший этиб, уларнинг кўнглини кўтариб айтди: "Зафар топиш ва ғалаба қозониш лашкарнинг кўплигида эмас, балки Тангри ҳазратининг қўллаб-қувватлашидадир. Мардона бўлинглар, агар озгина сустлик қилсак, иш қўлдан кетади". Лашкарнинг бариси жонбозлик кўрсатиб олға қадам ташладилар ва ҳамла қилиб зўр жангга киришдилар. Улар ҳақиқатда мардлигу мардоналик кўрсатиб, ёвуз ниятли душмандан ўчларини олдилар ва нусрату зафар ёрлигида унинг лашкарини қочирдилар. Тангри таоло айтган: <Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир>².

Подшоҳнинг қалби олам ҳодисаларини кўрсатувчи жоми жаҳоннамо бўлгани учун Амир Соҳибқирон улуғвор

шайх — Шайх Бурҳониддин Қилич³ни,— унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин,— тушида кўрди. Камоли одоб билан унинг ҳузурига бориб, азиз фарзанди амирзода Жаҳонгир учун ҳиммат кўрсатиб мадад беришини сўради:⁴ "Худойи таолодан (73) ўғлим учун саломатлик тиланг". Шайх: "Худо билан бўлгин", деди-ю, фарзанди ҳақида ҳеч нима айтмади. Уйқудан уйғонгач, ўғли борасида хотири ниҳоятда ташвишли эди. Амир Соҳибқирон унинг саломатлиги ҳақида хабар келтириш ва унга "ўзингни асрагин" дея насиҳат қилиши учун Йўл Қутлуғ номли хос котибини юборди. У кетгач, яна паришон туш кўрди. Кўнглидаги безовталиқ кучайди. Жами амирлари ва навкарларини йиғиб: "Мен фарзанди дилбандимдан ва қалбим мевасидан айрилиб қолмадиммикин, деб гумон қиляпман. Худо ҳақи, унинг аҳволини мендан яширманглар. Бор ҳақиқатни айтинглар!"— деди. Амирларнинг бариси одоб билан тиз чўкиб, талоқу атоқ қасамлари билан таъкидлаб: "Биз бу маънидан воқиф эмасмиз, амирзода аҳволидан ҳеч хабаримиз йўқ", дедилар.

Амир Соҳибқирон яна отланиб, Санкиз Ёғочда Қамариддин билан тўқнашиб, уни қочирди. Бу жангда Пўлод баҳодирнинг қўлига ўқ тегди. Амир Учқаро Қамариддиннинг кетидан қувиб кетди. Бир қанча йўл юришгач, Қамариддин ўз навкарларини йиғиб, Учқарони ўртага олдилар. Амир Учқаронинг отини ўқ отиб йиқитдилар. Аммо у жонини қутқариб қолди.

Охир-оқибат, (Пўлод баҳодир) оловни ўчирмоқчи бўлиб, қўлини куйдирди ва (жароҳати очилиб кетиб), шундан вафот этди. Амир Соҳибқирон Атоқумдан қайтди⁵. Шу ўртада Худо ярлақагур амирзода Жаҳонгир,— ётган ери юмшоқ бўлсин,— ўлими ҳақида мудҳиш хабар келтирдилар. Жаҳон фиғону нола билан тўлди. Жамиё халойиқ бошланг, палос ёпинган ҳолда (Амир Соҳибқирон) истиқболига чиқдилар.

Алҳақ, унинг ёш кетганлигига қари фалак ҳам йиғи бошлади. Зухра унга аза очиб, қўлидаги камончани ташлади ва ушбу байтларни айтиб зор-зор йиғлади. (Шеър):

Тобутинг олдида жаннат ҳурлари,
Бодом кўзларидан ёшлар тўксалар арзир.
Суман баргидек танингни тобутда кўргач,
Сунбул зулфларини кесиб, йўлинга сочсалар
арзир.

Ҳа, муваққат ва бевафо дунёнинг одати-ю, ситамкор ва дилозор фалакнинг шеvasи шулдир; у кимга бир нуши бол бердики, кетидан минг нишини санчмаган бўлсин, кимнинг умиди шохида бир гулни яшнатдики, жигарни тешувчи минг тикани дилини тирнамаган бўлсин?! (Байт):

Бу бир саройдирки, у албатта вайронликка юз тутгай,
Демак, охират саройин тадорикини кўрган қавм бахтлидир.

Амир Соҳибқирон бу азада навжувону паҳлавону комрон фарзанди фироқида кўзи гирён, бағри бирён бўлиб, айрилиқнинг аччиқ (шарбатидан) коса-коса ичди, мстам ва мусибат либосини кийди. Аммо унинг равшан раъйи олдида ул шарбатни ичмаслик ва бошқа оламга кўчмасликнинг иложи йўқлиги аниқ бўлгач ҳамда бунингдек воқеада анбиё ва авлиё, ҳукамо ва уламолар сабр қилиш ҳам бўйсунушидан бўлак чора топа олмаганликлари учун <Сабр қил, сабр қилмоқлигинг эса ёлғиз Аллоҳ қўллови биландир>⁶ (деган оятнинг) узилмас ипига ёпишиб, <Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз>⁷ (оятини) айтиб, Худонинг қазосига рози бўлди. Ўғлининг пок руҳига бағишлаб турли хайру эҳсонлар қилди ва мустаҳиқларга ҳар хил садақалар улашди⁸. (74)

Ана шу (Аллоҳ қазосига розилик) туфайли у яна Қамариддинни таг-томири билан йўқ қилишга жидду жаҳд кўрсатди; бахтиёрлик қутисининг дури, подшоҳлик буржининг ёруғ юлдузи, жаҳондорлик белгилари пешонасида ярқираб турган шундай бир фарзанди борлигидан Соҳибқироннинг кўзлари равшан бўлмиш амирзода Умаршайхга Оқ Буғо баҳодир, Хитой баҳодир ва номдор амирлар билан биргаликда Қамариддинни излаб йўлга чиқишни ва имкон борича уни тутишга ҳаракат қилишни топширди. Улар фармонга мувофиқ равона бўлдилар ва Қуроту тоғида унга етиб, жанг қилдилар. Охир-оқибат ғалаба қозониб, уни қувдилар ва вилоятидан сон-саноқсиз ўлжаю ғаниматлар олиб келдилар. Улар қайтгач, Амир Соҳибқирон яна юриш бошлаб, амир Муҳаммад, Аббос баҳодир ва Оқ Буғо баҳодирларни манғлой қилиб юборди. Улар фармонга биноан Иссиқ кўл дарасида Қамариддинга етиб олдилар ва мардона жанг қилиб, уни яна бир бор қочирдилар-да, вилоятини талон-торож этиб қайтдилар.

XXVII. ПОДШОҲЗОДА ТЎҚТАМИШНИНГ АМИР СОҲИБҚИРОН ОЛДИГА КЕЛИШИ БАЁНИДА

Қамариддинни шу ҳолатга етказиб, энди уни таг-томири билан йўқотишга ҳаракат қилиб, ғаним ташвишидан батамом фориг бўлишни ўйлаб турганларида Тўқтамиш ўғлон унга ёвузлик қилиш тадорикида бўлган бир жамсадан кўрқиб, Амир Соҳибқирон даргоҳига келаётгани ҳақида хабар етказдилар. Бу хабар тўғрилиги аниқлангач, атоқли амирлардан Тумон Темурни унга пешвоз чиқиш учун юборди. Ўз зоти муборағи ҳам Уйноғудан қайтиб, Ўзгандга келиб тушди ва ундан Самарқандга жўнади. Тўқтамиш ўғлон етиб келгач, амирлар воситачилик қилиб уни аъло ҳазрат (олдига) олиб кирдилар. Амир Соҳибқирон ҳазратлари уни эъзозу икром қилиш вазифасини энг баланд даражада адо этмоқ учун имкон борича ҳаракат қилди. Унингдек подшоҳзодага нисбатан ҳурмат сақлаш борасида ўзидек жанобдан нимаики лозим бўлса барчасини бажо келтирди. Сўнгра у билан ҳамжиловликда Самарқанд шаҳрига қайтди ва подшоҳона тўйлар бериб, муносиб пешкашлар тайёрлади; олтину кумуш, зебу зевар, молу мато, от ва хачир, чодир утов, ногораю байроқ, аскару сипоҳийлардан унга ва тобеларига шу қадар кўп тортиқ қилдики, уларнинг ҳадду саноғига етишдан ақл ожиз эди. (Байт):

Қўзгатар бўлса агар ганжу сипоҳин юкини,
Ларзага келгай симобдек қўзғалмас тоғ ҳам. (75)

Ўтрор ва Соврон¹ вилоятларини унга тақдим қилди. Бир муддатдан кейин ўзбек подшоҳи Ўрусхоннинг ўғли Қутлуғ Буғо лашкар тортиб келиб, Тўқтамиш билан кўп жанглар қилди. Жангда Қутлуғ Буғога ўқ тегди ва у ҳалок бўлди. Унинг лашкари жўшга келиб, қаҳру ғазаб билан Тўқтамишни қувладилар ва унинг вилоятини талон-торож қилдилар. У иккинчи марта қочиб, Амир Соҳибқироннинг олдига келди. Амир Соҳибқирон унга дастлабки келганидан ҳам зиёда эъзоз ва эҳтиром кўрсатиб, ҳурматини ўрнига қўйди ва керакли асбоб-яроғини тайёрлаб, қайтариб юборди. У томондан Ўрусхоннинг ўғли Тўқтоқийё эса Алибек ва эътиборли шаҳзодаю амирлар билан иттифоқ тузиб, Тўқтамишга қарши йўлга чиқдилар, у билан жанг қилиб, яна қочирдилар. У

оёғидан этигини ечиб, олдидаги катта бир сувга ўзини ташлаб халос топишга мажбур бўлди. Қазончи баҳодир уни қувлаб сув бўйига етиб келди ва ўқ-ёй зарби билан қўлини мажруҳ этди. Тўқтамиш ёлғиз ўзи чакалакзорга кириб беркинди. Амир Соҳибқирон ўз биродари Идигуй барлосни унинг олдига юбориб, "подшоҳлик ишида мардона ва жасур бўлсин, душманни дафъ қилишни вожиб билсин", деб насихат қилди. Амир Идигуй шу чангалзор томондан ўтиб кетаётганида қулоғига нола қилган овоз эшитилди. Текшириб кўриб, (Тўқтамишни) шу ҳолатда кўрди. (Отдан) тушиб, одоб вазифасини бажо келтирди. Қудрати етгунча ҳурматини ўринлатиб, Бухорога Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келди ҳамда нимаики эъзоз ва икром кўрсатиш лозим бўлса, унга нисбатан барини бажо келтирди, унга керагича яроғ-анжомлардан ҳозирлади. Бу вақтда Амир Соҳибқирон Бухорода эди. Идигуй² қочиб келиб, Ўрусхон лашкарлар тўплаб Тўқтамиш талабида келаётганлиги хабарини етказди. Бу хабар кетидан Ўрусхоннинг элчилари — Кепак Монққут ва Тулужон етиб келдилар ва подшоҳ (Ўрусхон)нинг гапларини арз қилдилар: "Тўқтамиш менинг ўғлимни ўлдирган ва сизнинг вилоятингиз томонга борган. Душмангани менга топширинг, акс ҳолда жангга жой ҳозирланг"! Амир Соҳибқирон бунга жавобан: "Мурувватлилик қондаси ва давлат арбобларининг урф-одатларида бирор давлатдан паноҳ истаб келган одамни душман қўлига топшириш раво кўрилгайму?! Бундай бўлиши амри маҳолдур. Албатта агар бу хусусда жанжалу низо кўтарилса, заруратан жангга тайёр бўлиш керак", деди.

XXVIII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ЎРУСХОН ТОМОНИГА ЛАШКАР ТОРТИБ БОРГАНЛИГИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон элчиларни жўнатгандан кейин лашкарларни йиғиш ва тартибга келтириш билан машғул бўлди. Сўнгра йўлга чиқиб, Ўтрорга бориб тушди. (76) У томондан Ўрусхоннинг лашкари Сигноққа¹ келиб тушди. Ўша кечаси ҳаво булутланиб, қор ва ёмғир ёғди. Қаттиқ совуқ бўлди, совуқ ва яхмалак шу даражага етдики, икки томондан ҳам бирор кимсанинг ҳаракат қилишга мажоли йўқ эди. Уч ойга яқин бир-бирларининг

қаршилариди ўтиришгач, Соҳибқирон душман лашкарига илғор қилиш ва шабихун этиш учун амирзода Ёруқ Темур, Муҳаммад Султоншоҳ, Хитой баҳодир ва Мубашширни юборди. Фармонга биноан беш юз киши отга миндилар. Душманлардан уч минг киши уларнинг олди-дан чиқди. Тунда жангга киришдилар ва ғалаба ёр лашкар зафар қозонди, душманлар мағлуб бўлиб қочди. Шу жангда қазо ҳукми билан амир Ёруқ Темур ва Хитой баҳодир шаҳид бўлдилар. Темур Малик ўғлоннинг оёғига Элчи Буғо ўқ отган эди, ўқ оёқдан ўтиб отга санчилди².

Амир Соҳибқирон Муҳаммад Султоншоҳ ва Мубашшир иккисини икки томонга хабар олиб келиш учун юборган эди. Ҳар бири душмандан бир кишини тутиб қайтдилар. Уларнинг иккаласи бир хилда сўзлаб: "Ҳар иккисининг ҳам исми Сотқин бўлган икки баҳодир душман томондан хабаргирлик қилиш учун юз киши билан бу томонга келганлар", деб хабар бердилар.

Амир Аллоҳдод ва Оқ Темур баҳодир Ўтрорда лашкар учун тағор — озиқ-овқат йиғаетган эдилар. Ўтрордан чиқишда бир-бирлари билан учрашиб қолдилар. Улар билан ўн беш киши бор эди. Худоба таваккал қилиб душманга ташландилар ва уларнинг номдорларидан икки кишини йиқитдилар. Тирик қолганлари эса ўзларини хандаққа ташлаб қочдилар. Оқ Темур баҳодир ва Кепакчи-юртчи кичик Сотқинни ўлдирдилар, катта Сотқинни эса Ҳиндушоҳ тутиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келди. Душманлар бу ҳолатни кўргач, ўз жойларида Қаро Кесакни қолдириб, ўзлари нари кетдилар. Амир Соҳибқироннинг шахсан ўзи улар устига бостириб борди, улар яна қочдилар. Амир Соҳибқирон қайтиб ўз тахтгоҳига келди. Етти кун тўхтаб турдилар, (сўнгра) яна отланиб Кеш шаҳридан жўнаб, Тўқтамиш ўғлонни қачарчи — йўлбошловчи қилиб, Ҳайрон Қамишга етдилар. Душманнинг эл-улуси бундан беҳабар ўтирган эди. Зафар ёр лашкар уларни талон-торож қилиб, ҳадду ҳисобсиз молу манол олдилар. Давлат мадакору бахт ва саодат ҳумоюн яловларга йўлдош бўлганлиги учун шу орада Ўрусхон фоний дунёдан боқий оламга рихлат қилди. (Байт):

Бир икки йўл нафас олди, тиниқди, жим бўлди,
Кулиб фалак деди, бул ҳам қазога ем бўлди.

Катта ўгли Тўқтоқийё унинг ўрнига ўтирди; андак замондан сўнг у ҳам вафот этди. Амир Соҳибқирон ул вилоятнинг подшоҳлигини Тўқтамиш подшоҳга тақдим этди, асбоб-анжомларни муҳайё қилиб, уни ўша мамлакатда қолдирди: учқурликда шамолдан ўзувчи, тезликда сувдан ҳам ўт чақнатувчи Ўғлон номли бўз отини унга инъом қилди. (Байт):

Шитоб билан юрганда оҳудан ҳам ўзарди,
Йўрғаликда сувдегу, ўтдан тезроқ юрарди. (77)

Ўзи зафару фатҳ, иззату икром билан Самарқандга қайтди. Темур Малик ўғлон ул диёрда подшоҳ бўлган эди. У катта лашкар билан подшоҳ Тўқтамиш устига келди. Кўп жанг ва муҳорабадан кейин Тўқтамиш ортига юз ўгирди ва одамларию лашкаридан узоқлашиб қолди. Шундан сўнг амир берган отга миниб танҳо ўзи Амир Соҳибқирон ҳузурига йўл олди... Ул давлат соҳибининг узоқни кўрадиган муборак назари (шарофати) билан³ ул номдор от сабабли халос топди. Тўқтамиш биринчи марта Ўрусхондан юз ўгириб қочиб келганда, у билан бирга Ўрунг Темур ҳам бор эди ва у Амир Соҳибқироннинг инояти ва тарбиятига сазовор бўлган эди. Ўрусхон унинг эли ва вилоятини Тойғога суюрғол этиб берганди. Тўқтамиш яна мағлуб бўлиб қочганида Ўрунг Темур жанг майдонида йиқилиб қолган эди. Уни тутиб Ўрусхоннинг олдига олиб бордилар. Ўрусхон қонидан ўтди. Ўрунг Темур бир муддат улар орасида машаққат билан кун кечирди. Охири қочиб, Амир Соҳибқирон олдига келди ва унинг чексиз илтифоту иноятига сазовор бўлди. Амир Соҳибқирон ундан Темур Маликнинг ҳолу авзойи ҳақида сўради. У хабардор бўлганлиги боис арз қилди: "У кечаю кундуз шароб ичиш, айшу ишрат билан машғулдир. Чошгоҳгача уйқуда бўлади, агар мингта муҳим ҳодиса рўй берса ҳам бирор кимса уни уйғотишга журъат этолмайди. Шу сабабдан халқ ундан умидини узган, бутун мамлакат ва вилоят Тўқтамишни талаб қилмоқда". Амир Соҳибқирон Темур Маликка бахт мададкор эмаслигини билди. Чунки қайси подшоҳ мамлакатни муҳофаза этиш шартларидан гофил қолса, умрини ўйин-кулгуга сарф этса, доимо вақтини шароб ичиш ва айшу ишрат билан ўтқазса, подшоҳлигининг пойдевори зудликда бўшашиб қолади, салтанати асоси тез орада харобликка

юз тутади. Шу хусусда нақл қилмишларки, мамлакати қўлидан кетиб, хорлигу машаққат мақомига тушиб қолган подшоҳларнинг биридан: "Мулкинг ва подшоҳлигинг завол топишига нима сабаб бўлди?"— деб сўраганларида, у бунга жавобан шундай дебди: "Мулким ва подшоҳлигим заволининг сабаби мен кечки пайтда шароб ичиш билан машғул бўлардим, тунни эса зарурат юзасидан гафлату ишрат билан ўтказишга мажбур эдим ва куннинг биринчи ярмида ҳам маст уйқуда ётиш лозим бўларди. Шунинг учун мамлакат ишлари беқарорликка тушиб, тартибу интизом йўқолди".

Алғараз, 780 (1378—1379) йили Амир Соҳибқирон Тўқтамишни яна бир бор иззат-икроми ва инъомларига сазовор этди ва уни Сигноқда тахтга ўтказиш учун амир Тумон Темур, амир Ўрунг Темур, Гиёсиддин Тархон, Бахтийхожа ва амир Бангиларни кўп лашкарлар билан унга қўшиб йўлга солди. Улар фармонга биноан йўлга равона бўлдилар ва Сигноққа етгач, муборак кунда, қутли соатда уни салтанат тахтига ўтқаздилар. Шу пайтда Темур Малик Қаротилда (78) қишлаётган эди. Улар ўртасида жанг воқеъ бўлди; охир-оқибат Темур Малик шикаст топиб, Тўқтамиш ғолиб келди. Тўқтамиш бу ғалабанинг хабарини етказиш учун Амир Соҳибқирон олдига Ўрусхожани юборди. Амирлик ҳомийси ҳазрат Соҳибқироннинг бу муждадан шодлигу хурсандлиги ортиб, бир неча кечаю кундузни айшу ишрат ва шодмонликда ўтказди. Ўрусхожага турли илтифотлар кўрсатди, хилъату камар бериб қайтарди. Тўқтамиш Сигноқда қишлади, баҳор фасли келгач, лашкарни тартибга солиб, Мамоқ мамлакати ва вилоятини бўйсундирди. Унинг шавкати ва салтанати тараққий эта борди. Ўрунг Темур ва Оқ Буғолар тириклигида ҳамиша Тўқтамишга насиҳат қилиб шундай дердилар: "Амир Соҳибқирон сенга кўп инъомлар ва зўр тарбиятлар қилди. Унинг сенга кўрсатган илтифот ва ҳомийлиги ҳаққини бажо келтириш сен учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ҳамиша ул зоти олий мурувватини назарда тутиб, турли муносиб хизматлар билан унга яқинлашгин ва холис (муносабатларинг) асосини кудуратдан асрагин, чунки сен бу мақбул хислатларинг шарофати ва соҳиб неъматнинг берган неъматлари ҳаққини тан олишинг баракати туфайли давлатинг байроқлари кун сайин баландроқ кўтарилади, жаҳон аҳли сенинг бу ишингни маъқуллаб, таҳсин айтади. Шу билан бирга олам вазиятига ишонч йўқ. Агар, Худо кўрсатмасин, кунларнинг бирида давлат эгаси яна тошга

қоқиларкан, (Амир Соҳибқироннинг) ёрдамига таянса бўлади ва унинг давлати паноҳида қайта тикланиши мумкин". Бу ўртада у иккови ўлиб кетди. Алибек эса бузуқ фикрли одамлар Тўқтамиш суҳбатига йўл топганлиги туфайли ихтиёрини йўқотган ва унинг сўзи ўтмайдиган бўлиб қолган эди. Манқутийларнинг Толиб (деган) бир жамоаси Тўқтамиш хизматига йўл топиб, иғво билан уни Амир Соҳибқиронга нисбатан холислик ва мувофиқлик йўлидан оздириб, дўстлик манзилидан душманлик даражасига етказдилар. Оқиллар тажрибасидан маълум, текшириш ва имтиҳонлар орқали аниқланганки, бузуқ кишилар билан суҳбатда бўлиш яхши одамларга нисбатан нафрат келтириб чиқаради. Кимки бундайларга қўшилса, тўғри ва покдомон одамлардан ажралиб қолади. Одамзод туғилибдики, унинг нафси хайрли ишлардан оғиб, зулм ва фасод томон бурилади, агар сиртдан бирор жамоа уни тезласа, унда фасоду ёмонлик моддаси ортади. Бу бадфёъллик унинг табиатига ўрнашиб қолгач, заруратан яхшиларнинг суҳбатидан нафратланади ва ёмонларга яқинлашиб улар билан мувофиқат қилишга рағбатланади. Шунинг учун ҳам айтмишларки, ҳар вақт бирор кишининг хислатларини билишни хоҳласанг ва бирор шахснинг табиати ва фёлидан огоҳ бўлишни истасанг, буларни унинг ўзидан излашингнинг ҳожати йўқдир, балки унинг суҳбатдошлари ва ҳамнишинларига назар солсанг, ҳолу аҳволи (ҳақидаги) ҳақиқат сенга маълум бўлади. Пайғамбаримиз, Худо унга раҳмати ва саломларини йўлласин, саҳиҳ (79) ҳадисларда яхши суҳбатдошни атторга ўхшатганлар; кимки аттор дўконида кўп ўтирса, ё унинг сотган атиридан унга ҳам насиб этади, ё лоақал димоғига қувват ва хушбўйлик бағишлайди. Ёмон ҳамнишинни темирчига ўхшатганлар, у билан суҳбатдош бўлиш хатарлидир, чунки ўтнинг учқуни сачраб кийимларини куйдириши мумкин. Агар бундан омон қолган тақдирда ҳам, дуд ва ёмон ҳидлар димоғини бузади.

Ёмондин яхшилик кутма, ёмонга бўлма ҳамсуҳбат,
Агар сен покдомонсен, палид этгай сени албат.
Жаҳонни ёрутиб турган қуёшнинг чашмасин кўргин,
Агар андак булут тўсса, жаҳонни қоплагай зулмат.

Тўқтамишнинг Амир Соҳибқиронга муҳолиф бўлганлиги (воқеаси), иншооллоҳи таоло, кейинроқ баён этилгай.

XXIX. АМИР СОҲИБҚИРОН ВА ЮСУФ СЎФИ ОРАСИДА ҚАЙТАДАН ВАҲШАТЛИ (ВОҚЕАЛАР) БОШЛАНГАНЛИГИ БАЁНИДА¹

Икки лашкар қишни Ўтрорда ўтказган ва икки-уч ой давомида бир-бирларининг қаршисида турган ўша йили, Юсуф Сўфи мунофиқларча фурсатдан фойдаланиб, калтабинлик билан ишнинг оқибатини ўйламади ва Бухоро томонга лашкар юборди. Улар боқин ясаб, баъзи вилоятларни талон-торож қилдилар. Амир Соҳибқирон Жалоллидин баҳодирни элчи қилиб юбориб, Юсуф Сўфига деди: "(Орамиздаги) иттифоқлик ва қариндошлиқдан кейинги бу мухолифатга сабаб нима?" Юсуф Сўфи (элчига) жавоб бермай, уни ушлаб бандга солди. Амир Соҳибқирон лутф ва хайрхоҳлик юзасидан яна бир мактуб йўллади, унда: "Элчига ўлим ва бандилик йўқдир, элчининг гарданидаги вазифа буйруқни аниқ етказишдан бошқа нарса эмасдир. Менинг элчимни қайтариб юбор", деб ёзди ҳамда бу муҳим иш билан яна бир чопарни йўллади. Юсуф Сўфи чопарни ҳам тутиб банди қилди ва Тўй Бугони лашкар билан Бухоро атрофини боқин қилиш учун юборди. Улар бориб туркманларнинг туяларини ўғирлаб қайтдилар. Бу воқеадан Амир Соҳибқироннинг ғазаб ўти алангаланиб, ҳамият ва ғайрат томири ҳаракатга келди ва ул беадабнинг жазосини беришни вожиб деб билди.

Туркларнинг қўй йилига тўғри келган 781 (1379—1380) йили Амир Соҳибқирон яна лашкарларни тузаб, Хоразм томонига жўнади. Турклар Эски Ўгуз деганлари Кўҳна дарёдан ўтиб, шаҳарни ўраб олдилар. Икки қанотдан муҳофаза қилиб бориш ва жанг бошлаш учун лашкару кўшинларни тақсим қилди. Амир Соҳибқирон ўз хоссايи шарифи учун катта иморат тиклашни буюрди, уни тез орада қуриб битказдилар. Ҳар куни эрталаб жанг қилиш (80) вазифасини адо этдилар. У илғор тарзида атроф ерлар ва ноҳияларга лашкар жўнатди. Улар бориб талон-торож қилиб, от ва қўйлардан ҳадду ҳисобсиз ганимат олиб қайтдилар. Шу ўртада Юсуф Сўфи нома йўллади, мазмуни шулки: "Қачонгача икки тарафдан мусулмонлар азоб чекадилар ва ўртада ҳалок бўлиб кетадилар ҳамда икки шахснинг нафси туфайли бир жаҳон хароб бўлади? Вазифа шулким, мен ва сен

иккимиз майдонга чиқайлик ва бир-биримиз билан олишиб кўрайлик, қайси биримизнинг бахтимиз чопса, ўша ғолиб келгай ва мусулмонлар бу машаққатдан халос бўлгайлар”.

Амир Соҳибқирон бу гапдан хурсандлигини кўрсатиб шундай деди: “У инсоф юзасидан сўйлайдир, бундан ортиқ сўзни тасаввур қилиб бўлмас. Мен ўзим ҳамиша шу орзуда эдим, бироқ таклиф қилиб айтсам қабул қилмасмикин деб андиша қилардим. Бу жуда тўғри сўз, ундан бош тортмаймиз”.

Шуни айтиб, дарҳол совут кийиб отга минди. Нўёнлар, амирлар олдинга чиқиб, уни бу фикридан қайтармоқчи бўлдилар. У илтифот кўргазмади ва уларнинг сўзига қулоқ солмади. Шунда амир Ҳожи Сайфиддин баҳодир тиз чўкиб, отининг жиловини тутиб арз қилди: “Қуллари тирик бўла туриб, хожаимизнинг ўзлари жангга кирсалар қандай бўларкин?” Амир Соҳибқирон ғазабланиб кетиб, уни қаттиқ сўзлар билан жеркиб, отининг жиловини қўлидан тортиб олди ва хандаққа етди. У ердан туриб ушбуни баланд овоз билан Юсуф Сўфига айтишларини буюрди: “Мен сенинг илтимосингга биноан келдим. Сен ҳам ташқари чиқ, кўрайлик-чи, улуғ Тангри ҳазрати кимга нусрат ва зафар бераркин”. Юсуф Сўфи қўрқди. Айтган сўзига пушаймон бўлди. Ундан ҳеч бир жавоб қайтмади. Жаҳон аҳли Амир Соҳибқироннинг бул журъати, жасурлиги, қалбининг қуввати ва камоли таваккалига офарин айтдилар ҳамда душманнинг қўрқоқлиги, юраксизлиги ва лофчилигини билдилар.

Шу аснода Термиз тарафидан Амир Соҳибқирон ҳузурига янги пишган қовун келтирдилар. У: “Юсуф Сўфи гарчи ўринсиз мен билан муҳолифат қилган бўлса ҳамки, аммо орамизда қариндошлик бор бўлгани учун, биринчи қовунни усиз ейиш лойиқ эмасдур”, деб қовунни бир олтин табоққа қўйиб, Юсуф Сўфига юборди. Юсуф Сўфи бунинг эвазига таъзим ва ҳурмат мақомида туриб узр сўраши ва неча ҳисса қилиб туҳфа ва совғалар юбориши лозим эди. Бу билан ораларидаги ваҳшату душманлик унсу улфатга айланарди. У эса ўша қовунларни сувга ташлашни буюрди ва олтин табоқни дарвозабонларга бахшида қилди. Сўнг дарвозани очиб, жангга тайёрланиб турган номдор мардлардан иборат лашкари билан чиқиб келди.

Жаҳон амирзодаси Умаршайх ўз ёнида бўлган баҳодирлар билан ҳамла бошлади ва сувдан кечиб ўтиб, кечгача жанг қилдилар. Кўп отлиқлар пиёда қолдилар. Икки томондан ҳам марду майдонлар ярадор ва ҳалок бўлдилар. Шунга қарамай, жангдан қочмадилар. Охири душман лашкари ожиз бўлиб, ҳисорга кирди. Анушервон ва Элчи Буғо мардонавор жанг қилишди, ҳар иккисига ҳам заҳм етказиб, мажруҳ этдилар. Кейинчалик Элчи Буғо соғайиб кетди, Анушервонни эса ажал ёқасидан тутиб (81) фано оламига етказди.

Шунда манжаниқни гайёрлашга ишорат бўлди. Манжаниқ тоши билан қўрғон буржида солинган Юсуф Сўфи кўшкени йиқитдилар. Муҳосара муддати уч ойга чўзилди; охир-оқибат илоҳий қазо ўз ҳукмини юритиб, Юсуф Сўфининг давлатини охирига етказди; у касалликка чалиниб, бир неча кундан кейин вафот этди³. (Байт):

Тўсатдан хонадондан чиқди овоз,
Ажал етди фалончи қилди парвоз.

Бечора одам. У (тан) қафасидаги бир нафасдир, бундан ортиқ эмас. (Унинг умри) йўқлик сари бир қадамдир, ундан зиёда эмас. Бирор кеча йўқки, унда кундузга етишга ишонч бўлса, бирор кундуз йўқки, то кечгача етишга эътимод бўлса. Шунга қарамай, уни ҳирсу умидлар чирмаб олган, қалби дунёнинг бўлар-бўлмас ғаму андуҳлари билан тўлган. (Байт):

Ҳасрато вовайлато етди умр поёнига,
Етмади бу ҳирси бадсийрат ҳануз поёнига.

Юсуф Сўфи вужудининг дарахти ажалнинг кучли шамоли билан таг-тугидан қўпорилиб тушиб, орзу-ҳавас кулоҳини кибру ҳаво бошидан олиб қўйгач, ҳисорни эгалладилар, талон-торож этиб, одамларни асир олдилар, ул мавзени остин-устун қилдилар ва ҳадду ҳисобсиз молу манол қўлга киритдилар.

Амир Соҳибқирон у ердан иззат ва иқбол билан қайтиб келиб, ўзининг олий қароргоҳида ўрнашди ва қишни у жойда ўтказди. Баҳор фасли келгач (781/1380), Кеш шаҳри қурилишига олий фармон берди ва у ерда ҳисор бунёд эттирди. Шу ўртада Оқ саройни ҳам бино

қилдилар, унинг пештоқ ва равоқларини Айюқ (юлдузига) етказдилар, чунончи, бирон кимса жаҳонда унга тенг келадиган иморатни кўрмаган ва эшитмаган эди.

XXX. ДАВЛАТИ БАҲҚАРОП БЎЛГУР АМИРЗОДА АМИРОНШОҲ¹ГА ХУРОСОН МАМЛАКАТИ ВОЛИЙЛИГИНИНГ ТОПШИРИЛИШИ БАЁНИДА

Хоразм ишлари охирига етиб, (Ҳазрат Амир Соҳибқироннинг) кўнгли унинг андишасидан тинчигач, Хуросон аҳволини тартибга солишни ирода қилди ва етти юз саксон иккинчи (1380—1381) йили жаҳон амирзодаси, Тангри иноятига (сазоворларнинг) сараси, қалби адолат-пеша, қўли очиқ, хирадманд, олий мартабали, фазилат-парвар, оқил, дилбанд фарзанди ва аржуманд ўринбосари — амирзода Амироншоҳни лашкардан ихтиёрий равишда тўпланган эллик қўшун билан Хуросон томонга жўнатди ва уни ул вилоятда ўзининг ноиблигига номзод этди. Амирзодаи аъзам фармонга биноан равона бўлди. Бориб Балх ва Андхўй яйлоқларига тушди. Амир Соҳибқирон Ҳирот малики Ғиёсиддинга чопар йўллаб: "Нўёнлар ва амирлар катта қурултойга ҳозир бўладилар, сен ҳам ҳозир бўлишинг керак", деб эълон қилди. (82) Малик Ғиёсиддин чопарни эъзоз этиб, унга: "Агар амир Ҳожи Сайфиддин келса, унинг йўлдошлигида бораман", деди. Фармонга биноан амир Сайфиддин Ҳирот томон йўл олди. Малик Ғиёсиддин у келгач, иззат-икромлар кўрсатди. "Сафарга тайёргарлик кўраман", деган баҳона билан уни бир муддат ушлаб турди, ҳисорга ғаллалар ташиб олди. Охири Ҳожи Сайфиддин қайтиб кетди. Малик Ғиёсиддин эса сўзига вафо қилмади. Ёз фасли келгач, амирзода Амироншоҳ унинг вилоятига от қўйиб талон-торож қилди ва ҳисобсиз мол, от ва неъматлар олди. Амир Соҳибқирон Ҳиротни бўйсундиришга қатъий қарор қилгач, чопар жўнатиб, Алибек (Жовуний Қурбоний)ни ўз даргоҳига чақирди. Чопар тезда етиб борди. Алибек уни ҳурмат билан қарши олиб, анвойи лутфу марҳаматларга сазовор этди. Ҳирот томон юриши хусусида у билан кенгашиб, баҳор фаслининг аввалида ул юришга ҳозир бўлишини муқаррар этди. Бу маънини аҳду паймон билан мустаҳкамлаб, иззат-икром билан уни қайтариб юборди.

Аммо ваъда вақти етиб келиши билан чопар жўнатиб: "Бу қуллари ўша аҳду паймондадир, агар ул азму иродалари барқарор бўлиб, ҳазрат Амир Соҳибқироннинг ўзлари лашкар тортиб келсалар, мен қачарчи — йўлбошловчи номи билан лашкар олдида бўламан", деди. Бинобарин (Амир Соҳибқирон) ул юришга қарор қилиб: "Лашкарлар ҳозир бўлсин!" — деган фармон берди. Оз вақт ичида улкан лашкар жамъ бўлди. Тоғу даштлар чодиру байроқлар, лашкару сипоҳ, чатру боргоҳ билан тўлиб кетди. (Маснавий):

Қора булут каби ер қимирлайди,
Сипоҳлар юришга йўл тополмайди.
Ернинг юзи буткул лашкарга тўлган,
Чин дарёси гўё мавж уриб келган.

Лашкарлар жамъ бўлгач, Диззада кўприк солиб, Омую сувидан ўтдилар. Жигдолик мавзеига етиб, Амир Соҳибқирон Алибекнинг ҳозир бўлиши учун киши юборди ва тезда етиб келишини тайинлади. Алибек эса келолмаслигига важ-сабаблар кўрсатиб, аҳдига вафо қилмади. Бунинг устига борган элчини тутиб қолиб, қайтишига ижозат бермади. Амир Соҳибқироннинг шарафли қулогига Пўшанг² қалъасининг аҳли мухолифат изҳор етиб, жанг асбобини муҳайё қилиб турганлиги ҳақида хабар етказдилар. Шунга биноан фармон берилди ва ғалаба ёр лашкар ул ҳисорни ўраб олди. Ҳисор атрофида ва хандақда сув кўп эди, икки-уч кун тўхтаб туриб, қалъани забт этиш учун лозим анжому яроқларни тайёрлаш билан машғул бўлдилар. Шунда "ҳар ким ўз қаршисидаги ердан ҳисорга кўтарилсин" деган ҳукм жорий бўлди.

(Аскарлар) ҳар томондан қалъага йўналиб, сувдан кечиб ўтдилар ва ҳисор (деворларига) тирмашдилар. Амир Соҳибқироннинг биродари³ амир Али, Ику Темур, Аббос ўғли Умар ва Мубашшир фасилга етдилар, қўлларини деворга узатиб, қалъага чиқиб олдилар. Душманлар қанча ўқ-ёй ва тош отмасин, булар чекинмадилар. Аммо Илёсни ажал ёқасидан тутиб, сувга ғарқ бўлди. Шайх Али баҳодир қилич тортиб ҳамла қилди. (83) Унинг укаси Султон, Хисрав, Мирак ва булардан бошқалар ҳамла қилиб, бирваракайига дарвоза томон ташландилар. Ҳар томондан жангта киришдилар ва оқибатда ғалаба қозониб, қалъа дарвозасини очдилар. Душманларни қиличдан ўтказдилар.

XXXI. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ҲИРОТ МАМЛАКАТИНИ ЗАБТ ЭТИШГА ЮЗЛАНИШИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон Пўшанг қалъаси воқеасидан фориғ бўлгандан сўнг, ул ҳисобсиз лашкар билан Ҳирот мамлакатини забт этишга жазм қилиб, у томонга юз тутди. Малик Гиёсиддин ўз мақомининг мустаҳкамлигига мағрур бўлиб, қарши туриб жанг қилиш анжом-яроғини муҳайё қилиб ўтирган эди. Ғалаба ёр лашкарлар у тарафларга етгач, боғларни бузиб, деворларни йиқитдилар, шаҳарнинг атроф чеккаларига кирдилар. Ҳирот ҳисорининг қаршисида ҳар томондан хандақ (қазииш) ва ҳисор қуришларига ҳукм жорий бўлди. Буйруққа биноан иш тутдилар, бир-бирларининг қаршисида кузатиб ва пойлаб турдилар. Эртаси куни шаҳар дарвозасини очдилар, жасур мардларнинг катта жамоаси ташқари чиқди ва жангга киришди. Улуғ амирлар уларга ҳамла қилдилар. Кўп одамлар ҳалок бўлди. Амир Умаршоҳнинг укаси мардонавор жанг қилди ва душманларни дарвозага етказиб, шаҳарга ҳайдади. Кеч киргач, довулу ногора қоқиб ва бурғу чалиб икки томондан ҳам тонг отгунча соқчилик қилинди. Лашкарнинг баҳодирлари туралар ва совутқалқонларини олиб (жангга) ҳозир бўлиб турдилар. Улар пистирма қуриб қоровуллик қилишарди. Тонг отгач, лашкарлар саф тортиб, бир-бирларининг рўпарасида турди. Аммо ўша куни жанг қилмадилар.

Тунда душманлар тўсатдан бостириб келиб, уч кишини ўлдирдилар ва яна тезликда қайтиб ҳисорга кирдилар. Жума куни чошгоҳда жанг бошладилар. Зафар ёр лашкарлар ҳисор тагида саф тортиб турган эдилар, душманлар эса ҳисор тепасида ҳар томонни қўриқлаб турарди. Амир Соҳибқирон отга миниб, лашкарини кўздан кечирди ҳамда жанг мардлари ва қўрқмас ботирларининг қаҳрамонликларидан завқланиш учун келди. Ғалаба ёр лашкарлар гарчи ҳамини жанг-маъракаларда жонбозликни одат, майдонда қўрқмасликни касб қилиб олган бўлсалар ҳам, аммо ўша куни (алоҳида) ғайрат мақомида ўзларининг ботирликларини ошкора қилиб, қаттиқ жанглар олиб бордилар. Амир Ику Темур, Мубашшир ва Сунчак сидқидилдан ҳамлага ўтиб, султонларча жанг қилиб, ҳисорнинг фасилига етиб бордилар ва ҳисорнинг

ҳар томонидан устига чиқдилар. Ҳисор аҳли ёғдираётган ўқ-ёйлар ва тошларнинг қалқонларига, ҳатто елка ва бошларига тегишига қарамасдан (84) олға бориб, ишни ҳам олдга сурдилар. Ҳисор фасилига чиққан биринчи киши Халил ясовул эди. Бошқа баҳодирлар ҳам унинг журъатини кўриб, ҳар бири ўз жойидан қўзғалиб, фасилга чиқиб олдилар. Дарвоза эшигини синдириб қалъа ҳисорига кирдилар. Жувонғор ва буронғор амирлари душманларни ҳайдаб қочирдилар, қочишга ожизлик қилганларини ўлдирдилар. Эсиб турган шамол кузги барглари тўккандек, (душманларни) қалъа деворидан ерга улоқтирдилар. Икки мингга яқин кишини тирик ушлаб, Амир Соҳибқирон ҳузурига келтирдилар. Ҳазрат уларнинг бариси устига афв ва марҳамат этагини ёпиб, қонларидан ўтди. "Раиятдан кимки ўз уйидан чиқмаса ва қалъа фасилига бормаса, у ва унинг аҳлу аёли амонликда бўлади. Акс ҳолда, неки кўрсалар, ўзларидан кўрсинлар", деган фармон ёздилар. Раият бу аҳволдан воқиф бўлгач, ўз уйлари бурчагини ғанимат билиб, беҳуда ҳаракатларга унамадилар, оёқларига тинчлигу саломатлик этагини ёпдилар. Малик Ғиёсиддин жарчилар ҳар тарафга жар солиб одамларни тўплашларини буюрди. Бу ҳеч бир фойда бермади. Бирор кимса унинг гапига қулоқ солмади. У ўз аҳволида давлатнинг ундан юз ўгирганлиги ва бевафолик асарларини кўргач, ўзининг катта ўғлини жасурлиги ва ботирлиги билан замонасининг яғонаси бўлган Искандар Шайхийга қўшиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига юборди. Амир Соҳибқирон уни эъозлаб, навозиш ва тарбиятига сазовор этди. Хилъат ва камар бериб қайтаркан, ушбун айтиб қўйишини буюрди: "Маликка биздан салом етказиб айтгилки, ўртамизда қадимдан адоват бўлмаган, аксинча дўстлик муносабатлари барқарор бўлиб, қариндошлик билан мустаҳкамланган эди. Бўлиб ўтган воқеа мулк ишлари ва фалак ҳодисалари тақозосига биноан юз берди, эндиликда тортинмасдан зудликда биз томонга келсин, токи ўша (дўстлигимиз) қоидалари сақланиб қолгай, балки ундан ҳам кучайиб кетгай". Искандар Шайхийни ўз ёнида сақлаб турди. Ундан ҳолу вазиятни сўроқлади ва воқеъ бўлган ички ҳодисалардан огоҳ бўлди. Уч кундан кейин Малик Ғиёсиддин ҳисордан чиқиб, Боғи Зоғонда Амир Соҳибқирон ҳузурига ошиқди. Тиз чўкиб, итоат ва ожизлик мақомини тутди. Амир Соҳибқирон унинг

кўнглини кўтариб, амонлик бағишлади ва хилъат, камар бериб подшоҳона тарбиятга сазовор этди. Амир Соҳибқирон бир неча кун Ҳиротнинг ўтлоғида тўхтаб турди ва Малик Ғиёсиддиннинг у ернинг маликлари томонидан кўп йиллар давомида йиғилган хазиналарини ҳисордан олиб чиқдилар. Маликнинг бошқа яна бир ҳисори бор эди. Уни Ашкалача дердилар. У ғоятда пишиқ-пухта ва ниҳоятда мустаҳкам эди. Уни амир Ғурий номли ўғлига топширган эди. У ғоятда шижоатли, ботир ва ишбилармон эди. Амир Соҳибқирон Маликка уни чақириб, яхши йўл билан огоҳлантириб, қалъадан чиқаришни буюрди. Малик фармонга биноан қалъа тагига борди, яхши тадбир билан ўғлини қалъадан тушириб, Амир Соҳибқирон ҳазратнинг палосини ўпишга олиб келди. Амир унга ҳам хилъат бериб, кўнглини кўтариб сарафроз этди.

Бу ишлардан фориг бўлгандан кейин амир Жаҳоншоҳ баҳодирни лашкарга манғлой этиб, (85) Сабзавор томонга юборди. Амир Соҳибқирон Насой ва Калот томон боришни майл этганди. Алибек билан бўлган воқеа ҳануз хотирасида сақланиб турган эди. Тезлик билан у томонга жўнади, Аллоҳ раҳмат этгур соҳибуддаъват Абу Муслим Марвазий мозорига етганида у жойга тушиб, зиёрат қилди. Шу аснода Алибек етиб келди ва Амир Соҳибқирон палосини ўпишга мушарраф бўлди. Доимо ихлос ва хайрхоҳлик йўлида собитқадам бўлган Хожа Али Муайяд Сабзаворий² ҳам оёқ ўпиш учун келди. Амир ҳар иккисини эъзозу икромига сазовор этиб, камар ва шамшир берди, подшоҳона хилъатлар кийдирди. Хожа Али Муайяд шиаликка мансуб бўлгани учун унинг мазҳаби ва эътиқоди ҳақида сўради. У бунга жавобан: "<Одамлар ўз подшоҳлари динида бўладилар>. Менинг мазҳабим Амир Соҳибқирон мазҳабидир", деди. Амир Соҳибқирон унинг сўзини маъқул кўриб, уни мақтади. (Сўнг): "<Расулulloҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам демишларки: "Кимки менинг суннатимни тарк этса, менинг шафоатимга етолмайди>". Яна бошқа жойда шундай деганлар: "Жамоат — раҳматдир". "Мен ҳар иккала давлатга восил бўлишни хоҳлайман, суннат ва жамоат аҳлининг мазҳабидаман", деди.

(Амир Соҳибқирон) у ердан отланиб, Исфаройин³ томон йўл олди. У ерга етган заҳотиёқ "лашкарлар ҳамла қилиб, ҳисорга чиқсинлар", деган олий ҳукм жорий бўлди. Одамлар у ерга қўниш, чодир тикиш учун жой ҳозирлашга машғул

эдилар, бу фармондан кейин дарҳол қуроолларни кўтариб, ҳисорга қараб юрдилар. Кўз очиб юмгунча қалъани олиб, вайрон қилдилар. Кўп одамлар ўлдирилди, яна кўпи эса отларнинг туёғи остида қолиб ҳалок бўлди. Шу орада амир Вали⁴ томонга элчи юборди ва унга муҳолифлик қилса танбеҳ этилиб, таъзирини сийшини, мувофиқлик қилса марҳамат ва меҳрибонликка сазовор бўлишини ваъда қилди ва бу гапни: "Агар андиша қилиб ўтирмасдан зудликда етиб келса, анвойи тарбиятларга сазовор бўлади", деган аҳду паймон билан мустаҳкамлади. Амир Вали мактубни ўпиб, боши устига қўйди ва итоату бўйсунини изҳор қилди: "Кетингдан ҳазрат палосини ўпиш учун етиб бораман", деб ваъда берди. Амир Соҳибқирон қутлуғ соатда ва толе кулиб боққан пайтда у ердан отланиб, Ғулжоту тоғига чиқди. Бир неча кун тўхтаб, отларни семиртирди. Хуросон вилоятини забт этгач, у ер маликларининг ҳар бирини ўз бўлукига қайтарди, сўнг ҳазратнинг қутлуғ ялови Самарқанд томонга йўналди. Ўша йили Бухоро вилоятида қишлоқ қилди. Амир Соҳибқироннинг поклик пардасида ўлтирган бир қизи бор эди. Сувратда тенги йўқ, сийратда унга ўхшаши ва монанди йўқ эди. Унга поклик энагаси иффат кўкрагидан сут берган, замона онаси покизалик ва озодалиқда унингдегини туғмаганди. Фалак минг кўз билан жамолига нигорон, қуёш муҳаббат билан унинг бошида доимо ларзон эди. Унинг ички ҳолати забони ўз васфида ушбу икки байтни ширин тил билан баён қилади (назм): (86)

Ман ул хотинким доим яхшилиқдан қору борим бор,
 Ҳижоб орқасида турган неча юз тождорим бор.
 Тозалик, поклик хилват саройи жилвағоҳимдир,
 Сабо сайёри йўл топмас кирарга, бу шиирим бор.

Амир Соҳибқирон уни ғоятда яхши кўрарди. Бир соат уни кўрмаса чидаб туrolмас эди. Илоҳий қазо ҳукми билан у бир касалликка чалинди, секин-аста унинг касали кучайди. Мизожи заифлашди. Табиблар уни муолажа этишга ожизлик қилдилар, ҳақимлар унга даво топишда кучсизлик қилдилар. Бир неча кундан кейин ул давлат ниҳолининг гулбарги қаттиқ эсган ажал шамоли зарбидан фано тупроғига йиқилди. Ва ул саодат фалагининг қуёши ботиш томонга юз қўйди. Ул сарвми-сол қадди тол дарахтидек букилди. Ул қизил гулдек ранги заъфарондек сарғайди⁵. (Назм):

Бу хомушлар зиндонига дил кўзи билан бир боқсанг агар
Сўзловчи ёқут тобут ичра не тарзда ётганини кўрасан,
Келинчаклар зулфини настарин гули баргидек топасан,
Шоҳларнинг гул рангли юзини заъфарондек кўрасан!

Бу ситамкор фалакнинг зулмидан дод. Бу нопойдор умрнинг бевафолигидан фарёд. Бу жаҳон бўстони гулларининг саранжоми тикону хор билан. Бундаги базм мажлиси шаробининг оқибати хуморнинг ранжу меҳнати билан. Бақосининг биноси фано ва завол зилзиласидан ларзада. Иқболу шодонлик унвони билан бошланган умр дафтари поёнига етди. (Назм):

Ўтган куни яшнаб боғу саҳро лозазор эди,
Сайрарди қушлар чаманга роса солиб гулгули.
Бугун эса бўстонда чақир тикон кўтарди бош,
Гўё кўхармаган эди бу бўстонда бир гули.

Амир Соҳибқирон кўзининг оқу қораси фарзандидан айрилганига ғамгин ва мотамзада эди. Бир муддат фироқ ўтида куйди, ҳижроннинг таъми аччиқ шарбатини то-тишга гирифтор бўлди. Охирида илоҳий қазога рози бўлиб, ҳол тили билан айтди (байт):

Бу ғам ичра топмайин бир чора бўлдим сарнигун,
Ғайри "инна лиллаҳи ва инна илайҳи ражигун"⁶.

Яна "амир Вали ва Алибек бир-бири билан итти-фоқдош бўлиб Сабзаворга лашкар тортдилар ва ун муҳосара қилдилар", деган гаплар қулоққа чалинди⁷. Амир Соҳибқироннинг кўнгли куни-кеча оламдан ўтган (қизи) фироқида чандон ғамга ботгандики, бу хабарга илтифот қилмади. Улуғ хотун ва катта бону — Қутлуғ Туркон оғо унга тасалли бериб, оқилона насихатлар қилиб деди: "Агар бу ғусса ва кўнгил ҳасратлари билан бўлган воқеани тузатиб бўлсайди ва дўст-яқинлардан айрилганлик захрига қарши улар тарёқ бўла олсайди, бир навъ жоиз бўларди. Бу оғир мусибатда ва зўр кулфатда сабру таслимдан ўзга чора йўқ. Шундай бўлгач, шарафли хотирларини ғам билан эзмоқлик, дилни ғаму ғусса билан тўлдирмоқлик, подшоҳлигу салтанат ишларига (87) халал етадиган ва душманларга фурсат яратадиган даражада мамлакату давлат ишларидан қўл тортмоқлик — ақл йўлидан узоқдир. Мамлакат ишлари-

нинг тадбирига машғул бўлиш керак ва ҳар томондаги душманларнинг адабини бериш лозим. (Шеър):

Чумолидек душманинг илон бўлди бўл огоҳ,
Илон бўлган душманни ўлдиргин кўрсанг ногоҳ,
Вақт ўтмасин гафлатда, ҳозир бўлгин, қўймагин,
Агар у яшар экан аждаҳодир, топ паноҳ.

Амир Соҳибқирон унинг холис шафқат ва хайрхоҳлик юзасидан айтилган сўзларини қабул этди. Қишдаёқ⁸ лашкарларни йиғиб Мохондан ўтиб, Калотга⁹ етди. Алибек Жовуний Қурбоний ҳумоюн ялов етиб боришидан илгари вилоят аҳлини ва ўзига тегишли кишиларни Калот қалъасига киргизган эди. Амир Соҳибқирон элчи юбориб, уни мухолифлик қилишдан қайтармоқчи бўлди ва ҳамжиҳатлигу мувофиқликка ундаб шундай деди: "Ўз давлатингдан қочиш, келган бахтни зўрлаб ўзидан нарига ҳайдаш оқилларнинг иши эмасдир. Подшоҳга қуллик қилиш кўчасидан юз ўгирма. Фосид кишиларнинг гапига учиб, ўз қонинг, молинг ва номусингни йўқотмагин!" Аммо бахтсизлик у бечоранинг этагидан тутган эди, бу сўзларга илтифот қилмади. Ҳа, (байт):

Панду насиҳат бергай кимда-ким хайрхоҳдир,
Ким уни қабул этса, некбахту огоҳдир.

Шу ўртада Амир Соҳибқирон амир Валига қарши юришга азм этганлиги ҳақида овоза тарқатдилар. Шу билан (ғанимини) адаштириб, ўзи Калот ҳисори томонга юрди. Фармонга мувофиқ ҳисор ташқарисидаги мол, қўй, от ва хачирларни таладилар. Сўнгра Калот дарвозаси қаршисига бориб тушдилар. Лашкарлар ҳисорни замона офатидек ҳар томондан ўраб олишгач, Алибек чорасиз қолиб, ожизлик ва шикасталик ҳолига тушиб, Амир Соҳибқиронга пайғом бердики: "Мен ўзимнинг ёмон қилмишларимдан уятлиман, лекин дарҳол бориб остона ўпишга дадиллик қилолмай турибман. Бироқ агар ҳазрат Амир Соҳибқирон озроқ киши билан яқинроқ келсалар, оёқ ўпишга бориб, ўтмишдаги гуноҳларим учун узр сўрайман". Амир Соҳибқирон унинг илтимосини қабул қилиб, бир кунни тайин қилди ва ваъдасига вафо айлаб, беш отлиқ билан ҳисор дарвозасига жўнади. У йўл тор бўлиб, қўрқинчли дарадан ўтарди. Улар ифлос нафси ва

хиёнаткор табиятига (мувофиқ) бевафолик ва маккорлик қилиш андишасида бўлиб, бир неча одамни пистирма-ларда қолдирган эдилар. Улар билмадиларки: "Қимки ўз аҳдини бузса, бас, у фақат ўз зиёнига бузур"¹⁰. Улуғ Тангри Амир Соҳибқиронни ўз паноҳида сақлаб ҳимоя қилди. Ҳа. (Байт):

Ҳар бир кишини сақласа парвардигор,
Ўргимчак тўри булғай эшикда пардадор.

Душманларга қулай фурсат топилмади ва у Аллоҳнинг паноҳида саломат ўз жойига қайтди. (88)

(Амир Соҳибқирон) кечаларнинг бирида Кўҳистон¹¹, Се-истон ва Бадахшоннинг мард йигитлари ва жангда ўзини кўрсатган баҳодирларидан бир жамоага бир неча муайян белгили жойлардан Калот қалъасига чиқишни буюрди. Улар фармонга биноан тану жонлари билан турғунлик кўрсатдилар. Ноғора ва бурғу чалиб ҳисор дарвозасига ет-дилар. "Лашкарлар ҳар томондан қораларини кўрсатсинлар", деган фармон бўлди. Амир Соҳибқирон лашкарнинг баҳодирларини саралаб, ўз олдида қолдирди. Оқ Темурга ўхшаган баҳодирлардан иборат бошқа гуруҳ ва Ику Темур, Мубашшир, Умар каби даргоҳга яқин кишилар ҳамда бошқалар йўлга чиқиб, Луҳра йўли билан кетдилар ва душманга ҳамла қилиб қочирдилар. Ику Темур тоғ ёнбағрига кўтарилиб, қаршисидан чиққан душманга найза урди. Умар ва Мубашшир ҳам мардонавор ҳамлалар қилдилар. Душманлар қочди. Умар бир неча навкар билан олдинга кетган эди, душманлар уларга ҳамла қилди. (Шунда) Амир Соҳибқирон уларга ёрдам бериш учун дадил ва ботир от-лиқлардан юборди. Улар душманга ҳамла қилиб, жойидан қалқитдилар, душман мағлуб бўлиб қочди. Зафар ёр лашкарлар тоғ устига чиқдилар. Душманлар зорланиб дод-фарёд кўтардилар.

Алибек одам юбориб, ялиниб-ёлвориб илтимос қилди: "Лашкарни қайтариб, бизга амонлик беринг, мен эртага ташқари чиқиб, палос ўпишга бораман". Амир Соҳибқирон уларнинг қасамига ишониб, лашкар у ердан кўтарилсин, деб ҳукм қилди. Шу ўртада амир Никрўз Муҳаммад келди ва Амир Соҳибқирон ҳузурида тиз чўкиб, ёлвориб (Алибек) учун кўп шафоат тилади. Унинг шафоати қабул қилинди. Эртаси куни қайтиб, Алибекни онҳазратнинг марҳаматларига умидвор этди; у ишониб

Амир Соҳибқирон ҳузурига ошиқди, ўз гуноҳларини бўйнига олиб, афву марҳамат кўрсатишларини илтимос қилди. Амир Соҳибқирон унинг кўнглини кўтариб, ўз иноятига сазовор этди, сўнгра яроқ-анжомларни ҳозирлаб келиш учун қайтишига ижозат берди. Лекин у ўз ерига боргач, ёвузлик унинг ёқасидан тутди, ўз аҳди ва сўзидан қайтди. Кечаси қалъанинг йўлларини мустаҳкамлади ва яна душманлик йўлига кириб, лашкар тўплади ҳамда муҳолифат асбобини созлади. Амир Соҳибқирон бу аҳволни кўргач, Қаҳқаҳанинг қалъа ва ҳисорини таъмирлашни буюрди. Ҳожи Хожага эса катта лашкар бериб, бир жойда ўтиришни ва Алибекнинг йўлини пойлаб туришни буюрди. Амир Соҳибқирон биродари амир Али ва Шайх Али баҳодирга Калотга борадиган йўлларни қўриқлашни тайинлади. Ўзи бўлса у ердан Туршиз қалъаси томон юрди. У ерни ҳамма томондан ўраб тушди. Амир Соҳибқирон ҳар куни отга миниб қалъа атрофида айланарди. Унинг кириш ва чиқиш жойларини мўлжалларди. Ер кавловчилар унинг буйруғига биноан хандақни сувдан холи этдилар ва ҳисор девори тагини бир неча жойдан кавладилар. Сўнг (лашкар) ҳар тарафдан жанг бошладилар. Манжаниқлар қуриб, ундан отилган тош зарби билан қалъанинг буржи, боруни ва фасилини бузиб ташладилар, ҳисор ва борунни йиқитдилар. Душманлар бечора ва ожиз бўлиб қолиб, жонларига амонлик тиладилар. Амир Соҳибқирон муҳосара қилиш вақтида **(89)** уларнинг мардоналикларини¹² кўргани сабабли, иноят кўрсатиб, уларга амонлик ҳамда суюрғоллар ва инъомлар берди¹³. Шаҳар ва вилоятлар тайин этиб, уларни Туркистон тарафга юборди. Шу орада Шероз волийси Шоҳ Шужоъ¹⁴ томонидан амир Умаршоҳ палос ўпиш учун этиб келди. (Шоҳ Шужоъ) ҳашамату қудратда, ақлу донишда ўз ҳамжинсларидан мумтоз ҳамда ақл устозининг йўллови билан Амир Соҳибқиронга нисбатан муҳаббат эшигининг ихлос ҳалқасини қоқаётган бир волий эди. У ўшанда номдор маликдан шундай қудратли Соҳибқирон ҳазратга лойиқ кўп туҳфалар ва ҳадялар тақдим этди, муҳаббатга ихлос қоидаларига риоя қилган, хайрхоҳлик ва улуглаш расмларини сақлаган ҳолда (ёзилган) номани унга топширди. Амир Соҳибқирон уни сийлади, инъому эҳсонига кўмиб, ундан марҳаматларини дариг тутмасдан қайтариб юборди. Юборган мактубига жавобан иноят ва марҳаматларини ўз ичига олган мактуб

билан элчи жўнатди. Ўртадаги бу муҳаббат биноси мустаҳкам ва бу дўстлик қоидаси абадий бўлмоғи учун унинг қизини фарзандларидан бирига сўратди⁵.

XXXII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ АМИР ВАЛИГА ҚАРШИ ЮРИШИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон лашкарларини тартибга келтириб, амир Вали мамлакати бўлмиш Мозандарон томонига жўнади. Руғад йўлидан ўтиб, Кабуд Жома ва Шосмонга етиб бориб тушди. Амир Вали бундан хабар топгач, яқин кишиларини турли тансиқ туҳфалар ва тўққиз-тўққизлар билан Амир Соҳибқирон ҳузурига юбориб, узрлар сўради, ёлвориб амонлик тилади. "Бир бор карам қилиб, мени ҳузурингизга боришдан узрли тутсангиз ва қайтиб кетсангиз, бу банда орқангиздан оёқ ўпишга етиб борсам ва қолган умримни хизмат ва мулозаматда туриб ўтказсам", деб илтимос қилди.

Амир Соҳибқирон марҳамат қилиб, унинг илтимосини қабул этди ва қайтиб, Самилгон ҳамда Чоримакон йўли билан Родкон¹га етди ва у жойга тушди. Ўша куни Шайх Алининг тунда йўлга чиқиб, Калот ҳисорига кўтарилгани ҳақида Калотдан хабар келтирдилар: у бундан олдинроқ тоғ ёнбағридан борадиган йўл ҳақида сўраб олган ва кетишини амирзода Алидан махфий тутиб, кечаси тоққа чиққан эди. У йўлдан адашган ва олдида бир баланд тоғ пайдо бўлган. Душманлар уларнинг йўлини тўсганлар ва зўр жанг бошлаб, бир-бирларига шу даражада кўп ўқ-ёй ёғдирганларки, ўқдонлари бўшаб, қиличлари синиб, ўтмас бўлиб қолган. Ҳар икки томоннинг тоқати тугаб, оқибат ўртага одамлар тушиб, (90) улар аҳду паймон тузганлар ва иттифоқ бўлиб, учрашганлар. Ҳозир (Шайх Али)ни улуғламоқдалар. Алибек Шайх Али билан суҳбатлашиб ўтмиш гуноҳлари учун узр сўрамоқда ва ундан Амир Соҳибқирон олдида мен учун шафоат тилаб, гуноҳларим дафтари устидан афв қаламини тортишларини илтимос қилгин, деб ўтинмоқда.

Шундан сўнг Шайх Али баҳодир Амир Соҳибқирон ҳузурига келиб, Алибек учун шафоат тилади ҳамда уни қилич ва кафан билан ҳазрат Соҳибқирон олдида олиб келди. Амир Соҳибқирон унга одатдагидан зиёда эҳтиром

билдирди ва ўз эҳсонлари билан унинг яқинлари ҳасадини қўзғатди. Амир Соҳибқирон унга вилояти (улу-си) билан кўчиб, зафар ёр лашкар ҳамроҳлигида йўлга чиқишларини буюрди. Амир Соҳибқироннинг ўзи қутли соатда, бахт кулиб боққан дамда ўз тахтгоҳига қайтди ва лашкарга ижозат берди. Улар ҳар бири ўз уйларига қайтдилар.

785 (1383) йили Дилшод оғо вафот этди. Бундан бир неча кун ўтгач, ўзининг хайрли ишлари, инъому эҳсони билан замонаси хотинларидан ўзган, ўз холис молларидан мадрасалар, хонақоҳлар қурдирган, ҳар нав эзгуликлари билан жаҳон халқига фойда етказган улуг хотун — Амир Соҳибқироннинг опаси Қутлуғ Туркон оғо бу фоний манзилдан боқий оламга рихлат қилди ва бу зулмат зиндондан руҳоният бўстони саройига етди. Тақдирда битилган ажал ва муқаррар ваъда етгач, на мансаб қўлловчи бўлди-ю, на мол, на қавму қабила-ю, на истиқлол ёрдам берди. Ул оқил кимса бахтлидирким, бу бевафо дунёнинг ишвасига алданмагай, унинг нопойдор мансаб ва гўзаллигига мафтун бўлмагай, беш кунлик азиз умрни ғанимат билиб, унинг қадрли дамларини беҳуда нарсаларга сарфламагай.

Амир Соҳибқирон унинг вафотига дилтанг бўлиб, қайғуга тўлди. Унинг фироқида ғамгин ва гирён бўлди. Равшан дилига ва муборак хотирига ваҳшату нафрат йўл топди. Унинг тенги йўқ вужудини ҳорғинлик ва оғирлик қамраб олди. Бир неча кун оромсизлигу изтироби ортиб борди. Мамлакат ва давлат ишлари билан шуғулланмай қўйди. Охирида саййидлар, уламо, машойих ва солиҳ кишилар Амир Соҳибқирон ҳузурда тўпланиб, насиҳат бериш ва ваъз айтиш вазифаларини адо этдилар ва оятлару ҳадислар билан муборак хотирига тасалли бериб, дедилар: "Амир Соҳибқироннинг комронликлари юксаклик ва улугликда бўлсин! Кимки узоқ умрни истар экан, ёронларидан айри-лиққа дилини кўндириши керак. Кимда-ким бу дунёда кўп туриб қоларкан, ёрону суҳбатдошларининг ҳажру фироқи азобини тортишга тан бермоғи лозим. Қазо ҳукмига қарши туришга ҳеч кимсада қувват ва қудрат йўқ, тақдир фармонига қийишишу товон тўлаш йўқ. (Байт):

Товон тўлаб бўлмайди қазо ҳукмига,
Керак биздан билдирсак ризо ҳукмига.

Амир Соҳибқирон уларнинг насиҳатларини ҳуш қулоғи билан эшитиб, "не сабабдин?", "нечун?" деб сўрамади ва <Албатта биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз>² (ояти) ҳукмига бўйсунди. (Байт):

Фарёд вақти эрмас тажрибасиз дил!
Замонанинг ситамига тан бергил! (91)

Азадорлик вазифаларини бажаргач ва яқинда оламдан ўтган марҳуманинг пок руҳи учун муҳтож кишиларга садақалар бериб яхшиликлар қилгач, бир неча кун ўтказиб яна лашкар яроқ-анжомларини тайёрлаб, уларни тартибга келтириш билан машғул бўлди ва амир Вали мамлакатига равона бўлиб, Мурғоб³ га етди. Амир Чоку Кобул мамлакатидан етиб келиб, шу мавзеда остона ўпишга мушарраф бўлди ва мамлакатнинг муҳим ишларини арз иззатгоҳига етказди-да, яна ўз ҳудудига қайтди. Шу орада амир Тумон исён кўтаргани ва Сеистон аҳлини ҳам Амир Соҳибқиронга душман этганлиги хабарини етказдилар. Амир Соҳибқирон амир Вали томонига юришини қўйиб, катта лашкарни Тумон томонига жўватди. Шайх Али баҳодир ва Учқаро баҳодирни мураттаб лашкар билан амир Вали томон юборди. Ўз муборак зоти эса отланиб Ҳиротга етди. Хуросон вилояти бўйсундирилгач, йиллар давомида сафару қўнимда ҳазратнинг хизматида бўлган амир Шайх номли бир навкарига Исфизор⁴ ҳокимлигини берди. Тобон баҳодирни эса ул вилоятга шихна этиб тайинлади. Амир Шайх бўлса ифлос нафси туфайли шайтон васвасасига учиб, куфрони неъмат қилди ва муҳолиф бўлди. У Тобон баҳодирнинг жонига қасд қилиб, уни ҳалок қилмоқчи бўлди. Амир Оқ Буғо бу воқеадан хабардор бўлгач, ул исёнчи ва сарбадорни ҳар томондан ўраб олди. Амир Ҳожи Сайфиддин унга ёрдамга жўнаб кетди. Ўртада жанг бошланди. Сарбадорлардан кўп кишини ўлдирдилар ва ҳисорни олдилар. (Амир Шайх) ожиз бўлиб қочди ва қалъага кириб олди. Лашкар ўша томонга юзланиб, қалъани ўради. Шу аснода Амир Соҳибқирон етиб келди ва қалъа атрофидан бир неча ерда чуқур кавлашни буюрди. Шайх Яҳё турғунлик кўрсатиб, қалъа остини бўшатди. Қалъа бирдан қулаб тушди. У ерда бўлган барча кишилар ҳалок бўлдилар. Шайх Яҳёнинг ўзи ҳам қалъа тагида қолиб ҳалок бўлди. Икки мингга яқин кишини тириклайин ушлаб олиб, тўдалаб лой тагига бостирдилар. Шу тарзда улар бир сиёсат кўргаздиларки, то асрлар давомида олам аҳлига ибрат бўлсин.

XXXIII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ СЕИСТОН ТОМОН ЮЗЛАНГАНИ БАЁНИДА

Ҳазрат Амир Соҳибқирон қалъа воқеасини тинчитгач, лашкарларни тартибга келтириб, Сеистон томон йўл олди. Амир Соҳибқироннинг хайрхоҳлари ва суюклиларидан бўлган Шоҳ Жалолиддин Фароҳ ҳисоридан унга пешвоз чиқди. У ернинг раияти хусумат ва саркашлик мақомида туриб, мухолифат изҳор этгач, Оқ Темур баҳодирга Сеистон вилоятига бостириб бориб, ғорат қилишни буюрди. У фармонни бажо келтирди. (92) (Амир Соҳибқирон) у ердан ўтиб, Зиреҳ қалъаси ва ҳисорига етди. Жанг бошлаб, у ерни ўша кунийёқ эгаллади. Душманлардан беш минггача киши тўпланди. Улар қарши чиқиб, катта жанг воқеъ бўлди. Ўлдирилганлардан тепаликлар барпо бўлди. Сўнг лашкарларни тизиб, Сеистонга етдилар. Шоҳи шоҳон, Тож ва Сирожлар қалъадан чиқиб, палос ўпишга мушарраф бўлдилар ва итоату бўйсунуш изҳор қилдилар. Амир Соҳибқирон улар билан сўзлашиб турганда тўсатдан душманлар жанг қилиш қасдида саф тизиб чиқиб келдилар. Амир Соҳибқирон мукаммал қуролланган икки минг кишини пистирмага қўйиб, Муҳаммад Султоншоҳни озроқ лашкар билан олдинга юборди ва унга душманлар назарида гўё ўзини қўрққан ва ожиз кўрсатиб, уларни дадиллантиришни топширди. У фармонга мувофиқ иш бажарди. Душманлар пистирмага етиб келишгач, икки минг киши уларга ҳамла қилди. Сеистонликлар пиёда эдилар. Катта жанг воқеъ бўлди. Улар ғалаба ёр лашкарнинг кўп отларини ханжар билан мажруҳ қилдилар. Сеистонликлардан жуда кўп киши ўлдирилди, қолганларини қувлаб ҳисорга етказдилар. Кесилган бошлардан миноралар ва лойтепалар қуришди. Кеч тушгач, сипоҳнинг бариси (ўша жойда) қўндилар. Тонг отгач, Амир Соҳибқирон лашкарларни ораста қилиб, ҳар бирига (жанг майдонидаги) жойини белгилади. Ўзи учун эса лашкарнинг қул қисмини ихтиёр этди. Амирзода Амироншоҳ баҳодирни ўнг қанотнинг манғлоий қилиб, улуғ амирлардан бир жамоасини унинг хизматига тайинлади, амир Ҳожи Сайфиддин, Оқ Буғо баҳодир ҳам унинг жиловида эдилар. Чап қанотга манғлой этиб амир Сори Буғони тайинлади. Худойод баҳодир унинг ёнида эди. Улар ўз олдиларидан хандақ

қазиб, истехком қурдилар. Кеч киргач ўн минг киши шабихув уриш қасдида қалъадан чиқдилар. Иттифоқо амир Шамсиддин ва Баротхожа олдидан чиқиб қолгандилар, улар йўл бердилар. Фасилдан ўтиб, чодир у хиргоҳга етиб келдилар ва от ҳам туяларнинг кўпини ханжар билан ўлдирдилар. Икки томондан зўр жанг бошланди. Охирида ғалаба ёр лашкар уларни ҳайдаб, қалъа ва ҳисорга етказдилар, кўпларини қатл этдилар. Эртаси куни яна жанг асбобларини тайёрладилар. Амирзода Али беш юз яхши қуролланган отлиқ билан дарвоза қаршисида турган эди, саф тортиб от қўйганча дарвозани бузиб ичкари кирдилар. Сеистонликлар уларга йўл бериб, дарвозадан ўтказдилар-да, сўнг ўртага олиб қаттиқ жанг бошладилар. Амирзода Али ва унинг қўшини душманлар ўртасида қолиб, жонларидан умид узган ҳолда жанг қилардилар. Шу ҳолатда Оқ Темур мингта мард суворийлар билан қилич яланғочлаб дарвоза томон ҳамла қилдилар; дарвоза қўриқчиларини қувлаб, амирзода Алига мадад бердилар ва уни дарвозадан чиқариб олдилар.

Малик Қутбиддин қаршилик кўрсатишга тоқат ва қуввати йўқлигини билиб, ҳисордан чиқди-да, Амир Соҳибқирон ҳузурига келди. (93) Соҳибқирон уни ўз инояти ва марҳаматига сазовор этиб, кўнглини кўтарди. Шу орада у ўн-ўн бешта яланг тўн¹ кийган йигитлари билан отланиб, бир айланиб келиш мақсадида лашкарнинг жавонғори томон юрди. Тўсатдан уларни ғафлатда қолдириб, ўттиз мингга яқин киши чанг-тўзонни осмонга етказиб, ҳисордан чиқиб келдилар ва жанг бошладилар. Амир Соҳибқирон жиловни буриб, ўз мақоми (қул) томон йўл олди. Душманлар ўқ-ёй ёғдирдилар ва жаҳон аҳли бўйсунувчи амирнинг оти мажруҳ бўлди. Амир Соҳибқирон ўз қароргоҳига бориб тушгач, Малик Қутбиддинни банди қилиб сақлашга ишорат қилди ва шу ҳолатда лашкарларни тартибга келтириб, шахсан ўз зоти билан ҳамла қилмоқчи бўлди.

Улуғ амирлар пиёда бўлиб, унинг оти жиловидан тутиб: "Абадиятга пайванд давлатингиз соясида кўп йиллардан буён молу манол ва ҳашамату иқболга эга бўлдик. Бугун эса, бизлар тирик бўла туриб, амир ҳазратлари хатарли ишларни ўз зиммаларига олишлари раво бўлмас", деб арз қилдилар. Сўнгра бирваракай ҳар томондан ҳужум қилишиб, душманларни ҳайдаб ҳисорга етказдилар. Зўр бериб, бир мардонавор ҳамла билан ҳисорни

олдилар ва уни вайрон этиб, харобага айлантирдилар. Уларнинг лашкаридан кўп кишини ўлдирдилар. Сеистон маликани қолган раияти билан кўчириб, Самарқандга етказдилар. Уларнинг қозилари, саййидлари, уламою акобирларини Фароҳ ҳисорига юбордилар. У ердан отланиб, Ҳисори Тоғга йўналдилар. Банди Рустамни вайрон қилдилар ва Буст² томон юзландилар.

Шу орада (амир) Тумондан Гармсир³, Киж⁴ ва Макронга⁵ кетаётгани ҳақида хабар келди. Амир Соҳибқирон уни келтириш учун амирзода Амироншоҳни номзод қилди. У ҳануз йигитлик ёши ва гурурлик ҳолатида бўлиб, муборак ёши ўн еттига етган эди. Тангри таоло унга нусрат ва ғалаба бахш этиб, душманга етиб олди, жанг қилиб зафару ғалаба қозонди. Амир Тумон Гармсирийни ушлаб ёсоққа етказди ва унинг бошини Амир Соҳибқирон ҳузурига жўнатди (назм):

Сенинг душманларинг калласини — астафидуллоҳ (нима
деяман ўзи?),

Ахир ўзи душманларингнинг калласи йўқ-ку!

Ғални "сенинг душманнинг калласи" (сўзлари) билан қатъ қилдим.

Зеро қатъ қилиш учун душманларинг калласидан яхшироқ
нарса йўқ.

Амир Соҳибқирон Ҳирмон суви⁶ томондан йўл очиб, Мамуқту ва Қалъайи Сурхни қўлга олди. Амирлар ва аскарлар Ҳизорпаз ҳисорига етдилар ва унга кирдилар. Билдиларки, (амир) Тумоннинг эл ва вилоятига тегишли Туқой садасидан бўлган душманлар динсизлик ва фасод йўлига қадам қўйиб, бузгунчилик ва фитнаю зулмга қўл уриб, ҳисорни эгаллаб олган эканлар. Зафар ёр лашкар дарҳол улар билан тўқнашиб, у вилоятни босиб олди, душманларнинг ҳаммасини қатл этди, сўнг Даҳанайи шер томонга қайтди. У вилоятни Туғочи эли эгаллаб турарди. Улар билан қаттиқ жанг қилдилар ва барини қатл этдилар. Амир Соҳибқирон буйруғига кўра қатл этилганлар бошидан миноралар ва лойтепалар қурдилар. Бундан олдинроқ Тахти Сулаймон элу вилоятидан элчи юбориб, бўйсунганликларини изҳор этиб, у ерга шихна сўраттирган эдилар. Шу орада (94) хабар етдики, улар ёғий бўлиб, мухолифат мақомига қадам қўйган эмишлар. Амир Соҳибқирон лашкарлари билан улар томонга йўл олди. Етган кунлариёқ жангга киришдилар. Амирзода Али, Ику Темур ва кўплаб аскарлар ярадор бўлдилар. Муборакшоҳ

Бурдоғули ўғли шу жангда шаҳид бўлди. Оқ Темур баҳодир аҳволни кўриб, Амир Соҳибқирон ҳузурига келиб йиғлади ва жангга боришга ижозат сўради.

Амир Соҳибқирон унинг камоли мардоналиги ва эрлигини билгани учун, мабодо унга бирор зарар етмасин дея ижозат бермади. Кўп қўшинлар қаршилик қилишга тоқат қилолмай, ўз жойларини ташлаб кетдилар. Аммо Рамазонхожа жойидан жилмади ва оёғини қўйган жойида тоғдек сабот билан турди. Амир Соҳибқирон Бахтийхожа ва Шамсиддинга лашкардан илгарироқ боришни буюрди. Ийдхожа харсанг тош тагида туриб, пистирма қурган эди, душман у ердан ўтаётган вақтда фурсат топиб баҳодирлардан бирининг сочидан тутиб, ерга урди ва бошини кесиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келди. Болалик ёшида мардоналик кўрсатди.

Охири ҳисорни мардоналик қуввати билан эгалладилар. Одамларни юқоридан пастга тушириб, бир ерга тўпладилар, барини қўшинларга тақсимладилар, қўшинлар эса барчасини ёсоққа етказдилар.

Амир Соҳибқирон у мавзедан отланиб, Қандаҳор⁷га равона бўлди. Жаҳоншоҳ баҳодир, Мубашшир баҳодир ва Искандар Шайхйни илгари юборди, токи улар бориб, Қандаҳор шаҳрини қуршаб, жанг бошлагайлар. Фармонга биноан жўнадилар, жанг қилиб, у вилоятни ҳам забт этдилар. У ернинг сардорини Амир Соҳибқирон ҳузурига келтирдилар ва ҳукмга биноан уни дорга осдилар.

Амир Соҳибқирон у ердан кўчиб, Қандаҳорга етди. Жаҳоншоҳ баҳодирни саноқсиз инъому эҳсонига сазовор этиб, уни Қалот ҳисори томон юборди. Жаҳоншоҳ баҳодир фармонни бажо келтириб йўлга чиқди. У мавзегга етиб, ҳисорни тамоман харобага айлантирди. Баҳор фасли келгач, Амир Соҳибқирон Қандаҳордан дорулмулк томон йўл олди ва ўн тўрт кундан кейин Самарқандга етиб келди.

XXXIV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ МАРТА АМИР ВАЛИ ТОМОН ЮРИШИ БАЁНИДА

Юқорида баён қилинганидек, амир Вали Амир Соҳибқирон ҳузурига келаман деб аҳду паймон боғлаган эди. Лекин аҳдига вафо қилмади. Амир Соҳибқирон туркларнинг сичқон йилига тўғри келган етти юз саксон

олтинчи (1384) йилда Астробод¹ томон йўл олди. Термиз йўли орқали Омуя сувидан ўтди ва у ердан Балх вилоятига (95) етди. Балхда бир неча кун тўхтаб, атрофдан лашкарлар тўплади. Бундан илгари Шоҳ Шужоё олдига қизини сўратиб киши юборган эди. Ҳар икки томондан элчи бориб-келиб турарди. (Амир Соҳибқирон) Улжойту Дарозни элчи этиб тайин қилди ва Ҳожи Хожани у билан бирга юборди. Улар Шерозга бориб, амирзода Пир Муҳаммад учун қиз олиб келишлари керак эди. Фармонга биноан равона бўлдилар. Шаҳзодани² Балх шаҳрига Амир Соҳибқирон хизматига келтирдилар. Бир неча кун айшу ишрат билан ҳаёт кечирдилар. Ҳожи Хожа (сафар асносида) ўзига яраша ҳаёт кечирмай, ҳаддан ортиқ дабдабага берилгани учун, оқибат, уни гуноҳкор деб билиб, ёсоққа етказдилар. Ҳар ким подшоҳлар суҳбатини ихтиёр қилса-ю, мулозаматда бўлиш одоби шартларини бажо келтирмаса, у ўзининг ҳалокатига саъй қилган бўлади. Ҳар киши подшоҳлар ҳузурида одобни ўзига шиор қилса, тилини беҳуда сўздан, кўзини хиёнатдан, дилини нифоқдан сақласа, дунёвий иззат-икром даражаларига ва охират бахайрлиги меърожига восил бўлғусидир. Ҳукамолар: "Жовир маликан ав баҳран" — "подшоҳга яқин бўл ёки денгизга" деганлар, яъни подшоҳ билан суҳбатда бўлмоқлик денгизга тушмоқлик билан тенгдир. Агарки денгизда хавфхатар кўпдир, аммо унинг манфаати ҳам сон-саноксиздир.

Амир Соҳибқирон лашкарни тартибга солиб, у мавзедан кўчиб Мурғобга етди. Ушбу мавзеда қутлуғ бешик (соҳиббаси) Хонзода унинг истиқболига чиқди. У икки ой аввал жаҳон аҳлининг шаҳзодаси Халил Султонни туққан эди. Бахтиёр подшоҳ Қазон Султоннинг қизи Билқиси суғро³ ва бонуйи кубро⁴ Сарой Мулк хоним Хонзодага зўр иззат-икром кўрсатиб, унинг шарафига тўй уюштирди. Тўй ва чақирқиқлар вазифаси адо этилгач, Хонзода ўз уйи (Ҳирот)га қайтди. Галаба ёр лашкар йўлга чиқиб, Бовард⁵дан ўтиб Нисо⁶ мавзеига етди. Шайх Али баҳодир, Сунжак баҳодир ва бошқа манғлойни ташкил этган лашкар амирлари Говкураш⁷ мавзеига етдилар. Лашкар сафини ораста қилиб, амир Валининг қаровули билан жанг қилдилар. Мубашшир баҳодир илгарилаб бориб уларга ҳамла қилди. Душманлар унга қарши ўқ отиб, икки тишини синдирдилар. У жароҳатланганига қарамай, яна ҳамла қилди ва ўз душмани бошини бир

зарба билан жанг майдонига улоқтирди. Амир Соҳибқирон унинг ботирлиги ва мардоналигини кўриб, Говкураш мавзеини унга абадий суюрғол қилиб тақдим этди. Сўнгра у жойдан кўчиб, Дурун мавзеига⁸ етдилар. Жанг қилиб у жойни ҳам олдилар ва у ернинг кутволини ёсоққа етказдилар. У жойдан ўтиб, Жилован мавзеига етдилар. У ердан ҳам жўнаб, Журжон⁹ сувидан ўтиб, Кабуджома ва Шосмон мавзеига бориб тушдилар. Лашкарнинг эҳтиёт чорасини кўриб, ҳазора ва сада амирларидан ўз кўшинларидан айрилмаслик, беижозат бирор жойга бормаслик тўғрисида тилхат-мучалко олдилар. Акс ҳолда улар қатл этилиб, мол-мулклари талон-торож бўлгай.

(96) Фармонга мувофиқ ариқлар ва катта сувлар устига кўприклар қурдилар. Ҳар куни ярим фарсах жойга кўчиб борардилар. Чангал ва тиканзорлар у вилоятда кўп эди. Лашкарнинг қаровули душманнинг қаровули билан тўқнашди. Жанг бошланиб кетди. Ўша куни Ҳожи Маҳмудшоҳ кўп жидду жаҳд кўрсатди ва баногоҳ қилич зарбидан қўли яраланди. Оқ Темур баҳодир мардоналик билан жанг қилди. Қайси бир томонга юз ўғирмасин, сафни ёриб душманни қувлар эди. Ўн тўққиз кунни шу зайлда ўтказдилар. Йигирманчи куни душманнинг қаровули қочди. Амир Вали бу аҳволни кўргач, шижоат кўрсатиб яқин келди ва қуввату имкони борича жанг қилди. Охири мағлуб бўлиб қочди. Лашкарлар унинг кетидан от қўйиб баҳодирларидан кўпини тутдилар. Улар ўз қароргоҳларига бориб тушишгач, ҳар бир (амир) ўз кўшини олдига хандақ кавлаттириб, фасил кўтарди. Фасил олдини ўткир қозиқ ва ходалар билан мустаҳкамладилар. Кун кеч бўлгач, Амир Соҳибқирон лашкарлар орасидан ўттиз кўшинни танлаб олди ва уларга камингоҳдан жой тайин қилиб, тўхтатиб турди. Қолган сипоҳийлар фасилни кўриқлаб турдилар. Катта дўмбира, карнай, бурғу (ча-либ), ногора қоқдилар. Уларнинг садосидан ва жангчию ботирлар наърасидан жаҳон шўру ғавғога тўлди. Жангчилар қалби кўкрак қафасида жўш урди. Шу орада амир Вали кўп аскари билан ҳисордан чиқиб келди. Ҳамла қилиб лашкарни фасил ва ҳисор томон ҳайдади. Қўл зарби, отлар туёғи, ҳамла қуввати билан ўткир қозиқ ва ходалардан ясалган фасилни буздилар. Аммо унинг кўп аскарлари хандаққа йиқилдилар. Жаҳон амирзодаси Амироншоҳ шахсан бошчилик қилиб, амир Вали ҳужумига қарши чиқди. Унинг буйруғига кўра амир Вали

лашкарига ўқ ёғдирдилар. Шу пайтда пистирмада турган ўттиз қўшин чиқиб келди. Улар қўлга қилич олиб, ҳужумга ўтдилар ва қилич зарби билан уларни қувдилар. Бундан илгарироқ амир Валининг буйруғига кўра бу ерда кўп чоҳлар қазиган эдилар, баъзиларининг ичига ўткир қозиқлар ўрнатиб, сув тўлдирилган эди. Охир-оқибат ўзи (кечаси) қочиб шу ердан ўтди, кўп аскарлари шу чоҳларга тушиб ҳалок бўлдилар. (Мисраъ):

Ёмонлик қилмагил, ёмонликка учрагайсан,
Ўзгага чоҳ қазимагил, ўзинг тушгайсан.

Амир Ику Темур никомиши қилиб улар кетидан қувиб кетди. Амир Вали оз сонли навкарлари, хотин, бола-чақаси билан қочди. Йўлдан адашиб Лангару томонига бориб қолди. Мол-мулкани тарк этиб жонини сақлаб жўнади. Хотин-ҳарамини Гирдикуҳ мавзеида қолдириб, ўзи Рай¹⁰ томон равона бўлди. Амир Соҳибқирон Худойдод баҳодир, Умар баҳодир ва Иноғ Хуморийни бир гуруҳ бошқа баҳодирлар билан унинг кетидан жўнатди. Улар амир Валига етиб олиб, уни Рустамдор мавзеигача қуулаб бордилар. Амир Соҳибқирон ҳар ўн кишидан уч кишини танлаб, ўз ёнида олиб қолди. (97) Оқ Буғо баҳодир ва Учқаро баҳодирни қолган лашкарлар билан бирга у ерда қолдириб, ўзи танлаб олган отличлари билан Рай мамлакатига кирди. Қишни шу ерда ўтказди¹¹. Ўша вақтда Султон Аҳмад Султония¹² шаҳрида эди. У Амир Соҳибқироннинг келишидан хабардор бўлгач, Султония қалъасини мустаҳкамлади. Фарзанди Оқ Буғони бир жамоа ишончли кишилари билан ўша ерда қолдириб, ўзи Бағдод томон кетди. Қутлуғ байроқлар Султония яқинига етганда, қалъада турган жамоа келаётган сел зарбасига қарши турмоқ, ғазабланган шерга панжа урмоқ оқил кишилар иши эмаслигини тушуниб, ҳушёрлик билан ишнинг оқибатини ўйлаб, Оқ Буғони олиб қочдилар ва Табризга томон кетдилар. Амир Соҳибқирон Султонияга келиб тушиб, шаҳар ва қалъани забт этди. Сору Одил бундан илгари Султон Аҳмаддан қочиб, Шероз томонига кетган эди, Амир Соҳибқирон уни чақиртирди. У палос ўпиш шарафига етишгач, суюрғоллар ва инъомлар тақдим этиб, Султония ва Табриз мулкларини идора этишни унга топширди; Султон-шоҳнинг ўғли Муҳаммадни у билан ўша ерда қолдирди. Ўзи эса қайтиб Рустамдор мавзеига келди. У ерларнинг малик-лари олдиндан тараддудга тушиб қочдилар. Лашкар улар-

нинг вилоятини талади. Бу томондан амир Вали ҳам Чолус¹³ вилоятидан қочди. (Байт):

Жанг пайтида сенинг қиличинг зарбини кўрган душманларнинг
Бирини Машриққа қочса, иккинчиси Магрибга қочади.

Амир Соҳибқирон ўз тасарруфига киритиш учун Омул¹⁴ ва Сори¹⁵ вилояти томон юришни ирода қилди. Шу орада Сайид Камолiddин ва Сайид Разиуддин палос ўпишга келдилар. Бўйсунуш мақомида туриб, бандалик остонасига бош қўйдилар ва сикка-танга лабини подшоҳ (Соҳибқирон) номи билан хандон этиб, унинг исми зикридан минбар бошини кўкка етказдилар¹⁶.

Амир Соҳибқирон у ердан ўз мамлакати томон қайтди, лашкарларга ижозат берди ва улар ўз уйларига кетдилар. Ёз фаслида айшу комронлик билан Самарқандда турди, қишни эса шоду хуррамликда Оқ саройда ўтказди. Шу ўртада¹⁷ подшоҳ Тўқтамиш нолойиқ хатти-ҳаракат қилиб, тўққиз туманга яқин катта лашкарини Табризни забт этиш учун жўнатди. Ул аскарларнинг кўпи динсиз кофирлар эди. Улар қиш фаслида Табризга етиб келдилар ва шаҳар атрофини ўраб олдилар. Шаҳарда бундай воқеалар юз берганда қаршилиқ кўрсата оладиган бирор бошлиқ ё раис бўлмаганлиги сабабли, халқ оммаси ўз аҳлу аелининг ҳимояси учун қўзғолиб, шаҳар айланасини мустаҳкамлаб, жангга тайёр бўлиб турдилар. Бир ҳафтага яқин вақтни шу ҳолатда ўтказдилар, чала сўйилган қушдек беихтиёр ҳаракат қилдилар. Охир-оқибат, макру ҳийла ҳамда кофирлар лашкарининг шавкату қуввати билан ғолиб келдилар. Шаҳарни талон-торож қилдилар. Жабру жафо ва бузғунчилик чеғарасига неки сизга, барини ишга солдилар; масжидлар ва мадрасаларни вайрон қилдилар, ёшу қари демай, барини қўлга олиб банди этдилар. (98) Неча йиллар мобайнида шундай бир шаҳарда тўпланган мол-мулк, нафису қимматбаҳо буюмлар ва захиралардан ўн кун ичида бирор асар қолдирмадилар. Қишда эса қуллар олиб, таланган молларни йиғиштириб, ортларига қайтдилар. Табриз ҳам Амир Соҳибқирон мамлакатларидан бўлиб, у ернинг ожизу заифлари амир марҳамати соясида яшарди. Рўй берган воқеа Амир Соҳибқироннинг шарафли қулогига етганда, унинг муборак хотирига ғоятда оғир ботди. Мусулмонларга сабабсиз қилинган зулму ситамдан изтироб чекиб, хафаланди. (Байт):

Кўнгил тирналса, хафалик хорлигу тубанлик келтиради,
Озод бўлмоқликнинг шартин кам озор бўлишликдур.

Кейинроқ баён этилишига кўра, Амир Соҳибқирон ёмон қилмишлари учун уларнинг жазосини берди. Ўтказган зулму бедодликлари касрига қолиб, мамлакатлари таназулга учради ва қайта ўнганмади. (Назм):

Ажам шоҳларидан эшитсанг хабар,
Улар зулмидан кўрди халқи зарар.
На улар шоҳлигидан асар қолди,
На халққа ўтказган у зулмлари қолди.

Маълум бир муддатгача қуббат ул-ислом бўлмиш Табриз шаҳри хароб, нообод, равнақсиз ва кимсасиз қолди. Лекин Амир Соҳибқироннинг ёсоқ ва адолати баракотидан шаҳар қайтадан яхшиланиб, амирнинг адлу додхоҳлиги соясида мазлум халқ яна манзилларига қайтиб, ҳаёт кечира бошлади. "Бизлардан қайгуларни ҳайдаган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Аниқки, Худойи таоло гуноҳларни кечиргувчидир ва мукофотни ҳам ортиғи билан ато этгувчидир"¹⁸.

XXXV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ КИЧИК ЛУР¹ БУЗГУНЧИЛАРИНИ ДАФ ЭТИШГА ЮЗЛАНГАНИ БАЁНИДА

Туркларнинг барс йилига мувофиқ келган етти юз саксон саккизинчи (ҳижрий) йили (1386) Амир Соҳибқирон Ферузкўҳга етди. Шу ерда Сайид Камолиддин палос ўпишга етиб келди ва ўғли Сайид Ғиёсиддинни Амир Соҳибқироннинг мулозимлигига мансуб этди. Амир уни иззат-икром билан қаршилаб, подшоҳона марҳаматлар кўрсатди.

Бундан бир неча йил илгари Ҳижозга бораётган карвонлар Кичик Лурдан ўтаётганларида бу мамлакатнинг волийси Малик Иззиддин уларни талон-тороғ қилган эди. Унинг бу жирканч қилмиши ҳақидаги хабар оламнинг турли диёрларига етган бўлса-да, у ерларнинг подшоҳларида бу бузгунчиларни жазолаш учун на ғайрат ва на қудрат бор эди. Бу хабар Амир Соҳибқироннинг

шарафли қулоғига етганида, вақти келиб фурсат топил-
гач, уларнинг адабини бериб, ҳожилар учун қасос олиш-
дек муборак ниятни дилига туккан эди. Мана энди
Ферузқўҳга келиб тушган бир вақтида, унинг ҳузурда
бу атрофдаги мамлакатлар ҳақида сўзлай туриб, гап
орасида Кичик Лур ҳамда у ерликлар томонидан қилин-
ган ва қилинаётган бузғунчиликлар (99) янгитдан
зикр этилди. Амир Соҳибқирон шарафли хотирига у
кечмишни келтириб деди: "Уларнинг қилмишлари, мусо-
фирлар, айниқса, Байтуллоҳга бораётган ҳожиларга нис-
батан қилган номаъқулчиликлари ҳақида эшитганимга
ҳам анча вақт бўлди. Раият Тангри таолонинг бизга
топширган омонатидир. У биздан тонгла қиёматда
сўрайди-ку! Қандай раво бўладики, мамлакат ўртасида
шундай бузуқ бир жамоа бўлса ва биз уларни йўқотиш
ва илдизидан қўпориб ташлашга қодир бўла туриб, бу
бобда бепарволик қилсак! Шундай экан, вақти келганда
уларнинг бузуқлигини даф қилиш, вилоят ва мамлакатни
у бадкирдорлардан тозалаш бизнинг ҳимматимиз зимма-
сига вожиб ва лозимдир".

Шунга биноан унинг буйруғига кўра ҳар ўн нафар
аскардан иккисини танлаб олдилар. Ўғруқни қолдириб,
тўхтамасдан отга миниб, улар томон жўнадилар. Унинг
ишорати билан Бўруҷард³ни ва унинг атрофларини та-
ладилар. Хуррамобод⁴ни вайрон қилдилар ва ўғрию
бузғунчиларнинг кўпини ёсоққа етказдилар. Шу кунларда
Оқ Темур баҳодир, Умар баҳодир ва Ҳимматнинг ўғли
Муҳаммад касалликка чалиндилар. Бу уч баҳодир йигит-
нинг ҳар бири ажал вақти етиб, фано шарбатини
ичдилар. Хожа Али Муайяд ўша жанглarning бирида
ярадор бўлган эди, бир мунча муддатдан кейин шу
туфайли у ҳам ўлди. Шу кечмишлар асносида элчилар
Султон Аҳмад⁵ бир лашкар билан Табризга юзланди,
деган хабар келтирдилар. Амир Соҳибқирон шу куннинг
ўзидаёқ ўғруқни қолдириб, отланди-да, Табриз⁶га жўнади.
То муборак яловлар Табризга боргунча Султон Аҳмад у
ерга етишган эди. Аммо у бир ҳафтадан ортиқ тура
олмай, яна Бағдод томон қочишни мўлжаллаб, Нахчивон
ва Курдистон томон юзланди. Унинг изидан Ҳожи Сай-
фиддин никомиши қилиб қувиб кетди. Илёсхожа ва амир
Шайх Али баҳодир унинг кетидан етиб бориб, қаттиқ
жанг қилдилар. Икки ёқдан кўп кишилар ярадор
бўлдилар. Охири бир-бирларидан йироқлашдилар. Бу

жангда Илѣсхожа ярадор бўлди. Сўнгра унинг яраси узоқ бегобликка айланди. Охири сиҳат топди. Лекин бир оёғи нуқсонли бўлиб қолди. Султон Аҳмад эса Бағдодга кетди. Амир Соҳибқирон ўша ёзни Табриз ва унинг атрофларида ўтказди. Тир мох (ойи)да Нахчивон йўли билан юриб, Қурум ҳисорига етди. Жанг қилиб уни олди. Уларнинг Шайх Ҳасан номли бошлиғини (Амир Соҳибқирон) ҳузурига келтирдилар. Сурмори ҳисорига етгач, яна жанг қилдилар. Охирида уни ҳам эгаллаб, вайрон этдилар. У жамоанинг каттаси Тутон исмли туркман эди, уни қўлга олиб, дарҳол у ердан кўчдилар-да, Қарс қалъаси ва ҳисорига етдилар. Уни ҳар томондан ўраб олдилар. Қарс ҳисори ғоятда мақкам ва мустақкам эди. Унинг Фирузбахт исмли волийси қаттиқ жанг қилди. Охирида бўйсуниб, Амир Соҳибқирон ҳузурига келди. Амир унинг кўнглини кўтариб, кўплаб инъому эҳсонларга сазовор этди.

Амир Соҳибқирон у ердан кўчиб, Оқ Буғро мавзеига (100) кўтарилди. Бу пайт қор ва ёмғир мавсуми бўлиб, ғоятда совуқ эди. Амир Соҳибқирон Киту йўли билан Тифлис мавзеига етди. Бу шаҳар гуржилар мамлакати таркибига киритилган эди. Замонанинг фитнаю фасоди ва ул мамлакат подшоҳларининг ғайратсизлиги туфайли уларнинг қўлига тушиб қолган эди. Амир Соҳибқирон амирлар ва аркони давлатга деди: "Мен шу замонда воқеъ бўлган ҳодисаю харобликлар, фитнаю фасод боисидан вужудга келган ажойиб ҳолатлар ва ғаройиб ишларни кўрмоқдамен; қонун-қоидалар издан чиққан, подшоҳлик расм-русуми йўқолган. Албатта, қудратли подшоҳлар бўлмаганидан кейин мамлакат аҳволига ташвиш ва паршонлик йўл топиши таажжубланарли эмасдир. Аммо менинг таажжубим ўтмиш подшоҳлар ва собиқ маликларнинг тутган сиёсати ва ҳокимияти устидадир. Уларнинг шунчалик улуғворлиги, комронлиги ва жаҳондорлиги бўла туриб, мамлакатларнинг ўртасида Муҳаммад динига,— бу динни йўлга қўйувчига Аллоҳнинг раҳмати ва салавати бўлсин,— мухолиф бўлган гуржий жамоалари қандай қилиб шу дамгача сақланиб, мамлакат ва салтанатни башқарганлар. Уйлайсизки, (собиқ султонларнинг) подшоҳлик ғайрати ва мамлакатдорлик ҳиммати наздида бу (гуржи)ларни қўпориб ташлаш учун сабаб йўқмиди? Ахир мусулмонлик ва диндорлик қаёққа кетган эди! Бутпарастлар ботил динлари қоидаларига риоя қилиб, ўз

динига мухалиф бўлганларни хўрлаш ва эътиборсизлан-тиришга ҳаракат қилдилар. Ваҳоланки, уларнинг худолари бутлардир ва уларга ёрдам беришдан ожиздир. Ислом динига мансуб бўлган ва ҳазрати Тангри таоло ваъдасига кўра мадад ва кўмак беришига эътиқод қилувчи бир жамоа қандай қилиб бу кофирларни комронлик ва мамлакатдорлик мақомига қўйиб қўйганлар-у, ўзлари улар тўлайдиган озгина чиқиндига қаноат қилиб келганлар?! Қандай бўлганда ҳам ҳозир ҳокимият ва жаҳондорлик навбати раббоний фазл файзи туфайли бизга етган вақтда уларни таг-томири билан йўқотиш, ислом шаҳар ва ноҳияларини уларнинг палид вужудидан пок тутиш ва бу ишни улуғ Тангри даргоҳига етишимиз учун зўр восита деб билиш ҳимматимиз зиммасига лозим ва вожибдир”.

Алқисса, муборак ирода уларни улоқтириб ташлашга сарф этилиб, жанг бошладилар ва уларнинг ҳисорини эгаллаб, кўпларини ўлдирдилар. Уларни бошқариб турган Малик Буқрот эса, Амир Соҳибқирон ҳузурига келди. Амир уни бандга солиб, йўлга чиқди. Тифлис мавзеидан ўтиб, унинг атрофидаги саҳроларга етганида ов қилишни истади. Йўлда кета туриб, кўп қалъалар ва ҳисорларни эгалладилар. Уларнинг ҳар бири устида тўхталсак гап чўзилиб кетади.

Амир Соҳибқироннинг буйруғига биноан амир Жаҳоншоҳ баҳодир ва баъзи бошқа амирлар гуржи аскарларини талон-торож қилдилар. Амир Соҳибқирон амирзода Муҳаммад Дарвишни лашкарга бошлиқ қилиб, душманларни даф қилиш учун Шакига юборди, Арғуншоҳ ва Рамазон Хожани Тонкут вилоятига юборди. Амир Муҳаммадбекни Оқжаб вилоятига жўнатди. Ўзга аскарлар Элбруз тоғи⁹нинг этагига бориб, у ерни талон-торож қилиб, кўп ғаниматни қўлга киритдилар. Қайси жойда қалъа қурган бўлсалар, бузиб ташладилар. Сўнгра у жойдан кўчиб, Кичик Қаробог мавзеига кирдилар. Кур дарё¹⁰ сига кема боғлаб ўтдилар. (101) У жойдан Амир Соҳибқирон Қийтоғ эли вилоятини ва Қалъайи Сурхни забт этишни ирода қилиб жўнади. Ҳибсга олинган тифлислик Буқротни ўша ҳолатида Қаробокқа¹¹ етказдилар. Амир Соҳибқироннинг диндорлиги, комил эътиқоди пок бўлганлигидан Буқротни чақариб, меҳрибонлик билан панду насиҳат қилди ва яхши йўл-йўриқлар кўрсатиб, ислом динига даъват этди. Яхши ваъдалар бериб, унга шундай деди: "Агар сен <Энг тўғри дин мана шудир>¹²

деган оят ишоратига биноан мақбул бўлган динни тутсанг, <Эй уммати Муҳаммад, одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз яхши амалларга буюрасиз>¹³ деган оят башорати ижобича умматлар яхшиси бўлган Муҳаммад пайғамбаримиз уммати қаторига киришга рози бўласан, ундан кейин <Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардирлар!>¹⁴ деган оят мазмунига кўра ходиму махдумлик йўлидан биродарлик йўлига кирасан ва жияя тўлаш хорлигидан ислом иззат-икромия ҳурматига ва диндорликка ўтасан". Бу насиҳатлар чин қалбдан ва яхши ниятлар билан айтилгани сабабли ушбу мисраъ мазмунича — "Дилдан чиққан сўз албатта дилга ўтиради" — Буқротнинг қалбидаги залолат қулфини очдилар ва унга иймоннинг шоҳ кўчасини кўрсатдилар. Шу сабабли у Амир Соҳибқироннинг ҳисобсиз инъому эҳсонига сазовор бўлди. Амир Соҳибқирон шу қадар лутфу марҳамат ва меҳрибонликлар кўрсатдики, Буқротнинг қавм-қариндошлари, дўст-биродарлари, тобелари ва вилояти аҳлининг аксари иймон нуридан мунаввар бўлиб, ислом динини қабул қилдилар. Амир Соҳибқирон унинг мамлакатига яна бир қанча музофотларни қўшиб берди. Шу орада олийқадр, донгдор ва улуг хонадондан бўлиши билан баробар яхши ахлоқи билан подшоҳлар орасида мумтоз ҳамда мустасно бўлган Ширвонот¹⁵ нинг малики Шайх Иброҳим палос ўпиш учун етиб келди ва Амир Соҳибқирон ҳазратга муносиб бўлган тухфаларни тақдим этди.

Элбруз тоғигача бўлган бошқа вилоятларнинг бариси итоат ва бўйсунуш мақомига кирдилар. Шобирон ва Шамохий¹⁶ вилоятларининг бариси унинг ҳукмига мунтазир ва амрига маъмур бўлиб, қуллик камарини жон белига боғладилар. Йиллар эмас, балки асрлар давомида ҳеч кимсага бўйсунмаган Гилон¹⁷ маликлари ҳам итоат қилиб бўйин эгдилар, мол юбордилар ва хирож тўлашни қабул қилдилар ҳамда амонлик сўрадилар. Амир Соҳибқирон уларнинг узрини қабул қилиб, хатоларидан кечди. Суюрғол ва сарнолар бериб, эҳсонига сазовор этди. Муборак ўғруқни муҳофизат қилиш учун қолган Шайх Али баҳодир Ардабил¹⁸ дан Қаробоғга келди ва ҳазратнинг палосини ўпиш шарафига етишди. Қишни ўша жойда ўтказдилар. Шу орада Тўқтамиш подшоҳ душманлик ошкор этиб, Дарбанд¹⁹ томонидан то Самур²⁰ сувигача бўлган ерларга лашкарлар юборгани ҳақида хабар етказдилар. Амир Соҳибқирон буйруғига кўра Шайх Али баҳодир, Ику Темур, Усмон Аббос лашкар тумонлари

билан Кур сувидан ўтиб, душман томон юрдилар. Соҳибқирон яна шундай деди: "Тўқтамиш подшоҳ билан орамызда аҳду паймонимиз бор, биз бу аҳдимизга вафо қилмоқдамиз. (102) Агар лашкар уники эканлигини билсангиз, жангдан қўл тортиб, ортингизга қайтинглар". Уларнинг кетидан улуғ амирзода Амироншоҳни юборди. Улар етиб бориб, лашкарнинг қорасини кўргач: "Кимнинг лашкарисизлар?"— деб сўрадилар. "Тўқтамиш подшоҳнинг лашкарларимиз, бизни Амир Темур лашкари ҳақида хабар келтириш учун юбордилар", дедилар. Амирлар ўз хожаларининг фармони ва уқдиришига кўра жанг қилишга киришмай, ортларига қайтдилар. Душманлар уларнинг қайтганларини кучсизликка йўйдилар ва ҳамла қилиб етиб келдилар-да, ғалаба ёр лашкар устига ўқ ёғдирдилар. Амирлар ва баҳодирлар бу ҳолни кўргач, жангга киришишга мажбур бўлдилар. Ўртада қирққа яқин одам ўлди. Шу орада амирзода Амироншоҳ етиб келди ва бир ҳамла билан душманни ҳайдади. Ғаним ўраб олингач, қаттиқ жанг воқеъ бўлди. Душман қочиб, Дарбандга етди, улардан кўпларини тириклайин ушлаб олиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига юбордилар. Амир Соҳибқирон эса уларга зарар етказмасдан, суюрғол инъом қилди ва аввалгидек Тўқтамиш подшоҳ аҳволини сўраб, лутфу марҳамат ва меҳрибонлик изҳор этган ҳолда деди: "Бизнинг ўртамызда ота-болалик ҳаққи бор, нега энди бир неча жоҳилни деб ўртада бир қанча одам ҳалок бўлиши керак? Бундан кейин ҳам ўша шарт ва аҳду паймонга вафо қилиб, уйқуда ётган фитнани уйғотмайлик. Расули акрам, саллаллоҳу алайҳи васаллам демишларки: "Фитна ухлаб ётган одамга ўхшайди, токи уни уйғотмасалар у турмайди. Уни уйғотган кимсага Аллоҳнинг лаънати бўлсин". Кимда-ким бунга хилоф равишда иш тутса ёки бизнинг хотиримизга бунга хилоф фикрни уқдирса, икки томон ҳам унинг адабини бериб, қулоғини бураб, жазога тортишимиз керак, токи ўзгаларга ҳам ибрат бўлсин". Сўнгра у асирларнинг ҳаммасига олтин ақчалар, тўну саруполар берди ва ўз лашкаридан қўшин ажратиб, уларга мамлакатлари томон ҳамроҳ этиб юборди.

Мубашширнинг ярадор бўлган бечора укаси Аллоҳ раҳматига восил бўлди. Амирзодаи жаҳон Амироншоҳ Кур сувидан ўтиб, саломат Амир Соҳибқирон билан учрашди. Сўнг Амир Соҳибқирон Кўкча денгиз²¹ томондан йўлга чиқди. Улуғ подшоҳзода бўлмиш катта бону

Сарой Мулк оғо олам аҳли амирзодаси Шоҳрух баҳодир билан Самарқанддан Ироққа келдилар. Улар келиши ҳақидаги хабар Амир Соҳибқиронга етгач, у ўғруқни қолдириб, уларнинг истиқболига чиқишни ирода қилди, Маранд²² мавзеига етганда улар учрашдилар.

У жойдан отланиб, Аланжиқ қалъасига етдилар. У ерда уч кун тўхтаб турилгач, лашкарга тоққа чиқиб жанг бошлашни буюрди. Лашкар қалъа фасилини эгаллаб вайрон этди. Сувсизликдан ҳалокат ёқасига келган қалъа аҳли ожизлик ва бечоралик билан келиб амонлик сўрадилар. (Амир Соҳибқирон) уларга амонлик бериб, тоғдан тушишни буюрди. Шу аснода ҳаво булутланиб ёғингарчилик бошланди ва роса ёмғир ёғди. Уларнинг сув омборлари ва қудуқлари сувга тўлди. (103) Улар сув билан тирилгач, ўз сўзларига вафо қилмай, яна мухолифат йўлига кирдилар. Амир Соҳибқирон Мирко Муҳаммад ва Уч Қаро баҳодирни қалъани муҳосара қилишга буюриб, ўзи эса ўғруқ томон қайтди. Амир Шайх Али баҳодир Боязид қўрғонини муҳосара қилиш учун кетган эди, Амир Соҳибқирон Ҳожи Сайфиддин ва амир Ику Темурни ҳам юборди, токи улар бориб қўрғонни олишга ҳаракат қилгайлар. Улар бориб қўрғонни ўраб олиб, тагидан нақб кавлай бошладилар. Қаттиқ жанглардан кейин қўрғонни олиб, вайрон қилдилар. Қалъа ҳокимини боғлаб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар.

Шу аснода шаҳарлар оралигида бир жамоа туркманлар борлиги, уларнинг зарари ҳамма мусулмонларга етаётганлиги, айниқса, улар Ҳижоз карвонлари йўлини тўсаётганликлари, раиятга кўп зарар ва харобалик келтираётганликлари ҳақида шарафли қулоқларга хабар етказдилар. Амир Соҳибқирон тўхтовсиз отланиб, Арғун қўруғига етди. Хизматчилар ва ўғруқ Алодоғ²³ да тўхтаб турсинлар, деб буюрди. Ўзи эса лашкарлар билан жўнаб, Ойдин қалъаси ва ҳисорини фатҳ этди. Авник²⁴ қалъасидан ўтиб, Арзирум²⁵ га етдилар. Ва у жойдан Жабахжур сувига бориб тушдилар. Амир Соҳибқирон Арзинжон²⁶ томонига — Таҳуртанга элчи юбориб, уни итоат қилишга чақирди. Мухолиф бўлишнинг ёмон оқибатидан сақланишга даъват этди. У итоатга бош эгиб, бўйсунуш ва бандалик мақомида турди. Элчини рози ва хушнуд қилиб, ҳар хил инъому эҳсон билан сийлаб қайтарди. Амир Соҳибқирон амирзода Амироншоҳни Қаро Аҳмад Туркмонни²⁷ излаб

топишга номзод қилди. Амирзода фармонга биноан чопқин ясаб, от, хачир, қўйлардан ҳисобсиз ганимат ва ўлжа олиб қайтди. Мирко Муҳаммадни ҳам шу муҳим иш билан юборган эди, у Кўҳистон тарафига бориб қолди. У томоннинг одамлари унинг йўлини тўсдилар. Кўп жанглардан кейин абадийликка улашгур давлат иззати билан у тангликдан халос бўлиб, палос ўпишга восил бўлди. Шайх Али Ҳарғубий, Иқболшоҳ ёрғувчи ва Тилок (бошқалардан) тезроқ Қора Аҳмад элига етдилар ва жанг қилдилар. Уша жангда Лолохожани тутдилар.

Амир Соҳибқирон буйруғи билан Жаҳоншоҳ баҳодир у вилоятга бориб, ғорат қилди ва кўп молу манолларни ўлжа олди. Лекин Шоҳ Малик ўз ихтиёрича борган эди, азалда белгиланган сурат воқеъ бўлди. Амир Соҳибқирон у жойдан Муш саҳросига жўнади. Вилоятни мусаххар қилиб, Ахлот²⁸ шаҳрига етди. Бу ернинг ҳокими истиқболига келган эди, уни сийлаб, вилоятини ўзига топширди. У жойдан ўғруқ томон жўнади. Қолган лашкарлар дарё қирғоғи билан равона бўлдилар. Ўғруққа етишгач, Малик Иззиддин Курд итоатдан бош тортиб, Вон²⁹ ҳисорига кирди. Лашкар етиб келиб, қальани ўраб олди. Малик Иззиддин қаршилиқ кўрсатганидан пушаймон бўлиб, итоатга келди ва ҳисордан тушди. Вилоят аҳллари душманлик қилиб, ҳисор йўлини мустаҳкамладилар ва муҳолифат кўрсатдилар. Ташқарида манжаниқ ва аррода тайёрлаб, лашкар йигирма кун тўхтаб турди. Кўп жанглардан кейин кўрғонни олдилар. (104) Кўп одамни ўлдирдилар. Шу ўртада Таҳуртан элчиси Арзинжондан келди. Туҳфалар ва подшоҳона ҳадялар келтирди. Қуллик изҳор қилиб, бўйсунди. Амир Соҳибқирон унинг кўнглини кўтариб, сарпо кийгазиб, ўз жойига қайтарди. У вилоятни аввалги қарорича унга топширишни буюрди. Яна Вон қальясини эгаллаш ҳақидаги ҳукм ижросига киришишга ишорат бўлди. Айтишларича, у қалъа Шаддоди Од қурган бинодан экан. Унинг истехкоми шу даражада эдики, тумон амири бўлган Ёдгори Андхўйи ҳамма лашкарларга ундан бир тошини кўчиришни буюрган эди, ожизлик қилиб, эплай олмадилар. Ғалаба ёр лашкарлар шундай мустаҳкам мавзени андак вақтда фатҳ этдилар. У жойдан кўчиб, Хўй³⁰ ва Салмос³¹ га етдилар. Курдистон вилоятини Иззиддин Маликка топширишни муқаррар қилиб, у жойдан кўчдилар.

Шу орада Урми³² (вилояти) ҳокими Дизак оёқ ўпишга келди. У инояту марҳаматлар билан тақдирланди. Амир Соҳибқирон Урми вилоятини унга берди. Сўнг яна кўчиб,

Мароға³³ дан ўтиб Нилонга тушди. Бир неча кун у жойда тўхтади. Бундан илгари Шероз волийси Шоҳ Шужоънинг ўгли Зайнулобидинни чақириб: "Марҳум отанг бизга нисбатан дўстлик эшигини қоқиб, итоат ва бўйсунуш мақомида турган эди, сен ҳам бизнинг ҳузуримизга келишинг керак, токи биз у вилоятни қайтадан сенга муқаррар қилиб, шундай қайтариб берайликки, бу сенинг сарафрозлигинга сабаб бўлмай", деди. У келишга суғлиқ қилди. Шу пайтда: у ўз сўзига вафо қилмай элчини тутиб, қайтариб юбормаяпти ва унинг миясида ҳаддан ташқари бузуқ савдолар бор, деган хабарни етказдилар. Амир Соҳибқирон ўғруқни Райда қолдириб, манғлой тайинлаб, ўзи лашкарнинг қулида жўнади. Ҳамадон³⁴ вилоятидан ўтиб, Жарбодаҳонга етди. У жойдан ўтиб, Исфаҳонга³⁵ бориб тушди. Ақобирлар, саййидлар, уламо ва бошқа шариф зотлар унинг истиқболига чиқдилар. Амир Соҳибқирон уларни улуғлади.

Амир Ику Темур Табрак қалъасига кирди. Шаҳар халқига амон молини беришни буюрди. Амирзода Темур Малик ва Султоншоҳ ўгли Муҳаммад у молни тўплаш учун шаҳарга келдилар. Исфаҳон катталари ўрдуда турдилар. Кеч киргач, бебок ва разиллардан иборат бир жамоа шайтоний нафснинг фириби ва васвасасига алданиб хуруж қилдилар. Оқибати ёмон бўлишини ўйламасдан, Амир Соҳибқироннинг мухассил — солиқ йиғувчиларини ўлдирдилар ва шаҳарда ўзларига керакли муҳим ишлар билан машғул бўлиб юрган лашкар аҳлидан кўпларини ҳалок қилдилар. (Байт):

Авом халқнинг икки кунлик шарру шўри ва харжу
маржидан
Подшоҳларнинг юз йиллик жабру зулми яхши, деган
масал бор.

Улар орасида улуғлар ва донолар йўқ эди; у ерда қолган баъзи қариялар ва ақлли кишилар авом хуружидан кўрқиб, бир оғиз ҳам сўз айта олмадилар, шу тарзда фурсат қўлдан кетди. Ярим кеча бўлганда ноғора, дуҳл ва бовард овози лашкаргоҳга эшитилди. Бунинг сабабини маълум қилишгач, унинг тадорикини кўришга машғул бўлдилар. У фитнани қўзғатган (105) бузуқчилар шаҳар аҳлини балолар шамширига дучор қилиб, ўзлари қочдилар. Эртаси кун ҳукмга биноан Исфаҳон шаҳри ташқарисидан етмиш минг кишининг бошини тўпладилар.

У шаҳарда қиёмат кунининг намунаси зоҳир бўлди. Оятдаги: <У — (яъни қиёмат) куни шундай бир кундирки, киши ўз оға-инисидан, онасидан, отасидан, хотинидан ва болаларидан қочадир>³⁶ деган мазмун ошкоро бўлди. Фармонга биноан улар кесилган бошлардан миноралар ва лойтепалар барпо қилдилар.

(Амир Соҳибқирон) амир Ҳожибек ва Нубиншоҳни шаҳар муҳофазасига қолдириб, у жойдан жўнади ва Шероз вилоятига етди. Зайнулобидин ниятининг бузуқлигидан қочишга юз тутиб, Шуштар³⁷ томон равона бўлди. Ундан илгари Шоҳ Мансур³⁸ билан унинг ўртасида совуқчилик бўлган эса-да, ҳозирги вазиятда унга эътимод қўйиб, у томон юзланди. Билмадики, кимда-ким ёвуз ният билан фурсат пойлаб юрган душманга ишонса ва унинг вафосизлигию хиёнатидан сақланиш кераклигини билмаса, бахт ипи учини қўлдан берган ва маломат эшигини ўз юзига очган бўлади. Бироқ у бечора "ўртада қавм-қариндошлик риштаси бўлгач, бошга оғир иш тушган бир пайтда, ўтмиш воқеаларга илтифот қилмай, нимаики мададу қўллаб-қувватлаш вазифасига кирса шуни адо этиши лозим", деб ўйлади. Нокас ва бадаст одам замона тажрибаларидан тузала олмаслигини, кечаю кундуз ҳодисалари нопок жавҳарни воқеалар қозонида (эритиб) поклай олмаслигини ўйламади. Аксинча, кимники асли зотида нафс ифлослиги бўлса, замон ўтиши билан ёмонлиги ортиши, ярамаслик унга сингиб, қалбига ўрнашишини билмади.

Алқисса, (Зайнулобидин) Шуштар шаҳри атрофига етганида, Шоҳ Мансур тамаъ қилиб, унинг кишиларини алдади ва макру ҳийла билан ўзига итоатга чақирди. Замона кишиларининг мизожида хиёнат ва бевафолик мавжудлиги табиий эканлиги туфайли, уларнинг барчаси вафо юзига ҳаёсизлик тупроғини сочиб, у томон юзландилар, (Зайнулобидинни) оз сонли киши билан қолдирдилар. Охири (Шоҳ Мансур) бир тўда кишиларни юборди, уни шаҳарга келтирдилар, қалъага олиб бориб, у жойда тутиб турдилар. Унга вафосизлик қилган жамоани тутиб, мол-мулки ва асбобларини тортиб олиб, хорлик зиндонидида ҳибс этдилар. Шу хусусда демишлар (назм):

Бадқирдорни замонанинг ўзига топширгин,
Замон бергай жазосини қилмишига яраша.
Беақл кишининг ўз-ўзига қилганин,
Ҳеч бир душман душманига қилмагай.

Уларнинг ҳаммаси ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, қилган хатоларидан надоматлар чекдилар. Аммо ихтиёр қўлдан кетган, ўқ камонидан узилган эди. Пушаймонликдан фойда йўқ эди.

Амир Соҳибқирон Шерозга бориб тушганидан кейин бир неча кун ўтгач, Самарқандда нотинчлик рўй бергани ва подшоҳ Тўқтамиш мухолифлик қилиб лашкар юборгани ҳақида хабар етди. (Амир Соҳибқирон) Шероз ҳукуматини Шоҳ Яҳёга топшириб, Самарқанд томон қайтди. (106)

XXXVI. ИНКОТУРО ЛАШКАРИНИНГ КЕЛИШИ, АМИРЗОДА УМАРШАЙХ БАҲОДИР ВА АМИРЛАРНИНГ ЧУЛОК МАВЗЕИДА ҚИЛГАН МУҲОРАБАСИ БАЁНИДА

Ўша (790/1388)¹ йилнинг тир (июн-июл) ойида Тўқтамишхон лашкари вилоят атрофига етиб келган эди. Вилоятнинг элу аҳли қочдилар. Амирзода Умаршайх баҳодир лашкар йиғиб Хўжанд дарёсидан ўтди. Сулаймоншоҳ баҳодир, Аббос баҳодир ва ўзга амирлар бир вақтда Чулок мавзеида душманга етдилар. Икки томондан саф тортилиб, маймана ва майсараларга тартиб бердилар. Сўнг бир-бирларига ҳамла қилиб жанг бошладилар. Жанг шу даражага етдики, ўлганларнинг кўплигидан қон ариқ бўлиб оқди. Умаршайх баҳодир душманнинг кетидан қувлаб бориб, ўз лашкаридан ажралиб қолди. Аскарлари уни қанча изламасин топа олмади ва ҳайрону саргардон бўлиб, тўхтаб туришни маъқул кўрмай, заруратан тарқалиб кетдилар. Жаҳон шаҳзодаси саломат қайтиб, Андижонда лашкарга етди. Яна тўзғиб кетган аскарларни жамъ қилди. Шу ўртада Инкотуро ўзига қилинган инъому эҳсонларни унутиб, аҳду паймонларини бузиб, Мўғулистондан келганлиги ва мамлакат чеккаларига кириб, вилоятни хароб қилаётганлиги ҳақида хабар келди. Амирзода Умаршайх бу сўзни эшитиб, Ўзганд лашкари билан Хўжанд шаҳрига етиб келди. Душман ҳам бундан хабардор бўлиб, Чақишманддан Ўзгандга жўнади. Амирзода Умаршайх душман йўлини тўсиш қасдида дарҳол орқага қайтди. Оқсой суви мавзеида бир-бирларининг қорасини кўриб, ўтиш жойини мўлжаллаб жойлашдилар.

Бир неча кун сувни ўртага олиб, икки қирғоқдан бир-бирларига юзма-юз юриб бордилар. Бир куни кечаси Инкотуро ҳийла ишлатиб тушган жойига минг кишини қўйиб, уларга кўп жойларда айрим-айрим гулханлар ёқишни буюрди. Ўзи эса ўтиш жойини топиб, сувдан ўтди. Лашкар сафини ораста этди. Амирзода Умаршайх унга қарши туриб, мардоналик билан зўр жанг қилди. Охирида ўз кўрғонига кирди. Инкотуро қўрғон атрофини ўраб олиб, муҳосара қилмоқчи бўлди. Жувонбахт амирзода ғайрат мақомида туриб, мардлик қиличини қинидан суғуриб чиқиб келди. Қудрат эгаси Тангри ҳазратига таваккал қилиб жангга киришди. Қанча бошлар бстан ва қанча жасадлар бежон бўлди. Баҳодирларнинг наъраси, отларнинг кишнаши садолари осмон булутларига туташди. (Байт):

У кеча жанггоҳда бир жаҳон кулоҳлар бошсиз қолди-ю,
Бир жаҳон каллалар бекулоҳ қолди: (107)

Душманлар кўп эди. Амирзода лашкари эса озгина эди. У йўлбарсдек ўкириб, душманнинг жигаргоҳини найза ва шамшир билан йиртар эди. Шу ҳолатда Таваккул баҳодир тиг тортиб, душман сафини ёриб, амирзода отини жиловидан тутиб, уни жанг майдонидан чиқариб олди. Инкотуро ҳам туришни маслаҳат кўрмасдан ортига қайтди. Аскарлардан баъзилари унинг кетидан бориб, аскарларини пиёда қилдилар. Беҳадду ҳисоб ғанимат олдилар.

Амир Сулаймоншоҳ баҳодир ва Аббос баҳодир лашкарлар йиғиб, Самарқанд ичида ҳисор қилиб турар, душманлар эса вилоятни вайрон қилмоқда эдилар. Душманлардан баъзилари Бухоро томон кетдилар. Бухоро амирлари ва акобирлари ҳисор ва қалъаларни мустаҳкамладилар ва кўп марта шаҳардан чиқиб жанг қилдилар. Душман аскарлари вилоятларда хароб, ожиз ва саргашта бўлиб қолишган эди. Шу ўртада халқ орасида Амир Соҳибқироннинг қайтиб келаётганлиги ҳақида хабар тарқалди. Душман аскарлари тўхтаб туришни маъқул кўрмай қочдилар. Улар кетгач, Амир Соҳибқирон Самарқандга етиб келиб, амирларни йиғишни буюрди. Унинг фармониغا кўра амирлар жамъ бўлдилар. Душманларга қарши жанг йўсинини тафтиш қилиб, аҳвол билан танишилди ва Баротхожани қўлга

олиб, қилмишига яраша жазоладилар. Кўча Малик эса душман кетидан қувлаб бориб, ўн уч навқари билан Хўжанд атрофидаги Жийжол мавзеида Инкотуронинг уч юз кофирларига шабихун уриб, Хўжанд ва унинг ноҳияларидан олинган асирларни кофирлар қўлидан халос этиб, уларга йўл озиғини бериб, ватанларига жўнатган эди. Унга Соҳибқирон суюрғол тайин этди ва тархонлик мансабини бериш ҳақида ҳукм қилди. Амирзода Умаршайхни қучоғига олиб, анвои меҳрибонлик ва суюрғоллар билан марҳаматига хос қилди. Худойод, Умар баҳодир ва Шайх Али баҳодирларни ҳамма аскарлар билан душман кетидан юборди. Улар фармонга биноан жўнаб кетдилар, душманлардан кўпини ўлдириб, зафар ва нусрат ҳамроҳлигида Булон мавзеидан қайтдилар.

XXXVII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ХОРАЗМ ШАҲРИГА ТЎРТИНЧИ МАРТА ЮРИШИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон Хоразм томон юзланди¹. Эгри Ёр мавзеига етганида Кунча ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Шайх Али баҳодир ва Шайх Темур баҳодирларни лашкардан сайлаб олиб, манғлой этиб Хоразм томонига юборди. Ийдхожани эса қоровул қилиб олдиндан юборган эди. Ийдхожа бориб, душман лашкарининг мўътабар кишиларидан бирини тутиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига келтирди. Ундан душманнинг аҳволи, кайфиятини билдилар. Сўнг тезликда юриб, Жидрис ариғига етдилар. (108) У жойдан ўтганларида душман томонидан бир киши улуғ даргоҳга қочиб келиб, Элийғмиш ўғлон қочди, Сулаймон Сўфи ҳам мамлакатдорликдан кечиб қочди; душманларнинг кўплари ҳам мамлакатни ташлаб, қўрғон ва қалъаларни қолдириб бошларини олиб кетишга иттифоқ қилган эдилар, ана шу айтганларига амал қилиб, бошни тахтдан, жонни хонумондан ортиқ кўрдилар, деб хабар берди. Амир Соҳибқирон улуғ амирзода Амироншоҳни лашкарга манғлой қилиб, Муҳаммад Султоншоҳ, Шамсиддин, Учқаро баҳодир, Ику Темур ва Севинчак баҳодирларни илгарироқ юборди. Улар йўлга тушиб, Қамганд мавзеига етдилар. Душмандан кўпини ўлдирдилар. Жуда кўп мол, асбоб-олатларни ғанимат олдилар. Бир қанча кун Хоразмда тўхтадилар. Шаҳар ва вилоят одамларининг ҳаммасини кўчириб, Самарқандга етказдилар.

XXXVIII. МУҲАММАД МИРКО¹НИНГ ИТОАТДАН БОШ ТОРТИБ ҚАТЛОН ТОМОНГА ҚОЧГАНЛИГИ ВА КЎҲИСТОНДА ТУТИЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

Муҳаммад Мирко улуғ амирлардан бўлиб, Амир Соҳибқиронга хсшлик ва куёвлик шарафига етишиб, зўр шаън-шавкат ва кўп лашкарларга эга бўлган эди. Баланд мартаба, давлат ва комронлик гурурининг куч-қудрати, ғафлат ва кўфрони неъматнинг зўрлиги унинг саодати оёғини йўлдан тойдирди. Бахт ундан қайтгач, мухолифат изҳор қилиб душманлик рақамини чекди, бадномликдан ор қилмади ва бу ишнинг оқибатини ўйламади. Ундан юз ўгирган давлати унинг устидан кулар ва замон тили унинг қулоғига ушбу байтни ўқирди:

Киши ҳаргиз қилмаган ишни қилмагин асло
Агар қилсанг, бунда сенга йўлбошчи шайтондуруп.

Аммо унга бахт ёрлик қилмаганлиги туфайли ўша ёмон ҳаракатга унади. Бундан илгари Амир Соҳибқирон Хоразмга кетаётган вақтида Муҳаммад Мирконинг кичик биродари Абулфатҳ Амир Соҳибқирондан юз ўгириб қочган эди. У чўлга кириб йўқ бўлди. Лолим баҳодир бундан хабардор бўлиб дарҳол отга миниб, уни сўроқлаш ва излаш билан шуғулланди. Абулфатҳ эса ўртада бир кеча ўтказиб, Кат ҳисорига етган эди. У биёбоннинг чексиз ранжу машаққатларини тортиб, бир жой¹га бориб тушди. Лолим баҳодир эса унга етиб олди ва Амир Соҳибқироннинг инъом эҳсонларига кўфрони неъмат қилганининг ва бу беҳуда номақбул ҳаракатнинг сабабини сўради. У: "Мен Мирконинг душман бўлганини эшитдим. (109) Ўз жонимнинг ҳам ҳалокатга нишона бўлганини билдим. Шу сабабли ўз жонимни қутқарай деб қочдим", деди. Лолим баҳодир уни тутиб бойлаб, отга миндириб Бухорога етказди. Амирзода Умаршайх баҳодир бу ҳолатдан воқиф бўлгач, Самарқанд томон йўлга чиқди. Бир кеча ўтиб унга етди ва Ялғузоғоч мавзеига бориб тушгач, лашкарларни жамъ қилишни буюрди. Сўнгра Мирконинг пайида йўлга тушди. Мирко эса вилоят аҳлини жамъ қилиб, Оқ Темур баҳодир ва Додмалик уйларини талон-торож қилди, уларнинг жуда кўп молларини олди, зарродхонани очиб, совут, жавшан, дубулға, қалқон ва бошқа уруш ҳам ўлдириш олатларини ҳозирлади. Бебош ва палид кишиларга жуда кўп от ва ҳарбий аслаҳа тарқатди, уларга ҳисобсиз мол берди. Шу сабабли халқ унга итоат қилиб, атрофида кўп лашкар жамъ бўлди.

Улуғ амирзода Умаршайх баҳодир яқинлашгач, унинг давлат ҳайбати ғанимларга барҳам берди ва унинг саодат қуввати душманлар дилидан тутун чиқарди. Душманлар барчаси тўхтамасдан қочдилар. Мирко эса катта сувнинг Дош кўпри кечигидан ўтиб, Қатлон томонига қочди.

Умаршайх баҳодир очиққан йўлбарс ов кетидан югурганидек унинг кетидан қувди ва Вахш сувига етганда отга қамчи уриб сувга солди. Эпчиллик билан сузиб, у катта сувдан шамолдек кечиб ўтдилар. Лашкарнинг барчаси яқдиллик билан ҳаракат қилиб, ҳоксор душманлар жонига ўт солдилар. Мирко эса Шоҳ Жалолиддин томон жўнади². Шоҳ Жалолиддин ундан бахт юз ўғирганлигини кўриб, унинг юзига ёпилган саодат эшиги каби қалъа дарвозасини ёпди ва у билан учрашмади. Мирко ноумид ва ҳокисор бўлиб у жойдан қайтди. Унинг навкарлари ва мулозимларининг кўпи ундан юз ўғирдилар. Суҳбатдошлик ҳаққига риоя қилмадилар. Аҳдида барқарор турмаган вафосизлар ва ўйноқи кўз зеболар равиши шундайдики, улар неъмат ва фаровонлик вақтида дўстлик даъвосини қиладилар, аммо меҳнат ва бало чоғида инсонийлик ва мурувват юзига тупроқ сочадилар. Орсизлик нилини мардлик ва одамгарчилик кўзига тортадилар. (Назм):

Бало йўқлигида позанин деб атади уни,
Бахтсизлик етишгач воз кечди ундан.

Нусратли аскарлар ўнгу сўлдан, олду орқадан унинг изига тушдилар. Аммо ҳеч ким ундан хабар топмади ва қай ердалигини билолмади. Жаҳон амирзодаси бу борада фикрга чўмиб, уни қандай қилиб ва қай ерда қўлга тушириш мумкинлиги тўғрисида ўйлаб қолди. Иттифоқо Усмон Аббос бир қанча навкарлари билан Самарқандга кетаётган эди. Йўлда бир чашмага дуч келди. У жойда отларнинг изини кўрди. У изнинг кетидан қидириб бориб Муҳаммад Миркога етди. Унинг атрофини ўраб олиб, аввал отларини қўлга олишди. Сўнгра ўзини тутиб, навкарлари билан банди этиб, улуғ амирзодага хабар юборди. Бир неча кундан кейин уни ўша ҳайъатда Самарқандга олиб борди. У жойда улуғ амирзода ҳукми билан Миркони ёсоққа етказдилар. (110) Бевафоликнинг оқибати ваҳимали эканлиги ва куфрони неъматнинг

жазоси аламли азоб бўлиши жаҳон аҳлига аён бўлди. Бу воқеадан кейин амирзода Амир Соҳибқироннинг истиқболига чиқиш қасдида отланди. Самарқандга бориб, палос ўпиш шарафига етди.

Амир Соҳибқирон Хоразм томонига жўнаган пайтда Жаҳоншоҳ баҳодир Қундузда эди. Хабар етгач, кетма-кет жўнаб, Балхдан ўтди. Шу аснода Бурулдой эли ва қабиласи қочдилар, деган хабарни эшитди, ўртада бир кеча ўтказиб, Бақлон мавзисида уларга етишди ва ул кўп сонли жамоани қўлга олди. Шу ҳолатда Мирко итоатдан бош тортиб, ёғий бўлганлиги ҳақида хабар бердилар. (Амир Жаҳоншоҳ) лашкар тортиб, жанг асбобларини ҳозирлаб Омуя суви қирғоғига етди ва сол ясаб сувдан ўтдилар. Амир Жаҳоншоҳ сувдан ўтгач, кечаси ўша жойда қўнди. Айнан ўша ерда иттифоқо Жунайд ва Али Акбар душман бўлиб уч минг киши билан шабихун урдилар. Амир Жаҳоншоҳ билан олтмиш кишигина бор эди. У Худога таваккал қилиб, дарёга орқа ўгириб, бор бўлгани қабилда жангга киришди. Қалқон ва тўраларни юзига тутиб, Тангри ҳазратига таваккал қилиб, тун бўйи тонг отгунча икки томондан ўқлар ёғдирилди ва қилич, гурзи ишлатиб турилди. Шу ҳолатда Хожа Юсуф бир навкарини сувдан ўтказиб жўнатди ва: "Мардона бўл, собитқадамлик кўрсат, мен ҳозир жанг асбобини тайёрлаб, сизларга ёрдамга етиб бораман", деб хабар қилди. Бу хабарни эшитгач, шод бўлиб янада кўпроқ саъй-ҳаракат этдилар. Хожа Али юз киши билан мукамал қуролланган ҳолда етиб келди. Иттифоқлик билан ҳамла этиб, қаттиқ жанг қилдилар. Тонг отгач, душман аскарлари орқа ўгириб қочди. Зафарнишон аскарлар улар кетидан қувиб, кўпини ўлдирдилар. Улардан жуда кўп ғанимат олдилар, сўнг лашкарлар йиғиб Қундузда турдилар.

Бурулдой эли ва қабиласи Кобул томон йўл олди. Кобул амири Абу Саъид уларнинг душманлигини эшитгач, палид нафси унга фириб бериб, соф ихлосга нопоклик аралашди ва у ҳам душман бўлиб, Оқ Буғони қидиришга келди. Чунки Оқ Буғо унинг душмани эди.

Амир Соҳибқирон Мўғулистонга (одам) юборган эди, Оқ Буғони тутиб, банди этиб Хоразмга келтирдилар. Абу Саъиднинг итоатдан бош тортиб душман бўлганидан хабар топгач, (Амир Соҳибқирон) Оқ Буғони банддан бўшатиб, Абу Саъиднинг вилоятини унга тақдим этди. Жаҳоншоҳ баҳодирга душман қайси жойда бўлса, лашкар тортиб

унинг кетидан боришни буюрди. Фармонга биноан Юсуф-хожа билан иттифоқ бўлиб, душманлар кетидан равона бўлдилар. Лағмон³ мавзеида уларга етдилар. Уларнинг эли ва қабиласини талон-торож қилиб, ҳайдаб олиб келдилар. Қутулиб қолганлар Синд⁴ томониغا қочдилар. Хуросон вилоятидан амир Оқ Буғо ва амир Сайфул ҳам лашкар йиғиб душман кетидан бордилар ва уларга етиб, қаттиқ жанг бошладилар, талон-торож қилиб қочирдилар.

Ўша кунлари Амир Соҳибқирон Хоразмга кетган эди. Бахтли подшоҳ Суюрғатмишхон Бухорода касал бўлиб қолди ва бир неча кундан кейин худо раҳматига восил бўлди. (111) Мамлакат тахти ва сарварлик курсиси унинг вужудидан холи қолди. Ул тахтни тобут тахтасига алмашди, ул давлат ва қомронлик ожизлик ва нотавонлик билан тугади. На аскарнинг кўплиги мадад берди ва на олтин-кумуш хазиналари ёрдам берди. Ҳа, шундоқ, бу мағрурлик саройида аввал боши кўтарилиб, оқибат уни хорлик тупроғига қўймаган ким бор?! Агар бирор оқил киши ибрат кўзи билан кеча-кундузнинг айланишига қараса, бу саноқли кунларнинг ўткинчи эканлигини билади! Бу бевафо дунё тез тугалланувчи бир давлатдир: на унинг давлатига эътибор бор ва на унинг мол-мулкида пойдорлик! Бас шундай бўлгач, кишининг дили бу фоний жаҳонга кўнгили қўймайди ва боқий саодатга эришишга ҳаракат қилади, бу қимматбаҳо замонни ушбу фоний манзилнинг борлик-йўқлиги гами билан ўтказмайди. (Байт):

Сен айланиб турган фалак гумбазига кўнгили қўймагин,
Чунки у улуғлар қони билан юргувчи бир тегиримондир.

Мамлакат аҳли унинг мотамида жонқуярлик шартларини бажо келтирдилар. Бир қанча муддатгача мотам тутиб, малолат билан кечаю кундузларни ўтказдилар. Охирида уни кўрмагандек бўлдилар ва унинг подшоҳлигини бўлмагандек гумон қилдилар. (Байт):

Уни ўша ҳора тупроққа топширдилару
Ёдини ҳам кўкракдан пок-покиза ювдилар.

Шу вақтда Амир Соҳибқирон Хоразмдан зафар ва нусрат билан қайтиб келиб, ўз пойтахтини шарафли қадамлари билан безатди.

XXXIX. ЖАҲОН ПОДШОҲИ СУЛТОН МАҲМУДНИНГ САЛТАНАТ ТАХТИГА ЎЛТИРИШИ БАЁНИДА

Суюрғатмишхон ўлгач,¹ салтанат тахти подшоҳ соясидан холи қолди. Ҳазрати Амир Соҳибқирон эса Хоразмдан қайтиб келди. Нўёнлар, амирлар ва давлат арконлари билан ўтказилаётган катта қурултойда бу борада баҳс ва машварат қилди. Мамлакат ишлари тадбири ва замона аҳволини тузатиш ҳақида фикрлашганларидан кейин, ҳаммалари иттифоқликда бир оғиздан дедилар: "Мулкка подшоҳ бўлмасдан ўзга чора йўқ, чунки жасадга нисбатан бош қандай ўрин тутса, лашкарга нисбатан подшоҳ ҳам шу ўриндадир. Масалан, тана бошсиз ишга ярамаганидек фуқаро ҳам подшоҳсиз узоққа боролмайди". Амир Соҳибқирон бахтли подшоҳ Суюрғатмишнинг ҳаққига риоя қилиб, салтанат рақамини унинг лаёқатли ўғли Султон Маҳмуд номига чекди. У барчанинг ҳамфикрлигида тожу тахт ва бахту иқболга муносиб топилгач, қутли кунда муборак толей, бахтли юлдуз ва саодатли фол билан подшоҳлик тахтию фармонраволик маснадига ўлтирди. (Назм): (112)

У етмиш бўлакдан иборат бир тахтки,
Қутли бахт келтирувчи (Аллоҳ) унга таркиб бергандир.
Поясининг учи гўё аждарҳо бошидегу,
Жавҳари баҳосини ҳеч ким билолмади.

Унинг номи ва дуоси билан минбар боши осмонга етказилди ҳамда унинг шарафли исмидан сикканинг лаби хандон бўлди². Ўша куни хазина эшиклари очилиб, олтин умуш, дуру жавоҳир, мушку анбарларни бир-бирига аралаштирилиб, нафис матолару ранг-баранг қийматли хилъатларни уйиб қўйилди ҳамда амирларга, давлат арбобларига ва ўзга аскарлару фуқароларга тарқатилди. Бир ҳафтани айш-ишрат ва шоду хуррамлик билан ўтказдилар. Моҳрўйлар базмида "ол ҳа ол" наърасини фалакка етказдилар. У қишни баҳор фаслигача³ Самарқандда яхши айш-ишрат ва гўзал бир тарзда ўтказдилар.

XI. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ТЎҚТАМИШХОН МУҲОРАБАСИГА БОРИШИ БАЁНИДА¹

Шу ўртада Тўқтамиш подшоҳ (ўз зиммасидаги) неъмат ва тарбият ҳаққини унутиб, ғоятда кўп аскар билан келиб мухолифат изҳор қилди. Амир Соҳибқирон лашкар тўплаб,

Соғаржда турди. Ўша йили совуқ қаттиқ бўлиб, кўп қор ёғди, ёмғир беҳаду ҳисоб бўлди. Тўқтамиш подшоҳ Хўжанд дарёсидан ўтиб, унинг манғлой аскарлари Зарнуққа етди. Амир Соҳибқирон отланди. Нўёнлар ва амирлар тиз чўкиб, ҳамма томондан аскарлар жамъ бўлгунича бир оз вақт тўхтаб туришга ундадилар. Бу маслаҳатни Амир Соҳибқироннинг жаҳонгушой раёйи тўғри деб топмади ва уларга ғазаб қилиб деди: "<Ишни кечиктиришда офат кўпдир>". Ақлли киши бугунги ишни эртага қўймайди. Чунки эрта ўз ишини ўзи билан бирга олиб келади". Эшитмаганмисизки, подшоҳларнинг биридан давлат қайтиб, замонанинг қўли уни иззат тахтидан хорлик тупроғига иргитгач, ундан сўрабдилар: "Нега сен бу кунга қолдинг, мамлакатинг заволига нима сабаб бўлди?" У жавобиди: "Уч одат шумлигидан бахту саодат ипининг учини қўлдан бердим: биринчи — доноларнинг пандини қулоққа олмадим ва меҳрибон насихатгўйлар сўзидан юз ўгирдим. Иккинчи — нафсим нимагаки мойил бўлса, кўнглим у томонга рағбат қилса, оқибатини ўйламасдан у ишга киришдим ва нафсимни қондирдим. Учтинчи — бу кунги қиладиган ишни эртага қолдирдим ва муҳим ишларнинг тадбирида сустлик қилиб орқага сурдим", деди. (Байт):

Бугунги ишни эртага қолдиргувчи кишидан,
Замона юз ўгириши муқаррардир. (113)

Шу вақтда қор кўп ёғиб, зўр ёғингарчилик воқеъ бўлган эди. Амир Соҳибқирон қор тепиб йўл солишни буюрди ва бир кеча оралатиб душманга етди. Амирзода Умаршайх эса ўз лашкарларини тартибга солиб, Хўжанд дарёси қирғоғига етиб келди ва палос ўпиш шарафига эришди. (Амир Соҳибқирон) Кунча ўғлон, Темур Қутлуг ўғлон ва Шайх Али баҳодирларни барча лашкар билан илгари юборди. Улар эртаси кун чашшоҳ пайтида душманга етдилар. Душманлар қарши туришга қуввати бўлмаганлигидан қочдилар; улардан кўплари ўлдирилди. Улимдан қутулиб қолганлари йўлда ташналикдан ҳалок бўлди. Илгарироқ юборилган лашкарнинг муқаддимаси душманнинг олдидан чиқиб, уларни икки томондан ўртага олди ва ўқу қилич зарбидан уларнинг тириклиги тутунини кўкка таратди. Идиберди бахшини шу пайтда ушлаб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. Амир Соҳибқирон унинг аҳволини текшириб кўргач, кўнглини

кўтарди ва махсус чопон билан сийлади. Сўнг у мавзедан кўчиб, Оқорга етди. У жойда бир мунча муддат туриб, айшу ишрат додини бердилар. Барчага комронлик ва шодлик эшигини очди.

Шу пайтда элу вилоятлардан лашкарларни жамъ қилдилар. Амир Соҳибқирон Хўжанд дарёсига кўприк солиб, лашкарларни ўтказсинлар, деб амирзода Умаршайх, Ҳожи Сайфиддин, Ику Темурларга буюрди. Улар фармонни бажо келтириб, лашкарларни ўтказдилар ва хабарини у ҳазратга етказдилар. Амир Соҳибқирон у жойдан кўчиб, йўлга равона бўлди ва дарё лабига етди. Шу соатда манғлой юборишни ихтиёр қилди. Темур Қутлуғ ўғлон, Севинчак баҳодир ва Усмон баҳодирлар қоровул этиб тайинландилар. Улар узоқдан бир қорани кўрдилар. Ўзларини махфий тутиб, душманни қаршилашга ҳозир бўлиб турдилар. Душманнинг қаровули келиб тушгач, ғалаба ёр лашкарлар дарҳол отланиб, уларга шабихун урдилар, кўпларини ўлдирдилар. Қолганлари қочиб Арис³ сувидан ўтдилар. Улар уйларига етиб боргач, кўрққанларидан "лашкар келиб қолди" деб овоза қилдилар. Бу ҳолатдан кўрқиб, ҳамма лашкар ва уларнинг эллари ҳам қочиб, тарқалишиб кетдилар.

Амир Соҳибқирон шу ҳолатда илғор тарзида жўнади. Ҳожи Сайфиддинни ўғруқда қолдирди. Хожа Шайх, Тублоқ, Қарохон, Амоншоҳ ва Давлатшоҳларни қирқ киши билан саралаб олиб, қўш отлиқ қилиб хабаргирлик учун юбордилар. Улар фармонга биноан равона бўлиб, Сариг Ўзан⁴ мавзеида душманга етдилар. Душман қаровули билан жанг қилиб, улардан кўпларини ўлдирдилар ва ортларига қайтдилар. Шу ўртада Қидбо Тархон юзга яқин хонадон билан саҳрода уларга қарши келди. Зўр жанг воқеъ бўлди. Уларнинг каттаси бўлган Қидбо Тархонни тутиб, бандга солиб, Шанкул номли бир кишига топширдилар, токи уни Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб борсин. Уларнинг хонадонларини мол галалари билан кўчириб, Оқ Сумо мавзеига етказдилар. Амир Соҳибқирон у мавзедан Урунг-Чақил йўли билан чиқиб келиб, Билон мавзеига етди. Сариг Ўзан ва Кўрчундан ўтиб, Ол Қўшунга тушди. (114) Шу пайтда Малук ва Ҳожибек итоатдан бош тортиб, душман бўлиб Хуросонда жамъ бўлмоқдалар, деган хабар етди. Амир Соҳибқирон фикру андишадан кейин амирзода Амироншоҳни лашкар билан қайта Хуросон томонга юборди. Ўзи эса Ўзбек вилояти томон юрди. Нўёнлар ва амирлар жамъ бўлиб, маслаҳат

шулки, аввал Инкотуро томонига борайлик ва унинг шаррини даф қилайлик, сўнгра Ўзбек вилоятига мутаважжих бўлайлик, деб арз қилдилар. Амир Соҳибқирон уларнинг сўзини қабул қилиб, Бўри-боши йўли билан равона бўлдилар. Туболик қўруқ устидан ўтдилар ва Ўртоғ мавзедан чиқиб келдилар. Лашкарлар икки-уч кун сувсизликдан заҳмат чекиб, чексиз ранжу машаққат тортдилар. Ёз фасли, саратон вақти эди. Уларнинг бахт толеи мадад қилиб, тўсатдан бир мавзегга етдиларки, у жойдаги ўтлар остида ях ва қорни кўрдилар, мусаффо тоза сув топдилар. Ҳаммалари ором олиб, отларини сувга қондирдилар. У жойдан жўнаб, Туғровут мавзеига етдилар ва у ерда қулон овлашга майл қилдилар. Жуда кўп жониворларни ов тузоғига туширдилар. Ўлон Чирлиқ ва Чипор Айғир мавзеида Ўлон Буғо ҳамда Инкожак минг киши билан келдилар ва у вилоят Инкотурога муқаррар бўлиб қолишини ҳамда Борин қабиласини талаб қилдилар. Буронғорнинг қоровули отланиб кетаётганида Миррак ва Пир Али улар билан тўқнашиб, ўртада қаттиқ жанг бошланди. Душманлар тўхтовсиз қочишга юз тутдилар ва хор-зор бўлишиб тарқалиб кетдилар. Амирлар эса Амир Соҳибқирон ҳузурига қайтиб бордилар. Бир кишини тутиб келтирган эдилар, ундан душман аҳволини сўрадилар. У: "Душман Ўрунг ёр мавзеида турибди", деди. Амир Соҳибқирон дарҳол Шайх Али баҳодир ва Ику Темур баҳодирни лашкардан илгари илғор этиб, буюрди: "Жидду жаҳд қилиб Ўрунг ёр мавзеида Инкотурога етинглар, биз ҳам ўртада бир кеча ўтказиб кетингиздан етамин". Амир Соҳибқирон жўнагач, қачарчи кечаси йўлдан адашиб, иккинчи куни чошгоҳда Сан Салиғ йўлидан равона бўлдилар ва учинчи куни Кўксоли мавзеига келдилар, тўртинчи куни Ойу Қиз⁵ мавзеига етдилар. У жойда подшоҳзодалар, нўёнлар ва амирларни жамлаб, кенгаш ўтказдилар. Умаршайх баҳодирни манғлой, Жалолни эса қачарчи қилиб жўнатдилар. Амир Соҳибқироннинг муборак зоти лашкарга бошчилик қилиб Қорату, Шибарту, Қўроғон ва Ярлоғу мавзеларидан ўтиб, Қароғучур мавзеига келди. Амирзода Умаршайх баҳодир ўз аскарлари билан фармонга биноан тоғ ва саҳроларни босиб ўтиб юрар ва қайси жойда душманга учрасалар жанг қилар, илоҳий мадад туфайли улар устидан ғалаба қозонар эдилар. Қубоғ мавзеида қаттиқ жанг қилдилар. Душман вилоятини талон-торој қилиб, Инкотурони вилоятдан чиқариб, ҳадду ҳисобсиз ўлжа ва мол, от-туя, хачирларни қўлга киритдилар, ой юзли, ҳур кўринишли

қизларни асир қилиб олиб қайтдилар. (115) Ақтодиктур (?) мавзеида Амир Соҳибқирон ҳузурига келиб етдилар. Шайх Али баҳодир, Ику Темур баҳодир илгарироқ айрилиб кетишган эди. Ҳозиргача хабар бўлмади. Ҳазрат Амир Соҳибқирон амирзода Умаршайхга уларни қидириб топиш учун йўлга тушишни буюрди. У бир йўл билан юриб, Итичмас Алокўл мавзеига етганда, улар иккинчи йўл билан юриб, Амир Соҳибқирон ҳузурига етиб келдилар. Умаршайх баҳодирнинг ёнида эллик-олтмиш навқари бор эди. Тўсатдан душман лашкаридан саккиз юз киши қарши чиқиб, ўз қорасини кўрсатди. Амирзода улуғ Тангридан қувват ва нусрат сўраб, уларга ҳамла қилди. Зўр жанг воқеъ бўлди. Жаҳон амирзодаси у кун шундай мардлик кўрсатдики, фалакдаги малак (фаришта) унинг билак кучига таҳсин ўқир, қазо ва қадар эса унинг шавкатию қувватига офаринлар айтар эди. Тилончининг ўғли Пирҳожидан у воқеада мардоналик кўрсатиб, бир ҳамлада бир гуруҳни қулатар ва бир зарбада юзлаб душманни олдига солиб ҳайдар эди. Тўсатдан қазо пистирмасидан отилган бало ўқига гирифторм бўлиб, шаҳидлик шарибати ичди. Амирзода Умаршайх баҳодир мардлик билаги зарби ва саодат бозуси қуввати билан душман устидан ғалаба қозониб, уларни қочирди, кўпларини ўлдирди ва уларнинг моллари, чорполарини талон-торож қилди. От ва қўйларни гала-галаси билан Амир Соҳибқиронга етказдилар. Қароғучур да бирмунча муддат тўхтаб, отларини у мавзеда боқиб семиртирдилар. Ўлжага олинган молларни (Амир Соҳибқирон) батамом аскарга тарқатиб берди. Жаҳоншоҳ баҳодир, Умар баҳодир ва Учқаро баҳодирни ўттиз минг киши билан илғор қилиб Иртиш томонга душманни излаш учун юборди. Улар буйруққа биноан жўнаб, Иртишгача етдилар. Вилоят аҳлини талон-торож қилиб, чексиз ва ҳисобсиз мол олдилар. Вилоят аҳлини жамъ қилиб, амир Лаълга топширдилар. У уларни Самарқандга етказди. Амир Соҳибқирон кўчиб, Чукчун мавзидан ўтиб, тўхтамасдан Эмил Ғучур мавзеига етди ва Сарой Ўрдумга тушди. Нўёнлар, амирлар, шаҳзодалар, вазирлар ва мудаббирларни жамъ этиб, қурултой қилди. Ҳамма қачарчиларни олиб келиб, йўлларни сўраб, дафтарларга ёздилар. Қўшин ва тумандар амирлари билан лашкарларни йиғиб, Юлдуз мавзеида жамъ бўлишга қарор қилдилар. Умаршайх баҳодир ўз лашкар ва сипоҳларини жамъ қилиб, бахтли соатни танлаб отланди. Амир Соҳибқирон Бурхон ўғлонни қачарчи бўлсин ва Буён Темур унга ҳамроҳ бўлсин деб буюрди. Шу фармонга

биноан муборак соат ва яхши кунда отга миндилар, Тубшин Андур ва Қарохўжа¹¹ га етдилар. Аскарлар атроф-жавонибга чопқин ясадилар. Жаҳоншоҳ баҳодир ва Шайх Али баҳодир ўттиз минг киши билан навкар Сунқур қачарчилигида йўлга тушдилар. Қаро орт йўли билан жўнадилар. Бошқа бир йўлдан Усмон йигирма минг киши билан амир Жалол қачарчилигида равона бўлди. Сақисгон, Суқурлоғу ва Кукёр йўлига тушиб юрдилар. (116) Худойдод¹² баҳодир ва Мубашшир яна бошқа йўлдан юрдилар. Душманлар эса йигирма минг миқдоридоғи кишилар эди. Уларнинг қачарчиси Қумортағу исмли киши эди. Улар Уружку йўлидан жўнаб, Байқут мавзеига етдилар. У жойда Булғочи Долкар қаттиқ жанг қилди. Ўша куни ва кечаси у жойга тушиб турдилар. Охири душманларни ҳайдаб, мағлуб қилиб, вилоятни талон-торож этиб қайтдилар.

Амир Соҳибқирон лашкарнинг қул қисмидагиларни олиб, Калон Тавочини қачарчи қилди ва танланган аскарлари билан илғор тарзида жўнади. Сичқон Добон мавзеига етганда Булғочининг эли ва вилоятини у жойда топиб, кучларингиз етгунча ўлдиришлар, қолганларини талон-торож қилишлар, деб буюрди. Ғолиб лашкарлар қўлига молу манол ҳадду ҳисобсиз кўп тушди. Амир Соҳибқирон аскарларни тартибга солиб, йўлга равона бўлди. Амир Ёдгор, амирзода Сулаймоншоҳ, Гиёсиддин Тархон, амир Шамсиддин ва Тўй Буғо Шайхларга: "Бу ер душманнинг жойи эди, бундан кейин эса сизларнинг юртингиз ва масканингиз бўлади", деди. Фармонга биноан у жойни манзил қилиб, иморат қуришни ва экин экишни бошладилар.

Ғалаба ёр лашкар у жойдан кўчиб, Ўрдабон мавзеидан сўнг Ило¹³ мавзеидан ўтиб, Суткўл ва Чичакликка етдилар. У жойда эл ва вилоятнинг кўплигини кўриб, мол ва саноқсиз ғанимат олдилар. Хас мавзеи юқори-роғидан йўлга тушиб жўнадилар. Булғочи ва Солучининг аҳволини текширишга киришдилар. Нўёнлар ва амирлар отланиб Мулғуту мавзеидан ўтиб, Хизрхожа ўғлон билан жанг қилдилар. Душман устидан ғалаба қозондилар, улар ожиз бўлгач, шарту аҳд қилиб орқага қайтдилар. Шоҳмалик тархон у жойдан ўзини биёбонга урди ва Никоту мавзеида улуг ҳазратнинг палосларини ўпиш шарафини топиб, ўз сўзини арз қилди.

Амир Соҳибқирон кечани кеча, кундузни кундуз демасдан йўл юрди. Охирида Куказ йўли¹⁴дан келиб чиқиб, Юлдуз мавзеига етди. Амир Ёдгор ва ўзга катта амирлар бу мавзеёда оёқ ўпиш шарафига етдилар. Юклари ва ортиқча нарсаларини қўйиб, аскарлардан саралаб олиб, Қаротур гузаргоҳидан ўтдилар ва душманни қидириб, Қаробулоқ мавзеига етдилар. Тиртошдан ўтгач душманни кўриб, у жойга тушдилар. Душманларнинг кўнглига зўр қўрқинч тушиб, тунда ҳар томонга қоча бошладилар. Қочганлардан бир зўр жамоаси бир йўлдан юриб бориб, амирзода Умаршайхга йўлиқди. Амирзода уларни ҳалқа шаклида ўраб олиб, ҳаммасини талон-торож қилди. Кимда-ким жангга қўл кўтарса, бошини танидан жудо қилдилар. Иккинчи томонда Жаҳоншоҳ баҳодир ва Шайх Али баҳодир кимники топса талон-торож қилди. Амир Соҳибқирон Новрин кутали мавзеидан то Қаротошгача душманларнинг кетидан қувиб, Қулон кутали мавзеида уларга етди, бир ҳамлада уларни тирқиратди, кўп ғанимат ва саноқсиз моллар лашкар қўлига тушди. У жойдан кўчиб Жалиш¹⁵га келди, у ерда мол ва ғаниматларнинг ҳаммасини тақсим қилиб, лашкарга тарқатди. Сўнг у жойдан қайта Қачовроту ва Билжирга (117) қайтиб келиб, Юлдуз мавзеига тушди. Атроф-жавонибга тарқалган аскарлар шу мавзеда жамъ бўлдилар.

Амир Соҳибқирон киши юбориб, амирзода Умаршайх баҳодирни тўхтамасдан Қаҳлаға томонга жўнашга буюрди. Амирзода фармонга биноан дарҳол отланиб, Қаҳлағадан ўтди. Йўлда душманлардан бўлмиш Кублокка дуч келиб, уни тутиб ҳалок этди ва унинг вилоятларини ғорат қилди. Учпармон ва Кузан мавзеидан кўчиб ўтиб, у ердан Кошғарга кирди ва Ўзгандга бориб, ғалаба ёр лашкарга қўшилди. Улуғ Юлдуз мавзеига етганларида тўхтаб туриб, бирмунча муддат айш-ишратга машғул бўлдилар. Амир Соҳибқирон умаро ва шариф кишиларни тўн, камар ва инъом, ўрта ва кичик даражадагиларни меҳру икром, лашкарнинг барча хосу оmlарини кўп инъому эҳсон ва бахшишлар билан сийлади. Уғруқни ўша жойда қолдириб ва Жаҳоншоҳ баҳодирни унга ҳоким тайинлаб, (791 йил) шаъбон ойининг ўн бешинчисида (1389 йил 9 август) Самарқандга жўнади. Муборак рамазон ойининг еттинчисида (1389 йил 30 август) бахт юлдузи тулуъ қилган пайтда

Самарқанд шаҳрига келиб тушди. Бу башорат туфайли жаҳон аҳлига шодлик ва хурсандлик ҳосил бўлди. Амирлар, нўёнлар ва хоним-оғолар учун шодлик ва айш-ишрат асбоби муҳайё қилинди.

XL. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ДАШТИ ҚИПЧОҚҚА ЮРИШИ БАЁНИДА

Етти юз тўқсон учинчи (1391) йили Амир Соҳибқирон лашкар жамъ қилиб, Дашти Қипчоққа юриш қасдида Самарқанддан чиқди. Хўжанд сувидан ўтиб, қишни Тошканд мавзеида ўтказди. Лашкарнинг яроқ-аслаҳасини мукамал қилиб, амирлар ва давлат арконларини инъому эҳсонлар билан сийлади. Лашкарнинг кўпчилигига йўрға отлар, зардўзи тўнлар ва дираму диворлар улашди. Хотинлар ва хоним-оғолар ижозат сўраб, Самарқандга қайтиб кетдилар. Амир Соҳибқирон қачарчиларни амирларга тақсим қилиб, сафар ойининг ўн бешидида (1391 йил 22 январ) юришни ирода қилди. Улуғ хотун Чўлпон Мулк оғони ўзи билан бирга олиб йўлга равона бўлди. Қаросмон мавзеида барча амирлару лашкарлар жамъ бўлдилар. Шу ўртада Тўқтамишхондан элчи келди. Уни эъзозу иқром қилиб, бир неча кун шу манзилда тўхтаб турди. Сўнгра у жойдан кўчиб, юришга ошиқди. Ҳаво ғоятда совуқ, қор-ёмғирнинг ёғиши кучайганлиги учун тўхтаб туришга имкон йўқ эди. Бир неча кундан кейин Тўқтамишхон элчисини Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. Элчи одоб вазифаси ва ер ўпиш маросимини (118) адо этгач, олиб келган отлари ва шунқорларни тортиқ қилди ҳамда нўёнлар воситачилигида подшоҳининг кўп узр-маъзурлардан иборат сўзини арз иззаттоҳига етказди. Унинг баёни шундай: "Амир Соҳибқирон менга нисбатан оталик мақомидадурлар, у зотнинг менга бўлган ҳуқуқи ҳадду ҳисобсиз ва ҳар қанча баёндан ортиқдир. Илтимосим шулки, мен ўз бахтсизлигим ва паст кишиларнинг бузғунчиликлари туфайли йўл қўйганим бу нолойиқ ҳаракатим ва ноўрин муҳолифатим гуноҳини кечириб, хатоларим дафтари устидан афв қаламини тортгайлар". Амир Соҳибқирон шу ўринда унга нисбатан кўрсатган ўз тарбият ва эҳсонларини таъкидлаб айтди: "У ўз ишларининг бошланишида душманлардан зарба еб,

жароқатланиб қочиб келган пайтида биз томондан унга нисбатан яхшилик ва (одоб) риоялари қай даражада содир бўлганлиги жаҳон аҳлига маълумдир. У туфайли Ўрусхонга мухолиф бўлдим; жуда кўп мол ва нозу неъматлар бердим, қанча лашкарларни унга ҳамроҳ қилдим. Ишнинг оқибати шу бўлдики, неъматлар ҳаққини унутиб (бизга қарши) йўқлигимизда лашкар юборди ва бизнинг мамлакатимиз атрофларини вайрон қилди. Шунга ҳам парво қилмай, уни маъзур тутиб, воқеани бузуқ кишиларнинг фасодидан деб билдим. У ўз қилмишидан уялмади. Яна ўз бошича бизга қарши юзланди. Биз ҳам отланганимизда лашкаримиз қорасини кўриб қочди. Ҳозир эса ислом подшоҳининг ёрлиғи ҳукмига биноан лашкар тўплаб унга қарши йўлга чиқдик. Унинг сўзи ва феълига эътимодимиз йўқ. Агар сўзи рост бўлса, Алибекни бизнинг истиқболимизга юборсин, токи биз амирлар иттифоклигида жонқий қилиб, кенгашиб нимани маслаҳат кўрилса, шуни бажарамиз", деди. Сўнгра Амир Соҳибқирон подшоҳона тўй-зиёфат тузашни буюрди. Келган элчига кўпдан-кўп марҳаболар айтди ва сарпо кийгазиб, камар боғлади. Икки-уч кундан кейин амирларни йиғиб қурултой қилди. Элчини бирга олиб илгари юришни маъқул кўрдилар. Худди шундай қилдилар ва Қарочуқдан ўтгач, яна ўн беш кун йўл юрдилар. Сувсизликдан кўп отлар ҳалок бўлди. Сориг Ўзан мавзеига етдилар.

Жумодиул-аввал ойининг биринчи куни (1391 йил 6 апрел) (дарёда) сув кўпайди. Бир неча кун тўхтаб туриб, кечув жойи изладилар. Сувдан ўтиб, ойнинг йигирма бирида (26 апрел) лашкар Кичик Доғ²га етди. У жойдан кўчиб, ўртада икки кеча ўтказиб, жумъа куни Улуғ Доғ³ мавзеига етдилар. Амир Соҳибқирон тоғ устига чиқиб, ҳар ён назар солди. Атроф поёнсиз саҳро ва чўли биёбон эди. У куни шу жойда тўхтаб, ҳамма лашкарга тош келтиришни буюрди. У жойда баланд бир нишона-минора кўтардилар. Тоштарошларга буюрди, улар у кунлар тарихини тошга нақш қилдилар, токи у нишона турар экан, замона саҳифасида бу юриш зикри боқий қолгай.⁴ (Назм):

Эшитдимки, гўзал табиатли Жамшид
 Чашма бошидаги бир тошга ёзган:
 "Бу чашма бошига биздек кўплар келганлар
 Кўзларин очиб-юмгунча ўтиб кетганлар".

У жойдан кўчгач, ов қилиб Илончуқ мавзеига⁵ бориб тушдилар. Яна кўчиб, Илончуқ суви⁶дан ўтиб, саккиз кун муддатда Аноқирқуюн мавзеига етдилар. Шанба куни (119) яна ов қилдилар. Ҳамма томондан жониворларни жамъ етдилар, улар шу қадар кўп эдики, бунга тенгини кўрсатиб бўлмас эди. Шу даражага етдики, улардан семизини олиб, ориқларини қўйиб юборар эдилар. Уларнинг орасида шундай оҳулар кўрдиларки, ундайини ҳеч кўрмаган эдилар: катталиқда буқадан улканроқ эди. Амир Соҳибқирон у жойдан кўчиб, Аноқирқуюн мавзеининг атрофига лашкар жўнатди. Бир-икки кун шу ерда тўхтаб туриб, аслаҳа ва совутларни кўриқдан ўтказдилар. Лашкар аҳлини инъому икром билан сийлаб, навозишларига сазовор этди. Лашкарга манғлой тайин қилиш борасида ўйлаб турган эди, шу аснода амирзодаи жаҳон Муҳаммад Султон баҳодир тиз чўкиб, мен манғлой бўлай, деб ижозат сўради. Амир Соҳибқиронга бу маъни бағоят мақбул тушди ва бу журъат ҳамда довуракликни унинг бахту давлати камолотга етишида яхши фол деб билди. Уни олий суюрғоллар билан тақдирлаб, лашкарга муқаддима этиб тайин қилди, атоқли улуг амирларни унинг хизматига қўйди. Мунажжимлар қутли соат ихтиёр қилиб, еттинчи жумоди ул-охирда (1391 йил 12 май) отга минди. Амирлар фармонга мувофиқ зафар ва нусрат жиловиди йўлга тушдилар. Икки кунлик йўлни босиб ўтдилар; олти жойда ўт ёқилганлигини кўрдилар. Бу лашкар қўнганлигининг аломати эди. Аммо ҳеч кимсани топмадилар. Яна бир неча кун йўл юриб, Тубул сувидан⁷ ўтдилар. У жойда кўп ўт ёқилганлигидан нишон кўрдилар; ўт ҳозиргача ҳам ёниб турарди. Аммо қанчалик тафтиш қилмасинлар, ҳеч кимдан асар топмадилар. Бу маънини Амир Соҳибқиронга арз қилдилар: "Билолмадик, у ўтлар бизнинг қаровулларнинг ўтими ёки душманларнинг ўтими?"— дедилар. Амир Соҳибқирон буюрдикки, қачарчи олиб, гулханлар атрофидаги тўёқ изларини текшириб кўрсинлар ва у жойдан кўчиб, Тубул сувидан ўтсинлар. Шу ҳолда қаровулдан чопар келиб арз қилди: "Беш юз манқал кўрдик, ҳаммасида ўт бор, лекин қанчалик текшириб кўрмайлик, ҳеч кишини топмадик, оёқларнинг нишон ва изини ҳам кўрмадик". Кескин раъй шуни тақозо қилдики, биргалашиб Тубул сувидан ўтгайлар. Аммо (шу орада) вилоят халқи ва лашкарлар кечиклардан ўтган ва кечиклар бузилган эди. Отлар

ориқлиги туфайли кўп отлар нобуд бўлди. Лашкарлар хашак ва ўтин йиғсинлар, деган ҳукм бўлди. Фармонга биноан ҳаммасини тўплаб сувга ташладилар ва кечик ясаб сувдан ўтдилар. Амир Соҳибқироннинг ўзи манғолой бўлиб олдинги аскарларга етди. Дашту биёбоннинг бутун майдони лашкарлар билан тўлди. (Байт):

Дашту сахро тоғу водий ҳамма жо
Тўда-тўда саф-басаф аскар билан тўлди расо.

Аммо қанча изламасинлар душмандан хабардор қиладиган бирор кишини топмадилар. Охири Амир Соҳибқирон Шайх Довудни чақириб, унга бир жамоа баҳодирларни кўшиб, душмандан хабар олиб келишга юборди. У улкан жангларда кўп заҳмат ва ранжу машаққат чеккан, хавfli ва ҳалокатли жойларни босиб ўтган, душман тузоғини узган, ақлу дониш ёрдами билан бандлардан халос топган бир марди майдон эди. Ҳа, (байт): (120)

Замонанинг иссиқ-совуғини тотмай,
(Шоҳ) саровардаси эшигига етолмайсан.

(Бу гуруҳ) икки кечаю икки кундуз йўл юриб, бир неча алочуққа етдилар. Улардан ўтиб, бир тепалик орқасига беркиндилар. Тонг отгандан кейин (алочуқдагилардан) бир киши отга миниб муҳим иш билан кетаётиб, буларнинг яқинидан ўтиб қолди. Уни тутиб (Соҳибқирон) ҳузурига олиб келдилар. (Соҳибқирон) Шайх Довудга кўп инъом-эҳсонлар бериб, хурсанд қилди. Сўнгра (асирдан) Тўқтамишхоннинг аҳволи ҳақида сўрадилар. У: "Бир оғ бўлдики, бизнинг ундан хабаримиз йўқ; биз эл ичидан чиқиб, шу жойда турибмиз. Аммо бир неча кун бўлдики, гоятда мукамал қуролланган ўн отлиқ киши хабаргирлик мақсадида келиб, шу яқинда бир тўқайзор бор, ўша ерда турибдилар дейишди", деб жавоб берди. (Соҳибқирон) Ийдхожага ўттиз навкар билан алочуқдаги кишиларни кўчириб олиб келишни буюрди. Хумори ясовулга йигирма киши билан бориб, ўрмондаги ўн кишини олиб келишни буюрди. Хумори ясовул уларга етгач, у ўн киши жанг қилиб қаршилиқ кўрсатдилар. Бир нечтаси ўлди, қолганларини тутиб келтирдилар. Улардан вазиятни сўраб билдилар ва у жойдан кўчиб, ойнанинг йигирма тўртинчисида (1391 йил 29 май) чаҳоршанба куни Ёйиқ сувига етдилар. Қачарчи: "Бу сувнинг уч кечиги бор, биринчисини Айғирёли,

иккинчисини Буркажит, учинчисини Чапмакажит деб атайдилар", деди. Амир Соҳибқирон деди: "Бу кечикларнинг учаласидан ҳам ўтиш тўғри эмас, уларга ишонч йўқ, чунки душман рўпарада; бурчак-бурчакларда беркиниб турган бўлиши ва кечиш вақтида пистирмадан чиқиши мумкин. Маслаҳат шуки, бу ердан кўчиб, сувни ёқалаб юрамиз ва Худого таваккал қилиб ўзимизни сувга уриб ўтамиз. (Байт):

Тасбиҳ ўгириб вақт ўтказмай ўзингни дарёга ташлагин.
Чунки Рухулқудс ўзи: "Аллоҳ номи билан ўтгайсан
ундан", деган.

Амирлар фармонга бўйин эгиб, шу соатдаёқ кўчдилар ва юқори юриб, Ёйиқ сувидан ўтдилар. Яна олти кун йўл юриб, Самар сувига етдилар. Ғалаба ёр лашкарнинг қаровули илгари кетган эди, душманнинг бир-бири билан сўзлашган овозини эшитиб, буни Амир Соҳибқирон ҳазратга маълум қилдилар.

Шу вақтда жаҳон амирзодаси Муҳаммад Султон душманлардан бир кишини тутиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига етказди. Ундан душман аҳволини сўраб билгач, манзилу марҳалаларни аниқладилар ва сувдан кечиш жойини топиб, кечаси у ерга тушдилар. Тонг отганда, ражаб ойининг биринчи кунини (1391 йил 4 июн) эди. Ийиқ сувидан ўтиб, душман томон юзландилар. Амир Соҳибқирон ҳамма лашкар ўтиб бўлгунча тўхтаб турди. Шу ўртада душмандан уч кишини тутиб келтирдилар. Улар ўзларининг тутқин бўлганларини билгач, ростини айтишдан бошқа чорани топмадилар. Улар айтдилар: "Бундан илгари икки навкар Идикудан қочиб келган эди. Улар (Тўқтамишга) Амир Соҳибқирон ҳазратнинг келаётгани хабарини бердилар: "Амир Соҳибқирон биёбон қумидан, дарахтлар баргидан ҳам кўп аскар билан етиб келмоқда", дедилар. Тўқтамишхон бу хабарни эшитгач, вужудида ғайрат ўти алангаланди. (121) Ҳозир у чап ва ўнг қўл лашкарларини жамъ қилиб Қирққўлда турибди, мамлакат атрофига элчилар юбориб, аскар тўпламоқда", дедилар. Амир Соҳибқирон ғалаба ёр лашкарларини тартибга солди, совут, қурол-аслаҳаларини кўриқдан ўтказиб, аскар-сипоҳларга жуда кўп инъому эҳсон қилди. Тўра ва говсипарларни тайёрлади. Душман билан оралиқда хандақ қазишлари учун лашкар қисмларига таноб тортиб ерни бўлиб берди. Шу тарзда эҳтиёт

чорасини кўрдилар. Сўнг у жойдан душман томонига юриб, катта ботқоқликка етдилар. Кўп машаққатлар билан у жойдан ўтгач, тушдилар. Шу куни қаровулдан душманнинг уч қўшини кўринди, деган хабар етди. Кетма-кет яна бошқа қўшинлар ҳам пайдо бўлди, деган хабар келди. Амир Соҳибқирон отга миниб илгари юрди, унинг буйруғи билан лашкар сафларни ростлаб, маймана ва майсараларни созлаб, жўнаб кетди. Шу орада қаровул душманлардан бирини тутиб келтирди. Ундан душман аҳволини суриштиргач, дарҳол ёсоққа етказдилар. Душман лашкаридан хабар олиб келиш учун Севинчак баҳодир ва Аргуншоҳ баҳодирни илғор қилиб юбордилар. Улар бориб, кўп текшириб бирор хабар топмадилар. Амир Соҳибқирон Мубашширни бу ишга тайин қилиб, хабар топмасдан қайтмайсан, деб таъкидлади. Мубашшир бир нечта мардона кишилар билан жўнади. Кўп саёу ҳаракатдан кейин бир тўқайзорга етдилар. Текшириб бориб, осмонга бўй чўзган бир тутуну тўзонни кўрдилар ва овоз ҳам эшитдилар. Яхшилаб қарагач, душман қорасини кўрдилар. Илгари юриб душманга етдилар ва улардан қирқ кишини тутиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. Соҳибқирон Мубашширга кўп таҳсинлар айтиб, саноқсиз инъому эҳсонларга хос қилди, асирлардан душман вазиятини сўради. Улар дедилар: "Тўқтамиш подшоҳ лашкарга Қирққўл мавзеида жамъ бўлишни буюрган эди. Биз бир қисм лашкар билан тайинланган ерга бордик. Аммо Тўқтамишхонни у жойда топмадик. Унга нима бўлганини билмаймиз, уни қидириб айланиб юрган эдик, бизни тутиб, бу ерга олиб келдилар". Улар шу сўзни айтиб турганларида Мамоқнинг ўғлини ярадор ҳолатда тутиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. У тиз чўкиб арз қилди: "Сарой томонидан келаяпман, подшоҳ олдида бормоқчи эдим, уни қароргоҳидан топмадим. Бошқа аҳволни билмайман", деди.

Амир Соҳибқирон амир Ҳамиднинг ўғлини чақирди. Лашкардан жанг кўрган йигитларни саралаб олиб, унга берди. Мавло ва Сойин Темурни бир жамоа мардона кишилар билан қаровуликка тайин қилиб: "Сизлар қаровул бўлинглар, қачонки душман лашкарининг қораси кўринса ва агар улар кўп бўлса, узоқдан қорангизни кўрсатинглар ва шундай ҳаракат қилинглarki, улар алданиб илгари келсинлар. Дарҳол биз томонга хабарчи юборинглар", деди. Улар йўлга равона бўлдилар. Йўлда лой, балчиқ ва кўп

сувлардан ўтгач, душмандан ўн беш нафар кишини кўрдилар. Сойин Темур илгари бориб, улар билан сўзлашиб қайтди ва Мавлони (Соҳибқирон олдига) қайтариб, хабар юборди. Ҳазрати Амир Соҳибқирон Ику Темурга бир жамоа ботир кишилар билан (122) душман томониغا бориб, душман аҳволидан тегишлича тўғри хабар келтиришни буюрди. У фармонга биноан жўнади, кўп сувлардан ва лою балчиқлардан кечиб ўтиб, душманни кўрди ва олдинга юрди. Улар тоғ устида назорат қилиб туришган эди. Бир жамоа атоқли жангчилар, марду майдонлардан жўнатди. Душманлар булардан хабар топгач, тўхтамасдан тегадан пастга тушдилар. Улар тоққа чиқиб, душманнинг жойини эгалладилар ва у жойдан қараб, ҳаммаси совут кийган ўттиз қўшинни кўрдилар. Қўшинлар бир пастлик жойда сафларни ростлаб қулай фурсат пойлаб турардилар. Бу хабарни Амир Соҳибқиронга етказдилар. Ику Темур: "Бизнинг ишимиз мушкул бўлди, оҳисталик билан қайтиш, сувлардан ўтиш керак", деди. Шунга биноан ўз кишиларини жўнатди. Ўзи эса етти-саккиз киши билан тўхтаб турди. Душманлар уларни кўргач, ҳужум қилдилар. Ику Темур мардлик ва ғайрат мақомида сабот билан туриб, уларга ҳамла қилди. Жон олувчи ўқ зарби билан бир қанча қўшинни тўхтатди. Камоли мардоналигидан то кишилари сувдан ўтиб бўлгунича тўхтаб турди. Шу ўртада ажал пистирмасидан бир ўқ етиб, унга тегди ва таъсири зоҳир бўлди, унинг отига ҳам ўқ тегиб, тик туролмаганлиги сабабли отдан тушди ва навқари ўз отини унга тутди. Яна бир ўқ отга ҳам тегди ва у ҳам ҳалок бўлди. Душманлар Ику Темурни ўртага олдилар. У камоли мардлиги ва ҳамяятлидигидан ожизликка тан бермади ҳамда кўп жанг қилиб, охири шаҳид бўлди. Душманлар уни танимаган эди, агар таниганларида, уни ҳалок қилишга шошилмаган бўлардилар. (Байт):

Ажал бирор кимсанинг этагидан тутса,
Унинг қўлидан қутулишнинг имкони йўқдир.

Охири у навниҳолни тубидан қўпордилар ва у мурувату одамийлик мамлакати биносини қулатдилар. На мол дастгирлик қилди ва на кишилари мададкор бўлди, на иқболу мансаби ажални тўсди ва на лашкарию сипоҳи қазони даф қилди.

Шу ҳолатда Амир Соҳибқирон ва амир Сайфиддин етиб келдилар. Бу ҳодисадан ғамга ботиб, тафаккур ва

ҳайрат ичида қолдилар. Зарурат юзасидан дарҳол лашкарни сувдан ўтказдилар. Душманни ўқ ва қилич зарби билан қайтардилар. У куни амир Ҳамиднинг ўғли Жалол баҳодир мардоналик ва ғайрат кўрсатиб, ўттиз чамалик киши билан биргаликда ўз ўрнини сақлаб турди ва қаршисидаги уч қўшиндан юз ўғирмади. Тағой Мергон ва Шоҳ Малик жидду жаҳд қилиб, кўп ўқ отдилар. Жалол баҳодир эса курко ва таблларни от гарданига боғлаб, қаттиқ жанг қилди ва душманни қочирди. Амир Соҳибқирон уни тарбият қилиб, мўътабар вилоятлардан бирини суюрғол сифатида ҳадя этди. Душманлардан уч кишини тутиб келтирдилар. Муҳаммад Арлотнинг иши ва куни шу жангда охирига етди. Кимда-ким у куни (бирор жанговарлик) ҳунарини (123) кўрсатган ёки мардлик йўлига қадам қўйган бўлса, Амир Соҳибқирон уни тарбият қилиб, кўнглини кўтарди, унга тархонлик нишонини берди ҳамда уларни ўз ҳузурига киришдан ҳеч ким манъ қилмасин, уларни ва фарзандларини тўққиз гуноҳ содир бўлмагунича сўроқ қилинмасин ва отларидан улов учун олинмасин, барча фавқулудда йиғин (тако-лиф)лардан мутлақо озод қилинсин, деб буюрди. Шоҳ Маликнинг мартабасини баланд кўтариб, унга парвоначи мансабининг хос муҳрини топширди. Унинг яқинлари ва қариндошларини ҳам тарбият қилиб, ўз иноят ва марҳаматига мушарраф этди ва унга вазирлик тўнини кийгазди. Сўнг у жойдан кўчиб, сахрога етиб бориб тушдилар. Лашкардан илғор жўнатмоқчи бўлиб турганларида қаровулдан киши келиб, икки томоннинг қаровуллари бир-бирига дуч келди, деган хабарни берди. Шу куни иззату иқбол билан душман томон юзландилар. Амир Соҳибқирон лашкарни маймана ва майсара қилиб тартибга солди ва шу зайдда илгари юрдилар. Ҳар куни душман қаровули бир кўриниш бериб, яна қайтарди. Беш кунни шу йўсинда ўтказдилар. Ўша кунлари қор-ёмғир кўп ёғиб, совуқ бўлиб турган эди. Олтинчи кунигина ҳаво очилди.

Амир Соҳибқирон лашкарни тартибга келтирди ва еттита қул қисмини муқаррар қилди. Бу шундай суратда адо этилдики, таърифга сизмайди. Аввал подшоҳ (Маҳмудхон) ҳазратларига тегишли қул қисми: унга бошломишийлик қилиш амирзода Сулаймоншоҳга топширилди; иккинчиси Амир Соҳибқирон ҳазратнинг ўзига хос қул қисми, уни бошқаришни амирзода Муҳаммад

Султон баҳодирга ҳавола қилди. Ва яна бир неча қўшунни ҳам ўзи учун хос қилиб, амирзода Муҳаммад Султон (қисмлари) ёнига таъйин этди. Ўнг қанотнинг қул қисмини бошқаришни жаҳон амирзодаси Амироншоҳ ва Муҳаммад Хуросонийга топширди. Ўнг қанот қанбулига амир Ҳожи Сайфиддин тайинланди.

Чап қанотнинг қул қисмида жаҳон амирзодаси Умаршайх баҳодир, унинг лашкари қанбулининг қули ва қалбига Бердибек ва Худойдод тайинланди. Ўнг қанот ва чап қанотга тегишли туман, ҳазора ва сада амирларининг ҳар бирига муносиб жой тайин қилинди.

Тўсатдан (душманнинг) қаровули пайдо бўлиб, унинг кетидан лашкарлар тўдалари тоғдек-тоғдек бўлиб етиб кела бошладилар. Уларнинг кўплигидан ақл кўзи хиралашди, отлар туёғи гардидан ҳаво юзи қоронғулашди. (Байт):

Лашкарлар отининг туёғи гарди
Дашту саҳро — бутун жаҳонни тутди.

Амир Соҳибқирон лашкарнинг баҳодир ва ботирлари пиёда бўлиб илгари юрсинлар, чодир, боргоҳ ва хиймаларни саҳрога тиксинлар, палосларни тўшасинлар, деб буюрди. Бу довюраклигу далирлик ва душманни менсимаслик ғанимлар дилида хавф ва қўрқинчни орттирди. Сўнгра ражаб ойининг ўн бешиди (1391 йил 18 июн) Қундузча мавзеида⁹ катта жанг воқеъ бўлди. Шу ҳолатда Амир Соҳибқирон раҳмли Тангридан паноҳ тилаб, пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборақ руҳига илтижо қилди. Ҳазрат Соҳибқиронга мулозимликда бўлган шарафли улуғ зотлар, Саййид Барака ва ундан бошқалар дуога қўл кўтариб, (124) Амир Соҳибқиронга фатҳу нусрат тиладилар.

Амир Соҳибқирон илоҳий кўмак қуввати билан душман томон юзланди. Ҳаммадан илгари амир Сайфиддин қилич яланғочлаб душман устига от қўйди ва қаршисида бўлганларни қочирди. Шу ҳолда лашкар орқасига ўтиш ва Оби Сиёҳ лабини эгаллаш учун душман лашкари ўнг қанотининг қанбул (қисми)дан ўтиб равона бўлдилар. (Улар ортидан душман лашкари ҳужумга ўтган эди)¹⁰ амирзода Жаҳоншоҳ баҳодир лашкарини тартибга келтириб, уларнинг олдини тўсиб, қайтарди. Яна Қулинчоқ баҳодир ҳамла қилиб, душманнинг бир қўшинини қайтарди.

Жаҳон аҳли амирзодаси Амироншоҳ душманга ҳамла қилиб, ўз муқобилида бўлган душман лашкарини қочирди. Усмон баҳодир эса ўзининг хос қўшини билан жанг қилиб турган пайтида тўсатдан хато қилиб отдан йиқилди ва яна отига миниб олди. Шу ҳолатда Амир Соҳибқирон ҳамла қилиб, душманларни тарқатиб юборди. Жаҳон аҳли амирзодаси Муҳаммад Султон ўз лашкарининг қул қисмини ораста қилиб, тартибга солиб душман томонга қўзғалди, унинг қаршисида бўлган душманлар қочдилар. Амирзода Умаршайх ҳам у кун мардоналик ва мардлик додини берди. Амирлар ва сардорлардан ҳар бири ҳаракат қилиб, ўз қаршисида бўлган душманларни тирқиратдилар.

Алқисса, жанг ўти алангаланди. Қалқону совутлар ўқ ва найза учи (игнаси) билан душманлар тани ва сийна-сига тикилди. Ғолиб лашкарлар тоғдек сабот билан оёқларини маҳкам қўйиб, ҳамкорлик елкаларини бир-бирларига тираб, душмандан юз ўғирмадилар. Тўқтамишхон ожиз қолиб, қарши туришга қуввати йўқлигини кўргач, Амир Соҳибқиронга тескари бурилиб, амирзода Умаршайх томонига юзланди. Унинг қўшини ҳам мукаммал тартибда эканлигини билгач, ундан ҳам юз ўгириб, Сулдуз ҳазораси ва қўшинига юзланди. Улар қанчалик муқобил туриб ўқ ёғдирмасин фойда бермади, душман лашкари улардан ғолиб келди. Сулдуз лашкаридан кўпини ҳалок қилиб, улар орасига ёриб кирдилар. Амир Соҳибқирон ноғора ва карнай овозлари дашту саҳроларни тўлдирсин, деб буюрди. Лашкарлар жўшу хурушга кириб, ҳой-ҳуй билан ҳамла қилдилар ва душманларни қочирдилар. Шу ҳолатда Чеко тавочи шошилич етиб келиб, душманлар лашкарларимизнинг орқа томонини эгаллаяптилар, деб хабар берди. Умаршайх баҳодирдан ҳам подшоҳ Тўқтамиш сипоҳини ораста қилиб, ўз лашкарининг қалб ва қанот (қисм) ларини батартиб сақлаб, бизнинг орқамиздан келмоқда, деган хабар етди.

Амир Соҳибқирон лашкарларни ораста тутиб, Тангри ҳазратига таваккал қилиб, орқага қайтди. Душман лашкарлари унинг келаётганини билиб, лашкарининг шавкати ва кўплигини кўргач, унга қарши туришга қудрат тополмай, тумтарақай бўлиб қочдилар ва биёбонга чекиндилар. Амир Соҳибқирон нусрат ва зафар шону шукуҳи билан бахт юлдузи тулуъ қилган пайтида отдан тушди ва

лашкарлардан саралаб, душман орқасидан никомиши учун жўнатди, токи уларни талон-торож қилиб, адабини бериб қайтгайлар. Улар фармонга биноан жўнадилар.

Ҳол шундай эдики, Кунча ўғлон, (125) Темур Қутлуғ ва Идикулар Тўқтамишхоннинг қадим душмани эдилар. Улар ҳазрат Соҳибқирондан паноҳ истаб келдилар. Амир ҳазратлари уларни эъзозу икромлар билан қарши олиб, уларга турли-туман лутфу марҳаматлар кўрсатди: гавҳару зар, кулоҳу камарлар билан сийлади. Шундан кейин улар тиз чўкиб илтимос қилдилар: "Агар олий ишорат жорий бўлса, биз ўз уйларимизга борсак ва уларни кўчириб, сиз ҳазратнинг ҳузурингизга келсак".

Амир Соҳибқирон уларнинг илтимосини қабул қилиб, бу борада ҳукмнома ва ёрлиғлар ёзишга буюрди ва ҳеч бир кимса буларнинг хонадонлари ва элларига дахл қилмасин ва тегмасин деб фармойиш берди. Улар тезликда аҳлу аёллари ва хешу таборлари билан келиб, янада кўпроқ илтифотларга сазовор бўлишларига қарор қилинди. Улар шу қарор ва аҳду паймон билан жўнаб кетдилар. Аммо уйларига етгач, вафосизликни шиор қилиб, субутсизликни ўзларига лозим билдилар ва ўз сўзларида турмадилар. Темур Қутлуғ ўғлон подшоҳликка ўтирди. Кунча ўғлон эса Амир Соҳибқироннинг шарафли суҳбатига кўп бор мушарраф бўлган, сафар ва қўнимларда эҳсонлар билан тақдирланган, нарду шатранж ўйинларида кўп кунларни биргаликда ўтказган, ўз элулусида тархонлик ҳукмини олган эди. У (эл-улусини) тартибга солиб қайтиб келди ва баъзи кишиларни ўзи билан бирга олиб келди, баъзиларини эса ўз ҳолича асбоб-олатлари билан жойида қолдирди.

Қайтиб келганидан кейин бир неча кун ўтгач, Темур Қутлуғнинг салтанат тахтига ўлтирганини эшитиб, икки-ланишга тушди, фурсат топиб, кечаси қочди ва ўз жойига қайтди. Амир Соҳибқирон ҳамма амирлар ва лашкарларни атроф-жавонибга юборган эди, уларни тўплашни буюрди. Улар чўлу биёбонлардан чиқиб келиб жамъ бўлдилар; фатҳу зафар жиловида фаровон мол ва хазиналар билан қайтдилар; шу даражадаки, пиёда навкарлар ҳар бири ўн бош, йигирма бош от, ҳар бир отлиқ эса юз бош ва ундан кўп от билан қайтдилар. Қўй ва бошқа нарсаларнинг ҳадду ҳисоби йўқ эди¹².

ХЛП. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ МОВАРОУННАҲРДАН МОЗАНДАРОН, ИРОҚ ВА ФОРС ТОМОНЛАРГА ЮРИШИ БАЁНИДА¹

Амир Соҳибқирон бахтли толей билан Тўқтамишхон муҳорабасидан қайтиб келгач, унинг кескин раъйи илгари тасхир қилгани Эрон мамлакатларидан яна бир ўтишни ва мамлакат юзини муҳолифлардан тозалашни тақозо этди. Шунга биноан туркларнинг маймун йилига тўғри келадиган етти юз (126) тўқсон тўртинчи йил ражаб ойининг бошида (1392 йил 24 май) жумъа куни сафарни ихтиёр қилиб, ҳумоюн байроқлар ҳаракатга келди ва шаъбон ойининг бошида (1392 йил 24 июн) Бухорога бориб тушди. Шу орада унинг соғлом мизожида беморлик аломати зоҳир бўлди. Шунга қарамай у яна йўлга чиқиб, Жўйи Зарга бориб тушди. У жойда хотинлари, фарзандлари ва ўғруқнинг етиб келишени талаб қилди. Жумладан, маҳди улё — баланд пояли беланчагу² ҳумо сояли Билқис, яъни Сарой Мулк хоним ва улуг бону, подшоҳ тожининг дурри, бахтиёрлик дебочасининг туғроси, яъни Соҳибқирон ҳазратнинг фарзанди Султонбахт оғолар бошқа фарзандлару хотинлар билан олий тахт поясига ҳозир бўлдилар. Жаҳон аҳли амирзодаси Муҳаммад Султон лашкарга манғлой бўлиб илгари кетган эди, у ҳам лашкарни ўз жойида қолдириб, танҳо келсин, деган фармон бўлди. Дарҳол турк ва тожик табибларини жамъ қилиб, етук даражада муолажага киришдилар ва касалликни даф этиш ҳамда бемор табиатини қувватлантиришнинг барча нозик шарт-шароитларини тугал бажо келтирдилар. Аммо охири амирлару вазирлар, хотинлару фарзандлар тушундиларки, <Биз Қуръонда мўъминларга шифо ва раҳмат бўладиган нарсаларни нозил қилдик>³ деган оят шифохонасидан келмаган ҳар бир шифо эътиборли бўлмайдиган ҳамда муфрадот нусхаси <Аллоҳ бандаларига лутф этгувчидир>⁴ деган оят табиби томонидан таъйин этилмаган ҳар бир дору фойда бермайди. Сўнгра пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг <даво қилинлар беморларингга садақа бериб> деган ҳадисларига эргашиб, хайрот ва садақотлар улашишга қўл очдилар: фақирлар, солиҳ кишилар, ожизлар ва мискинларни инъому эҳсонларига хос қилдилар. Муқаддас мазорларга садақалар юбордилар. Ўзларининг донғи кетган хос от-уловларини қурбон қилиб, фуқароларга тақсимлаб бердилар.

<Эй Муҳаммад), агар бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар, айтгил: Мен уларга яқиндурмен>⁵ деган оят унинг чексиз лутфининг баёнида ҳамда <Музтар-ночорлар дуо-илтижо қилганларида ижобат қилгувчи ким?!>⁶ деган оят унинг бениҳоят фазли ҳақида айтилмиш шаъни улуғлангур парвардигор ҳожатмандлар дуосини ижобат этиб, ўн бешинчи шаъбонда (1392 йил 7 июл) (Соҳибқироннинг) муборак мизожи тузалиш томон юз тутди ва олам аҳли буткул эминликка эришди. Бу неъматнинг шукронаси учун яна хайру эҳсонлар тарқатдилар.

Муборак мизож-аҳволи аввалги аслига қайтгач, лашкарни тартибга келтириш билан машғул бўлиб, амирзода Муҳаммад Султонни манғлой қилиб тайинлади ва рамазон ойининг олтинчи куни (1392 йил 27 июл) саодатли толеъ ва бахт юлдузи тулуъ қилган пайтда отга минди. Амир Ҳожи Сайфиддин баҳодирни Самарқанд томонига равона қилди. Муборак рамазон ойининг ўн бешинчи кунида (1392 йил 5 август) Омуя сувидан ўтиб, хотинлар, ого-бегимлар ва амирзода Шоҳрухга (Самарқандга) қайтишларига ижозат берди. Шаввол ойининг аввалида (1392 йил 21 август) Чўл мавзеидан ўтиб қўнди. Чаҳоршанба куни рамазон ҳайити намозини ўқиб, у жойдан кўчиб, Ялғуз огоч мавзегига келиб тушдилар. Шавволнинг йигирмасида (1392 йил 9 сентябр) Журжон суви қирғоғига етдилар. Бундан илгарироқ элчи бўлиб кетган Саййид Барака шу манзилга қайтиб келди. Саййид Камолиддиннинг ўғлини ўзи билан бирга олиб келди. У палос ўпиш шарафига етишгач, отаси аҳволини арз иззатгоҳига етказди ва айтди: "Отам итоат ва фармонбардорлик мақомида турибди ва бошини бўйсунуш остонасига қўйган, мол тўлашни ўз зиммасига олади". (127) Амир Соҳибқирон унинг кўнглини кўтариб, ҳурматлаб инъому эҳсонига хос қилди, сарпо берди. Қачонки Астрободга етганларида Луқмоннинг ўғли, Худо ярлақагур подшоҳ Тағой Темурнинг набираси бўлмиш Пирподшоҳ мақбул хизматлар вазибаларини бажо келтириб, зиёфат ва сара пешкашларни тақдим этди. У жойдан уч кўч юриб, тўқай ва тиканзорга етдилар. Тиканларни йиғиштириб йўл очишга фармон бўлди, фармонга биноан уч йўл очдилар. Ҳар бир йўлнинг эни бир ўқ отимича масофа эди. Ўрта йўлни қул (қисми) аскарларига тайин қилди. Қолган икки йўлни жавонғор ва баронғор лашкарларига белгилади. Шу тариқа равона бўлдилар. Саййид Камолиддин қочиб, Саййид Разиуддин томонига кетди. Омул вилоятига етишгач, Саййид

Ғиёсиддинга фармон бўлди, токи у бориб отасига насихат қилгай. Амир Соҳибқирон Омудда аскарларга тағор тақсим қилишни буюрди. Ҳамма лашкарлар мамнун ва осуда бўлдилар. Олдинда учрайдиган ҳар бир дарахтни йиқитиб, тикан, хашак ва ёғочларни лой ва балчиқларга ташлашга амр бўлди, токи лашкарнинг йўли кенг бўлгай. Фармонга биноан йўлдаги ўрмонларнинг ҳаммасини қуруқ саҳродек қилдилар. Лою балчиқларнинг ҳаммасини тикан, хашак ва ёғочлар билан тўлатдилар. Ҳар куни бир фарсах масофа йўл юрар ва (чакалакдан) тозаланган ерларда қўнар эдилар.

Бир неча кундан кейин йўллар очилиб, лашкарлар саф тортиб равона бўлдилар. Зулқаъда ойининг йигирма бешинчисида (1392 йил 13 октябр) икки томоннинг қаровул аскарлари бир-бирлари билан жанг қилдилар. Шайх Али баҳодир у куни мардлик ва жасурликнинг намунасини кўрсатди. Учинчи куни Саййид Камолиддин ва Мавлоно Имомиддин Амир Соҳибқирон ҳузурига келиб, амонлик тиладилар. Амир Соҳибқирон деди: "Мен илтимосингизни қабул қиламан, аммо шу шарт биланки, бу вилоятнинг катталари ва улуғлари ўз фарзандларини бир неча йиллик мол тўлови билан бизнинг олдимизга юборсинлар, қачонки уларнинг фарзандлари кўчган-қўнганимизда биз билан бирга бўлсалар, биз уларнинг оталарига амонлик берурмиз. Шу йўсунда улар эмин бўлгач, бизга ишониб ҳеч тўсиқсиз келиб-кегиб турадилар".

Душманлар бу шартни эшитгач, дарҳол ноғора қоқиб, муҳолифат изҳор қилдилар. Амир Соҳибқирон Пирподшоҳ, Арғуншоҳ Бурдолиқий, Нодиршоҳ ва Шайх Али Қарокўлийларни дарё йўли билан уларнинг ҳисори томон юборди. Улар бориб, душманларни ҳисорда муҳосара қилдилар, ҳамма кемаларини қўлга олдилар ва уларга ғалла тўлдириб, бу томонга ўтказдилар. Сўнгра дарҳол қўшинларга тартиб бериб, майдон мардлари туғ ва байроқлар, карнай-сурнай, ноғораю курколар билан кемаларда жўнадилар. Дарё юзи аслаҳа, совут, қиличлар шуъласидан қуёшдек ярқирарди. Халқнинг ушла, тут овози, лашкарнинг ҳайқириви, ноғоралар садоси ва урқоур овозлари қулоқлар пардасини йиртарди. Амир Соҳибқирон тезликда дарё лабига етиб келиб, лашкарга ҳисорни тўрт томонидан ўраб олишни буюрди. Фармонни бажо келтирдилар. Ўша куни шундай жанг бўлдики, унинг шарҳу баёнига тил қисқалик қилади. (128) Оқибат сиртқи ҳисорни эгалладилар. Душманлар ички

ҳисорга қочдилар. Зулҳижжа ойининг аввалида (1392 йил 19 октябр) шанба куни Амир Соҳибқирон отланиб, қўрғон томонга юзланди. Марди майдонларнинг ҳамласи қўрқинчидан душманда заҳра қолмади, жон хавфидан қалбларига хафақон изтироби тушди. Заруратан ҳисордан чиқиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб Амир Соҳибқирон ҳузурига йўл олдилар. Учрашув аввалида ёмон эътиқодлари сабабли уларга таҳдид қилиб қаттиқ сўзлар айтди, охирида эса уларга яхши ҳурмат ва чексиз инъому эҳсонлар кўрсатиб мамнун этиб, бепоеън миннатларга чўмдирди, токи улар ёмон эътиқодларини тарк этиб, бундан кейин аҳли суннат ва жамоат йўлидан юриб ҳаёт кечиргайлар ва шариатга амал қилиб, илм аҳлига ҳурмат кўрсатгайлар. Фарзандларини ҳам шариат илмларини ўқишга тарғиб этгайлар. Уларнинг ҳаммаси насиҳатни қабул этиб тавба қилдилар ва ўз эътиқодларидан қайтганларини изҳор этдилар. Бу мақол баёнида ҳол тили билан дедилар (байт):

Мусулмонлар, мусулмонлар, мусулмонлик, мусулмонлик,
Бу динсизлар йўлларида пушаймонлик, пушаймонлик.

Амир Соҳибқирон уларнинг ёмон йўлдан қайтиб, шариат ва ислом йўлига кирганларини билгач, уларни сийлаб, сарпо ва инъомларга сазовор этди. Уларнинг орасида бадэътиқод авомлар кўп ва фидойилар ҳисобсиз бўлганлиги учун ҳамма бузуқчиларни қиличдан ўтказсинлар, деган ҳукм жорий бўлди. Саййид Камолиддинни аҳлу аёли билан кемага ўтказиб Хоразмга юборди, қолган тобёлари ва яқинларининг ҳаммасини Самарқандга жўнатди. (795 йил) муҳаррам ойида амрга мувофиқ Шосмон мавзеида олий бир янги сарой қурдилар. Амир Соҳибқирон ойнанинг йигирмасида (1392 йил 6 декабр) у жойга тушди. Лашкарларни жамъ қилиш учун атрофга элчилар юборди. Илгарироқ бу муборак фатҳнинг хабарини Самарқандга оғо-бегимларга ва хотинларга юбориб, уларни ўз ёнига чақирган эди. Бу хабар етгач, ҳаммаларининг умидлари шоҳида шодлик гуллари очилди. Кунларни шодлик ва хурсандлик мақомида кечирдилар, назр ва садақотларни ҳожатмандларга етказдилар. (794 йил) зулҳижжа ойининг йигирма бешинчисида (1392 йил 12 ноябр) душанба куни отланиб, Соҳибқирон ҳазрат томон мутаважжиҳ бўлдилар. Самарқанддан жўнаб, Тутак мавзеига келиб тушдилар. Сешанба куни совуқ туриб, қаттиқ шамол қўзғалди. Лашкарнинг кўпи саҳродан Шосмондаги уйларга

қочиб келди. Тонг отгач, Дамашқ деб аталган мавзедаги хонақоҳга тушдилар. Икки кун у жойда тўхтадилар. Учинчи куни ҳаво яхши бўлгач, у жойдан кўчиб, тунда Қарши мавзеига етдилар. У ерга Амир Соҳибқирон ҳазратларидан яна бир чопар келиб, тез юришни буюрди.

Шу кунларда бу хонадоннинг кўз қорачиғи ва чароғи бўлмиш амирзода Шоҳруҳда кўз оғриғи пайдо бўлди. Шундай бўлса ҳам тезликда кўчиб, (795 йил) муҳаррам ойининг⁷ ўн тўртинчи куни (1392 йил 30 ноябр) душанбада Омую сувидан кечиб ўтиб қўндилар. Сўнг у жойдан (129) кўчиб, шанба куни Мохонга келдилар. Ҳиндувон қишлоғига етганда, юкларни қўйиб танҳо жўнадилар. Жилован мавзеига етганларида, Амир Соҳибқирон иштиёқи зўрлигидан ва интизорлик кучлилигидан шошилиб унинг истиқболига келди. Бир-бирларига етишгач, амонлик шохидан мурод гулини тердилар, бир-бирларининг дийдорларидан шодликлари ортди. Айшу ишратга машғул бўлдилар. У жойдан бир неча бор кўчиб, Мозандаронга келдилар.

XLIII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ МОЗАНДАРОНДА ҚИШЛАБ ҚОЛИШИ, У ЖОЙДАН ИРОҚ ВА ШЕРОЗ ТОМОН ЮРИШИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон туркларнинг товуқ йилига мувофиқ келган етти юз тўқсон бешинчи йил муборак сафар ойининг йигирма тўртинчисида (1393 йил 9 январ) панжшанба куни Мозандарондан отланиб, ҳар ўн кишидан учта аскарни саралаб олди. Улуғлик шабистонининг чодирини ва поклик саропардаси бўлмиш бонулари — Сарой Мулк хоним ва Тумон оғоларни ўғруқда қолдириб, амир Ёдгор, амирзода Жаҳоншоҳ, амир Шамсиддин, амир Ҳожи Маҳмудшоҳ ва амир Учқаро баҳодирларни уларни муҳофазат қилиб туриш учун тайин қилди. Чўлпон Мулк оғо, Дурсултон оғо ва Нигор оғоларни ўзи билан бирга олиб жўнади. Амирзода Шоҳруҳ баҳодирни Вали яйлоқи томонидан қаровул этиб тайинлади. У жойдан Домгон¹, Семнон² ва Рай томонига жўнади. У вилоятда бутун лашкарга улуфа ва тағор тақсим қилди. Амирзода Муҳаммад Султон ва амирзода Пир Муҳаммад иттифоқликда Қазвин³ вилоятига етдилар. Шоҳсуворни⁴ тутиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига юбордилар.

У жойдан муборак ялов Султония томон равона бўлди. У манзилда Ақчаки вафот этди. Ортқушоқ эса бевафолик қилиб қочди. Қўрғонни, қалъани мусаххар ва забт қилиб, бир ҳафта у жойда тўхтаб турдилар. Амир Соҳибқирон аскарга яна тағор ва улуфа тақсим қилиб берди. У жойдан Бағдод томонига жўнаб, Курдистондан ўтди. Мавло Амир Соҳибқирон томонидан амирзода Муҳаммад Султон олдиға юборилиб: "Амирзода Пир Муҳаммад билан бир иттифоқда Чимчимол йўлидан юриб, Курдистон дарбанди томонига равона бўлсинлар, кимдаким бўйсунмаса вилоятини талон-торож қилсинлар, кимки эл бўлиб олдиларига келса, азиз тутиб ўзлари билан бирға олиб юрсинлар, вилоятига зарар етказмасинлар", деган фармонни етказди. Фармонга биноан у томонга жўнаб, Ҳисори Санқурга етдилар (130) ва уларнинг ғаллаларини (уловларга) едирдилар.

(Амирзода Муҳаммад Султон) Севинчак баҳодир, Мубашшир баҳодир ва Темурхожа баҳодирларни катта лашкар билан илғор қилиб Курдистоннинг бошқа томонларига юборди ва ўзи ҳам отланиб Дарбандга етди. У вилоят лашкаридан бири қочиб келиб, амирзода Муҳаммад Султон хизматига етишди ҳамда: "Бу вилоятнинг йўлларини мендан яхшироқ биладиган киши йўқ, агар фармон бўлса мен қачарчи бўлсам", деди. Амирзода унинг кўнглини кўтариб сарпо кийдирди. Шайх Али баҳодирни манғлой қилиб, қачарчини у билан жўнатди. Курдистоннинг улуг амирларидан бўлган Иброҳимшоҳ дўстлик мақомида туриб, итоатга кирди. Унинг ўғли Султоншоҳ улуг амирзода хизматига етишиб, тўққиз-тўққиз ва пешкашлар олиб келди. Жаҳон амирзодаси Шайх Али баҳодирга чопар юбориб, уни чақиртирди. Шайх Али баҳодир қайтишга жазм қилиб, йўл асбобларини ҳозирлаш билан машғул бўлди. Шу орада юқорида айтиб ўтилган қачарчи фурсат пойлаб унга пичоқ урди ва ҳалок қилди. Шу жойнинг ўзида қачарчини ҳам турли уқубатлар билан ўлдирдилар. Амирзода Умаршайх ўнг қўл томонга жўнаган эди. Кўшки Чўпон мавзеидан ўтиб, душманлар диёрига мутаважжих бўлди ва Наво мавзеидан ўтиб, Қум музофотидан бўлмиш Кур қалъаси ва ҳисорига етди. Уни дарҳол мусаххар қилди. Қалъанинг кутволи Муҳаммад Қумий эди, уни тутди, душманларнинг бахтсизлиги зоҳир бўлди.

Бир кеча ўтказиб, иккинчи кун у жойдан Марвон мавзеига етди. Музаффар шошилини равишда истиқболга келди. У жойдан кўчиб, Караҳруд мавзеига етди. Ис-

фандиёр ожизлик ва узрхоҳлик мақомида туриб чиқиб келди. У жойдан отланиб Турин мавзеидан ўтдилар. Жумъа куни рабиъ ул-охир ойи аввалида (1393 йил феврал ойининг охири) Амир Соҳибқирон Буружардга келиб тушди. Амир Умаршайх у жойда Соҳибқирон ҳазрат билан учрашди ва ижозат сўраб ўз мурчалига қайтди. Амир Соҳибқирон Сайфиддин тожикни у мавзегга меҳтар қилиб тайинлади ва унга бир лашкарни топширди. Шайх Микоилни Ниховандни забт этишга тайин қилди.

Амир Соҳибқирон учинчи куни Хуррамобод мавзеига етди. Малик Иззиддин тўхтаб туришни маъқул кўрмай, қочишга юз тутди. Амир Соҳибқирон бир кеча у ерда қўнди. Иккинчи куни қалъанинг муҳофазати учун бир лашкарни тайин қилди. Шу куни амирзода Умаршайх етиб келди. Амир Соҳибқирон ҳазратлари билан мулоқот қилиб, шу соатдаёқ отланиб, Малик Иззиддинни тутиш учун жўнади. Амир Соҳибқирон ҳам ҳар томондан унинг тарафига киши юборди ва ўзи Хуррамободдан ўтиб ўғруққа етди. Амирзода Умаршайх Малик Иззиддинни излаб бориб, Мункаро ҳисорига етди. Ҳар қанча қидирмасин ундан бирор асар топмади. Тоғу саҳролардаги халқларнинг ҳаммасини мутиъ ва мусаххар қилиб, Обсол мавзеида Амир Соҳибқирон ҳазрат хизматига келди. (131)

XLIV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ШУШТАР ТОМОНИГА БОРИШИ БАЁНИДА

Шу ўртада муборак ялов Шуштар томонига жўнади¹. Амирзода Умаршайх ўнг қўл томондан лашкар тортиб (Хувайза йўли билан)² борсин, деган ҳукм бўлди. Амирзоданинг у томонга юргани овозасини эшитган муҳолифлардан ҳеч бирининг тўхтаб туришга мажоли қолмади: Шоҳ Мансур томонидан шаҳарга³ ҳоким бўлган Ислом қалъа ва шаҳарни ташлаб қочди. Улуғ амирзода унинг йўлини тўсиб, қўлга олди. Амир Соҳибқироннинг нусрат шиорли яловлари шанба кечасида отланиб, чоштгоҳ пайтида Дизфулга⁴ етди. У жойдан Шуштар томонига мутаважжих бўлиб, бир баланд тепага етиб борди. Бир оз фурсат тушиб, отларга дам бергач, яна отга миниб равона бўлди ва ўртада бир кеча ўтказиб, саҳар пайтида Шуштар вилоятига етди. Лашкарни ораста қилиб, муборак зоти сув лабига тушди. Лашкарлар Шуштар шаҳри

атрофини талон-торож қилиб, жуда кўп ганимат олиб келдилар. Амир Соҳибқирон чаҳоршанба куни сувдан ўтиб, шаҳар чеккасидаги хурмозорга тушди. Амирзода Муҳаммад Султон ва амирзода Пир Муҳаммад Дарбанддан жўнадилар. Йўлда вилоятларни забт этиб, мухолифларни янчиб, Шуштарда палос ўпиш шарафига муяссар бўлдилар.

Малик Иззиддинни излаб кетган амирзода Умаршайх уни тополмагач, Ҳувайза томонига юзланди ва у мавзени эгаллади. Шу вақтда амир Севинчак келиб, ушбу фармонни етказди: "Олий ҳазрат жаноблари Шерозга мутаважжиҳ бўлдилар, амирзода ўғруққа бориб, Шерозда палос ўпиш шарафига етишсин". Улуғ амирзода лашкарни тартибга солиш учун беш-олти кун тўхтаб турди-да, сўнгра йўлга тушиб, аъло ҳазрат хизматларига юзланди. Шу ўртада Амир Соҳибқирон яна киши юбориб амр қилди: "Ўғруқни қўйиб, лашкарларни кўтарсин ва тезликда Шероз томонига йўналсин". Амирзода Умаршайх Хожа Масъуд Сабзаворийни Шуштарга ҳоким ва қоим мақом қилиб қўйиб, ўзи Шероз томонига жўнади.

XLV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ШЕРОЗ ДОРУЛМУЛКИ ТОМОН ЖўНАГАНИ БАЁНИДА

(Амир Соҳибқирон) Шерозга жўнагач, бириңчи бор Оби Шўрда манзил қилди, шанба куни Ромизга¹ келиб тушди. (132) Якшанба куни Руди Манқутдан ўтиб тўхтади. Душанба куни Човшон мавзеига тушди. Сешанба куни Арғувон номи билан машҳур бўлган Луристон сувига етди. Сувдан ўтиб тўхтади. Чаҳоршанба куни Оби Ширинга етиб, Бидак мавзеига тушди. Жумъа куни лашкарнинг қул қисми Жулоҳон мавзеига етди, шанба куни Моли Амир Шулга етиб, тўхтамай ўтди; якшанба куни эса Оби Жулоҳонга келиб тушди. Тунда Қалъайи Сафидда ёқилган ўтни кўрдилар. Душанба куни ўнинчи жумоди ул-аввалда (1393 йил 24 март) Қалъайи Сафидга етдилар. У ғоятда мустаҳкам қалъа бўлиб, эни ва узунлиги тўрт фарсахни ташкил этарди. У бир баланд тоғ устига қурилган, қалъанинг атрофида жуда кўп оқар сувлар бор эди; унинг буржлари баландликда осмонга бош кўтарган эди. (Байт):

Унинг қаттиқлиги олдида тоғ уялади,
Баландлиги олдида эса осмон ор қилади.

Унга чиқиш йўллари тангу тор, айланма-айланма бўлиб, шу қадар машаққатли эдики, агар уч киши улардан бирига туриб олса, минг-минглаб кишиларни тўхтата оларди. Унинг рахналик жойларини тош, ганч ва оҳак билан мустаҳкамлаб, ичига саройлар ва яхши уйлар солгандилар. Беш йил бўлдики, уни Шоҳ Мансур ўз қўлига олиб, Саодат исмли бир ишончли кишисини қўйган эди. Ғалаба ёр лашкарлар у жойга етгач, қалъанинг этагига чодир ва боргоҳларни қурдилар. Саропарда ва соябонларни кўтардилар. "Тўхтамасдан қўрғонга юрсинлар", деган фармон содир бўлди. Дарҳол худди мўру малахдек жўш уриб, юз мингларча одам қалъага юзланди. Жаҳон амирзодаси Муҳаммад Султон ўнг қўл томондан келди, унинг кетидан амирзода Пир Муҳаммад ва амирзода Шоҳрух баҳодирлар чап қўлдан жўнаб, ўзларининг мурчалларига етиб бориб тушдилар. Бошқа сада, ҳазора ва туман амирларининг ҳар бири ўз жойларидан ҳаракатга кирдилар. Ноғора ва карнай овозлари тоғ юрагини ёрди. Қалъа аҳли ниҳоят даражада кўрқинч ва саросимага тушиб, қўл-оёқлари билан тошларни юмалатар эдилар. Шу сабабли аскарлардан кўпи ҳалок бўлди. Амирзода Муҳаммад Султон мардлик кучи ва камоли ботирлигидан ҳаммадан илгари қалъа ва ҳисорга чиқди. Душманларни ҳайдаб, уларнинг жойини эгаллади. Туғ ва яловларни қалъа устига тикди. Аскарлар унинг қуввати ва мардоналигини кўриб, далир бўлиб қалъанинг ҳамма томонидан кирдилар ва душманларни мағлуб қилиб, қалъани олдилар. Қалъадаги сипоҳ ва аскарларни ўлдирдилар. Шоҳ Шужоънинг ўғли Зайнулобидинни Шоҳ Мансур тутиб олиб, кўзига мил тортиб, шу қалъада маҳбус сақлар эди, уни Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. Амир Соҳибқирон Зайнулобидинни ўз иноятларига мушарраф этиб, унинг кўнглини кўтарди ва: "Албатта душманлардан сенинг ўчингни оламан, уларнинг ёмон феъли жазосини ўзларига қайтараман", деди. У қалъа аҳлидан муҳолифлик қилиб жангда қатнашган **(133)** барча эркакларни ўлдириш, асир олинган аёллар ва болаларни озод этишни буюрди. Қалъага Малик Муҳаммадни кутвол этиб қолдирди. Сўнг у жойдан кўчиб, Навбандгон мавзеига етиб бориб тушдилар. Тонг

отгач, у жойдан отланиб, Бавон деб аталган ўзан ва дарадан ўтдилар. Чаҳоршанба куни дашту саҳрога бориб тушдилар. Панжшанба куни кечки пайтда Работ мавзеига қўндилар ва жумъа куни бомдод вақтида Гуйим қальъасига етдилар. Амир Соҳибқирон ўша куни пешин пайтида икки қул қисмини: бирини ўз шарафли зоти учун ва яна бирини жаҳон амирзодаси Муҳаммад Султон учун тартибга келтирди. Лашкарнинг қанбулига амирзода Пир Муҳаммадни қўйди. Темур Хожа унинг узангиси хизматида ҳировуллик қилишга тайинланди. Чап қанот қисмда амирзода Муҳаммад Султон баҳодир, унинг қанбулида Шайх Темур баҳодир бўлди. Амирзода Шоҳрухга илгари юришга ва Усмон баҳодирга қаровул тарзида жўнашга фармон бўлди.

Озгина йўл юрганларидан кейин душманлар узоқда пайдо бўлди. То душман ўтиб кетгунча бир пастқамликда ўзларини пинҳон тутиб турдилар. Сойин Темур, Улус, Тамук, Мавло, Қаро Муҳаммад ва Баҳром бирдан душман қаровули томонга от қўйдилар ва уларни ўртага олдилар. Охирида Амир Соҳибқироннинг бўз отига минган Баҳром баҳодир от қўйиб душманга етди. Душманлардан бирининг сонига қилич солиб, уни тутиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига етказди. Ундан вазиятни сўраб аниқлагач, йўлга равона бўлдилар. Бир фарсах миқдоридан юрганларидан кейин душман лашкари пайдо бўлди. Тўрт минг чамасидаги отлиқ ҳаммаси багтар кийган, сифати айтилса гап кўпайиб кетадиган даражада мукамал қурол-аслаҳалар билан қаршидан чиқиб келдилар. Шу ҳолатда Амир Соҳибқироннинг ёнида қарийб ўттиз минг киши бор эди. Шоҳ Мансур мардоналик кўрсатиб қиличини қинидан суғурди ва ўз ёнидаги баҳодирлар ёрдамида жанг қилиб, ғалаба ёр лашкарни иккига ажратди ва улар ўртасидан ўтиб келиб, Амир Соҳибқирон турган тепаликка етди. Шу қадар кўп сипоҳ тарқалиб кетиб, сўнг яна жамъ бўлди, маймана ва майсараларни ростлаб, ҳазрат Амир Соҳибқирон томон юз тутди.

Шоҳ Мансур ҳамла қилиб, яқин келди. Амир Соҳибқирон жон олувчи найзаси зарби билан унинг ҳаётини ҳалокатга учратишни хоҳлади, лекин унинг (найзасини олиб юрувчи) Пўлод номли найзадор йигити жанг кунининг ҳайбатидан қўрқиб, ўз жойидан қочган эди. Шоҳ Мансур шижоат мақомида туриб, шамшир яланғочлаб Амир Соҳибқиронга ҳамла қилди, иш шунгача

бордики, у Амир Соҳибқироннинг муборак дубулғасига шамшир етказди. Аммо Тангри таоло Амир Соҳибқиронни ўз ҳимоясида сақлаб келганлиги учун бу ҳодисадан унга зарар етмади. Ҳазрати Амир Соҳибқирон тоғдек сабот билан оёғини жойидан қўзғатмади ва бу ҳолдан пинагини ҳам бузмади. Абдул Ахтачи унинг боши устида қалқон тутиб турган эди. Шу ўртада Хумори ясовул келиб, мардонавор жанг қилди. Маҳмудшоҳ ҳам (134) душманга ҳамла қилди. Тўкал боварчи отига қамчи уриб, тезлатиб ҳайдади ва кўп жанг қилди. Муҳаммад Озод ҳам зўр мардоналик кўрсатди. Иттифоқликда душманни нарига сурдилар. Амир Соҳибқирон лашкарнинг қалбидан қул қисми билан ҳаракат қилиб, ўз қаршисидаги лашкарларни тору мор этди. Жаҳон амирзодаси Муҳаммад Султон ғалаба қозониб, душманнинг ўнг қанот лашкарини қувлади. Мубашшир баҳодир ва унинг ёнида бўлган амирлар душманларнинг пайига тушиб қувладилар. Амирзода Пир Муҳаммад эса душманнинг чап қанот лашкарларини шикастлангирди. Амирзода Шоҳрух мардонавор ҳамла билан зўр жанг қилди. Душман лашкаридан қочган жамоалар тарқалиб кетиб, яна йиғилиб келдилар. Байром Сўфи, Гиёсиддин Тархоннинг ўғиллари, Хожа Рости ва Жалол ҳар бирлари ўз жойида туриб, жидду жаҳд вазифасини адо этдилар ва ўз қаршисида турган лашкарларни тарқатиб, пароканда қилиб юбордилар. Абдулхожа ва Шайх Муҳаммад ҳам жонбозлик кўрсатдилар. Эмликнинг вафодор қўшуни², бўй қўшуни³ ва турклар қовчин деб атаганлари аслий хосса қўшун, Шайх Али ва Лолим, Лиқ Али қўшуни атроф-жавонибдан ҳамла қилиб душманни қувладилар. Аллоҳ таоло Амир Соҳибқиронга ғалаба ато этиб, ёмон нафаслар шарри оламдан кесилди. Шоҳ Мансурни ўша маъракада қатл этдилар⁴. Унинг лашкари енгилиб, пароканда бўлиб кетди. Шу аснода Керо қабиласидан мунтазам бир қўшун Шоҳ Мансурнинг ўлдирилганидан беҳабар иккинчи бир томондан чиқиб келди. Амирзода Шоҳрух баҳодир улар томонга от қўйди. Уларнинг ҳаммаси қочибга юз тутди. Ғолиб лашкар душман кетидан қувиб бориб, кўпини ўлдирди. Уларнинг қурол-аслаҳалари ва бор нарсаларини ўлжа қилиб олиб, сарафроз ҳолда қайтдилар. Амир Соҳибқирон узангисига зафар ва жиловига ғалаба ҳамроҳ бўлиб, бир тепа устига чиқди. Нўёнлар, амирлар ва

давлат арконлари шундай фатҳ билан табриклашга киришиб дедилар. (Байт):

Танрига ҳамду сано, қилди зафардин комрон
Этдилар душманни тор-мор ҳазрати Соҳибқирон.

Бу воқеадан кейин Шероз пойтахти томон юзланиб, у ерга етиб бордилар. Амир Соҳибқирон дарвозаларни эгаллаб, хонадонлардан от, туя, хачирлардан иборат мучалко олишни буюрди. Уни бажардилар. Амир Соҳибқирон душманларнинг хазиналари, моллари ва қолдириб кетган нарсаларининг ҳаммасини амирларга ва аскарларга тақсим қилиб берди. Амирзода Муҳаммад Султонни иззату шавкат билан Исфаҳон томонга жўнатди.

Умаршайх баҳодир ўзининг лашкарларини ороста қилиб, душман кишиларидан қолганларини тутдилар; унинг аскарлари жуда кўп мол ва неъматларни ғанимат олдилар. Оқ Қўрғон мавзеидан ўтиб, Козерун⁵ вилоятига етдилар. Бир неча кундан кейин жаҳон амирзодаси Козерундан Амир Соҳибқирон ҳузурига етиб келсин, деган олий фармон содир бўлди. У фармонга биноан етиб келди. (135) "Мамлакат ишларини бошқариш, дину давлат қоидаларини мустақкамлаш учун Форсда туриш ва бу мамлакат ўзга мамлакатларга нисбатан бамисоли гарданбанд ўртасидаги боғловчи дурдонадек ва барча шаҳарлар дебочасининг зийнатидек бўлганлиги сабабли, бу диёрнинг манъ этиш ва ҳал қилиш ишлари жаҳон амирзодаси Умаршайхнинг ўткир раъйи ва узоқни кўра билувчи ақлига ҳавола этилсин", деган ҳукм чиқарилди. (Шаҳзода) фармонга мувофиқ иш тутди. Амир Соҳибқирон шарафига тўй бериб, ҳар нав хизматларни бажо келтирди, бу борада тақдим этилиши лозим бўлган тақаллуфотларнинг энг нозик нуқталарига ҳам риоя қилди, сўнгра мамлакат ишларини бошқаришга киришди. Золимлар зулмини дафъ этиш ва уларнинг номақбул қоидаларини бартараф қилишда керагича саъю ҳаракат кўрсатди.

Муҳаммад Музаффарнинг авлоди ва набиралари у мамлакатни эгаллаб, ҳар бири бирон шаҳар ва мавзеда ўз номига сикка урдириб, хутба ўқитган, "Яқин қариндошлар бир-бирларига чаёндекдирлар" (деган мақол тимсолида) бир-бирларининг қони, номуси ва мол-мулкига тажовуз қилиб келаётган эдилар. Шу боис барча раиятлар доим турли ҳодисалар остида эзилиб, хорлик ва ранжу машаққат жабрини тортиб, фуқаро ҳолига беқарорлиги

алгов-далговлик йўл топган, мамлакат ишлари ўз тартибу интизомидан чиқиб кетган эди.

Мамлакатнинг ҳамма катта-кичиклари Амир Соҳибқирон ҳузурига йиғилдилар. Раият ва мамлакат аҳолиси (музаффарийларнинг) зўравонликлари ва халққа ўтказган жабру зулмлари ҳақида арз қилиб дедилар: "Агар Амир Соҳибқирон яна бир бор мамлакат жilовини уларнинг қўлига берсалар, уларнинг зўравонлик ва жабру ситам қўлини халқ устидан даф қилмасалар, бутун аҳоли хорлик майдонида оёқ остида қолиб, ҳалок бўлғусидир". Йигирма тўртинчи жумоди ул-аввалда (1393 йил 7 апрел) ҳукмга мувофиқ у (музаффарий)ларнинг ҳаммасини тутиб банди қилдилар. (Амир Соҳибқирон) амирзода Умаршайх баҳодирга у мамлакатни суюрғол қилиб берди ва ҳокими мутлақ қилиб тайинлади. Шероз лашкарларининг ҳаммасини унинг хизматига қўйди. Жумоди ул-охирнинг бешинчисида (1393 йил 18 апрел) жума куни у жойдан кўчиб, Исфаҳон йўлига равона бўлдилар. Ойнинг ўн иккинчисида (1393 йил 25 апрел) сешанба куни фармонга биноан музаффарий хонадонига мансуб барча маликларнинг каттаю кичигини ёсоққа етказдилар. Ёшидан қарисигача барини қиличдан ўтказдилар. У шон-шавкату сардорликлар тугади ва у мамлакатдорлигу подшоҳликдан асар қолмади. Тахтни тобут тахтасига алмаштирдилар. Қасрлардан айрилиб қабрларга қаноат этдилар. Осмон олдида бўйин эгмаган бош косаси илону чумолиларга озиқ бўлди. Баҳодирларга саркашлик кўрсатган гарданлар, хорлигу номуродликка бўйин эгди. Завол навбати уларнинг молу мартабаларига етгач, қуруқ саҳро уларга оромгоҳу хобгоҳ бўлди. Ҳа шундай, жаҳонда қайси давлат борки унга завол бўлмаса?! Ва қайси подшоҳ борки, у (нариги дунёга) кўчмаса?! Бугун одамлар улуғлик ва сарафрозлик билан (атрофга) разм соладилар ва жаҳонга ёшлик ҳамда енгилтаклик кўзи билан қарайдилар. Аммо у сарафрозлик тезда пастга энади ва борлигу шон-шавкат тезда йўқлигу хорликка алмашинади. (Маснавий):

Агар сиррин очса фалак-осмон,
Кўрсатса аввалин, охириин ҳамон,
Ётар қўйнида номдори жаҳон,
Дили қонга тўлган тополмай омон.
Этаги тўла марди доно билан,
Қучоги тўла ёшу барно билан. (136)

XLVI. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ШЕРОЗДАН ЧИҚИБ ИРОҚ ТОМОНИГА ЖЎНАГАНИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон Шероздан отланиб, панжшанба куни Исфаҳонга етди. Амирзода Муҳаммад Султон баҳодир бир жамоа аскарлар билан у жойда турган эди, Амир Соҳибқироннинг истиқболига чиқиб, палос ўпиш шарафига етишди. То беш кунгача ҳар куни янги-янги тўйлар бериб, ўлчовсиз пешкашлар тақдим этди. Амир Соҳибқирон ражаб ойининг олтинчисида (1393 йил 18 май) у жойдан кўчиб, равона бўлди. Амирзода Шоҳрух ва ҳамма амирзодалар Сарой Мулк хонимни кутиб олишга чиқдилар. Ўртада бир кеча ўтказиб, Амир Соҳибқирон Журбодаконга етди. Яна бир кеча ўтгач, у жойдан Анкудон вилоятига келди. Бу қавм душманлик қилиб, мухалифат изҳор этган эди, уларни талон-торож этишга амр қилди. Тунда шу мавзегга тушдилар. Якшанба куни бу жойдан чиқиб, икки кун ов қилишни ихтиёр қилдилар. Шу вақтда Сарой Мулк хоним ва Тумон оғо палос ўпиш шарафига етдилар. Хонзода қабулга кириш одобига риоя қилиб, қуллик шарафига етишди. Чаҳоршанба куни у мавзедан кўчиб, Қорасувнинг кўприк ва кечувидан ўтиб тушдилар. У жойда уч кеча тўхтаб, шанба куни у ердан кўчдилар. Душанба куни Ҳамадон вилоятига етдилар. Кўкаламзор устига боргоҳ, саропарда қурдилар. Учинчи кечада шу мавзеда шаъбон ойининг янги туғилганини кўрдилар. Иккинчи куни амирзода Амироншоҳ ўғруқни йўлда қолдириб, ўзи Амир Соҳибқирон ҳузурига келди. Амирзода Жаҳоншоҳ ва Шамсиддинбек Султониядан Амир Соҳибқирон ҳузурига жўнадилар. Ҳожи Маҳмудшоҳ ва Учқаро баҳодир ҳам Амир Соҳибқирон хизматига етдилар. Жаҳон амирзодаси Муҳаммад Султон Исфаҳон вилояти мол-солиғини йиғиб ҳазратга етказди.

Табриз мамлакати ва унинг атроф-музофотлари то Рум чегарасигача жаҳон амирзодаси Амироншоҳга топширилган эди. У вилоятлардан соварийларни йиғиб келиб, хилма-хил пешкашларни иззат арзгоҳига етказди. Кетма-кет тўйлар қилдилар. Амир Соҳибқирон комкорлик ва қудрат авжида айшу ишрат ва шодлик билан машғул бўлди. Сарой Мулк хоним ва Тумон оғо подшоҳона тўйлар бердилар. Хуш овоз ва ёқимли қўшиқ-оҳанглар

билан халқнинг кўнглини олдилар. Ол, ҳа ол, мақомида (вақтни) ишрат ва комронлик билан ўтказдилар. Форибболлик юзасидан ҳол тили ушбу байтни айтар эди.

Бир-икки кун жаҳонда муҳлат боринда қўлда
Ҳўб яхши ором олгин, бўлмас бу дам ҳамиша! (137)

Сешанба куни у жойдан кўчиб, Алма қуруғ мавзеида ов қилишни ихтиёр этдилар, турли ҳайвонларни овлаб, сайл қилиш ва от чопиш билан муродларига етдилар.

Сўнг Тумоду мавзеига етиб, беш кун у жойда туриб қолдилар. Чаҳоршанба куни у мавзедан ов қилганча илгари юрдилар; эртаси куни Беш Бармоқ мавзеида ов қилдилар ва у жойдан ўтиб, Қўли Лужа мавзеига, сўнг Дилбар мавзеига тушдилар. У жойдан Гунбадак Жулгойи мавзеига келиб қўндилар. Бу мавзеда тўйлар қилиб, айшу ишрат билан вақт ўтказдилар. Душанба куни у жойдан кўчиб, ўртада бир кеча ўтказиб, тўрт фарсахча йўл юриб тушдилар. Амирзода Амироншоҳ Қулоғий (мавзеи) чеккасига етиб, Амир Соҳибқиронга киши юбориб, хабар қилди. Мазмуни шулки: "Муҳаммад Туркмон тоғликлар оралиғида жойлашиб олиб, душманлик изҳор қилмоқда, кўп лашкар ҳам жамлаган. Вилоят аҳлини тоғ устига чиқарган". Амир Соҳибқирон дарҳол отланиб, Санксун йўлидан жўнаб, икки кечаю икки кундуз йўл юрди. Бир кеча ўтказиб, панжшанба куни Қулоғий мавзеига етиб, Жаҳонновар даштида тўхтади. Душманнинг йўллари ва қочадиган жойларини эгаллаб, муҳофизат қилиб туришни буюрди. Тоғ устида душманларнинг Абошо номли ҳисори, мустаҳкам дара ва Тешло номли иккинчи бир қўрғони бор эди; унинг йўли ғоятда тор, юриш учун машаққатли эди. Улар тор йўлларни эгаллаб, шу ерда турардилар. Ғалаба ёр аскарлар илгари бориб, улар билан жанг қилдилар. Тоғ тепасига чиқиб, саноқсиз қўйларни олиб тушдилар.

Баротхожа кўп жидду жаҳд қилиб, у тангу тор йўлларга етиб борди. Ажали етган экан, у жойда ҳалок бўлди. Ундан кейин Шайх Ҳожи душманга қарши чиқди ва туркманларга етиб, у тор йўлларда қаттиқ жанг қилди. Охири ярадор бўлиб қайтди. Шу соатда туркманлар мағлуб бўлиб қочдилар ва Озурмон мавзисига бордилар. Рамазон ойининг биринчи кечасида (1393 йил 11 июл) ҳаммалари тугал қочдилар. Чексиз ва беқиёс кўп мол-

ларни қолдирдилар. Аскарлар улар кетидан қувиб тоққа чиқиб, жуда кўп от, туя, қўйларни олиб келдилар. Шайх Темур баҳодир бир жамоа аскарларга бош бўлиб ҳамла қилдилар ва душманларни қувладилар, баъзиларини ўлдирдилар. Айрим қутулиб қолганлари қочиб, Гармсегга кетдилар. Уларнинг яна бошқа бир ҳисори бор эди; бир жамоа динсиз габрлар у жойга жамъ бўлган эдилар. Фармонга мувофиқ уни ҳар томонидан ўраб олдилар ва жангу жадал билан эгалладилар; унинг аҳолисини ҳалок қилиб, қалъани вайрон этдилар.

Шу орада ҳамма амирзодалар саломат қайтиб келиб, Қулоғий даштига тушдилар. Ўнинчи рамазонда якшанба куни Амир Соҳибқирон ҳам қайтиб келди. Ўртада бир кеча ўтиб, душанба куни Оқсой чеккасига етиб, Унхиркужо (?) ўртасига қўндилар¹. Олий раъй муфсид-бузгунчиларни илдизидан қўпоришга жазм қилиб, амирзода Амироншоҳ лашкар тузиб Сориг ҳисорига равона бўлди; амир Сори Буғо ва Учқаро (138) баҳодир унга мулозим эдилар. Улар мардлик кучи билан душманлар устидан ғолиб келиб, ҳисорни вайрон қилдилар, одамларни ўлдирдилар. Шу манзилда Шакарбекнинг қизи Хонзода хоним подшоҳона тўй тузди. Амир Соҳибқирон: "Амирзода Амироншоҳ у тўйда тўхтамасин, бориб динсизларнинг диёри тутунини кўкка совурсин", деди. Амирзода Муҳаммад Султонни Дарбанд томонидан жўнатди. Тўйдан бўшаб, амирлар ва яқин кишиларга сарполар бериб кўнгилларини овлагач, ҳайитдан икки кун ўтгандан кейин буюк шайхулислом Шайх Нуриддин Исфарионий — замона улуғ шайхларининг атоқлиси Бағдод томонидан элчилик расми билан Амир Соҳибқирон ҳузурига келди. Амир Соҳибқирон уни эъзоз-икром билан қарши олди. Амир Соҳибқирон Бағдоддан элчи келиб, Султон Аҳмаднинг итоат ва фармонбардорлик мақомида эканлигини (билдирар) ва мен Бағдодни унга қолдириб қайтарман, деган умидда шу вақтгача (юришни) кечиктириб турган эди. Аммо иш ўйлаганича бўлиб чиқмади: сикка, хутба ва муносиб пешкашлар у кутган даражада бўлмади. Шунинг учун Шайх Нуриддин келтирган туҳфа ва ҳадялар қабулга ўтмади. Лекин кўринишда Шайх Нуриддинни эъзозлаган бўлиб, Бағдод томон қайтарди. Амирзода Пир Муҳаммадни ўғруқни бошқариб туриш учун қолдириб, унга Султонияга жўнаб, у ерда тўхтаб туришни буюрди.

Ўн иккинчи шавволда (1393 йил 21 август) жума куни ўз муборак зоти Бағдод томон йўлга чиқди.

XLVII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ БАҒДОД ТОМОН ЮЗЛАНГАНЛИГИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон чошгоҳ вақтида Оқбулоқ мавзеига бориб тушди ва у жойдан кўчиб, бир кеча оралагач тоғ ва биёбондан ўтиб, учинчи кун илғор қилиб, ўзи қаровул бўлиб лашкардан ажралди ва йўлга чиқди. Бир кечани ўтказиб, Кавроқўрғон ҳисорига етди. Тонг отгач, туркманлар ҳокими Муҳаммадни вилоятдан қувиб, қочирди. Унинг йўлига юзта навкарни қўйиб, ўзи жўнаб кетди. Кейинда келаётган лашкарга душман вилоятини талон-торож қилишга ижозат бўлди.

Бир неча кундан кейин лашкару сипоҳдан илғор тарзида ажралиб, ўғруқни ўша мавзегга қўйиб, тор йўллардан ва қийин даралардан ўтиб, беш-олти кун юришини тезлаштириб, Шайх Иброҳим Лак қуббаси номи билан машҳур бўлган шайхи раббоний Иброҳим Яҳёнинг, <Тангри унинг руҳини пок этсин>, муқаддас мазорига етди. Зиёрат қилиб, ҳожатмандларга садақалар берди. У зотнинг пок руҳидан мадад тилаб, йўлга равона бўлди. (139) Шаввол ойининг йигирманчисида (1393 йил 29 август) иқбол баракотида Бағдод ерига етди. Султон Аҳмад эса Бағдодни ташлаб, Ҳилла томонига равона бўлди. Тонг отгач, лашкарлар гуруҳ-гуруҳ ва фавж-фавж бўлиб етиб келди. Муҳаммад Озод мардоналик кўрсатиб сувдан ўтди. У томондаги кемаларни бу томонга келтирди. Аскарлар эса кемага қарамай, Дажла дарёсидан ҳаводаги қушдек ва сувдаги наҳангдек сузиб ўтдилар.

Шу вақтда бу банда² Бағдодда турган эдим. У шаҳар аҳолиси ичидан палос ўпишга етиб келганлардан биринчиси бу банда бўлди. Амир Соҳибқирон илтифот қилиб, бу бошқалардан илгари келишни мақтов билан қарши олиб, эътибор кўрсатди ва муборак лафзи билан шундай деди: "Худо сенга ўз раҳматини йўлласинки, бу шаҳардан менинг олдимга биринчи бўлиб чиққан киши сен бўлдинг". Бундан мақсад шулки, ўша ҳолатда шаҳар дарвозасидан чиқиб назар солганимда, Дажла дарёси юзини ундан ўтиб келаётган ғолиб аскарлар туфайли саҳродан фарқ қилолмадим. Таажжуб қилиб: "Ахир булар қандай тоифадурларки, ўзга халқлардан салобат ва ботирликда, шижоат ва жувонмардликда мумтоздирлар", дедим ва билдимки, бу Аллоҳ томонидан қўллаб-қувватланган Амир Соҳибқирондир; унга тобеъ бўлган ки-

шилар, ҳамма сипоҳийлари куч-қудратининг зўрлиги ва ўта жасурлиги билан бошқа халойиқдан устунлик касб этганлар.

Сўзнинг қисқаси Муҳаммад Озод мардоналик кўрсатиб сувдан ўтди ва кемаларни тутиб бу томонга ўтказди, Амир Соҳибқирон душман кетидан қувиш учун шахсан ўзи Дажладан ўтди. Жаҳон амирзодаси Амироншоҳ ва бошқа бир гуруҳ шаҳарнинг қуёи томонидаги Қарят ул-Уқоб номи билан машҳур бўлган жойдан ўтган эдилар. (Улардан) Айбож ўғлон, нўёнлар, амирлар ва давлат арбоблари тиз чўкиб арз ва илтимос қилдиларки: "Амир Соҳибқирон ҳазратлари машаққат ва заҳмат чекдилар, энди муборак зотлари қайтсинлар, токи биз қуллари душманнинг кетидан қувиб, жонсипорлик вазифасини бажо келтирайлик". (Мисраъ):

"Шундай кунда қуллар ишга ярагай".

Уларнинг сўзлари холис ихлос ва давлатхоҳлик юзасидан бўлгани учун (Амир Соҳибқирон) қабул қулоғи билан эшитиб, шаҳарга қайтди.

Лашкарлар жўнаб кетдилар ва ўртада бир кеча ўтгач, тонг отган пайтда Фирот дарёси лабига етдилар. Султон Аҳмад кемаларни сувга ғарқ қилиб, кўприкларни бузган ва Шафоса ҳамда Раъс ал-Айн³ йўли билан Дамашқ томонга жўнаган эди.

Усмон баҳодир бу ҳолатдан хабардор бўлгач, ўзга амирлар билан жонқий қилиб дарё ёқалаб кетдилар ва бир мавзегга етиб, тўртта кема топдилар; кемаларга ўтириб, отларни сувга солиб ўтдилар ва йўлга тушдилар. (Душманлар) йўлда ташлаб кетган чодир, хиргоҳ, боргоҳ, от, хачир, зар ва зеварлардан иборат мол ва асбобу амволларни ғанимат қилиб олдилар.

Амирзода Амироншоҳ Ҳиллада туриб, ўз лашкарларини душман кетидан қувишга ҳозирлаб, хабаргирлар юборган ва улар аҳволни текшириб ўрганаётган эдилар.

Охири лашкар пешволари бўлган Айбож ўғлон ва Жалол душман изига тушиб, Усмон баҳодир, Шайх Арслон, Сайидхожа, Жалол ва бошқалар каби қирқ бешта **(140)** сараланган кишилар билан Дашти Карбалода Султон Аҳмадга етдилар. У билан бир мингга яқин киши бор эди. Улардан икки юзта сараланган аскар тўхтаб жанг қилдилар. Айбож ўғлон, Жалол ва Усмон баҳодир отдан тушиб, улар устига ўқ ёғдирдилар, Карбало зами-

нини қон билан бўядилар. Усмон баҳодир мардлик ва мардоналик кўрсатди, шу орада унинг қўли яраланиб мажруҳ бўлди. Улар тўхтаб туришни маслаҳатдан кўрмадилар, душманларни қувлаб кўп нафису нодир ганиматларни олиб қайтдилар.

У кунлари ҳаво ғоятда иссиқ, Карбало дашти сувсиз эди. Ҳароратнинг зўрлиги ва кучли ташналикдан одамлар ҳалокат ёқасида эдилар. Айбож ўғлон ва Жалол баҳодир бир гуруҳни сув излашга юбордилар. Кўп жидду жаҳд қилиб келтирган сувлари икки ичим миқдоридан ортиқ эмас эди. Бир ичимини Айбож ўғлон ичди ва амир Жалолга қараб: "Ташналикдан ҳалок бўлаяпман, бу миқдор билан ташналигим қонмайди. Агар у бир ичим сувни ҳам менга бағишласанг, ғоятда сахийлик ва бениҳоят жувонмардлик бўлғай", деди. Амир Жалол унга жавобан деди: "Мен Амир Соҳибқирон ҳазратдан бир ҳикоят эшитганман. У ҳикоят қуйидагича: сафарда бир ажамлик ва бир араб йўлдош бўлиб қолади. Улар ҳам худди шундай бир кунга мубтало бўладилар, сувсизликдан ҳалокат ёқасига етадилар. Арабнинг озгина суви бор экан. Ажамлик унга қараб дебди: "Арабларнинг муруввати ва жувонмардлиги жаҳонда маълум ва машҳурдир. Бир ичим сув бериб, мени ҳалокатдан халос қилсанг нима бўлади?!" Араб ўйлаб туриб: "Агар бу сувни сенга берсам, мени ташналик ҳалок қилишини аниқ билиб турибман, аммо арабларга хос бундай саховатлилик ва гўзалликнинг ёди йўқ бўлиб кетишини истамайман. Шунинг учун жонимни фидо қилиб, арабларнинг бу марҳаматлилик номини ёдгор қолдиришни ихтиёр айладим", дебди-да, ўз нафсининг ҳиссасидан кечиб, сувни ажамликка берибди. Шундай қилиб арабларга нисбатан яхши ном замона саҳифасида боқий қолибди". Амир Жалол: "Мен ҳам шунга эргашиб, ўз ҳиссамдан кечаман, токи бу карамлилик ва гўзаллик номи чигатойга нисбатан боқий қолғай", деди-да, сувни унга берди. Улар қайтишиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига келгач, бу ҳикоятни унга арз қилдилар. Амир Жалолнинг бу қилган иши Амир Соҳибқиронга ғоятда мақбул бўлди. Шу муносабат билан унинг отаси амир Ҳамидни кўп эслади ва унинг хавфу хатар чоғларида кўрсатган жонбозликларини тилга олди. Амир Жалолнинг кўнглини кўтариб, юқори даражада меҳрибонлик кўрсатди ва: "Сен ўз ҳиссангдаги сувни қиёт наслидан бўлган ўзбекка берган экансан, чигатой улусида бу карамлилик ёди боқий қолгусидир", деди. Амир Жалол Амир Соҳибқирон ҳазратга

ўлжомиший қилиб тиз чўқди. Ҳа, мўғул тоифаси ана шу кечмиш ва шунга ўхшаш саховатлиликлар туфайли оламини бўйсундирган ва адолату сахийлик билан жаҳонни олганлар. Улуғ тангри (141) бу каби хислатларнинг Аллоҳ марҳаматини ато этгур саховатли саҳобалар тарафидан содир бўлишини мақбул кўриб, уларнинг мадҳу саносида буюрган: <Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёронлари шундай шариф ва мурувватли тоифадирларки, ўзлари бир нарсага муҳтож бўла туриб, ўзга бир кишининг ўша нарсага муҳтожлигини юқори кўядилар>⁴.

Сўзнинг қисқаси жаҳон амирзодаси Муҳаммад Султон Курдистоннинг Кўҳистон ва Дарбандига лашкар тортиб бориб, кўп душманларни ўлдирди, баъзиларини эса бўйсундириб, Бағдодга, Амир Соҳибқирон ҳузурига келтирди. Амир Соҳибқирон уни янгидан-янги марҳаматларига хос этиб, буюрди: "Сенинг қилич чопиш ва жанг қилиш вақтинг энди келди! Ҳозир лашкарларни тартибга солиб, атрофу жавонибга чиқ! Душманларнинг адабини бериб, ўзингга бўйсундиргин!" Жаҳон амирзодаси фармонга биноан Восит⁵ томонига равона бўлди. Жангу жадал пайтида кўп жидду жаҳд кўрсатди. Шу ўртада Бағдод халқи зору тазарруъ мақомида туриб, ожизлик ва ҳожатмандлик билан Амир Соҳибқирон ҳазратлари ва фарзандларининг саломатликлари дуосига қўл очдилар ва ғалаба ёр лашкарнинг харажатлари учун амон молини қабул қилдилар. Яна савдогарлар ва мусофирлар билан биргаликда арзга етказдилар: "Бу томонда Такрит⁶ номли бир қалъа бор, маҳкамликда машҳур ва мустаҳкамликда маъруфдир. Унда бир жамоа муфсидлар жойлашиб олган. Доимо Миср ва Дамашқ савдогарларининг йўлини тўсадилар, мусулмонларнинг молу манолини талайдилар. То шу дамгача ҳеч ким уларни даф қилишга машғул бўлмади ва уларнинг илдизини кўпориб ташлашга ҳимматини сарф этмади.

Амир Соҳибқирон уларга: "Бизнинг олий ҳимматимиз шундай ёмон бадкирдорларнинг дафъига ва муфсидларни йўқотишга сарфланаётганлиги туфайли бу иш ҳам охираат учун ажру савоб захираси ҳамда дунёвий фатҳларнинг нодирларидан бўлгусидир", деди. Бағдодга ва унинг вилоятларига солинган амон молини йиғиб, лашкар аҳлига тақсим қилиб берди.

Йигирма тўртинчи зу-л-ҳижжада (1393 йил 1 декабр) шанба куни йўлга равона бўлиб, Шайх Баҳдул зиёратгоҳига

бориб тушди. Амирзода Шоҳрухни манғлой қилиб илгари юборди. У жойдан кўчиб, чошгоҳда яна тўхтади. Якшанба кечаси бир катта кўл қирғоғига етди. У жойда тушдилар. Душанба куни у жойдан кўчиб, сешанба куни Авоно мавзеига етдилар. Чоршанба куни Лажмага тушдилар. Панжшанба куни Ҳарбий қишлоғига етдилар. У жойдан жума куни кўчиб, Банди Усор мавзеига етиб, кечаси қўндилар. Шанба куни Кузистон(?)га тушдилар. Шу кўчишлар асосида бир ўрмонга етдилар. Унда шер кўп эди. Амир Соҳибқирон абадиятга улангур давлати борасида фол очиб, шер овлашга киришди. Беш бош ғазабланган шер бўкириб тўқайдан чиқиб келди ва ҳамла қилди. Найздор ботир йигитлар мардлигу билак кучи билан бешаласини олти томондан ўртага олиб, қаҳру ғазаб панжаси билан етти аъзосини бир-биридан жудо қилдилар. (142)

XLVIII. ТАКРИТ ҚАЛЪАСИНИНГ ОЛИНИШИ БАЁНИДА

У жойдан кўчиб, якшанба куни Такрит қалъасига етдилар. Манғлойда Бурхон ўғлон, Ёйиқбек, амир Жалол, Сайидхожа ва Шоҳмаликлар бор эдилар. Лашкарлар қалъа теварагига келиб тушди. Шу ўртада Мўсул амири Ёр Али, Ардабил ҳокими Шайх Али тўққиз-тўққиз ва муносиб пешкашлар билан етиб келдилар. Амир Соҳибқирон лашкарни қалъани олишга ундади. У қалъа ғоятда мустаҳкам эди. Унинг маҳкамлиги тавсифида тил қисқа, истехкоми тасаввурида ақл ҳайрон, мустаҳкамликда жаҳонга машҳур эди. Турли қисса ва хабарларда Қалъайи Салосил деб тавсиф этилган эди.

Амир Ҳасан у қалъанинг волийси эди. У кичик укасини қалъадан чиқариб, ўзининг гуноҳлари учун узр сўраб, амонлик тилади. Амир Соҳибқирон уни сийлаб тўн ва от берди ҳамда: "Дарҳол қайт, бориб Ҳасанга айт, токи у қўрқмасдан менинг ҳузуримга келсин ва менинг беминнат марҳаматимга сазовор бўлғай", деди.

Ҳасан бу борада ўйланиб қолиб, қалъадан чиқишга журъат қилолмади ва муҳолифатлигу туғёнга азм қилиб, жангга тайёрланди. Амир Соҳибқирон буйруғи билан арродаларни ростлаб, манжаниқларни тайёрладилар. Манжаниқлардан тош отиб, уларнинг кўп уйларини хароб қилдилар. Учинчи куни амир Ҳасан онасини қалъадан чиқариб, гуноҳи учун афв этишни сўратди: "Ҳасан айтадики, Амир Соҳибқирон-

нинг бандаларига душманлик қилиш менинг ҳаддимга сиғмас; Амир Соҳибқироннинг номлари ва соялари улугдир, агар менга амонлик берсалар, ўзлари ҳокимдирлар". Онаси палос ўпиш шарафига етиб, келтирган отлари ва туҳфаларини тортиқ қилди. Амир Соҳибқирон деди: "Сенинг ҳурматинг учун унинг қонидан кечдим, бор ва тезда қальадан чиқариб, ҳузуримга жўнат, бўлмаса қўрғондаги ҳамма халқнинг қони унинг гарданида бўлади". Онаси фармон ҳукми билан қайтиб кетди. Шу ўртада аскарлар сирт томондан қўрғон деворининг остидан кавлаб тагига етиб қолган эдилар. Сайидхожа, амир Шайх Али баҳодир ҳисорнинг бир буржини кечаси вайрон қилдилар. Амир Ҳасан юрагида хавф ва қўрқинч ғалаба қилиб, шартни бажармади ва қальадан чиқмади.

Сиртқи ҳисорни эгаллаганларидан кейин, (душман) ички ҳисордан жидду жаҳд билан жанг бошлади. Барча лашкар қальанинг ҳар томонида сабот билан турсин, чаққон ер кавловчилар ва ишчиларни² нақб кавлашга қўйилсин, деган олий фармон содир бўлди. Дарҳол қальанинг атрофу жавонибини лашкарга тақсим қилиб, (143) тафсил ёздилар. Ерларни шаҳзодалар, амирлар, нўёнлар ва ўзга қўшунларга тақсим қилдилар. Андак вақт ичида ҳар тарафдан қальанинг ерини ғалвирдек илма-тешик қилиб юбордилар.

Амир Ҳасан бу аҳволни кўргач ожиз ва ҳайрон қолиб, киши юборди, гуноҳларини эътироф этиб, амонлик тилади, укасини амирзода Шоҳрух олдига юбориб, уни ўртада воситачилик ва шафёликка чақирди. Амирзода унинг укасини ҳазратнинг ҳузурига олиб борди. Амир Соҳибқирон унга: "Узр айтиш шундай бир вақтда қабул бўладики, агар мусулмонларнинг қони тўкилмаса ва тезлик билан бизнинг ҳузуримизга келинса", деди. Укасини шу соатдаёқ қайтардилар. Ака-ука учрашгач, машварат қилиб: "Бир қанча замонлардирки биз бу мақомда ўз муродимизча ҳаёт кечирдик, подшоҳлик қилдик. Ҳозир биз (Амир Темур) олдига чиқсак, бордию саломат қўйгани тақдирда ҳам бу жойда бизни қолдириши маҳол, яхшиси шулки, то танда жон бор экан, жанг қиламиз", дедилар ва бу бузуқ фикрларига биноан яна муҳолифат изҳор этиб, жанг бошладилар.

Амир Соҳибқирон бу маънидан ғоятда ғазабланиб, ногора, карнай, бурғулар чалишни буюрди. Аскарлар илону чумолилардек ҳаракатга келдилар. Шу ҳолатда

кавланган жойлардан бирида ўт қўймаслариданоқ катта бир девор йиқилди ва қалъа аҳли тортаётган уқубат асари зоҳир бўлди. Душманлар дарҳол у рахнани беркитдилар. Амир Соҳибқирон нақбларга ўт қўйишни буюрди. Шундай қилдилар. Чаҳоршанба кечаси ўт қўйдилар. Қалъанинг кўп деворлари йиқилди. Ёйиқ Сўфи буржи йиқилганида душманлардан йигирма киши девор тепасидан қулаб ҳалок бўлди. Қалъа аҳли тахта ва тўраларни олиб, иккинчи марта қалъа тепасига чиқдилар. Амир Соҳибқирон яна қалъанинг остидан нақб кавлашни буюрди. Қалъани ҳар томонидан ўраб олиб илма-тешик қилдилар, қўрғоннинг деворлари тамоман йиқилди. Жон ваҳимасида дод-фарёд кўтардилар. Қалъадан бир тупроқ тўдасидан бошқа асар ҳам қолмади. Заруратан шу тепаликни паноҳ тутиб, ҳаракат қилардилар. Аллоҳдод ва Амоншоҳ Буржи бод тагида эдилар, Бадриддин нақб очган ва тагини бағоят ичкари киритган эди, шу ҳолатда у бурж тебраниб йиқилди. Хавфу хатардан қалъа аҳлининг ҳаётдан (умидлари) узилди. Амирлар ва давлат арконлари тиз букиб қалъага чиқишга ва ундаги нобакор муфсидларни илдиздан қўпоришга киришмоққа ижозат сўрадилар. Амир Соҳибқирон уларга: "Шошилманглар, сабр этиб туринглар, қалъага осонлик билан кириш учун йўл яхши очилсин", деди. Иш ўшандоғ ҳолатга етгач, қалъа аҳли ожиз ва иложсиз қолиб, амирлар, вазирлар, давлат арконларига тазарруъномалар ёздилар. "Вақти келиб пушаймон бўлурлар, аммо пушаймонлик фойда бермас", деганларидек, улар шундай вақтда пушаймон бўлдиларки, у фойда бермади. Амир Соҳибқирон уларнинг илтимосини қабул қилмади ва уларга амонлик ҳам бермади. Охири лашкар галаба қозониб, душманларни тутиб келтирдилар. Фуқароларни сипоҳийлардан ажратиб, қўшунлар амирларига (144) тақсимлаб беришга ҳукм жорий бўлди. Уларнинг муфсиду ҳаромиларига жазо бериб, бошларини коптокдек майдонга отдилар ва улардан лойтепаю миноралар барпо қилдилар. Фармонга мувофиқ қалъа ва ҳисорни дашту саҳро билан баробар қилдилар. (Оятда) <мана, улар зolim бўлганликлари сабабли уйлари ҳувиллаб қолди!>³ дейилганидек, оқибат уларнинг феъли бадлари ўзларининг бошига етди. Чунончи, улар бир неча йиллардан бери йўл тўсиш ва ўғрилиқ қилиш билан мусулмонлар хонадонини хароб қилиб келар эдилар.

Қарангки, бир лаҳзада ўз хонадонларини ҳам хароб ҳолда кўрдилар. (Мисраъ):

Йиллар бўйи сотганингни (Аллоҳ) бир кунда харид этади.

Ҳа, шундай, Аллоҳ таоло буюрганидек <агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан дафъ қилиб турмаганда, ер юзи бузилиб кетган бўлур эди>⁴.

Шундан сўнг Амир Соҳибқирон қалъадан бир деворни ибрат учун қолдирсинлар, деб буюрди, токи бундан кейин олам аҳлига бу қалъанинг қай даражада маҳкам ва мустаҳкам бўлганлиги ҳамда мардлик билан кучи билан ва подшоҳона раъю тадбир туфайли унинг қай тарзда эгалланганлиги маълум бўлсин", деди. <Албатта бу воқеада фикр эгалари учун ибрат бордир>⁵.

Амир Соҳибқирон (796 йил) сафар ойининг бошида (1393 йил 6 декабр) шанба куни Ҳарбий мавзеида ов қилишга ирода айлади. Фармонга биноан барча аскарлар у саҳро атрофини қуршаб келдилар⁶ ва турли-туман жониворларни йиғиб, катта бир ов қилдилар.

Шундан сўнг жаҳон амирзодаси Муҳаммад Султон ороста лашкар билан (Воситга боришга) тайинланди. Қул (қисми) амирларидан Рустам, Шамсиддин ва Ғиёсиддин Тархонлар Шатт сувидан ўтиб жўнадилар. Шайх Темур, амир Учқаро, Мубашшир ва Аргуншоҳлар эса бошқа бир лашкар билан равона бўлдилар.

XLIX. УЛУҒ АМИРЗОДАЛАРНИНГ БАСРА¹ ВА ВОСИТ ТОМОНИГА ЮБОРИЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

Амирзода Амироншоҳ Ҳилла томонидан Басрага қараб жўнади. Амир Ёдгор ва Жаҳоншоҳ баҳодир биргаликда равона бўлдилар. Муҳаммад Дарвиш, Шайх Али, Исмоил Барлос ва улуғ амирзодалар катта лашкар билан ҳар томондан жўнаб, Басра ва Воситга етдилар. У вилоятнинг араб ва саҳро нишинлари устига бостириб кириб, кимда-ким бўйсуниб остонасига бош қўймаса, бошини танидан жудо этдилар, моллари, асбобу амволларини ғорат қилдилар. Қолганлари жон кавфидан божу хирож тўлашни қабул қилдилар. Нусратли аскарлар мурод мақсадлари ҳосил бўлиб қайтдилар ва Ҳарбий мавзеида (145) (Соҳибқирон) остонасини ўпиш шарафига эришдилар.

Бағдод мамлақати эгаллангач,² (Амир Соҳибқирон) уни идора қилиш ва тартибга солиш ишларига киришиб, у жойнинг муҳофизати ва ҳукмдорлигига Хожа Масъуд Сабзаворийни тайинлади. Ҳақиқатда ҳам у зот кўркам хулқли, солиҳ ва ўта хайрхоҳ киши эрди. У (амон) қолган раиятларни ўз ҳимоясига олиб, тортган азоб-уқубатлари жароҳатини лутфу эҳсон марҳами билан даволади, у жойдаги ожизу мискинларни ўз шафқат ва эътибори қаноти остида муҳофизат қилди. Залилу хорлар азиз бўлган, азизлар эса озуқасизлик ва беқувватликдан хору зор бўлган бир вақтда бу зот қудрати етгунча уламони иззат-икром қилиш, фуқароларни тўйдириш³, мискинларга садақа тарқатиш ишларида бир дақиқани ҳам зоёе кетказмади.

Шундан сўнг Амир Соҳибқирон лашкарларни ороста қилиб, тартибга солди. Ҳар томондаги душманлару ғанимлар эшитиб севинсинлар ва бунга ишониб, огоҳлик ва эҳтиёткорлик ишларида бепарво бўлсинлар деб, қутли ялов қайтади, деган овоза тарқатди. Шу ўртада ҳар ўн кишидан икки кишини танлаб олиб, ўғруқда қолдириб, Усмон баҳодирни уни бошқариб туришга белгилади ва йўлга равона бўлди. Ардашерни талоя сифатида лашкар аҳволини билиб туриш учун тайинлади. Ўғруқда эса амирзода Муҳаммад Султон, Гиёсиддин Тархон ва Учқаро баҳодирлар лашкар бошлиғи бўлиб турдилар. (Амир Соҳибқироннинг) ўзи катта лашкар билан отларнинг ем-хашагини олиб, туғ кўтариб сувнинг юқори томонидан жўнаб кетди ва Каркук қальясига етди. У қальяни амир Алига⁴ суюрғол қилиб берди. Амир Али Сурх, Пир Али ва Жаҳонгирлар палос ўпишга келдилар. Атроф ерлар амирлари, қальяларнинг кутволлари, хусусан Олтин кўпри ҳокими остона ўпиш учун келдилар, бандалик остонасига бош қўйиб, мутиъ ва қарам бўлдилар. Амир Соҳибқирон уларни инъом-эҳсон билан сийлаб, иззат-икромга муяссар қилди ва нафис моллардан оғиру енгил юкларни уларга бағишлади.

Чаҳоршанба куни (Амир Соҳибқирон) Арбил⁵ мавзеига етди. У жойнинг волийси Шайх Али тўй бериб, ҳар турли лойиқ ва мақбул хизматларни адо этди. Панжшанба куни у жойдан кўчиб, Мўсулга етди. Жума куни Идрис ва Жиржис,— бизнинг пайғамбаримизга ва у икки зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин,— пайғамбарларнинг муқаддас зиёратларига эришиб, улардан мадад тилади,

ҳар бир мазорга иморат ишлари учун ўн минг кебакий динор инъом қилди, дарвишларга садақалар улашди.

Улуғ амирзода Амироншоҳ ҳукмга биноан атроф-жавонибдаги элларни бўйсундириш ва у ноҳиялар сардорларини босқин қилишга кетган эди. Уларнинг ҳаммасини итоат ва фармонбардорлик мақомига келтириб, шу мавзеда палос ўпиш шарафига етди. Мўсул волийси Ёр Али тўй бериш вазифаси ва пешкаш маросимини бажо келтирди. (Амир Соҳибқирон) уни қачарчи қилиб, у мавзедан йўлга тушди ва Мордин⁶ томонига юзланди. (146)

L. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ МОРДИН ТОМОН ЮЗЛАНГАНЛИГИ БАЁНИДА

Бундан бир муддат илгари Мордин султони Исо Амир Соҳибқиронга нисбатан ихлос ва қуллик даъвосини қилиб, дўстлигу хайрхоҳлик ва муҳаббатдан дам урган эди. Амир Соҳибқирон сафар ойининг охирида (1394 йил январ ойи бошлари) Мордин яқинига етди, султон Исони мутиъ ва итоатда деб гумон қилиб, у жойдан ўтди ва Раъс ал-Айнга келиб тушди. Вилоятга чопқин ясаб, талон-торож қилмоқ учун лашкарга ижозат берилди. Буронғор лашкари Ҳасан ва Қароқўюнлиг элию вилоятини ғорат қилди, жувонғор лашкари Дезчубин эли ва вилоятини талон-торож этди, кўп от, туя ва хачирларни, ҳисобсиз қорамол ва қўйларни қўлга киритдилар. У мавзедан ўтиб, Руҳо вилоятига етдилар. Кўзал номли бир киши ҳисор волийси эди. Ғалаба ёр лашкарнинг келаётгани хабарини эшитиб, қўрғонни ташлаб чиқиб кетди; раиятдан баъзилари ҳам унга қўшилдилар. Уларнинг бир баланд тоғи бор эди, ўша ерга паноҳ тортиб бордилар.

Амир Соҳибқирон лашкар амирларини саралаб, уларнинг кетидан юборди. Амирлар фармонга биноан бориб, уларнинг баъзиларини тутдилар. Шундан сўнг бир неча кун ўша жойда тўхтаб, ишрат мажлисларини туздилар, шоҳона тўйлар қилдилар. Амир Соҳибқирон лашкарнинг кўпчилигига суюрғол ва инъому эҳсон улашиб, кўнгилларини кўтариб, ўз ҳурматига сазовор қилди.

Айтишларича, Руҳо (шаҳри) Нимруд (асос солган) бинолардандир. Иброҳим Халилуллоҳ алайҳиссаломни ўтга ташлаш воқеаси шу мавзеда рўй бергандир. Ўтнинг ўртасида пайдо бўлган чашма қиссаси ўша вилоят кишилари орасида кенг тарқалгандир.

Жунайд Туркмон шу пайтда палос ўнишга келиб, лойиқ хизматларни бажо келтирди, аҳду аёли ва ўз вилояти учун амонлик тилади. Ҳасан Кайфо (қўрғони)нинг султони ҳам у жойда палос ўпишга келиб, ожизлик бошини қуллик остонасига қўйиб, яхши бандалик вазифаларини адо этишга киришди ва фаровон марҳаматларга сазовор бўлди. Шу мақомда муборак ялов ўн тўққиз кун туриб қолди. Панжшанба куни (Руҳо) ҳисорини вайрон қилиб, у жойдан кўчди ва ўғруқ томон қайтди.

Шу ҳолатда Султон Али Арзиний келиб, лойиқ ҳадялар ва муносиб тўхфалар тутди. Шу мавзеда барча оғолар ва хотинлар, жумладан ўттиз беш кундан буён айрилиқнинг аччиқ шарбатини тотган Чўлпон Мулк ого ва Дилшод оғолар камоли иштиёқларидан шу вақтда ўғруқдан ажралиб, тезлик билан етиб келдилар.

Миср диёрини бўйсундиришга қарор қилинган пайтда Амир Соҳибқирон Мордин султониға киши юбориб, олдиға чақирган ва унга: "Миср вилоятиға юриш қатъий ҳал бўлганлиги учун (сен) лашкарларни жамъ қилиб, (147) иложи бориға тезроқ бизға келиб қўшилишинг лозим", деб буюрган эди. Бир неча кунни унинг йўлга чиққанлиги хабари келиб қолар, деб мунтазирликда ўтказдилар. Охири унинг келишға сустлик қилаётганлиги маълум бўлди. Амир Соҳибқирон юриш жиловини унинг томониға буриб: "Душманни вилоят ўртасида қолдириб, бошқа томонға юзланиш тўра ва ёсоқда йўқ", деди. Шунга биноан аскарлар отланиб, Чимлик мавзеиға етдилар. Султон Исо (796 йил) рабиъ ул-аввалнинг тўртинчи куни (1394 йил, 7 январ) шаҳардан чиқиб, анвойи тўхфалар ва тўққиз-тўққизларни тортиқ қилди. Амир Соҳибқирон унинг кўнглини кўтариб, ўз эътибори ва сарполар билан марҳаматиға сазовор этиб, сўнг у жойдан кўчди ва Мордин яқиниға етиб тўхтади, лашкарлар тоғ этагини эгаллаб тушдилар.

LI. АМИРЗОДА УМАРШАЙХ БАҲОДИР ВОҚЕАСИ БАЁНИДА — АЛЛОҲ УНИ ЎЗ РАҲМАТИ ВА МАҒФИРАТИГА САЗОВОР ЭТСИНИ

Жаҳон амирзодаси Умаршайх баҳодир Амир Соҳибқироннинг кўз қувончи ва шойиста фарзанди эди. Бундан илгари бир неча жойда унинг мардлик ва мардоналиги ҳақида эслатиб ўтилган эди. У бир рўйин танли, карим

нафс, жувонбахт ва тожу тахтга лойиқ бир Таҳамтан¹ эди. <Аллоҳ сизларга барча зоҳирий ва ботиний неъматларини тўла-тўкис қилиб берган>² деган оят мазмунича у гўзал қиёфаю табиатга эга ҳамда <улар Аллоҳ ахлоқи билан яратилганлар> дейилганига мувофиқ унинг сийнаси разилликлар зангидан мусаффо эди. Жанг кунда худди шердек ҳайқирар, базм мажлисида кафти булутдек дур сочарди. Жаҳон халқи унинг адолатидан умидвор, олам аҳли унинг меҳрибонлиги ва марҳаматидан миннатдор эди.

Амир Соҳибқирон Шом томонига юришни ирода қилган пайтида унга киши юбориб, чақиртирган эди. Фармонга биноан йўл яроғини тайёрлаб Шероздан чиқиб, Амир Соҳибқирон ҳазратларининг оёғини ўпишга етиш учун Бағдод йўли билан жўнаган ҳолда Бағдоддан тўрт манзил масофадаги кичик бир мавзегга етдилар. У жой Хармоту деб аталар ва унда бир нечта саноқли уй бўлиб, қандайдир одамлар яшар эдилар. Жаҳон амирзодаси сайр қилиб, у мавзегга етди. Бир киши ўқ отаётган эди, тасодифан қазойи ногаҳондан бир ўқ келиб амирзодага тегди. Шу ондаёқ турган жойида ҳалок бўлди. Фалакнинг танг камонхонасидан чиқиб, арш ҳавосининг кенглигига етди. (Мисраъ):

Қазо ўқини қалқон билан даф қилиб бўлмас.

Ҳа, шундай! Ўқ-ёйдек тўғри эканлик сабабли ғуруру такаббурликка берилмаслик керак, чунки умрнинг ўзи ҳам ўқдек тез ўтади. Кимда-ким ўқдек ўткир бўлса-ю, дилозорлик қилса, у албатта, қурбон бўлишга лойиқдир. (148) Одам боласи тезда заволга учровчи бу қўнимгоҳдан жўнаши аниқ ва бу сарою кошоналар майдони йўқлик супургиси билан супурилиши шаксиз бўлгач, оқил киши нега унга дил боғлаши керак ва етук киши ўз ҳолига йиғлаш ўрнига нега ҳам кулсин?! (Рубоий):

Яхши, ёмон баробар дунёга келдию кетди,
Хоҳ яхши, хоҳ ёмонлик ишларни қилдию кетди.
Бечора киши улки, тиним билмай ўлдию кетди,
Осуда киши улки, барига қўл сиктадию кетди.

Амирзода таъзияси ва мотами жаҳон халқининг ёқасидан тутди, халойиқнинг дили бирён-у, кўзи гирён бўлди. Жаҳон аҳлининг ҳол тили ушбу байтни тараннум қиларди (Байт):

Сарвдек тик қаддинг тупроққа эссиз, эссиз,
Тупроқ остига кирди ул гавҳар эссиз, эссиз.

Бу дилларни куйдирувчи кечмиш содир бўлгач ва бу оғир ҳодиса рўй бергач, энди сабрдан бошқа чорани кўрмадилар, қазога таслим бўлишдан ўзга тадбирни топмадилар. Аммо замона аҳлининг пушти паноҳи ва илтижогоҳи бўлмиш шундай комкор маликнинг фиरोқ алами зўрлигидан у мавзедаги бир нечта хонадон раиятини қиличдан ўтказдилар. Раису унинг тобеъси, малику унинг қули ҳар иккалалари барча мулклар эгаси бўлмиш Тангри таолонинг ҳузурига ҳукм чиқарилиши учун йўландилар. Ақлли киши ибрат кўзи билан бу аҳволга қараса ва барча ишлар чехрасини тириклик тажрибаси ойинасидан кўрса, бу бўяма тиллакорлик зийнатларга учмайди ва бу забун дунёнинг бору йўғига кўнглини шод ё гамгин қилмайди. (Рубоий):

Ҳар бир бор нарсадан қўлда қоладигани елдир холос.

Ҳар бир йўқ нарсадан бори — нуқсонун шикастликдир холос.

Бас, оламда бор ҳар бир нарсани йўқ деб билгил

Ва дунёда йўқ ҳар бир нарсани бор гумон қилгил.

Амир Соҳибқирон жаҳон амирзодасининг қадамларига мунтазир эди. У келса жонқий тузиб, Миср ва Шом диёрига юзланишга қарор қилган эди. Ногоҳ бу мудҳиш хабарни етказиб, ушбу ғусса тўла қиссани ҳазратнинг амирларига эшиттирдилар. Улар барчаси ҳайратдан қотиб, бошлари гаранг бўлиб қолди: на ҳазратга изҳор қилишларини ва на ундан махфий тутишларини билолмадилар. Оқибат ҳаммалари келишиб олиб, Амир Соҳибқирон ҳазратлари донишмандлиги, сабр тоқати ва шижоатига эътимод қўйиб, воқеанинг андак учини изҳор қилдилар. Амир Соҳибқирон ҳазрат гарчи аччиқ шарбатлар ютаётган бўлса ҳам, аммо, тоғдек вазмин ва собитқадам (бир зот) эканлиги туфайли жасурлик мақомида туриб, сабру чидам либосини кийди. Қазойи илоҳийга чора йўқлигини ва мусибат етган пайтида доду фарёд фойда бермаслигини билди. Ўзига ўзи деди (байт):

Доду фарёд вақти эрмас эй тажрибасиз дил,
Замона жафосига тан бергилу кўника қол.

Илоҳий ҳукмга рози бўлиб, сабрни ўз ҳолига шior қилди. Амирзоданинг пок руҳи йўлида (149) анвойи садақа ва хайрияларни ҳожатмандларга етказди. Шероз вилояти, Форс ва унга тобеъ ерлар ҳукуматини марҳум улуғ амирзоданинг фарзанди дилбанди, мамлакатни бошқариш ва жангу жадал ишларида <ўғилнинг сири—отасининг сиридир> (мақоли пешонасидан) кўриниб турган жаҳон амирзодаси Пир Муҳаммад баҳодирга топширди. У жойга бориб, бу ҳукмни етказиш ва амирзода остонасида мулозим бўлиш учун Учқаро баҳодирга Шерозга боришни тайинлади.

Ростини айтганда, Шероз Амир Соҳибқироннинг шарафли қадами баракати билан бир неча вақт амонда бўлиб, ободонлашди. Кишилар айшу фароғатга яқин ва қийинчилигу балолардан узоқ яшадилар. Бир қанча мавзеларга хайрия иморатлари, масжиду мадрасалар қурилди ва шаҳарнинг баъзи маҳаллаларига оқар сувлар келтирилди.

Аммо Мордин воқеасига келсак, Мордин малики Султон Исо Амир Соҳибқирон ҳузурига келган вақтда лашкар аҳлидан кўплари олди-сотди муомалалари билан шаҳарга кирган эдилар, тажрибасиз жоҳиллар ва бир гуруҳ бахти қайтган аҳмоқлар кенгаш туздилар ва ғалаён кўтариб, ғалаба ёр лашкарларга ҳужум қилган ҳолда уларни ўлдиришга киришдилар. Бу хабар Амир Соҳибқиронга етди. Шу ондаёқ Султон Исони чақирди ва бу воқеанинг тагига етди. Маълум бўлдики, у қалъадан чиқиб келаётган вақтида укасига ва ўз тобеъларига: "Ҳеч бир сабаб билан ҳисорни қўлдан бермайсизлар ва шаҳарни топширмайсизлар", деб васият қилган ва: "Агар мен сизларга минг марта мактуб ёзиб, воситачилигу хоҳиш билдирсам ҳам асло илтифот қилманглар, чунки мен сизлар учун ва мамлакат тинчлиги учун жонимни фидо қиламан", деган эди.

Султон Исонинг бу сўзлари аниқлангач, Амир Соҳибқирон уни ва у билан бирга бўлган бир жамоани ҳибсга олишни буюрди. Шу ўртада лашкар аҳли ўт кам қолди, уовлар қийналмоқда деб арз қилдилар. Жонқий тузиб айтдилар: "Маслаҳат шулки, бу жойдан кўчиб, лашкарни тўйдирайлик, уовларни ҳам семиртириб қайтиб келайлик".

Саккизинчи рабиъ ул-охирда (1394 йил 10 феврал) жаҳон бўйсунувчи фармонга биноан кўчиб, Кўҳистон томонига жўнадилар ва тартибу интизом билан у ерга етдилар. Рабиъ ул-охирнинг ўн биринчисида (1394 йил

13 феврал) жумъа куни тўсатдан ҳаво ўзгарди, осмонни булут қоплаб ёгин ёғди. У мавзенинг ери ғоятда юмшоқ эди, жуда катта ботқоқлик пайдо бўлди. Шу даражага етдики, от, туя, хачирлар агар оёқ қўйсалар қоринларига лойга кириб кетарди. Лой ширачага ўхшаб оёққа ёпишарди. Бир қанча кун аскарлар шу машаққат ва балода қолдилар. Уловларнинг кўпи ҳалок бўлиб, лашкарнинг аксари пиёда қолди. Жумоди ул-аввалнинг ўнинчисида (1394 йил 13 март) у жойдан кўчиб, Мўсул томонига юз тутдилар. Жазира³нинг султони ва ҳоқими Малик Иззиддин Чимлик мавзеида палос ўпишга келиб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди ҳамда ўз вилоятига бориб, лашкар учун озиқ ва тағор тайёрлашга ижозат сўради. Амир Соҳибқирон унинг илтимосини қабул қилиб, ижозат берди. У ўз жойига боргач, ваъдасига вафо қилмади.

Ундан бошқа Шайх исмли бир киши ҳам палос ўпишга келган эди, сийлов ва тарбиятлар билан сарафроз этилди. Шу ўртада Амир Соҳибқирон бир кишини (150) туҳфа ва ҳадялар билан Султониядаги фарзандлари ҳузурига юборган эди, (йўлда) мазкур Шайх ҳаммасини тортиб олди ва Жазирадан ўзига паноҳ излаб жўнади. Жазиранинг султони Малик Иззиддин эди, уни ҳимоя қилди ва Амир Соҳибқирон ҳузурига бошқа чопар ва нома юбормади. Амир Соҳибқирон ҳужжатни таъкидлаш мақсадида икки марта чопар юбориб: "Шайхни тутиб, бизнинг ҳузуримизга юбор, токи биз сенинг муҳолифлик гуноҳингдан ўтайлик", деди. Бу сўзга ҳам илтифот қилмади.

Ойнинг ўн иккинчисида (1394 йил 15 март) Амир Соҳибқирон ўғруқни қолдириб, илғор билан отланиб жўнади. Ғалаба ёр лашкар Дажладан ўтиб, шаҳарни ўраб олди. Шу куни шаҳарни талон-торож қилдилар, бундан бошқа қанча қалъани ҳам мусаххар этдилар, беҳисоб от, туя, хачир, қўйларни қўлга киритдилар. Жазира султони аскарлардан бирининг қўлига тушди, аскар уни танимай қийнаб, азоблаб, ундан кўп моллар олиб, қўйиб юборди. Амир Соҳибқирон улардан тегишлича интиқом олгач, у мавзедан кўчиб, ҳамма моллар ва хазиналарни Мўсулга юборди. Ўн кеча-кундуз давомида ўттиз кемада қўйларни дарёдан ўтказдилар. Яна жонқий тузиб, лашкарни йиғиб, барча пиёдаларга от берилди. Амир Соҳибқирон жумоди ул-охирнинг аввалида (1394 йил 3 апрел) Мордин мавзеига қайтиб келди.

Амирзода Амироншоҳ манғлой тарзида олдин жўнади. Тоғу даштларда ўтирган вилоят аҳли устига чопқин ясаб, ғорат қилди. Мазкур ойнинг ўн иккинчисида (1394 йил 14 апрел) сешанба куни ғалаба ёр лашкарларни ораста қилиб, Мординнинг атрофига чодире боргоҳлар қуриб тушдилар. Душманлар қафасдаги қушдек тутқин бўлиб қолдилар. Иккинчи куни тонг отгач нўёнлар, амирлар ва шаҳзодалар лашкар сафларини ростлаб, ҳисорга юзландилар. Дарҳол лашкарнинг қул қисми ва сипоҳнинг қалби юзларига қалқон тутиб, нарвонларни қўрган деворига қўйиб маҳкам қилдилар, қиличларини қинидан суғуриб, у нарвонлардан кўтарилдилар. Душманлар ҳисорни ташлаб қочдилар ва қалъага кўтарилдилар. Кўп халқ ўқ ва шамширдан ҳалок бўлди, баъзилари отларнинг оёғи остида поймол бўлди. Уларнинг қалъаси бағоят баланд бир тоғ эди — маҳкам ва устувор. Ғалаба ёр лашкар ҳамла қилиб, душманларни қалъа эшигигача ҳайдаб бордилар, кўп жидду жаҳд кўрсатдилар. Чорполарни ва уларнинг қолдирган нарсаларини талон-торож қилдилар.

Қалъа аҳли ўзларининг ожизликларини, ғалаба ёр лашкарнинг қувватини кўрганларидан кейин ёлворишга тушдилар, кўп миқдорда тўққиз-тўққизлар, сону саноксиз отлар юбордилар, хирож ва мол тўлашни қабул қилдилар.

Шу ўртада Сарой Мулк хоним томонидан чопар келиб, башорат берди: "Улуғ Тангри таоло Амир Соҳибқиронга жаҳон амирзодаси Шоҳрух баҳодир томонидан бир фарзанд каромат қилди, давлат ниҳолида бир ғунча яшнаб очилди, каромат дарёсининг садафидан бир покиза гавҳар юз кўрсатди"⁶. Бу хабар Амир Соҳибқироннинг шарафли қулоқларига етгач, шодон бўлиб, шукронаси учун Мордин мамлакати ва унинг аҳолисини озод қилди ҳамда у вилоятни илгарироқ (ўша ерда) ҳоким бўлиб турган Султон Солиҳга муқаррар қилди. (151)

Шанба куни қайтишни бошлаб, ҳамма йўлларни (лашкар қисмларига) бўлиб бердилар. Ноғора қоқиб, дарҳол у жойдан кўчиб, Башорий⁷ томонига жўнадилар. Амирзода Муҳаммад Султон ўз хос лашқари билан Башорийга келиб тушиб, сўнг Майдон⁸ йўли⁸ тарафига равона бўлди. Амир Соҳибқирон Савур⁹ йўлидан кетди, амирзода Шоҳрух аъло ҳазратга тобеликда у билан жўнади. Амирзода Амироншоҳ ўз лашкарлари билан Жусақ йўлидан қайтди. Ўзга амирлар шаҳарлар олиш учун ҳар тарафга равона бўлдилар.

Амир Соҳибқирон амирзода Амироншоҳни илғор билан сув юқориси томонга жўнатди ва ўзи сувдан ўтиб, Башорий томонига йўл олди. Ғоятда тоза бир ўтлоққа тушиб, уч кун у ерда тўхтагач, Алодоғ томон боришга мойил бўлиб турганларида тўсатдан амирзодалар томонидан чопарлар келиб хабар бердиларки, Қарочақиё қалъасининг аҳли итоат этмай, гарданкашлик ва муҳолифат қилмоқда эканлар. Амир Соҳибқирон дарҳол амир Жаҳоншоҳ баҳодирни илғор қилиб юборди, токи у бориб қалъани ўраб олсин, саъйи ҳаракат қилиб, бу кечмишни тугатсин.

Амир Соҳибқироннинг ўзи ҳам кўчиб, жўнади ва ўртада бир кеча ўтказиб, иккинчи куни (Қарочақиёга) бориб тушдилар. Ойнинг йигирма тўртинчисида (1394 йил 26 апрел) якшанба куни мазкур жангчилар жангга шай туриб, ҳар икки томондан баробар ўқ ёғдирдилар. У шундай бир қалъаки, мустаҳкамликда унга ўхшашини бутун дунёда кўрсатиш амри маҳол, унинг баландлиги ҳеч қандай тавсифга сиғмайди, унга ишланган тошларнинг ҳаммаси тарошланган бўлиб, ганч ва оҳак билан бир-бирига маҳкамланган, унинг асоси ернинг чуқурлигидан бошланган бўлиб, деворлари ғоятда маҳкам ва баланд кўтарилган, деворининг қалинлиги шу ҳажмда эдики, устида икки отлиқ киши ёнма-ён юра оларди, унинг буржлари эса осмонга бош тортган эди. Айтишларича, у қалъа қурилганидан буён тўрт мингу уч юз йил ўтган, ҳеч ким уни кучу қувват ва шону шавкат билан қўлга киритолмаган экан. Амир Соҳибқирон бу ишга киришди, Усмон баҳодирни олдинга юборган эди, у нақб кавлаб, бир буржни қулатди ва йўл солди. Ийдхожа баҳодир кўп жанг қилиб мардоналик кўрсатди ва иккинчи буржни йиқитди, яна бир буржни йиқитишга Арғуншоҳ бошчилик қилиб, мардоналик кўрсатди. Ўзга амирлар ҳам яхши ҳаракат қилдилар. Лашкарлар ҳар тарафдан кириб, шундай қадимий мустаҳкам қалъани саодат билагининг кучи ва давлат қуввати билан фатҳ этиб, ғорат қилдилар.

Амир Соҳибқирон ҳисор тепасига чиқди. Уйларни куйдиришга, деворларни йиқитишга ҳукм бўлди. Ҳисор ғоятда мустаҳкам қурилганлиги учун уни тамоман бузишга кўп замонлар керак бўларди. Имкон бўлгани қадар унинг бинолари ва деворларини йиқитдилар.

Ойнинг охирида жума куни Ўзбек вилоятидан бўлмиш бир киши келиб: "Ёйиқ Сўфи ёғий бўлиб, душманлик

хаёлида бугун тунда қочмоқчи", деди. Дарҳол уни тутиб ҳозир қилдилар; текшириб кўрган эдилар, у иқрор бўлди ва ўз гуноҳини эътироф этди ҳамда ўзи билан иттифоқ бўлган бир гуруҳни кўрсатди. (152)

Аҳвол шундай эдики, (Амир Соҳибқирон) унинг тарафидан бунга ўхшаш номақбул ҳаракатларни бир неча бор кўрган, аммо камоли мурувватлилигидан ўзини билмаганга солиб, уни улуғлашда давом этган ва вилоят тумонига амир қилган эди. Лашкар буронғорида ундан юқори турувчи агар подшоҳлар наслидан бўлмаса, бошқа ундан улуғроқ амир йўқ эди.

Амир Соҳибқирон уни ҳибсга олишни буюрди ва у билан иттифоқдош бўлган гуруҳни ёсоққа етказди. Сўнг у жойдан Алодоғ томон юришга азм қилди. Бу атрофларнинг амирлари ва таниқли кишилари палос ўпишга келиб, итоатга кирдилар, мол, хирож тўлашни қабул этиб, эмин ва фориғ бўлдилар. Миёфориқин, Ботмон¹⁰ ва Ашмо (мавзеларидан) чиқиб кетдилар.

Шу ўртада Амир Соҳибқирон тумон амирларига қачарчилар тайин қилди. Амирзода Муҳаммад Султон жувонғор томондан, Жабахжур йўлидан равона бўлди. Амир Соҳибқирон Севосир йўлидан юриб, Муш саҳросига¹¹ юзланди. Амирзода Шоҳрух эса олий узангининг мулозими эди. У йўллар ғоятда оғир эди. Шу сабабли кўп от, хачир ва туялар ҳалок бўлди.

Ўн тўртинчи ражабда (1394 йил 15 май) (Амир Соҳибқирон) Муш саҳросига тушди. Амирзода Амироншоҳ буронғор бўлиб, Бидлис¹² томонидан равона бўлди. Амир Соҳибқирон йўлларни текшириб, дафтарга битиб қўйишларини буюрди. У вилоят ҳокимларининг барчаси итоат ва бандалик мақомини тутдилар. Бидлис амири Ҳожи Шараф палос ўпишга етишиб, бандалик ва ихлос изҳор этди, зотдор отлардан тортиқ қилиб, олий даргоҳнинг мулозими бўлди. Бутун Курдистон¹³ вилоятида одамийлик, нафси тозалик, ростгўйлик ва хушхулқликда ундан ўтадиган киши йўқ эди. Амир Соҳибқирон уни мақбул кўриб, кўнглини кўтарди, мақтаб сийлади ва вилоятини унинг ўзига берди ҳамда илгаригидек уни ҳокими мутлақ қилди. Ёйиқ Сўфини ўз қалъаси ва ҳисорига жўнатди. Амирзода Муҳаммад Дарвишни ғоятда кўп аскар билан Аланжиқ қалъасига номзод қилди.

Қора Юсуф (туркман) муҳолифат мақомида туриб, туркманларнинг уйлари билан биргаликда ўз мавзеидан

кўчган эди, Амир Соҳибқирон улуг амирлар билан қурултой қилиб, бузуқ фикрли кишиларни дафъ этиш учун лашкар тайин қилинсин, деган қарорга келдилар. Бурҳон ўғлонни лашкарга бошлиқ қилиб, Айбож ўғлонни унга кўшди. Жаҳоншоҳ баҳодирни эса илғор этиб тайинлаб, ўзи шу мавзеда тўхтаб турди. Амирзода Амироншоҳни туркманларни таг-томири билан қўпормоқ учун махсус тайин этди. Шу ўртада Сарой Мулк хоним ва қишни Султонияда ўтказган бошқа хотин ва хоним-оғолар баҳор фаслида у жойдан кўчиб, Амир Соҳибқирон ҳазратлари томон мутаважжиҳ бўлдилар. Амир Соҳибқирон амирзода Шоҳрухни уларнинг истиқболига юборди. Амирзода тўрт кун йўл юриб, Маранд суви ва Хўй ўртасида улар билан учрашди.

Амир Соҳибқирон эса у жойдан кўчиб, Ахлот томонига қараб юрди. (153) Шу ҳолатда қадимий тарафдорларидан бўлган Одил Жузнинг амири Амир Хақан кўп хизматлар кўрсатди. Унинг тўғрилиги ва ихлоси Амир Соҳибқироннинг қабули ва ризолигини қозонди. Амир Соҳибқирон унинг кўнглини кўтариб сийлади ва Ахлот вилоятини унга суюрғол қилиб берди. Шаъбон ойининг иккинчиси (1394 йил 2 июн) сешанба куни у саҳрода катта ов ташкил қилди. Султонияда турган муборак ўғруқ ва номдор фарзандлар ўн бир ойдан бери палос ўпишга етишмаганликлари учун уларни кўриш иштиёқи ғолиб келиб, Амир Соҳибқирон чаҳоршанба куни шикордан фориг бўлгач, бир гуруҳ билан улар томон (Марандга) отланди. Уч Калисиё йўлидан юриб, жумъа куни улар билан учрашди. Бир-бирларининг дийдорларини кўриб, шоду хурсандликлари ортди. Бир неча кун айшу комронлик ила машғул бўлдилар. сўнгра марҳум амирзода Умаршайхнинг таъзиясига киришдилар. У дилсўз мусибат ва жигарсўз ранжу аламини янгилаб, амирлар, нўёнлар, шаҳзодалар ва хоним-оғолар бу мудҳиш кечмиш аламидан зор-зор йиғлаб, кўз ёшларини тўкдилар. Охири кўнгилларини (дарддан) фориг қилиб, ўзга ишларга киришдилар. Оқибат кўзларини йиғидан ва лабларини фиғону ноладан тийдилар. У йиғитлик чашмасининг сарв дарахтини фаромуш қилгандек бўлдилар. Унинг дилбанди бўлмиш фарзандларининг вужуди боқий ёдгор қолсин! Тангри таоло уларни замонанинг ёмон кўзи ва озоридан ўз ҳимоясида саломат сақласин!

Шундан, кейин Амир Соҳибқирон мамлакатдорлик билан шуғулланишга мойил бўлиб, Темурхожани лашкар билан Аланжиқ¹⁴ қалъасига юборди.

Душанба куни Амир Соҳибқироннинг ўз муборак зоти йўлга тушиб, Ойдин қалъаси¹⁵ ва ҳисорига етди. У вилоятнинг барча аҳолиси бўйсуниб, итоатга кирдилар; мол тўлашни қабул қилиб, беҳадду ҳисоб пешкашларни тақдим этдилар ва аҳлу аёллари билан тоққа чиқиб, зору тазарруълар билан амонлик тиладилар. Амир Соҳибқирон ҳазратлари қарам кўрсатиб, уларни озод қилди ва у жойдан қайтиб, ўртада бир кеча ўтказиб, Уч Калисиёга етди. Шу ҳолатда Рум сарҳади бўлган Арзинжондан амир Таҳуртан зўр тартиб ва тажаммул билан етиб келди, мақбул хизматлар кўрсатиб, лойиқ пешкашлар тортиқ этди. Амир Соҳибқирон унинг қадамани азиз тутиб, сийлади ва тўн, камар ҳамда кулоҳлар билан сарафроз этди. Шу ўртада амирзода Муҳаммад Султонни катта лашкар билан Авник қалъаси томонига жўнатди, ўзи эса сешанба куни кўчиб, Алиш Юрт сабзазори ва ўтлогига бориб тушди. Амирзодадан у туркманлар томонга юришга жазм қилиб, йўлга чиққанлиги ҳақида хабар келди.

II. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ АВНИК ҚАЛЪАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЮРИШИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқироннинг олий ҳиммати Авник қалъасини забт этишни ирода қилди. (154) У жуда мустаҳкам бир ҳисор эди. Мамлакат ўртасида жойлашган бўлиб, уни туркманлар ўзларининг муҳолифатчиликлари учун орқа таянч қилиб олган эдилар. (Амир Соҳибқирон) у томонга қараб жўнади ва ўн саккизинчи шаъбонда (1394 йил 18 июн) у жойга етиб, ишорат қилдики, тўхтамасдан жанг бошласинлар. Мард кишилар ва жанг сафининг далирлари фармонга биноан саъй-ҳаракат камарини белга боғлаб, жону танлари билан қатъийлик кўрсатиб, душманларни хор ва мағлуб этдилар, ҳаттоки улар қочиб тоғ тепасига чиқиб кетдилар. Ғалаба ёр лашкарлар қаҳру ғазаб билан сиртки қўрғонни эгалладилар ва шу соатдаёқ бузиб, ер билан баробар қилдилар. Қалъа ишларига мубошир бўлган Қаро Аҳмад ўғли Миср ҳам қўрқиб тоғ тепасига чиқди. Тоғ жуда баланд ва йўллари машаққатли

эди, у ерга истехком қуриб, мустақкам дарвозалар ўрнатган эдилар. Амирлар ва лашкарлар юзларига қалқон тутиб душман қаршисида турдилар. Шу ҳолатда Миср ўз ўғлига ноиблару мўътабар кишиларни қўшиб, муносиб пешкашлар билан ташқари чиқарди ва: "Мен банда итоатдаман, ҳазрат Амир Соҳибқиронга қарши туришга ҳаддим ва қувватим йўқ. Аммо (у ҳазратнинг) соялари улуғ, агар бу навбат менга амонлик берсалар, мен у кишига қуллик ва итоаткорликда бўламан ҳамда бундан кейин эминлик юзасидан ўз ихтиёрим билан бандаликка келаман", деб арзга етказди. Амир Соҳибқирон уларни сийлаб тўн, камар бериб қайтарди ва уларга: "Унинг амонлик талаб қилгани мақбулдир ва узри ижобатга олинади, бироқ токи унинг ўзи палос ўпишга келмаса, бу сўзлар фойда бермайди", деди. Улар қайтиб бориб, бу сўзни унга етказдилар. У ишонмади, яна душман бўлиб, жанг қилишга киришди.

Иккинчи куни амир Таҳуртан олдинга ўтиб бориб Миср билан сўзлашди ва унга насиҳат қилиб деди: "Ахир бу қандай бузуқ савдоки, сени муҳолифатчиликда тутиб туришти!? Етти иқлим султонлари унинг ҳамласи олдида қалқонини ташлаган бир ҳазратга сендек кишининг қарши туриши оқиллар тутадиган йўл эмасдир; ожизлик ва мискиянликни васила қилишдан бошқа нарса сени қутқариши мумкин эмас". Бу сўздан кейин Миср ўғлини бир жамоа кишилар билан юборди ва ҳамон аввалгидек илтимос қилди. Амир Соҳибқирон (қалъадан) чиқиш унинг кўнглида йўқ эканлигини тушунди-да, дарҳол навкарларини ҳибсга олди.

Мазкур ойнинг йигирма бирида (1394 йил 21 июн) якшанба куни амирзода Муҳаммад Султоннинг барча лашкарлари етиб келди. Шу кечада кўп аскарлар тоққа чиқдилар. Душанба куни Амир Соҳибқирон Мисрнинг ўғлини талаб қилди. У норасида олти ёшда бўлиб, ғоятда хушрўй, ширинсўз эди. У олий даргоҳга етиб келгач, ҳожатмандлик юзини ёлвориш заминига қўйиб, Амир Соҳибқирон ҳазратлари оёғини ўпди ва ёқимли сўзлар билан ёлвориб ва зорланиб, отаси қонидан ўтишни илтимос қилиб деди: "Агар ижозат бўлса, мен бориб уни кафан ва шамшир билан Соҳибқирон ҳазрат ҳузурига олиб келаман". Амир Соҳибқирон унга раҳм қилиб, сарпо кийгазди, бўйнига олтин ҳамойил солиб отаси олдига юборди. Отаси унинг дийдорини кўриб, шодмон бўлди.

Қалъа аҳли бирдан хурушу фиғон тортиб, дуою сано айтдилар ва Амир Соҳибқирон томонидан у ўғил билан юборилган жамоатга (155) тўну олтинлар бериб, зўр ҳурмат ва таъзим билан қайтардилар. Лекин Мисрга хавф устун келган эди; у ожиз ва чорасизликда саросимага тушиб қолган ҳамда ишониб ташқарига чиқишга етгудек руҳ қувватию далирликка эга эмас эди. У яна баҳона кўрсатгач, Амир Соҳибқирон манжаниқлар, раъд, аррода, тирчархларни тайёрлашни буюрди. Уларни тайёрладилар. Бу жанг қуроолларидан отилган тошлар зарби билан уларнинг кўп уйларини вайрон қилдилар. Қалъа аҳлидан фарёду фиғон кўтарилди. Шу миёнада Мисрнинг онаси тушиб, палос ўпишга етишди ва отлар тортиқ қилиб арзга етказди: "Менинг ўғлимнинг Сиз ҳазратга қарши туришга сира ҳадди йўқ, аммо ҳайбат ва шукуҳингиз олдида қаҳрли йўлбарснинг заҳраси сув бўлиб оқадиган ва қутурган бабрнинг дами ичига тушиб кетадиган бўлгач, агар у сиздан кўрқар экан, бу кўп ҳам ажабланарли эмас", деди. Амир Соҳибқирон уни сийлаб кўнглини кўтарди ва қимматбаҳо сарпо кийгазиб қайтарар экан: "Агар амонлик ва саломатлик тиласа, унга айтгинки, имкон бориचा тезроқ ҳузуримизга етиб келсин", деди. Сарой Мулк хоним ва ўзга хонимлар ҳам унга жома ва тўн тортиқ қилдилар. У қайтиб бориб, кўрган ва билган аҳволни ўғлига айтди. Аммо бахт ундан юз ўгириб, ёрлик қилмаганлиги сабабли давлати орқага дўниб, итоат ҳалқасига бош суқишга қўймади. Аввалгидек душманлик мақомида тураверди. Амир Соҳибқироннинг ишорати билан унинг ҳисори рўбарўсига бир баланд иморат бино қилишга киришдилар. Лашкар ёғоч ва лой ташиб, охири бино қуриб битирилди, бино уларнинг ҳисоридан баландроқ бўлди.

Рамазон ойининг ўн бешиди (1394 йил 14 июл) душман жуда танг бир аҳволга тушиб қолди; улар сувсизликдан қийналардилар. Аммо аввалгидек тиришқоқлик билан ҳаракат қилишар ва жон хавфида жидду жаҳд кўрсатишар эди.

Яна ҳукмга биноан манжаниқларни ростлаб тош отдилар, қалъадаги кўп уйларни вайрон қилдилар. Шу ҳолатда Миср яна ўз ноибларини юбориб, амирзода Муҳаммад Султонга илтижо қилиб, газарруъ ва ҳожатмандлик изҳор этди. Амирзода уларни Амир Соҳибқирон ҳазратга олиб бориб, сўзларини арзга етказ-

ди. Амир Соҳибқирон ҳамон аввалги шартни қўйиб: "Агар келса, амон қолади", деди. Миср яна бўйсунмасдан жанг бошлади.

Шу миёнада ғалаба ёр лашкар жамоасидан бир гуруҳ баҳодир жангчилар ҳисор ва тоққа чиққан эдилар. Хожа Шохин ҳаммадан илгари ҳисорга кўтарилди-да, диловарлик кўрсатиб ўт қўйди. Ундаги жасурликни кўришгач, Арғуншоҳ, Амоншоҳ ва ўзга бир қанча баҳодирлар олдинга ташландилар. Амоншоҳ ярадор бўлиб, ўша жойдан қайтди. Арғуншоҳ иккинчи марта илгари юрди ва лашкар баҳодирлари атрофдан тоққа чиқиб, ҳисорнинг бир буржи тагидан нақб кавладилар ва ёғочлар билан тиргаб турдилар. Шу ҳолатда Мисрнинг навқарлари ундан юз ўтириб, тоғ устидан ўзларини ташлай бошладилар. Қўрғон ичидаги халойиқ доду фарёд кўтариб, чиқишга йўл ахтарарди. (156) Ҳаммалари жанг аслаҳа-қуролларини бошларию танларидан ечиб улоқтирдилар. Миср ғоятда ожиз ва чорасиз қолди. Жума куни — у кун ийд куни эди — ўғлини чиқарди. У Амир Соҳибқирон ҳузурига келиб, ер ўпиб ёлвориб, отаси қонини сўради. Амир Соҳибқирон: "Уни сенга бағишладим ва қонидан ўтдим, аммо шу шарт биланки, шу заҳотиёқ чиқсин, бўлмаса барча халойиқнинг қони унинг гарданида бўлади", деди. Эртаси куни Миср елкасига кафан ташлаб, қўлида қилич тутиб чиқиб келди-да, жаҳон амирзодаси Муҳаммад Султонга илтижо қилди. Улуғ донолар деганлар (шеър):

Донолар қилган ишни нодонлар ҳам қилади,
Лекин вақти келганда расво бўлиб қолади.

Яъни агар бирор бир муҳим ҳодиса воқеъ бўлиб, бир мушкул иш рўй берса, унинг тадбири ва чорасида ақлли доно киши қилган ишни жоҳил нодон киши ҳам қилади. Аммо фарқи шундаки, оқил киши илгаридан олдини олиб, тадорикини вақтида кўради ва шу туфайли у ҳодиса бирор ваз билан ислоҳ топади. Аммо жоҳил токи иш қўлдан кетгунга қадар ташлаб қўяди-да, расволик ва шармандаликка етгандагина унинг чорасини излайди. У пайтда кўрилган тадорик фойда бермайди.

Амирзода Мисрнинг кўнглини кўтариб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келди ва унинг қонидан ўтишни сўради. Амир ҳазратлари марҳамат қилиб, шафоатни қабул этди ва уни амирзодага бағишлади. У қалъани эса

амир Атломишга топширди. У мавзеда беш кун тўй қилиб, вақтни ишрат ва комронлик билан ўтказдилар. Панжшанба куни у жойдан кўчдилар.

Шу миёнада амир Ҳожи Сайфиддин баҳодир Самарқанд томондан келиб, палос ўпишга мушарраф бўлди. Ун саккизинчи шавволда (1394 йил 16 август) душанба куни Амир Соҳибқирон тўй беришни буюрди ва амир Таҳуртанга мамлакатдорлик ишлари ҳам ҳаёт тарзи бўйича подшоҳона насиҳатлар қилиб, уни сийлаб инъому эҳсонларга мушарраф қилди ва унга ўз вилоятини тақдим этиб, кулоҳу камар бериб, ўз ерига жўнатди.

Шу ҳолда Ойдин қалъасини амир Зийрак мухосара қилиб, жангга киришган ва уни олишига яқин қолган эди. У қалъанинг ҳокими амир Боязид ўзининг ожизлигини билгач ва ғалаба ёр лашкарнинг мардлигу мардоналигини кўргач, амон тилади ва тунда (ҳисордан) чиқиб, эртаси куни палос ўпишга етишди. Амир Соҳибқирон унга суюрғол тайин қилиб, ҳурматга сазовор этди ва вилоятини ўзига топширди. Амир Бурҳон ўғлонни амир Сайфиддин, Жаҳоншоҳ баҳодир ва Усмон баҳодирлар билан Гуржистон вилоятига Оқсиқо томонига юборди.

Амир Соҳибқирон ўзи Алодоғ жангалистони томонига равона бўлди. У атрофда қолган душманларнинг ҳаммасини ғорат қилиб, сазасини бериб, у ердаги саҳроларда ов овлашга майл кўргазди. Кўп кийик ва ёввойи кўчқорларни йиқитдилар. Сўнг яна илғор қилиб бориб, вилоятларни итоатга келтирди. Кейинда қолган ўғруқни кўчириб, Қарс мавзеига келиб тушди.

Йигирма саккизинчи шавволда (1394 йил 26 август) улуғ Тангри таоло амирзода Шоҳрух баҳодирга муборак қадамли бир фарзанд каромат қилди. (157) Давлат кўзи унинг жамолидан равшан бўлди, мамлакат унинг вужуди билан зебу зийнат топди, катта бону Сарой Мулк хоним элчи юбориб, бу хушxabарни эшиттирди. Хурсандчилик қилишиб, Манкул саҳросида бирмунча муддат тўй ва айшу ишратга машғул бўлдилар, мустаҳиқларга назр ва садақалар бердилар. Унинг муборак номини Иброҳим Султон деб қўйдилар. Давлат шодасига яна бир қимматли дурдона қўшилди, улуғлик денгизида яна бир шоҳвор гавҳар ортди. Гуржистон томонига кетган амирлар кўп қалъаларни фатҳ этдилар, мустаҳкам ҳисорларни забт қилдилар, сўнгра комронлик ва зафар қучоғида қайтиб, остона ўпишга мушарраф бўлдилар.

Амир Соҳибқирон зулқаъда ойининг ўн саккизинчисида (1394 йил 14 сентябр) кўл қирғоғидан кўчиб, жума куни амирзода Шоҳрухни Самарқанд томониغا юборди. Оғолар (Сарой Мулк) хоним хизматида Султонияда турсинлар, деган фармон бўлди. Фармонга мувофиқ амал қилдилар. Улуғ амирзода (Шоҳрух) давлат ва комронлик ҳамроҳлигида Самарқандга етиб, амну амонлик палосини ёзиб, адлу эҳсон чодирини баланд кўтарди. Олам аҳли унинг адолати соясида эмин ва осуда бўлдилар, жаҳон халқи унинг қудрати паноҳида хушдиллигу фароғатга эришдилар. Улар ҳол тили билан бу Соҳибқирон дуосида айтар эдилар (байт):

Давлатингда ҳамманинг тинч ўтади ойу йили
Давлату иқбол ила ёнсин ҳаётнинг машғали...

Амир Соҳибқирон ов овлаб Кўҳистон¹ йўлига кириб, Гуржистоннинг барча вилоятларини мусаххар қилди. Қароқалғон мавзеида муҳолифлар кўп эди. Уларга қарши юзланиб, ҳаммасини хор ва мағлуб этди. У жойда айшу ишрат мажлисини тузиб, (бир неча кунни) ишрату комронликда кечирди. Сўнг у ердан кўчиб, Тифлис шаҳрига етдилар. У жойдан ов овлаганларича юриб Шакига² кирдилар. Вилоят аҳлини итоатга келтириш ва бўйсундириш учун илғор тарзида лашкарлар жўнатди.

Амир Ҳожи Сайфиддин, Жаҳоншоҳ баҳодир ва ўзга амирлар фармонга биноан жўнадилар. Бориб вилоятни итоатга келтириб, мугъ қилдилар. Кимки бўйсунмаса — талон-торож қилдилар. Шайх Нуриддин баҳодир бир лашкар билан Кўҳистонга юришни ирода қилди. Сайид Али уй-жой ва мол-мулкидан кечиб, қочиш йўлига кирди. Унинг вилоятини бутунлай хароб қилиб, ҳалокатга учратдилар. Бундан фориг бўлгач, Амир Соҳибқирон ҳузурига келдилар. Шу вақтда Тўқтамиш подшоҳнинг лашкари Дарбандга келиб, у ердан ўтди, деган хабар етди. Амир Соҳибқирон отланиб жўнади. Бундан хабардор бўлган душман лашкари қарши туришни маслаҳат кўрмай, дарҳол орқасига қайтди. Уларнинг қайтганлиги аниқлангач, Амир Соҳибқирон Кур суви қирғоғи бўйлаб жўнаб, қишлоқ учун жой ахтарди. Маҳмудобод яқинигача етгач, бу мавзеда Сарой Мулк хоним ва оғоларни талаб қилди. Фармонга биноан улар йўлга чиқиб, етиб келдилар ва бир-бирларининг дийдорини кўриб, шодлик ва хурсандликлари ортди. Қишни айшу ишрат билан у мавзеда ўтказдилар. (158) 797 йил баҳор фасли етгач³ (1395 йил

март-апрел), Амир Соҳибқирон ўғруқни Султонияга жўнатиб, ўзи Тўқтамиш подшоҳ томон юришни ирода қилди.

ЛШ. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ДАРБАНД ЙЎЛИ ОРҚАЛИ ДАШТИ ҚИПЧОҚ ТОМОН ЮРИШИ БАЁНИДА

Тўқтамиш подшоҳ лашкари томонидан бир неча навбат нолайиқ ҳаракатлар содир бўлганлиги туфайли Амир Соҳибқирон ўз олий ҳимматини уларни дафъ этишга қаратди ва Шамсиддин Алмолиқийни элчиликка юборди. У иш кўрган, ақлли, ҳушёр, донишманд бир киши эди. У бориб ширинсуханлик билан кўнгилга ёқар гапларни айтиб, сўзнинг уланишу ривожига риоя қилган ҳолда мақсадни адо этди. Унинг сўзлари подшоҳ ва амирлар қалбига ғоятда таъсир кўрсатиб, (Тўқтамишхон) сулҳу сафога мойил бўлди ва Шамсиддин Алмолиқийни сийлаб, ҳурмат билан қайтарди.

У қайтиб келганида Амир Соҳибқирон Самур сувига етган эди. Элбруз тоғи¹ этаги билан дарё қирғоғигача бўлган оралиқ беш фарсах масофа эди. Лашкарни сафларга тизиб, кўрикдан ўтказдилар. Шундай бир тартиб ва кўркамлик намойиш қилиндики, асрлар давомида бунга ўхшашини ҳеч ким кўрмаган эди.

(Тўқтамишхон) бир неча бор дўстликдан дам уриб, сулҳ бунёдини қурган, аммо унга вафо қилмаганлиги туфайли Амир Соҳибқирон унинг сўзига илтифот қилмади. Беҳисоб лашкар, интиқомга ўч сипоҳ, номдор амирлар, саодатли шаҳзодалар у мамлакат сари юзландилар. Зафар ўнг тарафларида-ю, нусрат чап тарафларида, фалак мутиъликдаю жаҳон фармонбардор бир ҳолатда кўзғалиб Дарбанддан ўтдилар ҳамда Тўқтамишхоннинг тарафдори бўлган Қийтоғ эли ва вилоятига етдилар. Уларни даф қилиш лозим кўринди; бу элнинг беҳу бунёдини қўпориб ташлашга киришиб, атрофини шундай қуршаб олдиларки, кўпидан озию, мингидан бири ҳам халос топмади. У вилоятларнинг ҳаммаси талон-торож қилинди.

Шу аснода Тўқтамишхон Ўртоқ номли бир элчини юборди. У яқин етиб кўп сонли лашкарни кўргач, кетига қайтди ва бориб, Амир Темур катта бир лашкар билан келаётибди, деб подшоҳга хабар берди. Тўқтамишхон

Қазончини манғлой қилиб тайинлаб, лашкар билан юборди. Улар Оби Қўй суви қирғоғига келиб тушдилар. Амир Соҳибқирон лашкари Дарқий мавзеига етиб тўхтади. У ҳазратнинг ўз муборак зоти (бир гуруҳни) саралаб олиб, ўртада бир кечани ўтказиб, саҳар пайтида Қозончига етишди, уни ва у билан бўлган лашкарларни қувиб, дашту саҳрони уларнинг қони билан бўяди. Қозончи бу шавкат ва улуғликни, далирлик ва шаҳдамликни кўргач, минг ҳийлаю мақр билан жанг майдонидан жонини саломат олиб чиқиб, қочишга юз тутди. Амир Соҳибқирон унинг кетидан қувиб, кўп халқ ва саноқсиз сипоҳларни қатлга етказди. Сўнг у жойдан жўнаб, (159) Сунж сувига² етди. Тўқтамишхон ҳам шу сувга етиб тўхтади ва аскарларига совут ва тураларни олдиларига тутиб, ўзларини муҳофаза қилишни буюрди.

Амир Соҳибқирон шавкату қувват мақомида туриб, ноғора ва бурғу қоқиб жангга киришди. Тўқтамишхон бу ҳолни кўргач, қарши туришни маслаҳатдан деб билмай юкларни ва асбобу анжомларини ташлаб қочди. Амир Соҳибқирон унинг кетидан қувиб бориб, Тарак³ сувидан ўтди. Тўқтамишхон Қурий сувига⁴ етиб тўхтади ва аскарларни жамъ қилди. Амир Соҳибқирон иккинчи марта Тарак суви қирғоғи билан Жулот⁵ томонига юзланди ва лашкарга у жойда алуфа тарқатиб, тартибни янгиллади. Тўсатдан Тўқтамишхон яна қайтадан лашкарни ростлаб, Тарак суви қирғоғи билан келаётибди ва бу гал жанг қилишга қатъий жазм этган, деган хабар келди. Амир Соҳибқирон қайтиб келиб, унга қарши турди ва маймана ҳам майсарани рост қилиб, манғлой (қисмни) илгари жўнатди. Эртаси куни ғаним лашкарига етиб бориб тушдилар. Ҳар икки лашкар бир-бирига рўбарў туриб тунни ўтказди.

Тонг отгач, Амир Соҳибқирон ўз лашкари сафларини тартибга солиб, бир қул (қисм)ни ўзи учун хос қилди ва иккинчи бир қулни амирзода Муҳаммад Султон баҳодир учун тартибга келтирди. Ўз зоти олийлари лашкардан йигирма етти кўшинни саралаб олиб, жанг бошланишини кутиб узоқроқда тўхтаб турган эди, шу ҳолатда бир киши келиб: "Ҳазратга сўзим бор", деди. Уни Соҳибқирон ҳазратга олиб бордилар. У: "Мен душман лашкарининг ўнг қўл қисмидан келяпман, вазият шундайки, Кунча ўғлон, Бек Ёриқ, Оқ Тов, Довуд Сўфи ва Удуркулар яқдилу якзабон бўлишиб, сизнинг ўнг қўл (қисмингиз) қанбулига чопқин ясамоқчилар", деди.

Амир Соҳибқирон дарҳол у томонга равона бўлиб, уларнинг йўлини тўсди ва бир қанча қўшинни илгари чиқариб, уларга қарши юборди. Улар ғалаба ёр лашкарнинг тартиби, забти ва шавкату шижоатини кўргач, дилларида хавфу қўрқинч ғолиб келиб, ҳамладан илгариёқ қочиб қолдилар. Амир Соҳибқирон саралаб олган ўша йигирма етти қўшиндан эллик киши душман ортидан қувлаб, уларни ўз лашкарлари қул қисмигача етказди. Қочган лашкар ўз қулига етишгач, қайтадан жамъ бўлишиб, бирданига ҳамла қилдилар ва у эллик нафар киши устига ташланиб қочирдилар, баъзиларини ўлдирдилар. Шу сабабдан энди бир оз далир бўлишиб илгари юрдилар ва нусратли лашкарга ташланиб, Амир Соҳибқироннинг яқинига етдилар. Амир Шайх Нуриддин жонини ҳалокат майдонига ташлаб, номус кучлилигидан душманнинг олдидан чиқди ва тиғу шамшир зарбидан юз ўғирмай, отдан тушди. Лашкар ҳам унга тақлид қилиб отдан тушди ва Худойи таолога таваккал қилиб, жигар тешувчи ўқлар зарби билан душманларни қайтарди. Аллоҳдод (Шайх Нуриддин) кетидан ёрдамга етиб келди. Бўй қўшунлари ҳам келиб тушдилар (160) ва хоназод қўшини билан биргаликда уларнинг чап қўл томонини олиб ўрнашдилар ва жаҳд билан жангга киришдилар.

Шу ҳолатда Амир Соҳибқироннинг катта қули ва лашкарнинг қалби курко, карнай, ноғора ва бурғу чалиб, зўр ҳайбат ва буюк бир шавкат билан етиб келдилар. Карнай, сурнай овозидан олам шов-шувга тўлди-ю, жаҳон шўру гавғога қолди. Шу миёнада Устуй ўз қўшуни билан қул қисми орқасидан келиб қўшилди. Икки томондан шу қадар кўпчилик ва шавкат билан жанг бошладилар.

Душман лашкари қанчалик кўп ҳамла қилмасин, пиёда бўлиб ўқ отиб турган ғалаба ёр лашкарни жойидан қўзғата олмади. Шунчалар кўп одам қатл этилдики, у саҳрода қондан ариқлар оқа бошлади. Шу ҳолатда улуг амирзода Муҳаммад Султон шижоат ва мардоналик мақомида туриб, ўзи шахсан тўхтовсиз ҳамла қилди. Унинг орқасидан бўй қўшини келиб жангга кирди ва чап қўл томондан ҳамла қилди. (Амирзоданинг) ҳайбатидан душманлар дарҳол қочдилар. Амир Соҳибқирон (Муҳаммад Султонни) ҳамиша жондан азизроқ ва руҳдан қадрлироқ кўрарди, аммо бу ҳолатда унинг томонидан шундай шижоат изҳорини кўриб, бир муҳаббати минг бўлди.

Тўқтамишхон ва Дашти Қипчоқ шаҳзодалари амирлар ва нўёнлар билан қочишга юз тутдилар. Шу ҳолатда амир Ҳожи Сайфиддин ўнг қанот лашкарининг қанбул деб ата-ладиган навк-тумшуқ қисмида турган эди. Душманнинг бир фирқаси зўр қувват билан унга ҳамла қилди. У дарҳол отдан тушиб, камони дастасига қўл уриб, мардоналик билан тир-борон қилди. Шу қадар жидду жаҳд кўрсатдики, душманларнинг кўз очишга мажоли қолмади. Қочган лашкарлар ўз қавмларидан баъзиларнинг душман билан курашиб турганини кўргач, яна бир гуруҳ келиб уларга қўшилиб, кўпайишиб кетди. Амир Ҳожи Сайфиддин худога таваккал қилиб, сабот узангисига оёғини қўйиб, ўз жойидан кўзғалмади. У душманга қарши шундай ҳаракат қилдики, ундан ортиғини тасаввур қилиш мумкин эмас. У совуту сипорни бетига тутиб, тоғдек сабот билан кўзғалмай турди. Ногоҳ амир Жаҳоншоҳ баҳодир иккинчи томондан кириб келиб, душман билан юзлашиб мардона ҳамла қилди. Уларнинг ҳар иккиси бир-бирларига орқа таянч бўлиб мардлик додини бергач, душманлар қочдилар. Тарқалиб кетган лашкарлар қайтадан жамъ бўлиб турдилар.

Жаҳон амирзодаси Рустам (ибни Умаршайх) гарчи ёш бўлса ҳам улуғ давлатнинг қўлловида ўз хос лашкари билан етиб келди ва душман устига чақин ҳам яшиндек ташланди. Ўқ захми ва қилич зарби билан душманни қочирдилар ва кетига тушиб, тарқатиб юбордилар.

Лашкар Ҳақ таолонинг кўмағи билан душман устидан ғалаба қозонгач, Амир Соҳибқирон йўлга равона бўлиб, Қурой деган мавзегга келиб тушди, ўғруқни у жойда қолдирди ва лашкардан (бир қисмини) саралаб, илғор тарзида олдинга чиқариб, Тўқтамишхоннинг изидан равона бўлдилар. Идил (дарёсининг) турклар Туротур⁶ деб атаган кечигидан (161) ўтдилар ва душманлар орқасидан қувлаб Укак вилоятига етдилар. Йўл устида кўп душманларни ўлдирдилар. Душман элини дарё қирғоғига етказдилар: бу томондан ўткир қилич, у томондан соҳилсиз дарё — душман икки бало ўртасида қолди. Баъзилари ўзларини сувга отдилар. Душманнинг кўп вилоятларини олдилар. Тўқтамишхон саноклигина кишилар билан қочиб чангалзорга кирди ва таъқиб этувчилар чангалдан халос топди. (Амир Соҳибқирон лашкарлари) у вилоятларнинг ҳаммасини талон-торож қилиб, кўп молларни ўлжа олдилар.

Дарбанддан ўтаётган вақтда, жанг бошланишидан бир кун илгари амирзода Мироншоҳ отдан йиқилиб, муборак

қўли мертилгани сабабли Султон Маҳмудхон хизматида қолган эди. Амир Ёдгор ва амир Ҳожи Сайфиддин уларга қуллик хизматида ўғруққа бошчилик қилиб турардилар. Юлуқлуқ⁸ ва Узуқлуқ деган мавзеда Амир Соҳибқиронга бориб қўшилдилар.

Ўзий суви⁹ тарафига душман лашкарининг ўнг қўлини излаб Амир Соҳибқирон иккинчи навбат лашкарни илғор қилди. Улар Ўзий суви тарафида Манкармон сувига¹⁰ етиб, Бек Ёриқ вилоятини ва уларнинг хонумонини талон-торож қилдилар. Улардан озгинасигина халос топди. Тош Темур ўғлон ва Оқтов душман томон бордилар ва Уйматой мавзеига етдилар. Ўзий сувидан қайта туриб жаҳон бўйсунувчи лашкар иккинчи марта Бек Ёриқни топди ва уни Тун сувига етказиб, ожиз, бечора ва музтар қилди. Шу ҳолатда Бек Ёриқ ўғлини олиб (ўз лашкари) орасидан чиқиб қочди, зарурат юзасидан аҳлу авлодини бало чангалида қолдирди.

Амир Соҳибқирон лашкари Қаросу¹¹ деб аталган ўрус шаҳрини барча вилоятлари билан талон-торож қилди. Амирзода Амироншоҳ ва Жаҳоншоҳ баҳодир душманларни излаб, ўнг қўл томон чопқин солиб равона бўлдилар. Амирлардан кўплари унга эргашдилар ва (душманнинг) ўнг қўл тарафдаги вилоятини, — уларнинг бу ердаги улуғи Бекхожа эди, — Сарой¹², Ўрус ва Ўрусжуқ¹³ деган жойларнинг ҳаммасини ўз тасарруфларига киргаздилар; барчасини талон-торож қилиб, ҳисобсиз молу манол, от, туя, қорамол ва қўйларни қўлга киритдилар, соҳибжамол хотинлар ва қизларни асир олдилар.

Амир Соҳибқирон Мўшқу¹⁴ номли ўрус шаҳри томон юришни ирода этди, у вилоятнинг барча ерларига чопқин ясаб ғорат қилди, лашкар аҳли ўлчаксиз ғанимат олдилар. Амирзода Муҳаммад Султон Қобучи Қаровул номи билан машҳур бўлган вилоятни ғорат қилди. Душман тоифасидан¹⁵ Курбуқо, Барлон, Буркун ва Калачи деган жамоалар¹⁵ биебонда ҳайрон ва саргардон юрардилар, жаҳон амирзодаси улуғ амирлар билан биргаликда уларни талон-торож қилдилар, жуда кўп мол олдилар ҳамда фарзанд ва хотинларини асир қилдилар.

Амир Соҳибқирон иккинчи марта лашкарнинг қул қисмини олиб ўзига қачарчи тайинлаб, Билжиман¹⁶ томониغا жўнади. Амирзода Амироншоҳ душманлар устига чопқин ясаб, (162) Озоқ¹⁷ томондан қайтиб келди. Амир Соҳибқирон Озоқ ҳисорига бориб, у вилоятни батамом олди,

уларнинг уйларини куйдирди ҳамда у вилоят мусулмонларини айириб олиб, озод қилди, кофирларнинг барчасини қатл этди. Сўнг у жойдан кўчдилар. Озоқдан Черкас вилояти¹⁸ бўлмиш Қубонгача¹⁹ оралиқдаги ўтлоқларнинг барчасини (душманлар) куйдириб юборган эканлар, жаҳон итоат этувчи лашкар етиб келгач, ўтларнинг куйдирилганлигини кўрдилар. Ўт йўқлигидан кўп заҳмат чекдилар. Сув, лой ва балчиқдан қийинчилик билан ўтиб, бу машаққату балолардан кейин саккиз кунда Қубонга етдилар. У жойда бир неча кун тўхтаб турдилар.

LIV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ АМИРЗОДА АМИРОНШОҲ ВА АМИРЗОДА МУҲАММАД СУЛТОНЛАРНИ ЧЕРКАС ТОМОН ЮБОРГАНИ БАЁНИДА

Етти юз тўқсон саккизинчи йил (1395 йил 16 октябр — 1396 йил 4 октябр) эди. Бу йилни турклар сичқон йили дейдилар. Амир Соҳибқирон амирзода Муҳаммад Султон, амирзода Амироншоҳ ва амир Жаҳоншоҳ баҳодирларга ижозат бериб, Черкас тарафига жўнатди. Амирзодалар ва амирлар равона бўлиб, Черкасга етдилар. У ерни горат қилиб, кўп ўлжа олдилар ва у жойдан қайтиб, Амир Соҳибқирон билан учрашдилар.

Амир Соҳибқирон Бароғон тарафга юриштни ирода қилди, тўқайзорни кесиб йўл солиб, Элбруз тоғи томонига тушдилар ва у ерда кўп ҳисорларни ҳамда ҳисобсиз вилоятларни кўрдилар. Дин душманлари билан кўп жанг қилдилар. Кофирларнинг молларидан ҳисобсиз ғанимат олдилар. У жойга тушгач, амир Ҳожи Сайфиддин ижозат олиб, тўй беришга ҳозирланди ва неча кунни айшу ишрат билан ўтказдилар, фатҳу зафар гулзоридан комронлик гулбаргини тердилар.

Сўнг у жойдан кўчиб, Куло ва Товус томонига жўнадилар. У вилоятнинг ҳаммаси элбрузликлар эди. Уларнинг ҳисори тоғ тепасида бўлиб, йўллар ғоятда оғир ва мушкул эди. Ниҳоятда баландлигидан кўрадиганларнинг кўзи хиралашар, қарайдиганларнинг кулоҳи бошидан тушар эди. Айниқса Товус қалъаси: у олий ва баланд бир иморатга эга бўлиб, ҳавоси ёқимли эди. Пастдан отилган ўқ қалъа тепасига етмасди. Ҳеч муболағасиз ақл уни забт этишни тасаввур қилишдан ҳам ожиз эди.

Макрит қабиласидан бир жамоа доимо Амир Соҳибқирон ҳузурида хизматда бўларди. Улар ҳамиша тоғ ва дараларда ов қилишарди. Амир Соҳибқирон қалъанинг йўллари ва камингоҳларини текшириб билишни уларга тайинлади. Улар бориб кўп қидирсалар-да, қалъага олиб борадиган бирор йўлни топа олмадилар. (163) Амир Соҳибқирон ўткир раъйи ва узоқни кўзлайдиган фикри билан у қалъанинг ости-устига кўз солиб, хўб яхши ўйлаб туриб ишорат қилди: нарвонлар тайёрлаб, ҳисор атрофига қўйдилар ва арқон билан деворга маҳкамладилар. Жонбоз баҳодирлар фармонга биноан бошларини фидо қилиб, у нарвонларга қадам қўйдилар. Арқонларни қўлларидан тутиб, етиб бордилар ва жанг бошладилар. Аркувун вилоятидан кўплари ўлдирилдилар. Куло ва Товусни тутдилар-у, Амир Соҳибқиронга етказмасдан йўлда ҳалок этдилар. Кўп кишилар ўлдирилди. Охири зафар чаманзориди мурод гули очилди.

Амир Соҳибқирон у жойдан Пўлод томонига жўнашни ирода қилди. Боратуриб йўл ўртасида Болқон мавзеида² бир кун тўхтади ва яна у жойдан кўчиб, Пўлодга етди. Мактуб ёзиб, Удуркунинг биродари орқали Пўлодга юборди. Мактубда деди: "Удурку тезлик билан бизнинг ҳузуримизга келмоғи лозим, агар келмаса — ҳозир биз жаррор лашкарлару ҳисобсиз сипоҳ билан етиб борамиз!" Мактубни ўқиғач, Пўлод айтди: "Удурку менга паноҳ тортиб келгандир, то танда жон бор экан уни топширмайман, жонимдан бирор рамақ боқий экан, унинг муҳофазатини қиламан".

Амир Соҳибқирон бу сўзни эшитгач, амр қилди: ғалаба ёр лашкарлар тўқайзорни кесиб саҳро қилиб, уч фарсах масофага йўл очдилар. Удурку Қапчиғой ҳисори ва дарани эгаллаб олиб, жонбозлик кўрсатмоқда эди. Амир Соҳибқирон келиши билан жанг бошлади. Кўп жанглардан кейин ҳисорга кўтарилди. (Пўлод)нинг вилоятидан кўп кишилар ўлдирилди, уйлари куйдирилди.

Элбруз тоғи этагидан буронғор лашкарлардан ҳамда улуг амирзода Амироншоҳдан Амир Соҳибқирон ҳузурига хабарчи келиб: "Улуг амирзода Удуркунинг пайига тушиб, уни танг ҳолатда қолдирди, қўлга туширишига яқин қолди", деган хабарни етказди. Амир Соҳибқирон дарҳол у жойдан отланиб, Элбруз тоғидан ўтиб, Абоса деган мавзегга келиб тушди. Бу ерда Удуркуни тутиб, бандга солиб, ҳазрат ҳузурига олиб келдилар. Амир Соҳибқирон шу миёнада кўп вилоятларни забт этиб қайтди ва ўғруққа келиб тушди. Барча лашкар Бештоғ³ ўртасига жойлашдилар.

Амир Соҳибқирон илғор қилиб бориб, Симсим вилоятининг ҳаммасини мусаххар қилди. Қирбекнинг ўғли Муҳаммад ўз вилояти (халқини) жамъ қилиб, ҳазратнинг олдига келди. Эл ва вилоят аҳлидан бошқа бир гуруҳи қочиб, ҳатто пиёдалар ҳам қийинлик билан юра оладиган машаққатли жойларга кириб олган эди, Амир Соҳибқирон ўз зоти билан улар томон юзланиб, жанг бошлади, у ҳисорларнинг барчасини мусаххар қилди. Унинг фармойиши билан у ердаги кишиларни боғлаб ҳисордан паства ташладилар. Яна Амир Соҳибқирон Кўҳистон⁴ ўртасида кўп вилоятларни қўлга олди; Рустами Достон ҳам қўли ожизлик қилиб ололмайдиган жойларда ўз раъйи қуввати ва тадбири ёрдами билан душманларни фатҳ этди, бир-икки кун қаҳру ғазаб (164) ўтини ёқиб, ҳўлу қуруқ ҳаммасини куйдирди. Уларнинг барча калисиё (черков) ва бутхоналарини хароб ва вайрон қилди. У ердан тушиб, Уҳар тоғи⁵ этагига чопқин ясади. Лашкар кўп ғанимат, озик-овқат олиб келди.

Амир Соҳибқирон у жойдан Бишканд йўли томон қайтиб, у вилоятни қутли адлу эҳсони билан ораста қилди, чунки у мавзеларнинг аҳолиси илгарироқ бўйсуниб келган ва суюрғол олиб, хавфу қўрқинч чангалидан саломат қолган эди. Амир Соҳибқирон аскарлар уларга асло тегмасинлар ва сира ҳам зиён етказмасинлар, деб ҳукм қилди. Токи жаҳон халқига маълум бўлсинки, одамлар ўзларининг қилмишлари учун жазоланадилар ва уқубат чекадилар. Бу Аллоҳ таолонинг жорий этган суннатларидан бири бўлиб, у ҳақда Қуръони каримда қуйидагича ёзилгандир: <Кимда-ким яхшилик қилса — ўзи учун қилган бўлади, кимда-ким ёмонлик қилса — бу ҳам унинг ўзига қайтади>⁶. (Байт):

Ёмонлик қилмагин, зеро бу тезда заволга учровчи экинзорда
Экканингни ўрурсан даврон ўроғи билан.

Ундан кейин Амир Соҳибқирон Чўдир Қазоқ вилоятига чопқин ясади ва талон-торож қилишни буюрди. У жойдан Бўғозқум⁷ мавзеига етиб, қишни ўша ерда ўтказдилар. Мамуқту вилоятининг⁸ барчаси мутиъ ва мунқод бўлиб келдилар. Яна оролар ўртасида вилоятлар бор эдики, улар сувни ўзларига тўсқов ва қўрғон қилиб ўтирардилар. Уларни моҳигирон — балиқчилар дер эдилар. (Амир Соҳибқирон) илғор қилиб лашкар юбориб,

уларни талон-торож қилишга буюрди. Фармонга биноан ях устидан ўтиб бориб, ҳаммасини ғорат қилдилар.

Амир Соҳибқирон ҳазратлари лашкардан бир қисмини танлаб олиб, илгор тарзида жўнади. Тўғри фикр ва тадбир билан Ҳожи Тархон⁹ ва Сарой (шаҳарлари) ни забт этди. Саройнинг ҳамма иморатини ер билан яксон қилди. Амирзода Пир Муҳаммад баҳодир ва амир Жаҳоншоҳ баҳодир лашкар тортиб, Сарой томон юрдилар ва сиртдаги вилоятни бутунлай ғорат қилиб, қайтиб Амир Соҳибқирон ҳузурига келдилар. Амир Соҳибқирон буйруғига биноан у вилоятларни фатҳ этишдан ҳосил бўлган ғанимат молларни унинг олдида ҳозир қилдилар; у ҳаммасини амирларга ва лашкарларга тарқатишни буюрди, ҳадду ҳисобсиз инъому эҳсонлар қилди. Сўнг у жойдан кўчиб, Торқий мавзидан ўтиб, Ашкужон томонига етди. Лашкарларни чопқин яшаш учун атрофга тарқатди. Лашкарлар атрофни талон-торож қилиб, ўлжа билан келгунларича Амир Соҳибқирон у мавзеда тўхтаб турди.

Ғозий Қумуқлуқ вилояти ва Уҳар лашкари ой ва йиллар давомида кофирлар билан ғазот қилишни одат қилган эдилар. Амир Соҳибқирон дилида уларга мадад бериб, кофирлар билан жангда қўллаб-қувватлашни ўйлаган эди, аммо бу пайтда улар ўз одатларини ўзгартириб, кофирларга ёрдам беришга турдилар ва улардан кўз тутилган нарсанинг хилофига иш тутдилар. Амир Соҳибқирон мукамал қуролланган беш юз кишини танлаб олиб, уларга ҳамла қилиб **(165)** ҳайдади. Мубашшир баҳодир уларнинг бошлиғи бўлган Шуқални тутишга кўп ҳаракат қилди ва охири уни ушлаб, бошини ҳазрат (Соҳибқирон)га олиб келди. (Соҳибқирон) улардан қолган кишиларни ҳозир қилишни буюрди. Улардан: "Сизлар кофирлар билан ғазот қилишни тарк қилиб, аксинча кофирларга ёрдам беришингларга нима сабаб бўлди?"—деб сўради. Ҳаммалари ўз гуноҳларини этироф қилиб, ўз ёмон феълларига иқрор бўлдилар ва Амир Соҳибқирондан марҳамат ва меҳрибонлик тиладилар. (Амир) уларнинг журмига афв этагини ёпиб, ҳаммасига тўн бериб, инъому эҳсон билан сийлади ва: "Энди қайтинглар, катталарингиз ва амирларингизга айтинглар, улар ҳам сизлардек гуноҳларини этироф этсалар, бизнинг хизматимизга келсинлар ва ўзларининг феъли бадларига тавба қилсинлар, шунда мен уларнинг кўнгилларини кўтариб, вилоятни уларга қолдираман", деди. Улар кетдилар.

Ғалаба ёр лашкар Ашкужонни олиб, уларнинг вилоятига чопқин ясади, ўликлардан тепалар барпо қилдилар. Шу ҳолатда Ғозий Қумуқ амирлари, хожалар ва ақобирлар ҳазратга келиб ўз гуноҳларини эътироф қилдилар. Амир Соҳибқирон уларни сийлаб, афв этди, амирларига қимматли кийимлар, жавоҳирлар билан безатилган камарлар берди ва қолган хосу оmlарга инъом-икромлар кўрсатди. Тўйлар тузиб, иззат ва ҳурмат билан хурсанд қилиб қайтарди. Уларга қадимги одатларидек доимо кофирлар билан ғазот қилишни шарт қилди ва жиҳодга тарғиб этди. Ҳаммалари шоду хурсанд бўлиб қайтдилар. Кофирлар билан ғазот қилишга уларнинг рағбати зиёда бўлди ва ислом динида мустаҳкам турдилар.

Яна Наргис номли бир ҳисор бор эди. (Амир Соҳибқирон) у ерда ҳам кўп жанг қилди, саноқсиз одамлар ўлдирилди, охири ҳисор олинди. (Ҳисор аҳлидан) баъзилари тоғ камарларига кириб, мустаҳкам жойларни эгалладилар. Лашкар дарҳол отланиб, уларга етди. Баъзи далир жангчиларни сандиққа солиб, арқон билан улар томон туширдилар. Охири у қалъани ҳам олдилар. Мико ҳисори ва Болу ҳисорининг ҳар иккаласини олдилар. Шунингдек Даркалу қўрғонини ҳам фатҳ қилдилар. У жойдан ўғруқ тарафига қайтаётиб, Зийра вилояти ва Кийлон вилоятини итоатга келтирдилар. Қийтоғ вилоятининг аҳолиси келиб амон тилади.

Шундан сўнг (Амир Соҳибқирон) буйруғига биноан Дарбанд ҳисорини таъмирлаб тамоман мустаҳкамладилар. У жойдан қайтиб, Шервон мавзеига етдилар. Шервоннинг малики, илгари у ҳақда эслатилган, Шайх Иброҳим у сафарда жонбозлик ва мардоналик кўрсатганлиги учун подшоҳона эътиборга сазовор этилиб, унга атаб катта тўйлар берилди, тўққиз-тўққизлар тортиқ қилинди. (Амир Соҳибқирон) у жойдан кўчиб, Кур суви қирғоғига етиб тушди. Амир Шайх Иброҳимни подшоҳона кийимлар, чексиз инъомлар, зару зеварлар ва кулоҳу камарлар билан сийлаб, у вилоят ҳукмдорлигини аввалги қарорга биноан унга топширди, сўнг бир неча кун у жойда комронлик маснадида ўлтириб, айшу ишратга машғул бўлдилар. Кейин у жойдан кўчиб, Оқдом мавзеига етди-да, амирзода Амироншоҳни илғор қилиб Аланжиқ ҳисорига жўнатди, амирзода Рустам баҳодирни (166) унга қўшиб юборди; Жаҳоншоҳ баҳодирни эса лашкар ва вилоятга бошлиқ қилиб, Аланжиқ томонига жўнатди.

LV. ЯЗДДА¹ СУЛТОН МУҲАММАДНИНГ МУХОЛИФАТЧИЛИК ИЗҲОР ЭТИШИ ВА УНГА ЖАЗО БЕРИЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

Шу ўртада Абусаъиднинг ўғли Султон Муҳаммад бузуқ фикр билан зўр хатони бошлади: нафси шайтон васвасасига алданиб, мухолифат йўлига қадам қўйди ва Яздда душманлик изҳор қилди. (Умаршайхнинг ўғли) амирзода Пир Муҳаммад баҳодир катта бир лашкар билан Шероздан у томонга юзланиб, Язднинг атрофу жавонибини ўраб олди. Ҳар куни икки марта жанг қилардилар. Амир Соҳибқирон амирзода Жаҳонгирнинг ўғли Пир Муҳаммад баҳодирни у томонга юбориб, Темурхожа баҳодирни унга мулозим қилди. Улар бир-бирлари билан иттифоқликда Яздни узук кўзидек ҳалқа ўртасига олдилар.

Амир Соҳибқирон Султония томон жўнаб, бориб етди, лашкарни илғор қилиб Ниҳованд томонга юборди. Амир Мазид Ниҳованд амири эди. У аслзода, яхши хислатли, шижоатли ва пок табиатли киши эди. Унинг Баҳлул номли бир навқари ёмон ишга қадам қўйди ва ўз қадимий валинеъматига нисбатан жафо қилиб, уни ҳалок этди, сўнг мансабини эгаллаб олиб, қальадорликка киришиб, жанг асбобини тайёрлади. Амирзодалар етиб бориб, дарҳол қўрғонни олдилар, унинг сипоҳларини ўлдириб, Баҳлулнинг ўзини тириклай ўтга ташлаб куйдирдилар. Унинг феъли бадининг жазосини ўзига етказдилар.

Амирзода Султон Ҳусайн баҳодир ва Худойдод баҳодир жўнадилар ва ногора, карнай, дўмбира, бурғу тортиб етиб келдилар. Жанг бошлаб, уларнинг ҳаммасини қўлга олдилар.

Амир Соҳибқирон Ҳамадон вилоятига етиб, (798 йил) рамазон ойини (1396 йил 6 июн — 8 июл) у жойда ўтказди. Ийд куни ийд намозини ўқиш вазифасию ибодат маросимини адо этди. Ийд байрамини ўтказишни буюрди. Шу миёнада чопарлар келиб, амирлар Язд шаҳрини мусаххар қилганликлари ва душманга тобё кишиларни қиличдан ўтказганликлари ҳақида хабар бердилар. Амир Соҳибқирон уларни талаб қилди. Улар келиб, палос ўпишга етишгач, жонқий — кенгаш тузиб, Самарқанд томон жўнашга (қарор қилди). Шаввол ойининг ўнида (1396 йил 17 июл) душанба куни сафарга чиқишни ихтиёр этди. У жойдан бир манзил юриб ов овлашни ирода қилди, ҳисобсиз жониворларни овлагач, у жойдан

кўчиб, йўлга тушди. У манзил мароҳилларни босиб ўтар, атрофдаги амирлару сардорлар палос ўпишга келишар ва пешкашлар тортишар эди. Шу тарзда нусрату иқбол шукуҳи ва комронлик билан йўл юриб Хуросонга етди. Омуя сувидан ўтгач, Хузор вилояти муборак қадамларга мушарраф бўлди. (167)

Жаноби Сарой Мулк хоним, оғолар ва амирзода Шоҳрух Амир Соҳибқирон истиқболига чиқиб, палос ўпиш шарафига етишдилар ва бир-бирларининг дийдорларини кўриб, шодмон бўлдилар. (Амир Соҳибқирон) бир қанча кун Кеш вилоятида Оқ саройда турди, тўйлар қилдилар, айшу ишрат додини бердилар, шодлик ва хурсандлик билан кун ўтказдилар. Сўнг у ердан Самарқандга жўнаб, иззату комронлик қароргоҳида фароғатга чўмдилар.

Сўнгра (Амир Соҳибқирон) раиятлар аҳволини чуқур текшириб, мазлумнинг додини золимдан олди, мамлакатнинг хароблигу ободонлиги борасида маълумотлар олишга илтифот кўргазди. Ҳар кимнинг ҳақ-ҳуқуқини ўз ўрнига қўйган ҳолда халойиқнинг ҳар бир синфини турли-туман меҳрибонликлар билан сийлади: сайидларни улуғлашу эҳтиром, амирларни чопону инъом, уламоларни эъзозу икром, заифларни саховату эҳсон, раиятни амонлигу одиллик билан хушнуд этди. Шунинг учун унинг муборак зоти Худойи таолонинг лутфу иноятига сазовор бўлди, тиллар у ҳазратнинг дуою саносида ушбу тариқада айланди. (Назм):

Бу адолатли шоҳга, ёраб,
Давлату умри жовидон бергил!
Тиласа сендан у ҳар на мақсудин
Тилагидан ҳам яхширогин бергил!
Бу жаҳонни мусаххар этдинг унга
Юз йил ўтгач у жаҳонни бергил!

LVI. САМАРҚАНДНИНГ ШИМОЛИДА БОҒ ВА КЎШК БИНО ҚИЛИНГАНЛИГИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон салтанат мақомида қутлуғ қарор топгач, етти юз тўқсон тўққизинчи йили (1396 йил 5 октябр — 1397 йил 23 сентябр)¹ усталар ва муҳандисларни жамъ қилишни буюрди. Қутлуғ бир соату муборак бир толеда, яхши бир куну бахтли бир вақтда каромат шабадасининг Билқиси, улуғлик вилоятининг Қайдофаси

амирзода Амироншоҳ баҳодирнинг қизи Беги Султон номига олий бир кўшк, улуғворлик асосига қурилган бир айвон бино қилдилар. Унинг атрофини боғу бўстонлар билан безадиладар. У жаннат каби оромижон, Эрам боғидек дилкушо эди. Олма, анор дарахтлари беҳи оғзидан сув келтирар, мевазор дарахтлар шохи ўз гунчалари косасидан бинафшаю гул устига мушку анбар сочарди. (Байт):

Дарахтлари уддану барги эса зумуррад,
Ерлари ложуварду, анбар эди тупроғи.

Амир Соҳибқирон у боғ ва саройларнинг қурилиши билан бир ойни ўтказди. Сўнгра Хуросон вилоятининг ҳаммасини амирзода Шоҳрухга топширди ва улуғ амирлардан унинг хизматига тайин қилиб жўнатди. Амир Соҳибқирон (Самарқанддан) кўчиб, Кеш томон йўл олди. Эрта баҳорда (168) жаҳон жаннатдан нишон бериб турадиган ўрдибеҳешт (ойи)да² у жойга етиб борди, чодир ва боргоҳни тикладилар, хийма ва хиргоҳни ўрнатдилар; олий хоналарни тартиб билан мунтазам қилдилар, (799 йил) рамазон ойи (ҳилоли —1397 йил 29 май)ни шу жойда кўрдилар. Сўн у жойдан кўчиб, Султон Урдужга боришга ҳасд қилиб жўнадиладар. Замона ҳол тили билан айтар эди. (Байт):

Қай томонга юрар бўлсанг жонинг омон бўлғусидир,
Ҳар маконда сақлагучи Аллоҳ сенинг ёнингдадир.

LVII. АМИР СОҲИБҚИРОН АМИРЗОДА МУҲАММАД СУЛТОННИ ФОРС ВИЛОЯТИГА ЮБОРГАНИ ВА У ВИЛОЯТ ЁҒИЙЛАРИНИ ТУТИБ КЕЛТИРГАНИ БАЁНИДА

Бундан илгари баён топган эдики, амирзода Муҳаммад Султон Ҳўрмуз¹ томон юриш пайтида у ерга борадиган йўлларнинг барчасини амирлар ва аскарларга белгилаб бериб, ўзи Торам йўли билан равона бўлган эди, Амирзода Рустам баҳодир буронғор томондан жўнаб, Лор² йўли билан Макрон³ вилоятига етди ва чопқин ясаб, лашкарни тўйдириб қувватлантирди. Шу тарзда Ҳўрмуз вилоятига етдилар. Аҳолиси фармонга бўйсунмаган ҳар бир вилоятни ғорат қилиб, кўп ўлжалар олдилар. (Амир-

зода) ҳар жойдаки ҳисор ва қалъа бўлса, мардлик билан кучи билан забт этиб, ер билан яксон қилди. У жой (Ҳўрмуз)дан Кўшкак мавзеига жўнади, уни ҳам мусаххар қилиб, Шомил ва Мино ҳисори томон бориб, унинг иморатини хароб қилди. Навмуқон ва Шурник мавзеидан то Тоziён мавзеигача,— уларнинг ҳаммаси етти мавзе эди,— ҳаммасини жанг билан олдилар.

Уч йил мобайнида у мавзеда бир қатра ҳам ёмғир ерга тушмаган, ўту гиёҳлар йўқ бўлиб кетган эди. Ҳўрмуз малики Муҳаммадшоҳ эл бўлди, унинг гарданида қолиб келган ҳар йилгиси ўттиз карра юз минг динорни ташкил этган тўрт йиллик хирож молини қисман адо этди ва қисман тўлашни қабул қилди.

Улуғ амирзода у жойдан кўчиб, орқага қайтди. У вилоят атрофларини томоша қилиб юриб, мусаххар этди. У жойдан Шероз жонибига юзланиб, Султон Урдужга етганда Амир Соҳибқирон билан учрашди. Бир-бирларининг дийдорларини кўриб, шоду хуррам бўлдилар, тўйлар қилдилар. Амир Соҳибқирон бундан илгари эслатилганидек, Самарқандга жўнади. У шаҳарда Хонзода жаноблари Ироқ тарафдан етиб келиб, Амир Соҳибқирон билан мулоқот қилди. Ҳамма фарзандларни навозишу икром, кийимлару инъомлар билан сарафроз этди. (169)

LVIII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ХИЗРХОЖА ЎҒЛОН ҚИЗИГА¹ СОВЧИ ҚИЛИБ УНИНГ ЎҒЛИНИ ЮБОРГАНЛИГИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон ҳумоюн байроқларни Самарқандга тикиб, бу ерда турган ва фарзандларию шаҳзодалар билан биргаликда дил истагандек жамъ бўлган бир вақтда саховат томири ҳаракатга келиб, меҳрибонлик булутидан марҳамат ёмғирини ёғдира бошлади. Бу неъматлар шукронасига Хизрхожа ўғлоннинг ўғлини охири отаси ҳузурига қайтариб юборди. Унинг борасида ҳар хил подшоҳона инъомлар, турли-туман такаллуфотларни тақдим этди ва Ғиёсиддин Тархонни унга қўшиб жўнатиб, Хизрхожа ўғлоннинг қизини ўз хоссайи шарифи учун сўратиш мақсадида ажойиб нафис моллару ғаройиб буюмлардан иборат кўп туҳфалар юборди.

Улар жўнаб кетгач, Амир Соҳибқирон Кониғил мавзеига чиқиб, бир кун мамлакат тахтида ўлтирди. Ҳазратнинг

оёғини ўпиш иштиёқининг зўрлигидан амирзода Шоҳрухнинг хотини Милкат оғо Хуросондан бу ерга етиб келди. Шаҳзодаларнинг қайлиқлари барчалари келиб, пешкашлар тортдилар, тўйлар бердилар. Конибил мавзеини орос-та қилдилар, эшигу деворларни жавоҳир ва марваридлар билан безадилар, олтин-кумушларни тўқдилар, мушку анбарларни бир-бирига қўшдилар, ҳамма амирлар ва лашкарни олтину гавҳар қадалган кулоҳу камарлар билан маъмур қилдилар. Уч ой муддат шу тарзда ўтди.

Шу аснода Амир Соҳибқирон ҳар бири бир мамлакатнинг саромади бўлган ва (ҳозирда) Самарқандда жамланган турли иқлимларнинг бинокорлари, муҳан-дислари ва меъморларини талаб қилсинлар ва Боғи Дилкушо биносини курсинлар, деган фармон чиқарди. Боғнинг ўртасида кўшк ва подшоҳона бир сарой бунёд этдилар. Шундай бир саройки, боши осмонга, пойдевори ер марказига етади. Уни Хизрхожа ўғлон қизи Тўкал хоним номига номзод қилди.

Бу ишдан фориг бўлгач, Хўжанд суви томон равона бўлди; Чинос мавзеига етгач, Хўжанд суви яқинида қишга тураржой танлади. Шу миёнада Хизрхожа жонибидан хабарчи келиб, ҳумоюн бешик (эгаси), Билқис иқтидорли малика, ҳумо виқорли бонунинг келаётганлигидан башорат етказди. Ҳамма оғолар ва хотинлар отга минишиб, ўн кунлик истиқболга чиқдилар. Эъзозу икром маросимларини адо этганларидан кейин анвойи такаллуфлар билан тўйлар бериб, яқинлик истадилар. (170) (800 йил) рабиъ ул-аввал ойининг бошлари (1397 йил 22 ноябр)да² (Тўкал хоним) палос ўпиш шарафига етишди. Соҳибқирон ҳазратлари амирлар ва қозиларни ҳозир қилиб, Тўкал хонимни шаръий никоҳ билан ўзига хотин қилиб олди. Давлат тили бу уйланишни табриклар, ушбу назм дуррини баён пармаси билан тешди. (Байт):

Бу йигилиш ҳуснидан олам мунаввар бўлди,
Бу қўшилиш туфайли жаҳон шарафга тўлди.

Тўкал хоним билан келган амирлар ва хотинлардан иборат мулозимларнинг ҳаммасини чексиз неъматлар, фахрли хилъатлар, бағалтак-камзул, тож ва зару зеварлар билан сийлаб, навозишу тарбиялар кўрсатди. Бир неча кунни ҳамдам ва ҳамшират бўлиб, комронликда ўтказдилар.

LIX. НУСРАТ ШИОРЛИ БАЙРОҚЛАРНИНГ СИНД ВА ҲИНДИСТОН МАМЛАКАТЛАРИ ТОМОН ҚЎЗГАЛИШИ БАЁНИДА

Илоҳий қўллов баракати билан Соҳибқирон ҳазратларининг ҳукми Дашти Қипчоқ мамлакатларида жорий бўлди. Саройдан то Озоқ, Қрим ва Фаранггача¹ бўлган вилоятлардан иборат жойлар ҳам фармон остига кирди. Шу қадар кенг мамлакат мухолифлар ва ганимлардан холи қилинди. Шундан сўнг Амир Соҳибқирон ғолиблигу бахтиёрлик, улуғлигу хушвақтлик қучоғида шон-шавкат билан иззат қароргоҳи бўлмиш мамлакат пойтахти Самарқандга қайтди. Мамлакат аҳлининг кўзлари фатҳ асарли уловлар чангининг ғуборидан равшан бўлди. Қиш ойларида Оҳангарон²да қишломиший қилиб, амирзода Муҳаммад Султон³ни Мўғулистон вилоятига тайинлади, унга сарҳад чеккаларини экин экиб, иморат солиб обод қилишни буюрди.

Амир Соҳибқироннинг равшан фикри бутпарастларни таг-томиридан қўпориб ташлаш учун Хитой ва Хўтан⁴ томон лашкар тортишни жазм қилиб қўйган эди. Аммо бундан илгари шарафли қулоқларга етказган эдиларки: "Ҳиндистоннинг Деҳли, Канбойит ва булардан бошқа баъзи шаҳарларида гарчи Муҳаммад, <унга Худонинг раҳмати бўлсин>, динининг туғлари кўтарилган ва у диёрнинг дирҳам ва динорларига тавҳид калимаси зарб қилинган бўлса ҳам, аммо, у мамлакатларнинг аксар атрофлари кофирлар вужуди ҳабосати билан булгангандир ва у ерларнинг барчаси бутпарастлар оммаси залолатидан заҳарлангандир. У томонларнинг (мусулмон) подшоҳлари улардан бож, хирож олиш билангина қаноатландилар-да, уларни куфру залолатда боқий қолдириб, на у залолатни даф қилишга ҳимматлари юзини қаратадилар ва на иродаларини уларнинг зарарини қайтаришга сарф этадилар".

Халойиқ ишлари тизгинини қудратли қўлларида ушлаб турган бир тоифа (подшоҳлар) дин мухолифларига ўз ёнларидан жой бериб келаётганликлари, (171) у тоифанинг дин учун жонбозликлари салтанат шукуҳи билан қўшилиб нега уларни ҳаракатга келтирмаётганлиги Соҳибқирон ҳазратларига ҳамиша ёт туюлиб келар эди. Шу пайтда бу мулоҳазаларни халифалик паноҳи (Соҳибқирон) ҳузурида янгидан ўртага солдилар. Соҳиб-

қирон ҳазратларининг олий раъйи баланд ҳиммат ирода-
сини ҳаракатга келтириб, у мамлакатлар юзини гуноҳкор
кофирларнинг ифлос вужудидан пок қилишга ҳамда
(оятда келган) <ўз орзу-истакларини ўзларига илоҳ деб
қабул қилган>⁵ (сўзлари) уларнинг сифатини белгиловчи
кофирларнинг фитнаси гардини ўт сочувчи шамшир тиги
билан сўндиришга илтифот кўргазди.

Шунга биноан уларга қарши ғазотга юришни ният
қилиб, биёбон қумларидек саноқсиз, осмон юлдузларидек
кўп, барчаси Маҳмуд⁶ сифат-у, лекин Соҳибқирон осто-
насига Аёздек⁷ бош қўйган бир лашкар билан у мамла-
катга юзланди. Амир Соҳибқирон саккиз юзинчи ҳижрий
йили зулҳижжа ойининг аввалида (1398 йил 15 август)
Ҳиндистон мамлакатининг чегараси бўлган Кобулнинг
Дурин деган жойига келиб тушди. Бу юришда маҳди
аъло, замона Билқиси Сарой Мулк хоним ва олам аҳли
маҳдумзодаси, подшоҳлик қутисининг дурдонаси амирзода
Улугбек,— Худо унинг султонлигини абадий қилсин,—
ҳамроҳ эди. (Байт):

Шоҳлик денгизидаги қадрли бир дур
Илоҳий нурдан равшанлик олган бир чарог.

Амир Соҳибқирон шу куни уларга Самарқандга қайтиш
учун ижозат берди. У дил меваси ва кўз рўшнолигига кўнғил
боғлиқлиги қанчалик кучли бўлмасин, аммо, дин муҳаббати
ундан устун келиб, кофирлар билан ғазот қилишни шундай
номдор бир фарзанд висолидан ортиқ кўрди. Ислом подшоси,
етти иқлимнинг аксар қисмига ҳомий бўлмиш Султон
Маҳмудхон мазкур мавзедан чиқиб, Некниҳод(?) йўлидан
жўнашга жазм қилди. Улуғ маҳдумзодалар, ҳурматли амир-
лардан амирзода Султон Ҳусайн баҳодир, амирзода Рустам
баҳодир, Гиёсиддин Тархон, амирзода Жаҳоншоҳ баҳодир,
Ҳамза-йи Тағой Буғо Барлос, амир Шайх Арслон, Севинчак
баҳодир ва ўзга амирлар олий узангилар ёнида равона
бўлдилар.

Зулҳижжа ойининг учинчисида (1398 йил 17 август)
Темур Қутлуғ ўғлон, амир Идику ва Хизрхожа ўғлон та-
рафидан келган элчиларни ҳозир қилиб, тўй бериб, муътабар
хиялатлар, кулоҳу камар бердилар. Улар элчилик олдига
қўйилган вазифани адо этдилар. Мазмуни шундай: "Бизлар
ҳаммамиз у ҳазрат (Соҳибқирон)нинг бандалари, хизмат-
корлари ва тарбиятларини топган кишилармиз. Агар бундан

илгари муҳолифат тирноғи ихлосимиз юзини тирнаган бўлса, энди биз ақл ойнасида унинг айбини кўрдик ва оёғимизни у (ихтилоф) мақомидан тортдик. Агар халифалик паноҳи бўлмиш ҳазрат илоҳий ахлоққа иқтидо қилиб, бизнинг гуноҳимиз борасида <Аллоҳ ўтган ишни афв этгучидир> оятини ўқиб афв қилсалар, бундан кейин бандалик кўчасидан четга қадам қўймаймиз ва итоат остонасидан бошимизни кўтармаймиз." (Байт):

Ажал шамоли мени бу ўткинчи дунёдан олиб кетгунча,
То тирик эканман сенинг йўлингдан чиқмайман.

Соҳибқирон ҳазратлари афв қаламини уларнинг гуноҳлари дафтарига тортди ва илтимосларини қабул қилиб, подшоҳона совғалар, хисравона туҳфалар билан сарафроз этди ҳамда қайтишларига ижозат берди.

Яна шу куни форс мамлакатида волий қилиб қолдирилган амирзода Шайх Нуриддин (172) соғ-саломат, ғаниматлар билан муборак ўрдуга етиб келди. У ов қушлари, безакли қуроллар, қатор-қатор жанг отлари-ю, зотдор туялар ва йўрға хачирлар ҳамда фахрли тўнлару нафис жавоҳирлар, зару зеварлар, мушку анбарлардан шу қадар кўп қимматли туҳфалар келтирдик, муҳосиблар то уч кунгача уларни ҳисобга олиб, арзга етказиб турдилар.

Атроф (диёрлар)дан келган элчилар, жумладан, Хитой мамлакатидан элчи бўлиб келган Тойзи ўғлон ва Темур Қутлуғнинг элчилари ҳам шу мажлисда ҳозир бўлиб, у қимматбаҳо совғаларга таажжуб кўзи билан тикилардилар. Соҳибқирон ҳазратлари у туҳфалардан элчиларга суюрғоллар улашди. Амирзода Шайх Нуриддиннинг саъй-ҳаракати қабул ва ризолик мақомидан жой олди ва у подшоҳона марҳаматлар билан сарафроз бўлди.

ЛХ. КАТУР¹ ҒАЗОТИ ВА У ЕР КОФИРЛАРИ БИЛАН ВОҚЕЪ БЎЛГАН КЕЧМИШЛАР БАЁНИДА

Тўй ва ишрат мажлисидан фориг бўлингандан кейин ғалаба ёр лашкар у жойдан Андаровга² етди. У вилоятнинг раиятлари беҳаё кофирлар ва бетартиб габрлар дастидан додхоҳлик тилаб дедилар: "Бизлар бир гуруҳ мусулмонлармиз, кофирлар ҳар йили биздан бир қанча маблағ, мол оладилар, божу хирож талаб қиладилар. Агар

уни тўлашда сустлик қилсак, эркакларимизни ўлдириб, хотин-болаларимизни асир қилиб олиб кетадилар”. Амир Соҳибқирон ислом қудратини уларга қарши ғазот қилишга қаратиб, тўхтовсиз лашкарни ораста қилиб, отга минди ва илғор қилиб кофирлар кишварига сипоҳ тортди. Ҳар куни икки кўч йўл юардилар.

(Соҳибқирон ҳазратлари) Катур томонига амирзода Рустамни номзод қилди, Бурҳон ўғлонни ҳам кўп аскар билан юборди. Ўз муборак зоти эса поёнсиз бир лашкар билан қорни кесиб, баъзи жойларда қорни тешиб йўл солиб, тангу тор йўллар билан бир тоғ устига³ чиқдилар. Тоғ ғоятда баланд эди. Шу қадарки, баъзи ерларда Амир Соҳибқирон кофирлар устига ғазот қилиш нияти қать-ийлигидан белига арқон боғлаб, тахтага ўтириб, баъзи ерларда қўлига асо тутиб бир фарсаҳ масофага пиёда юарди. Лашкарлар жувонғор ва буронғордан белларига арқон боғлаб, тоғ тепасидан паства тушдилар. Кофирларнинг кўпчилиги — каттаю кичик яланғоч эдилар. Улар бир кун илгарироқ ғалаба ёр лашкарнинг юришидан хабар топганлари учун ўз юкларини Одий тоғи⁴ устига ташиб улгурган эдилар. Ислом лашкари уларнинг қўйларини олиб, уйларига ўт қўйдилар. Кофирлар у тоққа чиқиш қийинлигига эътиمود қўйган ва ҳеч кимса бу жойга етиб келолмайди деб ўйлаган эдилар. (173)

Муборак байроқлар етиб келгач, лашкарга атрофу жавонибдан тоққа чиқишга ишорат бўлди. Фармонга биноан у тоққа юз тутдилар. Шайх Арслон жувонғорнинг қанбул қисмида ҳаммадан илгари душманни ҳайдаб, кофирлар устидан ғалаба қозонди. Али Султон иккинчи томондан кофирларни ҳайдаб, уларнинг жойини қўлга киритди. Шоҳ Малик жангу жадалга киришиб, ҳадду ҳисобсиз саъй-ҳаракат кўрсатиб қаттиқ жанг қилди. Ғалаба ёр лашкар атрофдан мардоналиклар кўрсатдилар. Аммо уч кишининг ажали етган экан, тоғ тепасидан йиқилиб ҳалок бўлдилар. Мубашшир совут кийиб, қалқон тутиб мардонавор жанг қилди, Менглихожа ўз қўшинидан саралаб ажратгани бир жамоа баҳодирлар билан илгари юриб, тоғ тепасига кўтарилди, Севинчак баҳодир ҳам ўз лашкарини ораста қилиб, қаттиқ жанг қилди, Шайх Арслон ўз эли ва лашкаридан илгари юриб, тоғ тепасига чиқди ва қилич зарби билан душманни ҳайдаб, жойини эгаллади. Мусо, Ҳусайн Малик ва амир Ҳусайн қаттиқ жанглар қилдилар. Туман ва ҳазоранинг қолган амирлари

иттифоқликда номусларини сақлаб қуршов олдига ўтдилар ва кофирлар ҳисорини гирдо гирд ўраб олдилар.

Уч кун муддат ичида у динсизларнинг ҳаммасини тутиб ўлдирдилар. Уларнинг катталари ожизлик ва музтарлик юзасидан тўртинчи кунга ўтгач бўйсуниб, амон тиладилар. Амир Соҳибқирон айтди: "Жонни бағишлаш ва гуноҳдан ўтиш яхши сифат ва мақтовли хулқдир, ammo кофирлар раҳм қилишга лойиқ эмасдирлар, чунки азиз Тангри ўз раҳмати дарёлар каби (сероб) эканлигига қарамай, уларга бағишламаган. (Бу ҳақда оятда ҳам) <Албатта Аллоҳ ўзи(зоти)га шерик тутганларни кечирмайди>", (дейилган). "Агар сизлар мусулмон бўлсангизлар мен молу қонларингизни бағишлайман", дегач, кофирларнинг ҳаммаси зуннорларини кесиб, тиллари тўтисини тавҳид калимаси билан шакаргуфтор қилдилар. Амир Соҳибқирон ислом динини қувватлантириш учун уларни азиз ва мукарам тутиб тўн кийгазди ва ўз уйларига юборди. Бахти қаро кофирлар ўз ошиёну мақомларига боргач, қайтадан куфру залолат йўлига тушдилар ва тунда амир Шоҳ Малик устига ҳужум қилдилар. Амир Соҳибқирон ғайрати тутиб, яна улар томонига йўналди ва бир ҳамладаёқ голиб келиб, уларнинг хотин-болаларини асир қилишга буюрди; ифлос бошларини танларидан жудо қилиб тўпладилар, тепаликлар устида ва гузаргоҳларда у каллалардан лойтўдалар ясадилар. Бу воқеалар ҳикояти ва тарихини, токи бундан кейин дунё аҳлига ибрат бўлсин учун, тошларни тарошлаб нақш этдилар.

Амир Соҳибқирон Муҳаммад Озодга кўп лашкар бериб, уни Катур томонига юборди. У жўнаб кетди ва бориб уларни қўлга ололмагач, у вилоят ғалласини юлиб ташлашни буюрди. У жойдан Жалол ва Пир Али келиб, олий ҳазратга у томондан қийинлик билан йўл топилди, деб хабар қилди. Амир Соҳибқирон ҳадду ҳисобсиз лашкар билан у томон юришга жазм қилиб, бориб етдилар. Бу тоғ аввалгидан ҳам баландроқ ва унинг йўллари ҳам қийинроқ эди. (174) Улуғ Тангри Амир Соҳибқиронга нусрат ва зафарни ҳамжилов қилди. (Олий ҳазрат) илгарироқ катта бир лашкарни Бурҳон ўғлонга бериб, унинг қўли билан бирор иш тугалланар ва унинг мардоналиги билан бирор муҳим жанг анжомига етар, деб ўйлаган эди. Бироқ у амалда юраксиз киши бўлиб чиқди. Уни лашкарга сипоҳсолор қилиб тайинлаган вақтда Исмоил, Аллоҳдод, Севинж Темур, Яҳё, Давлат-

шоҳ Тот, Одина, Шайх Ҳасан Қавчин, Сойин Темур, Шамс Ҷрдушоҳ, Ҳарий Маликларнинг ҳаммасига булжор бериб, у билан юборган ва: "Қачонки душман ҳисорига етсангиз ҳисор атрофини қуршаб, то бизнинг томонимиздан сизларга бирор хабар етгунча қўзғалмай туринглар", деб тайинлаган эди. Улар от ва кишилардан танлаб олиб, жўнаб кетдилар. Бориб мақсадга яқин етгач, душманни кўргунларича бўлмасдан ва тўхтаб турмасдан қочиб, кетларига қайтдилар. Душманлар уларнинг қочганларини кўриб, далирлашдилар ва кетларидан тушиб, тирборон қилишга тутиндилар. Шу ҳолатда Одина, Шайх Ҳасан ва Давлатшоҳ у кофирларга қарши жидду жаҳд билан жанг қилиб, охири шаҳид бўлдилар. У куни кўп аскарларнинг ажали етиб, шаҳид бўлди. Амир Соҳибқирон ислом лашкарига қувват бериш учун Муҳаммад Озодни бош қилиб, Давлатшоҳ, Шайх Али, Идику Чақир, Шайх Муҳаммад ва Алиларни яна бир неча хоназодлар билан уларга юзта турк, уч юзта тожикни қўшиб юборди. Булар етиб бориб, душман жойини кўрдилар-у, аммо ислом лашкаридан бирортасини топмадилар. Сабаби, ҳаммадан илгари Бурхон ўғлон совутини ташлаб қочган эди. Чингизхон замонидан тортиб то шу вақтгача қиёт жинсидан бирор кимса бу беномусликни қилмаган эди.

Муҳаммад Озод у жойга етгач, ғоятда жидду жаҳд кўрсатиб, жондан кечиб, қаттиқ жанг бошлади, душманларни ҳайдаб, ислом аскарларидан уларнинг қўлига тушган от ва аслаҳаларни олиб, зафар ва ғалаба билан қайтди ва улардан олинган асбоб ва аслаҳаларнинг ҳаммасини лашкарга етказиб берди. Муҳаммад Озод Бурхон ўғлонни кўриб, маслаҳат шуки, бу жойга тушиб кечани ўтказайлик, деган эди, Бурхон ўғлон бадфёъллик қилиб, унинг сўзига қулоқ тутмади ва шу ондаёқ орқага қайтиб кетди. Аскарлар ҳам унинг жанг ўрнидан қайтганини кўриб, орқага қайтдилар. Ҳа шундай (мисраъ):

Яхши эрмасдир сипоҳнинг орқага қайтмоқлиги.

Қачонки лашкарнинг сардори қўрқоқ ва юраксиз бўлса, лашкардан қандай умид тутиб бўлади? Бундан илгари Амир Соҳибқирон Ўзбек вилоятига юриш қилган пайтида иш кўрган мардлар ва замона ботирлари бошу жонларини фидо қилиб, мардоналик ва ботирлик изҳор қилиб турганларида (Бурхон ўғлон) ихтиёрини қўлдан

бериб қочган эди. Амир Соҳибқирон унинг бу нолойиқ ҳаракатидан воқиф бўлган бўлса ҳам, аммо ўз мақтовли ахлоқи туфайли унинг айбини ёлиб, аввалгидек иззатини сақлаб келарди. Бу гал эса (175) ундан ҳам ёмонроқ ҳолат воқеъ бўлди. У сафар ҳар қалай душманни кўриб қочган эди, энди эса душманни кўрмасданоқ қочишга юз тутди.

Амир Соҳибқирон марҳамат қилиб, Муҳаммад Озодга бир қўшун аскарни топширди ва унинг тарбиятига жуда зўр эътибор берди. Унга қўшилиб мардоналик кўрсатганларга ҳам жуда кўп инъом ва эҳсонлар қилди. Зулҳижжа ойида Амир Соҳибқирон амирлар билан кенгашиб ирода жilовини Кобул томонга бурди, ўғруқни қолдириб, илғор бўлиб, Дурин мавзеига етди. Икки кун у ерда туриб, адлу инсоф палосини ёзди.

LXI. ЭРЁБ¹ ВИЛОЯТИДА ВОҚЕЪ БЎЛГАН ҒАЗОТ БАЁНИДА

(Амир Соҳибқирон) Катур воқеаси ва баъзи муфсидлар дафъидан фориғ бўлгандан кейин, Эрёб вилоятининг фуқаро ва раиятларидан бир жамоа (кишилар) Варкуни қабиласи деб аталган йўлтўсарларнинг жабру бедодлигидан дод сўраб келдилар ва: "Улар бизга зулм ва ситам қилиб, асбобу амлокимизни тортиб олдилар, Сиз ҳазратнинг қулларингиздан бўлган бизнинг ҳазора амиримиз устига тўсатдан ҳужум қилиб, уни ўлдирдилар, доимо йўл бошини тўсиб турадилар ва ҳеч бир махлуқ уларнинг дахлидан саломат ўтолмайди", дедилар. Уларнинг арзини эшитгач, Амир Соҳибқироннинг ҳамият ўти алангаланди, улардан қасос олиш жазми муборақ пешонаси ажинида зоҳир бўлди. Шу сабабли Ғазнин² йўлидан юз ўгириб, Эрёб томонига жўнади. У жой қалъасининг атрофига етгач, салобатлигу улугворлик саропардаси танобини тортдилар, аскарлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб унинг айланасини ўраб олдилар.

У қалъа шундай машҳур ва шу даражада кенг эдики, унинг ўртасига масжиди жомеъ қурган эдилар, унинг атрофида эса бошқа масжидлар ва олий уйлар қад кўтарган эди. Афғонлар бу қалъани хароб қилган эдилар. Аъло ҳазрат (Соҳибқирон) раиятнинг тинчлиги ва вилоятнинг ободонлиги учун у қалъани тузатишга ҳукм қилди. Усталар ва иш-

чиларни жамъ қилиб, шундай катта қалъани ўн тўрт кун муддатда маъмур қилдилар. Масжиди жомеъ қурилиши амир Шоҳ Малик ва Жалолулислом уҳдасида тамомланди. Ўғрилар жамоасики, уларнинг устидан шикоят қилган эдилар, олий боргоҳга ҳозир бўлиб, итоатда эканликларини намойиш қилдилар ва нифоқчиликнинг зар югуртирилган мисини холис олтин қилиб кўрсатишга уриндилар. Аммо оқибатда дилларидаги хабислик ва ички маккорликлари зоҳир бўлиб қолди, табиатларига ўрнашган бадхўйлик жиловларидан тутиб, ўн олтинчи зулҳижжада (1398 йил 30 август) жума кечаси қочишга қарор қилдилар. Аммо ҳазрат Соҳибқироннинг хизматчилари қалъа дарвозасини маҳкам забт этган эдилар, қочишга имкон тополмадилар. Заруратан саҳар пайтида жамъ бўлиб, жанг қилишга киришдилар ва баъзи кишиларни ярадор қилдилар. (176) Жума куни чошгоҳ вақтида жаҳон итоат этувчи ҳукмга мувофиқ у ичи қораларни сиёсат қиличидан ўтказдилар, ўт сочувчи қиличлари суви билан у йўлдан адашганлар бошини хорлик тупроғига ташладилар. Улардан икки юз киши ўлдирилди. Хотин-болаларини ва молларини бир қанча йиллардан буён уларнинг жабру жафосини тортиб келган Эрёб вилояти мазлумларига қолдирдилар, йўл тўсувчиларнинг қўлга тушган раис ва пешволарини токи шариат қонунига мувофиқ қасосга тортсинлар учун қалъанинг катталари ва ўлдирилганларнинг ворисларига топширдилар.

Эрёб вилоятининг ишлари тўғри йўлга тушгач, саккиз юзинчи йил ўн саккизинчи зулҳижжада (1398 йил 1 сентябр) ғалаба ёр байроқлар Шинузон ерига юзланди, икки кун у ерларда тургач, бир неча минг отлиқни илғор қилиб Нағз қалъаси томон жўнатишга ҳамда жаҳон амирзодаси Халил Султон баҳодир бир гуруҳ улуғ амирлар билан Қабчиғой йўлидан бориб, Бону мавзеидан чиқишига келишилди.

Бундан илгари Кобулда турган пайтда: "амирзода Сулаймоншоҳ Нағз қалъасини қуриш учун Хуросон аскарлари билан у томонга юрсин", деган жаҳон итоат қилувчи ҳукм жорий бўлган эди. Мазкур ойнинг ўн тўққизинчи кунда ғалаба ёр аскарлар у қалъага етдилар. Фалак иқтидорли байроқлар у диёрга етгач, Амир Соҳибқироннинг муборак қулоғига: "Парниёний қабила-сига ўз лашкарлари билан ҳазрат олдига келишга ҳукм бўлган эди, улар итоат қилмадилар, лашкар ҳам юбормадилар", деган хабарни етказдилар. Амир Соҳибқирон

дарҳол отланиб, у ҳудудга жўнади ва улар устига чопқин ясади, кўп халқни ўтқир қилич воситаси билан дўзах ўтига жўнатди, уларнинг хотин-болалари, асбобу амволларини ғорату торож қилди, уй-жойларини куйдириб, кулини кўкка совурди. Улардан бир тўдаси қочишга юз тутди. Амир Соҳибқирон равшан раъйининг ойинаи жаҳоннамосида шундай башорат рўй бердики, у муфсидларнинг дафъи учун бир қанча кун у жойда тўхтаб тургай, токи жаҳон уларнинг хабис вужудидан бир йўла пок бўлгай, мусулмонларнинг бориш-келиш йўллари очилгай. Шу миёнада у қавмнинг каттаси бўлмиш Умил номли киши ихлос ва тўғри ният билан муборак даргоҳ хизматига юз қўйди. Тавба ва истиғфорни ўзига васила ва шафе қилди. Унинг ички тўғрилиги ҳам шу маънига яқин келгач, инояту марҳамат билан тақдирланди. Тўғрилик шохидан амонлик мевасини олди.

Қалъа қурилиши битгач, амирзода Сулаймоншоҳга қувватли бир қабила, кўп сонли ва шавкатли бир гуруҳ бўлмиш Калотиён ҳашами ҳукмдан бош тортганлиги ва фармондан юз ўгирганлиги ҳақида хабар етказдилар. Бу ҳолдан воқиф бўлганидан кейин амирзода Сулаймоншоҳ токи (Амир Соҳибқироннинг) қутли узангилари барча одамларию анжомлари билан қалъага етиб келмасидан илгари у қавм устига от қўйди. Бовужудики уларнинг ичида қувватли кишилари бор бўлса ҳам барчасини мағлуб ва манкуб қилиб, баъзиларини қиличдан ўтказди, ғайрат ўти билан уларнинг хонадонларидан дудини чиқарди. Фарзандларини (177) асир ва қул қилди. Ундан кейин Калотиён мавзеи ҳудудидан жўнаб, олампаҳо даргоҳга бориб қўшилди. У баҳодирлик ва номус шартларини бажо келтирди ва нажот тонги иқбол машриқидан балқиб, (Соҳибқироннинг) эътибор жомидан ичди ва фахрли тўну жомалар кийди, кўп тарбияту марҳаматлар билан сўйланди.

Саккиз юз биринчи йил муҳаррам ойининг аввалида (1398 йил 13 сентябр) қутлуғ байроқлар у мавзелардан қайтиб, Нағз қалъаси атрофига келиб тушди. Мазкур ойнинг саккизинчисида у ердан отланиб, Синд дарёси қирғоғига келиб тушди. У сувга кўприк солишга ҳукм жорий бўлди. Дарҳол мустаҳкам бир кўприк солдилар. Шу кунда атрофу жавонбдан келган элчиларни қайтардилар. Масалан, Саййид Муҳаммад Маданий иккала шарафли ҳарам (Макка ва Мадина)дан келиб, давлат остонасига юз қўйган эди. Шунингдек, Искандаршоҳ

Кашмирийнинг элчиси бандалик ихлосини изҳор қилиш учун келган эди, унга иззат ва ҳурмат кўрсатилиб, қайтариб юборилди. Искандаршоҳга сахий марҳамату меҳрибонликлар кўрсатилиб, Диболпур⁴ шаҳрида остона ўпиш шарафига етишишга ишорат қилинди.

Мазкур ойнинг ўн иккинчисида сешанба куни ғалаба ёр ялов Синд дарёсидан ўтиб, Жару чўли⁵ канорасига келиб тушди. Бу чўлни тарих китобларида Чўли Жалолий дейдилар. Чунки Султон Жалолиддин Маликшоҳ⁶ жаҳонгир подшоҳ Чингизхондан қочиб шу чўлга бориб халос топган эди. Шу мавзеда Жуд тоғи⁷нинг роялари ҳушёр бахтларининг йўл кўрсатуви билан юзларини фалак иқтидорли тахттоҳга қаратиб, қуллик тавқини бўйинларига солиб, итоат чизигига бош қўйдилар ва бандалик шартларини ўзларига лозим тутдилар. Амир Соҳибқирон уларни ўзининг лутфу марҳамати билан тақдирлади.

Бундан бир неча ой илгари амирзода Рустам Тағой Бугой Барясни бир неча минг отлиғ аскар билан Мўлтон⁸ томонига юборган эди. Мўлтонда ёгингарчилик кўплиги сабабли у ирода жиловини Жуд тоғи томонига бурди ва бир қанча кун у жойда тўхтаб турди. Мазкур роялар эса қуллик камарини белларига боғлаб тағор ва алуфа тайёрлаб, мақбул хизматларни бажо келтирдилар, Соҳибқирон ҳазратларининг марҳамати ва меҳрибончиликлари билан сарафроз бўлдилар.

LXII. ШАҲОБИДДИН МУБОРАК ТАМИМНИНГ ТОБЕЪ БЎЛИШИ ВА СЎНГРА МУХОЛИФАТЧИЛИГИ БАЁНИДА

Мазкур Шаҳобиддин Жамад суви¹ лабидаги бир аролнинг волийси бўлиб, унинг тобеълари ва ҳашамлари жуда кўп, молу мулки сон-саноксиз эди. Амирзода Пир Муҳаммад баҳодир бундан илгари Мўлтон ҳудудига етиб борганида Шаҳобиддин оёқ ўпиш шарафига мушарраф бўлиб, иноят ва тарбиятлар билан сийланган эди. (178) У бир неча вақт хизмат ва мулозимат вазифасини адо этиб турди. Аммо аролга қайтиб келгач, мухолифат савдоси унинг бошига тушиб, бузуқ хаёллар миясига йўл топди, аролнинг мустақамлигига ва дарёнинг орқа таянч эканлигига мағрур бўлди. Ақли ҳуши унга хитоб қилиб:

"эй бехуда ҳаракат қилғувчи, нимага бир тўда тупроқ — лойни ўзингга паноҳ тортдинг?"— дер, билиму дониши эса унинг қулоғига: "эй ўт табиатли, умидинг қандини нега сувга ташладинг?"— дер эди. (Байт):

Эмин ўлма фалак коридан зинҳор,
Сувга суялдингми? Ўзинг тут ҳушёр.

Амир Соҳибқирон ҳазратлари унинг муҳолифатидан огоҳ бўлгач, муҳаррам ойининг ўн тўртинчиси панжшанба куни амирзода Шайх Нуриддин баҳодир у томонга бориб, бу муҳим ишни саранжом қилсин, деган ҳукм жорий бўлди. Жувонбахт амирзода фармони олийни бажаришни вожиб билиб, жўнаб кетди ва у аролнинг атрофига етди. Кўрдик, чуқур бир хандақ қазилган, қалъа деворлари баланд бўлиб, осмонга бўй чўзган экан, дарҳол жангга киришди. Икки томон ҳам жидду жаҳд билан ҳаракат қилдилар. Кеч киргач Шаҳобиддин иккинчи бир томондан чиқиб, атрофдан шабихун урди ва жанг ўти баланд кўтарилди. Лекин амир Шайх Нуриддин мардона зарбалар, пурдилона ҳамлаларни амалга оширди. Қалъадаги лашкарлар сув (сиз қолган) балиқдек ва чала сўйилган товукдек изтиробга тушди. Улардан кўплари ўлдирилди, бало сели қуйиб, ҳаёт кемаси фано гирдобига тушди. Оқибат ночорликдан ўзларини у қонхўр дарёга ташладилар. <Қизиган қумдан қочиб, ўтдан паноҳ тилаган кишидек> жанг гирдобидан қочиб, дарё ғарқобидан паноҳ тиладилар.

Шу кечада хос хоназодлар қўшини, масалан, Мақсуд, Бурож Чеҳра ва унинг биродарлари жанг ўрни ва ору номус майдонида мардонавор ҳаракат қилдилар. Амир Соҳибқирон арол чеккасига келиб тушди, мажруҳларни подшоҳона навозишларига мушарраф этди, фахрли сарполар билан сарафроз қилди. Худди шу кечада Шаҳобиддин ўзининг тобеълари билан икки юз қадар кема тайёрлаб, қочишга юз тутди ва Ҳинд шаҳарларидан бўлган Ужа томонига жўнади. Амир Шайх Нуриддин фармонга биноан Жамад суви қиргоғи билан бориб жанг қилди, ҳиндлардан кўп халқ талаф бўлди. Кемалар Мўлтон ҳудудига яқин етганида амирзода Пир Муҳаммад баҳодир ва амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир аскарлари уларнинг олдидан тўсиб туришган эди, оқибат дарёда уларни қўлга тушириб, интиқом қиличидан ўтказдилар. Бенур Шаҳоб ўз хотин-болала-

рини сувга ташлаб, у қўрқинчли ҳалокат гирдобидан аранг ўз жонини нажот соҳилига етказди.

Бу муҳим ишдан фориг бўлгач, фатҳу зафар оятлари билан безатилган қутлуғ ялов оининг йигирма тўртинчисиди (1398 йил 6 октябр) якшанба куни Жинова суви лабига, қалъа девори муқобилига келиб тушди. Бу қалъанинг муқобилида Жамад ва Жинова² дарёлари жамъ бўлади ва (179) "Мажмаъ ул-бахрайн"—"Икки денгизнинг қўшилиши" мисолида бир-бирига қўшилади. Ойнинг йигирма еттисиди чоршанба куни олий фармонга биноан у сувга шундай катта бир кўприк солдиларки, уни тасаввур қилишга хаёл қуввати ожизлик қилади, уни фикрлаш кишининг ақлини хиралаштириб қўяди. Ғалаба ёр лашкар ҳеч хатар ва қўрқувсиз қил кўприкдан ўтувчи Аллоҳга мақбул бандалар каби у кўприкдан ўтиб тушдилар ва фатҳу зафар соябони учини осмонга етказдилар.

Иккинчи куни у жойдан кўчиб шаҳарнинг қаршисига Талмина суви³ лабига бориб тушдилар. Шу куни сайидлар, уламолар, маликлар ва шаҳар роялари муборак даргоҳ хизматига юзландилар ва бисотбўслик шарафини топиб, ҳар бирлари ўз қадри ва лавозимларига яраша сийловлар билан тақдирландилар. Шу куни Соҳибқирон ҳазратлари сувдан ўтиб, оининг йигирма тўққизиди жума куни то лашкар аҳли сувдан ўтиб бўлгунларича дарёнинг у томонида тўхтаб турди.

Сафар оининг аввалида (1398 йил 13 октябр) Талмина саҳросига чодир ва боргоҳларни тикдилар. Талмина (шаҳри)га икки лак амон моли тўлашни юкладилар. Аммо сайидлар ва уламолар бу йиғин-таколифдан саломат ва муоф қолдилар, қимматли саруполарга мушарраф бўлдилар ва баъзилари амон молидан ҳам халос этилдилар.

Шу миёнада ҳар томонга тарқалиб кетган лашкарлар жамъ бўлдилар. Уларнинг ғаллага эҳтиёжлари бор эди. Қаердан қандай ғалла топсалар, олишга фармон жорий бўлди. Лашкар аҳли ғалла топиш ниятида ногаҳон келган селдек шаҳарга қуйилдилар, хонадонларга ўт қўйиб, талон-торож қилдилар, одамларни асир олдилар.

Шундай ҳолатда аскарларни манъ этиш имконсиз эди. Сайидлар ва уламолардан бошқа кишилар у балодан халос топмадилар.

Шу миёнада Амир Соҳибқироннинг шарафли қулоқларига етказдиларки, "у мавзенинг раислари ва сардорларидан бир гуруҳи илгари амирзода Пир Муҳаммад

баҳодирга итоат ва бўйсунуш мақомига кириб, сўнг яна муҳолифатчилик йўлига юрганлар". (Амир Соҳибқирон) томонидан дарҳол амир Шоҳ Малик ва Шайх Муҳаммад Ику Темурга ўз лашкарларининг туманлари билан у ноҳияга чопқин ясаб, уларни сиёсатга тортсинлар, деган ҳукм бўлди. Фармонга биноан чопқин ясаб, ҳиндий қилич зарби билан икки минг ҳиндуни дунё неъматхонасидан жаҳаннамга етказдилар. Йиртқич ҳайвонлар ва қушларга уларнинг мурдаларидан дастурхон ёздилар, хотин-болаларини асир олдилар ва кўп ғаниматлару ҳисобсиз нафис буюмлар билан (Соҳибқирон) хизматига шошилдилар.

Сафар ойининг еттинчисида шанба куни у жойдан қўзғалиб, эртаси куни Биёҳ суви⁴нинг қирғоғида жойлашган Жол (мавзеи) атрофидаги Шоҳнавоз деган жойга келиб тушдилар. Биёҳ жуда катта бир дарё эди. Шу манзилда Тамим (қабиласи)га мансуб Нусрат исми бир одам қарийб икки минг киши билан Жол мавзеида сувни ўзига ҳисор қилиб турганлиги хабарини етказдилар. Амир Соҳибқирон дарҳол отланиб, кўл қирғоғига келди, лашкарнинг қалб ва қанотларини ростлади, ўнг қўлда амир Шайх Нуриддин ва амир Аллоҳдод, чап қўлда амир Шайх Муҳаммад Ику Темур, қул қисми олдида Али Султон хуросонли пиёдалар билан турдилар. Мазкур Нусрат эса уч юз нафар ҳинду кишилари билан шу кўлнинг қирғоғига келиб, ғалаба ёр аскарлар муқобилида турди. Али Султон мардоналик маросимини бажо келтирди. (180) Охири унинг ўзи ва бошқа бир неча киши ярадор бўлдилар. Жанг шу тарзда давом этаркан, Шайх Нуриддин ва Аллоҳдод (душман) кетидан шу суву лойга кирдилар ва ҳамма қарши турувчиларни қатлга етказиб, уларнинг бошларини найзаларга байроқ қилдилар. Шу ўртада Нусрат ғойиб бўлиб қолди, ундан ҳеч кимнинг хабари бўлмади.

Мазкур ойнинг тўққизинчисида душанба куни ғалаба ёр лашкар шу кўл, Жол (мавзеи) ва лой-балчиқдан ўтдилар ҳамда Шоҳнавоз мавзеига бориб тушдилар. Шоҳнавоз эса катта дайр — бутхона эди. У жойнинг аҳолиси ғалладор бўлиб, уларда ғалла омбори кўп эди. Чунончи лашкарнинг ҳаммаси у жойдан ғалла кўтардилар. Шунда ҳам яна бир қанча омбор ғалла боқий қолди. Шу мавзеда амирлардан баъзилари Биёҳ дарёсидан ўтиб қочишга юзланган Нусратнинг тобеълари орқасидан қувлаб кетдилар. У жамоадан баъзиларини топиб, талон-торож қилдилар ва жуда кўп ғанимат олиб келдилар.

Амир Соҳибқирон икки кун шу мавзеда тўхтаб турди. Қолган ғалла анборларига ўт қўйилсин, деган буйруқ бўлди, токи ҳинду габрлари ундан фойдалана олмагайлар. Ойнинг ўн иккинчисида панжшанба куни (Амир Соҳибқирон) Шоҳнавоздан кўчиб, Биёҳ дарёси лабига, Жанжон қишлоғи рўбарўсига тушдилар, чунки барча ўғруқлар у жойда жамъ бўлган эди. Икки кунда Биёҳ дарёсидан ўтдилар. Баъзилар кемада, баъзилар эса наҳанг сингари (сузиб) ўтдилар. Бу шундай эдики, сув лабидан то бир фарсанг чамаси масофада лашкарлар кетма-кет узилмасдан дарё юзида сузардилар. Абадиятга улангур давлат шукуҳи билан ҳаммалари саломат ўтдилар. (Мисраъ):

Кемачи агар Нуҳ бўлса, дарё тўлқинидан не ғам!

Шу кунда амирзода Шоҳрух баҳодир навкарларидан Ҳарий Малик исмли ишончли бир киши Ҳирот томонидан лашкаргоҳга келиб, у зоти бемисолнинг саломатлиги хабарини етказди. Шодлик қуёши орзулар уфқидан балқиди, комронликнинг тўлин ойи ниҳоний фалакда порпиради. Ойнинг ўн учинчисида жума куни амирзода Пир Муҳаммад баҳодир Мўлтон томонидан келиб, оёқ ўпиш шарафига етди. Ойнинг ўн бешинчисида якшанба куни Биёҳ дарёсидан ўтиб, Жанжон мавзеига бориб тушдилар ва у жойда тўрт кун муддат турдилар. Ойнинг ўн еттинчисида сешанба куни амирзода Пир Муҳаммад баҳодир шу мавзеда тўй бериб, нафис пешкашлар, наслдор отлар, олтину кумушдан ясалган камарлар, эгарлар, офтобалар, машраба-косалардан иборат қимматбаҳо туҳфалар, тўққиз-тўққизлар ва кўп кийимликлар тақдим этди. Улар шу даражада кўп эдики, девон аҳли у нарсаларни икки кунгача дафтарга киргаздилар. Ва яна шу куни олий ҳазрат у пешкашларнинг ҳаммасини шахзодаларга, амирларга ва нўёнларга, ҳар кимнинг ўз даража ва мартабасига муносиб тақсим қилди. Уларнинг ҳаммалари чексиз туҳфалар файзидан комёб бўлдилар.

Ҳа, шундай! Бу соҳибдавлат ҳазратнинг қиммат кўзига дунё ва унинг моли чивинчалик кўринмайди ва унинг сахий бахшиши олдида ўтмишдаги подшоҳларнинг катта туҳфалари андак бўлиб кўринади. (181) Бу даъвонинг тўғрилигига далил шуки, амирзода Пир Муҳаммаднинг лашкари шу сафарда кўп машаққат тортган, пушакол

(мавсуми)да уларнинг отлари ҳалок бўлиб, кўп жамоа пиёда қолган эдилар. Шу куни Амир Соҳибқирон уларга ўттиз минг от бахшида қилди. Ана шунинг учун ҳам у ҳазратнинг олий ҳимматларига мувофиқ улуғ Тангри таолонинг унга нисбатан бахшишлари кўпайиб ва ортиб бормоқдадир. Тангри таолонинг бу соҳиби давлатга бўлган атолари жумласидан бири шулки, унинг ҳар қандай қийин ва хатарнок муҳиммотлари Аллоҳнинг илтифоти билан муҳайё бўлмоқда ва унинг мардонавор таважжуҳи билан оғир ва мушкул тугунлар ечилмоқда. Бу сўзнинг гувоҳи шулки, шу вақтларда амирзода Пир Муҳаммад баҳодир лашкари билан пушаколда қолган эди, шундай ҳолат эдики, балчиқ ва лойдан филларнинг ҳам ҳаракат қилишга мажولي йўқ эди. Шундай бир маҳалда душманнинг хуруж қилишидан ва мухолифларнинг зарару офатидан хавфу қўрқинч кўнгилларни қамраб олиб, фикру андиша дилларга истило қилган эди. (Мисраъ):

Имкони йўқ туришнинг, иложи йўқ юришнинг.

Шундай ҳолатда тўсатдан Амир Соҳибқироннинг иқбол ялови қуёш сифат давлат шарқидан тулуъ қилди ва унинг қиличи чақмоғининг ярқираши у қоронғуликни рўшноликка айлантирди. Унинг овозаси ва ҳайбатидан душманларнинг ихтиёри қўлидан кетди, сабру саботининг оёғи ларзага тушиб, ўрнидан қўзғалди. У ҳазратнинг муборак давлати баракоти билан амирзода Пир Муҳаммад ва унинг катта лашкари бало гирдобидан нажот қирғоғига етишди. (Байт):

Бахтсизликда ўлган эди ҳаммаси
У билан тирилди, ёриди жаҳон.

Ундан кейин Жанжон мавзеидан кўчиб, Сиҳвол мавзеига бориб тушдилар. Ойнинг йигирманчисида (1398 йил 1 ноябр) жума куни у жойдан қўзғалиб Асвон манзилига етдилар, сўнг Жихвол⁶ манзилига кетдилар. У жойга тушган вақтлариди ўн минг отлиғ аскар билан илғор қилиб Ажудан шаҳри⁷ томон равона бўлдилар. (Амир Соҳибқирон) ўғруқни Диболпур йўли билан кўчириш учун амир Шоҳ Малик ва Давлат Темурни тайин қилди. Ойнинг йигирма учинчисида (1398 йил 4 ноябр) душанба куни Жихвол мавзеидан кечалаб юриб, Ажудан қасабасига етдилар.

Илгарироқ Шайх Нуриддиннинг набиралари Шайх Мунаввар ва Шайх Саъд шаҳар аҳолисини ватанни ташлаб кетишга тарғиб қилган, (шу сабабли аҳоли) Ҳинд диёрининг қасабаларидан бўлмиш Батнайр⁸ томонига қочган эди. Уларнинг баъзилари эса Шайх Мунаввар раҳбарлигида мазлумлик додини айтиш учун Ҳинд пойтахти Деҳлига кетган эди. Аммо сайидлар ва уламолардан бир жамоаси ҳамда кишилардан баъзи табақалари Амир Соҳибқироннинг меҳрибонлиги ва марҳаматига эътимоҳ қўйиб, ўз ватанларида муқим турган эдилар, улар истиқболга чиқдилар ва жаҳонгушой қўшиннинг ғуборидан умидлари кўзини равшан қилдилар, чексиз сийловлар, поёнсиз марҳаматларга хос бўлдилар. (Амир Соҳибқирон) улуғ мавлоно Носируддин Умарни ва Хожа Маҳмуд Шаҳобнинг ўғли Хожа Муҳаммадни (182) у шаҳарга доруға қилиб тайин этди ҳамда уларга у жойнинг аҳолисини муҳофазат қилиб, лашкар ўтиш вақтида аҳолига озор етишига йўл қўймасликни топширди. Сўзнинг қисқаси бу жамоа ростлик ва тўғриликлари баракатидан халос топдилар, шайх номлиларнинг ифвосига учиб, изтиробга тушган ва қочиш йўлини тутганлар эса ҳалокатга учрадилар, хотин-болалари билан асиру гирифтор бўлдилар.

LXIII. БАТНАЙР ҚАЛЪАСИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон ҳазратлари Ажудан шаҳри ишларини саранжом этишдан фориғ бўлгач ҳамда у ерлик баъзи кишиларнинг тўғри раъйи туфайли шаҳарнинг қолган раиятлари ва аҳолиси амну амонлик паноҳида ва адлу эҳсон соясида саломат қолгач, у ҳазрат сафар ойининг йигирма учинчисида (1398 йил 4 ноябр) дину давлат душманларини ҳалок этиш қасдида Ҳиндистон дарёларининг энг каттаси бўлган Ажудан суви¹дан ўтиб, ойнинг йигирма тўртида Холис кутали қалъасига етди. У жойдан (лашкарлар) Батнайр қалъаси томонига юз тутдилар. (Амир Соҳибқирон) кечадан кундузгача ва кундуздан шомгача қарор олмади, дам олиш, тиниқиш билан видолашиб икки кунда йигирма фарсах йўлни босиб ўтди ва ойнинг йигирма бешида чоштгоҳ пайтида ўн минг отлиғ аскар билан Батнайр қалъасига етди.

У гоятда мустаҳкам бир қалъа бўлиб, Ҳинд қалъалари ичида машҳури эди. Унинг волийсини Рой Дулжин дер эдилар. Унинг тобеълари ва уруғ-аймоқлари кўп бўлиб, у томонларнинг ҳамма ишини ўз қўлига жамлаган ва бу ҳудуддан бож оларди. Савдогарлар ва карвонлар унинг тааррузи ва зараридан амонда эмас эдилар. У қўрғонининг маҳкамлиги ва аскарининг кўплигига мағрур бўлиб, (Амир Соҳибқиронга) итоат ҳалқасидан бош тортгач, зафар паноҳидаги аскарлар у томонга юз тутдилар. Ўнг қўлни амир Сулаймоншоҳ, Шайх Нуриддин ва Аллоҳдод, чап қўлни Халил Султон баҳодир, Шайх Муҳаммад Ику Темур ва ўзга амирлар бошқардилар. Етиб келибоқ қилинган дастлабки ҳамла ва биринчи зарбада шаҳрбандни олдилар, ҳиндулардан жуда кўп сонли гуруҳ қатл этилди. Ғалаба ёр лашкар кўп ғанимат олдилар ҳамда шу соатда қалъанинг атрофини ўраб олиб, чапарларни боғлаб мухосара қилдилар ва жанг бошладилар. Биринчи куни уни фатҳ қилиш кечиктирилди. Ҳар қайси амир ўзи турган жойи муқобилидан нақб кавлаб, қалъа девори тагини бўшатсинлар, деган фармон жорий бўлди.

Қалъани (ҳимоя қилиш) ишига мубошир бўлиб турганлар бу лашкарлардан бир гуруҳига ҳам қарши туролмасликларини аниқ билдилар. Қўрқинчу ваҳимадан бошларида миалари жўшга, сийналарида диллари хурушга келди, худраёйлик йўлидан воз кечдилар ва қалъа тепасига келиб, зорлигу тазарруъни нажоту халос топиш учун васила қилдилар. (183) Соҳибқирон ҳазрат ўзига хос бўлган подшоҳона марҳаматлару маликона меҳрибонликлари туфайли уларнинг хатоси саҳифасига афв рақамини тортди. Рой Дулжин ўз ноибини яхши жониворлар ва насли отлар билан қалъадан чиқарди, ундан сўнг ўз ўғлини бошқа совғалар билан Соҳибқирон ҳузурига юборди. Улар хос зарбоф жомалар, шамшир, олтин камарлар билан тақдирланиб, қалъага қайтдилар. Рой Дулжиннинг орқа таянчи қувватланиб, умид қўли билан орзу этагини ушлаб, оининг йигирма саккизида қалъадан чиқди, Шайх Саъд Ажуданий у билан бирга эди. Улар палос ўпиш саодатига эришиб, яхши жониворлар, уч тўққиз олтин эгарли отларни пешкаш йўсунида тақдим этдилар. Рой Дулжин борасида подшоҳона иноятлар ва хисравона марҳаматлар кўрсатилди, унга зарбоф тўнлар, олтин камар ва тож бердилар.

Ғалаба ёр лашкар хавфидан қўрқиб ҳинд шаҳарларидан қочган ва бўйинсуниш ҳаддидан ташқарига оёқ

босган бир гуруҳ шу қалъада жамъ бўлган эди. Амирзода Сулаймоншоҳ ва амир Аллоҳдод қалъа дарвозасини эгаллаб, уни забт этишга киришдилар. Иккинчи куни бандагон — қуллар деб атаганлари Диболпур аҳолисини, шунингдек, Ажудан ва бошқа шаҳарлар аҳолиларини лашкаргоҳга ҳозир қилдилар ҳамда ҳар бир тоифани ишончли кишиларга топширдилар, уч юзга яқин наслдор отларни қалъадан олиб чиқдилар. Амир Соҳибқирон ҳазратлари уларни улуғ амирларга, қўшинларнинг сардорларига ва вазирларга тақсим қилиб берди.

Диболпур аҳолисидан беш юз кишини улар кобуллик бир мусофирни сотқинларча ўлдирганликлари учун қатлга етказдилар. Хотин-болаларини асир олдилар. Ажудан аҳолисидан баъзиларини ўлдириб, молларини талон-торож этдилар, баъзиларини асир ва қул қилдилар. Рой Дулжиннинг биродари Камолиддин ва унинг ўғли бу сиёсат ва ҳайбатни кўргач кўрқинчга тушиб, ларзон ва тарсон бўлиб, ойнинг йигирма тўққизинчисида Рой Дулжин (Соҳибқирон)нинг лашкаргоҳида эканлигига қарамай, қалъа дарвозасини беркитдилар ва бузуқ хаёл билан у ердан ҳимоя қидирдилар. Шу ондаёқ жорий бўлган ҳукмга биноан галаба ёр лашкар арродалар ва манжаниқларни ростладилар ва қалъа рўбарўсига келтириб қўйдилар, нақблар кавладилар.

Мухолифлар шундай бир жаррор лашкарга қарши туришга қувватлари етмаслигини билгач, узр айтиб қалъадан чиқдилар, одоб лаби билан муборак даргоҳ тупроғини ўпдилар, дарвоза калитларини (Амир Соҳибқирон) ҳазратнинг хизматкорларига топширдилар. Рабиъ ул-аввал ойининг бошида (1398 йил 11 ноябр) амирзода Шайх Нуриддин ва амир Аллоҳдод амон молини ундириш учун қалъага кетдилар. У ернинг роялари бу мол-солиқни тўғрилиқ билан адо этмадилар ва нифоқ аломатлари зоҳир бўлди. Уларнинг орасида габрлар, гумроҳлар ва муфсидлар кўп эди. (Амир Соҳибқироннинг) ғазаб ўти аланга олиб, жорий бўлган ҳукмга биноан барча лашкар қалъа ичкарисига кириб, иморатлар ва биноларни ёндирдилар. Қанча габрлар бўлса ўз хотин-болалари ва молларига ўт қўйиб куйдирдилар, **(184)** қанча мусулмонлар бўлса, ўз хотин-болаларини қўйдек бошини кесдилар. Сўнг ҳар икки гуруҳ иттифоқлик билан жангга тайёрландилар.

Дарҳол жанг ўти аланга олди. Охири улуғ амирлар ва баҳодирларнинг ҳаммаси қалъага кириб, жанг ўтини ёқиб,

интиқом дудини осмонга етказдилар, қалъа сиртидаги аскарлардан кўплари жангда ўлдирилди. Охири зафар қуёши давлат машириқидан тулуъ қилди. Бадкирдор ҳиндулардан ўн минг киши жанг ўтида куйиб кул бўлди. Саркашларнинг бошлари тупроқ остида қолди. Ҳар томондан қон ариқлари оқа бошлади. Уларнинг ёмон феъллари жазоси ўзларининг бошига етди. Шу пайтда олий фармон жорий бўлди, унга биноан шаҳар ва қалъанинг саройлари ва биноларига ўт қўйдилар, ҳаммасини хароб ва вайрон этиб, дашту саҳро ери билан баробар қилдилар. У ҳок тўдаю, кул тўдалардан асар қолмади, у мавзелару масканларнинг ҳаммаси бўш ва куруқ қолди.

Амир Соҳибқирон бу қалъадан қўлга кирган олтин, кумуш, от ва бошқа қимматли молларнинг ҳаммасини аскарларга улашди. Бу жангда кўп кишилар ярадор бўлиб хатарли аҳволга тушиб қолган эдилар. Жумладан амирзода Шайх Нуриддинни габрлар жамоаси ўртага олиб, қўлга туширишларига яқин қолган пайтда Феруз Сеистоний ва унинг баъзи ходимлари душман устига ўқ ёғдириб, уни жанг маъракасидан қутқазиб олдилар. Соҳибқирон ҳазратлари бунинг мукофотига уларни ўз инъом-эҳсонлари билан тақдирлади. Ўликлардан тепалар пайдо бўлганлиги учун, уларнинг ёқимсиз ҳидидан у жойда туриш қийин бўлди ва рабиъ ул-аввал ойининг учинчисида (Соҳибқирон) у жойдан кўчиб, сув ҳавзи канораси (Канорайи Ҳавзи об) деб аталадиган мавзегга келиб тушди. У жойда бир кун тургач, ойнинг тўртинчисида Ферузабандгон қалъасига етиб, ундан ўтдилар ва шу куниёқ Сарастий шаҳрига² етдилар. Бу шаҳар аҳолисининг кўпчилиги кофирлар бўлиб, тўнғиз гўштини ер эди. Улар Соҳибқирон ҳазратларининг келаётганидан хабардор бўлиб, қочдилар. Ғалаба ёр лашкардан бир гуруҳи уларнинг кетидан бориб, баъзиларини топдилар ва ўлдириб, молу асбобларини ўз тасарруфлари қабзасига киргазиб, саломат қайтиб келдилар.

Ҳазрат Соҳибқирон Сарастий шаҳрида бир кун туриб, у жойдан чиқди ва ўн сақкиз фарсах масофасида йўл юриб, Фатҳобод қалъаси³ атрофига келиб тушди. Фатҳобод аҳолиси шайтон васвасаси билан тугён йўлига қадам қўйди ва давлатга орқа ўгириб, дашту биёбонга юз тутди. Ғалаба ёр лашкардан бир гуруҳи уларнинг кетидан бориб, кўп кишиларни ўткир қилич, найза ва ханжар билан бежон қилдилар. Уларнинг чорва моллари,

йиққан захиралари ва ҳамма озуқаларини қўлга олдилар. Ойнинг еттинчисида у жойдан кўчиб, Ражабпур қалъасидан⁴ ўтиб, Аҳруни қалъаси⁵ атрофини манзилгоҳ қилдилар. Аммо у мавзеда (бахтсизликнинг) олдини олиб, ҳумоюн яловлар олдига чиқиб истиқбол қиладиган ҳеч бир ақлли киши бўлмаганлиги сабабли лашкар аҳли у мавзенинг аҳолисидан баъзиларини қаҳру ғазаб қиличидан ўтказдилар. баъзиларини асир қилдилар, (185) кўп галла йиғдилар, бинолар ва иморатларга ўт қўйиб, кул тепаларга айлантирдилар.

Ойнинг саккизинчисида раббоний кўмак қўлловида Аҳруний қишлоғидан йўлга чиқиб, Туҳана қишлоғи⁶ яланлигида давлат яловини кўтардилар. У ҳудудда Життон деб аталадиган бир қавм тўқай ва ўрмонларга қочиб кетиб, ўғрилик ва йўлтўсарлик билан шуҳрат қозонган эди. Кўп муддатдан буён улар бузукчиликка қўл узатиб, мусулмонлик ҳаддидан ташқарига оёқ қўйиб, келувчи-кетувчиларнинг йўлини тўсар эдилар. Ҳумоюн ялов у ноҳияга етгач, у ўғрилар тўқайзорларга қочдилар. Лашкардан бир қўшун уларнинг кетидан бориб, икки юзга яқин кишини ўлдирди ва баъзиларини асир олди.

Ойнинг тўққизинчи куни Туҳанадан кўчдилар, ўғруқларни амирзода Сулаймоншоҳ бошчилигида Сомона томонига жўнатдилар. Амирзода Сулаймоншоҳ у куни Мунк қалъасидан ўтиб, Сомона⁷ томонига қўнди. Амир Соҳибқирон Життон тарафига илғор йўсунида жўнаб, (мазкур қароқчиларга) етиб борди ва кескир қилич билан икки минг кишининг жонини олди, уларнинг моллари, чорполарини талон-торож қилиб, хотин-фарзандларини асир олди, у золимлар шаррининг асосини қирқиб ташлади. У ҳудуднинг бир қишлоғида сайидлардан бир жамоа бор эди, улар ҳумоюн даргоҳга юз тутиб, мулоқот шарафини топдилар. (Соҳибқирон) уларга иззат-ҳурмат кўрсатиб, амонлик бағишлади ва ўз тожини уларга берди; уларни ҳимоя қилиб туриш учун бир шиҳна тайинлади.

Мазкур ойнинг ўнинчи куни у жойдан кўчиб, Сомона шаҳри яқинидаги Мунк ноҳиясига келиб тушдилар, у кечани шу жойда ўтказиб, ойнинг ўн биринчисида ўғруқлар Ҳаггар суви⁸ қирғоғига етдилар. Қароқчиларни йўқотиш учун Туҳанадан илғор қилиб жўнаган Амир Соҳибқирон ҳам у куни Сомона яқинида бўлган Ҳаггар суви лабида (ўғруқ) кўчларига келиб қўшилди ва тўрт кун шу жойда тўхтаб турди. Ойнинг ўн бешинчи кунида у жойдан кўчиб, Пули

Кўйла яқинига бориб тушдилар. Жувонғор (томонга) кетган амирлар ва лашкарлар жумладан Султон Маҳмудхон, амирзода Султон Ҳусайн баҳодир, Рустам баҳодир, Фиёсиддин Тархон, амирзода Жаҳоншоҳ, Шайх Арслон, Ҳамза Тағой Буғо, амир Мубашшир, Севинчак баҳодир ва бошқа жувонғор амирлари шу куни келиб ҳазрат (Соҳибқирон)га етишдилар. Ойнинг ўн олтинчисида у юртдан кўчиб ва Пули Кўйладан ўтиб, кўприкнинг у ёқ томонида манзил қилдилар. Бошқариб бориш амир Шоҳ Малик уҳдасига топширилиб, Диболпур йўлидан келаётган ўғруқлар шу куни ҳумоюн мавкабга келиб қўшилдилар. Бир кун шу жойда турдилар.

Ойнинг ўн саккизинчисида (1398 йил 28 ноябр) Пули Кўйла ёнидан кўчиб, Кайтал⁹ қишлоғига етдилар. Пули Кўйла ҳудудидан барча маймана ва майсара амирлари ўз тура ва жиргаларини юборган эдилар. Буронғорда амирзода Пир Муҳаммад баҳодир, амирзода Рустам баҳодир, амирзода Халил Султон баҳодир, амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир, амир Шайх Нуриддин баҳодир, амирзода Мизроб, Ёдгор Барлос ва ўзга амирлар; (186) жувонғорда эса жаҳон подшоҳи Султон Маҳмудхон, амирзода Султон Ҳусайн баҳодир, амир Шоҳ Малик, Шайх Арслон, Шайх Муҳаммад Ику Темур ва Севинчак баҳодир; қул (ҳисми)да сонсиз деб аталувчи тумон, ўзга тумонлар ҳамда қўшунларнинг амирлари, Ҳожи Сайфиддиннинг биродари Аллоҳдод, Али Султон тавочи эдилар.

(Булар барчаси) тўрт фарсах йўлгача ёсомиший тузиб, Деҳли томонига равона бўлдилар.

Ойнинг йигирма иккинчи куни (1398 йил 2 декабр) Асинди қалъасига етдилар. Асинди аҳолиси этагини бадбахтлик тутиб, улар ўз уйларини куйдирган ва Деҳли томонига қочган эдилар. Бу қалъаларнинг кўпроқ аҳолиси мажусийлар эдилар. Ғалаба ёр лашкар у диёрда биронта кишини кўрмадилар. Мазкур ойнинг йигирма учинчисида Асинди ҳисоридан кўчиб, Туғлуқпур ҳисорига¹⁰ етдилар. Унинг аҳолиси габрлар бўлиб, уларни Солун дер эканлар. Уларнинг ҳаммаси қочишга юз тутган эди. Ғалаба ёр лашкар у қалъага ўт қўйиб куйдирди ва ундан асар ҳам қолдирмади.

Ойнинг йигирма тўртинчисида Понипат шаҳрига¹¹ етдилар, унинг аҳолиси ҳам қочиб кетган экан. У жойда бир буғдой омборини топдилар ва лашкар аҳлига тақсим қилдилар. Ойнинг йигирма бешинчисида у жойдан кўчиб, Понипат дарёси лабига келиб тушдилар. Ойнинг йигирма олтисида буронғор амирлари иттифоқ қилиб, лашкарларни

кўриқдан ўтказдилар ва яна интизом билан жўнадилар: Тангри инояти жаҳонгушо ялов жидовини тутган, осмоний бахт далил ва йўл кўрсатувчи эди.

Ойнинг йигирма еттинчисида буронғор амирлари Деҳлидан икки фарсах масофада жойлашган ва Ферузшоҳнинг иморати бўлган Жаҳоннамой номли мавзег¹²а чопқин ясагинлар, деган фармон содир бўлди. Фармонга биноан от суриб, талон-гараж қилдилар, одамларини ўлдирдилар ва ғаниматлар олиб, ғалаба билан қайтдилар.

Ойнинг йигирма тўққизид¹³а Аъло ҳазрат Пала қишлоғидан¹⁴ чиқиб, Жаун сувидан¹⁴ ўтди ва Луний ҳисори томон жўнади, чунки ўтлоқ жой шу тарафда эди. Шу кун Луний қалъасига етдилар. Илгарироқ амир Жаҳоншоҳ, амир Шоҳ Малик ва амир Аллоҳодлар у қалъага юборилган эди. У жойнинг аҳолиси итоат қилиш давлатидан маҳрум бўлиб, жанг бошлади. (Соҳибқироннинг) ҳумоюн байроқлари етиб келгач, бир ақлли шайх ва тажриба кўрган қария қалъадан чиқиб, итоат изҳор этди. Қолганлар исён мақомида боқий қолдилар. Аъло ҳазрат қалъа остидан нақб кавлашни буюрди. Қаттиқ жанг қилдилар. Ҳумоюн узангиларнинг етиб келиши пешин вақтига тўғри келди, пешин намози пайтида қалъа очилди, габрларнинг кўплари ҳисор ичида хотин-болаларини ва молларини куйдирдилар. Аъло ҳазрат у кечада қалъанинг сиртида тўхтаб турди.

Рабиъ ул-аввал ойнинг охирида (1398 йил 10 декабр) қалъа сардорини ўлдирдилар ва олам аҳлининг кўз нури бўлмиш сайидлардан бошқа барча аҳолини ғорат қилдилар, қалъани куйдирдилар, вайрон қилдилар. Рабиъ ул-охир ойнинг аввали (1398 йил 11 декабр)да Луний ҳисоридан отланиб, Жаун дарёси лабида Жаҳоннамой мавзеи муқобилига бориб, сувдан кечиш жойларини аниқладилар. Намози дигар вақтида қайтиб, лашкаргоҳга келиб тушдилар. Ойнинг иккинчи кунига бу ҳисор олдида тўхтаб турдилар (187) ва шу юртдан ойнинг аввалида амир Сулаймоншоҳ баҳодир ва амир Жаҳоншоҳ баҳодирни чопқин яшаш учун Деҳлининг жанубий томонига юбордилар. Ойнинг иккинчисида олий ҳазрат етти юзга яқин совутпўш отлиқ аскарлар билан отланиб Жаҳоннамой иморатини томоша қилди, пасти ва тепасига кириб, ташқари чиқди, у мавзеларни кўздан кечириб, эҳтиёт чораларига риоя қилди. Албатта ҳар бир подшоҳ эҳтиёткорлик зирҳини кийса душманлар макри ўқидан

амонда бўлгай, кимда-ким гафлат уругини сепса, надомат донасидан ўзга ҳосил битмагай. Сўнгра у маърака майдони учун қай ер муносиб эканлигини, жангу жадал жойи учун қайси мавзе мос келишини кўздан кечирди. Шу миёнада Маллухон¹⁵ қарийб тўрт минг отлиқ, беш минг пиёда аскар ва йигирма етти занжир фил билан чиқиб, яқин етиб келди. Ғалаба ёр лашкардан Жаун дарёси лабида Севинчак баҳодир, Сайидхожа ва Мубашшир қарийб уч юз киши билан турган эдилар, (душман) устига ўқ ёғдирдилар. Жаҳоннамоининг бу томонига икки қўшун аскар қўйган эдилар, улар орқадан етиб келишиб, у хоксорлар устига ҳамла бўронини йўлладилар. Душман биринчи зарбадаёқ Деҳли тарафига қараб қочди.

LXIV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ДЕҲЛИ ВОЛИЙСИ СУЛТОН МАҲМУД¹ БИЛАН ЖАНГ ҚИЛИБ ЗАФАР ТОПГАНИ ВА ҒАЛАБА ҚОЗОНИБ ШАҲАРНИ ФАТҲ ҚИЛГАНИ БАЁНИДА

Ақл эгаларига зоҳир ва ошкорадир, фаҳму фаросатли зотларга аниқ ва равшанки, фатҳу зафар эшиklarини очувчи — Тангри иноятидир, саодату иқбол йўлини кўрсатувчи — чексиз раҳмати илоҳийдир. Агарчи саодат хильати ҳар бир кимсанинг қадри қаддига азалдаёқ тикиб қўйилган ва давлат шамъи ҳар кимнинг муроди шабистонида юқори олам файзи равшанлиги билан ёндирилган бўлса ҳам, аммо у Расулуллоҳнинг, — у зотга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, — ҳадисларида <Жаннат машаққатли амаллар билан ўралгандир> дейилганидек, маълум бўладики, дашту биёбон машаққатини тортмасдан мурод каъбаси жамолини кўриш муяссар бўлмас, талаб заҳматини чекмасдан матлуб юзини кўриш мумкин эрмас.

Давлатнинг равшан қуёши жангу жадал маъракаси гардининг қоронғилигидан сўнг юз кўрсатади, комронлик чаманининг яшнаши уруш булутидан қон-ёмғир ёққанидан кейин содир бўлади. Вақтики бу саъю кўшишлардан қутилган мақсад ҳақ калимасининг юксаклигига эришиш ва ислом шиорини изҳор этиш бўлса, бу матлуб натижаси тезроқ қўлга киради ва у орзу чеҳраси осонроқ юз кўрсатади.

Бу ҳикоятнинг яққол далили шулки, (188) марҳум Султон Ферузшоҳ² Ҳинд мамлақати тахтидан боқий оламга

рихлат қилгач, бир жамоа золимлар зулм ва туғён қўлини узатиб, шаҳарлару аҳолига зулму тазйиқ қила бошлаганлар. (Бу сўзни) Амир Соҳибқироннинг олий қулоғига етказишгач, (у ҳазрат), айтиб ўтилганидек, бу номақбул қондани йўқотиш учун манзил ва мароҳилларни босиб ўтиб, Деҳли атрофига етиб келди ва Жаҳоннамой мавзеи рўбарўсида тўхтади. Сўнг у жойдан чиқиб, Луний ҳисорининг шарқий томонига келиб тушди. Бу юртда жувонбахт маҳдумзодалар, улуғ амирлар, улуғ даргоҳ муқарраблари ва хос бандаларидан ташкил топган сонсиз тумони ва қўшунларнинг сардорлари — ҳаммалари жаҳонпаноҳ тахт поясига ҳозир бўлдилар. Ана шу хос йиғилишда ҳушёр хотири осмоний сирлардан огоҳ ва равшан, дили сафҳаси илоҳий файз ойинаси бўлмиш ҳазрат Соҳибқирон муборак тилини сўзга келтириб, қадимги подшоҳларнинг жанг ўрнидаги тура ва ёсоқларини айтиб ўтди, жанговарлик расму русмлари, душман билан жанг қилиш қоидаларини кўрсатди, жангнинг қонхўр дарёсига киришу унинг гирдобидан саломат чиқишни яхши бир тарзда баён этди. Шундан кейин уларнинг ҳар бирлари жувонғор, буронғор ва қул қисмларининг қайси мақомида туришларини ва қандай қилиб жиловларни бири-бирига улашни ҳамда душман ҳамласини қандай рад қилишни ўргатди. Йиғинда ҳозир бўлганлар у дурдоналар нисоридан қулоқларини шоҳвор дурлар билан тўлатдилар ва ҳукм ҳам фармонларни ҳуш қулоғию жон сомеси билан тингладилар.

Шу куни шаҳзодалар ва амирлар арз иззатгоҳига қуйидаги сўзларни етказдилар: "Синд дарёси лабидан то бу манзилга етгунча габр кофирлари ва бутпарастлардан иборат юз мингга яқин ҳинду асир тушган ва улар лашкаргоҳга жамъ қилинган. Шундай эҳтимол борки, улар жанг куни Деҳли томонига майл қилиб, ҳужум билан уларга қўшилиб кетишлари мумкин. Жорий бўлган ҳукмга биноан асирларни қиличдан ўтказиб, қонини селдек оқиздилар. Фармонни ўз вақтида бажардилар. Шу даражага етдики, олий даргоҳнинг банда ва мулозимларидан бўлган, умрида биронта қўй ҳам сўймаган мавлонойи аъзам Носириддин Умар у габрлардан ўн беш нафарини қиличдан ўтказди. Аскарларнинг ҳар ўн нафаридан бирини у юртда қолдирдилар, улар у (ўлдирилган) ҳиндуларнинг хотин-болаларини ва уловларини муҳофазат қилиб турдилар. Сўнгра шаҳар томонига қараб юрдилар. Мунажжимлар, юлдузшунослар жамоаси илми нужум

қоида-қонунига қараб бир сўзни айтар ва юлдузларнинг саъду нахс ҳолатига далолат қилувчи бир неча шаклларни ҳавола қилар эдилар. Амир Соҳибқирон пок эътиқоди юзасидан у сўзларга илтифот қилмади ва: "Юлдузлар кавну фасод оламига бўйсундирилгандирлар, ҳақ таолонинг иродаси бўлмай туриб улардан ҳеч фойда кутилмайди ва қазои илоҳий сабаб бўлмасдан туриб ҳеч бир зарар ҳам кўзланмайди, деди. (Байт):

Паргордек айланиб ҳамма туну кун

Излайди доимо яратгувчисин. (189)

Омаду нажот вақти бўлмиш субҳ пайтида бомдод намозидан кейин маншури осмоний ва каломи субҳонийга қўл уриб, Қуръони шарифдан шаҳарга кириш борасида фол кўрди, ушбу оят чиқди, мазмуни шулдир: <Бу дунё ҳаёти ёмғир сувига ўхшайди. Одамлар ва ҳайвонлар емиши бўлмиш ўсимликлар ундан озукланадилар. Қачонки ер ундан сабззорга айланиб яшнаса, деҳқонлар бунинг ҳосили бизнинг тасарруфимизда деб гумон қиладилар. Шу орада, бир кеча ё кундузда Менинг амрим келади-да, улар ҳаммаси ўрилгандек бўлиб қолади, гўё улар кечагина яшнаб турмагандек>³. Бу оятнинг чиқиши душманлар ва у шаҳар аҳолисининг заволга учрашидан равшан бир далил эди.

Яна Ҳинд сипоҳларининг пушти паноҳи ва обрў-эътибори бўлган Маллухон учун ҳам иккинчи марта фол очди. Ушбу оят чиқди, маъноси: <Аллоҳ мисол келтириб айтади: бир банда-қул бордирки, у ожиз, ҳеч нарсага қодир эмас, иккинчи бир одам борки, биз унга фаровон ризқи рўз ато этдик, у ҳар нимага қодир, (бошқаларга) ошкора ва пинҳон нафақа — эҳсон ато этади. Бас, буларнинг ҳар иккиси баробар бўладими?>⁴

Ҳозирги ҳолатга ғоятда мувофиқ келган бу икки оятдан Қуръоннинг мўъжизалиги ва Амир Соҳибқироннинг каромати маълум бўлди. (Шу билан бирга) бу — ҳазрат Соҳибқироннинг осмоний қўллов билан махсус сайланганлиги ва раббоний иноят назарига тушганлигига равшан далилдир.

Алғараз, мазкур ойнинг бешинчисида Жаун дарёси лабидан кўчиб, сувнинг нариги томонига бориб тушдилар ва эҳтиёткорликка риоя қилиб, хандақ қазидилар. Ойнинг етти-сиде отланиб лашкарнинг буронғор, жувонғор, манғлой

ва қул қисмларига тартиб бериб саф тортдилар. Ўнг қўлда амирзода Пир Муҳаммад баҳодир, амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир ва ўзга амирлар турдилар, чап қўлда амирзода Султон Ҳусайн баҳодир, амирзода Халил Султон баҳодир, Жаҳоншоҳ баҳодир ва бошқа амирлар, манғлойда амирзода Рустам баҳодир, амир Шайх Нуриддин баҳодир, амир Шоҳ Малик, Аллоҳдод ва ўзга амирлар турдилар. Олий ҳазратнинг ўз муборак зоти аскарнинг қалбида турди. Шу тариқа ораста қилинган бир лашкар кўриқдан ўтдики, жаҳон майдони мавжудот лашкарининг жавлонгоҳи бўлганидан то шу дамгача бунингдек катта тўдани кўрмаган, юлдузлар кавкабаси фалак сабзасорида саф тузувчи ва қуёш тиг тортувчию миррих найза санчувчи бўлганидан буён бунингдек тартиб ва интизомни эшитмаган эдилар.

У томондан маликзода Султон Маҳмуд, Маллухон, ўзга сардорлар (190) ва Ҳинд кишвари сипоҳдорлари билан бирга ўн минг отлиқ, йигирма минг мукамал қуролланган пиёда ҳамда жўш урган денгизу ҳайқирган булут янглиғ бир юз йигирма занжир жангчи филлар билан (ҳозир бўлдилар). Жанг салоҳлари билан ораста филлар устига тахтлар ўрнатилган, филлар сафи ёнида раъдандозлар ва тахш (камони) отувчилар ҳозир, ҳар бир фил устида эса бир неча ўқ отувчи ўлтирар эди.

Бу ғалаба ёр лашкар қанчалик кўп жанг сафларига шикаст етказган, парокандаликка учраган ишларни мушкулкушо ақллари воситаси билан бирлаштирган, жон овловчи жанглари кўп кўрган, жанг маъракаларида жуда кўп бўлган бўлса ҳам, аммо, бу ўринда бетакаллуф фикр ва андишага тушиб қолдилар. Чунки у тоғ ҳайкалли, дев кўринишли филлар дилларни ларзага келтириб, хотирни паришон қиларди. Отлар улардан ҳуркиб қочар ва шу сабабли жангчилар у (фил)ларга яқинлаша олмас эдилар.

Шу соатда ҳазрат (Соҳибқирон) олий даргоҳ бандаларидан мавлоно Носириддин Умарга ишорат қилди, у дарҳол жойнамозни туфроқ устига солди. Жаноб ҳазрат отдан тушиб, икки ракаат намозни минг тазарру ва ниёзмандлик билан адо этди, олий ва улуг бахшоёнда (Аллоҳ) даргоҳидан фатҳу зафар атосини сўради. Шу ҳолатда манғлой (қисм)да турган амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳ Малик, амир Аллоҳдод каби амирлар: "Ҳазрат Амир Соҳибқирон давлат эгасидирлар, Худо хоҳласа ҳақ таоло у зотнинг муборак хотирига солиб, қул қисмдаги аскарлардан бир тўдасини биз бандаларининг ёрдамига

юборсалар (ажаб эмас)", деб кўнгилларидан ўтказган эдилар, аъло ҳазрат намоз ўқиб, салом бериб, даргоҳи илоҳийга ҳожатларини арз этгач, <Давлат эгалари илҳомли бўладилар> деган мазмун ижобича қўшинлардан ўнг қўл томонга, манғлойга ёрдамга борсинлар, деб ҳукм қилди. Шунга биноан у (амир)ларнинг дилларию билаклари қувватланиб, тўла умид билан жангга юз тутдилар. Ҳа, жониворларнинг озуғи йўлбарснинг овидан бўлганидек, барчанинг давлат чамани яшнаши — Амир Соҳибқирон тарбияти сарчашмасининг файзидандир.

Алқисса, ҳар икки лашкар худди икки кўк денгиздек мавжга келдилар ва юзларини ному нанг майдониغا қаратдилар. (Байт):

У икки лашкар худди тоғдек жунбушга келди,
Бу жунбушдан ерга ҳам оғирлик тушди.

Бу томондан жанговар сафларни ёрувчи шундай марди майдонларки, улар йўлбарс тишию фил хартумидан, паланг чангалию наҳанг ҳалқумидан қўрқмас эдилар, ўткир қилич зарби ва жон олувчи найза захми билан одамлару филларни мажруҳ қилар, филлар сафига ўзларини уриб, филбонларни юз тубан йиқитар эдилар. Буронғордан амирзода Пир Муҳаммад баҳодир ва амирзода Сулаймоншоҳ баҳодирлар саъй-ҳаракат кўрсатдилар, жувонғордан амирзода Султон Ҳусайн баҳодир, амирзода Халил Султон баҳодир, амир Жаҳоншоҳ баҳодир ва Фиёсиддин Тархонлар у мардлик майдонида мардоналик номини йиғдилар. Амирзода Жаҳоншоҳ уларнинг кетидан юриб дарвозага яқин етган эди, қул ва манғлой (қисмлар)дан амирзода Рустам баҳодир, амир Шайх Нуриддин, (191) амир Шоҳ Малик ва амир Аллоҳодлар ҳам душман марказини ўраб олдилар. Амирзода Пир Муҳаммад баҳодир шахсан ўзи филга қилич солди. Амирзодалар ва баҳодирлар атрофу жавонибдан филларни қўлга олдилар. Душманлар ҳам жанг майдонида собитқадамлик кўрсатдилар. Аммо улар сарсар шамолига қарши турган пашша мисоли қанчалик кўп қаршилиқ кўрсатсалар шунчалик кўп ҳалок бўлардилар, қанчаки ҳаракат қилмасинлар қарши туришга қувватлари камайиб борарди. Ёмғирнинг санокли қатралари поёни йўқ денгизга баробар бўла оладими?! Ҳаво фазосидаги тўзон қаттиқ қўзғалган ел зарбасига чидаб тура оладими? Ахирида <Фил асҳобларига нисбатан раббинг не қилди, кўрмадингми?>⁵ (деган оят) сири зоҳир

бўлди. Зафар қуёши нусрат уфқидан руҳ кўрсатиб, душманнинг фарзинбандлик ҳийласини тор-мор қилиб, маъракалар шоҳларининг чопқир отлари туёғи остида мамлакат рояларини пиёда қолдирдилар. Сипоҳлар қонидан яшил қиличларни қизилга бўяб, номуродлик нил — сурмасини уларнинг амонлиги юзига тортдилар. У гуруҳдан шу қадар кўп ўлдирдиларки, Исфаҳон ва Сеистон жангидаги ўлдиришлар ҳикояси ўчиб кетди. Ўлганлар жасадидан дашту саҳролар, тепалигу пастликлар бир-бирига баробар бўлди. Саркашлар боши чавгонбозлик отлари оёғи остидаги майдон тўпига айланди. Султон Маҳмуд ва Маллухон озгина кишилари билан қочишга юз тутдилар, орадан чиқиб, шаҳарга кириб олдилар.

Жанг ўти аланга олиб турган бир пайтда ҳали ўн беш ёшда бўлган амирзода Халил Султон баҳодир ҳаммадан илгари қилич чопиб, бир филни ушлаб, олий ҳазратга олиб келди ва турли-туман тарбияту навозишлар билан тақдирланди. Шунингдек, амирзодалар ва мулозимликда бўлмиш амирлар қаҳрамонлик кўрсатиб, душманга мардонавор ҳамлалар қилганликлари ҳақида арз иззатгоҳига етказган эдилар, аъло ҳазрат кўнгли бўшаб кўзига ёш олди, шу мақомда шундай бахтиёр фарзандлар ва хизматгузор ёрдамчию кўмакчиларни ато этганлиги учун Тангри таолога шукрона адо этди ва у диловарлик тўқайининг шерлари ҳақида дуо қилди.

Султон Маҳмуд ва Маллухон эса шикаст топиб, мағлуб ҳолда шаҳарга кирдилар. Амир Соҳибқирон пешин намози пайтида Деҳли дарвозасига етди, тўхтамасдан шаҳарга киришга қодир бўлса ҳам, аммо, ожизу мискин раиятлар ва у жой аҳолисига нисбатан марҳамат юзасидан жаҳонкезар тулпори жilовини тортиб, Лаби ҳавзи хос деб аталадиган мавзегга келиб тушди. Кун охиригача ўша жойда турдилар.

Султон Маҳмуд, Маллухон ва Тўғонхон эса тунда жанубий дарвозадан чиқиб қочдилар ва тўқайзору биёбонларда саргардон бўлдилар. Бир гуруҳ никомиший қилиб уларни қувиб кетидан жўнади. Мазкур ойнинг саккизида аъло ҳазрат майдон дарвозасига келиб, бир лаҳза ийдгоҳда ўлтирди, хос чодир-боргоҳлар қурдиртириб, халқни қабул этди. Шаҳардаги сайидлар, ақобирлар, қозилару шариф кишилар барчаси чиқиб, ҳазратнинг палосини ўпиш билан бахтиёр бўлдилар. Маллухоннинг ноиби бўлмиш Фазлуллоҳ Балхий, шунингдек, Деҳли девонининг аҳллари барчаси бу боргоҳ тупроғини ўпиш

билан ифтихор бошини фалакка етказдилар, сайидлар ва уламолар (192) амирлардан амонлик беришни илтимос қилдилар.

Мазкур ойнинг ўнинчиси (1398 йил 20 декабр)да жума куни мавлоно Носириддин Умар олий даргоҳнинг мулозимлари бўлмиш ақобиру ашрофлар билан бирга шаҳарга кирсинлар ва хутбани ҳумоюн лақаблар зебу зийнати билан безатсинлар, деган фармон содир бўлди. Фармонга биноан ушбу аҳду замон подшоҳи ва улуг амир Темур Кўрагон (амири бузург Темур Кўрагон) ҳам вали ул-аҳд амирзода Муҳаммад Султон номлари билан хутбани безадилар.

Давлат қуёши орзу уфқидан тулув қилиб, саодат гули иқбол гулшанида очилгач, жаҳонга оро берувчи раъй жанг кулфатгоҳидан базм нузҳатсаройига йўл олмоқни ва бу билан муборак хотирга ором етказмоқни истади. Дарҳол подшоҳона базм мажлисини ораста қилдилар. Хушовоз мутриблар нағма-наволари, пайрав ва латифагўй суҳбатдошлар ва базлагўй нуктадонлар баёнлари билан ишрат мажлисини яшнатдилар, айшу ишрат ва комронлик саропардаси танобини тортдилар ва хусравоний созлар билан муборакбодлик мақомида бу байтлар мазмунини куйладилар. (Назм):

Кимки сенга шодликни истамаса, гамда қолсин,
Сенга ободликни истамаган хароб бўлсин.
Етти иқлимга сенсиз нур бўлмасин ҳеч,
Ёмон кўз губори давлатингдан йироқ бўлсин.

Ойнинг ўн олтинчисида панжшанба куни лашкар аҳлидан бир жамоаси Деҳли шаҳри дарвозасида жамъ бўлиб, ожизу заиф райиятларга дахл қилиб, заҳмат етказмоқда эдилар. Катта амирлар уларни дафъ қилишни ўзларига лозим деб билсинлар, деган фармон жорий бўлди. Шу ҳолат асносида поклик саропардасининг шамъи ва ҳашамат буржининг тўлин ойи бўлмиш оғолар тамошо йўсинида Деҳли шаҳрига кирдилар. Девон амирлари эса шаҳар дарвозасида ўтириб олиб, амон молини йиғиш билан машғул эдилар. Қанд ва ғалла йиғиш учун барот— рухсатномага эга бўлган бир неча минг аскарлар шаҳарга юз тутдилар. Бу воқеадан илгарироқ амирлардан ҳар бири атрофдаги ноҳиялар аҳолисидан бўйсунмай шаҳарга қочиб кирган бир тўдани тутсин, деган фармон содир бўлган эди. Шу сабаблар билан аскарлардан катта бир гуруҳ шаҳарга ёпирилди. У пайт Амир Соҳибқирон ҳазрат базму ишрат мажлисида эди, бу ҳолатни арз қилишга

биронта киши журъат қилолмади. Амирлар тиру шамшир зарби билан қанчалик манъ қилмасинлар, фойда бермади. Ҳа, (оятда келганидек) <агар Тангри таоло бирор қавмга зарар ва заҳмат хоҳлаган бўлса, ҳеч бир саъй қилувчининг ҳаракати ва ҳеч бир ҳомийнинг ҳимояти уни дафъ қилолмайди>⁶. Шу сабаб билан Деҳли мавзеларидан бўлган Сирий, Жаҳонпаноҳ ва Кўҳна Деҳлиларда ҳинд габрлари тўда-тўда бўлиб жанг бошладилар, улардан кўп халойиқ ўз уйлари ва молларига ўт қўйиб, ўзлари ва хотин-болаларини куйдирдилар. Лашкар аҳли эса уй эшикларини бузиб, талон-торожга қўл узатди. Амирлар шаҳар ташқарисидаги лашкар ичкарига кира олмаслигини таъминлаш даражасида дарвозаларни беркита олмадилар. Жума кечасида ўн беш мингта яқин киши ҳисор ичкарасида эди, улар кеч киришидан бошлаб то тонг отгунга қадар талон-торож қилдилар ва уйларга ўт қўйдилар. Тонг отиб, уларнинг ғавғою фарёдлари сиртдаги аскарлар қулоғига эшитилгач, (193) уларни ҳам тўсиш мумкин бўлмади.

Ойнинг ўн еттинчисида жума куни умумий талон-торож бошланди. Сирий ва Жаҳонпаноҳ (мавзе)ларининг кўп маҳалларини торож бўронига учратдилар. Ойнинг ўн саккизинчи куни ҳам ғорат қилиш ва қул қилиш билан охирига етди. Аскарлардан ҳар бири эркак, хотин ва болалардан иборат юздан ортиқ асирни шаҳардан олиб чиқди. Жуда кам аскаргагина йнгирма нафар қул теккан эди. Ойнинг ўн тўққизинчисида Кўҳна Деҳлига бордилар, ҳиндуларнинг кўплари у жойга қочиб бориб, жанг қилмоқда эдилар. Амирзода Шоҳ Малик баҳодир ва Али Султон тавочи беш юз мукаммал қуролланган киши билан у ерга юздандилар ва ғорат қилиб, ҳиндулар бошидан тепалар кўтардилар ва қолдиқларини асир қилдилар. У воқеалар бўлиб ўтганидан кейин аҳвол суратини Амир Соҳибқироннинг шарафли қулоқларига етказганларида, энди иш қўлдан кетган эди. (Байт):

Иш бизнинг ихтиёримизда бўлмагач,
Уни яхши йўлга солиш ҳам уҳдамыздан холидир.

(Асирлар) орасида санъат ва ҳунар эгаларидан кимки бўлса, уларни маҳдумзодалар ва оғоларнинг ноибларига топширсинлар, сангтарошларни эса хоссайи шарифанинг ўзи учун тутиб турсинлар, деган ҳукм жорий бўлди.

Ҳазрат Соҳибқирон Деҳлида ўн беш кун турди. Бу донгдор фатҳлар рўй бериб, шундай улуғвор диёру шаҳар фатҳ этилгач ва бутпарастларнинг буткадалари аҳли иймон масжидлари билан алмаштирилиб, куфру бутпарастлик ялови юз тубан йиқитилгач, рабиъ ул-охир ойининг йигирма иккинчиси (1399 йил 1 январ)да чоршанба куни аъло ҳазрат у жойдан қайтди. Набийлик хонадони ва ҳазрати Расулulloҳ ноибларига бўлган ихлос туфайли бундан илгарироқ сайидлар, уламолар, қози ва машойхларга бирор азиат етмасин деб уларни Жаҳонпаноҳдаги масжида жомеъда муҳофазат қилиб турган эдилар, шу сабабли инсон қавмларининг хулосаси ва халқлар сараси бўлган у тоифа ҳазрат Амир Соҳибқироннинг адлу эҳсони ҳимоясида саломат ва амон қолдилар. Шу куни Амир Соҳибқирон чошгоҳ вақтида Дарвозаи ийдгоҳ номи билан машҳур бўлган Хожаи жаҳон ҳовузи қирғоғидан кўчиб, қутли бахт билан Ферузободга бориб тушди. У ерда бир соат тўхтаб, бу мавзенинг сайилгоҳларини шарафли назардан кечирди ва Ферузобод масжидида икки ракаат намоз ўқиб, илоҳий неъматлар шукронасини адо этди.

Ферузобод дарвозасидан чиққанларида бундан илгарироқ лашкаргоҳдан элчилик расми билан Лиҳовар тарафига жўнаган Термиз сайидларидан бўлмиш худовандзода Сайид Шамсиддин ва Алоуддин ноиблар қайтиб келдилар ва Ҳинд вилоятларидан баъзисининг ҳоқими бўлган Баҳодир Наҳор қуллик чизигига бош қўйиб, жума куни палос ўпиш шарафига мушарраф бўлажagini арз қилдилар. Амир Соҳибқирон Жаҳоннамойнинг бериги томонидан юриб, Вазиробод яқинига бориб тушганида, элчилар Баҳодир Наҳор улар билан юборгани икки тўтгани тақдим этдилар. У икки тўти Султон Туғлуқшоҳ давридан қолган бўлиб, неча муддатлар султонлар мажлисида суханварлик ва шакаргуфторлик қилган, жаҳон улуғларининг назари (194) уларга тушган эди. У нафис туҳфа билан яхши фол қилиб, аъло ҳазратнинг марҳаматини қозондилар.

Ойнинг йигирма учинчисида панжшанба куни Вазирободдан кўчиб, Жаун сувидан ўтдилар ва Мудула мавзеига тушдилар. Ойнинг йигирма тўртида у жойдан жўнаб, Ката мавзеига етдилар ва ойнинг йигирма бешинчисида Боғи Бут марҳаласида тўхтадилар. Ойнинг йигирма олтиси (1399 йил 5 январ)да якшанба куни у жойдан кўчиб, икки сувнинг ўртасида бўлган Асор мавзеига келиб тушдилар ва икки кун бу манзилда турдилар.

LXV. МИРТ ҚАЛЪАСИ¹НИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА

Бу қалъа Ҳинд кишварининг машҳур қалъаларидан биридир. Ойнинг йигирма олтинчиси (1399 йил 5 январ)да якшанба куни (Соҳибқирон ҳазрат) Асор мавзсидан амирозода Рустам Барлос, амир Шоҳ Малик ва амир Аллоҳдодларни у қалъага жўнатди. Ойнинг йигирма саккизида бу қалъа ҳисорига борган амирлар: "Ил'с Афғоний, мавлоно Аҳмад Таҳонасарийнинг ўғли ва Сафий габрлар бир жамоа габрлар билан у қалъага кириб олиб, эл бўлмаптаилар ва "(илгари) подшоҳ Тармаширин² ҳам бу қалъа рўбарўсига келган-у, ололмаган", демоқдалар", деб хабар юбордилар. Бу хабарни эшитгач, ғазаб асари (ҳазратнинг) муборак пешонасида зоҳир бўлиб: "Бу қандай сўзки, бир нечта габрлар бизнинг мамлакатимиз подшоҳзодасини ожизлик ва кучсизликка нисбат берадилар", деди ва шунга биноан ирода жиловини у одобсизлардан интиқом олиш томонига буриб, ўн минг киши билан йўлга чиқди; ўртада бир кеча ўтказиб, ойнинг йигирма тўққизида Мирт қалъасининг рўбарўсига етди. Дарҳол қўшин амирларидан ҳар бири ўз тўғрисида (қалъа остига) нақб кавласин, деган ҳукм жорий бўлди. Намози шом яқин етган вақтида қалъа деворининг ҳар бир буржидан ўн газ, ўн беш газ нақб кавлаган эдилар. Габрлар саросима ва ҳайронликка тушдилар ва умидлари рухсори ўз юзларидек қорайди. Эртаси куни амир Аллоҳдод Соҳибқирон ҳазратнинг қовчинларидан бўлган ўз қўшини билан қалъа дарвозаси олдида зўр бериб, унинг навкарларидан бири — жалодат майдонининг жангчиси ва шижоат маъракасининг марди майдони бўлган Қаландарнинг ўғли Сарой ҳаммадан илгари қалъа деворига арқон ташлаб, девор устига чиқиб олди. Ундан кейин ўзга баҳодирлар ва диловарлар қалъа тепасига югурдилар. Амирозода Рустам Барлос Ил'с Афғоний ва Таҳонасарий ўғли бошчилигидаги қалъа сардорларини тутиб, (195) гарданларидан боғлаб, (Амир Соҳибқирон) ҳазрат олдига келтирди. Сафий габр эса шу жангда ўлдирилди. Панжшанба куни қалъадаги габрлар жамоасини ўтқир тиғу жон олувчи ханжардан ўтказдилар, уларнинг хотин-фарзандларини асир олдилар. Кавланган нақбларга ҳумоюн фармонга биноан ўт қўйдилар ва ҳисорнинг буржлари ва иморатларини ер билан баробар

қилдилар. Бу фатҳ ўзга ғалабаларга қўшилди ва зафар нусрат шиор яловларга ҳамнишин бўлди. (Шеър):

Баланд осмон остида бегумон,
Зафар бирла фатҳ этди шоҳи жаҳон,
Кечалар қилур ой фалақда тавоф,
Чароғинг ёгин қилгани беҳисоб.

LXVI. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ГАНГ ДАРЁСИДА ЎҒРИЛАР ЖАМОАСИ БИЛАН ЖАНГ ҚИЛГАНИ БАЁНИДА

Мирт қалъаси фатҳ этилиб, у ердаги габрлар йўқотилгач, ҳазрат (Соҳибқирон) (801 йил) рабиъ ул-охир ойи якунида (1399 йил 8 январ) панжшанба куни "амирзода Жаҳоншоҳ баҳодир жувонғор лашкари билан Ганг дарёси томон жўнасин, дарё каноридан ўтиб, чопқин ярасин ва габрлар билан жиҳодни бошласин", деган фармон берди. Ўғруқларни эса амир Шайх Нуриддин уҳдасига юклаб, уларни бошқариб бориб, Оби Қорасув канораси бўйлаб йўллашга буюрди.

Жаҳонкушо байроқлар Пирузпур тарафидан Ганг дарёси томон жўнадилар. Йўл асносида амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир Соҳибқирон ҳазратнинг муборак узангисига қўшилиб Мансура мавзеига келиб тушдилар. Жумоди ул-аввал ойининг ҳилолини (1399 йил 9 январ) у жойда кўрдилар. Ой аввалида жума куни эрта билан у жойдан кўчиб, Ганг дарёси томон юзландилар. Кун чиқар вақтида Пирузпур мавзеига етдилар. Ҳар томондан дарёдан кечик жой изладилар. Чошгоҳ вақтида бир гузаргоҳга етдилар, аммо унинг ниҳояси маълум эмас эди. Мулозимлардан баъзилари бедов отларга миниб кечиб ўтдилар. Амир Соҳибқирон ҳазрат ҳам дарҳол ўтмоқчи бўлиб эди, мулозимлардан баъзиси дарё хатаридан чўчиб: "Амирзода Пир Муҳаммад баҳодир ва амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир буронғорда сувдан ўтдилар, агар олий узангилар бугун тўхтаб турсалар, айни маслаҳат бўлур эди", деб арз қилдилар. Уларнинг сўзи қабул шарафини топди. Шайх Али баҳодирнинг ўғли Сайидхожа, (196) Милкатнинг ўғли Жаҳон Малик ва бошқа диловарлар каби баъзи баҳодирлар ҳам у кечикдан ўтсинлар, деган ҳукм жорий бўлди.

Аъло ҳазрат дарё соҳилига келиб тушди. Ойнинг иккинчисида шанба куни у жойдан кўчиб, Ганг дарёси лаби тепасида жойлашган Туғлуқпур томонига юзланди. Йўл асносида Ганг дарёси этагида жуда кўп ҳиндулар жамъ бўлиб турибдилар, деган хабар етди. Ҳумоюн фармонга биноан Али Султон тавочи, Мубашшир баҳодир ва бошқа қўшин амирлари каби туман амирлари ва тавочилар беш минг отлиқ билан у томонга жўнадилар. Аъло ҳазратнинг ўзи эса барқарор Туғлуқпур томон юраберди. Йўл устида олам аҳволи сиҳатлиги унинг сиҳатлиги билан боғлиқ бўлган бузурговор зотга малолат етишиб, шариф мизожида қандайдир ўзгариш пайдо бўлди: муборак билакда озгина шиш зоҳир бўлди.

Шу пайтда габрлардан катта бир халқ қирқ саккиз кемага ўлтириб, дарё юзида келаётирлар, деган хабарни етказдилар. Аъло ҳазрат дарҳол хос бандалардан иборат бир жамоа билан дарё томон юзланди. Амир Соҳибқирон ҳазратнинг жиҳод шарафига камоли муҳаббати туфайли мизожда пайдо бўлган малолат кўтарилиб кетди ва ундан ҳеч бир асар қолмади. Дарё қирғоғига, дин душманлари муқобилига келгач, аскарлардан баъзиси наҳанг янглиғ ўзини сувга ташлаб, балиқдек сузиб бориб, жанг мардларига юзландилар, баъзилари сувнинг этак томонини тўсдилар, бошқалари дарё қирғоғида туриб жанг ўтини ёқдилар, душман устига ўқ ёғдирдилар. Габрлар ҳам рўбарўда туриб, шу зайлда қаршилик кўрсатдилар. Аъло ҳазратнинг бандалари кемаларнинг кўпини тутиб, уларда ўтирган габрларнинг аксарини ҳалок қилдилар, уларнинг хотин-болаларини асир олдилар. Душманларнинг қолдиқлари ўн кемани бир-бирига матаб, бир-бирларига мувофиқ орқа таянч бўлиб, жанг бошладилар. Икки томондан ҳам дарё тўлкинидек бир-бирларига ташландилар, Худойи таолонинг қўллови билан уларнинг ҳаммасини ўқ захми ва қилич зарби билан ҳалок қилдилар. Давлат шамоли Ислом аскарлари томонидан эса бошлади.

LXVII. ГАБРЛАР ЖАМОАСИ БИЛАН БИР КУНДА СОДИР БЎЛГАН УЧ ҒАЗОТ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон Ганг дарёсида кемадаги габрлар жангидан фориг бўлгач, шу соатдаёқ дарё қирғоғидан кўчиб, иқбол яловини Туғлуқпур мавзеи томонига қарат-

ди ва у ерга келиб қўнди. Шу манзилда ойнанинг учинчиси (1399 йил 11 январ)да якшанба кечаси, ҳали кечадан икки донг (олтидан икки ҳиссаси) қолган пайтда қаровулликка кетган амир Аллоҳдод, Боязид Қовчин ва Олтун Бахшийлар (197) томонидан икки киши келиб арз иззатгоҳига етказдилар: "Улар бир яхши кечик-гузаргоҳ топдилар ва Ганг дарёсидан ўтдилар; дарёнинг у томонида катта бир гуруҳ ва кўп халқ зўр тайёргарлик билан жамъ бўлганлар, уларнинг сардори Муборакхон номли бир малик жангга ҳозир ҳолда турипти". Бу хабарни эшитгач, Аъло ҳазрат шу кечасиёқ саҳар вақтида қўзғалди, ноғораю карнайларни чалдилар, машъалларни ёқиб, қоронғи кечани кундуздек ёритиб юбордилар. Амир Соҳибқирон ҳазрат мингта хос отлиқ билан тонг отмасдан илгари дарёдан ўтди ва бомдод намозини сувнинг у томонида ўқиди. Сипоҳларнинг барчаси ҳар тарафдан етиб келиб, газот ва жиҳод ниятида равона бўлдилар ва душман аскарига яқин етдилар.

Муборакхон пиёда ва отлиқлардан иборат ўн минг киши ҳамда ноғораю байроқлар билан турган эди. Амир Соҳибқироннинг муборак кўнглидан: "ҳинду габрларнинг адади кўп, биз эса озмиз, аскарларимизни маймана ва майсара қилиб атроф-жавонибга юборганмиз, улар гоётда узоқдалар, бу ҳолат тадорики фикру тadbирдан ташқаридир, ёлғиз Тангри таолонинг фазлига таваккал қилишдан бошқа чора йўқ", деган фикрни ўтказиб улгурмаган ҳам эдики, атрофга юборгани беш минг киши ҳозир бўлдилар. Бу маъни гўзал иттифоқотларнинг ғаройибларидан бири эди. Бу илоҳий марҳаматнинг шукру саносини адо қилгач, амир Шоҳ Малик ва амир Аллоҳдод бир минг хос суворийлар билан душман устига от қўйсинлар, деган фармон жорий бўлди. Амир Соҳибқирон ҳазрат озгина отлиқ аскар билан қул (қисм)да турган эди. Жанг маъракасининг муборизлари ҳинд кофирлари устига дарҳол етиб бордилар. Ҳали жанг бошлангунча йўқ эдики, ҳиндуларга хавфу чўчиш ғолиб келиб, ислом аскарлари қўрқинчидан жангтоҳдан юз ўгириб қочиш майдонига юз тутдилар, ҳайрат кучлилигидан узангини жиловдану текисликни чуқурликдан фарқ қилолмадилар. Ғалаба ёр аскарлар уларнинг кетига тушиб, кўпларини қиличдан ўтказдилар. Хотин-болаларини асир қилдилар. Аскарлар беҳадду ҳисоб от ва мол галаларини ўлжа олдилар.

Амир Соҳибқирон ҳазрат бироз вақт ўша манзилга тушиб турган эди, шу ҳолатда "Ганг дарёси қирғоғидаги

Кўпла тоғининг¹ этагида кўп габрлар жамъ бўлганлар", деган хабар келди. (Аъло ҳазрат) у жойдан беш юз отлик аскар билан Кўпла дарасига жўнадилар. Қолган аскарлар ўлжа олиш билан машғул эдилар. У дарага яқин етиб кўрдиларки, дин душманлари жуда кўп экан. Шоҳ Малик ва Али Султон тавочи каби қўшин амирлари аскарнинг озлигига қарамасдан уларнинг устига бостириб бориб, жангга киришдилар, шижоат ва мардоналик намуналарини кўрсатдилар. Охирида ҳиндуларни ҳиндий қилич зарби билан ҳалок этиб, кўп ўлжалар олдилар.

Барча лашкар талон-торожга машғул бўлиб, Аъло ҳазрат билан юз отликдан ортиқ киши йўқ эди. Ногоҳ Малик Шиха исмли бир габр юз отлик ва пиёда билан фидойиларча қилич яланғочлаб, муборак мавкабга ташланди. Амир Соҳибқирон ҳумоюн байроқни у томонга бурди. (198) У габрнинг қорнига ўқ, бошига қилич урдилар ва отдан ағдариб, бўйнига арқон солиб Аъло ҳазрат ҳузурига олиб келдилар. Унинг етиб келиши-ю, жонини жон эгасига топшириши бир пайтда бўлди.

Яна Кўпла дарасида габрлардан катта бир тўда ва кўп халқ жамъ бўлганлар, аммо у йўлда дарахтлари бир-бирига чатишиб кетган тўқайзорлар бор, деган хабарни етказдилар. Шу кун икки навбат габрлар билан ғазот қилишга тўғри келиб, зоти бемисол кўп чарчаганлиги сабабли бир манзилга тушиб ором олиб, ғазотлар заҳматларини роҳат ва осойишталикка бадал қилиш ўрни келган бўлса ҳам, бу хабарни эшитгач, жиҳод ўти шавқининг алангаси муборак қалбда шуъла уриб, дарҳол ўзининг хос кишиларидан бир гуруҳи ва аскарнинг манғлойида бўлган қўшун амирларидан бир нечтаси билан отга миндилар. Йўл қалин тўқайлар орқали ўтиши ва ҳиндулар жуда кўп-у, ғалаба ёр аскарлар жуда озлигини кўрган Амир Соҳибқирон улуғ Тангри таолодан мадад ва ёрдам сўраб турган пайтида "агар шу пайтда фарзандларим Пир Муҳаммад ва Сулаймоншоҳ етиб келса эди, бу бир зўр неъмат бўлардики, унинг шукронасининг ниҳоясига шукр хабарчиси ҳам етолмас эди", деган фикр муборак хотиру нурли раъйдан кечди. Ваҳоланки (ҳазрат Соҳибқирон ўзи) уларни уч кун илгари илғор тариқасида узоқ бир ноҳияга юборган эди. Уларнинг шу ўринда етиб келишидан ҳеч қандай умид йўқ эди, чунки улар Пирузпур рўбарўсида сувдан ўтган эдилар. Улар муборак яловлар сувнинг бу томонига ўтмаса керак, деган тасаввурда эдилар. Шу якшанба кун и намози аср вақтида Амир Соҳибқироннинг

нурли хотири истаганидек у жамоа муборақ мавқабга етиб келдилар. Бу ҳам илоҳий қўллов ва чексиз фазл ёрдамидан бир ҳужжат намудори эди. Улар етиб келгач, биргалашиб габрлар устига бостириб бордилар ва у қавмнинг кўпини ҳалок қилдилар. Амир Соҳибқирон ҳазратнинг хизматкорлари қўлига шунчалар кўп ғанимат тушдики, тасаввур ҳисобчиси ҳам унинг сонун саногини билишдан ожиз эди. Тун бўлгач, тўқай йўллари тор, қўнишга ҳам жой йўқ бўлгани учун бу ишни тугатиш эртаги кунга қолдирилди. Сўнг кўп ғаниматлар билан қайтдилар. Бир кунда уч газот рўй берди, у жанглар машаққатига чидаш билан шарияту миллат равнақ топди ва дину давлат осмонга бош кўтарди.

ЛХVIII. КЎПЛА ДАРАСИДАГИ ГАБРЛАРНИНГ ЙЎҚ ҚИЛИНИШИ ВА УЛАР ТОПИНАДИГАН СИГИР ШАКЛИДАГИ ТОШ БАЁНИДА

Жумоди ул-аввал ойининг (1399 йил 12 январ) душанба куни жаррор лашкар яна ҳаракатга келиб, Кўпла дарасига юзланди, (199) чунки ҳинду габрларининг катта тўдаси у жойда ҳануз ҳаёт бўлиб, уларнинг тасарруфида жуда кўп моллар ва саноксиз чорвалар қолган эди. Тангри таоло уларнинг тамоман йўқ бўлишини истаганлиги учун улар ўзларининг кўплигига ва ғалаба қозонишларига ишониб, ўша жойда тўхтаб туравердилар.

Тонг отгач, Амир Соҳибқирон аскарлари ёсомиший қилиб шу дарага етиб келдилар. Майманда амирзода Пир Муҳаммад баҳодир ва амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир, олдинда баъзи амирлар, манғлойда амир Шоҳ Маликнинг қул (қисми), бошқа бир жамоа амирлар лашкарнинг қалб ва қанот (қисмлари)ни ростлаб жўнадилар, ноғораю карнай овозини осмонга етказдилар. Муваҳҳидлар таҳлил ва такбири мушриклар дилини кўкрагида ларзага келтирди, ғозийлар такбирининг хуруши ваҳший йўлбарснинг ўтини ёрди. Қиёматдан нишон берувчи бу ҳолатни кўргач, габрларда тоб-тоқат қолмади, қўлларини қочиш этагига уриб, тоғларга қараб қочдилар. Аскарлар уларнинг кетига тушиб, сув рангли қиличлари билан қора булутдан қон томиздилар ва ханжар тиғи билан габрлар бошини танидан жудо қилдилар, душман умрининг ниҳолини ҳаёт чаманидан кўпордилар, жуда кўп асбобу амвол ғанимат топдилар. Шу куни қайтиб, Ганг дарёсидан ўтдилар, пешин намозини дарё

қирғоғида ўқиб, у жойдан кўчдилар ва Ганг дарёсининг этагига келиб тушдилар.

Зикр қилинган Кўпла дараси шундай бир тоғнинг этагига жойлашганки, Ганг дарёсининг суви ўша жойдан оқади. У мавзедан қарийб бир фарсах юқорироқда сигир шаклида бир тош бўлиб, дарё суви ўша жойдан чиқади. Ҳинд диёрининг гумроҳлари у тошга сиғинадилар. Чунончи атрофу жавонибдан бир йиллик йўл юриб, дара томон юзланадилар ва у тошга топинадилар.

LXIX. СИВОЛИК ТОҒИ¹ ВОҚЕАСИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон Ганг дарёси этагидаги мавзегга бориб тушгач, маймана ва майсара амирларини ўз жирга ва мақомларига юборди. Сўнг жумоди ул-аввал ойининг бешинчиси (1399 йил 13 январ)да у жойдан кўчиб, ўғруқ томон майл кўргазди ҳамда ўғруқлар ҳазрат Соҳибқирон томон кўчсинлар, деб юртчиларни жўнатди. Жумоди ул-аввал ойининг олтинчисида чаҳоршанба куни бир фарсах йўл юриб қўндилар. Шу жойда Сиволик тоғининг дараларида кўп габрлар ва беҳисоб ҳиндулар жамъ бўлганлар, деган хабар етди. (Амир Соҳибқирон) яна илғор юборишни ирода қилиб, ўғруқдаги ғалаба ёр аскарлар кўчиб, у тоғ томон **(200)** юрсинлар, деган фармон жорий бўлди. Ҳазрат Соҳибқирон Сиволик тоғига бир фарсах етмай нузул қилди. Шу жойда амирзода Ҳалил Султон баҳодир ва амир Шайх Нуриддин баҳодирлар ўғруқдан келдилар.

Амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир ва ўзга амирлар: "Агар Олий ҳазрат лашкаргоҳ томонига қайтсалар ва сув ёқасида монандсиз вужудлари ниҳолига ором бериб нашъу намо бағишласалар, биз бандалари эса у муфсидлар томонига чопқин қилсак тўғри иш бўлур эди", деб арз қилган эдилар, Амир Соҳибқирон уларга шундай подшоҳона жавоб бердики, уни кўз қорачиғи билан кўз оқига ёзилса арзиғуликдир: "Ғазот қилишда бир қанча фойда бордир, аввалан дунёда яхши ном қолдирилади, охираат учун эса ҳисобсиз савобга сазовор бўлинади. Шу билан бирга бунга қўшимча равишда мол ҳосил қилиш ва ғанимат олишдан иборат дунёвий манфаатлар ҳам бордир. Сизлар бу фойдаларни ўзингиз учун назарда тутасиз, мен эса бу саодатга етишишни ўзим учун исташ билан барча лашкарнинг мискинларини назарда тутаман, уларнинг мингани улови йўқ, пиёда қолганлари кўп,

қўл остидаги кишиларнинг ғамини сийиш ва уларнинг осойиши учун ранжу меҳнат тортиш ўз танига роҳатни ихтиёр этишдан кўра яхшироқдир”, дейди.

Майсара лашкарининг амири бўлган амир Жаҳоншоҳ бундан ўн кун илгари сувнинг юқори томонига чопқин қилиш учун кетган эди, у қайтиб келса, биргалашиб кофирларга ғазот қиламиз деган ҳукм содир бўлди. Фармон тақозосига биноан (Амир Жаҳоншоҳ) ҳумоюн даргоҳга юзланиб, жумоди ул-аввал ойининг тўққизинчиси (1399 йил 17 январ)да шанба куни Сиволик тоғига чопқин яшаш билан машғул бўлдилар. Бу дарада бир рой бор эди, номи Беҳруз, у кўп халқни тўплаган ва уларнинг сон-саноксиз кўплигию тоғнинг мустаҳкамлигига мағрур эди. Амир Соҳибқирон ғалаба ёр лашкарни тартибга солишни буюрди: майманадан амирзода Пир Муҳаммад баҳодир, амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир ва амирзода Жаҳоншоҳ баҳодир, майсарадан ва қулнинг манғлой қисмидан амир Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Маликлар кофирларга қарши ғазотга киришдилар. Соҳибқирон ҳазрат эса даранинг даҳанасида ўтириб, ўзининг устувор раъйи билан лашкарга дил қуввати бериб турар эди. Охири осмоний қўллов билан ғалаба ёр аскарлар бошига зафар ҳумоси соя солди, бахтиёрлик офтоби давлат уфқидан балқиди. Душманлар қочдилар ва дўстлар кўп ғанимат топдилар, кўп асир олдилар.

Амир Соҳибқироннинг назари заифлар аҳволини яхши-лашга қаратилганлиги учун ҳар бири уч юз-тўрт юз бош молни ўлжа қилиб олган бақувват кишилардан ўлжанинг бир қисмини олиб, заиф кишиларга бўлиб беришга ҳукм жорий этди. Чунончи аскарнинг ҳар бири: отлиғу пиёда ва катгаю кичик, у ғаниматдан баҳраманд бўлдилар. Якшанба кечаси ҳазрат Амир Соҳибқирон амирзода Пир Муҳаммад баҳодир висоқига келиб тушди. Якшанба куни у манзилдан кўчиб, Бикри ноҳияларидан бири ва Маёпур вилояти² номи билан машҳур бўлган Биҳира мавзисига етдилар. Ойнинг ўн бирида (1399 йил 19 январ) душанба куни у жойдан қўзғалиб бир фарсах йўл юриб бориб, Шақ-и Сорсова мавзисига³ тушдилар. Нусратли аскарлар тасарруфига тушган ғаниматларнинг кўплигидан уларни олиб юриш оҳисталик билан муяссар бўларди. **(201)** Ойнинг ўн иккинчисида сешанба куни у мавзедан кўчиб, Кундуру мавзеига келиб тушдилар ва ором олдилар.

LXX. СИВОЛИК ТОҒИНИНГ ЧАКАЛАКЗОРЛАР БИЛАН ҚОПЛАНГАН БОШҚА БИР ҲУДУДИДАГИ ҒАЗОТ БАЁНИДА

Жумоди ул-аввал ойининг ўн учинчиси (1399 йил 21 январ)да чаҳоршанба куни нусрат шиорли ялов ҳаракатга келиб, Жаун дарёсидан ўтди ва Сиволик тоғининг бошқа бир ҳудудига етди. Шу куни Ратан¹ номли ҳинд ройларидан бири мажуслар, кофирлар ва ҳар тоифадаги ҳиндулардан кўп халқни ўз ялови остига жамъ қилган, атрофу жавонибдан одамлар унга келиб қўшилишиб, баланд тоғлар ва ўтиш қийин бўлган ўрмонлардан ўзларига паноҳ тортиб туриптилар, деган хабарни етказдилар. Дарахтларни кесиб йўл очмасдан у жойга юриш мумкин эмаслигини ҳам билдирдилар.

Амир Соҳибқирон ҳазрат ойнинг ўн тўртинчисида панжшанба куни қўшин амирлари тунда машъаллар ёқиб, аскарларни мунтазам қилиб, равона бўлсинлар, дарахтларни кесиб йўл солсинлар, деб ҳукм қилди. Шу кечаси бир фарсах масофада йўл очиб, у ўрмондан ўтдилар. Ойнинг ўн тўртинчи куни офтоб чиққач, Амир Соҳибқирон икки тоғ — Сиволик ва Кўка² тоғлари ўртасига етган эди. Рой Ратан жанг расму ойинида маймана ва майсараларни тартибга солиб, ўз тобеълари ва аскарлари билан жангга ҳозир турарди. Бироқ узоқдан ғолиб лашкарнинг ҳайбату шукуҳини кўриб, ноғораю карнайларнинг овозини эшитгач, уларнинг вужудлари ларзага тушди, қарши туришга тоқат ва чидамлари қолмай, қочиш йўлини тутдилар. Қўшун амирлари ғазот тигини суғуриб, у бадбахтларни ўтқир ханжар билан хорлик тупроғига ташладилар, лашкар тасарруфига шу миқдорда нафис моллар кирдики, тавсиф имконидан холи эди. Аскарлардан ҳар бири юз-икки юз мол, ўн-йигирма нафар қул олган эдилар.

Буронғорда амирзода Пир Муҳаммад баҳодир ва амирзода Сулаймоншоҳ баҳодирлар бошқа бир дарада ғазот қилиб, кўп ҳиндуларни қиличдан ўтказдилар. Аскарлар қўлига кўп ғаниматлар тушди. Яна қайтиб, бу томонга келиб қўшилдилар. Жувонғорда амирзода Жаҳоншоҳ баҳодир бошқа бир дарага чопқин ясаган эди, ammo унинг лашкари қўлига кифоя қилгудек кўп ғанимат тушмади. Жума кечаси маймана ва майсара аскарларнинг ҳаммаси жаҳонпаноҳ мавкабга жамъ бўлиб, икки тоғ орасига

қўндилар; Ҳинд заминини габрларнинг ифлос вужуди ҳабосатидан тозалаб, унга поклик бағишладилар. (202)

Жумоди ул-аввал ойининг ўн бешида жума куни олий ҳазрат икки тоғ оралигидаги бу дарадан кўчиб, яна Сиволик тоғига келди. У манзилдан Нагаркут вилоятигача³ ўн беш фарсах масофа эди. Бу дарада қалин чангалзорлар шу қадар кўп эдики, поёнига етиб бўлмасди, тоғлар шу қадар мустақкам эдики, тавсифга келмас эди. Амир Жаҳоншоҳ улар билан бирга бўлгани жувонғор лашкари ва Хуросон лашкари ўтган куни озгина ғанимат қўлга туширган эдилар, энди улар бошқалардан илгари ғазотга борсинлар ва чопқин яса синлар, деган буйруқ бўлди. Шу куни Соийн Темур қаровул эди. У султон тушлик қиладиган вақтида ҳумоюн мавкабга келиб: "Габрлар тўдаси ва ҳиндулар ғалаёни ғоятда зўрди", деб арзга етказди. Амир Соҳибқирон ҳазратнинг ўзи тўхтаб туриб, жувонғор лашкари ва Хуросон лашкарини ғазот қилишга ва душманни ғорат этишга юборди. Улар кўп ҳиндуларни қатлга етказдилар ва беҳадду ҳисоб ўлжалар олдилар. Шу куни пешин намози вақтида амир Шайх Нуриддин ва Али Султон тавочи қўшинидан хабар келдики, чап қўл тарафда бир дара бўлиб, у жойда габрлар шу қадар кўп эканларки, ҳеч бир ҳисобчи уларнинг ҳисобига етаолмас экан, уларнинг мол галалари шундай фаровон эканки, сонуну саногига етиб бўлмас экан. Амир Соҳибқирон ҳазрат юриш жоловини у томонга бурди. "Амир Шайх Нуриддин, Али Султон тавочи у гумроҳлар устига от қўйсинлар", деган ҳукм содир бўлди. Олий ҳазратнинг ўзи зафар пайкар яловни тоғ тепасига тикиб, қараб турди. Ғалаба ёр лашкар у водийларни ҳиндулар қони билан гулгун қилдилар, ширк ва куфр маддасини тугатиб, олий ҳазрат ҳузурига келдилар ва кўп сийлашлару тарбиятлардан баҳраманд бўлдилар. Улар шу қадар кўп гала ва молларни ғанимат олдиларки, сонуну санокқа сиғмас эди.

Олий ҳазрат намози шом вақтигача ўша тоғ устида тўхтаб турди. "Ғолиб лашкардан кимда-ким ўлжа олмаган бўлса, уларга ҳам насиба берилсин", деган фармон содир бўлди. Уларнинг ҳар бири эплаб сақлаши мумкин бўлган миқдорда ғанимат олди. У кеча шу дарага тушдилар. Кишваркушолик байроқлари икки тоғ — Сиволик тоғи ва Кўка тоғи орасида тургани ўн бешинчи жумоди ул-аввал (1399 йил 23 январ)дан Жамму ноҳияларига⁴ етиб келингани жумоди ул-охир ойининг ўн олтинчиси (1399 йил 23 феврал)гача бир ой давомида кофирлар, мушрик-

лар, габрлар ва бутпарастрлар жамоалари билан йигирма марта газот қилишга тўғри келди, бунинг шарҳи ёзилса бир неча жилдларни ташкил этади.

Шу ўттиз кун муддатда Ҳинд кишварининг мустаҳкам ва баландликда машҳур қалъаларидан етти қалъа фатҳ этилди. Улар ҳаммаси бир-биридан бир-икки фарсах масофада жойлашган бўлиб, ҳар бир қалъанинг аҳолиси иккинчи қалъа аҳолисига муҳолиф эди. У қалъаларда турувчиларнинг кўпи ўтган султонларнинг вақтида жия тўловчи аҳолидан эдилар. Бу кунларда эса улар ўз қувватларига таяниб жияни тўламай қўйгандилар. Шу сабабдан ўз зиммаларидаги (вазифа)ни ботил қилиб, ўз қонлари ва молларини мубоҳ қилган эдилар. Шундай қилиб улар қатлга сазовор бўлдилар. **(203)** У қалъаларнинг ҳаммаси фатҳ этилиб, мусаххар қилинди. Жумладан, улардан бири Малик Шиха Кўкар⁵ қариндошлари (қўлида бўлган) Шиху қалъаси. Бу жойдаги габрлар ўз ораларидаги бир жамоа мусулмонлар туфайли итоат ва мутобаат йўлига юриб, бандалик ҳалқасини гарданларига солдилар ва фармон чизигига бош қўйдилар. Лекин уларнинг ҳали нифоқда эканликларига далиллар кўриниб турарди. Уларга амон молини тўлаш юклатилганида қаршилик кўрсатишлари идрокли кишилар учун зоҳир эди. Ишнинг боришига ақл назари билан қаровчи сadoқатли бандалардан бири тўғри фикр юритиб бир тадбир ўйлади-да, уларнинг қўлларидан қурол-аслаҳаларини олди: ҳар қандай турдаги қурол бўлса амон моли бадалига олиб келиб топширсинлар, деб буюрди. Шунда улардан арзимаган бир жанг тўни, эътибордан қолган эски бир камонни катта баҳода сотиб олдилар. Буни кўргач, улар ҳамма қурол-аслаҳаларини олиб чиқиб сотдилар. Шу яхши тадбир билан уларнинг қўлида ҳеч қандай қурол-аслаҳа қолмади.

Шундан сўнг улуғ даргоҳ бандаларидан бўлган Ҳиндушоҳ хозиннинг ходимлари ихтиёрига габрлардан қирқ киши келсин, деган жаҳон итоат этувчи фармон содир бўлди. Бу ҳукм маълум бўлиши билан итоат йўлидан қайтиб, ёғий бўлдилар, мусулмонларни қатл қилдилар. Ночор ислом аскарининг ҳиммати зиммасига уларнинг жазосини бериш лозим ва вожиб бўлди. Натижада жанг бошланди, қалъани очдилар, габрлардан икки мингини қаҳру ғазаб тиғи билан бошини танидан жудо қилдилар. Уларнинг хонадонлари дудини чиқардилар.

У қалъалар жумласидан яна бири Малик Деврож қалъаси эди, бундан бошқа беш қалъа ҳам халос қилинди. У ноҳиялар барчаси мушрикларнинг палид вужудидан пок бўлди. Бу номдор фатҳларнинг овозаси ислом иқлимларида тарқалди ва бу олий ҳазратнинг динпарварлик ва адолатгустарлик овозаси жаҳон чеккаларигача зоҳир бўлди.

LXXI. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ЖАММУ НОҲИАЛАРИДА ТЎХТАБ ТУРГАНЛИГИ БАЁНИДА

Жумоди ул-охирнинг ўн олтинчиси (1399 йил 23 феврал)да якшанба куни Маснор мавзеидан кўчиб, Жамму ноҳияларидан бўлган Бойла қалъаси муқобилига келиб тушдилар. Шу куни жаҳон амирзодаси Халил Султон баҳодир туманидан Исмоил Барлос, Шайх Муҳаммад, Ику Темур ва Мубашширлар Бойлага келдилар. У қишлоқнинг одамлари диловар кишилар бўлиб, қалин ўрмонлари бор эди, улар ўрмон чеккасида чапарлардан истеҳком қилиб, жанг бошладилар. Ислом лашкари баҳодирлари у кофирларга ҳамла қилмоқчи бўлиб турганларида, эртага ислом шиор ялов ҳаракатга келгунича жангни тўхтатиб турсинлар, деган жаҳон бўйсунувчи фармон содир бўлди.

Ойнинг ўн еттинчисида душанба куни Амир Соҳибқирон отланиб ислом лашкари сафларини ораста қилдирди. (204) Лашкарнинг қалб, қанот қисмларини тузаб, маймана ва майсараларни тартибга солдилар. Кофирлар ноғора, карнайлар садоси тантанасини эшитиб, жаррор лашкарнинг ҳайбатини кўргач, сабот оёқлари ўрнидан силжиб, қишлоқни қолдирдилар ва чангалзорларга қочдилар. Саф безатувчи муборизлар ва жанговар ботирлар чапарларини тутиб, қора қилмишли ҳиндулар муқобилида турдилар, лашкар аҳли қишлоққа кириб кўп миқдорда озиқ-овқат қўлга киритди. Шу куни йўлга тушиб бир фарсах юргач, қўниш яловини тикладилар.

Кашмир волиysi Шоҳ Искандар номига битилган ҳукмларни олиб Деҳлидан Кашмирга кетган элчилар ўша куни шу манзилда муборак ўрдуга етиб келдилар. Элчилар — амирзода Рустамнинг одами Улжой Темур тунқатор ва ишончли кишилардан Зайниддин арз қилиб: "Шоҳ Искандар қуллик ихромини боғлаб, олий ҳазрат

ҳузурига юзланиб, Жаҳон деган мавзегга келган эди, бу ерда унинг (илгарироқ аъло девонга) юборган элчиси мавлоно Нуриддин қайтиб келиб, унга аъло девоннинг амирлари "агар Шоҳ Искандар палос ўпиш шарафига етишмоқчи бўлса пешкаш тарзида ўттиз минг от келтирсин", деб муқаррар қилганликларини айтди. Шунга биноан Шоҳ Искандар бу молларни йиғиб келиш учун Кашмирга қайтиб кетди", дедилар. Бу хабар олий қулоқларга етишганида (Амир Соҳибқирон) уни маъқул топмади. (Девон амирларидан) суриштириб билиб: "Шоҳ Искандардан унинг вилоятининг имконияти ва кенглигидан ортиқ нарсани сўраптилар, ҳар кимдан унинг имконига сиғадиган миқдорда талаб қилиш керак", деди.

Элчилар Шоҳ Искандарнинг сидқи дилдан хизматга тайёрлигини ва хайрхоҳлигини арз иззатгоҳига етказдилар ва унинг хизматкорлик ва қулликда собитқадам эканлигини айтдилар. Шунга биноан иноят ва марҳамат юзасидан фармон бўлдики, бирор бир нарса олиш учун тўхталмай, тезликда етиб келсин. Ойнинг ўн саккизида сешанба куни Шоҳ Искандарнинг элчиларини ва Зайниддинни Кашмир томон жўнатдилар, шу кундан бошлаб йигирма саккиз кун ўтгач Синд суви лабига етиб келсинлар, деб қарор қилинди.

Бу манзилда тоғ этагида бир қишлоқ бўлиб, унда жуда кўп халқ яшарди. Ғалаба ёр лашкар шу қишлоққа от қўйдилар. Ҳиндулар хонумонларидан қўл ювиб, ўз қўллари билан қишлоққа ўт қўйдилар. Аскарлар у қишлоқдан ғоятда кўп озиқ-овқат ва алуфа қўлга киритдилар. Яна бу қишлоққа яқин икки қишлоқ бор эди, шу куни пешин намози вақтида уларга чопқин ясаб, кўп ғалла ва озиқ-овқатлар олиб чиқдилар. У тоққа паноҳ тортиб чиққан ҳиндулар ёмонларнинг саромади ва муфсидларнинг бошлиқлари эдилар, шу йўлда хос қуллардан бўлган Ойтемурга ўқ отдилар.

Ойнинг ўн тўққизинчисида чаҳоршанба куни у манзилдан кўчиб, Жамму қасабаси муқобилига келиб тушдилар. Бу манзилда тўрт фарсанг йўл бир-бирига туташган экинзорлар эди, ғалаба ёр лашкар чорполари учун ем осонлик билан ҳосил бўларди. У сабзозорлар ва майсазорларда уловларни ўтлатдилар. (205) Ойнинг йигирманчиси панжшанба куни габрлар устига чопқин яшаш учун ирода жиловини Жамму қасабаси томон бурдилар. Жамму дарёсининг манбаи бўлган дарага кирдилар. Ғалаба ёр аскарлар у сувдан бир неча навбат ўтдилар. Тоғ этагида чап қўлда Жамму қаса-

баси, ўнг қўлда эса Ману қаряси² бор эди. Баҳайбат кўринишли ва шижоатли ҳиндулар шу икки мавзеда эдилар. Улар хотин-болаларини тоққа чиқариб юбориб, ўзлари жангу жадал мақомида турдилар. Олий фармонга биноан қишлоққа чопқин ясадилар, талон-торож қилдилар ва қайтиш вақтида аскарлар озиқ-овқат ва ем-хашак олиш учун Жамму қасабасига кирдилар. Ману қаряси томонидан уларнинг ройи отта миниб, бир жамоа атоқли паҳлавонлари ва ҳинду кофирлари билан карнай чалиб, наъра тортиб фарёд кўтардилар ва тоғ тепасига чиқиб, тоғнинг мустаҳкамлигига мағрур бўлиб, ўқ ота бошладилар. Чангалзорлари ғоятда қалин, турган жойлари ўта мустаҳкам эди. Шу даражадаки, у жойга кириш кўринишга яқин-у, имкондан йироқ эди. Амир Соҳибқироннинг зафар жаҳоннамоси бўлмиш олий раъйи уларни яхши тадбир билан фатҳ домига илинтиришни маслаҳатдан деб топди. Бир қанча ботир қўшунларни чангалзорнинг бир камингоҳига қўйиб, илгари жўнади. Ойнинг йигирма бирида жума куни Жамму сувидан ўтиб, Жинова суви³ мазраа — экинзорига келиб тушди. Бу мавзеда ҳар томони тўрт фарсахдан бўлган бир кўкаламзор ўтлоқ ва экинзор бор эди. Кофирлар жамоаси билан Жамму ва Ману дарасида газот қилишга тўғри келмаганлиги сабабли хотири шариф шу ҳолатга мойил-у, равшан замир шу воқеага мунтазир бўлиб турарди. Олий ҳазрат у жойдан кўчганидан кейин ҳиндулар чангалзорлардан чиқдилар. Амир Шайх Нуриддиннинг туманидан бўлиб, Давлат Темур ва Ҳусайн Малик Қовчин бошчилик қилаётган камингоҳдаги бир неча қўшун Жамму ройини бошқа эллик нафар габр билан қўлга олиб, ҳазрат Соҳибқиронга келтирдилар. Амир Соҳибқирон Тангри таоло нёъматларига шукроналар адо этиб, габрлар устидан ғалаба қозониб, зафар топганлиги учун ҳамду сано тақдими бажо келтиргандан кейин ҳукм содир бўлди: уларнинг гарданларига гул ва занжир солиб банд этдилар. Жамму ройини ярадор қилган эдилар, мол ҳосил қилиш мақсадида уни даволадилар. Бир қанча тарғиб ва умидлардан, кўрқитишлардан кейин у иймонга кириш иззатини топди ҳамда сийлову навозишлар билан сарбаланд бўлди.

Ойнинг йигирма учинчиси (1399 йил 2 март)да якпанба куни Лиҳовар вилоятига кетган аскарлар етиб келиб, ўрдуга қўшилсинлар учун шу манзилда тўхтаб турдилар. Шу куни у томонга кетган амирзодалар ва амирлар Лиҳовар шаҳрини фатҳ қилиб, (ҳозир) амон молини йиғаетган эканлар, деган хабар етди. Шиха

Кўкарни ҳам кейинги қилмиши аввалгиларига мувофиқ келмаганлиги учун тутдилар. Унинг ички ҳабосати ва қалбининг дағаллиги зоҳир бўлиб, маломат ва уқубатга лойиқ бўлди. Бунга бир неча сабаблар бор эди. Биринчиси шулки, олий ҳазрат хусравона фаросат назари билан қараб, унинг аҳволи саҳифасида нифоқ аломатларини сезди ва феъл-атворию сўзларида мухолифат асарларини аниқ кўрди. (206) Иккинчи сабаб шулки, Жаун суви ва Ганг суви ўртасида (турган вақтда) ўз вилоятига бориб туҳфалар ҳозирлаб, Лиҳовар суви деб ҳам атайдиганлари Биёҳ суви лабида олий ҳазратга келиб қўшилмоқчи бўлиб, ижозат сўради. У ўз вилоятига боргач, айшу ишрат мажлисини ораста қилиб, жисмоний лаззатлар билан ўзини қондиришга машғул бўлди, берган ваъдаларини унутиб, ўз сўзига вафо қилмади. Ваҳоланки олий ҳазрат унга тавсифдан ортиқ илтифотлар кўрсатиб, риоя қилган ва хорлик чуқурлигидан баланд даражаларга кўтарган, ҳатто Ҳиндистон ҳудудида кимда-ким бўлсин, Шиха Кўкар тобеълариданман дегудек бўлса, уни талон-торож қилмаган ва асир ҳам олмаган эди. Шунчалик лутфу марҳаматлар эвазига у ўз ваъдасига хилоф тарзда ниятининг бузуқлигини изҳор этди, бу феъли бадлари далолати билан азобга мустаҳиқ бўлди (байт):

Ёмонлик жазосин кўрарсан ўзинг
Эмасдир замона кўзи уйқуда.

Сўзнинг қисқаси, ойнинг йигирма тўртинчисида душанба куни Жинова сувидан ўтиб, тушдилар. Ойнинг йигирма бешинчисида сешанба куни кўп одамлар сувга ғарқ бўлдилар. Амир Соҳибқироннинг инояти ва марҳамати охири ҳорғинларга дастгир бўлиб, ўзига тегишли хос от ва хачирларни кейинда қолганларга бердилар, уларни отларга миндириб саломат сувдан ўтказдилар.

Шу куни Ҳиндушоҳ Хозинни Самарқанд дорулмулки томонга жўнатдилар, токи у зафарпайкар яловнинг этиб келишини давлатхоҳлар қулоғига етказгай. Ойнинг йигирма тўртинчисида душанба куни амирзода Амироншоҳ баҳодирнинг навкарлари Табриз ва Ироқдан келиб, у диёрлардаги маҳдумзодалар ва улуг амирларнинг саломатлик хабарларини келтирдилар. Бағдод, Миср, Шом, Рум, Дашти Қипчоқ ва Аланжиқ қалъаси аҳволини иззат арзгоҳига етказдилар. Эртаси куни жаҳон амирзодаси Пир

Муҳаммад баҳодирнинг навқари Форс мулкидан келиб, у адолат жўйборида ўсган сарвнинг шариф мизожи саломатлиги ҳақида хушxabар етказди, мамлакатдаги вазият ва ишлар жараёни хоҳишга мувофиқ кетаётганлигидан хабар берди, Миср ва Шомдан юборганлари мисрий қиличлар ва ўзга туҳфаларни тақдим этди.

Ойнинг йигирма олтинчисида чоршанба куни Жинова суви қирғоғидан кўчиб, биёбонга бориб тушдилар. Ҳам шу куни Табриздан келган элчини дорулмулк Самарқандга юбордилар, токи у муборак қадамлар кетма-кет иззату улуғлик қароргоҳига етишидан башорат бергай ва парвардигорнинг иноят назарига манзур бўлмиш комкор фарзандлар истиқболга чиқгайлар. Ва ҳам шул куни оламга оро берувчи раъй нусратли аскарлардан илгарироқ Дандана дарёсидан ўтишга қарор қилди. Ойнинг йигирма еттинчисида панжшанба куни чангалзор чеккасида бир тепалик устида ҳазрат Соҳибқироннинг тахтиравонини қарши олдилар. Шу куни ана шу ўтлоқда бир шер пайдо бўлди. (207) Ов йиқитувчи баҳодирлар ва шер овловчи ботирлар у шер устига от қўйдилар. Амир Шайх Нуриддин ҳаммадан далирроқ ҳаракат қилиб, мардона бир ҳамлада у шерни йиқитди.

Шу миёнада амирзода Пир Муҳаммад баҳодир, амирзода Рустам баҳодир, амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир ва амир Жаҳоншоҳ баҳодирлар Лиҳовардан қутлуғ лашкаргоҳга етиб келдилар. Улар газоту жиҳодга қадам қўйиб, габр ҳиндуларнинг бошини танидан жудо қилиб, жуда кўп ғаниматлар ҳосил қилган эдилар, у ғаниматларни тўққиз-тўққиз расми бўйича тортиқ қилдилар. Ҳазрат Соҳибқирон ҳам шу онда ҳар бир баҳодирга суюрғол берди. Шу соатда унинг муборак назари Муҳаммад Озод номли (қўшун) бошлиқларидан бирига тушди. Жанг пайтида ундан содир бўлган мардоналикни кўрганлиги сабабли уни сийлаб, инояту марҳаматлар кўргазди, хос жома ва олтин боғичли хос тиркаш совға қилди, токи жаҳон аҳли билсинки, бу Соҳибқирон учун қилинган андак ҳаракат ҳам зое кетмагай.

Яна шу куни буронғор, жувонғор амирлари ва ўзга қўшунлар амирлари ҳар бирлари тайинланган йўл билан Самарқанд дорулмулкига юзлансинлар, деган ҳукм жорий бўлди. Маҳдумзодалар ва улуғ амирлар, туман ва қўшун амирлари ҳар бирлари ўз қадр ва мартабалари андозасига яраша қимматбаҳо жомалар ва хос тожлар билан тақдир-

ланиб, сарафроз бўлдилар. Иккинчи куни шу сахро ва сабззорларда шикор қилишни истаб, ғалаба ёр лашкарнинг чавандозлари шу қадар кўп ов овладиларки, ҳисобчилар унинг саноғига етишдан ожиз қолдилар.

Ойнинг йигирма саккизинчисида жума куни шикордан фориғ бўлгач, Кашмир сарҳадида жойлашган Жабҳон деб атаганлари бир мавзедаги экинзорга келиб тушдилар ва ойнинг йигирма тўққизида шанба кечаси у жойдан кўчиб, Дандана дарёси қирғоғига етдилар, шу куниёқ кўприкдан ўтдилар. У кўприкдан ўтишда лашкарнинг турку тожик дарвишларини қўллаб ёрдам қилдилар. Амир Шоҳ Малик ва Жалолул Исломга улар ҳамма аскарни кўприкдан ўтказсинлар, деб буюрилди. Ойнинг охирида, якшанба кунининг тонгида олий ҳазрат илғор қилиб, Жуд тоғига тобё Сонбит⁵ деган мавзегга келиб тушди, ражаб ойининг аввали (1399 йил 9 март)да эса у жойдан кўчиб, Чўли Жалолийга кирдилар, шом намози вақтида у хунхор чўлдан чиқдилар. Ойнинг иккинчисида сешанба куни чошгоҳ пайтида жаҳонгушой мавкаб бахту ғалабага ҳамжилов бўлиб Синд дарёси лабига етди. Нағз қальасида қолдирилган бир жамоа амирлар, Пир Али ва ўзга қўшун амирлари Синд дарёси устига ғоятда мустақкам бир кўприк қурган эдилар. Шу куни у сувдан ўтиб, то кун ярмигача сув лабидга тўхтаб турдилар, голиб аскарларни ўтказсин учун амир Аллоҳодни кўприк бошига қўйдилар, сўнг пешин намози вақтида кўчиб, уч фарсах чамаси йўл юриб, қўндилар.

Бундан илгари айтиб ўтилганидек афғонларни даф қилиш учун Нағзда турган ва етти ой муддатдан буён жаноб ҳазратга мулозамат қилиш шарафини топмаган амирлар **(208)** бу мақомда тупроқ ўпишга етишиб, тўққиз от, бир минг бош қорамол тортиқ қилдилар. Жаноби ҳазрат отларни ўша баҳодирларнинг ўзига бағишлади, у қорамолларни эса кимдан талон-торож билан олинган бўлса, ўз эгаларига қайтарилсин, деган фармон жорий бўлди. Яна Пир Али ва бошқа амирлар то тамоми лашкар у ҳудуддан ўтиб бўлгунича у жойда тўхтаб турсинлар, деган ҳукм содир бўлди. Ойнинг тўртинчисида панжшанба куни Нағз томон равона бўлдилар. Ойнинг бешинчисида жума куни тонг чоғида Нағз қальасига етдилар.

Шу куни амирзода Амироншоҳ баҳодир навкарини жўнатдилар, токи у бориб фатҳ хабарию зафар муждасини

Озарбайжон элларига стказгай. Маҳмуд Баротхожа ва Ҳиндушоҳ Хозинни Кобулга юбордилар, токи у Кобул аскарларини лашкаргоҳга ҳозир қилгай. Бу ишдан икки маслаҳат кўзда тутилган эди: бири ов овлаш, иккинчиси мусулмонлар бошидан қолган афғонлар шаррини дафъ қилиш эди. Шу сабабдан Нағз қальаси ҳудудида тўхтаб турдилар. Фарзандлар дийдорини кўриш иштиёқи аъло даражаю юқори мартабага етган бўлишига қарамай, Худо йўлидаги иш ва илоҳий амрни ўз дил хоҳиши ва нафс орзусидан ортиқ кўрди. Ойнинг бешинчиси шанба, сўнг якшанба ҳам душанба куни то намози асргача Нағз қальасини тиклаш билан машғул бўлдилар. Жаҳон итоат этувчи ҳукмга биноан бошқалар бир ёқда турсин, ҳамма амирлару шариф кишилар ўз қўллари билан мусулмонлар хайрияти учун қаратилган у қальани тиклашга саъю ҳаракат қилдилар. Душанба куни аср намози вақтида Шайх Муборакшоҳ гунбази томонига бориб тушдилар. Ойнинг саккизинчисида сешанба куни у жойдан кўчиб, Кирмош йўлига тушиб жўнадилар.

Шу дарада Шайх Аҳмадхожа Афғон аъло ҳазрат билан мулоқот қилиш бахтига мушарраф бўлди. Гарчанд у улуг киши эди, аммо бу ўринда ундан етадиган ботиний фойда билан бир қаторда зоҳирий фойдаларидан ҳам бирор нафъ бўлиши, унинг кенг палосию очиқ дастурхонидан баҳра олиш кўзда тутилган эди. Аммо шайх ёмғирсиз булут-у, қовурмасиз ялпиздек дастурхону нон ўрнига гапу сўз билан кифояланди. Ширалик-нам сўзи билан бир қаторда қуруқ нонни ўртага қўймади. Бу маъни Амир Соҳибқирон хотирига мувофиқ келмади ва унинг ихлоси сусайишига сабаб бўлди. Чунки шайхлик нон тортиш ва дастурхон ёзишдан иборатдир. Гарчи руҳоний озиқ муътабардир, аммо қалб ҳузури, ҳислар ҳаловати учун жисмоний озиқ кўпроқ лойиқдир.

Шу куни намози дигар вақтида Асико мавзеидаги Шайх Абдулнинг уйи Амир Соҳибқироннинг муборак қадамлари билан жаннат саҳнидан бир намуна бўлди. Шайх Абдул хизмат вазифасини бажо келтирди. Ойнинг тўққизинчисида чаҳоршанба куни у жойдан кўзғалиб, Бадхобдон даҳанаси томонига келиб тушдилар. Шу куни мавлоно Нъматни жаҳон амирзодаси (Шоҳрух) олдига (Ҳиротга) юбордилар, токи у жаҳонгушой яловнинг етиб келаётганлиги башоратини мухлислар қулоғига стказгай.

Ойнинг ўнида панжшанба куни тонг отар вақтида Кобулга келиб тушдилар. Кеч кирганда Бодон деганлари Жўйи Нав даҳанасига келдилар. Бу Бодон эса катта бир наҳрдирки,

уни Амир Соҳибқирон ҳазрат ҳимматининг бинокори қазиган. (209) Бу каби бир наҳрни чиқаришга ўтган султонларнинг қудрати келмаган. Жума куни у жойдан қўзғалиб, намози дигар вақтида Ғурбанд мавзеси⁶ келиб тушдилар. Ойнинг ўн иккисидан шанба куни Ҳармис довони⁷ этагида бўлдилар. У жойдан кўчиб довондан ўтдилар.

Шу куни замонанинг кўзи тегиб, олий ҳазратнинг муборак қўлларига бод келиб, ғоятда қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Чунончи шарафли мизож оғриқ қаттиқлигидан отга миниш ранжини ҳам кўтаролмади, от жиловини муборак қўлларда тутишга ҳам тоқати қолмади. Шу сабабдан малолат ғубори пок хотир этагига қўнди. Нурли замир эса маҳдумзодалар томон ниҳоятда мойил бўлиб турарди. Ҳозиргача уларнинг саломатлиги хабари Самарқанддан келмаган эди. Шу сабабдан ҳаёт йўли қоронғиликка айланди, у малолат каттаю кичикка таъсир кўрсатди. Ҳумоюн зотнинг истироҳати учун маҳаффа—тахтиравон тайёрладилар. Шуниси таажжубки, шу бетоблик пайдо бўлган ва замона у ерда нохушлик бунёд этган манзилни Нохушак деб атардилар.

Кечки пайт Қуббат ул-ислом Ҳиротдан маҳдумзода Шоҳрух баҳодирнинг навқари келиб, мувофиқ хабарларни олий қулоқларга етказди. (Олий ҳазратнинг) муборак қўлидаги оғриқ таскин топгунча, икки кечани у мавзеда ўтказдилар. Хос бандалар бир мослама ясаб, бир олам жо бўлган олий маҳмилни гарданларида олиб юрдилар, чунки у жой ниҳоятда тор⁸ ва тахтиравонда юриш қийин эди. Ойнинг ўн учинчисидан душанба куни у мосламани довондан ўтказдилар.

Шу мавзеда маҳди аъло сайида Сарой Мулк хонимнинг навқарлари ва ўзга оғолару маҳдумзодалар Самарқанд до-рулмулкидан етиб келиб, дилларни хушнуд этгувчи хабарларни етказдилар. Аммо ҳумоюн мизож бетоблиги сабабидан бандалару чоқарлар кайфияти хира эди. Амирлар ва давлат арбоблари садақалар беришу хайр-эҳсонлар қилиш билан нажот истадилар, уламо ва солиҳ бандалар у дарднинг кўтарилиши учун саҳар пайтлари дуога қўл кўтардилар. Охири қудсий нафаслар баракоти билан саломатлик субҳи офият машриқидан тулуъ қилди, пок дуолар баракотидан давлат офтоби тугилишдан халос топиб, <Аллоҳ бандасига меҳрибондир>⁹ деган оят жомидан шифо шарбатини ичди, (олий ҳазрат) илоҳий марҳаматлар хазинасидан соғломлик

либосини кийди, улуғлик эгаси бўлмиш Тангри таолога шукр маросимини бажо келтирди.

Шундан сўнг тез-тез кўчишиб, иззат ва улуғлик қароргоҳи томонига юзландилар. Ойнинг ўртасида чаҳоршанба куни Сароб мавзеи¹⁰ дан қўзғалиб, Бақлон томонига жўнадилар. Панжшанба куни у жойдан отга миниб, Қаробулоқ мавзеига келиб тушдилар. Амирзода Пир Муҳаммад баҳодир ва амирзода Жаҳоншоҳ баҳодирнинг хотинлари, Бақлон вилоятининг амирлари ва раиятлари тортиқларни арзга етказдилар. Ойнинг ўн тўққизинчисида жума куни чоштвоҳ вақтида жаҳон паноҳида бўлган ялов Самангон мавзеига¹¹ етди ва шу куни у жойдан кўчиб, Ғазник мавзеига¹² келиб тўхтади. Ойнинг йигирмасида шанба куни **(210)** Хулм мавзеига етдилар ва кун ярмида у ердан кўчиб, Термиз суви лабига келиб, сувдан ўтдилар.

Шу жойда маҳдумзода Улуғбек, хонимлар ва маҳдумзодалар, аёну ашрофлар аъло ҳазрат мулоқотига етишга мушарраф бўлдилар. Якшанба, душанба кунларида Термизда бўлдилар. Душанба куни жаҳон худовандзодаси¹³ ўз олий қадрига муносиб ва баланд ҳимматга лойиқ тўй берди, лойиқ пешкашларни арз иззатгоҳига етказди, Ойнинг йигирма учида сешанба куни Термиздан Жаҳоншоҳ қишлоғига кўчдилар. Ойнинг йигирма тўртинчисида чаҳоршанба куни Туркий гармоба мавзеига келиб тушдилар. Ойнинг йигирма бешинчисида панжшанба куни ҳумоюн яловлар Билоди Ингичка ерига келди. Ойнинг йигирма олтинчиси ва жума куни Якралик мавзеи муборак қадамларга мушарраф бўлди. Ойнинг йигирма еттинчисида шанба куни Қўзи Мандоқ мавзеи зафар ҳайъатли яловнинг маркази бўлди. Якшанба куни Дурбаржин мавзеига келдилар. Бу юртда амирзода Шоҳрух баҳодир палос ўпиш шарафига етишди. Амирзода Умар баҳодир ҳам шу давлатга етишиб сарафроз бўлди. Шундайки, (Амир Соҳибқироннинг) муборак зоти Самарқанд дорулмулкидан қўзғалган вақтида амирзода Умар баҳодирни салтанат тахтгоҳи ва мамлакат марказида қолдириб, у ернинг ишларини унинг уҳдасига топширган эди. У эса мамлакатдорлик шарти ижобича меҳрибонлик эшигини раият юзига очиб, инсоф ва адолати билан барчанинг додига етди. Аъло ҳазрат олдида (унинг ишлари) қабул мавқеини топиб, таҳсинга сазовор бўлди, каттаю кичик ундан хурсандлик изҳор қилдилар. (Байт):

Адолат қил, зеро дил вилоятида
Пайгамбарлик эшигин қоқади одил.

Шаббон ойининг аввали (1399 йил 8 апрел)да сешанба куни қутлуғ Кеш шаҳари ҳумоюн яловлар келиб қўниши билан олий беҳиштдан бир кўриниш бўлди. Ўн беш кун муддатни у ердаги саройда роҳату осойишталикда ўтказдилар: фалакнинг асов оти ром, ишларнинг кетиши мақсадга мувофиқ, фалакнинг сайри ҳукмга тобеъ, замона чокару рўзгор гулом эди.

Ойнинг ўн бешида сешанба куни у жойдан жўнаб, Рудак суви қирғоғида салтанат паноҳининг саропардасини ою кун авжига етказиб тортдилар. Ойнинг ўн олтинчисида чаҳоршанба куни Чинор работ мавзеига тушдилар. Ойнинг ўн еттинчисида панжшанба куни Кеш довонидан ўтдилар ва Қутлуғ Юрт мавзеига тушдилар. Ойнинг ўн саккизида жума куни у жойдан Тахти Қарочага¹⁴ келдилар. Ойнинг ўн тўққизида шанба куни Жаҳоннамоё¹⁵ кўшки ва боғига келиб тушдилар. Ойнинг йигирмасида якшанба куни Давлатобод боғи¹⁶ муборак ялов келиб қўнишидан шараф топди. Ойнинг йигирма биринчисида душанба куни ҳушдил, давлат асбоблари муҳайё бўлган ҳолда Дилкушо¹⁷ кўшига келдилар. Барча хотинлар, фарзандлар ва улуғ амирлар ҳозир бўлдилар. У бахт юлдузларининг давлат буржида жамъ бўлиши жаҳон аҳлига амну амонликдан кафолат берар ва олам аҳлини фароғат ва хотиржамликка чақирар эди. Маҳдумзодалар, амирлар ва оғолар шу қадар кўп олтин нисор қилдиларки, мулозимлар олтинни этақларига йиғдилар, уларнинг ҳар бирига **(211)** тавочилар орқали кўп маблағ етишди.

Ойнинг йигирма иккисида сешанба куни фалак иқтидорли ялов баданга руҳ, танга жон киргандек, Самарқандга кирди. (Байт):

Тақдир бериб келаётган ваъдасига вафо қилди,
Замона хоҳлаб турган иш рўёбга чиқди.

(Амир Соҳибқирон) муборак ва бахтли бир толей билан иззату комронлик қароргоҳида ўрнашгач, айшу ишрат ва шодмонлик мажлисини қуришга рағбат қилди. Шодлик косасини ичишдан замона юзи порлаб кетди, комронлик машъалининг ёниши билан ғам хирмони куйиб битди. (Шеър):

Фалак биздан кам қилган ҳар бир шодлик қазосини
Замона бир карашма билан тўлдириб берди.

Ундан сўнг (Аъло ҳазрат) шаҳзода Қусам Ибн ул-Аб-бос¹⁸,— Аллоҳ ундан рози бўлсин,— зиёратига бориб, унинг пок руҳидан мадад сўради, у жойдан қайтиб, ўз асрининг Робиаси ва ўз даврининг Зубайдаси бўлмиш опаси Тумон ого хонақоҳига келди. Пешин намозидан кейин Боғи чинор¹⁹ ва Нақши жаҳонга²⁰ тушди: жаҳонгушой ялов музаффар ва ғолиб, олий ҳазрат мулозимлари шоду хуррам, мамлакат обод ва маъмур, саъю ҳаракатлар қониқарли ва мақтовли.

ЛХХІІ. ОЛИЙ ҲАЗРАТНИНГ САМАРҚАНД ДОРУЛМУЛКИДА БИНО ҚИЛГАН ЖОМЕЪ МАСЖИДИ БАЁНИДА

Барча айблардан холи улуғ Тангри илоҳий калом ва осмоний фармон бўлмиш Қуръони мажидда: <Аллоҳга сажда қилинадиган ерларни Аллоҳга ва охират кунига ишонган кишигина қурсин>¹, деб буюрган. Яна коинот саййиди (Муҳаммад пайғамбар),— у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин,— <кимда-ким Аллоҳ йўлига масжид қурса, гарчи у масжид ўрдак уясидек бўлса ҳам, Аллоҳ унинг учун жаннатда бир уй бино қилади>, деган.

Амир Соҳибқирон ҳазрат кофирлару мункирларни йўқотишдан ва бузуқчиларга қарши жиҳоддан фориғ бўлиб, ҳумоюн узангилар у диёрлардан Самарқанд томон равона бўлгач,— (байт):

Ҳиндистондан юзланди дорулмулк сари
Бахтли кунда саодатли юлдузу яхши фол билан,—

дорулмулк Самарқандда бир жомеъ масжиди қуриб, бу хайр-ли иш билан қудрат эгаси (Аллоҳ)га яқинликга эришиш ниятини қатъийлаштирди. (212) Бир мавзени танлаб, муборак рамазон ойининг тўртинчисида (1399 йил 10 май) моҳир усталар, бинокор муҳандисларга буюрди, токи улар у муборак иморатнинг тарҳини тузгайлар. Улар ғоят қутлуғ бир соатда бинога асос солдилар. Унинг асослари ва арконларини тошдан кўтардилар. Олий ҳазрат эса иштиёқининг зўрлигидан шахсан ўзи иморат тепасида ҳозир бўлар ва

унинг тез битишига бутун ҳимматини сарфлар эди. Охири у иморатнинг баланд кунгиралари унинг қурувчиси қадридек осмонга бош тортди, етишиб бўлмас остоналари буйруқ берувчисининг қудрат даражаларидек фалаклар чўққиларига қадам қўйди. Унинг фазоси жаннат кенглигидан ҳикоят қилар, ҳавоси эса мушки азфар исининг ёқимли таралишидан ривоят сўзларди, Садди Искандардек мустаҳкам, Қуббаи Ҳарамондек улуғвор, минбар ва меҳроби энг нозик санъатлар билан ораста, тоқу равоқлари Хисрави Нўширвон тоқини (аёқдан) йиққан, унда тасбиҳ айтувчилар садоси малоикалар оламига гулгула таратган, таҳлил айтувчилар овози осмон гумбазига садо солган. (Байт):

Ажаб баланд бинодирки, беҳишт гурфалари
Унинг баландлигини кўриб, ўз қисқалигини тан олди.

Тангри таоло бу Амир Соҳибқиронни ва бу ҳазрати Яздон соясини шундай хайрли ишларни шойеъ этиш ва эзгуликларни тарқатиш ишида кўп йиллар боқий ва пойдор сақлагай.

ЛХХШ. АМИР СОҲИБҚИРОН ҲИНДИСТОНДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАЧ, ИРОҚ ВА ОЗАРБАЙЖОН ТОМОН ЮЗЛАНГАНИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон ғалаба ёру зафарга ҳамжилов бўлиб Ҳиндистондан дорулмулк Самарқандга қайтгач, шарафли қулоқларга Эрон мамлакатлари, айниқса Озарбайжон ва унга тобеъ ерлар аҳволига путур йўл топганлиги, гурж ва арман лашкаридан аҳён-аҳёнда раиятга заҳмат етаётганлигини эшиттирдилар. Ул ҳазратнинг камоли ғайрати ва номуси бунга чидаб туришга йўл бермади ва саккиз юз иккинчи (1399—1400) йилда зафар юзли яловлар ҳаракатга келиб, Хуросон томонга мутаважжиҳ бўлди, Султония йўлидан Табризнинг Қаробогига томон жўнади. У жойга бориб қўнғач ва у саҳроларни чодир хиргоҳлар тикилган макон ва иқбол соябонию туғи учун марказ қилгач, ғалаба ёр лашкар билан шуғулланиб, барчага алуфа ва тағор улашди. (213)

Шу ҳолатда турганларида атрофдан мувофиқ хабарлар етди, чунончи улардан бири: Темур Қутлуғхоннинг ўзбек вилоятида вафот топиб, унинг улуси бир-бирлари билан келиша олмай, жангу жадал қилганликлари ва шу

сабабли унинг вилояти остин-устун бўлганлиги (хабари); иккинчиси: Миср малики Барқуқ¹ вафот топиб, унинг амирлари ва давлат арконлари бир-бирларига ишонмасдан жангу низо қилганликлари, номдор амирлардан кўплари қатл қилиниб, мамлакат бебош бўлиб қолганлиги, маликдан қолган Фараж номли болада ҳеч қандай инон-ихтиёр йўқлиги (хабари); яна бири: амирзода Умаршайх баҳодирнинг ўғли амирзода Искандар баҳодир кичик ёшли бўлганига қарамай Мўғулистон томон лашкар тортиб бориб, ҳақ таоло унга нусрат ва зафар ато этганлиги, душман аскарини мағлуб ва мақхур қилиб падари бузургворининг мамлакатини забт этганлиги (хабари); яна бири: катта қудрату мартабага ва кўп лашкарга эга ҳамда Амир Соҳибқирон ҳазратга дўст ва хайрхоҳ бўлмиш Хизрхожа ўғлоннинг вафот топганлиги хабаридир. Унинг вафотидан сўнг фарзандлари ёмон одамларнинг фитнаси туфайли оталарининг мансабини талашиб, бир-бирларига қилич тортишдилар. Охирида одамлару вилоят хароб бўлди, улар эса қочиб кетдилар. Яна бир хабар: Чин, Мочин ва Хитой вилоятида бу мамлакат волийси Тўнғузхон² куйру залолатда авжига чиқиб, шу даражага етдики, бир гал андак ғараз билан бир неча минг мусулмонни қатл қилиб, у мамлакатда исломни тамоман йўқотган эди, Муҳаммадий,— у зотга Тангри раҳмати бўлсин,— мўъжизалари унинг шаррини дафъ қилиб, у вафот этди, унинг элу улусига фитнаю фасод йўл топди.

Бу хабарлар дўстларнинг шодлиги ва севинчига, душманларнинг ғамгинлиги ва малолатига сабаб бўлди. Амир Соҳибқирон Тангри таолога шукр маросимини бажо келтирди. Бу неъматларнинг шукронасига гуржлар билан газот қилишга жазм этиб, ғалаба ёр асқар билан улар мамлакати³ томон жўнади ва Кур суви⁴ лабига етиб бориб тушди. Фармонга мувофиқ кемаларни йиғиб, у сувга кўприк боғладилар, аскарлар сувдан ўтдилар.

Бундан илгари Шаки вилояти ҳокими Сайид Али ўлдирилган ва унинг ўғли эл ва вилоятга мутасадди бўлиб олган эди. Ҳозир эса, у Амир Соҳибқироннинг шуқуҳи ва ҳайбатидан қўрқиб, Шервон малики Шайх Иброҳимни восита қилиб, фармонбардорлик ва итоаткорлик мақомига келди, олий ҳазратнинг палосини ўпишга етишиб, қуллик заминини одоб лаби билан ўпди, ўзининг хатолари учун узр сўраб, афв ва марҳамат тилади. Амир

Ссоҳибқирон уни ўзининг лутфу марҳамати билан тақдирлаб, отасининг мансаби ва мақомини унга бағишлади.

Олий ҳазрат у жойдан жўнаб, габрларнинг бири бўлган Хамшо⁵ томонига юзланди. То унга етгунча ўн кунлик йўл бутунлай ўрмон эди, ҳаммасини аскарларга тақсим қилиб берди, аскарлар арра, теша ва болта билан кесиб йўл очдилар ва лашкарнинг маймана, майсара ва қули осонлик билан ўтиб **(214)** душманлар турган жойга етдилар. Шу кунларда йигирма кун муддат муттасил қор ёғди, булут ғалвиридан тоғ ва водийларга кофур эларди.

Ислом аскари у нафаси совуқларга оташ янглиғ чопқин қилдилар, улардан ҳар бир кишини топсалар—ўлдирдилар. Хамшонинг талабида равона бўлиб Осун дарасига⁶ етдилар. Хамшо хонумонини тарк этиб, ўрмон ичида кўринмай кетди. Йўлларни қор беркитди. Аскарнинг от, хачир, уовлари ориқлаб заиф бўлдилар, аммо қўй, ҳўкиз ва сигирлардан кўп ғанимат олиб, уйларига ўт қўйиб ёндирдилар, кўп чўқчаларни қиличдан ўтказдилар. Уларнинг маишати ҳеч шаробсиз ўтмас эди. Эр, хотин-болалари шунга одатланган эдилар. Уларнинг маишатини бузиш учун фармонга мувофиқ боғларини аскарларга бўлиб бердилар, ҳаммалари тоғ устига чиқиб тоқларни илдизидан кавладилар, дарахтларнинг баъзисини йиқитдилар, баъзисини пўстини шилдилар, иморатларини ер билан баробар қилдилар.

Хамшо қочиб, унинг вилояти хароб бўлгач, кўп габрлар ўлдирилгач, совуқ ва қор ниҳоятда қаттиқлиги, отлар ориқлаб нотавон бўлиб қолганлиги учун Амир Соҳибқирон бахтли толей билан у жойдан қайтиб, хурамлик ва фориғболлик ҳамроҳлигида Қаробоққа етди, номдор фарзандлари ва комкор хотинларининг азиз дийдори билан кўзини равшан қилиб, илоҳий неъматлар лутфининг шукронасини бажо келтирди. Шу жойда қудрат эгаси бўлмиш Тангри таоло амирзода Халил Султон баҳодирга⁷ муборак талъатли, фалак мартабали бир ўғил ато қилди. Бир неча кун туташ подшоҳона тўйлар қилдилар, кунларни айшу ишрат билан ўтказдилар.

Қиш мавсуми, баҳман ойи охирига етиб (802 йил ражаб —1400 йил феврал), чаман атторининг кулбасидан баҳор ҳиди кела бошлагач, Амир Соҳибқирон амирлар, шаҳзодалар, вазирлар ва давлат арбобларини жамлаб қурултой қилди. Машварат ва жонқийдан кейин равшан раъй яна гуржиларга қарши ғазот қилишга қарор топди.

Аскарларнинг ҳолига илтифот кўрғазиб, пиёдаларини отлиқ қилди, барча аскарга алуфа ва тағор тақсим қилиб берди. Сўнг Гўргин⁸ вилояти томон жўнашга ирода қилиб, Қаробогдан отланди ва Бардаъга⁹ етди. У саҳрода чодир ва хиргоҳларни кўтардилар.

Шу аснода хайрхоҳ қуллардан Тахуртан¹⁰ Арзинжон томонидан етиб келиб, палос ўпиш шарафига мушарраф бўлди. Амир Соҳибқирон унга иззат-икром кўрғазиб, туғ, ялов ва ноғора берди, қимматли сарполар кийгазди, кулоҳу камар билан уни сарафроз этиб, ўз вилоятига қайтарди. Сўнг у жойдан шикор қилиб кўчиб юриб то Гуржистон чегарасига етгунча жуда ҳам кўп ов овладилар. Вилоят ҳудудига етганларида (аъло ҳазрат) элчи жўнатиб, Гўргинга насиҳат қилиб, ушбу хабарни юборди: "Агар ўз жонинг ва хонумонингнинг саломатлигини хоҳласанг, Султон Аҳмаднинг ўғлини биз томонга юбор, шунда ғалаба ёр лашкар қаҳридан амонда бўласан, вилоятинг ҳам ўзингга топширилади". Элчи унга етиб бориб, вазифасини адо этди. Аммо у хушунат мақомида туриб сўзлашди ва қўпол жавобларни берди, ишнинг оқибатини ўйламади. Унинг носавоб жавобини олий ҳазратга етказганларида **(215)** у дарҳол ғалаба ёр лашкарга ишорат қилди: лашкар вилоятга кириб, уларнинг ғаллаларини илдизидан қўпордилар. Гуржилар баланд тоғлар ва устувор ғорлардан ўзларига паноҳ топиб, мустаҳкам мавзеларга уй ва ҳисор қуриб, уларни ўзларига орқа таянч қилдилар.

Жангу жадал эрлари ва номдор ботирлар ғайрат ва мардоналик юзасидан иш тутдилар ҳамда бир нечталари сандиқларга жойлашдилар, уларни арқон билан маҳкам боғлаб, тоғ тепасидан туширдилар. Улар ғорлар рўбарўсига етгач, ғорлардаги габрлар билан ўқу қилич ва найза ишлатиб жанг қилдилар, оташ ва нефт отдилар, яғочдан ясалган иморатларни куйдирдилар. Габрлар ҳам жон хавфидан жонлари борица ҳаракат қилдилар. Охири Ислом ғунчасидан фатҳ гули зафар шамоли билан очилди, умид ниҳоли комронлик жўйборидан кўкариб, сероб бўлди. Уларнинг ҳисорлари устидан ғалаба қилиб, кимда-ким мусулмонликни қабул қилса, унинг гуноҳидан ўтдилар, қолганларини ғазаб тиғи билан бошини танасидан жудо қилдилар. Шу тариқа ўн беш ҳисорни мусаххар қилдилар ва уларнинг аксар аҳолисини қатл этдилар.

Хуросон сипоҳини айириб, атроф-жавонибни муҳофазат қилиб турсин учун Тифлида қолдирдилар.

Соҳибқирон ҳазрат ғалаба ёр лашкар билан Мақрон даштига қўнди. Гўргин эса жанг шерлари сарпанжаси ҳайбатини кўргач, тулки янглиғ қочишга юз тутди, гурж азнаварлари ва у вилоятнинг катталари ўзларининг ожиз ва нотавонликларидан Амир Соҳибқирон ҳазратга келиб мутиъ ва мунқод бўлиб, амонлик тиладилар. Уларнинг узоқ муддатлардан буён номақбул ибодатга макон бўлиб келаётган калисиёларини таҳлил ва такбир айтиб бузиб, вайрону ер билан яксон қилдилар.

Ажойиб воқеалардандирки, ҳазрати Амир Соҳибқирон товушқон — қуён йилида Ҳиндистон томонига жўнаганларида у кишининг кўп асрларга узайгур муборак ёшлари олтмиш учда эди, бу вақтда луй — балиқ йилида эса олтмиш тўртга етди. Бу озгина муддатда Ҳиндистон вилоятининг қалъалари, ҳисорлари ва шаҳарларининг тасхиридан фориг бўлиб, Арманистон ва Гуржистон вилоятларини осонлик билан мусаххар қилди. Бу узунлик ва кенгликдаги юришларда агар Искандар бўлса эди, минг жойда давлатининг оти қоқилиб йиқиларди ва агар Ўрдубон тез юурса эди, бу узоқ йўлларни танҳо ўзи кесиб ўтолмас эди. (Байт):

Ҳар кишига бўлса ҳақ лутфию фазли ҳамнишин,
Доимо бахту саодат бўлгуси унга яқин.

(Алқисса) Амир Соҳибқирон Мақрондан илғор қилиб Жонибек томонига жўнади. У жойга етгач, атроф-жавонибни ўраб олдилар, ногора, карнай ва бурғу садосидан тоғу дараларни шовқинга тўлатдилар, унинг вилояти атрофини талон-торож қилиб, кўп ғанимат ва ҳисобсиз мол олдилар. Жонибекнинг жони лабига етиб, хавф ва қўрқинчидан итоат ва фармонбардорлик билдириб чиқиб келди, (216) ҳисор ва ғорларни топширди. Ғалаба ёр лашкар душманлар устидан ғалаба қозониб, кофирларни ўлдирдилар, иморатларини куйдирдилар.

Амир Соҳибқирон у жойдан қайтиб, ўғруққа келиб тушди, Сайидхожани Самово йўли билан чопқинга юборди. У фармонга биноан бориб, жуда кўп от ва қўй ғанимат топди. Амир Жаҳоншоҳ жувонғор аскарлари билан дара даҳанасидан талон-торожга кетди, Амир Соҳибқирон эса Самово йўлига тушиб жўнади. Аскарлар

соғу саноқсиз ўлжа ва ғаниматлар топдилар, габрларнинг уйларини куйдирдилар, ғаллаларини қўпордилар, калисиёларини хароб қилдилар. Даранинг бошида ғоятда маҳкам ва ниҳоятда мустаҳкам Ардибек деб аталган бир қалъа бор эди, уни ҳам олиб, ер билан яқсон қилдилар.

Амир Соҳибқирон у жойдан кўчиб, Гўргин¹¹ саҳросига бориб тушди ва амир Жаҳоншоҳни мукамал бир лашкар билан илғор қилиб Гўргинни топишга жўнатди. Гўргин ғазабга тўлиб, ўқ еган қоплондек бир тўқайга беркинди. Ғалаба ёр лашкар гуруҳ-гуруҳ бўлиб уни қидириб, ҳар томонга юзландилар. Аммо уни кўп излаб сира тополмадилар. Лекин жуда кўп ғаниматлару молларни талон-торож қилиб олдилар ва қайтиб келдилар. Амир Соҳибқирон амирларнинг жамъ бўлганини кўргач, дарҳол кўчиб, Кур сувидан ўтиб қўнди. Шу миёнада Зурят қалъасини гурж азнаворлари ҳисор қилиб олганлар, деган хабарни Амир Соҳибқиронга етказдилар. У ҳисор ғоятда мустаҳкам бўлиб, баланд тоғ тепасига бино қилинган эди, уни ҳеч бир тарихда куч-қувват ва кўпчилик билан олинганлиги эшитилган эмас эди. Улуғ амирлар, номдор аскарлар жидду жаҳд билан хизмат камарини жон белига боғлаб, аррода ва манжаниқларни тайёрладилар. Худойи таолодан мадад тилаб, бешинчи кунни Амир Соҳибқирон давлат қуввати билан султоний ҳамла қилиб, бахт билаги зўри билан у қалъани мусаххар қилди ва шу куниеқ уни бузиб ер билан яқсон этди. У жойдаги барча гуржиларга сиёсат қилиб, қатлга стказдилар.

Шу миёнада Гўргин Свонет номли мавзеда¹² ўлтирибди, деган хабар аниқланди. Дарҳол аскарни илғор қилиб, у мавзегга юзландилар, Гўргин эса қочиб, Абхоз томонига кетди. Свонет қалъасини мусаххар қилдилар. Ғалаба ёр лашкар Гўргиннинг кетидан никоғул бўлиб жўнади. Унинг кишиларида кўпларига етиб қатл қилдилар. Гўргин Ийғир¹³ ва Курлон сув¹⁴ ларидан ўтиб, мулку молидан безор бўлиб, жонини у ҳалокат гирдобидан саломат қутқазди, ноилож музтар бўлиб Султон Аҳмад ўғлини ҳимоя қилишдан ожиз эканлигини билди, уни ҳимоя қилишдан қўл ювиб, унга қайси ёқни хоҳласанг, шу ёққа бор, деб ижозат берди. Сўнгра Исмоилни тутиб, Соҳибқирон ҳазратга юборди, ожизлик ва ҳожатмандликни изҳор қилиб, ўз гуноҳларини бўйнига олди ва илтимос қилиб, агар ҳазрат Соҳибқирон афв ва марҳамат этагини унинг гуноҳлари устига ёпиб, бу навбат унинг жарималаридан ўтса ва қайтиб кетса, (217) бундан кейин итоат ва фармонбардорлик кўчасидан бурилмаслиги, мусул-

монларга азият бермаслиги, мол тўлашни бўйнига олиб, хазонайи омирага етказажagini айтди.

Амир Соҳибқирон унинг узрини эшитиб, гуноҳларидан ўтди, у жойдан қайтиб Ивоний томонига¹⁵ жўнади. Унинг атрофу жавонибларига чопқин ясаб, иморатларини хароб ва вайрон қилди. У жойдан тоғ этаги билан юриб, қорақалқонликлар вилоятига юзланди. У вилоят аҳолиси тоғлик сипоҳийлардан иборат эди¹⁶. У вилоятни талон-торож қилиб, уларнинг ҳисорларини олдилар. У томондаги гуржиларнинг барчасини талон-торож этиб, сардорларини ожизу забун қилдилар. Амир Соҳибқирон у жойдан фатҳу зафар ва шону шавкат билан қайтиб, Манкўлга келиб давлат ва комронлик тахтида қарор топгач, адолату инсоф жорий этиш, мамлакатни идора қилиш ва халқ аҳволини яхшилаш ишларига машғул бўлди.

Яна бир жамоа Гурж габрлари Барсгўрд номли бир мавзеда ўтирганликлари ҳақидаги хабарни шарафли қулоқларга етказдилар. Амир Соҳибқирон Шайх Нуриддинни илғор қилиб улар томонига юборди-да, бир неча кун тўхтаб туриб, ўзи ҳам уларнинг кетидан лашкар тортиб жўнади. Орадан бир неча кечани ўтказиб уларга етди. Беш кун муддатда улуғ Тангри таоло инояти билан гуржилар қалъаларидан етти қалъани мусаххар қилдилар. У жойдан ғалаба ва зафар қозониб қайтиб, Авникда муборак ўғруққа етдилар¹⁷. У жойда айшу ишрат мақомида салтанату жаҳонбонлик билан комрон ҳолда тўхтаб турди: атроф маликлари мутобаат остонасига бош қўйган, давлат қўли иқбол эшигини юзига очган, замона асов оти ром бўлган, шарқу ғарб мамлакатлари ҳукмга тобеъ. Шу аснода Фаранг томонидан элчилар келдилар. Муродбек ўғлини тутган эканлар, келтирдилар. Оёқ ўпишга етиб, ўз амирларининг сўзларини арз иззатгоҳига етказдилар. Амир Соҳибқирон ҳазрат уларни сийловлар билан тақдирлаб, чопон кийгазди ва кўнгилларини хушвақт қилиб қайтарди.

LXXIV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ СИВОС¹ ТОМОН ЮЗЛАНГАНЛИГИ БАЁНИДА

Машҳурдирки, <Улуғ Тангри таоло жаҳонда бирор бир воқеа содир бўлишини ё бирор ҳодиса рўй беришини хоҳласа, (аввал) уларнинг сабабларини муҳайё қилади>. Қачонки сабаблар бир-бирига қўл берса, албатта ул иш жаҳонда воқеъ

бўлади. Бу сўздан мақсад шулки, Рум шаҳарларидан баъзилари харобликка учрашига қазо ҳукми жорий бўлганлиги сабабли (218) Рум волийси Йилдирим Боязид димоғидан бузуқ савдо жой олиб, у ўзининг қуввати ва шавкатига мағрурланиб кетди ва Таҳуртан томонига элчи юборди. Мазмуни шундай: "Керакки, бизга мутиъ ва фармонбардор бўлиб, Арзинжон ва унинг атрофидаги жойларнинг хирожини йиғиб, бу томонга жўнатсанг", деган ва яна бир қанча ўз ҳаддидан ортиқ сўзларни айтиб юборган. Таҳуртан бу маънини Амир Соҳибқирон ҳазратга билдирди. (Аъло ҳазрат) бу тўғрида ўйлаб кўриб, Боязидни мулк ғурури ва ҳукмдорлик нафсининг фириби шу йўлга солганлигини билди, равшан замир котибларидан бирига буюриб, унга бир мактуб ёзди, панду насиҳат вазифаларини бажо келтирди ва унга танбиҳ бериб, баён қилди: "<Аллоҳ таоло ўз қадрини ва даражасини билган ва ўз ҳадди ва мақомидан ташқари қадам босмаган бандасини раҳмат қилгусидир>". Бугун, ҳудога шукрки, рубъи маскун мамлакатлари бизнинг тасарруфимиз ва фармонимиз остидадир, атрофу жавониб маликлари бизга мутиъ ва фармонбардордир; мамлакат ишлари тўғри йўлга қўйилган, жаҳоннинг гарданкашлари бизга итоат ҳалқасидан бўйин тобламайдилар, мамлакатлар сардорлари бизнинг ҳукмимизга саркашлик қилолмайдилар, жардор лашкарлар бизнинг ҳамламузига қарши туролмайди, айланиб турган фалак бизга мутобаатдан бош тортмайди. Биз сенинг насаб ва хонадонинг аҳволини биламиз ва аслу наслингни таниймиз. Агар ўз ҳаддингни сақлаб, ўз қадринг палоси ўлчамадан ташқарига қадам босмасанг— бу сенинг учун яхшидир. Яна (билгинки), сен Фаранг лашкари билан ғазот ва жанг қилаётганлигингни эшитиб, то ҳозиргача сенинг диёрингга дахл қилмадик ва у мамлакатга бизнинг нусратли аскарларимиздан бирор зарар етишини хоҳламадик, чунки бу мусулмонларнинг тинчлик-фаровонлиги ва бединларнинг шикасту бахтсизлигига сабаб бўлмай. Ҳозир сен мағрурлик мақомига қадам қўйиб, ўз ҳаддингдан ташқари сўзларни айтаяпсан. сенга бориб етмайдиган нарсани истаяпсан, балони зўрлаб ўзингга тортаяпсан, тинчлик ва саломатликнинг қадрини билмаяпсан (шеър):

Ҳаргиз қилма одам қилмаган ишни
У ишда шайтон раҳбардир сенга.

Ақлини ишлат, фитнаю бало эшигини ўз юзингга очма,
<тарк этган нарсангиз (совут)ни тарк этинглар> (деган

ибора)га амал қил”, деди ҳамда иш кўрган кишиларидан бирини номзод қилиб у томонга жўнатди. Элчи (Боязидга) етиб бориб, мактуб ва пайғомларни етказганида у кибру гурур билан сўзлади, ишнинг оқибатини ўйламай қўпол жавоб бериб, таъкидлади: “Кўп муддатдан бери унга қарши чиқиб жанг қилишни кўнглимга тугиб қўйганман, ҳозир эса бунга жазм қилдим ва у томонга юзланаяпман, агар у келмаса мен Табриз ва Султония томонига бораман” (назм):

Кўрай мен фалакнинг даври давронин
Кимнинг бошин пастдан кўкка оширай.
Ўки бу бақосиз чархнинг гардиши
Бу навбат хорликни кимга истагай”. (219)

Унинг носавоб жавобини Амир Соҳибқирон ҳазратга етказганларида ғайрат ўти ҳаракатга келиб, ғалаба ёр аскарларни тартибга солиб, катта бир лашкар, поёнсиз бир аскар билан Рум мамлакатига жўнади.

Қачонки² у ҳудудга етдилар, дашту биёбонлар чодир, хос чодирлар билан лим-лим бўлди, тоғу даштлар батамом аскар билан тўлди. Шу ҳудудда Тахуртан ўз аскарлари билан қутлуғ лашкаргоҳга етиб келиб, палос ўпиш шарафига мушарраф бўлди ва сахий лутфу марҳаматлар билан тақдирланди. Икки кундан кейин ғолиб аскарлар ҳаракатга келиб, нусрат шиорли ялов Румнинг чегараси бўлган Сивос шаҳарига етди ва замона ҳодисаларидек унинг атрофу жавонибига кирди. Ҳақиқатан ҳам <Фақат (азобимиз) юртларига кўнгандагина у огоҳлантирилаётганлар бахтсиз бир тонга қовушадилар>³ деган (оят маъноси) зоҳир бўлди. Бу ҳисор ғоятда баланд ва мустаҳкам эди. Унинг шарқий, шимолий ва қибла тарафида катта хандақ қазилган бўлиб, суви кўп, қалъа остига нақб кавлашнинг имкони йўқ эди, чунки суви ер тагидан чиқарди. Лекин шаҳарнинг ҳумоюн ялов келиб тушган ғарб томони нақб кавлашга яроқли эди. Йилдирим Боязид томонидан тайинланган Мустафо номли бир амир тўрт минг отлиқ билан шаҳарда турарди. Улар жанг аслаҳаларини ҳозирлаб қарши чиқдилар, мардонавор жанглар қилдилар. Нусратли аскарларга қалъанинг тўрт томонидан аррода ва манжаниқлар ўрнатсинлар, қалъа муқобилида бурж кўтарсинлар, деган фармон етишди. Шундан сўнг жангга киришиб, ўн саккиз кун муддатни

шу тариқа ўтказдилар. Қалъа атрофидаги ерни бўлиб бериб, нақб кавлаш билан машғул бўлдилар. Нақблар тайёр бўлгач, жаҳон итоат этувчи ҳукм нақбларга ўт ёқилсин, деб жорий бўлди; ўт ёқдилар. Аррода ва манжаниқларни ишга солдилар. Қалъа атрофидаги буржлар қулаб тушди. Аррода ва манжаниқлардан отилган тошлар зарбидан қалъа деворлари ғалвирдек тешик-тешик бўлди. Шаҳар аҳлидан фиғону нола кўтарилди. Ғолиб аскарлар шаҳарга бостириб киришларига яқин қолди. Шунда шаҳар амири Мустафо ожизлик юзасидан бетоқат бўлиб, зору тазарруълар билан шаҳардан чиқиб келди. Амир Соҳибқирон унинг жонига амон берди. (Унинг кетидан) шаҳар ақобирлари, ашрофлари, қозилари ва машойихлари палос ўпишга келдилар. Мусулмонларга тинчлик бағишлаб амон моли олсинлар, деган жаҳон итоат этувчи фармон жорий бўлди. (Шаҳарликларнинг) кўпи арманлар эди, уларни асир қилишга фармон бўлди. Ғалаба ёр аскарларга қарши муҳолифатчилик йўлига кириб, фитнаю жанг ўтини тезлаштирган тўрт минг отликдан иборат сипоҳийларни ҳаммасини тутиб, тирик-дайин чоҳларга ташласинлар, деган ҳукм содир бўлди. Шу нав сиёсат билан уларни ҳалок қилдилар, токи ўзга муҳолифларга ибрат бўлғай. Сўнгра фармонга мувофиқ Сивос қалъасини бузиб, ер билан яксон қилдилар, ундан асар ҳам қолмади.

Амир Соҳибқирон Сивосни мусаххар қилиш билан машғул бўлиб турган пайтида Обилистоннинг баъзи муфсидлари пайт пойлаб ўғрилиқка келишиб, аскарларнинг отларини ҳайдаб олиб кетдилар. Ишнинг оқибатини ўйламадилар (220) ва билмадиларки, шернинг пешонасини қашимоқ ёки фил хартуми билан ўйнашмоқ балога қарши юрмоқ ва ўзига ўлим хоҳламоқ билан тенгдир. Сивос ишларидан фориғ бўлганларидан кейин жазо бериш табиатда вожиб ва ҳар бир кишининг қилган ишига лойиқ мукофот бериш лозим эканлиги тақозосига кўра Амир Соҳибқирон Обилистон вилояти томонига юзланиб, амирзода Шоҳрух баҳодирни лашкарга манғлой қилиб тайинлади ва бунинг кетидан амирзода Сулаймоншоҳ баҳодирни унинг муборақ рикобига ҳамроҳ тайин этди. Улар фармонга биноан Обилистонга жўнадилар. У атрофда макон тутган туркманлар қочиш йўлига тушиб тарқалиб кетдилар. Манғлой лашкари никовул бўлиб душманлар изидан чопқин ясади ва уларни бир-биридан ажратиб, тарқатиб юбордилар. Молу манол, от,

туя, хачир, қорамол ва қўйлардан кўп ғанимат олдилар; голибу саломат Соҳибқирон ҳазрат олдига қайтиб келдилар.

Амир Соҳибқирон у жойдан Малотияга⁴ элчи юбориб, уларни итоат ва фармонбардорликка чақирди. Сивос ҳокими Мустафонинг ўғли Йилдирым Боязид номидан Малотияда ҳоким эди. У жоҳиллик юзасидан элчини қамаб қўйди. Аммо қарши чиқишга қувватлари етмаганлигидан у бахти қайтганлар қоронғи кечада қочишни ихтиёр қилдилар. Бу хабарни олий қулоқларга етказганларида нусрат шиор ялов у томонга юзланди; шу кунидан Малотияни олдилар. Арманларни асир этдилар, мусулмонларни эса хотин-болалари билан озод қилдилар, улардан амон моли олиш билан қаноатландилар.

У жойдан жаҳон амирзодаси Амироншоҳни кўп аскарлар билан чопқин ясашга юбордилар. Фармонга биноан жўнаб, то Кохта қалъаси⁵ гача етдилар. Талон-торож қилиб, кўп мол, қўй, қорамол ғанимат олдилар. Малотия ҳудудидан то шу мавзегача кўп қалъаларни олиб, вилоятларга чопқин ясаб ғорат қилдилар. Гарданкашларнинг бошини итоат ҳалқасига суқдилар. Андак муддатда Рум ва Шом⁶ дан иборат икки мамлакат сарҳадлари мусаххар ва фармонбардор бўлиб, бу фатҳлар овозаси жаҳон бўйлаб шундай зўр ваҳима таратдики, мамлакатлар сардорларининг барчаси ҳайрат ва даҳшат мақомида қолдилар, жаҳоннинг ҳодиса ва воқеалари юзига кўз тикиб, гайб пардаси ортидан яна қандай нақш юз кўрсатаркин, қазо ва қадар ҳукми қай тариқа жорий бўларкин, деб мунтазирликда кутиб турдилар. Ҳа, (байт):

Етти қат зангори парда орқасидан кўрсатар
Икки юз турлик ўйинни дам-бадам бу рўзгор.

LXXV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ШОМ ЖОНИБИГА ТАВАЖЖУҲ ҚИЛГАНИ ВА БУНИНГ САБАБЛАРИ БАЁНИДА

Комил ақлли кишилар учун махфий эмасдирки, қачонки улуғ Тангри таолонинг иродаси бирор ишнинг воқеъ бўлишига қарор топса, (221) унинг барчасини тақозо этадиган сабаблар пайдо бўлади. У сабаблардан бири шу бўлдики, қазо жавҳарфуруши ақлнинг қиймат-баҳо гавҳарини оқиллар димоғидан қайтиб олди, донишмандлар равшан раёининг ойнасини паришон фикрлар

ғубори билан хираю тийра қилди, токи у ойнада мақсад юзини кўрмағайлар. Бу тўғрида Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлғур пайғамбар ҳадисларида айтилган: <Агар Ҳақ таоло ўз қазо ва қадарини бандалар устига юргазилгани хоҳласа, ақлли кишилар ақлини улардан олиб қўяди ва у қазою қадарни жорий этиб бўлгач, уларнинг ақлини яна ўзларига қайтариб беради, токи улар бу борада ўйлаб кўрсинлар ва ўзларининг хато қилганликларини эътироф этсинлар>. Шу муқаддимага биноан Лавҳи Маҳфузда Шом ерлари интиқом лашкарига манзилгоҳ бўлади, деб ёзилган экан, (Тангри таоло) ўзининг лутф назарини у диёр аҳолисидан четга олди ва уларни ўз раъй ва тадбирларига ташлаб қўйди. Натижада улар ўзларининг ёмон қилмишлари касрига қолиб, жазога лойиқ бўлдилар. Осмоний китоб — Қуръон шу ҳолатдан хабар бериб айтадики, <Агар биз (Аллоҳ) бирор шаҳарни хароб этишни хоҳласак, у шаҳарнинг катталаридан марҳамат назаримизни четлатамиз, ўзларига қўйиб берамиз, улар фисқу фужурга машғул бўладилар. Шунда уларга жазо бериш лозим бўлади, ночор уларнинг рўзгоридан ҳалокат дудини чиқарамиз>¹.

Бу муқаддимадан ғараз шулки, етти юз тўқсон бешинчи (1392—1393) йилда Амир Соҳибқирон доруссалом Бағдод томонига қўзғалган вақтида Сова шаҳрининг машойихларидан ва қадимий хонадонлардан бўлган аслзода ва шариф бир кишини элчи сифатида Миср волийси томон юборди, подшоҳона туҳфалар ва ҳадялар инъом этди. Элчилик мазмуни шулки, "бундан илгари Чингизхоннинг бахтли уруғидан бўлган комкор подшоҳлар у мамлакат ва унинг маликлари билан гоҳ-гоҳида низолашиб турганлар. Ахирида орада элчилар ва ёзишмалар пайдар-пай бориб келиб, ўртадаги кечмиш сулҳ билан анжом топарди. Бу маъни олам аҳлининг амну амонлиғига сабаб бўларди. Бахтли подшоҳ Абу Саъид Баҳодирхон² Ҳақ таоло раҳматиغا қовушгандан кейин Чингизхон наслидан номдор подшоҳ қолмади. Сўнгра ҳар турли тоифалар маликлари пайдо бўлди, жаҳон аҳволига шўришу нотинчлик йўл топди ва у (илгариги) қоидалар барқарор қолмади. Ҳозирда эса Чингизхон наслидан бўлган комкор подшоҳ ҳазратларининг адолат сояси мамлакат тахтини мушарраф қилиб, у ислом соҳасини муфсидлардан пок қилди ва бугун (сизларга) ҳамсояликка етиб келди, бу мамлакат ғалаба ёр аскарларга манзилгоҳ бўлди. Эндиликда вазифа шулки, ҳамсоялик ҳаққига риоя қилиб, дўстлик эши-

гини очайлик, токи бундан буён ҳар икки томондан элчилар бориб-келиб турсинлар, ҳар икки мамлакат савдогарлари учун йўл очиб қўйилсин ва бу маъни халқ осойишталигига ва йўлларнинг эминлигига сабаб бўлсин”.

Элчилик Шом ҳудудига стишгач, орада (ўлдиришга) сабаб бўладиган бирор қадимий адоват бўлмаса-да, (222) элчини ҳамма мулозимлари билан ўлдирдилар, бу қилмишлари оқибатининг қанчалик машъум эканлигини ўйламадилар. Шуниси ажабланарлики, улар жаҳонгир подшоҳ Чингизхон билан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳикоясини, (яъни Чингизхоннинг) элчилари ва савдогарларни (Хоразмшоҳ одамлари) ўлдирганлиги воқеасини эшитган ва бу воқеа оқибати нималарни бошлаб берганлигини билар эдилар-у, лекин ундан ибрат олмадилар. Иккинчи (кечмиш) шулки, бу (Соҳибқирон) ғуломларидан бўлган амир Отломишни жанглардан биринда тутиб олиб, Мисрда ушлаб турар эдилар. Қанчалик илтимос қилинмасин, уни қайтариб юбормадилар.

Ана шу муқаддималар тақозосича Амир Соҳибқирон Рум томонидан ғалаба қозониб қайтгач, Малотия ҳудудидан элчи юбориб, (аввалги) ҳужжатни таъкидловчи хабар юборди: "Мен бегона лашкарни Шом ерларига киритишни хоҳламайман, сизлар бундан ортиқ жаҳл мақомига қадам босманглар, амир Отломишни тезлик билан юборинглар, токи мен элчини ўлдирганингиз гуноҳидан ўтаман ва диёрингизни саломат қолдираман”.

Қайтган бахт уларни йўлдан оздирди, элчини иззатлаш вазифасини тегишли даражада бажо келтирмадилар, бемаза сўзларни айтдилар, Отломишни қайтариб юбормадилар. Ўзларининг қуввати ва шавкатларига, лашкарнинг кўплигига, моллари ва асбобу олатларининг мўллигига ишониб, алдандилар. Пашша шамолга қарши туролмаслигини ва зарранинг ҳавода оғирлиги йўқлигини билмадилар. Шу сабабли (Амир Соҳибқироннинг) ғазаб ўти алангалана бошлади ва уларнинг хонадонидан ҳалокат дудини чиқарди.

Амир Соҳибқирон у мамлакатга юришни ирода қилган пайтда улуғ амирлар ва номдор вазирлар бу ишни хоҳламаган эдилар, тиз чўкиб арз қилдилар: "Яқин кунларда Ҳиндистонга зўр юриш бўлиб ўтди, у ердан қайтгач, Гуржистон мамлакати мусаххар қилинди, унинг кетидан салтанат соябони Рум устига соя солди. Ҳозирда Миср ва Шом мамлакати лашкарининг кўплиги билан машҳур ва мустаҳкам қалъалари билан таниқлидир.

Маслаҳат шундан иборатки, ғалаба ёр лашкарга ижозат берилса, токи аскарлар уйларига бориб бир муддат дам олишса, сўнгра яроқ аслаҳаларини янгитдан тузатиб, шундай улуғ бир мамлакатга (юриш қилишга) муносиб тартиб ва тажаммул билан келсалар". Ҳаммалари шу фикрга иттифоқ қилиб, уни ўтказишга уриндилар. Амир Соҳибқирон файзи илоҳийдан келган илҳом талқини билан шундай жавоб берди: "Душман устидан ғалаба қилишни аскарнинг кўплиги ва тартибига боғлаб қўйган эмас, бу борада олий ҳиммат, саботли ирода ва мардоналик куч-қудратининг таъсири зўрдир. Неча марталар синадингизларки, бахт қўллови қанча оғир ишларни бизга осон қилди. Ҳимматни баланд қилинглар, дилни Аллоҳга боғланглар, токи илоҳий нусрат сизнинг ҳолингизга мадад кўрсатгай, Тангри қўллови душманни мағлуб ва мақхур қилгай". Амирлар ер ўпиб, фармонга итоат қилдилар, Амир Соҳибқирон ҳукмига гардан эгиб, айтдилар: "Ҳар нимагаки ишорат бўлса (байт):

Камарни жон белига боғлаймизу
 Жонни камар ўрнида белга боғлаймиз". (223)

LXXVI. БЕҲАСТИ¹ ВА АНТОБ² ҚАЛЪАЛАРИНИНГ МУСАХХАР ҚИЛИНИШИ БАЁНИДА

Шундан сўнг Амир Соҳибқирон раҳмли Тангри қўллови билан ғалаба қўрғонидан илғор қилиб Беҳасти қалъаси томон юзланди. Мардоналикда мардлик майдонидан тўпни юлиб олган Шоҳрух баҳодир бир жамоа улуғ амирлар билан у қалъани узук ҳалқаси янглиғ ўраб олдилар. У шундай бир баланд ва мустаҳкам қалъа эдики, унинг маҳкамлигини (тасаввур этишда) ақл ҳайратда қолар, доно кишилар хаёли уни қамраб олишдан ожиз эди. Чунки аслида у баланд бир тоғ бўлиб, унинг атрофига буржу боралар кўтарган, дарвоза қуриб ҳисор қилган эдилар. Қайтган бахт ва тескари толей уларни у тоғ ва қалъага мағрур қилиб, жоҳиллик билан муҳолифат мақомига қадам босдилар. У қалъа ўртасида айланувчи бир манжаниқ ўрнатган эдилар, уни тўрт томонга қаратиб ишга солдилар. Қалъа атрофини амирларга тақсимлаб берилсин ва ишчилар (қалъа тағига) нақб кавласинлар, деган ҳукм содир бўлди. Озгина вақтда шундай бир тоғни

ҳар бир томонидан ковак-ковак қилиб ёғоч тираб қўйдилар. Уларнинг манжаниқи муқобилида у манжаниқдан каттароқ бир манжаниқ ясадилар. Сўнгра нақбларга ўт қўйсинлар ва манжаниқни ишга солсинлар, деган ҳукм содир бўлди. Давлат қўллови билан манжаниқдан отилган тош уларнинг манжаниқига бориб тегди ва уни синдириб, майдалаб юборди. Ёғоч тираб қўйилган буржлар ва иморатлар ҳам қулаб вайрон бўлди.

Душманлар бу ҳолатни кўриб, Амир Соҳибқироннинг ғолиблик ва бахтиёрлиги нишонини мушоҳада қилгач, уларнинг кўнглига хавфу қўрқинч таъсир қилди, мискинлик юзини қуллик тупроғига қўйиб, қозилару имомлар пешкаш ва нодир тухфалар билан чиқдилар ҳамда амирзода Шоҳрух баҳодирни шафиъ қилдилар. Амир Соҳибқирон ҳазрат у (Шоҳрух)нинг шафоатини қабул қилиб, уларнинг гуноҳини афв этди ва қонидан ўтди. Улар ташаккур айтиб, дуою шукрлар билан қайтдилар, минбар тепасини ва олтин (танга) юзини подшоҳнинг лақаб ва номлари билан зийнатладилар.

(Олий ҳазрат) улардан фориг бўлгач, кўчиб Антоб шаҳри томонига юзланди; нозу неъматлари фаровон, ғалла ва мевалари бепоён дилкушо бир шаҳарни кўрдилар. Аммо шаҳар катталари ва баобрў одамлари қочган эканлар. Баъзи паст табақадагилар ва бебошлар жоҳилликлари зўрлигидан ҳисорга кириб олдилар. Воқеан у ғоятда мустаҳкам қалъа эди. Унинг хандақи чуқурлиги ўттиз газ, эни тахминан етмиш газ эди. Хандақ лаби атрофидан нақб кавланган, чунончи унинг ичида отлиқ киши юра оларди, тоғни эса ковак-ковак қилиб ўйиб қўйганлар, шундайки, ҳеч бир маҳлуқ жанг учун унинг яқинига боролмайди, деворларини икки томондан оқ тошдан **(224)** кўтарганлар ва тепасида ўқ отадиган жойлар ясалган, хандақ устига суриладиган кўприк қурилган. Истаган вақтларида уни таноб билан хоҳлаган томонларига тортадилар.

Муборак ялов у мақомга етгач, ғалаба ёр лашкардан баъзи (қисм)ларга ҳамла қилишга фармон бўлди. Бир мардона зарба билан уни мусаххар қилдилар, ундаги одамларнинг баъзиларини ўлдирдилар, баъзиларига раҳм қилиб, қонидан ўтдилар, қалъа иморатини ер билан баробар қилдилар. У жойдан жўнаб, бахтиёрлик билан юзларини Ҳалаб шаҳри томон бурдилар.

LXXVII. ҲАЛАБ ШАҲРИ¹НИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА

Ҳумоюн ялов Беҳасти томонига етган вақтида Ҳалаб аҳолисининг дилига хавф ва қўрқинч истило қилди. Ҳалабнинг малик ул-умароси бўлмиш Темуртош аҳволни Миср пойтахти томонига маълум қилди. Миср волийсидан Дамашқ², Тароблис³, Ҳўмс⁴, Ҳамо⁵, Баалбак⁶, Сафд, Қалъат ар-Рум ва атрофдаги ўзга амирлар унинг ёрдами учун Ҳалабга жамъ бўлсинлар, деган ҳукм содир бўлди. Шу фармонга биноан ҳаммалари жамъ бўлдилар. Катта бир гулгула кўзгатдилар. Дамашқнинг амир ул-умароси Судун эса кўп аскар билан келди. У мавзелар бир-бирига яқин бўлганлиги учун андак вақтда гоётда катта бир лашкар жамъ бўлди. Улар ҳаммалари йиғилишгач, бошқалардан кўра ақллироқ бўлган Темуртош тезликда ихтиёрни қўлдан беришни хоҳламади. У: "Албатта бу ишда ўйлаб кўриш ва ошиқмаслик керак, ақлли кишилар билан кенгашиб ҳамма бир фикрда иттифоқ бўлиши лозим. Чунки катта ишларда бир-бирлари билан бир иттифоқда бўлмаган ҳар бир қавм ўз душманини кучайтирган бўлади. Бизнинг устимизга келган бу тоифа ўз подшоҳи Чингизхоннинг васиятини эшитган ва иттифоқлик билан жаҳонни олган. (Мисраъ):

Ҳа, шундай, иттифоқлик билан жаҳонни олса бўлади.

Бу воқеада ҳар бир кишининг хотирига нима фикр келса айтсин, токи шу пайтда нимаики маслаҳатдан бўлса, шунга қарор берайлик", деди. Ҳар турли ишларни кўриб тажриба топган оқил кишилардан бир гуруҳи айтди: "Бу шахс (Амир Соҳибқирон) Аллоҳ томонидан қўлланган бир зотдир. У ҳозиргача ҳар жойгаки юзланмасин, уни забт этган, ҳар ким унга муҳолифатчилик қилган бўлса — зиён тортган. Рубъи маскун султонлари унга гардан эгдилар. Шундай кишига қарши чиқиш бирон жойга етказмайди, бунинг оқибати пушаймонлик бўлади. Ўзларингизни ғафлатда қолдирманглар. (225) Улардан ҳозиргача шаҳарлар ва қалъалар борасида, хусусан, Хуросон, Сеистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда содир бўлган ҳолатларни кўзингиз олдига келтиринглар, ўзларингизнинг заволингиз ва ҳалокатингизга саъй қилманглар. Тўғри фикр шулки, итоат ва сулҳ йўлидан юрайлик, лойиқ тухфалар ва тортуқлар юборайлик, токи у бизнинг устимизга марҳамат этагини ёпиб, биздан юз

ўгиргай ва мамлакат саломат қолгай". Замо­на тажрибасини қамроқ кўрган баъзи мағрурлар ўзларининг шавкат ва қув­ватларига керилиб, Судун ва унга ўхшаганлар бу на­сиҳатларни эшитишдан юз ўгирдилар. Аскарларнинг кўплигига, шаҳар деворига ва қалъанинг маҳкамлигига ал­дандилар ва (мазкур оқилларга) жавобан: "<кимда-ким қўрқоқлик қилса зиёнга учрайди>, бу мамлакатнинг иши ўзга мамлакатларга сира ўхшамайди, уларнинг ҳисорлари кўпроқ лой ва тупроқдан, бизнинг шаҳар ва ҳисорларимиз тошдан, балки пўлатдандир. Агар бизнинг шаҳарларимиздан қай бирини бўлмасин жанг ва муҳосара билан олишни хоҳласалар, ойлар, балки йиллар керак бўлади; агар улар­нинг жангчиларидан қўрқсангизлар ва уларнинг яроғ-ас­лаҳаси кўплигидан андиша қилсангизлар, худога ҳамд бўлсинки, биз билан уларнинг орамизда тафовут кўпдир. Бизнинг камонларимиз дамашқий — Дамашқ камони, қиличларимиз мисрий — Миср қиличлари, найзаларимиз арабий — Араб найзалари, қалқонларимиз ҳалабий — Ҳалаб қалқонларидир. Агар аскарнинг кўплигини мулоҳаза қила­диган бўлсаларингиз бу мамлакатда олтмиш минг қишлоқ ва қасаба қаламга олинган. Агар бир жойдан бир нафар киши келадиган бўлса ҳам уларга устун келади. Бу (афзал­лик)лар устига яна улар саҳрода, биз эса ҳисорда, уларнинг уйлари девори теридан ва арқондан, бизнинг ҳисорларимиз тошдан ва сандондан", дедилар.

Оқиллар гуруҳи яна айтдилар: "Фалакнинг ўйинини ва найрангбозлигини кўрмаган одамгина жанг ва хусуматга саъй қилади. Ҳар бир иш яхши муомала ва юмшоқлик билан тугайдиган бўлса, жанг ва хусуматга киришиш ақл йўлидан йироқдир. Беҳуда андишаларга берилиб жонни, молни, фар­зандларни талофатга учратиш ақлдан узоқдир, сулҳ тузиш эса саломатликка яқинроқдир".

Яна оқибатни чуқур ўйламаган тоифа айтди: "Бу нима деган гап?! Шундай бир кечмишда мардоналик, поймардлик ва собитқадамликдан бошқа нарса дастгирлик қилолмайди, оқил киши агар зарурат вақтида ожизлик ва саргашталикини ихтиёр этса, ўз ҳалокатига ўзи саъй қилган бўлади ва Аллоҳ бандалари олдида узри қабул этилмайди. Дилларингизга қўрқинч солманг, жангга тайёр бўлинг".

Улар орасида Ажамдан бир жамоа бўлиб, бирмунча муд­датдан буён эзгулик билан ҳаёт кечиринида машҳур эди. У жамоа буларнинг фикри ва андишалари ҳар хил эканлигини кўриб, бизнинг сўзимизни беғараз эшитсалар керак, деб

ўйладилар ва уларни огоҳлантириб: "Биз уларнинг аҳволидан кўпроқ хабардормиз, ишнинг қаерга бориб етишини аниқ биламиз; хусуматчиликка ошиқманглар ва бу ишни кичик санаманглар", дедилар. Буларнинг сўзини ғараз билан эшитдилар ва таънага тил узатиб: "Булар уларнинг жосусларидирлар, ҳийла билан келганлар ва бу мамлакатни мўғулларга ем қилмоқчилар", дедилар.

Ақл уларнинг тадбирига кулди, замона уларнинг ҳолига йиғлади. Хайрхоҳларнинг насиҳати фойда бермагач, шаҳардан ташқари чиқмасликка, (226) девор, бору ва ҳисорни паноҳ қилишга, ўқу найзалар билан душманга жавоб беришга қарор қилдилар. Ҳақиқатан шу фикрларида сабот билан турсалар эди, иш узоққа чўзилар ва лашкар танг бўларди.

Амир Соҳибқиронни бу ҳолатдан хабардор қилдилар. У равшан раъйи ва узоқни кўзлайдиган ақлини ўзига вазир ва маслаҳатчи қилиб, Тангри ёрдами этагига қўл уриб, душманга қарши юришда шошилмади, икки кунлик йўлни бир ҳафтада босиб ўтди. Ҳар куни бир фарсах ёки ундан ортиқроқ йўл юриб, қўнар эди. Келиб тушганларида эса лашкар атрофига хандақ кавлаб, говсипар ва тураларни олдинга сурсинлар, деб буюрарди.

(Буни кўрган) душманлар "улар олдинга келишга ўйланиб қолаётирлар шекилли, тез-тез келишга қувват ва шавкатлари етарли эмас экан", деб тушундилар ва шу сабабдан энди далirroқ бўлишиб, андак бўлса-да, тўғрилиқка яқин бўлган қарорларини тарк этдилар, ўз қувват ва шавкатларига эътимодлари ортиб, шаҳардан ташқари чиқиб, чодир у хиргоҳларни кўтардилар. Билмадиларки (байт):

Дарё чуқурлигига қатра сув сгказиш билан
ҳомийлик қилмоқ — девоналикка ўхшайди.

Шу куни Амир Соҳибқироннинг азиз фарзандларидан⁷ амирзода Султон Ҳусайн баҳодир⁸ ўзининг бир неча хос навкарлари билан (душман) қаровулига етиб борди ва улар жуда кўп эканликларига қарамай мардоналик кўрсатиб, улар устига от қўйиб, мардлик додини берди; улардан уч кишини тутиб, гардан ва қўлидан боғлаб сиртга чиқарди. Қолган аскарлар бу куч-қувват зарбини кўргач, қочишга бошладилар. Яна шу куни (Амир Соҳибқирон) фарзандининг фарзанди — амирзода Абу Бакр баҳодир олтамишга яқин киши билан илгарилаб ўтган эди, бсадад бир лашкар буларга қарши келиб, қаттиқ жанг бошланди. Охирида ҳар икки

томон баробар тарқалиб, ҳар бирлари ўз жойларига қайтдилар. Иккинчи куни яна жанг мардонлари ва замона баҳодирлари душманга қарши чиқиб, мардлик ва мардоналик додини бердилар. Учинчи куни тонг отган пайтда Амир Соҳибқирон ғалаба ёр аскарларни ораста қилиб, жувонғор ва буронғорларни энг олий бир тартибга келтирди. Улуғ амирлар ва лашкар номдорларининг ҳар бирларини ўз мақомларига қўйди. Ўз муборак зоти эса нусрат ва зафар шону шукуҳи билан аскарнинг қул (қисми)га кирди. Зирҳу қуроллар билан жиҳозланган бир саф филларни жанг мардонлари билан душман рўбарўсига чиқарди. Тўғриси айтганда, у ҳолатнинг ҳайбати ва қўрқинчидан жангчилар кўкрагида юраклари титрай бошлади, унинг ҳайбати ва хавфидан ақллар хира ва фикрлар тийра бўлди.

(Амир Соҳибқирон) ўнг қўл қисмининг диловар жангчиларидан бир тумон кишини бир тепа устига тўхтатиб қўйди ва уларга: "Агар душманлар мағлуб бўлиб қочганларида ҳам сизлар ўз жойларингизни сақлаб турасизлар, ҳаракат қилмайсизлар", деб тайинлади. Шу пайтда амирзода Абу Бакр баҳодир хос навкарлари билан ўнг қўлдан душманга ҳамла қилди, ўқу найза ва гурзу шамшир зарби билан уларни ҳайдади. (227) Чап қўл томондан амирзода Султон Ҳусайн баҳодир ҳамла қилди, амир Жаҳоншоҳ эса унинг кетидан жангга кирди, Тангри ёрдами билан душман қочишга юз тутди, аммо яна жамъ бўлиб ҳамла қилиш фикрида эди. Амир Соҳибқирон жанги султониёни бунёд этиб, ўзи шахсан жангга киришди. Ҳалабликлар у аскарларнинг кўплигини кўргач, ҳайрон ва ожиз бўлиб қолдилар ва қочишдан бошқа чора топмадилар, ночор орқа ўгириб қочдилар. Ғолиб лашкар улар кетидан ҳайқиришиб от қўйдилар. Отлиғ ва пиёдалардан шунчалар кўп қатл этдиларки, ўликлардан тепалар кўтарилди, Ҳалаб кўчаларию дарвозаси ўликларга лиммо-лим тўлди, шу қадарки, отлиқлар ўликлар бошини босиб ўтардилар, от ва хачирлар қийинлик билан юрарди. Ҳар томондан бу ерга жамъ бўлган лашкарлар Дамашқ томон қочдилар. Ғолиб лашкар улар кетидан қувлаб, кўпларини ўқу қилич билан ўлдирдилар, тирик қолганларини отдан йиқитдилар, шунчалар кўп буюмлар ва чорполарини талон-торож қилиб олдиларки, чаққон ҳисобчилар уларнинг сонуну саногига етишга ожиз қолдилар. Қолган аскарлар шаҳарни мусаххар қилиб, ғорат этдилар, халқни асир олдилар; шу миқдорда кўп олтин,

күмуш, мол ва матоларни талаб олдиларки, ваҳму хаёлга сиймайди ва сонун саноққа кирмайди.

Судун ва Темуртош қалъага кириб олиб, унинг мустақамлиги ва баландлигига суяндилар. У қалъа машҳур қалъалар жумласидан бўлиб, хандақининг эни ўттиз газ чамасида бағоят кенг, агар хоҳласалар унда кемалар сузиб юриши мумкин эди. Қалъанинг хокрези баланд, тахминан юз газ миқдорида эди. Унинг устига бору ва буржлар тошдан ўрнатилган. У хокрез тепаси шундай ўткирки, унинг устида пиёда юриб бўлмайди. Улар у қалъани ўзларига орқа таянч қилиб олгач, аскарларни санадилар ва уларнинг кўплигини кўриб, бузуқ фикрлари зиёда бўлди. Ногора қоқдилар, раъд — тўп отишни бошладилар.

Амир Соҳибқирон қалъа рўбарўсига келиб, шоҳона бир палос устида жойлашиб олиб, равшан раъйини у мавзени забт қилишга машғул этди. Лашкарга хандақ айланасига қўнишга ишорат қилди; аскарлар ўқ захми билан душманларнинг бурждан бошини чиқаргани қўймадилар. Ишчилар ва чоҳ қазувчилар фармонга мувофиқ бир кечадаёқ хандақ атрофини ғалвирдек тешик-тешик қилиб юбордилар ҳамда сувдан ўтиб, у хокрез устида какликдек югурдилар ва харсанг тошлар билан маҳкам қилинган қалъанинг тагидан нақб кавлашни бошладилар.

У вақтда бу банда (Низомиддин Шомий) Ҳижоз сафарини ният қилиб, Ҳалаб шаҳрига етиб келган ва бир жамоанинг қўлига асир тушиб қолган эдим,⁹ ажойиб бир ҳолатни мушоҳада қилдим. Уни эслаб ўтиш шу ўринда муносиб кўрилди. У шундан иборат: "Бу банда қалъа дарвозаси тўғрисидаги бир томда туриб, парвардигорнинг қудратини ва бу одамларнинг шижоатини томоша қилардим, ногоҳ кўрдимки, қалъа эшиги очилиб, беш нафар мардона қуролланган киши қалъадан чиқиб келиб, (қалъа тагини кавлаётган) чоҳ қазувчиларга ҳамла қилди. Чоҳ қазувчилар воқиф бўлгач, нақб-ковак ичидан чиқиб пастдан юқорига қарадилар-да, у беш отлиқни (228) ўқ захми билан ерга қададилар. Қалъа аҳлидан фарёд кўтарилди. (У беш киши) белларига арқон боғлаб, бир учини қалъа устида турган кишилар қўлига тутқизган эканлар, арқонларни тортдилар ва ўлик ё тирик эканликларини билмадим, уларни юқорига тортиб олдилар. Ўзга кишиларнинг қалъадан чиқиш у ёқда турсин, буржлар тешигидан бошини чиқаришга ҳам захраси қолмади. Қалъа аҳли қўрқинчдан титрардилар. Илоҳий ҳукмга саркашлик қилиш, қазо қўлини зўрлик панжаси

билан тутиш ақлли кишилар иши эмаслиги, жаҳон донишмандлари уҳдасидаги нарса эмаслигини билдилар. Шу андишада турганларида Амир Соҳибқирондан элчи келиб, мактубини топширди, унинг мазмуни у ғофилларга насиҳатдан иборат эди: "Тангри таоло ўз қўллови билан жаҳонни бизнинг ҳукмимизга мусаххар қилди, иззату шаъни улуғлангур Аллоҳ ўз иродати билан жаҳон мамлакатларини бизнинг қудрат панжамизга топширди. Истеҳкомлар бизнинг аскарларимизга монъ эмас ва ҳисорлар бизнинг ғазабимизни даф қилолмайди. Агар ўз жонларингизга раҳм қилсангиз, ўзларингизга яхшидир, акс ҳолда ўзингиз ва аҳлу аёлларингиз қасдига сатъ қилган бўлуризилар".

Улар илож йўқлигини билдилар. Судун ва Темуртош қозилар, имомлар ва (шаҳар) катталари билан қалъа ва хазина калитини кўтариб, дарвозани очиб Амир Соҳибқирон ҳузурига келдилар, ожизлик ва шикасталик юзини шафоат остонасига қўйдилар. Амир Соҳибқирон буйруғи билан Судун ва Темуртошни занжирбанд қилиб ҳибсга олдилар. Қадимий ва янги моллар, хазиналарнинг барчаси, хоҳ улар ўтмиш подшоҳлар томонидан у ерда сақланган бўлсин, хоҳ шаҳар улуғлари у ерга келтириб қўйган бўлсин, аъло девоннинг ноиблари тасарруфига кирди.

Чунончи подшоҳларнинг мақтовли қилмишларини безовчи нарса улар қилич билан жаҳонни олиб, қамчин учига бағишлашлари бўлганидек, Амир Соҳибқирон ҳам у мол ва асбобларни амирлару аскарларга улашиб берди. Қолган хазина ва молларни қалъада қолдирди, уни Ҳазоргирийнинг малики Сайид Иззиддинга, Сеистон ва Зовул амири, аскар бошлиғи Шоҳи шоҳон Абдулфатҳга ва Мусо Тўйбуғо шайхга топширди.

Бундан илгарироқ амир Сулаймоншоҳ баҳодир, амирзода Рустам баҳодир, амир Севинчак ва ўзга муътабар амирларни илғор қилиб Ҳамо шаҳри томонига юборган эди. Улар бориб шаҳар ҳисорини олган эдилар. Аммо қалъа ғоятда мустаҳкам бўлиб, уни олиш муяссар бўлмаётган эди, Амир Соҳибқирон ҳазрат Ҳалаб воқеасидан фориг бўлгач, Ҳамо томонига юз тутди. Йўлда бўлган уч қалъа ва бир қалъачанинг ҳаммаси номдор лашкар зарбаси билан забт этилди¹⁰. Давлат чодирини у вилоятга соя солгач ва қалъа тепасида туриб аскарларнинг кўплигию шону шавкатини кўргач, (Ҳамодагилар) итоат қилишдан ўзга чора топмадилар. Жуда кўп тортиқ ва туҳфалар билан амирзода Пир Муҳаммад, амирзода Абу Бакр, амирзода Рустам ва амирзода Сулаймоншоҳ

баҳодирларга паноҳ тортиб келдилар ва уларни ўзларига шафоатчи қилдилар. Амир Соҳибқирон уларнинг қонидан ўтди. У мамлакатнинг жамиъ маҳсулини эслатилган амирларга бағишлади.

Улуғ амирлар Дамашқга юриш тайёргарлигини ҳануз кўриб бўлмаганликлари сабабли йигирма кун шу жойда тўхтаб турдилар. (229) Шу муддатни аскарлар фаровонлик ва ноз-неъматда ўтказдилар. Шу озгина вақтда Амир Соҳибқирон тушиши учун бир девонхона бино қилдиларки, маҳоратли усталар ойлаб ишласалар ҳам унинг уҳдасидан чиқолмас эдилар. Амирлар ва давлат арбоблари ҳам ўзлари учун уйлар ясадилар. Янгитдан бошқа бир шаҳар қурдилар.

Яна амирлар арз иззатгоҳига етказиб, дедилар: "Аскарларнинг яроқ ва тартиблари лойиқ (даражада) эмас. Душманлар эса кўп аскар ҳамда дам олган отлари билан тинч ўз уйларида турибдилар. Мабодо ёмон кўз тегса ёки бирор бир воқеа рўй берса аскарлар бетоқат бўладилар. Агар жаҳонкушо раёй маслаҳатдан деб билсалар, аскарни Таробулис дарёсининг қирғоғига кўчирайлик, аскарлар бу қишни у жойда тинч ўтказсинлар, баҳор бўлгач қувват ва шавкат билан душманларнинг дафъига машғул бўлайлик". Аммо, ҳайҳот (мисраъ):

<бу бир жорий бўлган ҳазо ва битилиб қўйилган китоб (тақдир) дир>.

Худойи таолонинг тақдири ишни уларнинг тадбирига мувофиқ қилмади. (Амирларнинг) бу сўзи шарафли қулоқлардан жой олмади. Амир Соҳибқирон Ҳўмс шаҳри томон жўнади. Улуғ амирлардан бири қаровул эди, у илгарироқ шаҳарга етиб, одамларга насиҳат қилди, муҳолифатчиликнинг оқибати ёмон бўлишидан огоҳлантирди. Унинг насиҳатини қабул қилиб, муборак узангилар у ерга етганда анвойи хизматлар ва пешкашлар билан чиқиб келдилар. Подшоҳона раҳмдиллик уларга шафиъ бўлиб, ҳаммаларига марҳамат қилиб, (гуноҳларини) бағишлади.

LXXVIII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ БААЛБАК ШАҲРИГА ЮЗЛАНГАНЛИГИ БАЁНИДА

Олий ҳазрат у жойдан кўчиб, Баалбак шаҳрига жўнади. У шаҳар ғоятда мустаҳкам, биноси ниҳоятда катта тошлардан қурилган эди, айтишларича, уни Сулаймон алайҳиссалом замонида бино қилганлар. Тошлари ва иморатларининг катталигидан уни жинлар ясаганлар

дердилар. Шунга қарамай абадиятга улангур давлат шукуҳидан у шаҳар ҳам ҳеч машаққатсиз забт этилди. Ундаги ноз-неъмат, мева ва ғаллаларнинг ниҳояси йўқ эди. Бир қанча кишилардан эшитилдики, у ҳисорнинг деворига ўрнатилган тошлардан биттасининг узунлиги йигирма беш газ, баландлиги тўққиз газ, эни эса девор ичида бўлганлиги учун худо билади қанча экан. У шаҳар тоққа яқин ерга жойлашганлигидан қор ва совуқ ғоятда кучли эди, у жойда кўп тўхталинмади. Амир Соҳибқирон пайғамбар Нуҳ алайҳиссаломнинг пок равзалари зиёратига бориб, у зотнинг (руҳи)дан мадад тилаб, дорулмулк Дамашқ сари юзланди. (230)

LXXIX. ДАМАШҚ ШАҲРИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА

Бундан илгари Ҳалаб лашкаргоҳидан қочган жамоалар Дамашққа келдилар ва Миср волийсига кетма-кет киши юбориб, уни Дамашққа келишга тарғиб қилдилар. Шунга биноан у тарқалган аскарларини йиғиб, зўр қувват ва шону шавкат ҳам ҳисобсиз лашкар билан Дамашққа келди, шаҳарни маҳкамлаб, жанг қилиш ва қарши туриш учун ҳозирлик кўришга машғул бўлди. Шу ўртада уч нафар фидойиларга заҳарланган ханжар бериб, элчи сифатида Амир Соҳибқирон ҳазратга юборди, токи улар элчилик маросимини адо қилиш асносида пайт топиб унинг жонига қасд қилгайлар. У муфсидлар буни қабул қилиб, у ҳазрат ҳузурига келдилар, элчилик маросимини адо этатуриб бир неча бор ҳаракат қилдилар, аммо Худойи таоло ҳимояти Амир Соҳибқиронни ўз паноҳида сақлаб, уларнинг қўлини ўйлаган макру ҳийлаларини ишлатишдан боғлади ва уларнинг ҳолати суратини давлат арконларига зоҳир қилди. (Давлат арконлари) гумонсираб текшириш натижасида заҳарланган ханжарни этик қўнжидан топдилар. Элчилар ночор ўз гуноҳларини бўйинларига олдилар. Амир Соҳибқирон эса шукрона саждасини бажо келтирди, бемонанд Тангри таолога ҳамду сано адо қилди, хайру эҳсон ва садақаларни мустаҳиқларга берди ва: "Бизнинг ёсоқ ва қоидамизда элчини ўлдириш расм эмас, аммо улардан бири муфсид ва фитначидир, шариат фатвоси билан уни ўлдириш жоиздир", деди. Буйруққа биноан уни ўлдириб, ўтда куй-

дирдилар. Элчилик номи билан келган иккитасини қўйиб юбордилар. Амир Соҳибқирон кетма-кет отланиб, тўхтамасдан Дамашққа юзланди. Атрофда тарқалиб юрган аскарлар фармонга мувофиқ жамъ бўлдилар. Жумоди ул-охир ойининг ўртасида саккиз юз учинчи йили (1401 йил январ ойининг охирларида) (Амир Соҳибқирон) кўчиб, бир бачанд тепа устига бориб тушди. (Икки томон) қаровуллари тўқнашдилар. Дамашқ қаровулларидан кўплари ўлдирилди. Улардан баъзиларини тутиб, ҳазрат Соҳибқиронга келтирдилар. Фармон бўлди: ҳаммасини қиличдан ўтказдилар. Яна кўчиб, Миср йўли томонида, Дамашқнинг қибла тарафида кенг ва очиқ бир саҳро бор эди, ўша ерга тушдилар.

Амир Соҳибқирон фармонига мувофиқ лашкар олдига бир одам бўйи баландлигида тошдан ҳисор — девор кўтардилар ва хандақ кавладилар, лашкарнинг ўнг ва сўл қисми, қалъ ва қанотидан қаровул чиқариб илгари юборилди, туманлар, ҳазоралар ва садалардан пиёда ва отлиқ кўшинлар чиқарилди, токи улар кечаси муҳофазат қилиб тургайлар ва душманнинг шарридан сақлагайлар.

Шу ўртада ажойиб бир воқеа содир бўлди: мардоналиги зикри бир неча бор айтилиб келинган амирзода Султон Ҳусайн баҳодир (231) бир жамоа муфсидлар ва ҳар жойлик бебошлар фириби ва гурури билан юз ўгириб, (гўё) чопқин яшаш мақсадида Дамашқ томонига юзланди. Уни султонларга хос расму русум ва ҳурмат билан шаҳарга келтирдилар, қадамларини иззату икром билан қарши олиб, унинг мувофиқатчилигидан шоду хуррам бўлдилар ҳамда бу ҳолни нусрат ва зафар муқаддимаси деб билдилар. Қисқаси унинг вужуди туфайли уларда қувват ҳосил бўлди. Миср волийси уни ҳадду андозадан ортиқ эъозлади.

Икки кун шу алфозда ўтгач, Амир Соҳибқирон иш кўрган ақлли кишилардан бирини Миср волийсига элчи қилиб юборди. Мазмуни шундай: "Бизнинг ҳар бир ишда узоқни ўйлашимизни билдингиз ва олий ҳимматимизни ҳар бир кечмишдан фаҳмладингиз. Ҳар бир ишда одамларнинг этагидан тутадиган нарса ғайрат ва ор-номусдир. Мамлакатларни олишдан подшоҳларнинг талаби ҳам бундан бошқа эмасдир. (Мисраъ):

Ҳамма кори жаҳон номусу номдир.

Биз бир неча бор Отломишни талаб қилдик, юбормадингиз, бу борада баҳона ахтариш ва сустлик кўрсатишни

шу даражага етказдингизки, ирода жиловни бизни бу жонибга келтирди. (Байт):

Сўз муноқашани шу жойга етказадик,
Қадимий хонадонни ҳам вайрон қилади.

Шунга қарамай агар ишнинг оқибатини ўйлаб кўрсангиз ва уни юбориш билан ўтган кечмишнинг тадорикини қилсангиз, ўзингиз учун яхшилик қилган ва аҳлу аёлингизни ўзингиздан миннатдор этган бўласиз ҳамда биз билан дўстлик эшиги очилиб, ору номусингиз, молу манол ва мулкингиз бизнинг жаррор лашкаримиз зараридан сақланиб қолгай".

Улар ўтган галдагига хилоф тарзда элчининг қадамларини эъзозу икром билан қарши олиб, таъзим ва улуғлаш маросимини бажо келтирдилар-у, бироқ шу ўртада раъд отувчилар, чарх ташловчилар, найза санчувчилар ва шуларга ўхшаш кишилардан кимки бўлса ҳаммасини (элчи) кўригидан ўтказар эдилар. Буларга ўхшашлардан ўн мингдан ортиқ тажрибакор киши Амир Соҳибқирон ўрдусида муҳайё эканлигини билмас эдилар. Сўзнинг қисқаси, охирида одам сонигаги кишилардан бирини элчи билан бирга юбориб, беш кун ичида Отломишни юборишни қабул қилдилар ҳамда агар Амир Соҳибқирон бундан буён иноят кўрсатадиган бўлсалар, биз фармонбардорлик йўлида нимаки лозим бўлса, бажо келтирамиз ва имконимиз борича у кишининг муборак ризоликларини олишга тиришамиз, дедилар.

Элчи палос ўпишга етишгач, Амир Соҳибқирон подшоҳлар марҳаматига лойиқ тарзда уни сийлади, инъому эҳсонлар билан тақдирлади ва яхши ваъдалар бериб, хушдил қайтарди. Одамлар бу сулҳга асос солинишидан гоятда шод бўлдилар.

Шу миёнада юртчилар: "Бир неча кундан бери манзилгоҳ қилиб турилган бу мавзеда ўт қолмади. Дамашқнинг шарқ томонида сув ва ўт кўп, агар улар муҳлат сўраган бир неча кунда у томонга кўчиб борилса, муносиб бўларди, уловлар тиниқиб, осойиш топардилар", деб арз қилдилар. У томонга кўчишга фармон жорий бўлди. Бу кўп сонли лашкар ҳаракатга келгач ва Худойи таоло ўз қазоси ҳукмини душман устига йўллаб, (232) уларнинг димоғини қайтадан шайтоний васвасалар ҳам жоҳиллигу нодонлик далили бўлмиш фикрлар қўлига

топширгач, улар шу қадар қудратли лашкар биздан қўрқиб қочаяпти, деган қарорга келдилар. Дамашқ лашкари шу тасаввур ва ғурурга алданиб: "Ҳозир улар кўчиш билан машғул, фурсатни ғанимат билиш лозим, чунки шундай ҳолатда улар аскарни бошқаришдан, қалбу қанотларга риоя қилиб, сафларни тузишдан ожиз қоладилар, агар бу фурсатни қўлдан бермасдан катта куч билан иттифоқликда уларнинг орқасига тушсак, албатта зафар қозонамиз ва то қиёматгача бу ном биз учун етарли бўлади", деди. Тангри таолонинг тақдири уларнинг тadbирига афсус қилди, ажал орзулари устидан кулди. Улар ғайб пардаси ортидан Амир Соҳибқироннинг ғалабаси суврати юз кўрсатажагини, Шом лашкари ҳалокатидан унинг давлати тонги дам уражагини билмадилар. (Байт):

Жаҳонда ким билгай Худодан ўзга,
Замона не ўйин кўрсатгай кўзга.

Ана шу бузуқ фикрга биноан Шом лашкари барчаси отга минди, Дамашқнинг аҳолисидан кимки ўзида андак қувват ҳис этса, лашкарга мувофиқат кўрсатиб бирга чиқдилар. Алҳақ Дамашқнинг барча саҳролари отлиғу пиёдалар билан батамом тўлди. Отлиқлар ҳаммаси совут ва садоқларни мукамал тақинган, авом халқ эса қўлларига камону ханжар тутган эди. Уларнинг кўплиги шу даражага етган эдики, тажриба кўрган оқиллар, иш кўрган жангчилар у ҳақда ўйланиб қолдилар. Оддий кишиларни айтмаса ҳам бўлади, ҳатто диловар мардлар ҳам ихтиёр жilовини қўлдан беришларига яқин қолди.

Амир Соҳибқирон дамашқликларнинг аҳдни бузиб, вафосизлик қилганликларини кўргач, бедавлатлик уларнинг этагидан тутганлигини ва бебахтлик уларнинг гарданини хорлик чамбарагига суққанлигини билди ҳамда ўз синалган бахтига паноҳ тортиб, Тангри таоло номи билан дилини дадил тутди ва эллик нафар чамаси хос мулозимлари билан бир тепа устига чиқиб ўтирди, дастурхон ёзиб таом тортишни буюрди. У тепа устидан ҳеч нарса билмагандек Шом аскарларини кузатиб, токи жувонғор аскарлари батамом етиб келгунча (ҳужумни) кечиктириб турди. Шу миёнада Шом аскарлари ҳам яқин етдилар. Амир Соҳибқирон муқаддима, қаровул ва манғлой тайин қилди ҳамда ўзининг жilовида бўлган баъзи марди майдонларга буюрдикки, ҳар бирлари жувонғор, буронғор ва қул (қисмлардан) юз кишини танлаб

олиб, уларга ёрдамга жўнасин; фармонга мувофиқ иш тутдилар. Қолган нусратманд аскарларга буюрдики, улар тоққа орқа қилиб ҳар бирлари ўз жойини сақлаб қўнсинлар. Дарҳол чодир ва хос чодирларни тикладилар, соябонлар қанотини ёйдилар ҳамда илгари баён этилган қоидага амал қилиб олдиларига тошдан девор кўтардилар. Суворийлар барчаси совут кийган ҳолда тўда-тўда, балки тоғ-тоғ бўлиб илгари ўтиб, сафларни ораста қилиб, душманга рўбарў турдилар. Сўнгра фармонга биноан ўнгу сўлдан бирданига ҳамла қилдилар. (233) Мардлик билак кучининг зарби, бахт мусоадасининг қуввати билан у беҳадду ҳисоб жамиятни ва сон-саноксиз лашкарни Дамашқнинг боғ ва иморатлари ёнигача ҳайдадилар, улардан ҳадду ҳисобсиз кишиларни ўлдирдилар ва кўпларини асир олиб, бандга солдилар. Ўлдирилган пиёдаларнинг ҳисоби йўқ эди.

Шу куни забт этувчи давлат шукуҳи билан ғолиб аскарлар жанг сафида Султон Ҳусайнга стиб, унинг жонига қасд қилмоқчи бўлган эдилар, у ночор ўзини билдиришни лозим топди. Уни танигач, одоб сақлаш вазифасига риоя қилган ҳолда тутиб, ҳазрат Соҳибқиронга келтирдилар. У подшоҳона марҳаматлар ва падарона меҳр-муҳаббатлар юзасидан ҳарчанд гуноҳидан ўтса ҳам, аммо, ёсоқ ва подшоҳлик қоидаларига риоя қилиб, ҳибс этиш ва бандга солишга ишорат қилди. Бир неча кундан кейин амирзода Шоҳрух баҳодир шафоати билан уни ҳибсдан бўшатиб, сарпо ва суюрғоллар билан тақдирлади.

Эртаси куни тонг отгач, нусратманд аскарлар у жойдан кўчиб, Дамашқ боғлари яқинига бориб тушдилар ва туралар, говсипарлар, сепоялар билан ўз атрофларини айлантириб, қўрғон қилдилар. Ариқ сувидан фойдаланиб хандақлар қазидилар. Бу ишдан фориг бўлгач, ҳукмга мувофиқ ҳамма отлиқлар кўприкдан ўтиб, душманга муқобил саф тортдилар. Ўнгу сўл, қалбу қанотларни ораста қилдилар. Душман аскарлари эса отлиғу пиёдалари ҳадду ҳисобсиз, жанг асбоб-олатлари ҳам бениҳоя эканлигига қарамай, ўтган жанг қўрқинчи ва хавфидан ғоятда андишноқ эдилар. Улар бетоқат ва беқарорликка тушиб, битта-битта, ўнта-ўнта бўлишиб қоча бошладилар. Миср волийси амирлар билан машварат тузиб, вақт тақозоси нима эканлигини сўради. Баъзилар: "Гарчи ёмон кўз тегиб, биздан кўп кишилар ўлдирилган ва асир тушган бўлса ҳам, аммо, Худога ҳамд бўлсинки, шаҳар ва қўрғон барқарордир, марди майдонлар кўп, собитқадам бўлиб

жангга тайёрланамиз, шаҳар ва қалъани ҳимоя қиламиз", дедилар. Баъзи иш кўрган оқил кишилар ва тажрибали амирлар эса айтдилар: "Ўз ақлини алдаб, йўлдан уриш донолар иши эмас. Бу жамоа лашкар тартибларига риоя қилмай ҳар бири ўз элу юрти билан кўчиб турган бир пайтда сизлар шундай тартиб ва тажаммул билан уларнинг кетига тушиб, кўрдингиз аҳвол нима бўлди. Агар оқил бўлсангиз, шундан ибрат олинг. <Кимда-ким хатарли мақомдан ўз бошини саломат қутқарса, фойда қилган бўлади>¹, деганларидек, фурсатни ғанимат билинг, кечани саломатлигингизга либос қилинг ва Миср йўлига тушинг, лашкардан кўп кишилар ҳали шаҳардадирлар, авом халқ ўз жони ва аҳли аёли учун ҳаракат қилмоқда, агар иш илгари босса, мақсуд ҳосилдир, акс ҳолда эса — биз саломат қутулиб қолган бўламиз", дедилар. Ҳаммага бу сўз мувофиқ келди.

Лашкарни тинчлантириш ва қочишга имкон яратиш учун Миср волийси элчи юбориб: "Бу бўлиб ўтган воқеа биздан бўлмади, бир жамоа жоҳил авом халқдан содир бўлди, биз эса ҳали ўша айтган сўзимизда турибмиз. (234) Амир ҳазратлари (бугун) қўнсинлар, эртага нима талаблари бўлса бажо келтирамиз, ўтган воқеа узрини тилаймиз, сулҳ ва дўстлик бобида бундан илгари бўлиб ўтган мубоҳасамизни муқаррар қиламиз", дедилар. Шу ҳолатда аскарлар отга минган эдилар, ҳукм содир бўлди, ҳаммалари отдан тушдилар. Ярим кеча бўлган пайтда Миср волийси кўпчилик амирлари ва давлат арконлари билан қочиш йўлига юз тугиб, Миср дорулмулкига жўнади.

Нусратли лашкар бу ҳолатдан хабардор бўлгач, уларнинг кетидан никомиший қилиб қувиб кетдилар. Амирзода Султон Ҳусайн баҳодир, амирзода Рустам баҳодир, амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳ Малик, амир Севинчак, амир Аллоҳдодлар, ўзга амирлар ва баҳодирлар билан уларнинг кетидан жўнадилар, етиб бориб аскарларининг кўпини пиёда қилдилар ва баъзиларини қатлга етказдилар. Қолган лашкар мол, совут, от, хачир, тезрав туяларини ташлаб, жонларини саломат қутқариб кетдилар. (Мисраъ):

Ўз вақтида қочиш — зафар топмоқдир.

Галаба ёр лашкар зафар қозониб қайтгандан кейин, "ҳаммалари кўчиб, муқаррар тартиб ва қоидага риоя

қилган ҳолда Дамашқ сиртига стиб борсинлар ва боғлар орасига кириб, Дамашқни ўртага олсинлар", деган ҳукм содир бўлди. Шундай қилдилар. Ҳақиқатда Дамашқнинг ярмини ташкил этган шаҳарнинг ташқи қисмини шу куниеъ олдилар. Шу қадар кўп мол, олтин, кумуш, қурол-аслаҳа, от, хачир, ҳар хил нафис моллар ва ҳар тур матоларни талон-торож қилдиларки, чаққон ҳисобчилар улардан баъзисини бўлса-да, саногини олишдан ожиз қолдилар. Ғалла ва мевалар ҳамда шу қабилдаги нарсалар ниҳоятда кўп эди. Мансур лашкар фаровонлик ва осойишталикка эришиб, боғлардан кўчдилар ва шаҳар сиртидаги уйларга тушдилар.

Амир Соҳибқирон Расулulloҳ <у зотга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин>нинг муҳтарам ҳарамларидан Умми Салама ва Умми Ҳабибалар <у иккиларидан Худо рози бўлсин> зиёратини ва Билол Ҳабаший ¹ <у кишидан Худо рози бўлсин>нинг зиёратини бажо келтирмоқ учун отланди. Бориб у шарафли мақомлардан кўмак сўраб қайтгач, Миср султонининг уйи — Қасри Аблақга қўнди. Дамашқ аҳолиси кўрқинч ва изтиробга тушди. Қозилар, имомлар ва юрт катталари ўтинч, ёлворишлар билан чиқиб келдилар, нафис туҳфалардан пешкашлар торт дилар ва дарвозани очиб, амон молини қабул этдилар ҳамда у молни адо этиш учун бир неча кунга муҳлат сўрадилар. Аммо қалъадаги амирлар ва аскарлар қалъанинг мустаҳкамлигини ўзларига орқа таянч қилиб, муҳолифат изҳор қилдилар. Ўқ, найза, манжаниқ ва арродаларни ишга солдилар, ўқ ота бошладилар. Ҳақиқатда у ғоятда маҳкам ва ниҳоятда мустаҳкам бир қалъа эди. Унинг биноси остидан то тепасигача катта тошлардан кўтарилган, ғоятда баланд ва ишончли қилиб қурилган эди, айланасида чуқурлиги тахминан ўттиз газ, эни йигирма газ келадиган кенг бир хандақ бор эди. Шундай мустаҳкам бир жойда мард кишилар, жанг майдонининг баҳодирлари ўқ ва найза захми, нефт қоруралари ўти билан (235) ҳеч бир махлуқни қалъа айланасига яқин йўлатмас эдилар. Амир Соҳибқирон равшан раъйи ва узоқни кўра билувчи ақли билан бу борада чуқур ўйлаб кўргач, буюрди: фармонга биноан амирзода Амироншоҳ баҳодир, амирзода Шоҳрух баҳодир, амирзода Султон Ҳусайн баҳодир, амирзода Пир Муҳаммад баҳодир, амирзода Халил Султон баҳодир, катта амирлардан амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳ Малик, Бурундуқ ва Али Султонлар ҳаммалари қалъанинг айланасига муқаррар тартибда бориб тушдилар. Саркорларни тайин

қилиб, нақб кавлашга ва манжаниқ ясашга машғул бўдилар. Хандақ айланасига ёғоч, тош ва совутлардан девор кўтардилар. Ишчилар ва чоҳ қазувчилар шундай моқирлик билан ишга киришдиларки, ундан аълосини тасаввур қилиш мумкин эмас эди. Қалъа тепасидан нефт қоруралари ва тошларни қанчалик кўп отмасинлар ҳамда ўқу новакларни ёмғирдек ёғдирмасинлар, атоқли амирлар ва жанговар йигитлар унга парво қилмай, қалқонларини бошларига тутиб илгари юрар ва кавланадиган нақблар оғзи қай ерда бўлишини тайинлаб берар эдилар. Манжаниқларни қалъа атрофига қуриб, унинг каффасидан отилган ҳар бир тош бир тўда халқни ҳалок этар ёки бирор иморатни хароб қиларди. У бахти қаролар ҳозиргача ҳам ўзларига келмай, жалодату ботирлик билан шунчалар кучли лашкар, шундай раёю тадбир эгаси бўлган Соҳибқирон ва шу миқдордаги қувват ва шавкатга қарши катта бир ишни уддалаймиз деб гумон қилар эдилар. <Эй воҳ, совуқ темирни сўқмоқдасан> (деганларидек) совуқ темирни сўқмоқ ва мушкул орзуни қилмоқ ўзига фириб бермоқдир. Бу ақлли кишининг иши эмасдир.

Шу ўртада Амир Соҳибқироннинг теран фикри ва тадбирида бир ҳолат рўй бериб, амирларга ва давлат арконларига айтди: "Ҳамиша бизнинг қулоғимизга эшитилиб келар эдики, бу мамлакат бир қанча вақт Муовия² ва Язид³нинг ҳукми остида бўлганида, улар доимо (пайғамбар) Мустафо <у кишига Худонинг раҳмати бўлсин>нинг хонадонларига, айниқса куёвлари ва биродарлари, яъни Алийи Муртазо ва унинг қиёматли хотини Фотимайи Заҳро фарзандларига <улардан Худо рози бўлсин> нисбатан душманлик қилиб келардилар, кучлари етганча уларга қарши жанг қилиш, ўлдириш ва асир олиш каби ишларни амалга оширардилар. Шом халқи бу ишларда уларга мувофиқатчилик қилардилар. У эътиқодлардан таажжубланиб: "Барча пайғамбарларнинг афзали бўлмиш (Муҳаммад) пайғамбар умматларидан бир тоифаси у зотнинг ҳидоятлари нури билан залолат зулматидан қутулиб, дўзах зиндони бўлмиш мушрикликдан беҳишт бўстони бўлмиш исломга етишган бўлса-ю, қандай қилиб у зотнинг хонадонига шу қадар бедодликлар қилади", деб ўйлар эдим. Ҳозирда у нақл ҳақиқатига етдим, кўраяпманки, шундай улуғ бир шаҳарда ўзларининг ҳавою ҳаваслари учун бу ҳамма олий иморатлар, баланд уйларни кўтарганлар, кўнгил очар мав-

зеълар, дилкушо боғлар, осмонга бош тортган қасрлар қурганлар. Аммо Расулulloҳ <у кишига Худонинг раҳмати ва саломи бўлсин>нинг бу жойда ором олиб ётган азиз ҳарамлари учун на мурувват юзасидан ва на диндорлик юзасидан муборак марқадлари устига олий иморатлар ва гумбазлар қуриш у ёқда турсин, лоақал тўрт девор айлантириб қўйишга ҳам бир ҳимматли киши бўлмаган. Шундай қавмга Худойи таоло қандай қилиб бало юбормайди ва уни уқубатга гирифтор қилмайди?" — деди. (236)

Сўнгра у икки муборак мазор устига икки гумбаз кўтаришга ишорат қилди. Бу бинони қуришга амирзода Абу Бакр, амирзода Халил Султон, амирлардан амир Шайх Нуриддин, Али Султон ва Менгли Хожаларни тайин қилди. Йигирма беш кун муддат ичида икки олий гумбазни оқ тошдан баланд кўтардилар.

Шу миёнада (шаҳардан) қозилар, имомлар ҳамда улуг кишилар чиқиб келдилар ва: "Биз амон молини йиғишнинг уҳдасидан чиқолмаймиз, илтимос шулки, амирлардан баъзиларини молни йиғишга тайин қилинса", деб қатъий арз қилдилар. Фармонга биноан амир Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Малик шаҳар ичига кириб, мол йиғиш ва ўзга муҳимлотларни тайёрлаш билан машғул бўлдилар.

Амир Соҳибқирон сидқи ният ва пок эътиқодли бўлгани учун Бани Умайя масжидига харобалик йўл топишини хоҳламай, бир жамоани бу ишга тайин қилган ва улар бу мавзёни муҳофазат қилишни вожиб билсинлар, деб буюрган эди. Ногоҳ одамлар беҳабар ва ҳеч кимсанинг ихтиёрисиз Дамашқ шаҳрига ўт тушди. Ҳар йили бир марта ё икки марта Дамашқнинг бирор жонибига ўт кетиши илгаридан одат бўлиб қолган эди. Қозилар, ақобирлар ва аъёнлар жамъ бўлишиб, минг турли йўллар билан ўтни ўчирардилар. Шу сабабдан Дамашқда доимо иморат қуриш билан машғул бўлардилар. Бу гал ўт кетганида эса одамларда уни тинчлантиришга мажол ва ўчиришга қувват йўқ эди. Амирлар ва ўрду вазирлари у ўтни ўчиришга кўп ҳаракат қилдилару, ҳеч бир натижа чиқара олмадилар. Ўт кундан-кунга ортиб борди. Чунки шаҳар иморатларининг остки табақаси тошдан қурилган-у, унинг устига уч табақа, тўрт табақа ва беш табақа қилиб қурилган олий хоналар ҳаммаси ёғочдан ишланган эди. Шундай жойга умумий

ўт тушиб, шаҳар атрофини ҳам ўраб олса, уни Худодан бошқа ким дафъ қила олади?!

Шу миёнада Амир Соҳибқирон (кавланган) нақбларга ўт қўйишни буюрди. Қалъанинг ғарбий буржи томонида бўлган Султон Ҳусайн баҳодир ва Олтун Бахшийлар ишчиларга буюрдилар, улар ўт қўйдилар. Дамашқ қалъасидан бир зўр бурж қулаб тушди, ҳисорга катта бир йўл очилди. Лашкар баҳодирлари ҳисорга кирмоқчи бўлиб турганларида тўсатдан деворнинг қолган ярмиси ҳам қулади. Зўр чанг ва тўзон кўтарилди. Аскарлар орқага тисарилдилар; қалъадагилар вақт топиб, у раҳналарни яна маҳкам қилдилар. Лекин хавф ва қўрқинч уларнинг дилларига йўл топиб, ожизлигу музтарлик юзасидан зорланиш ва ёлворишга тушдилар. Аммо шунга қарамай ҳамон баҳона кўрсатиб суслик қилишар, далирлик билан шаҳардан чиқишга ўзларида шижоат ва куч-қувват топа олмас эдилар. Яна Амир Соҳибқирон буюрди, кавланган нақбларга ўт қўйдилар, қалъанинг бир томони бирданига қулаб тушди. Қалъанинг амирлари ва катталари ноилож чиқиб келдилар, итоат ва фармонбардорлик мақомида туриб, дарвозани очдилар ва калитларни топширдилар. Фармонга мувофиқ аскарларини лашкарга тақсимлаб бердилар. Ниҳоятда кўп мол, асбоблар, поёни йўқ нафис ва тансиқ нарсаларки, кўп йиллардан буён у қалъага йиққан эдилар, (237) аъло девоннинг тасарруфига ўтди. Сўнгра фармон бўлди: ҳунармандлар ва касб эгаларини, турк, ҳабаший ва ҳиндий қулларнинг ҳаммасини ташқари чиқардилар, қолган эркагу хотин, каттаю кичикни асир олдилар. Ишлатилмай қолган нақбларга ҳам ўт қўйдилар: шундай катта бир қалъа шу қадар хароб бўлдики, ундан асар ҳам қолмади. Дамашққа ўт кетганлиги учун унинг барча аҳолиси саҳрода қолган эди, (803 йил) ражаб ойининг аввалида (1401 йил 15 феврал) аскарлар талон-торожга қўл чўздилар ва Дамашқ аҳолисини асир олдилар. Бирор кишини ҳам ўлдирмасинлар, одамларни ҳалок этишдан қўл тортсинлар, деган ҳукм содир бўлди.

Шаъбон ойининг аввалида (1401 йил 17 март) Амир Соҳибқирон Дамашқдан кўчиб, Қора йўли билан равона бўлди ва Ҳўмс шаҳридан ўтди. Амирзода Султон Ҳусайн баҳодир, амирзода Халил Султон баҳодирларга илғор сифатида Антоб томониغا жўнасинлар, деган ҳукм содир бўлди. Амир Бурундук, Али Султон, Давлат Темур ва Тўкал

Қарқаро тумонлардан (сайлаб олинган) катта бир лашкар билан уларнинг кетидан равона бўлдилар. Туркманлар уларга қарши туриб, ҳаракат ва мардоналик билан у балодан жонларини қутқазмоқчи бўлган эдилар, уҳдасидан чиқолмадилар. Охирида қочишга юз тутдилар, молу манол, уй-жой, от, туя, хачир, қорамол, қўйлардан беҳадду ҳисоб жойида қолдирдилар. Аскарлар янгитдан кўп ғаниматлар ва ҳисобсиз нозу неъматлар олиб, Фирот (дарёси) лабида ҳазрат Соҳибқиронга етдилар. Амир Соҳибқирон ҳазратлари Ҳамодан Дамашқ томонига кетди. (У ерда) яна бир гуруҳ кишилар беҳуда ҳаракат қилиб, душман бўлган ҳамда бундан илгари зикр қилинган (Амир Соҳибқирон) тураржой учун қурдирган иморатни ўйламасдан вайрон қилган эдилар. Муборак рикоб у жойга етгач, шаҳарни куйдириб, одамларини асир олишга фармон бўлди; қолган молу асбобларни талон-торож қилдилар.

Сўнг Амир Соҳибқирон у жойдан Ҳалаб шаҳрига юзланди. Юқорида зикр этилган амирлар Ҳалабда қалъада эдилар, палос ўпишга келдилар. Шундай зўр ҳисорни икки кунда шу даража хароб қилдиларки, ундан асар ҳам қолмади, шаҳарнинг сақланиб қолган жойларини ҳам куйдирдилар. Амир Соҳибқирон у жойдан Фирот (дарёси) қирғоғига кўчди ва сувдан ўтиб, Бира қалъасига етди. У жойнинг амири пешкаш ва лойиқ хизматлар билан қарши олди, Амир Соҳибқироннинг подшоҳона илтифоти уни афв этди, у шаҳар ва аҳолисини унга бағишлади.

Амир Соҳибқирон у жойдан ўтиб, ов овлашни ирода қилди. Бир неча кун давомида зўр жирга тортдилар, анвойи ов ҳайвонлари шундай жамъ бўлдики, қўл билан ҳам тутиб олишар, ўқ ва найза отишар эди, жирга (доираси) торайган сари (ов) шу қадар кўп йиғилдики, ҳар ким қўли билан тутиб олар эди. Чодирлар ов гўштлари билан лиқ-лиқ тўлди. Одамлар ноз-неъматга ботиб, айшу ишратга машғул бўлдилар.

Ҳумоюн рикоб у жойдан кўчиб, Руҳо шаҳрига етди. У жойнинг катталари ожизлик ва фармонбардорлик изҳор қилиб чиқиб келдилар. Амир Соҳибқирон марҳамат этагини ёйиб, уларни афв этди. Сўнг у жойдан жўнаб, арман ҳисорларидан бўлган бир ҳисор олдидан ўтди. Унинг фармонида биноан Ислом диёрини уларнинг ҳабис вужудидан тозаладилар ва молу манолларини ғорат қилдилар. (238)

LXXX. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ МОРДИН ШАҲРИГА ЮЗЛАНГАНИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон у жойдан кўчиб, комронлик билан Мордин шаҳрига етди. Мордин малики бундан илгари Амир Соҳибқирон кишилари томонидан асирлик бандига тортилиб, бирмунча муддат Султония қалъасида маҳбус бўлиб ётди. Охири унинг ҳақида подшоҳона афв ва марҳамат содир бўлиб, (ҳазрат Соҳибқирон) уни банддан бўшатиб, сарпо бериб, анвойи тарбиятлар билан сийлаган ва ўртада аҳдномалар тузилиб таъкидланган эдики, ҳар қачон ҳумоюн яловлар ҳаракатга келса, фармонга итоат қилиб, ҳар бир хизматга ишорат қилинса бажаришга киришгусидир. Юқорида зикр қилинганидек, бу кунларда у мамлакатларни фатҳ этиш муяссар бўлган вақтда ундан кутилган нарса шахсан унинг ўзи муборак узангиларга мулозим ва ҳамроҳ бўлмоғи ёки агар бунга душманлар ҳамсоялиғи монъелик қилса, ўғиллари ё ака-укаларидан бирини мулозиматга юбормоғи лозим эди. Бу борада гуноҳларга йўл қўйганидан кейин ўзининг ёмон қилмишларидан қўрқиб, энди ҳумоюн яловлар Мордин томонига етгач, довиюраклик кўрсатиб, ихлос ва садоқат юзасидан истиқболга келса эди, марҳамат ва меҳрибонликдан бошқа нарсани кўрмас эди. Аммо пайғамбар алайҳиссалом: <Ёмон одам унга яхшилик қилганларнинг яхшилиги эвазига ёмонлик қайтармагунча дунёдан кетмайди>, деганларидек, у ўтган ҳуқуқларни унутиб, куфрони неъмат қилди, итоатни исёнга алмаштирди.

Амир Соҳибқирон амирзода Султон Ҳусайн баҳодир, амирзода Пир Муҳаммад баҳодир, амирзода Абу Бакр баҳодир ва амир Жаҳоншоҳларни жувонғор аскарлари билан Аланжақ қўрғони томонига ва Гурж диёрига юборди, ўзи эса нусратманд лашкар билан Мордин атрофига келиб тушди. Эҳсон эшикларини очиб, Мордин волийсини қанчалик ғафлат уйқусидан уйғотиб насиҳат қилмасин, яхши ваъдалар билан қанчалик сийлаб тақдирламасин, бадбахтлик унинг этагини шу қадар маҳкам тутган эдики, сира қўйиб юбормади. Мордин қалъаси ғоятда қаттиқ ва мустаҳкам эди, унинг тагидан нақб кавлаш ва манжаниқ отиш унга қор қилмасди, узоқ муддат муҳосара қилишдан ўзга чора йўқ эди. Мордин атрофида шу қадар катта лашкар отларига кифоя қиладиган ўтлоқ ҳам йўқ эди. Амир Соҳибқирон эса Бағдод

жонибига юришни астойдил ирода қилган эди. Фармонга биноан у шаҳарнинг (қалъа ташқарисидаги) ҳамма имораглари ва бозорларини вайрон қилдилар, ҳар нимаики ёниши мумкин бўлса— ўт қўйдилар.

Амир Соҳибқирон у жойдан жўнади, (239) йўлда бир мустаҳкам қалъа бор эди, уни олиб вайрон қилишни буюрди. Қалъанинг улуғлари ожизлик изҳор қилиб, ёлвориб истиқболга чиқдилар, пешкашлар тортдилар, қалъанинг калитини ҳам тутқаздилар. Амир Соҳибқирон уларнинг ҳолига марҳамат қилиб, аҳлу аёллари ва молу мулкларини уларнинг ўзига бағишлади. У жойдан то Дажла қирғоғигача ов овлаб бордилар. Қулон, қўтос ва кийикларнинг кўплигидан лашкарда мўл-кўлчилик пайдо бўлди, ҳаммалари осуда бўлдилар.

LXXXI. БАҒДОДНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқирон Мўсулга етгач, буйруққа биноан амирзода Рустам баҳодир, амир Мизроб, Тағой Буғо ўғли амир Рустам ва Севинчаклар тумонлардан танлаб олинган аскарлар билан илғор сифатида Бағдод томонига равона бўлдилар. Бағдоднинг аҳволи, эл ёки душман эканлиги ҳақида тезлик билан хабар қилиш тайинланган эди. Бу лашкар Бағдоднинг шарқ томонига бориб тушган пайтда Бағдодда турк ва араблардан иборат катта бир жамоа жамъ бўлган эди, шаҳар атрофида ҳам тарқоқ ҳолда юрган аскарлари бор эди. Улар ўз қувватларига мағрур бўлишиб, қалъа ва қўрғонлар деворларининг маҳкамлигига суяниб, жанг бошладилар. Мазкур амирзодалар ва атоқли амирлар ғайрат юзасидан мардона жанг қилиб, бир ҳамладаёқ уларни енгиб, кўпларини ўлдирдилар. Заифлик ва зўр шикасталик Бағдод аскарлари ҳолига йўл топди. Қолган аскарлар ва шаҳар аҳли жуда ҳам ожиз ва музтар бўлдилар. Аммо бундан илгарилар ғоятда эътиборсиз бўлган Фараж номли бир киши ҳозирда соҳиби ихтиёр бўлиб қолган экан, у амирлик ва улуғлик мавқеидан бундай тез воз кечишни истамади. Шаҳар аҳолисини ҳам ҳалокат ва ғоратга маҳкум этиб, қайсарлик ва саркашлик мақомида туриб олди ҳамда: "Султон Аҳмад мен билан тўхтаб қилган, у: "Ҳар қандай лашкар келса, унга қарши тур, аммо агар Соҳибқирон шахсан ўзи ташриф буюрса, шаҳарни топшир ва раиятни талофатга учратма!"— деган,

агар Амир Соҳибқироннинг ўзи келса, биз ҳаммамиз унга мутиъ ва қулдирмиз, келмаса — жангдан бошқа нарса йўқдир”, деди.

Амирзодалар ва амирлар бу ҳолни арз иззатгоҳига етказдилар. Амир Соҳибқироннинг ўзи Олтин Кўприк йўлидан Бағдодга қараб жўнади ва амирзода Амироншоҳни Дажланинг у томонидан равона қилди. Бағдодга етгач, улар шаҳарнинг атроф жонибидан ўраб тушдилар; шу қадар узунлик ва кенгликдаги бир шаҳарни узук кўзидек ҳалқага олдилар. У шаҳар (240) ғоятда маҳкам эди. (Илгарироқ) Амир Соҳибқирон томонидан у ерга ҳоким бўлиб турган Хожа Масъуд Сабзаворий ҳам уни мустаҳкамлашга кўп ҳаракат қилган, унинг хандақ, бурж ва деворларини батамом маҳкамлаган эди. Фармонга биноан ишчи-хизматкорларни ишга солиб, қай бир томонданки имкони бўлса нақб кавлашга киришдилар. Улуғ амирзодалардан амирзода Амироншоҳ баҳодир, амирзода Рустам баҳодир, амирзода Халил Султон ва амирлардан амир Сулаймоншоҳ, амир шайх Нуриддин, амир Шоҳ Малик, Бурундуқ, Али Султон ҳамда тумон, ҳазора, сада амирлари саркорларни чоқ қазувчиларга бўлиб бердилар.

Таажжуб шундаки, аҳвол шу даражага етса ҳам ҳанузгача нофаржом Фараж гафлатдан уйғонмас ва "ёлгон айтасизлар, бу келган Амир Соҳибқироннинг ўзи эмас" дер эди. Охири воқеани аниқлаб билиб келиш учун бундан илгарироқ Амир Соҳибқироннинг оёғини ўпишга мушарраф бўлган ишончли бир кишини элчиликка чиқарди, токи у аҳвол кайфиятини билиб, хабар қилгай. У элчи палос ўпишга етишгач, Амир Соҳибқирон билан юзма-юз туриб сўзлашди, сарполару марҳаматларга хос бўлиб қайтди. Бориб аҳволни ва Амир Соҳибқирон ҳақиқатда ҳам келганлигини тақдир этди. У бадбахт эса элчининг рост айтаётганлигини билса ҳам, аммо ўз ўйлаган ишига мувофиқ келмагани учун, уни ёлгончи деб айблади, ақлини йўқотиб, уни ранжитди, ҳибсга олди ва аввалгидек саркашлиқда тураберди, ўз қилмишининг ёмон оқибатини ўйламади. Амир Соҳибқирон Бағдод жонибига танҳо ўзи хос амирлари билангина келганлиги сабабли улар гумонсираб: "Агар бу келган Амир Соҳибқирон бўлса, одатдагидек лашкар тўдалари ва издиҳоми бундан кўп бўларди", дедилар.

Улар фикрининг мазмунидан хабардор бўлгач, Амир Соҳибқирон амирзода Шоҳрух баҳодир аскарларни жамлаб

тезлик билан Бағдодга юзлансин, деган жаҳон итоат этувчи ҳукм жорий этди. Фармонга биноан Шоҳрух баҳодир аскарни жамлаб, хаёл ҳисобчиси ҳам сон-саноғидан ожиз келадиган катта бир лашкар билан Бағдод томон юзланди. У катта лашкар ва поёнсиз сипоҳлар Бағдодга етишгач, атроф томонлари икки фарсах масофани ташкил этишига қарамай, шаҳар айланасини узук кўзидек ҳалқага олдилар. Кавловчиларга фармон бўлди, токи улар нақб қазिशга киришсинлар. Кавланган ҳар бир нақбга ўт қўяр ва қалъа деворидан қулатиб туширардилар, аммо ичкаридагилар яна пишиқ гишт ва ганч билан девор кўтаришар ва ўқу новак захми билан аскарларни ҳисор яқинига йўлатмас эдилар. Қирқ кунга яқин муддат шу ҳолатда ўтди. Амир Соҳибқирон сабру тоқат мақомида турди. Амирзодалар ва амирлар: "Агар фармон қилсалар, лашкар бир дафъа ҳаракат қилиб бу кечмишдан фориғ бўлурлар", деб бир неча бор арз қилдилар. Аммо Амир Соҳибқирон: "Ошиқманглар, ажаб эмас улар бу қилмишдан пушаймон бўлиб, узр айтиш ва бўйсунуш мақомига келсалар, токи қатл ва асирликка гирифтор бўлмасалар ҳамда бу шаҳар (241) тамоман харобаликка юз тутмаса", деди.

Охири иш ўйлагандек бўлиб чиқмади. Шаҳар ичида қимматчилик ва қаҳатчилик пайдо бўлди, сипоҳилар ва Бағдод халқи бирин-бирин, ўнлаб-ўнлаб ўзларини девордан ташлаб, давлат арконларини восита қилиб, оёқ ўпишга кела бошладилар. Амир Соҳибқирон уларга раҳм қилиб афв этар ва ўз марҳамати билан сийлар эди. Иш ҳаддидан ошиб, энди баҳона ахтариш ва суствлик қилишга фурсат қолмагач, фармонга биноан амирзода Рустам баҳодир, амирзода Халил Султон баҳодир, амир Шайх Нуриддин саккиз юз учинчи йили зу-л-қаъда ойининг йигирма етгисида (1401 йил 9 июл) Тангри таолога таваккал қилиб қалъа томон юзланиб, деворларга нарвонларни маҳкам ўрнатдилар ва арқон ташлаб ҳамла қилдилар. Ҳаммадан илгари амир Шайх Нуриддин қалъага чиқиб туғни тикди, унинг кетидан мазкур амирзодалар чиқдилар, сиёсат ва қатл қиличини қинидан суғурдилар, бирваракай курка ва нағора қоқиб, карнай ва бурғу чалдилар.

Бундан илгарироқ амирзода Амироншоҳ баҳодир, амирзода Шоҳрух баҳодирларга Дажла дарёси тепа оқимини муҳофазат қилиб туришларига фармон бўлган эди. Сувнинг у томонидан эса Муҳаммад Озод ва Тангрибердилар кўп аскар билан тушиб, йўлни беркитиб турардилар. Ҳеч бир

махлуқнинг бирор тарафга чиқиб кетишига имкон йўқ эди. Шу ҳолда Бағдоднинг ғарб томонидан амирзода Амироншоҳ баҳодир, амирзода Шоҳрух баҳодир, амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир ҳамда тумон, ҳазора, сада ва қўшун амирлари, шимол томондан эса амир Рустами Тағой Буго, амир Шоҳ Малик, амир Бурундуқ, Али Султон ва ўзга қўшунларнинг амирлари бирданига ҳамла қилдилар, қалъа деворларини хандаққа қулатдилар ва қалъанинг ҳамма тарафидан кириб келдилар.

Бундан илгари Амир Соҳибқирон фармонига биноан Бағдоднинг қуйи томонида Дажлага кўприк солинган ва у жойга моҳир тирандозлар тайинланган эди. Бағдоднинг аҳволи шу даражага етгач, ҳар киши қайси томонга бормасин, ўзини аскар орасида кўрди. Халқдан: <Қочар ер қайда!> деган фиғон кўтарилди, заруратан баъзилар жон хавфидан ўзларини сувга отдилар, кўприкка етганда эса аскарлар ўқ билан уларнинг ҳаммасини ҳалок қилдилар. Шаҳарда қолган эркагу аёллар, ёшу қариларнинг ҳаммаси қатл этилсин, деган ёрлиғ жорий бўлди; уни бажардилар. Саксонга кирган қария ва саккиз ёшли бола қаҳру ғазаб бозорида бир баҳода кетдилар. Бераҳмлилик ели эсиб, умрлар кемасини ҳалокат ва увол дарёсига шўнғитди, қаҳру ғазаб бўрони уларнинг вужуди баргию ҳосилини хорлик тупроғига отди. Улардан юздан бири ва кўпдан андаки қолган бўлса фармон ҳукмига биноан ҳаммасини асир қилдилар. Уламою солиҳлар ва машойхлардан бир жамоа ўзларини аранг Амир Соҳибқирон ҳузурига етказа олган эдилар, улар борасида марҳамат кўргазиб, тўн ва улов берди, сарфу харажатларига маош тайинлаб, саломат ўз жойларига етказди. Сўнгра ҳукм жорий бўлди: Бағдоднинг иморатлари, (242) бозорлари, саройлари ва жомеъларини (оятда айтилганидек) <ер билан яксон>¹ қилдилар, токи бундан (оятда) <албатта бу ишда кўзи очиқ донолар учун ибрат бордир>² (дейилганидек) жаҳон аҳли ибрат олсинлар! Ҳа, Қуръон фармони шундай содир бўлган, яъни: <Бирор бир шаҳар йўқдирки, биз уни қиёмат кунидан илгари ҳалок қилмасак ёки қаттиқ жазога дучор этмасاق. Бу маъни Китобда — тақдири азалда ёзиб қўйилгандир>³. Аҳвол шу тариқада бўлгандан кейин илоҳий ҳукмга гардан қўйиб, ризолик ва бўйсунуш мақомида турмоқ лозимдир. (Байт):

Ҳар на келса сендан яхшидир бизга,
Хоҳи у шифодир ёки аламдир.

LXXXII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ БАҒДОДДАН ҚАЙТИБ, ТАБРИЗ ТОМОН ЖЎНАГАНЛИГИ БАЁНИДА¹

Галаба шиорли ялов бахтли толе билан Бағдоддан қайтганида Курдистон йўли билан Табриз томон юзланди. Галаба ёр аскарлар чодирини Оқ Машҳад саҳросига тикилган пайтда Эрон замин мамлакатларининг, айниқса, қуббат ул-ислом Табризнинг саййидлари, акобир ва аъёнлари ҳумоюн ялов истиқболига келиб, муборак қўшуннинг губоридан кўзларини мунаввар қилдилар. Инсонларнинг шарафлиси ва дину миллатга асос бўлган уламолар бир қанча мажлисларда илмий мувоҳасалар, шарбий масалалар билан олий тахт поясини осмон қуббаси чўққисига етказдилар ҳамда лутфу марҳамат, инъому эҳсон билан сийланиб, иззату икромга хос бўлдилар.

У ердан муборак ялов Ужон томонига қўзғалди, Амир Соҳибқироннинг вужуди туфайли Кўшки Ғозон бир неча кун давомида жаннат айвонию боғининг рашкини келтириб турди. У жойдан иқбол яловининг юзи муборак толеъ ва бахтли фол билан Табриз дорулмулкига қаради, у мулк майдони ўз соҳибининг қадамлари туфайли фалаклар қасрларидек баланд қадр бўлди.

Амир Соҳибқирон раият ва заифу ожизлар аҳволини чуқур текшириб, золимлардан ўчини олиб, мазлумларнинг додига етди. Хосу авомларни инъому эҳсон ва лутфу марҳамат билан кўнглини кўтариб, Гуржистон томонига жўнади, токи янгитдан қилич юзини дин душманлари қони билан гулгун этгай ва мамлакатни уларнинг палид вужудидан буткул тозалагай. Подшоҳона ҳиммат шунга қаратилганки, ислом дини ва амну амонлик ялови мамлакатда пойдор қолгай; хисравона қасд шунга сарф этилардики, мушриклигу динсизлик туғи пасту баландда юз тубан йиқилгай. Гурж аскарлари Амир Соҳибқирон йўқ пайтида ўз ҳадларидан ташқари оёқ босиб, мухолифат ва бадфезълик эшигини очганликлари учун Амир Соҳибқирон уларнинг етарли даражада адабини беришни хоҳлади. Муборак ялов (243) Шамкур саҳросига² етганида гуржилар кўрсичқон каби куёш нури шуъласидан бевожудлик ва номуродликнинг қоронғи кунжига кириб кетдилар, қочишдан, ваҳшат у нафратдан бошқа чора топмадилар. Аммо ерлари,

шаҳарлари, экинлари ва аҳлу авлодларини Амир Соҳибқироннинг газаб ўтидан сақлаш учун заруратан қайта-қайта элчи юбордилар, нодир тухфалар, отлар ва ҳар хил жониворлардан иборат тортиқлар тортиб, илтимос қилдилар: "Ҳазрати Амир Соҳибқирон раҳмли Тангри ва ҳазрати раб-биллоламиннинг соясидирлар. Тангрининг раҳмати мўъминларга қаратилган бўлганидек, унинг карами кофирлар ва мушриклар учун ҳам насиба етказувчи ва нигоҳбондир, барча унинг раҳмати дастурхонидан насибадор, карам ва эҳсонидан ҳиссадордир. Бизнинг илтимосимиз шулдирки, журмимиз устига афв этагини ёпиб, гуноҳимиздан ўтсалар ва бу навбат яна бизга муҳлат берсалар, токи бундан кейин илгариги подшоҳлар ва оталаримиз бу мамлакатлар султонлари билан қандай яшаган бўлсалар, биз ҳам шу тариқа ҳаёт кечирайлик, божу хирож молларини хазонайи маъмурага етказайлик, ҳарбий юришларда муқаррар қилинган миқдорда аскар жўнатайлик. Агар жизя тўлаб турсак ва амонда эканлигимизни билсак <сизнинг динингиз ўзингиз учун, менинг диним ўзим учун>³ни ўқияжамиз".

Амир Соҳибқирон уларнинг илтимосини ижобатга олиб гуноҳларидан ўтди, ҳадыларини қабул этиб, шундай муқаррар қилди: "Бундан кейин қуллик мақомига дохил бўлиб, яхши бандалик вазифаси ва мақбул хизматларни адо этишга киришсинлар, ёзишмалар ва борди-келди эшигини очсинлар, мусулмонларни ўз жойларида эмин ва азиз тутсинлар, бединлар қондаларини мўминлар вилоятида ошкора этмасинлар". Улар шу шартларни қабул қилиб, бу ҳақда аҳду паймон боғлаганларидан кейин Амир Соҳибқирон уларнинг элчиларини сийлаб, сарполар кийгазиб кўнгилларини кўтарди ва қайтариб юборди. Сўнг у жойдан кўчиб, Қаробоғ қишлоқига жўнади.

LXXXIII. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ҚАРОВОҒДА ҚИШЛОҚ ҚИЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

Гуржилар ҳодисаси дил истагандек тамомланиб, уларнинг гарданкашлари қуллик ва фармонбардорлик бўйинтуруғига бош суқгач, ҳазрати аъло Қаробоғ томон юзланди. Бахт ўнг томонда-ю, шодлик чап томонда (804 йил) рабиъ ул-охир ойининг йигирма иккисидан (1401 йил 29 ноябрь) у жойга етдилар. Улуғ амирлар, иззатли нўёнлар, атоқли шаҳзодалар ва комкор хотунлар у жойда ҳашамат

паноҳи бўлмиш саропардалар, хийма ва хиргоҳларни тикдилар. Нусрат ва ғалабадан дарак берувчи яловнинг мсҳичасини у саҳроларда осмонга етказдилар. Шу миёнада (244) қиличининг барқи жаҳонни забт этувчи яшин тигидек, фикрининг офтоби оламни ёритувчи қуёш нуриддек бўлмиш адолатли ва қарамли, мардлигу виқор таянчи, Тангрининг пок сояси, (тўрт) унсуру аркон хулосаси, ҳозирги замон валиаҳди, Худонинг иноятига хос улуғ амирзода Муҳаммад Султон — <абадий қилсин Тангри таоло унинг мулкини ва салтанатини, олий қилсин шону шавкатини!>— Самарқанд томонидан зўр ҳашамату кўп аскар, бағоят тажаммулу бениҳоя шаъну шавкат билан келиб, шу мақомда Амир Соҳибқирон ҳазрат оёғини ўпиш шарафи билан бахтиёр бўлди. Подшоҳлик нури унинг пешонасидан дурахшон ва маликлик руҳи чеккасидан тобон, фалак унга минг-минглаб давлатдан умидворлик берган, малак унга фалақдан бу хабарни юборган (шеър):

Узугинг остида жаҳонни тутиб,
Душманлар бошини ургайсан ерга.
Тожу тахтинг сенга муборак бўлиб,
Етти кишвар божин келтургай сенга.
Жаҳонда қилгайсан кишвар кушолик
Подшоҳлик қилгайсан бутун жаҳонга.

Ҳақиқатда жаҳон ва жаҳон аҳлининг кўзи унинг муборак жамолини кўриш билан равшан бўлди, дину давлат майдони унинг шарафли вужуди билан гулшанга айланди. Бу гўзал йиғилиш ва муборак учрашиш муяссар бўлгач, айшу тараб бисотини ёйдилар ва талаб ойнасида мақсад юзини кўрдилар, бир неча кунни айшу ишрат билан ўтказдилар. Ҳол тили билан жон қулоғига бу икки байт мазмунини эшиттирдилар (шеър):

Фалак ташвишини бир зум қўяйлик,
Парварицли маржондек жонни ардоқлайлик.
Фаридун расми-ю, Кай одатича
Созу майдан дилга ором берайлик..

Сўнгра шикор тузишга ирода қилиб, бир неча кун у дашту саҳроларда сонун саноқсиз ов овлаб, жуда кўп оҳуларни йиқитдилар, у кенг майдонларни ваҳший ҳайвонлар ва қушлардан холи қилдилар.

Ана шу шикор асносида бир хароба наҳрга етдиларки, номдор султонлару иқтидорли подшоҳлардан ёдгорлик эди.

Аммо замона қўли унинг асосини вайрон қилиб, кеча-кундуз ҳодисалари унинг атрофу жавонибини тўкилтириб юборган эди. Амир Соҳибқирон ўз подшоҳона назарини у мавзеларга ташлаб деди: "Номдор подшоҳлар қудратининг фойдаси, адолатшиор маликлар ғамхўрлигининг манфаати хайрли ишларни шойиъ қилиш ва яхшиликларни ёйишдир. Ҳозирда биз ўтмиш подшоҳлардан қолган асарларни назора қилялмиз. Бироқ, албатта, биздан ҳам бирор ёдгорлик қолиши лозимки, замонлар ўтиши билан бизнинг номимиз ўша ёдгорликда сақланиб қолсин ва унинг ажру саваби беандоза бўлсин", деди. Шундан сўнг у наҳрни қазишга буюрди. Қудратли подшоҳлар бир қанча муддатларда унинг уҳдасидан чиқолмаган эдилар, чунки унинг бошланиш даҳанасини Арас суви³дан, Кўшки Жанкаши деб машҳур бўлган мавзедан кесганлар, унинг узунлиги эса қарийб ўн фарсахга, балки ундан ҳам ортиқроқ чўзилган ҳамда ҳозир бамисоли бир дарёчадек бўлиб қолган эди. Уни бир ойга яқин муддатда тамомлаб, сув юргаздилар. (245) У анҳорнинг этаги Сарча Бел деб атаганлари мавзеда Пири Камор мазоридан ўтади, бориб Гилон ва Мозандарон денгизига қуйилади. Амир Соҳибқирон у анҳорга Наҳри Барлос деб ном қўйди, токи у улуғ хонадоннинг номи шундай хайрли иш воситаси билан замона саҳифаси юзида боқий қолгай! Ҳозирги ҳолатда у вилоят аҳолиси ундан шоду хуррамдилар, ҳамма унинг атрофида зироат ва иморат қилишга, тегирмонлар қуриб, қишлоқлар барпо этишга иштиёқманддилар. Ҳар қалай бу наҳр ўтиши билан у шаҳар ва диёрларнинг ободонлигига сабаб бўлгай. Ҳа, шундай (байт):

Худонинг раҳмати бўлсин ўшандоқ бандага мудом
Халойиққа вужудидан етар осойишу ором.

Шу аҳвол асносида Бағдодни ташлаб Румга, амир Йилдирим Боязидга паноҳ тортиб кетган Султон Аҳмад кишварларни забт этувчи ялов Рум томонига юзланажак, деган овозани эшитди; шу боисдан Боязид ҳам ваҳимага тушиб, "душманлик сабаби камроқ бўлсин, бу ҳам бир баҳона бўлмасин" деган фикрда Султон Аҳмаднинг Араб Ироқиға боришини маслаҳатдан деб билди. Султон Аҳмад Рум қалъаси йўли билан Фирот дарёси қирғоғи бўйлаб юриб, Ҳит қалъасига етди. Сўнг у жойдан Бағдодга жўнади. Гарчи Бағдод шаҳри (оятдаги) <тепа жойларини паст қилдик>⁴ (мазмунини) сифатига кириб, зеру забар

бўлган бўлса ҳам, у ерга жойлашди ва атрофга таралиб кетган кишилар жамъ бўлурлар деб кутди.

Буни эшитган Амир Соҳибқирон ғазаб ва ғайрат мақомида туриб, хунрез аскарларга, жумладан улуғ амир Жаҳоншоҳ баҳодир, амир Сулаймоншоҳ баҳодир, амир Бурундуқ баҳодир ва ўзга амирларга илғор йўсунида у томонга жўнашни буюрди ва ғолиб лашкардан кўпларини ҳамда амирлар ва сардорларни улар билан боришга номзод тайинлади. Уларга аввал Курдистондан иш бошлашга амр қилди. Чунки нусратшиор аскарлар Шомдан қайтиб, Бағдодга жўнаётганларида курдлардан ўғри ва муфсидлар фурсат топиб, ғалаба ёр лашкарга нисбатан мумкин бўлган даражада ўлдириш ва талон-торож қилиш каби ишларни бажарган эдилар. Амирлар фармонга биноан Дарбанд ва у мавзелардаги курдлардан иш бошладилар. Курдларнинг кўпи қорнинг қалинлиги ва совуқнинг қаттиқлигидан саҳрода ўтирган эдилар, аскарлар тўсатдан уларга ҳужум қилиб, у шайтонларни жин мурдаларидек яшин мисол ўқлари, чақин мисол қиличларига дучор қилдилар. Бир гуруҳ кишилар у балодан қочишни ва у ғазаб ўти шароридан сақланишни хоҳладилар-у, аммо, ҳайҳот, ўз қўллари билан ўтказган фасод ниҳолининг меваси пушаймонлик бўлди, ўзлари ёққан фитна оташи уларнинг ўзларини куйдириб, ҳалок этди. Бир гуруҳ кишилар тоғни ўзларига паноҳ қилмоқчи эдилар, қорнинг кўплиги сабабли юқорига чиқишга йўл тополмай бармоқ кўтариб, амон тилаб қайтдилар ва аёвсиз қиличга тўда-тўда ем бўлдилар. Жаҳон уларнинг кўзига қора қарға қанотидек, қор юзи улар хунидан тўти тумшуғидек бўлди. (Байт): (246)

Ўликлар қалашгач тоғу дашт аро
Жаҳон айтди: бас қилгил, ҳаддидан ортди.

Шундан сўнг амир Жаҳоншоҳ тугал бир лашкар билан яна Бағдод томон юзланди. Йўлларни шу қадар банд қилдиларки, йўл кўрсатувчи кабутарда ҳам у водийдан учишга имкон йўқ эди. Ногаҳон (бағдодликлар) ғафлатда эканликларидан куннинг охирида Бағдод шаҳрига етдилар. Султон Аҳмад биргина тўни билан ўзини кемага ташлаб, Шатт сувидан ўтди, сувнинг у томонида отга миниб беш киши билан елдек юрадиган отларда Ҳилла томон йўл олди.

Лашкар у кеча тўхтаб турди, эртаси тонгда унинг Ҳилла томонига кетганини аниқладилар. Амирзода Жаҳоншоҳ баҳодир бир жамоа марди майдонлар ва жанговар ботирлар билан унинг кетидан қувлаб, Ҳилла кўпригигача бордилар. Қарасалар кўприкни бузган эканлар, шу жойда тўхтадилар. Бу хабарни етказиш учун бир гуруҳни Амир Соҳибқиронга юбордилар.

LXXXIV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ МАРТА РУМ ТОМОН ЮРИШИ ВА БУНИНГ САБАБЛАРИ БАЁНИДА

Олам ободонлиги қондалари адолат ва ростлик асосига қурилганлиги ва жаҳоннинг тўқнашишу олди-бердиси расм-русумларга риоя қилиш билан чатишиб кетганлиги ақллар олдида муқаррар ва зеҳнларга сингигандир; тажрибалар гувоҳлиги унга шоҳид-у, воқеалар кечиши бу маънийни қувватлаб келмоқдадир. Осмоннинг баланд шипини кўтарганларидан ва ернинг маълум палосини ёйганларидан бери раис ва унга бўйсунувчи, ҳукмрон ва унга тобе тайинланиб келган, шариф ва оддий, олий ва паст кишилар мақомлари муқаррар этилгандир. Чунончи юқори олам бўлмиш осмон Аллоҳнинг фаришталари мақомидир. Тангрининг ундан бошқа барча мулкларининг ўрни эса, оламнинг бир шохчаси бўлмиш заминдир. Ана шу йўлдан юрилади ва шу тартибга риоя қилинади! Агар шариф кишилару оддий халқ оралиги йўқотилса ва ўрта ҳам олий орасидаги фарқ қолмаса, жаҳон ишлари ларзага келади, амну амонлик оламдан палосини йиғиштиради. Шу сабабли аввал ақл ҳокимини ана шу ишларни бошқарувга тайин этганлар, токи у яхшини ёмондан, шарифни хасидан, каттани кичикдан айириб танисин ҳамда агар хаёл найрангбози ишваю фириб билан девни ҳур сифатида кўргазса ва қийматсиз молларни ипак мато нархига кўтарса, бунга эътибор бермагай. Чунки ахлатхона билан аттор кулбаси орасида ва ўтмас ақча билан нақд динор орасида фарқ каттадир. (Байт): **(247)**

Кимда-ким дою бўлса ул билгай
Иккисин фарқи қанчалик бўлгай.

Осмоний йўл-йўриқлар ва ваҳий оятлари ҳозик табиб мисолидадирки, агар ақл мизожи ўзининг табиий

этиқодидан қайтиб, ёмонни яхшидан, нокасни шарифдан ортиқ кўрса (у табиб): "<Бизнинг ҳар биримиз учун маълум жой бордир>¹", бу маъни ақл мизожининг айниганлигига далилдир, унга илож қилиш керак", деб айтади. Бу бузуқ хиллар ғалабаси сабабли ўз табиий мизожидан оғишиб, кесак ейишга ва ёмон озиқларга мойиллик кўрғазган меъдага ўхшайди.

Подшоҳлик қоидалари ва фармонраволик усуллари ҳам вужуд корхонасида худди ўша ҳозиқ устодлар ва моҳир кўз табибларию қон олувчилар таъсирининг самараси қабилидадир. Қачонки табиб бутун баданнинг азиятини даф қилишни маслаҳатдан кўрса, хос бир аъзони кесишга эҳтиёж борлигини билса, уни кесиш билан машғул бўлади, лозим топса бир жойни доғлайди ёки бир жойдан қон олади, ёки бирор аъзони кесиб ташлайди, ёки бирор жойдан томирларни тортиб олади.

Жаҳондорлик ва фармонраволик ишларини забт этишда ҳам шунга ўхшаган йўл тутадилар. Агар шундай қилмасалар, фитнаю фасод жаҳон ҳолатига йўл топади, жаҳондорлик ишлари ўз қоидасидан чиқади. Шу жиҳатдандирки, бир гал дин муҳолифларидан бири ҳазрат Расулulloҳ алайҳиссалом олдиларига келганда унинг остига муборак ридоларини ёзиб, устига ўтиргизганлар. (Ёронлари) бунинг сабабини сўраганларида: "Жаброил алайҳиссалом улуғ Тангри томонидан менга хабар келтириб ушбу одобни ўргатдики, энди мен ҳар бир қавмнинг иззатли кишиларини улуғ тутаман ва ҳар бир тоифанинг азиз кишиларини иззатлайман", деди Расулulloҳ. Бунга ўхшаган ҳолат ҳар бир замонда воқеъ бўлган.

Ҳазрат пайғамбар замонида <Биз сени икки олам раҳмати сифатида юбордик>² (деган оят)нинг баландпарвоз шахбози жаҳон ошиёнасини ўз давлатига марказ қилган ва унинг набийлик нури оламини мунаввар этган бир (пайтда) каззоб Муслама кўршапалакдек ўз залолат кечаси қоронғулигида парвоз қилди. Оқил кишилар ақл кўзи билан уни танидилар ва ундан юз ўгирдилар. Аммо унинг жинсидан бўлган бир тоифа кўзи кўрлар заррани офтобдан ва дарёни ҳубобдан фарқ қила олгудек билим қувватига эга эмас эдилар, уларни Абу Бакр Сиддиқнинг халифалиги даврида қиличдан ўтказиб муолажа қилишдан бошқа илож қолмади, токи бу маъний жаҳон аҳли учун ҳукмронлик қоидасию бошқариш силсиласи бўлмайди, жоҳилларни манъ қилиш ва қўрқитиш билан

тарбиялаш муяссар бўлмаса, аёвсиз тигни ишлатишдан бошқа чора қолмайди. (Байт):

Агар доғлаш лозим бўлса бирор аъзони
Фойда бермас малҳам қўйсанг ҳеч қачон..

Бу ўринда сўзнинг уланиши шундан иборатки, жаҳон (салтанати) бирмунча вақт номдор султонлар ва комкор маликлар соясидан холи қолиб, ҳар бир мулкда биттаси бош кўтарган бир пайтда жаҳон мамлакатларининг катталаридан бўлган Рум мамлакати Йилдирим Боязиднинг амру фармониغا кирган эди. У бир қанча муддат **(248)** ҳукмронлик ва улуғлик мақомида туриб, истиқлолдан дам урди ва у диёрларда ғалаба қозонди, фирибгар дев унинг димоғига такаббурлик тухумини қўйди, у эса қувват ва шавкатига мағрур бўлиб ўз мақоми чегарасидан чиқди, ўз қадри палосидан сиртга оёқ босди ҳамда номдор султонлару улуғ мартабали маликлар "қулингман, хизматкорингман" деб ёзиб турган ва замона сарварлари давлати остонасини қуллик лаби билан ўпиб турган шундай бир улуғ ҳазрат (Амир Соҳибқирон)га сарварлик ва ҳукмдорлик лофини уриб бемаза мактублар ёзди, нотўғри хабарлар юборди. Шуларнинг барчасига қарамай, Соҳибқирон ҳазратнинг туғма мақтовли табиати бу бўяма сўзларга илтифот қилмай, унга насиҳат қилди ва огоҳлантирди. Бу ҳам фойда бермагач, юқорида баён топганидек, Сивосга ва Рум атрофларига юриб, то Қаробоғ майдони абад пайванд давлат тулпорига жавлонгоҳ бўлган вақтга қадар борган жойигача борди.

Бир қанча муддатдан буён мамлакат ўртасида бузуқчилик қўлини чўзиб, мусулмонларга йўлларни танг қилиб, ҳожилар карвонларига зарар-заҳмат етказиб келган Қаро Юсуф бу пайтда Рум мамлакатига паноҳ тортиб борган эди. Шунинг учун Амир Соҳибқирон ўз ҳумоюн вақтини уларнинг шаррини даф этишга сарфлаб, Рум томониغا юришга жазм қилди. Бу овоза амир Боязидга етиб, у безовталиқка тушди. Рум аҳолиси бу Соҳибқирон ҳазратнинг қудрату ҳайбатини кўрган ва уларнинг лашкарлари ғалаба ёр аскарларнинг шавкату шижоатини мушоҳада қилган эдилар. Улар амир Боязидни сулҳ қилишга ундадилар. Самимий насиҳатгўйлар турли иборалар билан: "Шундай бир соҳиби давлатга қарши му-

холифат изҳор қилишнинг хосияти бўлмайди, маслаҳат сулҳу иттифоқликдадир”, деб тушунтирдилар.

(Амир Боязид) ушбу дилдан айтилган насиҳатларга қулоқ солиб, ислом дини қозиларидан бирини улуг амирлардан бирига қўшиб, элчилик тариқасида Амир Соҳибқирон ҳазратга юборди. Уларнинг етиб келиши ҳам Қаробоғда воқеъ бўлди. Элчилик мазмуни ҳам икки орада сулҳ тузилишига қаратилганлиги учун улар Амир Соҳибқироннинг марҳамати ва инъом-эҳсонига сазовор бўлдилар. Амир Соҳибқирон уларга уқтирди: "Мен табиатан у томонга юзланиш ва у мамлакатга лашкар суришни хоҳламайман. (Амир Боязид) доимо фарангларга қарши ғазот қилаётганлиги сабабли мен фарангликлар қувватланиб, аҳли исломнинг кучсизланишини истамайман. Аммо Қаро Юсуф қароқчи ва йўл кесардир, унинг фитнаю фасодидан мусулмонлар шаҳарларига етган зарар атрофдаги бегоналарникидан кўра ортиқдир. Амир Боязид бўлса уни ўз ҳимоясига олиб, жой берипти. Энди уч ишнинг бирини қилиши керак: аввало, унинг кирдикорини тўхтатмоқ учун шамшир ишла-тиб, ишини охирига етказсин ёки уни бизга юборсин, токи биз гуноҳини сўраб, қилган қилмишига яраша жазосини берайлик. Агар (амир Боязид) бу икки ишнинг бирини ҳам хоҳламаса, уни мамлакатидан ташқарига ҳайдасин! Ана шунда ўртамизда ота-болалик, дўстлик ва иттифоқлик барпо бўлади, қиз бериб, қиз оламиз, кофирлар билан қилган ғазотларида ҳар нимагаки қодир бўлсак, ёрдам қиламиз ва кўмаклашамиз", деди. (249) Элчилар олий буйруқларни қабул этиш мақомида туриб, итоат изҳор этдилар. Амир Соҳибқирон элчилар кўнглини кўтариб, қимматли хилъатларга мушарраф қилди, олтину кумуш ва кулоҳу камар бериб уларни қайтарди ва деди: "Энди мен беркитмайман ва одамлар олдида ошкора айтаманки, бу қишда аскарлар шу (Қаробоғда) қишлоқ қиладилар, эрта баҳорда эса ҳаракатга келиб, Рум чегарасигача бораман ва сизларнинг қайтиб элчилик жавобини келтиришингизни кутаман. Агар талабимиз бажарилса — мурод ҳосил, илло (байт):

Кўрамиз токи у жанг кунда
Ким мумдек бўлгуси, ким тошдек қаттиқ".

Элчилар шу қарорга келишиб, кетдилар. Жаҳон амир-зодаси Муҳаммад Султон фармон ҳукмига биноан

ҳисобсиз кўп аскар, поёнсиз бир тўда билан рафна бўлди. (Байт):

Ҳаммаси ўқ отар жангчи, камондор,
Жавшан совут кийган жанговар донгдор.

(804 йил) шаъбон ойининг еттинчи куни (1402 йил 12 март) қуёш ҳамал буржининг аввалги нуқтасига етиб, зарбоф саропардасини яшил осмон саҳнига ёйган пайтда Амир Соҳибқирон муборак фол ва бахт ёрлигида Қаробогдан кўчиб, ҳадду ҳисобдан ортиқ лашкар билан Шамкур саҳросига юзланди. (Байт):

Жаҳон кезар отлар туёгин гардидан
Тўзонга тўлди ложувард осмон гумбази.

(Амир Соҳибқирон) улуг бону Сарой Мулк хоним, жаҳон шаҳзодаси Улуғбек, ўзга оғолар ва хотинларни Султонияга жўнатди. Сўнг яна илоҳий суннатга иқтидо қилиб Йилдирим Боязидга бир элчини юборди. Элчи орқали сийлаш ва ўзига мойил қилиш шартларини адо этиб деди: "Агарчи ғалаба ёр аскарлар у томонга юзланган бўлсалар ҳам, аммо, сўзимиз ўша аввалги айтганимиздекдир: "Қаро Юсуфни у мамлакатдан ҳайдаб, уни ҳимоя қилишдан қўл тортасан, чунки у йўл кесардир, осмоний китоб — Қуръон ҳукмича унинг жазоси ўлдириш ёки дорга осиб, оёқ қўлини кесиб ёки мамлакатдан сургун қилишдир. Иккинчиси шуки, ҳозиргача Кемок қалъаси бу мамлакатнинг ичида бўлган ва бу вилоят подшоҳлари уни тасарруф қилиб келганлар. Уни бизнинг гумашталаримизга топширасан, қолган Рум мамлақати сенга мусалламлигича қолгай, агар у ҳудудда (ислом) динига мухолиф бўлганларга қарши ғазот маросимини барпо қилсанг, ҳар ниманики илтимос қилсанг, қудратимиз етгунча мадад ва ёрдамимизни дариг тутмаймиз, биз ҳам ғазот савобида сенга шерик бўлгаймиз".

Шу миёнада Қаро Юсуф Йилдирим Боязиддан юз ўгириб, Румдан чиқиб кетибди, деган овоза пайдо бўлди. Бу овоза тўғридир ё ўзаро келишувдир, (250) аммо Амир Соҳибқирон маслаҳатга биноан бу овозага бовар қилиб хабар юборди: "Агар аҳвол шундай бўлса, унинг хонадонини бу томонга жўнат, токи муқаррар қоидалар таъкид топиб, биз ўша айтилган қарорга мувофиқ сулҳ қилайлик", деди.

Шу ўртада хабар етказдиларки: "Шу ерга яқин бир қалъа бор, номи Тартум. У жойнинг ҳоқими Тағой (ҳозир) у ерда йўқ, унинг ноиб Киржик исмли бир

киши унга қоим мақомдир. Икки юзга яқин гуржилар у қалъага кириб олган, мусулмонлар улардан кўп заҳмат чекадилар. Улар жизя молини ҳам адо этмайдилар”.

(Амир Соҳибқирон) фармониға мувофиқ амирзодалар, Шайх Нуриддин баҳодир, Шоҳ Малик баҳодир, амир Мусо, Темур Малик ва Саодат у жойга жўнадилар, ҳазрат Соҳибқирон (улар орқали) шу мазмунда пайғом йўллади: “Агар итоат қилиб жизя молини тўласанглар, амонда бўласизлар”. У бахти қайтган куни қаролар қалъанинг маҳкамлигиға мағрур бўлиб, жанг бошлаб, то беш кунгача жон олиб, жон бердилар, олтинчи куни умидларининг ўйин муҳраси (нард тахтасида) шашдар бўлиб, йўл тополмади, доду фарёдлари осмоннинг олов курраси тосиға тушди, фармон ҳукмиға биноан ҳамма габрларни қиличға ем қилдилар ва у қалъани ҳам остидан қўпориб ташладилар. Бу воқеадан кейин у жойнинг ҳоқими бўлмиш Тағой ҳазрат Соҳибқирон оёғини ўпишға келди. Амир Соҳибқирон унинг жонига амон бериб, гуноҳидан ўтди. Сўнг у жойдан чиқиб, Арзирум томонига жўнади, бориб Арзинжон мавзеиға тушди. Кемох қалъаси шу яқинда эди.

LXXXV. КЕМОХ ҚАЛЪАСИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА

Бу қалъа мустаҳкамлиги билан маъруф, забт этиш ва кириш-чиқиш имконсизлиги билан машҳур эди. Унинг атрофу жавонибида унга тобё жойлар кўп, боғу бўстонлари Фирот дарёси қирғоғида бўлиб, (оятдаги) <остидан анҳорлар оқиб турган бўстонлар>¹ (ибораси билан) тавсиф этиларди. Улуғ амирзода Муҳаммад Султон тиз букиб: “Агар фармон бўлса, у қалъанинг тасхирига мен борсам”, деб илтимос қилди. Унинг илтимоси қабул этилгач, шу куни катта бир лашкар сон-саноқсиз сипоҳлар билан у томонга жўнади.

Шу пайтда Бағдод ва Луристон² томонларға жўнаган амирлар ва шаҳзодалар, чунончи амирзода Абу Бакр баҳодир, Халил Султон баҳодир, амирзода Пир Муҳаммад баҳодир, Султон Ҳусайн баҳодир, улуғ амирлардан амир Жаҳоншоҳ, амир Сулаймоншоҳ, амирзода Бурундук (251) ва амирзода Рустам кабилар фатҳу зафар, нусрату ғалаба шукуҳи билан олий ҳазрат ҳузуриға қайтдилар. Жаҳон бўйсунувчи ҳукм содир бўлдики, улардан амирзода Абу Бакр, Халил Султон, Султон

Ҳусайн, амир Искандар, амир Жаҳоншоҳ, амир Шайх Нуриддин ва амир Бурундуқлар лашкарлар билан амирзода Муҳаммад Султонга қўшилиб, Кемох қалъаси тасхирига машғул бўлсинлар. Улар фармонга биноан бориб қўшилдилар ва атрофдан қалъанинг ҳамма томонларини ўраб олдилар. То ўн кунгача муҳосара қилиб, ўнинчи кунни султоний жангни ихтиёр этдилар: карнай-сурнай, ноғора-довуллар овози тоғу даштларни тўлдирди, икки томондан аррода, манжаниқлар ишга солинди, лашкар хурушидан ва уларнинг ур ҳа уридан қиёмат кунининг намунаси ошкор бўлди. Марди майдонлар, жанг сафининг ботирлари жонбозлик мақомида туриб, бу байт мазмунини ўз шаънларига ўқидилар (байт):

Агар бошинг кетар бўлса кулоҳинг ташвинин қилма,
Ва гар тандан жудо бўлсанг, гиёҳлар баргини йиғма!

У воқеада амирзода Муҳаммад Султон шундай эрлик ва мардоналик кўрсатдики, Рустами Дастон достонини қулгили афсонага чиқарди, Золнинг мардоналик қиссасини завол тоқчасига қўйиб қўйди. Жаҳон амирзодаси Абу Бакр баҳодир ҳам лашкар сафларини бузишда мусобақа соққасини тенгдошларидан илгари сурди. Жанг оқибатида ғалаба ёр аскарлар тоғ каклигидек қалъа атрофига югуришдилар ва шу қадар мустаҳкам қўрғонни кўз юмиб очгунча мусаххар қилдилар.

Бу яққол ғалаба ва кутилган фатҳ хабарини Амир Соҳибқирон ҳазратга етказганларида у дарҳол отланиб, зафар ўнгидаю иқбол сўлида мазкур қалъага жўнади. Бориб унинг атрофу жавонибини олий назари мулоҳазасидан кечирди. Уни муҳофазат қилиб туришни Арзинжон волийси Таҳуртанга топширди. Сўнг у жойдан подшоҳона ирода жиловини Рум томонига бурди ва хисравона ҳимматини у диёрлар тасхирига сарфлашга (жазм қилиб) иқбол ялови юзини у мамлакат томон қаратди. Душманлар ва читоғ-бебошлардан кўплари қочиб ғорларга, истехкомли жойларга беркиниб ётган эдилар, амирзода Шайх Нуриддин, Али Султон ва Давлат Темур уларнинг устига боргач, улуғ амирларнинг ҳужум ва интиқомларини кўриб, итоатга келдилар ва амирларнинг иноят ва марҳаматига эришиб, у ҳалокат гирдобидан жонларини саломат олиб чиқдилар. (252)

LXXXVI. ЙИЛДИРИМ БОЯЗИД ЭЛЧИСИНИНГ КЕЛГАНЛИГИ ВА ЛАШКАРНИНГ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

Шу аснода Йилдирим Боязид тарафидан Амир Соҳибқирон ҳузурига элчи етиб келиб, тутуриқсиз сўзларни ўртага қўйди, Кемох қалъаси тўғрисида ҳам номақбул узларни айтди. Ўн бош отни пешкаш қилиб келтирган эди, Амир Соҳибқирон ҳазрат уларга илтифот қилмади ва деди: "Агар бирор одамга давлат мададкор бўлмаса, меҳрибон хайрхоҳларнинг насиҳати унга фойда бермайди. Мард киши ўз сўзига вафо қилади, сўз билан иш орасида ихтилоф бўлиши — номардлик аломатидир. Агар (Боязид) Қаро Юсуф¹ хонадонини бизга юборганида эди, ўз хонадонини амон сақлаган бўларди, агар Кемох қалъаси борасида "ўлган Муборакни озод қилганда" эди, ўз гарданини хорлик ҳалқасидан қутқазган бўларди. Худога шукурки, ғалаба ёр давлатимиз сенинг миннатингсиз у қалъани забт этиб, жаҳонпаноҳ ҳукмимиз остига киргазди. Энди бориб айтинглар, мардона бўлиб бизнинг шиддатимиз, кина ва интиқомимизга тайёр турсин". (Байт):

Кўлишдан иш келса кўзгал ўрнишдан,
Тайин қил жойишги келдим етиб ман.

У вақтда ғалаба ёр аскарлар Сивос саҳросида кўриқдан ўтсинлар ва қўшинларни тартибга солсинлар, деган олий фармон содир бўлди. Саҳро-саҳро жавшану зирҳлар, жаҳон-жаҳон қалқону хафтон ва қиличлару найзаларнинг Чин ойналари каби ярқиллаганини кўрганда ҳар бир бурчакда бир қуёш чиққанми, дер эдинг; қилич ва найзаларнинг кўплигини кўрганда ҳар бир томонда бир чақмоқ чақаяпти, деб гумон қилардинг. Элчилар у шону шавкатни ва ҳадду ҳисобсиз аскар, қурол-аслаҳаларни кўриб, кўнгиллари хира ва ақллари тийра бўлди. (Амир Соҳибқирон) уларга "жойларингизга қайтинглар", деган ҳумоюн фармонни жорий этди ва айтди: "Бориб Боязидга айтинглар, шунчалик бўлса-да, мен ҳануз унга нисбатан олижаноблик ва яхши муомала юзасидан иш тутаман, Таҳуртанининг хонадонини биз томонга жўнатсин ва ўз ўғлини ҳам бизнинг ҳузуримизга юборсин, токи биз унга шундай инъом-эҳсонлар кўргазайликки, бундайини ўз

меҳрибон отасидан ҳам кўрмаган бўлсин, уни фарзандликка қабул қилиб, Рум мамлакатини Йилдирим Боязидга топшираман, ваҳшат ва кина тиканлари ўртадан кўтарилиб, у бундан кейин давлат ва комронлик боғидан амонлик гулбаргини тергай, мувофиқатчилик қушлари нағмасининг садоси умум халойиқ кўнглини хуш қилгай, шаҳарлар, халқлар амну амонлик ва фаровонликда, фароғату осудаликда бўлгайлар, бунинг савоби (у дунёда) бизнинг давлатимиз замониға мансуб бўлгай". (253)

LXXXVII. ҲОВИК ҚАЛЪАСИ¹НИНГ ФАТҲИ БАЁНИДА

Элчилар жўнагандан кейин арз иззатгоҳига етказдиларки, бу ҳудудда Ҳовик номли қалъа бор, бир жамоа читоғ-бебошлар у қалъага кириб олиб, унинг мустақамлигига суянган ҳолда саркашлик қилиб, итоатдан бош тортиб турадилар. Амирзода Шайх Нуриддин ва амирзода Бурундуққа дарҳол бориб, у қалъани мусаххар қилишга фармон бўлди. Улар фармонга биноан жарроп лашкар билан жўнаб, мардлик билак кучи ва диловарлик ҳамласи билан жанг бошладилар. Қалъанинг атрофига нақб кавладилар, қалъадагиларни жонни ўртовчи ўқ захми билан қалъа девори атрофидан нарига суриб, қалъа деворини йиқитдилар ва ундаги читоғ-бебошларни қиличга дучор қилдилар. Амирзода Сулаймоншоҳни етарли лашкар ва кўп бир адад билан илғор сифатида Сивос шаҳридан Қайсария² томонга жўнатдилар. Биринчи навбатда у вилоятнинг бебошларини истило қилиб, кўпларини қиличдан ўтказдилар, уларнинг моду маноли, оту хачири, қорамолу қўйларини ғорат қилдилар.

Бу хабар Амир Соҳибқирон ҳазратга етгач, у Сивосдан отланиб, олти манзил йўл юриб Қайсарияга келди. У жойда амирзода Абу Бакр баҳодир, амир Шайх Нуриддин баҳодирни қаровул тайинлаб, Қайсариядан Анкурия³ томон жўнади. У ҳудуддаги катта бир сувни⁴ ёқалаб уч манзил юрдилар. Тўртинчи куни ғалаба ёр аскарлар Чўлиғ ерларига келиб тушдилар. Шу ҳолатда Амир Соҳибқирон амирзода Бурундуқ ва Бастарийни талаб қилиб, Анкурия томон боришни ва агар душман томонидан аскар келса, унинг йўлини тўсишни буюрди.

Анқурия ҳокими Яъқуб исмли киши эди, у барча аскарлари билан буларга қарши юрди. Бир-бирига яқин етганларида қаттиқ жанг воқеъ бўлди. Икки томондан ҳам ҳаракат қилиб, мардлик додини бердилар. Охирида ғалаба шамоли нусратли аскарлар томонидан эса бошлади. Амирзода Бурундуқ диловарлик ва баҳодирлик мақомида туриб, жанг маъракаси сафига кирди ва қаттиқ жанг қилди. Охирида бебошлар лашкари мағлуб бўлиб, қочиб юз тутди, улардан кўпи ҳалокатга учраб, поймол бўлди ва ўлдирилди. Шу аснода Амир Соҳибқирон ҳазратнинг нусратшиор яловлари шу ерларга келиб қўнди. (254)

LXXXVIII. ЙИЛДИРИМ БОЯЗИДНИНГ РУМ АСКАРЛАРИ БИЛАН КЕЛГАНЛИГИ ХАБАРИ БАЁНИДА

Хабар келтирувчилар олий ҳазрат Амир Соҳибқиронга келиб: "Йилдирим Боязид ниҳоясиз кўп аскар ва поёнсиз тўдалар билан келмоқда, уларнинг сон-саногини олишдан ҳисобчилар ожиз, қисқа ё муфассал баён қилишдан котиблар фикри қосирдир", дедилар. Бу ҳодиса содир бўлиши ва бу хабарларнинг тарқалишидан нусратли аскарлар орасида ҳар хил фикрлар пайдо бўлди. Улардан ҳар бири бир раъйни билдирар ва ҳар қайсиси бир сўзни айтар, кўпларининг дили ушбу ташвиш билан паришон бўлиб: "Йилдирим Боязид сон-саноксиз аскарга эга, мулозимлари жуда кўп, улар ҳамма вақт ғазот билан кун кечиришиб, кечаю кундуз душманга муқобил турганлар, шу муддат ичида кўпинча душман устидан ғалаба булар томонда бўлган. Бунинг устига улар ўз диёрларида тинч ва осуда туриптилар, бизнинг лашкар эса узоқ йўлдан келган, отлар ориқлаган, қуввати қолмаган", дер эдилар.

Шу сабабдан баъзиларнинг ҳиссида ҳайрат ғалаба қилиб, сабрсизлик ва ихтиёрсизлик дарёсига шўнғишларига яқин қолди. Аммо Тангри таоло қўллови жангу маъракаларда Амир Соҳибқироннинг зафар шиор яловига қўлдош бўлганини бир неча бор кўрган ҳамда кўп текшириш ва тажрибалар натижасида бу ҳазратнинг Аллоҳ томонидан қувватланганлигига ишонган бир жамоа дилларини барқарор тутиб, аскарларни бошқариш ва навкарларни тартибга солиш ишларини бажариб, жангу жадалга тайёр бўлиб турдилар. Қачонки тун ўз қора пардасини олам юзига тортиб, юлдузлар

қўшинлари машриқу мағрибнинг ўнгу сўлидан юз кўрсатгандан кейин кундузнинг румийлари туннинг қаро таторларидан юз ўтириб ботиш жойига чекингач, ҳазрат Амир Соҳибқирон розу ниёз хилватхонасига кириб, ожизлик юзини ёлвориш остонасига қўйиб, чин дилидан пок қалби ва равшан замири билан муножот қилди, илтижога тил очиб Тангри таолодан нусрат ва ёрдам тилаб, деди: "Эй парвардигор! Шу муддат ичида мен қанчаки фатҳу зафарга эришган бўлсам, сенинг қазо ва қадаринг ҳукми ва ёрдами билан эришдим. Агар шундай бўлмаса менинг қўлимдан нима келарди! Ҳозир ҳам сенинг лутфингдан шунга кўз тутаман ва сенинг тўлиқ карамингдан нусрат ва муованат кутаман!" (Байт):

Ё раб, караминг бирла қўлим тут зинҳор,
Гар тутмас эсанг ерга йиқилгум ночор.

<Аё, (бир Аллоҳдан ўзга) ҳочор кишилар дуосига ижобат қилгучи яна ким бор?>¹ (деган оят)нинг хуш хабари унинг дилида дуо ижобатга ўтганига умид туғдиргач, (Амир Соҳибқирон) давлат тонги ўзининг бахти уфқидан балқиб турганини кўрди.

Тонг отиб, қуёш султони яшил фалак тахтига **(255)** ўлтириб, юлдузлар тўдаларини қочиргач, Амир Соҳибқирон тетик қалб, тўла ишонч билан Тангри таолонинг комил иноятига эътимод қўйиб, катта лашкарини тартибга келтириш билан машғул бўлди. Аскар сафларини ораста қилиб, ўз муборак зоти учун лашкарнинг қул (қисми)ни тайин қилди. Амирзода Амироншоҳ баҳодир, амирзода Муҳаммад Султон баҳодир, Пир Муҳаммад баҳодир, улуғ амирлардан Шайх Нуриддин баҳодир, Али Султон, Али Қовчин, амир Мубашшир ва Таҳуртанларнинг барчасини майманага қўйди; амирзода Шоҳрух баҳодир, Халил Султон баҳодир, амирзода Рустам баҳодир, Султон Ҳусайн баҳодир, амир Сулаймоншоҳ баҳодир, амир Шоҳ Малик баҳодир, амир Бурундук, Севинчак баҳодир, Давлат Темур, амир Мусо ва амир Бастарийларни лашкар майсарасига муқаррар қилди. Қулнинг ўнг қўл (қисми)да амир Тош Темур, Шаҳсувор, Сарой, Жалол, Тобтуқ, Юсуф, Ҳожи Бобо, Искандар, Хожа Али, Давлат Темур, Ҳусайн, Муҳаммад баҳодир, Саройхожа, Идрис, Шамсиддин Алмолиқий, амирзода Аҳмад, Ҳарий Малик, Арғун, Пир Муҳаммад, Баҳоуддин,

Қаро Аҳмад, Бек Вали, Жатмоқ, Давлатхожа, Абдуллоҳ, Сўфи Халил, Муҳаммад тавочи, Эсин Темур, Шайх Муҳаммад, Қоромон, Санжар, Ҳусайн, Ҳасан, Умарбек, Жаҳоншоҳ, Бердибек, Аҳмадий, Ажабшер, Маҳмуд, Баҳлул, амир Зийракларнинг ҳаммасига мақом тайин қилди. Қулнинг чап қўл (қисми)га эса Жалол ул-Ислом, Тўкал, Хожа Али, Маҳмуд, Шоҳ Вали, Шайх Ҳасан, Амирак, Малик, Поянда Бахши, Луқмон Зард, Султон Барлос, Абдулкарим, Одил, Қутбиддин, Салим, Жонибек, Ёдгор, Тангрибермиш, Муҳаммад Халил, Жунайд, Жаҳон Малик, Тўблоқ, Абдуссамад, Пошшо, Пир Муҳаммад Шонкум, Шайх Аслон, Илёс, Юсуф, Али, Сайидхожа, Усмон Зийрак, Искандар Шайхий, Шоҳи шоҳон, Иброҳим Қуммий, Шоҳ Туронлар тайин бўлдилар. Аслаҳа ва совутлар билан ораста қилинган тирандозлар ва оташ-бозлар хартуми учи билан ваҳший йўлбарсни ҳалок қилувчи ва интиқом тишини душман кўкрагига санчувчи бир неча занжир ғазабнок филлар устига жойлашиб, қўлларини ўқу новак (отиш)га ва нафтандозликка чоғлаган эдилар. Улар хавфи ва қўрқинчидан душманларнинг дили кўкрагида ўйнар, муҳолифларнинг жони лабига етар эди. Ғалаба ёр лашкарнинг қалб ва қанот (қисм)лари шу тарзда тартибга келтирилиб, зафар пайкар ялов ўз ўрнида қарор олди, улуғ шаҳзодалар, ҳурматли амирлар жанг сафини ораста қилдилар ва мардлар ҳаракатига навбат этишини кутиб, шимариниб турдилар.

Йилдирим Боязид ҳам бу аскар муқобилида читоғ² ва фаранг лашкарларини тартибга келтирди. Майманага Лос Ифранжийнинг ўғлини ҳисобсиз фаранг аскарлари билан тайин этди, майсарага ўз ўғли Сулаймонни Рум аскарлари билан муқаррар қилди, қолган уч ўғли — Мусо, Исо ва Мустафоларни **(256)** ўз орқасида тутиб турди. Гаршахи, Молқўч Пошо, Али Пошо, Абди Бек, Темуртош, Феруз, Исобек, Ҳасан Пошо, Халил, Мурод, Суружа, Эрунус, Яъқуб, Юсуф, Элдортон, Тангрибермиш, Балбон, Довудболи, Шоҳин, Мосҳ, Элдигиз ўғли, Аҳмадий, Тоҳир ўғли, Муҳаммадий, Муқбил, Подшочуқ — бу амирларнинг барчасини ниҳоясиз кўп аскарлар билан ўз ўринларига тайин қилди. Шу тарзда икки жаррор аскар ва икки ғазабланган одамхўр аждаҳолар бир-бирларига қарши туриб, қаҳру ғазаб чангалини бир-бирининг қонига тезлаб, ишорат ва фармонга мунтазир бўлиб турдилар.

**LXXXIX. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ СУЛТОНИЙ
ЖАНГ БОШЛАБ, ҒАЛАБАГА ЭРИШГАНИ
ВА ЙИЛДИРИМ БОЯЗИДНИНГ
АСИР ОЛИНГАНИ БАЁНИДА**

Амир Соҳибқирон жанг бошлашга фармон берди. Курко, карнай, бурғу ва ноғоралар хурушидан (қиёмат) сурунинг садоси оламни тутди. Қиличларнинг чакочак овози ва пайдарпай аёвсиз зарбаларидан маҳшар куни намунаси кўринди. (Шеър):

Ҳар томондан кескир қилич зарбини
Кўрсанг дердинг: булутдан тиг ёгапти.
Гурзиларнинг чак-чоки-ю, ўқларнинг шаф-шофи
Ботирлар жонидан нола чиқарар эди.
Отлигларнинг тўзонидан осмон қорайиб кетди
Жанг майдони ўликлар билан бус-бутун тўлди.

Бу хунхор маъракада амирзода Абу Бакр илдамлик қадами билан жангга кириб, мардлик ва диловарлик додини берди, ўқ захмидан румийларни фарёдга келтириб, найза зарбидан душманлар жонини ҳалокат чўнқирига отди ва румийларнинг чап қўл (қисмини) уларнинг дилларидек синдирди.

Шу аснода амирзода Муҳаммад Султон баҳодир виқор ва диловарлик мақомида туриб, душманга қарши урушга киришга ва у номдор жангда ўз зоти билан машғул бўлишга Амир Соҳибқирон ҳазратларидан ижозат сўради. Амир Соҳибқирон ҳазратнинг унинг ботирлиги, далирлиги ва шижоатига тўла эътимоди бор эди, чунки унинг катта жанг — маъракалар ва жиддий воқеалардан зафар қозониб, оқ юз билан чиққанлигини ва зўр тўқнашув — жангу жадалларда душман қонини тўккан қиличдек қизил юзли бўлганлигини бир неча бор синаган эди. (257) Шунинг учун унга ижозат берди. Амирзода фармонга мувофиқ жанг кунида бургутдек шижоат ва қувват қаноти билан учадиган, кабутарга ҳамла қилаётган лочиндек душманга ташланадиган, қилич тортганида чиний ойнасида ўлим юзидан ўзга нарсани кўрмайдиган, ноғораю карнай нағмасини эшитганда <ўлим учун туғилинлар> деган таронадан ўзгани эшитмайдиган ботирлар билан жанг майдонига жўнади. (Шеър):

Ғазабнок йўлбарсдек ҳамла қилурлар
Урушда бабрдек дадил турурлар,

Жанг куни долзарб пайти келганда
Яраланган қоплондек хуруш қилурлар.

(Амирзода Муҳаммад Султон) ёш бахти қуввати ва Амир Соҳибқироннинг иноят назари билан душманга замона бахтсизлигидек ҳамла қилди, газабланган шер ва қутурган бабрдек гурзу найзаларни ғаним бошига ёғдирди; душманда зўр ожизлик ва тамоман шикасталик зоҳир бўлди. Амир Соҳибқирон фармонига биноан ўзга шаҳзодалар ва амирлар ҳам (Муҳаммад Султонга) қўшилиб ҳаракатга келдилар. Унг қўлдан улуғ амирзода Амироншоҳ баҳодир, амирзода Пир Муҳаммад баҳодир, амир Жаҳоншоҳ, Али Султон, чап қўлдан улуғ амирзода Шоҳрух баҳодир, Халил Султон баҳодир, амирзода Искандар, амирзода Рустам, амир Сулаймоншоҳ, Султон Ҳусайн ва амир Бурундуқ — бу жанг маъракасининг далирлари ва жанг сафининг мардоналари иттифоқликда ҳамла қилдилар. Ғалаба ёр лашкарнинг қолганлари ҳам шитоб билан румликлар устига ташландилар. Ҳақиқатан ҳам шундай қаттиқ жанг туташиб кетдики, эронлик ва туронликларнинг улуғ жанги воқеасини бекор қилди ва Ҳафтхон муҳорабаси қиссаси устидан унутиш рақамини тортди. Амир Соҳибқирон ҳазрат эса хуфия ҳолатда Тангри таолога муножотда бўлиб, дер эди: "Эй, сен, бандаларнинг асрорини билувчи Олим! Эй, сен, бандаларни азиз тутишу хор қилиш қудратига эга бўлмиш Қодир (Аллоҳ)! Сен ўзинг биласанки, мен у (Боязид)ни сенинг ризойинг бўлмиш сулҳга чақирдим. У эса сенинг амрингга хилофан саркашлик қилди. Агар мен рост айтаётганлигимни билсанг, энди менинг додимга етиб, ундан менинг ўчимни ол!" Тангри таоло ҳазрат у тўғри сўзнинг натижасини зоҳир қилди, зафар ва ғалаба тонги Амир Соҳибқирон давлати уфқидан дам урди. <Ғалаба ва яқин кунларда бўладиган фатҳ (Аллоҳдандир)>¹ (деган оят) хушхабари ҳамманинг ҳуши қулоғига етди, даврон тили <Биз сизга аниқ ғалаба ато қилдик>² (ояти) торларида ушбу байтлар мазмунини ўқиди (байт):

Яқин ғалабаю аниқ фатҳ кетидан
Иқболу зафар бўлди яқин, шуқр Аллоҳга,
Фалакнинг сен билан аҳди шундайки, кимда-ким
Сендан бош тортса, пешонасини оёғинг тупроғига қўяди. (258)

Охирида замона тили у шаҳар ва диёр аскарларига <мағлуб бўлди Рум>³ оятини ўқиди. У мамлакат ерларини бойўғли сифат гуржу ифранжлар қонидан тўтиқуш тум-

шуғидек қип-қизил қилди. Уларнинг кўп сонли аскарлари қочишга юз тутди. У катта тўдаларнинг барчаси қоча бошлади. Охири Боязиднинг гардани замона кулфатининг ҳалқасига гирифторм бўлди. Унинг аскарлари мағлуб бўлиб қочгач, галаба ёр аскарлар атрофини ўраб олиб, уни асир қилдилар ва бандга солдилар. Бу хабарни Амир Соҳибқирон ҳазратга етказдилар. Амир Соҳибқирон парвардигори оламга шукрона бажо келтирди ва итоату мутиълик, саждаю рукуълар билан қудрат эгаси Тангри даргоҳига яқинлик тилади.

(Боязид) улуглик ва шаън-шавкат, иззат ва камол даражасида турган пайтида ишлар бир лаҳзада ўзгариб, бир тусдан иккинчи бир тусга кирди. (Байт):

Бармоқдаги узукни айлантиргунингча
Ўзга тусга киргай жаҳон ҳолати.

Амир Соҳибқирондан олий ишорат содир бўлгач, (Боязидни) унинг ҳузурига олиб келдилар. (Байт):

Амрингдан бўйин тоблаган бошни фалак
Энди маҳкам тутиб остонангга келтирди.

(Боязид) яқин етгач, (Амир Соҳибқироннинг) подшоҳона яхши хулқ томирлари ҳаракатга келиб, хисравона гўзал ахлоқи кўзғалди: амрга биноан уни банддан бўшатиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. У бисотбўсликка келганида ўзини ожизлигу мискинлик мақомида тутди ва Амир Соҳибқирон унинг гуноҳларини афв этиб, карамли кишилар одатича уни эъзозу икром билан қарши олди ва ўз олдида фахрли бир мақомга ўтказиб, итоб тариқида деди: "Агарчандики илоҳий тақдирга қарши чора кўриб бўлмаса ва фалак тақозосини саъю кўшиш билан рад қилиш ва тўхтатиш муяссар бўлмаса ҳам, — (байт):

Лавҳага устоз нимани ёзса,
Мактабда бола уни ўқийди, —

аммо, ҳақиқатда, бу ёмонликни сен ўзингга ўзинг қилдинг (байт):

Тикандан ҳосил олсанг, ўзинг эккансан,
Ипақдан ҳосил олсанг, ўзинг йигиргансан.

Бир неча марта ўз ҳаддингдан ташқари оёқ босиб мени шунга мажбур қилдингки, сендан ўч олишим вожиб бўлиб

қолди. Шунга қарамай, мен уларга эътибор бермай насихат мақомида туриб, нимаики мусулмонлик вазифаси бўлса, сенга нисбатан адо этдим ва хабар юбордим: "Бизнинг давлатимиз яловининг муборак юзли анқоси Рум заминига соя солишини мен хоҳламайман, токи сен имконинг борича калхат сифатли фаранглар устидан лочиндек ғолиб ва музаффар бўлгайсен". Мен сенга бу ишда ёрдам беришни, аскар ва мол билан қўллаб-қувватлашни ҳам ўйлаган эдим. Мен сендан тўртта енгил илтимос қилдим: **(259)** бири шуки, Кемох қалъасини таслим этасан, иккинчиси — Таҳуртан хонадонини бизга юборасан, учинчиси — Қаро Юсуф хонадонини ўз мамлакатингдан чиқариб юборасан, тўртинчиси — бизга донишманд кишиларни юборасан, токи улар ўртамаздаги аҳду паймонни таъкидлагайлар ва буни хушнудлик билан (сенга) стказгайлар. (Аmmo сен) шу майда нарсаларга ҳам муноқаша қилдинг. Ночор замона ибрат тарзида сени ўзингга кўрсатди, токи билгайсанки, мардоналик панжаси кучи билан замонага саркашлик қилиб бўлмайди ва бир давлатнинг чироғини Тангри таоло ёндириб қўйган экан, уни худбинлик шамоли ва ғурур пуфи билан ўчириб бўлмайди (байт):

Ҳақ таоло ёндириб қўйган чироққа
Кимда-ким пуф деса, сақоли куйгай.

Кимда-ким оқиллар панду насихатини эшитмаса, хайрхоқ кишилар насихатини қабул қилишдан юз ўгирса, унга ҳам сенга етган нарса етади. Агар сен ақлни ишлатиб, ўзгаларнинг ҳолидан ибрат олганингда эди, бугун сендан бошқалар ибрат олганидан кўра яхшироқ бўлар эди. Шу билан бирга агар воқеа аксинча бўлиб, улуғ Тангри таоло сенинг устингдан менга берган ғалабани сенга берганида, менга ва аскарларимга нисбатан сендан қандай ишлар содир бўлиши маълумдир. Ҳозир улуғ Тангри таоло менга ғалаба ато этди ва қувват берди. Мен сенга яхшиликдан ўзга иш қилмайман, токи жаҳон аҳлига равшан бўлсинки <Ҳар бир идиш ўз ичида бор нарсани тўкади> (мисраъ):

Кўза ичидан унда бор нарса сиртга чиқади.

Боязид шикасталик ва тавозеъ мақомида туриб, ўз гуноҳларига иқроор бўлиб, деди (мисраъ):

Кимдир ул қилди ямонлиг, келди унга яхшилиг?!

Бахт менга ёр бўлмаганлиги туфайли мен сендек бир Соҳибқироннинг насиҳатларини қабул қилишдан юз ўгирдим, оқибат ўз феъллим жазосини топдим ва ўз қилмишим мукофотини кўрдим. Аммо сен ҳазратдан карам ва улуғлик содир бўлиши таажжуб эмас, чунки (мисраъ):

Ой ойлигин қилганда, карим қилур карамин.

Агар гуноҳимни кечирсанг, марҳамат рақамини жур-
ним дафтарига тортсанг, то тирик эканман, ўзим ва
фарзандларим бандалик ва хизматкорлик мақомида туриб
умр кечирамиз, кучимиз етганича хизматкорлик йўлида
жонбозлик қилишни ўзимизга лозим биламиз.

Ҳазрат Амир Соҳибқирон афву эҳсон рақамини унинг
гуноҳлари устидан тортди ва уни подшоҳона тўну инъ-
омлар ва иззату икромлар билан сийлади. Шу аснода у
Амир Соҳибқиронга арз қилиб, менинг фарзандларим
Мусо ва Мустафо жанг майдонида эдилар, кўнглим
шуларга илинж бўлиб турипти, агар олий фармон содир
бўлса, уларни топиб, тирик бўлсалар бу бандаларига
етказсалар, шоҳона инъомлари янада ортган бўлур эди,
деди. (260) Фармонга мувофиқ ахтариб кетдилар. Ҳоятда
кўп қидиришлар натижасида бир фарзанди — Мусони
топиб, Соҳибқирон ҳазрат ҳузурига олиб келдилар. Унинг
ҳам қонидан ўтиб, отасига бахшида қилди, шоҳона тўн
бериб, инъом-эҳсонлар билан сарафроз этди. Ҳа шундай.
<Хушбўй ҳид мушқдан келса, ёруглик ўн тўрт кечали
ойдан таралса таажжуб эмас>, дур тўлқинли денгиздан
чиқса, қатра ёмғирли булутдан томса — бу ҳам
ғаройиботдан эмас. Расулulloҳ, — <саллаллоҳи алайҳи
васаллам>, — Маккани фатҳ этиб, у ердаги мушриклар
устидан ғалаба қозонган кунлари ўз муборак зотлари
Каъба эшигида туриб, икки муборак қўллари билан
эшикнинг икки қанотини ушлаб, баланд овоз билан: <Ул
Худога ҳамдлар бўлсинким, ваъдасини рост қилди, бан-
дасига ғалаба ато этди, ислом лашкарини азиз қилди,
ҳар хил муҳолиф гуруҳларни қочирди, унинг ўзига паноҳ
тортамиз, умидимиз ёлғиз ундандир, ўзгадан эмас>, деди
ҳамда ғолиб хонадонлар Луай, Баний Ҳошим ва Қўсай
авлодларига юз ўгириб, араб катталарига қарата: <Ҳой

Макка аҳллари, мен бугун сизларга нима қилаётганимни кўраяпсизларми?>— деб айтди. Ҳаммалари билдиларки, Муҳаммаднинг карамлари баҳонажўйдир. Агар марҳамат қилиш дилида бўлмаса эди, машварат қилмас эди, дедилар ҳамда унинг муборак юзи ойинасида карам ва мурувват суратини ошкора кўриб: <Карам ва жувонмард-лигинг машҳурдир, мақтовли ахлоқинг таниқлидир, карам эгаси бўлган карим (жиши) қачон қўли баланд келса, афв этади, куч-қудратга тўлган пайтида яхшилик қилади>, дедилар. Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам дейдилар: "Мен сизларга Юсуф алайҳиссалом жафокор биродарларига айтган сўзларини айтаман: <Бу кун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У, Аллоҳ, раҳм қилғучиларнинг раҳмлироғидир>".

Соҳибқирон ҳазрат ҳам Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам қилганларига иқтидо қилиб, ғалаба қозонгач, (Боязидга) афву карам мардоналиги билан ёндашди. Осмондаги фаришталар у карам ва эҳсонга офаринлар айтиб, замона тили у фазлу инъомга ушбу таҳсинни ўқиди. (Шеър):

Бу мақбул хислатлар мақтовга лойиқ
 Арзийди лоф урсанг мардлик, карамда.
 Йиллар ўтар, туганмас жувонмардликнинг
 Тавсифин ёзсалар сиёҳ, қаламда. (261)

ХС. АТРОФ (ЕРЛАР)ГА ЛАШКАРЛАР ЮБОРИЛИШИ ВА АЙШУ ИШРАТГА МАШҒУЛ БЎЛИНГАНЛИГИ БАЁНИДА

Шундан сўнг улуғ амирзода Муҳаммад Султон ғалабаю бахтиёрлик ва фатҳу зафар шукуҳи билан Бурса¹ жавонибига равона бўлсин, деган олий фармон жорий бўлди. Амирзода Абу Бакр баҳодир, амир Жаҳоншоҳ баҳодир лашкарлар билан унга тобеъликда жўнасинлар, деган ҳукм ҳам содир бўлди. Иккинчи томондан улуғ амирзода Халил Султонга амр этилдики, у Самарқанд томон жўнаб, бу ёрқин ғалаба ва фатҳу зафар хабарини у томонларга етказгай. Давлат Темур ҳам унинг ҳамроҳлигида равона бўлсин ва (биргаллашиб) то Хитой сарҳадигача чопқин ясаб, у томонни муҳолифлардан тамоман тозаласинлар.

Шу пайтда девоннинг аминлари мол йиғиш учун Анкурияга бордилар ва у жойнинг амон молини йиғиб, хазонайи омирага етказдилар. Амир Соҳибқирон ҳазрат Султон Ҳусайн баҳодир, амир Сулаймоншоҳ баҳодир ва амир Рустами Тағой Буғони Оқшаҳир² ва Қўния³ томонига жўнатиб, ўзи иззату иқбол қуршовида, зафар ўнгидаю нусрат чапида Анкуриядан равона бўлиб, олти манзил юргач, Сури ҳисорига етди. У мамлакат сатҳини ҳумоюю аскарларга чодиргоҳ қилди. Бир неча кун у манзилда ишрат ва хурсандчилик билан машғул бўлди. Фалак эҳтиром этувчи шаҳзодалар, Зухра ҳашаматли оғо — хонимлар, Кайхисрав шавкатли амирлар, Зулайҳо кўринишли бонулар руҳни кўтариш учун эртаю кеч май ичишга мойил бўлдилар. Хушовоз чангчилар, пардасоз камонча чалувчилар, ой юзли соқийлар, мушк мўйли канизлар тиз чўкиб май косасини айлантирар, шодлик таратувчи муғаннийлар ушбу байтлар мазмунини эшиттирар эдилар (шеър):

Келинг шодлик билан бир дам май ичайлик,
 Фурсат қолмаган чоғда, уни қачон ичамиз?!
 Кайхисраву Кайқубод тутган йўл билан
 Фалақдан ўч олиб, майни ичайлик.

Сўнгра (Амир Соҳибқирон) у жойдан жўнаб, уч кун юргач, Ғози Саййидга етди ва Қаро Ҳисордан ўтиб Кўтоҳияга келиб тушди. У жойнинг аҳолисидан амон молини олиш билан қаноатланиб, уларга бошқа дахл қилмади. У жойда яна базм мажлисини ораста қилдилар. Йигитчалар ва филмонлар райҳоний шароб косаларини (оятдаги) <оқар чашмалардан қадаҳлар, кўзалар ва косаларни>⁴ (сўзлари мазмунича) тўла айлантirdилар. Мажлис мутасаддийлари базм атрофини <ўзлари танлаб оладиган мевалар>⁵ (оятича) ораста қилдилар. Дастурхончилар эса <иштаҳалари тортган қуш гўштлари>⁶ (оятчи) мазмунича дастурхон ёздилар. Базм мажлисининг тевараги **(262)** <худди яшириб қўйилган марварид мисол оҳу кўзли>⁷ (оятчи) мазмунича ҳур юзли гўзаллар билан тўлган ва ўзга неъмату такаллуфлар сонсаноқсиз эди. (Байт):

Сарв каби зебоқаду ой юзли нигорлар,
 Ой сиймолигу раъно шакл жонпарвар
 дилоромлар.

Улар нозу карашма мақомида туриб, мил-мил тўла жомларни айлантлар ва у жаннат мисол боғда <биз пурнеъматмиз> (ибораси) мазмунича нағмалар чалар эдилар.

Бу ишрат базмига Йилдирим Боязидни олиб келишга ҳукм бўлди, токи у урушнинг аёвсиз захрини тотганидек, энди базм шарбатидан ҳам сипқорсин; жанг кунининг ҳайбатидан сийнасида дили ўйнаганидек, энди роҳату улфатчилик ва шодлигу хушнудлик мақомида амну амонликка етишиб, подшоҳлик тарзи разму базмда, лутфу ҳайбатда, раҳму ғазабда, осудалигу ғамда, озодлигу асоратда, басту кушодда ва олишу беришда қандай бўлишини ўргансин. Жаҳон бўйсунувчи фармонга биноан уни келтирдилар. Амир Соҳибқирон унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб, умиди чўнтагини амонлик нақдинаси билан тўлдирди. Унга май косасини лиммо-лим тўлдириб тутдилар ва яна янги суюрғоллар билан фахрланиш бошини осмонга етказдилар.

ХСИ. АМИРЗОДА МУҲАММАД СУЛТОННИНГ БУРСА ТОМОНИГА ЖўНАШИ БАЁНИДА

Шу ҳолат асносида амирзода Муҳаммад Султон уч кун йўл юриб, тўртинчи куни иқбол яловининг ойи тўртинчи фалакдан шуъла сочаётган офтобдек у жойларда тулуъ қилди ва у шаҳар ҳамда ноҳиялар унинг тасарруфи остига кирди. Амирзода Шайх Нуриддин баҳодир қалъага кириб, йиллар давомида бу ерда жамланиб келган хазиналар: қимматбаҳо жавоҳиру лаъл, марваридлару ёқутларни бошқа моллару нафис жинслар, матолару нақдиналар билан қўшиб қатор-қатор уловларга ортиб олиб чиқди. Сўнгра <аниқки, подшоҳлар қачон бирон қишлоққа (бостириб) кирсалар (уни вайрон этурлар)>¹ деган оят сири зоҳир бўлди. Талон-торож қилганларидан кейин шаҳарга ўт қўйдилар ва ҳўлу қуруқ ҳаммасини ёндирдилар. У жойдан денгиз қирғоғига жилов буриб, соҳилдаги муҳолифлар қонидан яна бир денгиз пайдо қилдилар. У жойдан амирзода Абу Бакр ўн минг отлик жангчилар билан Шаҳри Навга жўнади. Йилдирим Боязиднинг ўғли Сулаймон бошчилигида читоғлар ва Рум муҳолифларидан кўп халқ у жойга жамъ бўлиб турган

эдилар. У галаба ёр лашкарнинг ҳайбатини мушоҳада этгач ва жанг шерларининг савлатини аниқ кўргач, қарши туришга тоқат қилолмай денгизга кўнгил қўйиб, кемага ўтирди ва қочишни ўзига зафар деб санади.

Шу жойдан жаҳон амирзодаси Муҳаммад Султон (263) бу фатҳнинг хабарини Амир Соҳибқиронга юборди. Бу муҳим хизматга юз кишини тайинлади. Абадиятга улангур давлат каби бахт ҳавосида умид қушини сайд этувчи ва қудрат қаноти билан комронлик фазосида парвоз қилувчи бир шунқорни бошқа тухфа ва ҳадяларга қўшиб уларнинг ҳамроҳлигида юборди. Йўлда гоёта тор йўлли тўқайзор бор эди. Шу қадарки, доно фикр ҳам ундан йўл топиб чиқолмас, ҳушёр кишилар фикри унинг торлигидан танг бўларди. Шундай бир жойда ногаҳондан гавго кўтарилди, читоғлардан сон-саноксиз катта бир гуруҳ ёпирилди. У тўқайнинг узунлиги уч фарсахга яқин эди. Далирлар дили қўлдан кетиб, забардаст баҳодирларнинг оёғи сусайишига ўрин бор эди. Муҳаммад ота, Иброҳим, Аҳмад, Фахриддин, Маҳаммад Қаландар, Хизр ва у юз кишидан қолганлари мардоналик қадамини маҳкам босиб, ўқу найзага қўл урдилар ва шундай жанг қилдиларки, ундан фалакнинг кўзи қамашди. Охирида читоғлар қочишга юз тутдилар ва гўё оч шердан қочган тулқидек тарқалиб кетдилар. Ана шу пайтда улуғ амирзода Амироншоҳ илғор қилиб тўқайда далир юрган ғазабли шердек у танг тўқайзорга кўрди ва тоғ ҳам тоғ камарларида юриб, жон овловчи палангдек у қийин йўлли баланд тоғларга кўтарилди. Муҳолиф читоғийлардан кўплари у тоққа паноҳ тортиб қочиб борган эди, лашкар аҳли (амирзоданинг) далирлигини кўриб, карнай, ноғора чалиб ҳар томондан тоққа чиқдилар. Читоғлар тоғ устидан ва унинг камаридан тош юмалатдилар. Юқорию қуйига урилаётган тошлар зарбидан, жонбоз жангчиларнинг ҳайқирғидан тоғ ва даштларни маҳшаргоҳ сурининг садоси тутди. Жангчилар шовқини ва наъраси баланд осмонга етди. Галаба ёр аскардан жанг сафининг далирлари ва собит қадамли мардлар маҳкам туриб, уларнинг отган тоши зарбасини писанд қилмадилар; уларнинг зарбасини дафъ қилиб, дилни тешар ўқлари, жонни олар новаклари, обдор қиличлари ва афё илонидек найзалари билан ҳайдадилар. Улардан кўплари ҳалокат тигига учрадилар. Қай бирлари амон тилаган

бўлсалар амон топдилар. Ғолиб аскарлар зафар ва нусратга ҳамжилов бўлиб, мақсад томон юзландилар.

Шу маҳалда Султон Ҳусайн, амир Сулаймоншоҳ, амирзода Рустам ва Сайидхожа Кўпак туркмон устига кетган эдилар, кўп ғаниматлар, сон-саноқсиз от ва хачирлар, беҳадду ҳисоб қўйларни олампаноҳ даргоҳга юбордилар. Сайидхожа ўзи Эли Ойдин томонига жўнади, бориб уларни талон-торож қилиб, то денгиз қирғоғигача етди ва душманлардан кимни топса, ўзини ўлдириб, молини ғорат қилди.

Амир Соҳибқирон Кўтоҳиядан Думонж томонига жўнади. Бир жамоа қароқчилар тор йўллари тўсиб олганлар, лашкар ўтаётган пайтда зарар етказдилар, деган хабарни аъло ҳазратга етказдилар. Фармонга биноан улар устига қилич тортиб, у йўл кесарларнинг кўпларини ўлдирдилар, қолганлари қочиб, тоғлар ва ғорларга кириб беркидилар. Жаҳон бўйсунувчи фармонга мувофиқ (264) диловар баҳодирлар сандиқларга ўтирдилар, у сандиқларни тоғ устидан арқонлар билан пастга осилтирдилар ва у шердан ҳам юз ўғирмайдиган дадил мардонлар бир қўлига арқонни ушлаб, бир қўлида қилич тутиб, мардлигу диловарлик додини бердилар, у ўғриларнинг биронтаси ҳам жонини қутқазиб кетишига йўл қўймадилар, ҳаммасини завол ва ҳалокат поймоли қилдилар. Амирзода Бурундуқ у куни мардлик ва мардоналик додини берди.

Шу миёнада улуғ амирзода Муҳаммад Султон ва амир Жаҳоншоҳ Бурса шаҳри фатҳидан қайтиб, Амир Соҳибқирон ҳазратга етишдилар ва у вилоятнинг нафис молларидан Соҳибқирон ҳазратга туҳфалар келтирдилар.

ХСП. ИСТАНБУЛ МАЛИКИНИНГ СОҲИБҚИРОН ҲАЗРАТГА ИТОАТ ВА ФАРМОНБАРДОРЛИК БИЛ- ДИРГАНЛИГИ БАЁНИДА

Истанбул малики Амир Соҳибқирон ҳазратнинг фатҳлари воқеасини эшитгач, ожизлик изҳор этиб, бўйсунушдан ўзга бирор чора йўқлигини билди ва элчилар юбориб, бандалик ҳалқаси билан қуллик ва итоат эшигини қоқди, эл ва дўстлик изҳор этди, жизя тўлашни гарданига олиб, жуда кўп мол ва сон-саноқсиз

туҳфаларни Амир Соҳибқиронга юборди. Бу қилгани қабулга ўтиб, Амир Соҳибқирон ҳазрат унга жизя тўлашни муқаррар қилди ва буни аҳду паймон билан таъкидлаб, элчиларга сарпо бериб сийлади ҳамда ўз жойларига қайтарди. Шу орада Йилдирим Боязиднинг қавму қабиласидан Исфандиёр номли бир киши Сийнобдан¹ Амир Соҳибқироннинг олдига келиб, минг бош от тортиқ қилди. Амир Соҳибқирон ҳазрат унга марҳаматлар кўрсатиб, тожу камар ва тўну олтинлар берди, ўзининг бедариғ инояти билан тенгқурлари орасида сарафроз этди.

Сўнгра Амир Соҳибқирон жаҳон шаҳзодаси Муҳаммад Султонни ўнг қўл томондаги вилоятларни мусаххар қилиш учун юборди. Унинг олдига мухолифлар бўлса йўқ қилиш, аммо кимда-ким амон тиласа, унинг хатосидан кечиб, бағишлаш ва сийлашни шарт қилиб қўйди ҳамда амир Жаҳоншоҳ баҳодирни унинг хизматига жўнатди. У жойдан йўлга чиққан ғалаба шиорли ялов Тарашлиғга келиб тушди ва у ердан Сорониюсга ўтди. У жойдан чиқиб, Тиғиртошга етди, сўнгра Балиқ(?) мавзеида иқбол чодирлари тикилиб, у ер шуҳратли яйловга айланди.

Шу вақтда Йилдирим ўғли Сулаймон Амир Соҳибқирон ҳазратга элчи юборди ва итоат ҳам мутиълик, дўстлик ҳам муҳаббат хабарини етказиб: "Мен сизнинг камтарин хизматкорингизман, сиз ўз комил карамингиз тақозоси билан менинг отамни ҳурмат ва иззат мақомида тутдингиз, олий мажлисдан жой ажратиб, ўтиришга имкон бердингиз, унинг кўнглини кўтариб, подшоҳона инъому эҳсон билан тақдирладингиз. Шунинг учун мен ҳам фармонбардорлик ва итоат кўчасига бош қўяман. (265) Агар буюрсангиз ҳузурингизга бораман, мулозамат ва бандалик маросимини тақдим этаман", деб арз қилди. Амир Соҳибқирон ҳазрат унга навозишлар қилиб, подшоҳона яхши сўзлар айтиб, илгари баён қилинган воқеалар отасининг бир неча вақт ишни енгил санаб менсимаганлигидан содир бўлганлигини ва охирида иш шу воқеаларга келиб етганлигини баён қилди. Яна: "Энди бўлган иш бўлди, ўтган иш ўтди, ғайб пардасидаги тақдир (ёзмишлари) зоҳир бўлди. (Оятда) <ўтмишдаги ишларни Аллоҳ кечиради>² (дейилганидек) энди ўтган ишларни кечирдик", деди (ва элчига): "Агар у фарзанд келса, отасидан ҳам азизроқ бўлади, ҳеч ташвишсиз келаверсин, токи ваҳшат ғубори дўстлик ойнасидан кўтарилсин ва умид-орзулар келинчаги у ойнада юз

сўрсатсин”, (деб тайинлади). Сўнгра элчини кулоҳу камар ва хильятларга гарқ қилиб ҳамда юришли отлару дирам ва динорлар билан хурсанд қилиб қайтарди.

(Амир Соҳибқирон) у жойдан Аёслиғга жўнади ва ундан Денғизлиғ³ шаҳрига етди. Нозу неъматлари арзон, мевалари фаровон бир шаҳарни кўрдилар. У ер олий назарга хуш келди. У шаҳарнинг хосу омларига умумий лутфу марҳамат кўрсатиб, амон молини олиш билан рози бўлди ва у шаҳар халқига бошқа бирор таарруз қилмади. Сўнг у жойдан уч манзил наридаги Гўзал Ҳисор⁴га бориб, бу ерда ҳам амон молига қаноат қилди, бир неча кун у мавзенинг яйлов ҳам экинзорларида қуёш юзли байроқлар шўўласи порлади.

Шу атрофларда бир тоғ бўлиб, икки юз нафар читоғ-бебошлар у тоғни ўзига паноҳ қилиб олган ва галаба ёр аскардан кимки ўтин ва ўт учун у тоғга борса, ҳужум қилиб ўлдиришар ва талон-торожга қадам қўйишар эди. Бу ҳодисани ҳумоюн арз иззатгоҳига етказдилар. (Амир Соҳибқирон) ишоратига биноан тунда нусратманд аскарлар у тоғни ўраб олишди. Тонг отгач, у тоғ атрофини кунчиқар вақтида осмон канорасида зоҳир бўладиган шафақдек читоғлар қони билан гулгун қилдилар. Улардан бир жон эгаси ҳам тирик қолмади (байт):

Тининг гармсери қай ердаки бир кун эсса
Гиёҳ унмас у ердан ўртада гар минг йил ўтса.

(Амир Соҳибқирон) у жойдан Аёслиғга юзланиб, Тира шаҳри⁵га кирди. У Рум шаҳарларининг машҳурларидан биридир. Бир неча кун у мавзенинг атроф саҳролари ва ерлари давлату иқбол чодиргоҳи ва саодату улуғлик боргоҳининг тикилиш жойи бўлди.

ХСШ. МОРДИН СУЛТОНИНИНГ (АМИР СОҲИБҚИРОН) ҲУЗУРИГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ ГУНОҲИДАН ЎТИЛИШИ БАЁНИДА

Илгарироқ зикр этилган Мордин султони Малик Исо ўзининг ёмон феъли сабабидан (266) хавфу қўрқинчга тушган ва шунинг оқибатида Мордин шаҳри ҳалокатга учраб, хароб бўлган эди. Энди у қилмишидан пушаймон бўлиб, ўзининг бахтсизлик дардига Амир Соҳибқирон лутфининг табибидан бошқа ҳеч ким даво қилолмаслигини билди ва

ўзидан хавфу қўрқинчни узоқлатиб, ақлу донолик воситасига ёлишиб, жаҳонпаноҳ даргоҳга юз тутди, улуғ амирзода Шохрух баҳодирни паноҳ тортиб, уни Амир Соҳибқирон ҳузурида ўзига шафе қилди. Улуғ амирзода эса подшоҳона мақтовли ахлоқи туфайли унинг умиди ҳаққини зойе кетказмади ва илтимоси юзига рад қўлини қўймади. Ўз карамлилигида собит туриб, унга шафеликни ўз зиммасига олди ва Амир Соҳибқирон ҳузурига етказди. У олий даргоҳга келгач, (Малик Исо) гуноҳкорлар йўсунида бош яланг бўлиб ҳазрат олдига келди. Амир Соҳибқирон итоб ва сарзанишлар қилиб бўлгач, марҳамат шаҳбозини лутфу карам ҳавосида учирди, иноят ва шафқат қанотини унинг бошига ёйиб, ўтмишдаги гуноҳларидан кечди, ўзининг сахий лутфу марҳаматлари билан хос қилиб, тож ва камар берди, зару зевар инъом қилди ва ўз бузургвор хонадони билан уланиш шарафига мушарраф этди: унинг чодирнишин қизларидан бирини амирзода Абу Бакрга номзод қилди,—(байт):

Унга қилган караму лутфу марҳаматин
Баҳор ёмгири чаману бўстонга қилгай,—

токи жаҳон халқи бу Соҳибқирон ҳазратнинг лутфу итобини билиб қўйсинлар, интиқомию афвининг натижасини кўрсинлар. Илоҳий суннат ҳам ана шу тарзда (оаятда) жорийдир: <Эй пайғамбар, бандаларимга хабар бергин, шубҳа йўқдирки, мен гуноҳларни беркитувчи ва ёрлақагувчидурман, ва яна шубҳа йўқдирки, менинг берадиган азобим ҳам қаттиқ аламли азобдир>¹. Амир Соҳибқирон эса, <Султон Аллоҳнинг соясидир> мазмунича, Тангри таолонинг соясидир. Шунга биноан агар унинг феъли шу тариқа воқеъ бўлса ажиб ва ғариб эмасдир.

ХСIV. ИЗМИР¹ ҚАЛЪАСИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА

Шу вақтда осмон қудратли ҳазратга арз қилиб дедиларки, бу ноҳияда бир қалъа бор, (267) номи Измир ва у фаранглар бошлиқларининг йиғиладиган жойидир. Уларнинг номуси шу жой билан боғлиқ ва унинг қўнғироғини ҳозиргача биронта киши синдирган эмас. Унинг дайр-калисалари обод, мол-мулклари (кўп) ва хазиналари тўла, фаранглар атрофу жавонибдан назру ниёзларини шу жойга келтирадилар. Улар

ҳаргиз ҳеч кимсага жизя ва хирож тўламаганлар. Доимо мусулмонларга қарши бузуқчилик йўлини тутиб келганлар ва шу муддатда ҳеч бир подшоҳ уларни мусаххар қилмаган, балки уларнинг кирдикорига бутунлай рози бўлиб келганлар.

Бу сўзларни эшитгач, Амир Соҳибқироннинг диндорлик ва ғайрат томири ҳаракатга келди. Подшоҳона ҳиммати уларни тубидан қўпориб ташлашга қаратилиб, амирзода Пир Муҳаммад баҳодир ва амир Шайх Нуриддин баҳодирларга буюрди, токи улар у қалъага юзланиб, аввал элчи юборсинлар ва ислом динини қабул қилишга чақирсинлар. Агар уларга бахт ёр бўлиб, ислом динини қабул қилсалар, маълум қилгайлар, токи улар борасида инъому эҳсон маросими тақдим этилгай. Йўқ эса, лоақал итоатга кириб, жизя тўлашга рози бўлсинлар ва хирож молини беришни ўз гарданларига олсинлар. (Пир Муҳаммад баҳодир) фармонга биноан бориб, уларга элчи юборди. Қўрқитиб ва умидлантириб (ислом динига) даъват қилдилар. Фойда бермади, куфру залолатда давом этдилар, жизяни қабул қилишдан ва хирож молини адо этишдан бош тортдилар. Қалъа соҳиби Моҳнус номли киши эди, у ҳамма тарафга киши юборди. Унинг ҳукми остида бўлган Рамон, Галата, Сосун, Тирус, Ҳанҳак, Барзина, Ситр, Дамли, Самдарак, Эмрўз, Ойинарўз ва Калау каби шаҳарлардан лашкарлар унга ёрдамга келдилар. Қарийб икки мингга яқин мукамал отлиғ аскар қалъада жамъ бўлдилар. Улуғ амирлар бу хабарни Амир Соҳибқирон ҳазратга билдирдилар. У дарҳол қўзғалиб отга минди ва катта лашкар, сон-саноксиз тўдалар билан у шаҳарга юзланди. (Байт):

Жанг кушида ҳаммалари шер мард
Денгизнинг қаъридан чиқарурлар гард.

Аскар кўплигидан тоғу даштлар тангга келди, ноғора, карнай овозидан жаҳон хурушга тўлди. Чохур-нақбчилар қалъа остидан нақб кавлашга машғул бўлсинлар, яғочлар устига манора ва деворлар муаллақ қилсинлар, деган жаҳон итоат этувчи фармон содир бўлди. Амирзода Шоҳмалик баҳодир ишчилар ва усталарни ишга солиб, андак бир вақтда қалъа билан денгиз оралиғида бир тўсиқ боғладилар. Шу ҳолатда улуғ амирзода Муҳаммад Султон ва амирзода Амироншоҳ олампаноҳ даргоҳга етиб келиб, ҳаммадан илгари жангга киришдилар. Баҳодирлар бирданига ҳаракатга келсинлар, нусратманд аскарлар эса тўхтамасдан қалъага юз тутсинлар, деган жаҳонгушой

ҳукм содир бўлди. Бу томонда мусулмонлар саф-саф бўлиб, орқама-орқа туриб, мувофиқат қўлини бир-бирларига бериб, ўқу камон тортишга киришдилар. Арродадан ва манжаниқдан отилган тошлар зарбидан қалъанинг буржу бораларини пора-пора қилдилар. Чохур-нақбчилар кавлаган нақбларига ўт қўйдилар.

У тарафдан габрлар жангу жадал мақомида туриб, ўқу новак, (манжаниқ) тошию нефт, (268) ўту тиртахш (камони) билан жанг алангасини осмонга етказдилар. Ноғоралар ва ноқус-қўнғироқлар овози қўшилиб кетди, карнай ва ноғора хуруши замона қулоғини кар қилди. Баҳодирларнинг зарбалари, шерларнинг куч-қувваги сабр биносини остин-устун қилди. Охирида нусрат ва ғалаба ели Амир Соҳибқироннинг иқболи томонидан эса бошлади. Ислом аҳлининг зафар тонги иноят машриқидан балқиди. Қалъа деворлари ислом дини муҳолифларининг яловидек ерга қулади. Кофирлар ҳалокат мақомида бало ўқию қазо тигига нишона бўлдилар, юзлари қўрқинчдан кўкариб, саргайди. Гарданлари ўткир қилич билан тўқнашишдан бинафша ва қизил тусга кирди. Кофирлар сўйилаберганидан қонли ариқлар қўшилиб, дарё бўлиб оқди, мусулмонлар ўз динларининг қоидалари каби сарафроз бўлдилар, куфру залолат яловлари ботил миллат асослари янглиғ қулади. Осмондан фаришталар бу нидони қилдилар: <Улар билан жанг қилинглар, (шунда) Аллоҳ уларни сизларнинг қўлингиз билан азоблайди, расво қилади, сизларга улар устидан ғалаба ато этади ва мўъмин қавм дилига шифо бағишлайди>², замона эса башорат тили билан бу хабарни куйлади: <ғалаба Аллоҳ томонидандир ва фатҳ яқиндир, башорат бер (эй пайғамбар) мўъминларга>³! (Байт):

Сенинг тигинг душман бошини яксон этгач,
Биҳамдиллоҳ, жаҳон ҳукминг остига кирар.
Қайси бир диёрдаки шамширинг барқи яшнаса,
У ерда қолмагай ҳеч тун зулматидан асар.

ХСV. ФҶЧА ҚАЛЪАСИ¹НИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА

Мункирлар ва бузуқчиларни ҳалок этиб, муфсидларни бунёдидан қўпориб ташлаб, дин манорини баланд кўтарган бу ошкора фатҳдан кейин улуғ амирзода Муҳаммад Султонга Фўча қалъасини фатҳ этиш учун

фармон содир бўлди. Чунки фаранглардан кўп жамоалар у қалъани ўзларига паноҳ қилган эдилар. Улуғ амирзода у қалъа айланасини давлат яловлари учун манзилгоҳ қилгач, (ғанимлар) унинг жангдаги шиддати, интиқоми, савлати, қиличининг зарби ҳақида эшитганликлари, йўлбарсдек ҳамласини билганликлари ва далиру довюраклик қувватини ошқора кўрганликлари учун хавфу ҳарос уларнинг дилига йўл топди. Уларнинг катталари ёлвориш ва синиқлик мақомида туриб, жия молини қабул этиш ва тўлаш эвазига ўз жонлари ва хонумонларини сотиб олдилар. Улуғ амирзода уларга амон бериб, жия тайин қилди ва атоқли ноиблари у молларни олишни адо этиб йўлга чиқди ва (269) шавкату зафар билан (Измирга) қайтиб келди.

Бу жойда Йилдирим Боязид ўғли Исобек томонидан Қутбиддин номли элчи Амир Соҳибқирон ҳузурига келиб: "Исобек бандалик ва қуллик мақомида туриб, хизматкорлик камарини белига боғлаган ва Амир Соҳибқирон ҳазратнинг ишорат — фармонларига мунтазирдир ва бу ҳазратнинг лутфу марҳаматларига кўз тутиб, бандалик ва мутиълик изҳор қилган", деди ҳамда насли отлар ва шоҳона туҳфаларни арз иззатгоҳига етказди. Амир Соҳибқирон ҳазрат элчини ўз марҳамат ва иноятлари билан тақдирлаб, унга хилъату неъматлар берди, Исобек учун кулоҳ ва камар юбориб, беҳисоб лутфу марҳаматлар хушхабарини билдирди.

Измир қалъаси рўбарўсида ғозийлардан бир жамоа мақом тутиб турган эдилар, Амир Соҳибқирон измирликларнинг ҳамма қурол ва совутларини уларга берди, яна кўп мол ҳам инъом этиб, уларнинг қўлини қувватлантирди, токи улар ислом дини қуввати ва бу ҳазратнинг ёрдами билан маълум қоида бўйича ғазот қилгайлар. Алҳақ, бу саяю ҳаракат билан дин билаги қувватланди ва бу ишлар билан ислом дини орқа таянчга эга бўлди. (Байт):

Подшоҳлар қиличининг учи таъсиридир деб бил буни,
Улуғлар бир ишни қилмоқ лозим бўлса шундай
қилгайлар уни.

Шу ўртада фарангларнинг улуғларидан Соқиз шаҳрига ҳоким бўлиб турган Сата исмли биттаси ғолиб аскарларнинг истилосини ўз еридан даф қилмоқ учун кўп мол ва беҳисоб туҳфалар, муносиб пешкашлар билан Амир

Соҳибқирон ҳузурига бир элчини юбориб, итоат ва бандалик изҳор қилди ва: "Бундан буён жия ва хирож тўлашга ҳозирман, хилофат паноҳ ҳазратнинг амру кўргазмаларига мутиъ ва фармонбардордурман", деди. Амир Соҳибқирон унинг узрини қабул этди ҳамда жия ва хирож олиш билан рози бўлиб, ундан юз ўғирди.

Кишваркушой яловлар Аёслиғдан чиқиб, ўн манзил юргач, Султон-ҳисорга² етди, читоғлардан бир жамоаси у жойнинг тоғларида макон тутиб турарди, ҳаммасини ҳалокат тифига нишон қилдилар. У ердан барид-хабарчи юбориб, Муҳаммад Султонни талаб қилди. У фармонга биноан тезлик билан хилофат паноҳ ҳазрат ҳузурига етиб келиб, лутфу марҳаматлар билан тақдирланди ҳамда у чап қўл (қисмлари) билан Анкурия томон юриб, сўнг Қайсарияда олий ҳазратга қўшилсин, деган ҳукм содир бўлди.

Амир Соҳибқироннинг ўз муборак зоти Улубўрлиг қальаси³ томон равона бўлди ва у жойга етган ҳамон бетўхтов қалъага ҳужум қилишни буюрди. Шу соатдаёқ галаба қозониб, у ерда яшовчиларни қиличдан ўтказдилар, хотин ва фарзандларини асир олдилар ва у қалъани йўл тупроғи билан баробар қилдилар. У жойдан Акридурунис қалъасига юз тутдилар. (270)

ХСҲІ. БИР КУНДА УЧ ҚАЛЪАНИНГ ОЛИНГАНЛИГИ БАЁНИДА

Уларнинг учаласи ҳам ғоятда мустаҳкам қалъа бўлиб, тезликда забт этиш киши хаёлига ҳам сиғмас эди. Ақл уни эътибор мезонида осмон чўққиси билан бир тарозуда тортарди. У қалъаларнинг эгаси Пошо номли бир киши эди. Ҳукмга биноан лашкарлар қалъанинг айланасини ўраб келдилар. Ўнг томондан амирзода Абу Бакр шерона ҳамла ва дадил юрак билан, чап томондан эса амирзода Шоҳрух паланг каби жангга юз тутдилар. Султон Ҳусайн, амирзода Искандар, шайх Нуриддин баҳодир, амирзода Шоҳ Малик баҳодир, Али Султон ва амир Севинчак — ҳаммалари бирдан ҳамла ясаб, хира диндилар кўзига ёруғ жаҳонни қаро қилдилар. Чохур-нақбчилар қалъа остидан нақб кавлашга машғул бўлдилар. Аскарлар ўқу синон зарби билан ғанимларни ҳалокатга учратдилар.

Охирида уларнинг давлати қайтди, қалъа буржлари қулади, читоғлар жон хавфидан ўзларини денгизга отдилар ва оролларни ўзларига паноҳ қилдилар. Сол бойлаб, кемалар тайёрлаб денгизга туширишга олий ишорат содир бўлди. Андак фурсатда осмоннинг яшил денгизидан сузиб турган юлдузлар ададича кема ва сафиналар денгизда суза бошлади. Денгиз суви эса <денгизлар жўшиб қайнаганда> (деган оят) мазмунича оташ сифатли бўлди. Читоғлар қалбидан дуд кўтарилиб, ҳаммалари ёлворишга тушдилар, амон молини бериш билан ўзларининг жон ва ҳаётларини сотиб олдилар. Халифалик паноҳи ҳазрат (Соҳибқирон) у жойдан нусратли узангиларни Оқшаҳир томон йўналтирди. Муборак яловнинг ўтиш йўли жаҳон амирзодаси Шоҳрух баҳодирнинг қайтули устига тўғри келди. Улуғ амирзода тўй вазифалари ва подшоҳона тортиқлар тортишни бажо келтирди, энг нафис моллар, ҳар хил матолар ва оту хачирлардан шу қадар кўп пешкаш қилдики, тавсиф қилувчилар ақли уларнинг баёни ва саногидан ожиз қолди. Султон Ҳусайн ва амирзода Сулаймоншоҳ тўққиз-тўққизлар ва улардан бошқа мақбул хизматлар маросимини тартибга келтирдилар. Барчаси мақбул бўлиб, ризолик ўрнини топди. Амир Соҳибқирон уларга навозишлар қилиб, сарполар бериб, ўз марҳаматлари билан тақдирлади. Шу ўртада Муҳаммад Қаромон Қўния томонидан Амир Соҳибқирон ҳузурига келди, амон моли йўсунида тухфа ва тортиқ расми билан шу қадар кўп молу мато ва оту хачирлар келтирдикки, бу унинг қудратидан зиёда ва мамлакати имконига сиғмас эди. Шу сабабли унинг мамлакати амну амонлик қучоғида саломат қолди ва замона ҳодисалари чангалидан халос топди. Амир Соҳибқирон унга эҳсонлар қилиб, иззат билан қайтарди. Ҳаттоки тенгдошлари унга ҳасад қилдилар. (271)

ХСҮІІ. ЙИЛДИРИМ БОЯЗИДНИНГ ВАФОТИ БАЁНИДА

Шу ҳолат асносида Йилдирим Боязиднинг эски доимий касали устига иззат нафсининг инқирози қўшилиб, дарди оғирлашди. Амир Соҳибқирон ҳазрат унинг борасида шафқат маросимини бажо келтириб, атоқли табибларга доимо унинг хизматида бўлиб туришни буюрди. Ҳар доим хушбўй шарбатлар, мувофиқ келадиган овқатлар бериб турдилар.

Амир Соҳибқироннинг равшан хотири ва нурли замирида шу фикр бор эдики, қачонки Рум мамлакати ишларидан тамоман фориғ бўлса, Йилдирим Боязидни иззат ва ҳурмат билан ўз мақомига қайтармоқчи эди: токи олам аҳли бу ҳазратнинг оламшумул афви ва комил марҳаматини ҳис этсинлар ва билсинларки, бу (Соҳибқирон) ҳазрат ўткир қилич учи билан мамлакатларни олади-ю, яна қудратли қамчин учининг ишорати билан уни бағишлайди. Аммо (байт):

Мен қилурман ҳаракат аммо қазо айтади:
"Сенинг имконингдан ташқари бошқа иш ҳам бор".

Тадбир тақдирга мувофиқ келмади. Азалда белгиланган ажал гирибонидан тутиб, бетоблик унга ҳукмрон бўлиб олди, касаллик жараёни ғолиб келиб, қуввати кетди, (белгиланган) саноқли нафаси тугади, муҳлатга берилган умри охирига етди. Жон амонатдори амонатни талаб қилиб (оятдаги) <ҳар бир белгиланган замон ёзиб қўйилгандир>¹ ёрлигини ўқиди ва <(Аллоҳ) барча нарсаларни битта-битта биледи>² (оятининг) ҳисобчиси унинг умри ҳисобининг охириги хулосасини чиқарди³. (Байт):

Агар юз йил ва гар юз мингга кирсанг,
Иш анжоми ўлим бирла тугалгай, яхши билсанг.

Ҳа, дунёнинг иши шундай ва давлат фурсатининг анжоми ҳам шундайдир. Аввалида бошини баланд осмонга етказиб, охири уни хорлик тупроғига ётқизмаганлари ким бор? Аввал давлат чўққисига кўтариб, оқибатда уни баланд мартабасидан пастга отмаганлари ким бор? Ҳар бир чошгоҳнинг шоми бор ва ҳар бир бошланишнинг анжоми. Ақлли киши ҳар вақт ибрат кўзи билан бу ҳолатларга қараса, бу қари кампир-дунё муҳаббати ўз қалбида ҳукмрон бўлиб олишига қўймайди ва бу бевафо келин-дунё гўзалининг саботсиз аҳдига дилини боғламайди, чунки у ҳар кеча биттасининг қучоғига қўл очади ва ҳар куни биттасининг муҳр ҳалқасини қулоғига тақади. (Байт):

Берма кўнгил айланиб турган бу гумбаз чархига
У бир тегирмондирки, айланар азизлар қонига.

Алқисса, у ниҳол илдизидан йиқилди ва ғарибликда минг ҳасрат билан ширин жонини жононга топширди. (272) Олий ишоратга биноан аза маросимини лойиқ тарзда ўтказиб, кафанлашу жиҳозлаш вазифасига киришдилар ва Оқ шаҳирда дафн қилдилар. (Байт):

Лаҳад кунжида бўлди жойи унинг
Жаҳонда ўчди ному овози унинг.

Бу воқеа содир бўлганидан кейин амирзода Бурундуқ Амир Соҳибқиронга арз қилиб: "Бир жамоа туркмонлар бор, уларга Хизрбек ва Иброҳимбеклар сардордирлар. Улар итоат йўлидан юз ўғирдилар", деди. Дарҳол нусрат шор аскарлар улар томон жўнасинлар, деҳан фармон бўлди. Тонг отиб, субҳи содиқ кўринган вақтда аскар у ердаги тоғу саҳроларни эгаллаган эди, улардан кўплари ҳалокат ўқига гирифтор бўлдилар, баъзилари қочдилар; лашкар уларнинг молу маноллари, оту хачирлари ва қорамолу қўйларини талон-торож қилди, хотин-болаларини асир олди ва хонумонларини вайрон этиб, уларни жаҳон аҳлига ибрат қилди. (Шеър):

Бу куни сенга бирор киши саркашликда дам урса,
Оёғу боши билан йиқилур — шудир унинг жазоси.
Кимики амри Худога хилоф иш қилса — қаҳрга учрагай,
Хукмрон амрига хилофлик ҳам Худога хилофликдир.

ХСҲШ. ХУДО ЁРЛАҚАГУР АМИРЗОДА МУҲАММАД СУЛТОН ВОҚЕАСИ БАЁНИДА

Зийрак оқилларга ва комил донишмандларга қуёшдан ҳам равшанроқдир ва илгарилардан зоҳирроқдирки, дунё фано ва завол ерию сафар ва кўчиш доирасининг марказидир. Унинг тиниқлиги хираликсиз ва ширинлиги аччиқликсиз муяссар бўлмас. Жаҳон чаманида кимнинг муроди шоҳида бир гул очилганки, сўнгида минг заҳарли тикони унинг оёғига қадалмаган бўлсин?! Ва қайси бир бахтиёр киши комронлик базмида айшнинг мусаффо майини ичганки, кетидан заҳри ҳалоқилни тотмаган бўлсин?! (Шеър):

Қайси айш улким, замона оми тира қилмаган,
Қайси кундир ким фалак туп зулматига чўммаган.

Бу сўзлар баёнидан ва бу аҳвол шарҳидан мақсад Тангри таоло ўз иноятига хос этган жаҳон амирзодаси Муҳаммад Султон ҳолининг баёнидир. <Аллоҳ унинг қабрини пок этсин ва оромгоҳини жаннатга айлантирсин!> (273) Салтанату комронлик ва шавкату жаҳонбонликда олам кўзи у билан равшан эди, замона чаманида сарв мавжудлигига қарамай, унинг мавзун қоматига юз гулшан рашк этарди. Давлатнинг бу яшнаб турган ниҳоли ногоҳ оёқдан йиқилди ва у мамлақату подшоҳликнинг асоси бузилди (шеър):

Фигон замонанинг ранж етказишу роҳатни бузиш одатидан,
Фигон фалакнинг жон овловчи жаврпараст гардишидан:
Бир умр нақшлаган расмин ўзи бир онда йўқ этди,
Ўзи ўттиз йилда еткарган гавҳарин нобуд этди!

Бу воқеадан олам тугунлари дилларда шундай гириҳ боғладики, у ҳеч маҳал ёзилмайди ва бу ҳодисадан жаҳон аҳли кўзига шундай тиканлар қадалдики, санчиғи ҳеч бир гадбир билан камаймайди. (Назм):

Унинг ўлими хабаридан ҳар хонадонда мотам,
Унга азадорликдан ҳар бир томонда нола.
Бу оғир мусибат-у, бу ҳавлноқ ўлимдан
Ҳар бир тошу темирнинг ҳам дилига ўт тушиди.

Бу мотамдан олам халқининг дили куйиб, ҳасрат ўти сийналарда аланга олди. Амир Соҳибқироннинг бу фожиада сабру қарори қўлидан кетди. Ўзни тутиш ва чидам қуввати заифлашиб, икки кўзи дарёсидан пок жавоҳиру лаъллар юзи сафҳасига тўкила бошлади, руммоний лаъл қатралари нуроний соқоли толаларидан оқди ва у ҳол тили билан бу байтларни куйлади (шеър):

Дариғо, ногоҳон сўлди тўсатдан,
Давлат боғин гули ёшлик чоғида.
Ҳасрат билан кетди жаҳондан у мард —
Дин иқлимининг забардаст қаҳрамони,
У бир яшшаган ниҳол эди, лек гардун
Бермади унга сув тириклик чашмасидан.

Охири осмоний ҳукмга қарши чиқиш ва қазойи илоҳийдан қочиш бирор кишига ҳам мумкин бўлмаганлиги учун ночор қазо ҳукмига бўйин қўйиб кафанлаш

ва дафн этишга машғул бўлдилар. Раббоний тақдир ҳукмига бўйин эгдилар. Агарчи ҳазрат Амир Соҳибқиронга шундай бир фарзандидан жудолик алами ғоятда кучли ва шундай дилбандидан айрилиқ изтироби бениҳоят бўлса ҳам, аммо жаҳондийда донишманду комил кишилар ҳикматли ва сердониш нукталарни унинг нури хотири саҳифаларидан ўқийдиган ва дилга таскин беришу қалбни собит тутиш йўсунини унинг ишларию сўзларидан ўрганадиган бўлганликлари учун ақлни ишга солиб <сабр эт, — сабр этмагинг ҳам Аллоҳ ёрдами биландир, — ва қайгурма>¹ (деган оят) мазмуни мақомида турди. Кучқудрат қадамини маҳкам босиб, **(274)** қалбини у зўр мусибатда сокин тутиб, ўқиди (шеър):

Ҳар на ҳукминг бўлса бизга розидурмиз, ё Илоҳ,
Мумкин эрмасдир ҳазоингга қарши турмак ҳеч гоҳ.

Ва ўз-ўзига деди: "Ўлим ҳукми шоҳга ҳам, гадога ҳам, омийга ҳам, шарифга ҳам, олийга ҳам, аднога ҳам бирдек жорийдир. <Албатта биз Аллоҳга тегишлимиз ва унга қайтгумиздир>"².

Тангри таоло бу фаришта сифат зотни замона осибдан саломат сақласин ҳамда саодат чаманининг сарвлари ва ҳукмронлик анжуманининг сарварлари бўлмиш бошқа шаҳзодаларни (Соҳибқирон ҳазрат)нинг қалин сояси остида мақсадлари интиҳосига ва орзулари давомига етказсин! <Аниқки, Аллоҳ дуоларга ижобат қилгучидир>.

ХСІХ. МИСР ЭЛЧИЛАРИНИНГ КЕЛИШИ ВА МОЛ ҲАМ (ТАНГА) ЗАРБИ КЕЛТИРГАНЛИГИ БАЁНИДА

Амир Соҳибқироннинг нусрат шиор ялови Оқшаҳир ноҳиясини шарафли этгач, Миср томонидан элчилар келди. Амир Соҳибқирон (Миср волийсидан) кўп муддатдан буён амир Отломишни талаб қилар, улар уни юборишда суствлик қилишар эди. Энди эса улар Амир Соҳибқирон интиқомининг қаттиқ эканлигини кўргач ҳамда шумлик ва қайсарликлари натижасида Шом ва Ҳалаб мамлакатларини слга совурганларидан кейин ўзларига келиб, ўз қилмишларидан пушаймон бўлдилар. Ўртада амир Отломишни васила қилиб, динор ва дирам юзини азиз Худованди таоло номи, ислом подшоҳининг исми шарифи ва Амир Соҳибқироннинг бузургвор номи

билан ораста қилдилар, минбарлар тепасини у зоти олий номининг зикри билан фахрли этдилар. (Сўнг) Аҳмад ва Ақта номли икки элчини юбориб, кўп мол ва бешумор хазиналар, эгар ва анжомлари тиллодан арабий отлар, турли-туман лаълу жавоҳирлар, мушку анбарлар, Мисрий шамширлар ва Искандариянинг ипак матоларини арзга етказдилар. Яна арз қилиб: "Барқуқ ўғли Фараж" синиқлик лаби билан фалак мисол боргоҳ срини ўпиб, арз иззатгоҳига: "Мен Соҳибқирон ҳазратнинг қулиман, менинг пушти паноҳим шу давлат ошиён остонадир, агар хисравона илтифот ва марҳаматлар мени чокарликка қабул қилсалар, бундан кейин илгаригига хилофан хизматкорлик маросимини тақдим этгумдир ҳамда бу мамлакатнинг сикка-тангаси ва хутбасини ҳумоюн ном ва лақаблар билан ораста айлаб, хирож ва муқаррар молни йилма-йил хазонайи омирага стказиб тургумдир", деган арзини йўллади, дедилар. Хилофат паноҳ ҳазрат унга марҳамат қанетини ёзиб, хисравона меҳрибонлик ва подшоҳона марҳаматларини ундан дариг тутмай, айтди: "У ёшлик чоғида отаси марҳаматининг соясидан маҳрум бўлиб қолганлиги учун Аллоҳ таоло ризолиги йўлида мен уни фарзандликка қабул қилдим. (275) Агар у яхши хизмат йўлида аҳдида собит турса, бедариг марҳаматимизни ундан аямасдан ҳар қандай илтимоси бажарилишига ёрдам қиламан, мамлакат ишларини бошқаришда унинг қўлига қувват бераман, токи у ўз мамлакатида тинч ва осуда бўлиб, икки шарафли ҳарам (Макка ва Мадина) маросимларини бажара олгай ҳамда у шарофатли мақомлар равнақи ва мусулмонлар амну амонлигининг савоби бизнинг давлатимизга ҳам текгай!" Сўнгра (Амир Соҳибқирон) элчиларни зардўз хилъат, кулоҳу камар билан сарафроз этди ва Фараж учун тож, қабо, зийнатли камар ва кулоҳ юборди ҳамда кўпдан-кўп лутфу меҳрибонлик ва марҳаматлар хушхабарини бериб, элчиларни тетиклантириб қайтарди.

С. ҚАРО ТАТОРЛАРНИ РУМ ЕРИДАН КЎЧИРИШГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛИГИ БАЁНИДА

Шу вақт (Амир Соҳибқирон)нинг подшоҳона иродаси қаро таторларни элу ҳашамлари ва аскарлари билан Рум мамлакатидан шарқ томонга кўчиришга қарор қилди ҳамда илғор йўсунида равона бўлиб, Амосия саҳросига— Қайсария

ерлари яқинига юрди. Улуғ амирзода Шоҳрух баҳодир, Султон Ҳусайн ва амир Сулаймоншоҳларни кўп аскар билан ўнгу сўл қанотлардан юришга тайинлаб, (қаро таторлар) йўлларини эгаллашни ва улардан бирор махлуқ ҳам ўртадан чиқиб кетишига йўл қўймасликни топширди. Аммо шуни шарт қилдики, ҳеч бир важҳдан уларга таарруз қилмагайлар ва озор бермагайлар, уларнинг молига, жонига зарар етказмагайлар. Сўнгра (қаро таторларга) одам юбориб, улардан иккита ақлли, иш кўрган ва тажрибали донишманд киши тезлик билан ҳузуримизга келсин, деб буюрди. Улардан Табаррук ва Мурувват номли икки киши келиб, палос ўпишга мушарраф бўлдилар. Амир Соҳибқирон уларнинг кўнглига ёқадиган подшоҳона сўзлар, хисравона тарбиятлар билан уларни қувватлантириб, ишончларини мустаҳкам қилиб, қасамлар билан таъкидлаб деди: "Сизларга нисбатан иноят ва марҳаматдан бошқа ниятим йўқ ва бундан кейин ҳам бўлмайди. Утмишдаги подшоҳлар ва султонлар сизларнинг ота-боболарингизни у ерлардан бу диёрга келтирганлар". Сизлар бир муддат ғурбатда бўлдингизлар, энди бизнинг иноятимиз ва меҳрибончилигимиз соясида <ватанни суйиш имондандир> (деган ҳадисни) ўзларингизга ўқинглар-да, ота-боболарингиз қароргоҳи бўлмиш ватанларингизга қайтинглар, қолган умрингизни бизнинг иноятимиз соясида амну амонликда кечиринглар". Улар бунга розилик ва миннатдорлик билдирдилар ҳамда бандалик изҳори мақомида туриб: "Биз Амир Соҳибқирон ҳазратнинг фармонларига итоат қиламиз ва бўйин қўямиз, бу марҳаматларию бандпарварликларига хурсанд ва дилшодмиз. Биз учун бундан ҳам яхшироқ нима борки, шундай бир ҳазрат соясида узоқ муддату замонлардан сўнг яна тинч ва хушҳолликда (276) хотин-болаларимиз, қавм-қариндошларимиз, чорполаримиз ва юкларимиз билан ўз мулкимизга қайтамиз", дедилар. Амир Соҳибқирон ҳазратга уларнинг нияти софлиги маълум бўлгач, ҳеч бир киши буларнинг ўзигаю молига таарруз қилмасин, деб фармон берди ва амирлардан бир гуруҳини бу муҳим ишга тайин қилди, токи уларга йўлбошловчилик қилиб, ҳар қандай йиғин ва солиқлардан уларни озод ва саломат сақласинлар, уларга мулозим бўлиб, муҳофазат қилиб, аҳволни кузатиб боришни ўзларига лозим билсинлар, уларни сувли, ўтли, хушҳаво жойларга туширсинлар. Шу тартибда қарийб бир минг уйли хонадон асбоб-олатлари, юклари ва туя, қорамол, қўйлардан иборат моллари билан амну амонлик ҳамроҳлигида бу мамлакатга келдилар.

СИ. АМИР СОҲИБҚИРОН ҲАЗРАТНИНГ РУМ ТОМОНИДАН ҚАЙТИШИ БАЁНИДА

Бир йил, балки ундан камроқ муддатда Рум мамлакатлари батамом Амир Соҳибқирон ҳазратларининг олам бўйсунувчи ҳукми остига кириб, мусаххар бўлди. Унинг катта шаҳарларидан ҳар бири йиллар давомида бирор подшоҳнинг ҳам қудрати етмаган қалъалари билан таслим бўлди. Ва неча асрлар ўтиб, катта-катта подшоҳларга муяссар бўлмаган жойларнинг фатҳи Амир Соҳибқиронга муяссар бўлди. Чопарлар ва элчилар фатҳномаларни атроф мамлакатларга етказдилар. Бу аниқ ғалаба ноғорасини жаҳоннинг гарбу шарқида қоқдилар. Бунинг кетидан нусрат шиор яловлар зафар ва ғалаба ҳамроҳлигида Рум мамлакатидан қайтишга юз тутдилар: ҳашамлар ғолиб, хазиначилар тўла, дўстлар шоду масрур, душманлар газабноку енгилган. (Байт):

У кетдию фатҳнинг башорати яловларида равшан,
Омаду иқбол эса унинг қадамларига тобе.

Улуғ бону Сарой Мулк хоним, саъид ва мағфур амирзода Муҳаммад Султоннинг волидаси маҳди олия Хонзода бегим, ўзга оғолар, хотинлар ва мулозимлар Амир Соҳибқирон ҳазратнинг йўқлиги муддатларида Султонияда эдилар, уларнинг ҳаммалари "Авник қалъаси ҳудудига борсинлар" деган фармон содир бўлди. Шунга биноан Султониядан чиқиб, Қуббат ул-ислом Табризга йўл олдилар. Йўл тадорикини кўриб, аза кийимларини тайёрладилар. Сўнг йўлга тушиб, Авник қалъаси атрофида аъло ҳазратнинг палосини ўпишга етишдилар ва худо ёрлақагур амирзода Муҳаммад Султоннинг, — Тангри таоло унинг қабрини пок қилсин, — азаси маросимини янгиладилар. Ер юзи кўк ва мовий либосларнинг кўплигидан осмон ҳайъати тусини олди. Осмон бу мотамдан бошига ердек тупроқ сочди, ой чеҳрали хотинлар тун рангли қаро (277) кийимлар кийдилар, хуршид мисол Зуҳра пешонали (гўзаллар) тутилиш давридаги қуёшдек тираҳол ва паришон бўлдилар, тоғу тош нолаю оҳ садосига тўлди, кўзлардан оққан ёш селидан у ернинг тоғу тепаларидан қон ариқлари оқди. Алҳақ, шунингдек адолатли, жувонбахт, давлатёр шахзоданинг фироқида ёш ўрнига кўздан қон тўксалар лойиқ эди.

Юрақлар куйишию сийна алангасидан бу байт мазмунини тилга олдилар (байт):

Дилим куйгани даражасида кўзларим ёш тўкса эди,
Мурғу моҳий биргаликда менинг ҳолимга ййлаган
бўлардилар.

Охирида жазаъ-фазаъдан бирор иш битмаслигини ҳамда бу каби воқеаларда сабру саботдан ўзга чора йўқлигини билгач, қазойи илоҳийга рози бўлиб, <Албатта биз Аллоҳга тегишлимиз ва унга қайтгумиздир>¹ оятини ўқидилар ва дедилар (мисраъ):

Сабр қилгил эй дил, чунки сабр сафо аҳли шеваасидир.

Амир Соҳибқирон ҳазрат ишоратига амал қилиб амирзоданинг пок руҳи учун ҳар нав садақотларни муҳтожларга бердилар, Қуръони каримни хатм қилиб, дастурхонлар ёзиб ош бердилар.

Амир Соҳибқирон бир неча мажлисларда, хусусан, уламолару солиҳларнинг мажлислари ва суҳбатларида бўлиб, уларнинг ваъз ва насиҳатларини эшитиб, дили ёзилди. Улар билан бирга масалалар ечишиб, андуҳи шуъласини пасайтирди ва муборак хотирига тасалли берди. Сўнгра уларга навозишу иззат кўрсатиб, хилъат ва инъомлар билан тақдирлади ҳамда қайтишларига ижозат берди.

СП. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ ГУРЖИСТОН ТОМОН ЮРИШИ ВА АМИРЗОДА АБУ БАКРНИ БАҒДОДГА ЮБОРГАНЛИГИ БАЁНИДА

(Амир Соҳибқироннинг) подшоҳона ҳиммати ҳамиша Гурж кофирлари озорини ислом дийридан даф этишга сарфланиб келар эди. Ўтган йили уларнинг подшоҳи Гўргин муҳлат тилаб, қачонки муборак зот Рум томондан қайтсалар, мен палос ўпишга бораман ва жаҳон итоат этувчи фармонга мутиъ ва итоаткор бўламан, деган эди. Аммо у ваъдасига вафо қилмади. Бу ҳазратнинг камоли диндорлиги ва ислом учун жон куйдириши шунга боис бўлдики, ислом жамиятини уларнинг ифлос вужудидан тозалагай ва Муҳаммад динининг яловини баланд кўтаришга (278) имкон ва қудрати етганча саъй кўрсатгай. Шу муқаддималарга биноан у муборак зот Гуржистонга қўзғалди.

Қарс ерлари яқинига етгач, (Амир Соҳибқирон) шаҳзодалар ва улуғ амирларни жамъ қилиб, уларга дур сочувчи лафзи билан деди: "Тангри таоло рубъи маскун мамлакатларини жаҳон итоат этувчи ҳукмимизга бўйсундирди. Энди мен истаيمانки, жаҳон аҳли ғазаб ва қаҳримиз асарларини кўриб билганидек, марҳамат ва эзгуликларимиз аломатларини ҳам замона саҳифасига ёзсинлар ва ўқисинлар. Султонлар худо соясидирлар. Шунинг учун улар гоҳо қаҳр оташи алангасида душманлар вужуди хашагини куйдирадилар, гоҳида эса марҳамат ва эҳсон мақомида туриб, дўстлар сийнаси шабистонини лутфу карам шамъи билан ёритадилар. Бағдод аҳолиси ғалаба ёр аскаримизга муҳолифатчилик кўрсатиш билан шаҳарлару аҳолини ҳалокатга дучор қилдилар, қилмишларининг интиқомига гирифтор бўлдилар, уларнинг қилмиши шунга етказдики (байт):

Уларнинг шаҳрига ёғиб қаттиқ дўл,
Гулбунларидан қолмади бир барг.

Ҳозирда эса, ғайрат султони ўз интиқомини олиб, уларнинг ёмон феъли жазоси ўзларига етгач, яна марҳаматимиз лочини карам қанотини ёзиб истайдики, у хароба заминни инсофу адолат ҳумосига қўнимгоҳ қилгай, у жойнинг вайроналарини ободлик ҳолига қайтаргай, токи жаҳон аҳли қаттиққўллик ва интиқомимиз қайси мақомда-ю, марҳамат ва эҳсонимиз қай даражада эканлигини билгайлар. (Байт):

Нуҳ умрини топгайсан, чунки жаҳонда,
Сендан қолгай иморат тўфон ортида.

Шак йўқки, Бағдод ислом шаҳарларининг оналаридандир: илму фан у жойдан жаҳонга тарқалган, мазҳаблар ҳам у жойдан шуҳрат қозонган, агар бу иродамиз тақозо (этган тадбир) амалга ошса замонлар давомида яхши ном қолишига ва зўр савоб орттирилишига сабаб бўлгай", деди.

Оламга оро берувчи раъй у мақомни бошқарув рақамини давлат сулоласининг халафи бўлмиш улуғ амирзода Абу Бакр номига тортди. Курдистон, Диёрбакр ва Мординдан тортиб то Восит, Басра, Ўйротгача ва у шаҳарларга нимаики тегишли бўлса — ҳаммасини унинг

номига номзод қилди, мўътабар амирлардан бир жамоани катта лашкар билан унинг ҳукми остига тайин қилди; Ироқ амирлари ва аскару акобирларини унинг мулозматида белгилади. Сўнг унга васият қилиб, Диёрбакр йўлидан кириб бориб, у томонда муфсидлардан баъзилари қолган бўлса, уларни сиёсат тифига дучор қилишни, куз фасли бошланиб, ҳаво мўътадиллашган пайтда Араб Ироқи томон юриб, у тарафлар аҳолисини юпантириб, иморат ва зироат ишларига тарғиб қилишни, у мавзеларнинг ободонлигига кўшиш кўрсатиб ҳар нав билан бўлса-да, тезликда ислоҳга келтиришни, у вилоят мажруҳларини адлу эҳсон марҳами билан даволашни топширди ва келаси йили Аллоҳ иродаси билан Ҳижозга борувчи ҳожилар у йўлдан юрсалар керак, деди.

Олам аҳли амирзодаси (279) Амир Соҳибқироннинг подшоҳона васиятларини қабул қулоғи билан эшитиб, қуллик ерини ўпди ва зўр улуғворлигу ҳашамат билан у томонга юзланди. (Амир Соҳибқироннинг) кишваркушой яловлари ҳам йўлларда тўхтаб-тўхтаб шикор қилиб, гуржлар вилояти ва саҳроларига кириб келди. Амир Соҳибқироннинг ихлосманд содиқ қулларидан бўлмиш Шервон волийси Шайх Иброҳим жонсипорлик мақомида туриб, бандалик хизматларини адо этиб келар ва ҳамиша вафодорлик ҳам хайрхоҳлик йўлида собитқадам эди. Амир Соҳибқирон бундан илгарироқ уни олдинга юбориб, (гуржларнинг) кириш ва чиқиш йўлларини забт этишга ишорат қилди.

У диёрнинг волийси бўлмиш Гўргин лашкар шерлари ҳаракатга келганидан огоҳ бўлиб, Амир Соҳибқирон ҳазратнинг ўзи бу томонга илтифот кўрганлигини аниқлагач, унинг жон қуши кўкрак қафасида талпинишга бошлади. У ҳазратнинг андак ҳаракати билан ўзларининг бутунлай хароб бўлишларини тушунди. Бинобарин у кўп совғалар билан элчилар юбориб, қуллик ва фармонбардорлик изҳор этди ва ёлвориш ҳам мутиълик мақомида туриб арз қилди: "Менда нима ҳад ва нима қудрат борки, сиздек бир улуғ ҳазрат манинг кечмишим устига соя солиб, ўз зоти муборақлари ранж тортадилар. Мақсад агар бу банданинг қуллиги ва хизматкорлиги бўлса, мен фармонбардор ва мутиъдурман, мол юбораман, нимагаки ишорат бўлса бўйин қўяман. Аммо ул ҳазратнинг соялари шу қадар улуғки, ҳозирда палос ўпиш учун боришга далирлик кўрсата олмайман. Агар Соҳибқирон

ҳазратларининг марҳаматлари бу қулнинг аҳволига қаратилса-да, менга муҳлат берсалар, Мордин султони ва бошқа кишилар эмин бўлиб ҳузурларига борганидек, мен ҳам бундан кейин оёқларини ўпишга етишаман. Аъло ҳазрат ўзлари ҳокимдирлар", деди.

Амир Соҳибқирон ҳазрат унинг бўяма гапларига илтифот қилмади, юборган ҳадяларининг ҳаммасини илтифотсизлик юзасидан мажлисда ҳозир бўлганларга тарқатди, улардан ҳеч бирига қабул рақамини тортмади ва айтди: "Унга айтишларки, сенинг ҳукминг ўзгаларникига ўхшамайди, мени Муҳаммадий дини учун кураш бу ерга келишга мажбур қилди, агар бизнинг бургутимиз чангалидан қутулишни хоҳласанг, ҳеч андишасиз келавер, токи палос ўпишга етишгайсен, агар тавфиқи илоҳий сенинг ҳолингга рафиқ бўлиб, худонинг инояти сени қўлласа, албатта, имон зийнати билан безанасан, шунда бизнинг эҳсон ва тарбиятимиз сенинг борангда қай даражага етишини жаҳон аҳли кўргайлар ва эшитгайлар. Бордию (имон келтириш учун) тавфиқ топмасанг, ҳақ таоло (оятда) <динда мажбур қилиш йўқи>¹, (деганидек) сенга бирор ёмонлик истамайман, шариат фармонига мувофиқ сенга жизя муқаррар қилиниб, мўлинг, ору номусинг, хотин-болаларинг саломат қоладилар, сени азиз тутиб мамлакатни сенга муқаррар қилиб, қайтариб юбораман. Истанбул волийси ҳам сенинг миллат ва динингда эди, бизга илтижо қилиб, жизя тўлашни қабул қилди, эшитган бўлсанг керак, унга қанчалар инъом-эҳсонлар қилганимни. Сенга ҳам худди шундай қиламан. Агар бундан бошқа бирор узр айтгудек бўлсанг, эшитилмайди", деди.

Элчилар қайтиб кетдилар. Бир неча кун шу тарзда ўтди. "Бу вақт уларнинг ғалла йиғадиган пайтлари экан. (280) Улар ғалламизни кўтариб олайлик, ўзимизни қувватлантирайлик, деб ғалга соляптилар", деб арз қилдилар. Ҳазрат Соҳибқирон амир Нуриддин баҳодир илғор йўсунида уларнинг вилояти томон жўнаб, жамиятларини тарқатиб юборсин, токи нусратшиор аскарлар ғаллани ўриб янчисинлар ва кўтарсинлар, деб ишорат қилди. Фармонга биноан жўнадилар, гуржиларнинг барчаси туриш беролмай қочди. Амирзода Шайх Нуриддин жалодат ва мардоналик мақомида туриб, иссиқ ва машаққатга чидаб, токи нусратшиор аскарлар унинг кўмагида эминлик ва фароғат билан ғаллаларни ўриб, бостириб, кўтариб олгунча ўша ерда турди. Сўнг муборак ўрдуга қайтдилар.

СИ. ГУРЖИЛАРНИНГ ЭНГ КАТТА ҚАЛЪАЛАРИДАН БЎЛГАН БИРТИС ҚАЛЪАСИНИНГ ОЛИНИШИ БАЁНИДА

Шу миёнада Амир Соҳибқирон ҳазрат яна бир неча кун йўл юриб, Биртис қалъаси атрофига етди. У баланд тоғ устига қурилган ғоятда мустаҳкам бир қалъа эди. Шу даражадаки, (кўпни кўрган) сайёҳлар бундан мустаҳкамроқ қалъани кўрсата олмас эдилар. Жаҳоннинг ҳар томонида бир неча минг қалъани фатҳ этган голиб лашкар аҳли бундан қийинроқ қалъани кўрмадик, дер эдилар. Қалъанинг волийси Тўрол номли гурж умароларидан бири эди. Ўттизга яқин гуржларнинг улуғларидан бўлган азнаворлар у билан бирга эдилар. Аскарлардан эса тахминан бир юз эллик киши бор эди.

Бундан илгари нусратшиор яловлар у жойга борган, аммо қалъани олишга кўпда илтифот қилмаган эдилар. Одамлар Амир Соҳибқиронга қалъанинг ғоятда мустаҳкамлиги маълум ва уни тезлик билан олиб бўлмаслиги аниқ бўлганлиги учун унга ўз соясини солмайди ва уни фатҳ этишга илтифот кўрсатмайди, деб гумон қилардилар. Ҳақиқатда ҳам бу каби фикрларни ўйлашга ўрин бор эди. Чунки у қалъа жуда мустаҳкам бўлиб, баланд бир тоғ устига жойлашган, у баландлик атрофидан юз-юз эллик газ тошлар кўтарилган, йўллари ниҳоятда чалкаш ва тангу тор, атрофлари тоғу камарлар эди. Қалъа ичида уларнинг обгир — ҳовузлари сувга тўла ва ғаллалари мўл, қалъанинг сиртида эса сув ноёб, уни топиш ниҳоятда қийин, иссиқдан ҳаво фазоси қиздирилган тандирдек эди.

Худойи таоло бу ҳазратнинг ишларини ўз инояти билан осон этиб келганлиги туфайли ғайбий илҳомга ва <подшоҳлар (Аллоҳ томонидан) илҳомлантирилган бўладилар> (ибораси) мазмунига биноан муборак хотирига келдики, ўз зоти у қалъа яқинига бориб, уни эътибор назарига олгай ва бу борада бир фикр юритгай. Шунга биноан унинг ўзи қалъа томон юзланди.

Ҳамма одамлар бу қалъани олиш амалга ошишини жуда узоқ ҳисоблардилар. Бу банда (Низомиддин Шомий) **(281)** у муборак сафарда фармонга биноан олий узангига мулозим эдим, қалъадорлик ва қўрғон кушоликда машҳур бўлган бир жамоа сардорлардан сўрадим: оё, бу қалъани мусаххар қилиш мумкинми ё йўқ? Улар ҳаммаси бунинг имконсизлиги мақомидан туриб, узоқ замонлар мухосара қилингандагина

олиш мумкиндир-у, аммо шунда ҳам қийин, дедилар. Чунки бу қалъани мухосара қилиб туриш Амир Соҳибқироннинг режасида йўқ, агар бир гуруҳ (лашкар)ни қўйса, озгина қолдиради. (Бу ер) душман вилоятининг ўртасида бўлганлиги учун Амир Соҳибқирон ҳазрат жўнаб кетгандан кейиноқ у гуруҳ туролмайди. Агар аскарни кўп қўйса, отларга см-хашак, сув ва овқатдан танг бўлишади. Хуллас (сардорларнинг) ҳаммалари бир оғиздан уни олиш ғоятда душвор эканлигини айтдилар.

Амир Соҳибқирон ҳазратнинг ўзи зийрак бахти ва Тангри таолонинг қўллови билан (806 йил) ўн тўртинчи муҳаррамда (1403 йил 3 август) жума куни бахтли толеъда йўлга чиқиб, у ерларни нусратшиор аскарларга чодиргоҳ қилди. Қалъа аҳли бир неча кишини ташқари чиқариб, шунқор ва бир қанча ҳадялар юбордилар, қуллик ва итоат изҳор қилдилар. Аммо у сўзларига вафо қилмасдан, охири ўқ ва тош отдилар.

Амир Соҳибқирон амирларга қалъа айланасининг ҳар тарафидан ўраб олишни буюрди. Қалъанинг бир дарвозаси бор эдики, у ўз ҳолига яна иккинчи бир қалъа эди. Чунончи, донишманд кишилар ақли уни олишни тасаввур қилишдан ҳам ожиз, донолар фикри уни эгаллашга қисқалик қилар эди. Амир Соҳибқирон у дарвозани амирзода Шоҳ Малик баҳодирнинг уҳдасига топширди ва у қалъа рўбарўсида ғоятда мустаҳкам бир қалъа қуришни буюрди. Бошқа амирларга эса икки ёнида яна икки қалъа кўтаришни топширди, токи агар қалъани олиш узоққа чўзилса, баҳодирлар вақт ўтиши билан ғанимларни тангликка туширгунларича шу қалъада турадилар, деди. Амир Шоҳ Малик давлат қувватининг қўллови ва Амир Соҳибқирон иноятининг баракоти билан уч кун муддатда шундай бир қалъа қурдики, унда уч минг одам туриши мумкин эди. Ақл кўзи у шижоат ва мардоналикка таажжубда, осмонда фаришталар у тадбир ва иш бошқарувга офаринлар айтар эдилар.

Шу миёнада Амир Соҳибқирон ҳазрат қалъа рўбарўсидан қалъа орқасига ўтди ва манжаниқ ҳам аррода отишга қулай жойга бориб тушди. Манжаниқ ва арродалар ададини кўпайтиришга, қаро буғро — катта тўпларни тартибга келтиришга ишорат қилди. Нарвонларни ростладилар ва қалъанинг тепа томонида тош ва ёғочлардан бир паногоҳ ясашга киришдилар. Фармонга биноан уни шу қадар баланд кўтардиларки, (гуржилар) қалъасига рўбарў турарди. Кўп кишиларнинг гумони шу эдики, бир неча кун баҳона билан

турилади, агар кўрқинч ва хавфдан бирор иш амалга оидса, хўб-хўб, бўлмаса (қалъани) шундай қолдириб кетишдан ўзга чора бўлмайди. Қалъадаги гуржилар жамоаси эса амну амонликда фориг ўтиришар ҳамда бу қалъага қуш учиб етолмайди-ку, биз манжаниқ ва арродалардан нега чўчиймиз, дердилар.

Қалъанинг жануб томонида (282) ғоятда сийқаланиб кетган баланд бир тош бор эди, шу қадарки, унинг устига кўтарилиш ҳеч кишининг хаёл ва гумонига ҳам келмас эди. Гуржилар қалъа ичидан у тошга нарвон қўйиб арқонлар ташлаган эдилар, қачонки у ерга чиқишни хоҳласалар ўша нарвон ва арқон орқали чиқардилар. Иттифоқо, муҳаррам ойининг йигирма биринчисида (1403 йил 10 август) жума кечаси турклар макрит деб атайдиганлари тоққа чиқувчилардан бири қўлидан келган ҳар бир ҳийлани ишлатиб тоғ устига чиққан ва қалъага кириб бир бош эчкини гуржилардан олиб, у тошнинг устига олиб чиқиб сўйган ва нишона учун қолдирган. Гуржиларнинг эса ундан хабари йўқ. Эртаси куни буни Амир Соҳибқиронга етказдилар. Макритлардан бир жамоасига фармон бўлдики, улардан бир гуруҳи қандай қилиб бўлмасин у тош тепасига чиқсин, уни ўз тасарруфига олсин, гуржиларнинг у томондан ташлаб қўйган арқонларини қирқиб юборсин ва нарвонларни тортиб олсин.

Бу фармонни эшитган макритлар у жойга кўтарилиш учун эллик газ узунликдаги камандни ташлаш керак, деб арз қилдилар. Гўзал тасодифлардан бири шуки, у тошнинг тепасида бир дарахт кўриниб қолди. Камандни шу дарахтга ташлаб, у боғлангач чиқиш осон бўларди. Текшириб кўрганларида у дарахтга каманд боғлаш мумкин экан. Бу маънини ҳам ғолиб давлатнинг далиллари-дан бири деб билдилар. Охири камандни у дарахтга маҳкам боғладилар. Макритлардан тўрт киши ўша тошга чиқсинлар, баҳодирлардан бир жамоаси эса пастда турсин; у тўрт киши аввал гуржилар арқонини кесиб ташлаб, нарвонларини тортиб олсинлар-да, сўнгра хотиржамлик билан баҳодирлардан бир гуруҳини юқорига тортсинлар, деган фармон содир бўлди. Фармонга биноан каманд ташловчи шотирлар — далир сарбозлардан тўрт киши юқорига чиқиб, гуржилар нарвонини тортиб олдилар ва лашкар баҳодирларидан жанг маъракасига кирганда (ғаним) бошини мардлик майдонининг тўпи қилиб

отадиган, газабли шер ва хурушга келган бабр жангида собитқадам эллик кишини юқорига чиқардилар.

Гуржилар эса ўз (шум) бахтларидек гафлат уйқусида ётар эдилар, бу аҳволдан асло хабардор бўлмадилар, <у қишлоқлар аҳолиси бизнинг бало-қазойимиз улар тунда ухлаётган ҳолларида келиб қолишидан хотиржам эдиларми?>¹, деган қуръоний оят сири улар ҳақида зоҳир бўлди. Улар ҳануз уйқуда эдиларки, бало суви келиб бошларидан ошди. Тонг отган пайтда тожиклардан бири гуржилар уйқудан уйғониб ҳаракатга келаётганларини кўриб, беихтиёр такбир наърасини тортиб юборди ва баланд овоз билан салавот ўқиди. Ҳақиқатда ҳам осмон қалъанишинлари бўлмиш олами малакут малоиклари бу ошкора фатҳга такбир этсалар, жаҳонни тасбиҳ ва тақдис овози билан тўлдирсалар ўрни бор эди.

Гуржилар хабардор бўлгач шовқин кўтариб, жанг бошладилар. У қалъанинг чўққиси бағоят танг тошдан ишланган бўлиб, хатарли жой эди. Уч кишидан ортиғи у жойда туrolмас эди. (283) У уч кишининг бири қўлига чапар — қалқон ушлаган, унинг олдида эса икки киши жанг қилар эди. Ногоҳ бир ўқ келиб қалқон тутиб турганининг оғзига тегди, у қалқонни улоқтириб, ўзи кейин тисарилди, қалқонни гуржилар олдилар, гуржи баҳодирларидан бири ғайрат қилиб сакраб, у тошнинг чўққисига яқин кўтарилди ва у икки кишига ҳамла қилиб, улардан бирини қилич захми билан ўн, ўн икки жойидан яралади. У ҳам жангдан чиқди. Учинчиси Маҳмуд номли Амир Соҳибқироннинг ясовулларидан эди, қўлида гурзиси бор эди, у ўша азнавурга ҳамла қилиб, гурзи захми билан қайтарди.

Тошнинг устига чиққан эллик кишидан баъзилари дарвоза томонга кетган эдилар. У жойда ҳам жанг қилдилар. Амир Шоҳ Малик ҳам сиртдан туриб ҳамла қилди. Охирида ғалаба ва зафар ислом аскарларига яқинлашди ва дини Муҳаммадий давлатининг ялови бу ғозий амир баракотидан бошини осмонга етказди. Мардларнинг ур ҳа ур деган овозларидан тоғу даштлар зилзилага тушди. Ғайбий ҳотифлар овозидан мўминлар дили қулоғига бу нидо етди <ваъдасига содиқ ҳолда ўз қулига кўмақ берган ва лашқарини азиз этган Аллоҳга ҳамд бўлсин>²!

Ҳақиқатда бу кечмиш Маҳмуд Сабуктагин ғазотлари қиссасига унутилиш рақамини тортди. Балки саҳоба ва тобеинлар жиҳоди воқеаларининг иси имон аҳли димоғига етишди (байт):

Ҳиндий қиличипинг душман юртида қилган ишини
Сабуктагин ўғли қилолмаган ҳиндлар юртида.

Алқисса, кишининг хаёли ҳам уни эгаллаш фикридан
ожиз бўлган шу қадар мустаҳкам қалъани кўз юмиб
очгунча олдилар. Бу воқеани жаҳон аҳли у ҳазратнинг
баланд толедан деб ҳисобладилар ва олам аҳли бу
ҳодисанинг гаройиблигидан ҳайрат бармоғини таажжуб
тиши билан тишладилар (байт):

Агар сенинг душманинг баланд осмонга кўтарилиб
Юлдузлардан ўқ-у, ойдан сипор қилганда ҳам,
Сенинг саодатинг қуёни ипидан ушга каманд ташлаб
Гарданини ўрайди-ю, нафас йўлин тўсади.

Бу воқеа (806 йил) йигирма учинчи муҳаррам (1403 йил
12 август) якшанба кечаси содир бўлди. Якшанба куни ит-
момига етди; юриш бошланганидан то шу кунгача ўртада
тўққиз кун ўтди. Гуржилар иш қўлдан кетиб, давлат оёқдан
йиқилганини кўргач, иймон келтиришга очмаган бармоқла-
рини амон тилашга очдилар, ғалаба шиорли аскарлар та-
лон-торожга қўл узатдилар. У бузуқчи кофирларнинг
ҳаммасини қўлу гарданларини боғлаб, Амир Соҳибқирон
ҳузурига олиб келдилар. Чунончи улардан биронтаси ҳам
халос топмади: жаҳон итоат этувчи ҳукмга мувофиқ эркак-
ларини қиличдан ўтказдилар. Интиқом мақомида туриб,
яшил рангли қилични у юзи қоралар қони билан бинафша
ранг қилдилар. Аҳмадий миллати юзини у фатҳ хушхабари
билан гулгун қилиб, ислом аҳли лабини гулдек очилтирди-
лар. Уларнинг палид бошларидан (284) лойтўда ва минора
ясадилар, токи замон ўтиши билан аҳли жаҳонга ибрат
бўлмай. Уларнинг хотин, болаларини асир қилдилар.
Мўминлар такбири овозини олий фалакка етказиб ва бу
улуғ туҳфанинг шукронасини ўтаб дедилар: <Икки олам
эгаси Аллоҳга ҳамд бўлсинки, золим қавмнинг думлари
қирқилди>!

Сўнгра Амир Соҳибқирон у қалъани Хуросон сардор-
ларидан Тохча Бўрон исмли бир кишига топширди, иш
кўрган одамлардан унинг ёнига қўйиб, вилоят ва
ноҳияларни унга иқто қилиб белгилади, токи у ҳудудни
ислом доирасида тутиб, кофирларнинг ифлос вужудидан
пок сақлагай ва бутхона қўнғироғи ўрнига Муҳаммад
дини номусини барпо этгай, бундан кейин хоч ва чалипо

ўрнига меҳроб ва мусҳаф бўлғай, солис ва салоса ўрнига тавҳид калимаси — <Ло илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ> — яъни <Бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг расулидир>— зоҳир бўлғай.

SIV. АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ АБХОЗ ТОМОНИГА АРМАНЛАР БИЛАН ҒАЗОТ ҚИЛИШГА ЖЎНАШИ БАЁНИДА

(Биртис) қалъаси воқеасидан бутунлай фориг бўлинди. Ундан ортиғини орзу қилиш хотирга ҳам келмайдиган, бордию тақдирга кўра келганида ҳам ойлар, балки йиллар давомида муяссар бўладиган шундай улуғ бир иш абадиятга улангур давлат шуҳрати билан тезликда амалга ошди. Амир Соҳибқироннинг олийлик фазосида тараққий талаб қаноти билан доимо парвозда бўлган ҳиммат лочини энди ундан кўра ҳам баландроқ бир овни олишга чоғланди ҳамда камоли диндорлигидан Қуръони каримнинг ушбу ояти мазмунини ўзича ўқиди: <(Эй мўминлар), теварагингиздаги кофирларга қарши жанг қилинлар, улар сизлардаги куч-қувватни кўрсинлар>¹! Шунга биноан у арман кофирлари билан ғазот қилишга қасд қилди ҳамда бунга жидду жаҳди билан киришиб, номдор амирлар ва давлат улуғларидан Шайх Нуриддин баҳодир ва амир Шоҳ Малик баҳодирларни ўзга машҳур амирлар ва ғоятда кўп лашкарлар билан илгари юбориб, уларга то Абхоз ҳудудигача боришни буюрди. Ул муборак зот эса улар кетидан йўлга чиқиб, бир неча кундан сўнг арманлар вилоятига кириб борди. Етти юзга яқин дайр ва қишлоқларни, экинзорларни талон-торож қилдилар, улардан кимки қўлга тушса, қиличдан ўтказдилар. Ваҳший ҳайвонлар ва қушларни уларнинг жасадлари ва гўштлари билан меҳмон қилдилар, калисиёларини (285) эътиқодлари қоидаларидек ботил ва вайрон этдилар, боғу бўстонларини, дарахтлари ва тоқзорларини баъзисини илдизидан кўпориб ташладилар, баъзисига ўт қўйдилар. Хароб ва вайрон қилиш борасида нимаики имконга сиғса ҳаммасини адо этдилар.

Ўн иккинчи рабиъ ул-аввалда (1403 йил 29 сентябр) душанба куни илғор сифатида кетган давлатёр амирлар музаффар ва комрон бўлиб қайтиб келдилар. Сешанба

куни муборак ялов соясида ов овлашга жўнадилар ва ҳайвонотлар қонидан қуруқлик ерларни денгизга айлан-тирдилар. Бир неча кунни шикор ва комронлик билан ўтказиб, мазкур ойнинг ўн саккизинчиси (5 октябр)да зафар шиор жиловлар яна ов овлашга мойиллик кўрсатди. Ҳазон фаслида ов жониворлари қонидан саҳролар баҳор фаслидаги бўстондек гулгун бўлди.

Ов овлашда комронлик додини бериб бўлгач, гурж вақшийлари талабида яна юриш жиловини ҳаракатга келтирдилар. Амир Соҳибқирон ҳазратларининг бандалари қўлида асирликда бўлган гуржларнинг мўътабар амирлари бундан илгарироқ одам юбориб, яшил юзли ялов юришидан Гўргинга (ушбу мазмунда) хабар бергандилар: "Агар Амир Соҳибқироннинг ғазаби ҳаракатга келса, унинг ҳимоясида турган бўрилар минг Гўргинни интиқом чангали билан ҳалок қиладилар. <Биз улар устига лашкар юборамиз, улар қаршилик кўрсата олмайдилар>² (деган оят) сифатларини безаб турган бу лашкарнинг муқаддимаси яна бир-икки манзил йўл юриб, Абхоз ноҳияларига бориб етса, Арманистоннинг ерларию харобаларидан ва арманларнинг ўзидан ҳам асар қолмайди". Ҳа, шундай, насронийлар Расулulloҳни <у зотга ва барча авлодларига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин> лаънатлаганларига қарши Нажроннинг усқуф-епископи айтган эди: <Ҳақиқатда мен бир нечта кишининг юзларини кўраяпманки, агар улар Худодан сўрасалар тоғлар жойидан кўчади, агар шу лаънатлашга қадам қўйсаларингиз ер юзида бир дона ҳам насроний тирик қолмайди>. Нажрон усқуфи у маҳалда (Аллоҳнинг) жамолий тажаллиётидан бу маънини мушоҳада қилган эди. Габрларнинг амирлари эса бу ўринда жалолий тажаллиётни (Амир Соҳибқирон) ҳазратдан мушоҳада қилиб билдиларки, агар нусратшиор аскар арманлар билан муқобил бўлсалар улардан биттаси ҳам тириклар қаторида ҳисобга кирмай қолади. Гўргинга бу сўз маъқул тушди ва мискинлик ҳам бечоралик мақомида туриб элчилар юборди, ёлвориш ва тазарруъ тили билан амирларни ўзига шафий қилиб, Амир Соҳибқирон ҳазратнинг мақтовли ахлоқидан афв ва марҳамат сўрашга хоҳиш билдирди, шу шарт биланки, ҳазрат Амир Соҳибқиронга муносиб туҳфалар, ҳадялар, асбоб олотлар, бизоат моллари юборгандан кейин жизя, хирож тўлашни бўйнига олгай, ўтмишдаги ва келажакдаги мутаважжихотларни ҳазонаи омирага топширгай, <ҳатто хорланган ҳолда ўз қўллари билан жизя бермагунларича

(жанг қилинғиз)>³ деган оят мазмунига биноан муқаррар қилинадиган вазифа (ўлпон)ни хос дсвонга стказгай.

Амирлар унинг ёлворишларига раҳм қилиб, ёрдам қўдини узатдилар, Амир Соҳибқирон ҳузурида тиз чўкиб арз қилдилар: "Шак йўқдирки, аёло ҳазратнинг олий назарлари дин аломатларини юқори кўтариб, (286) пайғамбарлар саййидининг шаръи шарифини жонлантиришга қаратилгандир. Худога шукурки, дин номуси тикланди ва ана шундай ёлворишлар билан итоат ва мутиъликка бўйин қўймоқдалар, жизя тўлашни миннатдорлик билан қабул қилмоқдалар. Агар олий раъй тўғри топсалар, (бу маъний) албатта мулку миллат маслаҳатига мувофиқ бўлиб, дину давлат ишларини бошқариш тарзидан узоқ тушмагусидир. Шунингдек, бу тоифа ўша тоифадирки, уларнинг илгариги улуғ султонлар ва ғолиб ҳоқонларга бўлган итоат ва фармонбардорликлари интиҳоси ҳар йил туҳфа ва тортиқ тариқасида андаккина ноёб нарсалар ва бир нечта от юбориб, уларнинг ғазоби алангасини ўчириб туришдан иборат бўлган. Аҳёнан, мазкур султонлар юриш қилган кезларида иттифоқ изҳор қилиб, бир неча санокли лашкарни "ёрдам" номи билан юборар эдилар. Шу сабабдан улар бебоклик юзасидан журъат кўрсатиб, Тифлистан ўтиб ислом мамлакатлари ҳудудига кирардилар. Кўп йиллар шу тариқа давом этиб келди. Энди эса ғолиб давлатнинг шавкати туфайли ўз мамлакатлари ичидагина эмин яшашларига рози бўлдилар. Ислом аҳллари уларнинг дорулмулкигача кириб, устунлик мақомида ҳаёт кечири оладилар".

Амир Соҳибқирон ҳазрат (аввал) бунга розилик бермади. Қайта-қайта ундашлар ва кўп шафоатга ўтишлардан кейин бу борада уламолар ва муфтилар билан кенгашиди, уларнинг ҳаммалари бир сўзга келишиб, модомики (гуржилар) жизя тўлашни қабул қилар эканлар, уларга меҳрибонлик назари билан қараб амон беришлик лозим бўлади, дедилар. Амир Соҳибқирон уламолар фатвоси ва умаролар шафоатини инобатга олиб, илтимосни қабул қилди ва карам бошини у матлуб қабулига қимирлатди. Элчиларни хавф ва умид ҳолатларида қайтарди. Улар яна қайтиб келгунларигача бир неча кунни гоҳ отланиб илғор юбориш, гоҳо ишрат ва ов қилиш билан ўтказди. Бир неча кундан кейин элчилар қайтиб келдилар. Бир минг от, минг дона қизил танга, вазни ўн саккиз мисқол Шарқ қуёшидек ярқираган Бадахшон жигаргўшаси бўлмиш бир бўлак лаълни, бошқа қимматбаҳо

ипак матолар ҳам ҳисобсиз идишлар билан ҳумоюн арз иззатгоҳига етказдилар, шартнома ва аҳдномалар тузиб, жия ва хирож тўлашни зиммаларига олдилар.

Амир Соҳибқирон юриш жиловини қайтиш томон бурди. Бир неча манзил кўч қилиб Тифлис теварагига етди. У ердан икки манзил ўтгач, Байлақон томониغا юрди. Лашкарнинг барчаси ва ҳашамларнинг кўчишини кутиб ўтирмай давлатнинг хос кишилари билан тезликда жўнади ва у ерларни нусратманд аскарларига чодиргоҳ қилди. Ўзга хизматкорлар ва аксар лашкар унинг кстидан кўчиб, икки ҳафта миёнасида етиб бордилар. (287)

CV. АМИР СОҲИБҚИРОН ҲАЗРАТНИНГ ОЛИЖАНОБЛИГИ ВА АДЛУ ЭҲСОНИ БАЁНИДА

У мақомда Соҳибқирон ҳазратнинг олижаноблиги, адл ва эҳсони андак мушоҳада қилинди. <Биз билган нарса-мизга гувоҳ бўламиз>¹ деган иборага мувофиқ уларнинг зикри ҳар қалай кўп фойдаларни ўз ичига олади. Токи жаҳон аҳлига бу ҳазратнинг адолати ва яхши нияти маълум бўлғай ва жаҳон султонлари унга иқтидо қилғайлар!

Бир куни Эрон имомларининг улуғлари ва Турон соҳиб ихтиёрларининг фозилларидан бўлмиш номдор ула-молар ва тақвошиор фузалолар билан тўла бир мажлисда Соҳибқирон ҳазрат уларнинг билим бўстонидан мурод гулини терар, диний масалаларнинг буюкларидан ва исломга оид мушкул муҳимотлардан саволлар қилар, уларнинг ҳар бирлари эса ўз ҳолларига яраша жавоб берардилар. Тўғриси айтганда, ҳар бир масала бўйича мақсад нима эканлигини тегишли тарзда фаҳмлаб, бир сўз айтар эдики, ҳамма унга ҳеч тилғламаликсиз таҳсинлар айтар ва <подшоҳлар сўзи — сўзлар подшоҳидир> (деган иборани) бунинг тасдиқи деб билар эдилар. Шу орада сўз адл, эҳсон ва бунинг учун лозим бўлган нарсаларга келиб тақалди. Соҳибқирон ҳазратлари бу ҳақда тилдагина айтиш билан кифояланиб қолишни истамади ва <Эй иймон келтирганлар, ўзларингиз қилмайдиган ишни нега айтасизлар>² (деган оят талаби) у мажлиснинг ҳосили бўлишини истади. Уламоларга қараб:

"Ўтган асрлардаги уламолар султонларга яхшилик ва адлат бобида йўл кўрсатганлар, сизлар нега менга раҳнамолик қилмайсизлар ва мен бажаришим вожиб ва лозим бўлган нарсаларни менга айтмайсизлар", деди. Уларнинг ҳар бирлари такаллуф билан бир сўз айтиб, у ҳазратнинг ризосига мувофиқ йўл ахтардилар ва: "Худога шукурки, Соҳибқирон ҳазрат ўзлари ҳаммага яхши йўлни ўргатадилар, бизларга ўхшаганларнинг на-сиҳатларига эҳтиёжлари йўқдир", дедилар. Амир ҳазратлари бу сўзларга эътироз билдириб: "Менга таҳсин айтиш ва менинг мизожимга мувофиқ гапиришингиз менга хуш келмайди, вазифа шуки, сизлар ҳар тоифа ҳар бир томондан келгансизлар, у томоннинг яхши ҳам ёмон аҳволу авзойини менга айтишлар ва ҳеч нимани мендан яширманглар. Мен бу сўзни сизлар менга ишонч билдиришлар ёки ундан менинг мулкимга бирор фойда етсин, деб айтаётганим йўқ, зеро жаҳон аҳлига маълум-дирки, ҳазрати парвардигор, <унинг шаъни ортсин> бизга берган бу шавкат ва улуғлик бунга ўхшаш такаллуфларга эҳтиёжманд эмас, назаримиз ҳазрат зулжалол (Аллоҳ) ризосини ҳосил қилишдирки, унинг бизга кўрсатган қарамлари эвазига неъматлари шукрини бир оз бўлсада адо этган бўлайлик". Уламолар бу сўзлар сидқидилдан эканлигини билгач, мамлакат аҳволидаги семизу ориқ, яхшию ёмонларни очиб сўзладилар.

Яна шу мажлисда Амир Соҳибқирон бир гуруҳ та-ниқли (288) ва диёнатли олимлардан танлаб, уларнинг ҳар бирини девони аъло томонидан бир амин билан мамлакат чеккаларидан бирига номзод қилди, токи улар тайин этилган томонга жўнаб, мамлакат ишларининг тагига етсинлар, агар биронта бир мазлумга зулм етган бўлса ёки бирон ожизга зўравонлик раво кўрилган бўлса, зарар тиканини мазлумлар оёғидан чиқариб, улардан зўрлик билан олинган нарса исбот қилинса, ўша томонда бўлган хазина молидан уларга қайтариб берсинлар, бўлган аҳволни ёзиб олиб қайтсинлар ва арз иззатгоҳига етказсинлар, токи бундан кейин у (зулм) қондаларини улардан йироқлаштирсинлар. Шунда дур тўкувчи лафзи-дан чиқариб айтди: "То шу вақтгача жаҳонгирлик иш-ларида зўр савй-ҳаракат қилинди, бундан сўнг эса подшоҳона ният жаҳонни бошқариш аломатларини юқори кўтаришга сарф этилажак. Бундан ғараз шулки, ҳар ким нимани билса, бежавотир бизнинг арз иззатгоҳимизга

етказсин, ҳар нарсаки, мамлакат ислоҳи унга алоқадор ва мазлумлар бошидан зарарни дафъ этиш унга боғлиқ бўлса, у ҳақда бизга етказишда бепарволик қилмасин, эътимод ва тўла ишонч билан очиқ кўрсатсин". Ҳақиқатда олам аҳли бу лутфу марҳаматлардан умидвор ва жаҳон аҳли бу адлу эҳсон изҳоридан кўнгиллари тўлиб, хотир-жам бўлдилар, ҳаммалари садоқат ва ҳожатмандлик юзасидан ишларни осон этувчи ҳазрат (Аллоҳ) даргоҳига истак қўлларини кўтариб дедилар (байт):

Ёраб бу комкор одилга
Жовидон давлату умр бергин.
Ҳазратингдан у нимани истаса
Ўз худовандлигинг билан уни бергин.
Бу жаҳонни мусаххар этдинг унга
Юз йилдан сўнг у жаҳонни ҳам бергин.

СҶ. БАЙЛАҚОН ШАҲРИНИНГ¹ БИНО ҚИЛИНИШИ ВА УНДА ХАНДАҚ ҚАЗИЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

(Амир Соҳибқироннинг) олий ҳиммати жаҳон аҳли аҳволининг осойишталигига қаратилганлиги ва шунга сарфланаётганлиги туфайли равшан қалби ойнасида шу нарса юз кўрсатдики, "Турон мамлакатаида машҳур мавзеъларни иморат қилганимиздек, Эрон мамлакатаида ҳам биз ҳазратдан ёдгорликлар қолгай", Илоҳий фармон — <У сизларни ердан яратди ва унда жойлаштирди>² га мувофиқ иморат қуриш оламда матлуб ва марғуб бир иш бўлганлиги ва Аллоҳ таоло <у сизларни ер юзига халифа қилди, мартабада баъзиларингизни баъзиларингиздан юқори қўйди, (289) токи бу давлат ва баланд даражада сизлардан нима содир бўлишини синагай>³ деганлиги туфайли Амир Соҳибқирон ҳазрат хоҳладикки, ундан жаҳонда подшоҳона осорлар ва хисравона ёдгорликлар боқий қолгай. Бинобарин, Байлақон ерида бир мавзеда шаҳар бино қилишга олий ишорат содир бўлди. Бир шаҳар тарҳини чиздилар: у кенг бир девор, чуқур бир ҳандақ, тўрт бурчак шаклида бозор, кўп уй-жойлар, ҳаммом, сарой, майдон ва чаманзорлардан иборат эди. Шаҳар деворининг айланаси шаръий газда икки минг тўрт юз газ, девор кенглиги ўн бир газ, деворнинг баландлиги кунгиралари тепасигача ўн беш газга яқин, ҳандақнинг кенг-

лиги қирқ газ, чуқурлиги қарийб йигирма газ, шаҳар девори бўйлаб соқчилар ва посбонлар учун уйлар белгиланган, унинг тўрт томон бурчагидан ҳар бирида бир бурж — манора кўтарилган, чиқар жойлар, тош отиладиган жойлар тартибга келтирилган. Ҳақиқатда агар бирор комкор подшоҳ шундай бир мавзени тиклашни хоҳласа, аввал бир муддат асбоб-ускуналарини тайёрлагач, агар бир йилда уни битиришга мурасар бўлаолса, ҳамма таажжуб қиларди. Шундай қуруқ бир саҳрога тайёргарлик кўрмасдан, асбобу олат йиғмасдан, ёлғиз олий илтифот билан шу қадар олий бир иморат ва баланд шаҳристонни барпо этиш бир ой муддатда тамомига етди. Донишмандлар бу комронликка таажжуб қилдилар, жаҳондидда кишилар у имконият ва корфармоликка офаринлар ўқидилар, олам аҳли шиддат ва интиқом чеҳрасини, инъому икром юзини унинг жаҳондорлиги ойинасида ошкора кўрдилар: унинг интиқом шери панжа очса — бутун бир жаҳонни зеру забар қилади, агар эҳсон лаби ширин табассум қилса — бутун бир оламни хуррам ва мунаввар этади. Жаҳон халқи билдиларки, у ҳазрат Соҳибқирон қудрат эгаси (Аллоҳ)нинг жамолий ва жалолий тажаллиётининг кўриниш ўрнидир. Тангри таоло унинг марҳамати соясини жаҳонга ва жаҳон аҳлига доимий қилсин, давлати қуёшини машриқу мағрибга нур сочишда сақласин! Муҳаммад ва унинг хонадони ҳаққи! Бу икки байт ушбу китоб муаллифи назмидандир. (Шеър):

Утанда ҳижратдан саккиз юз олти ва бир каср
(1403 йил октябр оyi)

Арман ва Гўргин газотидан қайтиш воқе бўлди.

Шундай бир шаҳарни қурди бир ой ичида

Жаҳон довари Темур — мулку миллат, дин қутби. (290)

СҲҲ. УЛУҒ АМИРЗОДА АБУ БАКРНИНГ БАҒДОД ШАҲРИГА БОРИБ ТУШГАНЛИГИ БАЁНИДА

Шу миёнада катта бир лашкар билан Бағдод томон кетган улуг амирзода Абу Бакр баҳодир ҳумоюн соябон соясини у шаҳарлар устига ташлаганлиги ҳақида Бағдоддан хабар келди. У ерларни зўрлик билан ўз жабру зулмларига макон қилиб олган туркманлардан бир жамоаси, хусусан Қаро Юсуф, бир неча саноқли (аскар) билан бўғизланган (ҳайвон) ҳаракатини қилиб, андақ қарши турдилар, ахири, жанг шерлари зарбасини кўргач,

тулки каби қочиш йўлига юзландилар. Уларнинг қарийб ўн-ўн беш минг уйдан иборат хайлу ҳашами асбобу амвол, қорамолу қўйлар, туялар ва беҳадду ҳисоб ғаниматлару қимматбаҳо нарсалар билан тасхир панжасига тушди.

Улуғ амирзода у диёр устига адл соясини солиб раиятни юпантириб, иморат ва зироатга машғул қилди ва у вилоятнинг тоқу равоқига етишган каср-вайронликни Кисродек ўз адли билан тузатишга киришди. У мамлакат оворалари ва у вилоятдан қочиб кетганлар бу хабардан шодмонун масрур бўлиб, давлат ҳақиға дуо қилдилар ва бу томонга қайтиб келишга азм этдилар. Улар вилоятларнинг гўзали, бандаларга марғуб бўлган Бағдод тез орада қайтадан амну амонлик мақомида жилва қилиб, бу давлат шону шавкати туфайли ободонлик суви ариқларга яна қайтишига умид қўйиб, чин кўнгилдан ишондилар!

СҮШ. УЛУҒ АМИРЗОДА УМАРНИНГ САМАРҚАНД ТОМОНИДАН ОЗАРБАЙЖОН МАМЛАКАТИГА КЕЛГАНЛИГИ ВА БУНИНГ САБАБЛАРИ БАЁНИДА

Шу аҳвол асносида адолат ва сиёсат хонадонининг халафи Соҳибқирон ҳазратнинг фарзандзода — набираси улуғ амирзода Умар баҳодир Самарқанддан чиқиб (Байлақонга келди). У хонадоннинг бошқа халафлари ва шаҳзодалари орасида бу ҳазрат шавкату шукуҳда юқори бўлиб, жаҳондорлик ва ботирликда танилган, адлу инсоф билан мавсуф эди. (291) У илгарироқ Озарбайжон мамлакати ва унга тобе ерларни бошқариш учун фармон ҳукми билан чақиртирилган эди. У хуррамлик ва иқбол ҳам иззату шавкат ҳимоясида Самарқанддан чиқиб, Байлақон ерларига келиб етди. (806 йил) жумоди ул-аввал ойининг аввалида (1403 йил 16 ноябр) жума куни унинг муборак талъати туфайли у ерлар шарафлигу мунаввар бўлди, унинг ғолиб ялови келиши билан фараҳ ва шодмонлик эшиги жаҳон аҳлига очилди, умидворлик боислари муяссар бўлди. Замона тили бу байтни куйлай бошлади. (Шеър):

Ҳар жойгаки қўйсанг қадаму боссанг аёғ
Қиш фаслида гул очилар-у, лола унар.

СІХ. БАЙЛАҚОН НАҲРИНИНГ ҚАЗИЛИШИ БАЁНИДА

Ободонлик боисларидан бири, балки олтита заруриятлардан бири — сувдир. Инсон тириклигининг турғунлиги сув билан боғлиқдир, балки аслида ҳамма ашё сув билан ҳаётдир. (Оятда ҳам) <Биз сувдан ҳамма нарсага жон бағишладик>¹ (дейилган). Яна Худойи таоло охират неъматлари зикрида ҳар жойдаки боғу бўстон ва жаннатнинг жовидон неъматини зикр этса, уни оби равонлари билан безатган: <(улар) учун тагида анҳорлар оқувчи боғлар (яратдик)>².

(Шулар боис Соҳибқирон ҳазратнинг) хисравона ҳиммати ва подшоҳона иродаси у жойда яшовчилар ва хосу омнинг фаровонлиги учун бир наҳр қазимоққа жазм қилди: жаҳон итоат этувчи фармон содир бўлдики, Арас наҳри канорасидан бир ариқ чиқарсинлар, у Байлақондан ўтсин, шу жойда яшовчи одамлар, экинзорлар ва қишлоқлар истеъмолидан ортиғи Кур наҳрига бориб қуйсин, узунлиги олти фарсах, кенглиги тахминан ўн газ бўлсин. Ғолиб лашкарнинг барча ёсоқийларини шу ишга машғул қилдилар. Давлат амирларини уларга ишбоши қилиб тайинлади. Сўзсиз бир йилда бажарилиши мумкин бўлган шундай катта бир ишдан кўп ози билан бир ой муддатда фориг бўлдилар. Абадиятга улангур давлатнинг куч-қуввати ва Соҳибқирон ҳазратнинг пок нияти баракоти билан шаҳар ва вилоят у наҳрдан маъмур бўлди. (292)

СХ. СОҲИБҚИРОН ҲАЗРАТНИНГ АРРОН ҚАРОБОҒИГА БОРИБ ТУШИШИ, У ЖОЙДА АЙШУ ИШРАТГА МАШҒУЛ БЎЛИШИ БАЁНИДА

Ана шу вақтда Амир Соҳибқирон Аррон Қаробоғини давлат чодиргоҳи ва саодат яловларига марказ қилди, амну амонлик ва фароғатда комронлик айшу сурури билан кун кечирди. Шу мақомда Шервонот мамлакатлари волийси, ушбу муборак тарих (Зафарнома)да бир неча жойда хонадонининг қадимийлиги ва сулоласининг улуғлиги эслатилган Шайх Иброҳим подшоҳона тўй бериб, мақбул хизматларни адо этди.

У кунларда Амир Соҳибқирон ҳар ҳафтада бир баҳона ва бир неча кунда бир сабаб билан катта тўйлар қилишга буюрар ва ишрат ҳам комронлик додини берарди. Турон ва Эрон мамлакатларининг ҳар тарафларидан турку тожик, араб ва ажам тоифаларининг шарафли кишилари: сайидлар, уламолар, машойихлар, қозилар, имомлар, муфтилар, соҳиблар, садрлар ва аъёнлар у мақомда йиғилган эдилар. Соҳибқирон ҳазрат подшоҳлик ишларидан фориғ бўлгач ҳамда номдор амирлар ва қудратли вазирлар мамлакат муҳиммотларини арз қилишдан ва мулк ишларини забт этиш ҳам тартибга келтиришдан фориғ бўлгач, куннинг охирида фузалолар шарифлари ва атроф уламолари ҳумоюн ҳузурга жамъ бўлишар ва шарафли мубоҳасалар қилишиб, шаръий масалаларни тушунтириш, илмлар ажойиботлари ҳам турли ашёлар ҳақиқатларига оид изланишлар бўйича мажлис қураб, руҳоний базм қатнашчиларига ҳақиқатлар дастурхонидан маориф ғизосини бериб, дақиқ илмлар шарбатидан ичиришар эди (байт):

«Аллоҳ ибодати вақтини зойе қилмайман
Мулку сиёсатни ҳам қўлдан бермайман».

(Шеър):

Нарду шатранжу ҳикоят вақти
Бўлур инсонга бу дафъи малолат,
Илм баҳсию дарс ҳам такрор замони
Бўлур инсоннинг нафсига камолат.
Худо бир зотининг йўқдир мисоли
Бир ҳолдан ўтмагай ҳеч бошқа ҳолга.

Шу аснода Бағдод томонидан Султон Аҳмад Жалойир ўғли Нуралвардни асирлик бандию хорлик гўлига солиб, (Амир Соҳибқирон) ҳазратга олиб келдилар; бошяланг, оёғида кишан жаҳонпаноҳ даргоҳга ҳозир қилдилар. Подшоҳона марҳамат унинг ҳолига дастгир бўлиб, оёғидан кишанни, бўйнидан гўлни олишга буюрди. Бошига салласини қўйдилар. **(293)** Бир неча кундан кейин марҳамат кўрсатиб хилъат ва навозишлар билан сийлади. Жаҳон аҳли дуо расмини адо этишиб, мадҳу сано тили билан дедилар (байт):

Дўстларини қилурми ҳеч маҳал маҳрум?!
Душманига шундай назар қилган (шоҳ).

Шу аҳвол орасида Султон Аҳмад фақирлар либосини кийиб, Шом вилоятига кирган экан, уни таниб ушлаганликлари, шунингдек, Қаро Юсуф туркмонни ҳам у вилоятда тутганликлари ҳақида хабар келди. Соҳибқирон ҳазрат элчи тайинлаб, ушбу олий амрлар содир бўлди: "Қаро Юсуф йўл кесарлардан эканлиги ва неча марталар ҳожиларни горат қилганлиги, ислом мамлакатларида талон-торож қилиб, фитна қўзгатганлиги учун ва: <Албатта, Аллоҳ ва пайгамбарларига қарши урушадиган ва ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиган кимсаларнинг жазоси — ўлдирилиш ё дорга осилиш, ёки оёқ-қўллари тескарисига кесилиши ёки ўз ерларидан сургун қилинишларидир. Бу жазо улар учун бу дунёда расволик — шармандалик бўлур. Охиратда эса улар учун улуғ азоб бордир>¹ деган оят унга ўхшаганлар ҳақида нозил бўлганини назарга олиб, <Кофирларни учратганингизда бўйинларига урингиз>² деган фармонга мувофиқ иш тутинглар ва ислом номусини риоя қилиб, уни умумхалқ ҳузурида дорга осинглар, токи ўзга муфсидларга ибрат бўлсин. Султон Аҳмадни эса менинг олий ҳузуримга юборинглар", деди.

<Рамазон ойики, бу ойда Қуръон нозил қилинган>³, деган оят унинг шарафли сифатига айтилган, (Аллоҳ) раҳматига восил этувчи ва мағфиратга чўмдирувчи (806 йил) рамазон ойи кириб, илоҳий ҳукмларни тузувчи муншийлар янги ой туғросини осмоннинг мовий чеҳрасига тортгач ва <сизларга рўза тутиш буюрилган>⁴, деган фармонни хосу омга ўқигач, шу ойнинг саккизинчисида (1404 йил 20 март) шанба кечаси диёнатли мағфур шаҳзода Муҳаммад Султоннинг, — Аллоҳ унинг қабрини пок этсин, жойини жаннатда қилсин, — вафотига бир йил тўлиши муносабати билан олий ишорат бўлдики, унинг пок руҳини янгитдан хайриялар ва садақалар улашиш билан хуррам ва масрур қилгайлар ҳамда барча учун дастурхон ёзиб, халойиққа ош бергайлар.

Саййидлар ва шариф зотлар, уламолар ва имомлар ўз эътиборларига қараб саф кетидан саф тузиб ўтирдилар. Қуръонни хатм этиш ва оятларни тиловат қилиш билан машғул бўлдилар. Сўнгра омма учун дастурхонларни ёздилар-да, хайрли дуолар билан хатм қилиб, шаҳзода-нинг пок руҳини шодмон этдилар, Амир Соҳибқироннинг абадиятга улангур давлати бақосини зорий ва тазаррулар билан Тангри таолодан сўрадилар. (Байт):

Бу дуомиз рад бўлмагай, зероки
Унинг нафи барча халойиққа етгай.

Сўнгра ҳар бир фирқа ўз турган жойи ва юртидан шикор жиргаси учун ҳаракатга келиб, тоғ ва саҳроларни ўраб олсинлар, саҳродаги барча ҳайвонларни Ақдон ерларига ҳайдасинлар, деб лашкарга жар солдилар. **(294)** Амир Соҳибқироннинг ўз муборак зоти ўша (рамазон) ойининг тўққизинчиси (1404 йил 21 март) панжшанба куни зуҳра жабин хотинлар, муштарий кўринишли жориялар, моҳпайкар шаҳзодалар, лашкарнинг собита юлдузлари бўлмиш амирлар, аторудшиор вазирлар, миррих қудратли сипоҳийлар, қуюндек сайр этувчи отлар, шер савлатли итлар, палангдек ташланувчи (ов) қоплонлари, тоғ ҳайбатли филлар ва анқо қушини ҳам ов қилувчи лочинлар билан виқор ва комкорлик кийимида, улуғлигу подшоҳлик чодирода шукуҳидан тоғлар чекинадиган, отлари туёгининг наълидан ер темир сатҳига ёстанадиган аскарлар ҳамроҳлигида бахтли соатда отланиб жўнади: зафар ўнгида-ю, нусрат сўлида, саодат қуёши порлагану бахт юлдузи чақнаган, қудрат жиловни қўлидаю давлат оёғи қаҳрамонлик узангисида бўлган бир ҳолатда у саҳроларда айшу шодмонлик билан умид-орзуларни ушалиш ниҳоясига етказдилар, саҳро жониворлари қонидан сабззорларни лозазорга айлантирдилар, оч йиртқичларга чўлу биёбон ваҳшийлари гўшtidан зиёфатлар тайёрладилар, баландпарвоз ҳумо қушларига тўғрул қушию лочинлар устухонларидан дастурхонлар ҳозир қилдилар.

Шу миёнада Бухоро, Самарқанд ва бошқа Мовароуннаҳр шаҳарларидан келган саййидларнинг катталари, уламолар ва имомларни подшоҳона анвойи хушнудликлару турли-туман эътибор билан тақдирлаб, шоҳона хилъатлар, йўрға отлар, олтин, жома ва либослар, салла ва молу маноллар билан сийлади, жориялару гуломлар берди, токи ҳамма шу қиёсда <киссаларию косалари тўла> ҳолда дуо қилиб, зикр этишиб, санаю ташаккурлар айтиб, ўз вилоятларига қайтдилар.

Шу ҳолатда эканликларида Жилон ва Даёлама подшоҳлари гардун қудратли ҳазратнинг ҳузурига келдилар. Уларнинг пешвоси <қилич ва қалам эгаси>, таниқли хонадоннинг раҳбари, "ал-ашарат аз-зоҳира" — "ёрқин ўнлик"нинг қаймоғи муртазойи аъзам Сайид Ризо Киё эди. У жанобнинг номдор насаби шарофати ва худо

раҳмат қилгур (пайғамбар) Сайид ал-мурсалиннинг бу-
зургвор хонадонларига туташганлиги туфайли ҳамма
ўзига тенглар орасида устун турарди; илмий фазилатлар
ва мулкӣ ишларда олий чўққиларни эгаллаган эди.
<Одамларнинг фазилатлиси худди шундай (фазилатга эга)
бўлган одамни танийди> деган мисраъ тақозосича муқар-
рар бир қоида ва муайян бир тартиб мавжуддирки, карим
кишилар каримлар қадрини биладилар, улуғ кишилар
улуғларни ҳурматлаш уҳдасидан чиқадиладар. Шунга би-
ноан (Соҳибқирон ҳазрат) Сайид Ризо Киёнинг азиз
қадамларини эъозлашу улуғлаш билан кутиб, унинг
ҳақида подшоҳона марҳаматларни адо этди ҳамда яра-
тувчининг сояси бўлмиш шундай бир қудратли подшоҳ
томонидан шундай бир бузургвор саййидга нисбатан
нимаики муносиб бўлса, барчасини чунонам ўрнига
қўйдик, у (сайид) ҳол тили билан ушбу (байт)ни
тараннум этди:

У менинг обрўйимни сақлади, шахсиятимни
эъозлади,
Албатта карим кишини карим танийди.

ва хисравона меҳрибонликларни дуою санолар билан қар-
шилаб айтди:

Ер сабзозори қандай бажо келтирур
Найсон (апрел) ойи нсъматлари шукрини! (295)

Подшоҳона лутф-марҳаматлардан бири, хилъату эҳсон
ва беҳадду ҳисоб инъомлардан ташқари, яна шу эди:
жумладан, Гилонотдан олинадиган мол-хирож Ҳирот то-
шида ўн беш минг ман келадиган ўн минг ман ипак,
етти минг бош от, уч минг бош қорамол миқдорида
қарор қилинган эди. Амир Соҳибқирон (мазкур саййидга)
бўлган эътибор бошқа Гилон подшоҳларидан унинг аф-
заллигини кўрсатиб туришини, улар барчалари эса унинг
хайру саховатидан миннатдор бўлиб юришларини истади
ҳамда шу боисдан мазкур молнинг Сайид Ризо Киё ва
амир Муҳаммадлар тўлаши лозим бўлган қисмининг
ярмини ва Гилон подшоҳлари тўлаши лозим бўлган
қисмининг учдан бирини бир йўла ва бир қаламда Сайид
Ризо Киёга инъом этди. Жаҳон бўйсунувчи фармон содир
бўлдики, мол-хирож йиғувчи муҳассиллар у маблағларни

тўланган ҳисоблаб, чегириб ташласинлар ва ҳеч бир
важҳдан таарруз қилмасинлар. Ростдан ҳам бу саховат-
нинг содир бўлиши Ҳотами (Той)нинг сахийлиги қисса-
сини Ҳотам девонининг туғросидан йиғиштириб қўйди ва
бу ҳодиса ҳикоясидан олинадиган фойда Маън Зойиданинг
мақтовли ишларига қўшимча бўлди.

Алҳаққ! (Амир Соҳибқирон) шундай бир ҳазратдирки,
агар Чин ҳоқони унинг саховати хирмонидан бошоқ
терса — унга безак бўлади. (Қулон овловчи) Баҳром Гўр
унинг бахшиши шер ҳамласидан семириб саҳрога чиқмай
қўйса, ярашади. (Шеър):

Сенинг беҳисоб карамларинг Маън (карами)дан
ортиқдир

Эй карам (сўзи) маъноси сендан олинган зот!

Сенинг саховатингдан Ҳотам ўз (сахийлик)

палосини йиғинтирган

Эй замона Ҳотами, сенинг палосинг йиғилмасин!

**(НИЗОМИДДИН) ШОМИЙНИНГ
"ЗАФАРНОМАИ ШОҲИЙ"¹ (АСАРИ)ГА
ИЛОВА**

**Муаллиф — Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ
ибн Абдуррашид,
лақаби Ҳофиз Абри**

1. МУҚАДДИМА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим²

<Ҳамду сано бутун оламлар хожаси Аллоҳ учундир³, оқибат-натижа тақводорларники бўлур⁴. Унинг яхши бандаси Муҳаммадга ва унинг хонадонига дуо ва саломлар бўлсин>.

Сўнгра (маълум бўлсинки), ушбу (парча) улуғ мавлоно, оламдаги билимдонларнинг ифтихори, ўз замонининг сўз устаси, асрлар яғонаси мавлоно Низомиддин Шомийнинг, <унинг қабрини Аллоҳ нури қилсин>, ўлкаларни забт этувчи ҳазрат Соҳибқирон, <Аллоҳ унинг шуҳратини ёрқин этсин ва (аъмол) тарозуси (палласи)ни яхшилиқлар билан оғир қилсин>, ҳақида ёзган "Зафарномаи шоҳий" китобига илова эрур.

Бу китоб саккиз юз олтинчи йил рамазон ойи бошларигача (1404 йил 13 март) бўлган (тарихий воқеалар), яъни ҳазрат Соҳибқирон, <Аллоҳ унинг шуҳратини ёрқин этсин>, Рум ўлкасини босиб олгач, Аррон Қаробогидан доруссалтана Самарқандга қайтишга отланиш (воқеалари) билан тугаган.

Ундан сўнг, то ҳазрат Соҳибқирон вафотигача юз берган воқеалар ва кечинмаларни ҳазрат салтанат шиорли Шоҳрух, <Аллоҳ таоло унинг салтанатини ер юзида абадий этсин>, ишораси ила хизматкорларнинг энг камтарини, яъни Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдуррашид, лақаби Ҳофиз Абри қаламга олди. Камина ўша вақтларда ҳумоюн ўрдуда мулозим эдим ва (қуйида) келтириладётган кечинмаларни кузатиб борганман.

(Бу ёзилганлар) ҳар қандай ҳолатда ҳам қутулиш мумкин бўлмаган хато (431) ва камчиликдан холи эмас. Ушбунни ўқиган улуғлардан умид шулдурким, уларни

кўрганда, тузатиб кетсалар. Агар улар мурувват қилсалар, уни ниҳоясига етказишда марҳаматли Тангри сўзсиз мададкор бўлмай, <(чунки) У энг саховатлидир>.

II. (ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ) ҚАРОБОҒДАН ОТЛАНИБ ОВ ҚИЛМОҚҚА ЙЎЛ ОЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

(Ҳазрат Соҳибқироннинг) жаҳонни забт этувчи (лаш-кари) байроқлари саккиз юз олтинчи йил бахт-саодатга тўла муборак рамазон ойининг ўн тўртинчисиди (1404 йил 26 март) Қаробогдан кўчиб, Арас сувидан ўтди ва ов қилмоққа жазм айлади. Қиличлар (чақнатган) олов даҳшатидан қоплон ва арслоннинг мияси сув бўлиб (эриб) кетди; ярақлаган ханжар қўрқувидан ваҳший ҳайвонларнинг юрак-бағри қон бўлди; тўрт қанотли ўқ жон овловчи бургут мисоли жигарларни ов қилмоққа йўналган эди; гунча шаклидаги ўқ учи ов ҳайвони кўзидан қон булоғини очарди; совут кийган шунқор ўқ мисоли жаҳонгир подшоҳ илгидан учиб, парвозда гардун ила ҳамрозлик қиларди ва (ов) қоплони ов ҳайвонини кўргач, очкўзлигидан бутун вужуди тўр мисоли кўзга айланган эди; унинг кўзи қонхўрликдан худди каклик ва хўроз кўзидай қонга тўлган ҳамда майхўрлар кўзию жаллод қиличидек бадахшон лаъли рангини олган ва кўз қорачиқлари сурма мисоли юзига оқиб тушган эди. (432) Байт:

Оч қоплон ов ҳайвони томиридан шарбат ичди,
Бургут тўсатдан қуён боши узра тож бўлди.

Тозий ва румий итлар ов ҳирсидан шамол каби гулгула солар ва чарх мисоли гир айланарди. (Шеър):

Ҳаво бургутга ва дашт итга тўлиб кетганди,
Иккови ҳам шитобда — бири учар, иккинчиси
югурар.

Бири ҳавони қирқиб (учар),
Бири эса ерни тирнарди.

Бир неча кун ўша чўлларда ов қилмоқ ила машғул бўлдилар.

III. (ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ОЗАРБАЙЖОН ВА ИРОҚИ АЖАМ) МАМЛАКАТЛАРИНИ АМИРЗОДА УМАРГА БЕЛГИЛАГАНЛИГИ БАЁНИДА

Ҳазрат Соҳибқироннинг, <Аллоҳ унинг шуҳратини ёрқин этсин>, ҳумоюн байроқли (лашқари) Ардабил теварагига етиб келгандан кейин гарчи илгарироқ қарор қилинган бўлса-да, мазкур рамазон (ойининг) йигирма бешинчисида якшанба (1404 йил 6 апрел) кuni амирзода Умар баҳодирни Ироқи Ажам, Озарбайжон, Аррон, Муғон, Армания, Гуржистон мамлакатлари ва уларга тобъ ҳамда ёндош ерларни бошқариш ва элларини сўраш учун белгилаб, амир Жаҳоншоҳ ибн амир Чокунни у билан юборди. Ул мамлакатларнинг ҳал қилиш ва манъ этиш, эгалик қилиш ва кенгайтириш (ишларини) уларнинг ихтиёрига топширди. Шу билан бирга, қўйидагиларни таъкидлади:

(Оятда) <сўзсиз, энг яхши озуқа тақводир>¹, дейилганидек, лозимдирки, унинг равшан раъйи ва узоқни кўрувчи ақли ишларни олиб боришда ва кундалик ҳаётда охират озуқаси ва бу дунёда ҳимоя қуроли бўлмиш тақво ҳам парҳезкорликни одат қилсин ва саодат савдосининг сармоясига айлантирсин. (433) Аниқ билсинки, кимки энг яхши хислатлар ва маъқул сифатларни касб этган бўлса, тақво воситасида яхши ахлоқ билан ҳимояланган бўлса, умр ташвишлари ва подшоҳлик ғулғулаларида Аллоҳ розилигининг улуғворлигини лозим деб топган бўлса, у киши ўз фаолияти кўзгусида орзу-умидлар чеҳрасидан ўзга нарсани кўрмагай ва тинчлик-амонлик дарахтидан шод-хуррамлик мевасидан ўзга нарсани термагай. <Кимки Аллоҳдан қўрқса, Аллоҳ унинг учун охиратни (хайрли) этгай ва унга у умид қилмаган томондан ризқ-рўз бағишлагай>²; ходимлар ва лашқарга маош, инъом, укалко ва суюрғол бермоқ хайрли ишларга кенг йўл очиш учун қилиниб, исрофгарчилик ва ҳаддан оширмоқ ҳолатидан меъёр ва ўртамиёналик томон оғмоқ лозим, токи ишларнинг бориши тўғрилиқ қонунидан четга чиқмасин, тўсқинлик қилувчи сабаблар бир-бирига уланиб кетмасин, дил дардини келтириб чиқармасин ва пушаймон бўлишга тўғри келмасин. Ана шундагина (одам) зулм қилмоқ ва хасисликдан узоқ бўлади, ортиқча харажат ва исрофгарчиликка йўл қўймайди. Аллоҳ таоло айтмиш: <(ба-

хиллик билан) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг, исрофгарчилик қилиш билан уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг³, (яъни), чиқим билан киримни бир меъёрда тутсин, шундагина юртни (бошқаришдаги) барча зарур ишлар унга осон бўлғай ва зулм қилмоққа ҳеч бир зарурат қолмағай. Чегараларга ҳаёт синовлари билан таниш, замона ҳодисалари билан эгизак туғилган ҳушёр ва сергак, мардоналикда танилган далир ва тажрибали кишиларни қўйсин; (ул жойларни) фаҳм-фаросат ва шижоат бобида стук кишилардан ҳеч қачон холи қолдирмасин. Чунки тўсатдан бирор кор-ҳол бўлиб қолса ёки қандайдир зарурат туғилса, зудликда ғафлат оқибатларидан ҳимояланган бўлади ҳамда надомат шармандалиги ва маломат тамғаси унга битилмайди. Йўлларни қўриқлашда илож-имкони бориचा ҳаракат қилсин ва уларни муҳофаза қилишни мамлакатни идора этмоқ шартларидан бири, деб билсин. Савдогарлар ва йўловчиларнинг дилларига озор етишига ва (уларнинг) хафа бўлишига асло йўл қўймасин. Қолган ишларни ўзи англаб-етиб иш юритсин, деб унинг ақли ва фаҳм-фаросати ихтиёрига қолдирди.

IV. (434) ЎША ПАЙТДА АМИРЗОДА УМАР НОМИГА МАВЛОНО ШАМСИДДИН МУНШИЙ ҚАЛАМИ ИЛА БИТИЛГАН (СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР) ҲУКМИ

Ҳукм қуйидаги иборалар билан бошланган эди: "Ҳува ал-ғанийу; ал-ҳукму лиллоҳи таоло; ал-қудрату лиллоҳи таоло; ал-мулку лиллоҳи таоло; Темур Кўрагон сўзимиз! (Таржимаси): <У (Аллоҳ) — ғаний эрур; ҳукм Аллоҳ таоло ҳукмидир; қудрат Аллоҳ таоло қудратидир; мулк Аллоҳ таоло мулкидир>; Темур Кўрагон сўзимиз!

Оға-инилар, ўғлонлар, фарзандлар, куёвлар, улус, туман, ҳазора ва сада амирлари билсинлар! (Тақдир) хатларини битувчи муншийлар ва Тангри (ҳукмлари) дафтарининг ҳисобчилари (бўлмиш) фаришталар: <Мен ерда бир халифа яратмоқчиман¹, — (деган оят) ҳукмини имзолаш пайтида, — <сен истаган кишинга мулк ато қилурсан², — (ояти сўзларидан иборат) салтанат ва жаҳондорлик фармони ҳамда давлат ва комронлик буйруғи матнини (Қуръони карим оятида ҳазрат Сулаймон

тилидан), — <бизга (подшоҳларга берилган) барча нарса-лардан берилди>³, — (деган) муҳр ила безатмишлар ҳамда (оятда), — <Парвардигорим, менга бирортаси учун муяссар бўлмайдиган бир мулк ҳадя этгин>⁴, — (деган) дуони ўлкаларни забт қилмоқ учун ижобат этмишлар. Натижада, бахт юлдузи балқиб, рубъи маскуннинг инонихтиёри қўлга киритилмиш. <Бу Эгамнинг фазлу марҳаматидандир>⁵, ҳамду сано бутун оламлар хожаси Аллоҳ учундир>⁶. Саъй-ҳаракатни ободончилик ва фуқаро фаровонлигига йўналтиришни ҳукмдорлик йўл-йўриқларининг фарзларидан ва жаҳондорлик суннатларидан деб билдик. Чунки бу (Аллоҳнинг мазкур) инъоми ва неъматининг шукронаси эрур. Аллоҳга ҳамду сано ва унинг инъомига (шукроналар бўлсин). Чунки салтанат чўққиси юқсалди ва мақсад амалга ошди. <Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати, уни ўзи хоҳлаган кишига ато этур>⁷.

Ҳозирги вақтда, азиз фарзандлардан ҳар бирини, <Аллоҳ уларнинг умрини узун қилсин>, қўл остимиздаги мамлакатнинг бир тарафини бошқармоққа тайинлаётган эканмиз, суюкли, ҳурматли, шон-шуҳратли, арзигули, саодатли, хушфезъл, улуғ Тангри раҳматига лойиқ фарзанд, яъни ҳаётимиз фароғати ва наслимиз чироғи бўлмиш Умар баҳодирни, <Аллоҳ унинг умрини узоқ қилсин>, меҳрибонлик ва иноят юзасидан ҳамда кўпдан-кўп сийлов ва махсус лутф кўрсатиб, Форс ва Кирмон мамлакатларини то Ҳурмўз ва Ироқи Ажамгача; Райдан то Озарбайжон, Аррон, Муғон, Қаробоғ, Жийлонгача барчасини; Ширвон, Шамохий ва Дарбанддан то Боб-ул-Абвобгача; Гуржистон, Абхоз, Курдистон, Диёрбакр ва Ироқи Арабдан то Ҳижозгача; Рум ўлкасидан то Истанбул ва Фаранг диёригача; Шом диёрини Искандария ва Мисрнинг Нил (дарёси)гача салтанат, эл сўраш, эгалик ва бошқариш учун **(435)** тайинладик ва (ушбу ҳудудни унга) ишониб топширдик. Улардаги барча ишларни ҳал қилмоқ ва манъ этмоқ жиловини унинг бошқариш кафтига ва баҳодирлик чангалига тутқаздик. Жаҳон бўйсунувчи ва доим ўз кучини йўқотмайдиган бу ҳукм (барча) ўлкаларга эълон қилинди. Токи мазкур мамлакатнинг подшоҳлари, ҳокимлари, волийлари, амирлари, улуғлари, садрлари, зодагонлари, ақобирлари, аъён, ашроф ва таниқли (кишилари) номи юқорида эслатилган энг азиз фарзандни ул жойлар салтанат тахти ва вилоятларининг эгаси, нуфузли ҳокими ҳамда арзигулик ҳукмдор деб билиб, муҳим ишларда ва юртнинг барча заруратларида тўла-тўқис унга ва унинг ноибларига мурожаат

қилсинлар; унинг мамлакат ободончилигининг асл низоми ва улар осойишталигининг мазмун-моҳиятидан иборат бўлмиш фармони ва буйруғидан бош тортмоқни лозим топмасинлар; унинг сўзсиз адолат ва ҳақиқатни кўзловчи амрини ва тақиқлаганини итоат билан бош устига, деб қабул қилсинлар; фармонбардорлик ва хизматкорликнинг тўғри йўлидан бошқа ҳеч қандай йўлни изламасинлар; уни ва унинг ноибларини мамлакатда (содир бўладиган) муаммоларни бартараф этишда қўли устун, қудратли, соҳибхитёр ва тўла ҳуқуқли, деб билсинлар; унинг фармони ҳудудидан бош чиқарган ҳар қандай бахти қора, шубҳасиз, ҳаётнинг кундалик минг турли ҳодисалари дастидан ер билан яқсон бўлғусидир, ихлос оёғини итоат доирасига қўйган ҳар бир саодатли киши эса, унинг бахтиёрлик этагини тутса, сўзсиз мартабаси улуғ бўлғай.

(Номи) юқорида эслатилган суюкли фарзанд ҳам, ўз навбатида, (зиммасига юкланган) ушбу улуғ ишни шу йўсинда олиб борсинки, токи у адолат, ҳақиқат, ҳукмдорлик заруриятлари ва раиятпарварлик учун кафолат бўлаолсин ҳамда унинг қоидаларига шундай бир тарзда амал қилсинки, токи у оламнинг ободлиги ва инсоният тинч-тотувлиги билан яқун топсин; солиҳ кишилар аҳли тақво ва иршод, асҳоби сидқ ва ҳақпарварларни қўллаб-қувватлаш ва эъзозлашда, масжид ва мадрасаларни таъмирлашда ва хайрли даргоҳларни кўпайтиришда тиришқоқлик намоиш этиб, муфсидлар, авбошлар, жиноятчилар ва қароқчиларни ҳамда шариатга хилоф ишларнинг кўпайишини ва нолойиқ қонун-қоидаларни таг-туғи билан йўқотишни зарур ва лозим, деб билсин. Шундагина мамлакат ишлари бир текис боради: салтанат мавқеи ва тўғри йўл-йўриқ барқарор бўлади. <Кўмак ва омад Аллоҳдан>.

Ҳар икки томон шунга рия қилсинлар ва юксак орзу-умидлар олий муҳр ила имзолангани ва безатилгани учун унга ишонсинлар. Ҳижрий саккиз юз олтинчи йил улуғ шаъбон ойининг охирларида (милодий 1404 йил март ойининг ўрталарида) битилди".

Амирзода Умар ва амир Жаҳоншоҳ уларнинг ихтиёридаги аскарлар билан Озарбайжон томон (436) йўл олдилар.

(Амир Соҳибқироннинг) султонлик байроқлари Султония томон ҳаракат қилди. (Уша йил) еттинчи шавволда (1404 йил 18 апрел) жаҳон аҳлининг ҳукмдори ва шаҳзодаси Халил Султон баҳодир,— унинг қабри узра

Аллоҳнинг нури ёғилсин,— Самарқанд томондан етиб келди ва улуғ даргоҳга ул томон янгиликлари ва аҳволини бевосита аргга етказди; (дилларда) шодлик, хурсандчилик, хуррамлик ва осудалик ортди.

V. ИСКАНДАР ШАЙХИЙНИНГ БЎЙСУНМОҚДАН БОШ ТОРТГАНИ ВА ИСЁН КЎТАРГАНИ БАЁНИДА

Шу орада Искандар Шайхий ва Каюмарс Рустамдор бўйсунмаслик ва гумроҳлик байроғини тикмишлар ва шайтон васвасасига тушиб, талафот нишонига айланмишлар, қуллик чизигию итоаткорлик доирасидан четга чиқмишлар, тоғлар ва қалин ўрмонлардан паноҳ топмоқни кўзламишлар, ул қалъалар (жойлашган) тоғларнинг баландлигидан ўзларини эркин, деб хаёлдан ўтказмишлар, адоват ва фитна оловини аланга олдирамишлар ҳамда кўнгил даласида ўзбошимчалик ва ўжарликни илдиз отдирамишлар, деган (хабар) ҳумоюн қулоққа етди. (Шеър):

<Мағрурлик сени исён кўтариши бахтсизлигига олиб келди,
Ва у сени сўзсиз шернинг панжасига тутиб беражак>.

Бу воқеа мазмуни олий даргоҳга етиб келгач, бахти навқирон амирзода, яъни амир Сулаймоншоҳ баҳодир ва мўътабар одил амир, яъни амир Мизроб баҳодир Хуросон лашкарини тўплаб, Мозандарон йўли билан Астробод ва Соря орқали Омул томон юрсинлар, деган шошилич фармон бўлди. (Шунингдек, ҳазрат Соҳибқирон) улуғ амирзода, мусулмон бандаларнинг подшоси, Аллоҳ иноятига тўла-тўқис дахлдор этилган, Сулаймон тахтининг вориси, яъни амирзода Искандар, <(уни Худо) раҳмат қилсин>, ҳамда тадбиркор амир, яъни амир Шоҳ Маликларни, <унинг адолати кенг тарқалсин>, (437) шаввол ойининг ярми ўтганда (1404 йил 26 апрел) Миёна¹ орқали Рай томонга жўнатди. Амир Мусо Рағмолни элчи сифатида амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир ва амир Мизроб баҳодир қошига юборди.

Шаввол (ойи)нинг ўн еттинчисида (1404 йил 28 апрел) нусрат шиор байроқлар Пули Миёнадан ўтиб, йигирманчида (1404 йил 1 май) Султонияга келиб қўнди.

Йигирма иккинчида (1404 йил 3 май) Султониядан йўлга отланиб, йигирма бешинчида (1404 йил 6 май) амир ва амирзода саодатли шаҳид Мироншоҳ Кўрагонга, — унинг қабрига Аллоҳнинг раҳмати (ёғилсин), — подшоҳона тарбият ва иноят кўрсатди, яъни: суюкли фарзанди Абу Бакр баҳодирга тааллуқли бўлган Ироқи Араб ва Диёрбакр мамлакатларининг ҳамда бошқа бир фарзанди — амирзода Умар баҳодирга тегишли бўлган Озарбайжон мамлакати ва унга ёндош ерларнинг, — бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди, — барчасида, қайси жойни кўнгли тусаса, ўша жойни манзил қилсин, бу жойларнинг ҳаммасига унинг ҳукми ўтади. Унга хазинадан тўрт юзта мўғулий ва тозий от ва бошқа турли нарсалар ҳам инъом қилди, ҳамда Абҳар² атрофларидан у томонга қайтарди. Ҳумоюн байроқлар Рай томонга юрди ва зулқаъда ойининг бошида (1404 йил 11 май) Қазвин ҳудудидан ўтиб, Рай даштига иқбол чодирини тикди.

VI. ФЕРУЗКЎҲ ҚАЛЪАСИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА

Искандар Шайхий Ферузкўҳ¹ қўргонини Искандар девори деб тасаввур қилиб, ўз ўғли ва яқинларига топширган эди. Бу қўрган тоғ чўққисидида жойлашган, мустаҳкамликда ер юзидида тенги йўқ² шундай бир қалъа эдики, буржининг учи Жавзо буржи²га тақалган ва кўз унинг этагидан нарини илғамас, учқур хаёл эса чўққисига етаолмас эди. (Байт):

Унда одамлар ой билан суҳбатдош бўлар эди,
Осмон сиридан огоҳ бўлар эди.

(Шеър):

Шамол ундан (ўтиш учун) бир карра
йўл топгунича қолади ҳориб,

Дев унга бир марта чиққудек бўлса,
(тушаолмасдан) кетади қолиб.

(438) Мозандароннинг девсифат эпчил аскарларидан уч юзтасини уни қўриқлашга тайинлаган эди. Уларнинг хаёлида гўё бутун ер юзининг лашкарлари йиғилганда ҳам узоқ муддатгача уни забт этаолмайдигандек эди.

Тўққизинчи зулқаъдада душанба куни (1404 йил 19 май) ғалаба сари йўл очиб ва зафар қиличини яланғочлаб, олов каби ҳайқириб, шамолдан ҳам тез ҳаракатланувчи денгиздай ҳумоюн байроқлар чанг-тўзонни ер бағридан Кайвонгача³ кўтарди; феруза (осмон) равоқи Ферузкўҳ тупроғини (кўтариб) нолишга келтирди; биринчи ҳамладаёқ улар (эгаллаб турган қўрғоннинг) шаҳрбандини ер билан яксон қилди. Бир кунда ўнта манжаниқ тайёрладилар: сон-саноқсиз лашкарнинг ўқлари даҳшатидан қалъадагиларнинг кўнгли чўкиб, қўли жангга бормаё қолди. Қалъа сардорларининг умид юзи ва бахти кундузи қорайиб, улар ғафлат майдонида инон-ихтиёрни беҳудалик қўлига берганликлари ҳамда калтафаҳмлиқ қилиб катта ишга ва ваҳимали хатарга азм қилганликлари аниқ бўлди. Энди, агар жаҳон шоҳи қиличидан омонлик тиламасдан, ихтиёр ва сулҳ элчиси жиловини шайтоннинг қўлига тутқазсалар, (у ҳолда), узр сўраш учун хатони тузатишга мажол ва чора кўришга имкон қолмағай. (Шу сабабдан), ноилож ўзбошимчалик ва ўжарлик чўққисидан ожизлик ва йўқсиллик тубанлигига тушиб, қилган гуноҳлари учун ёрдам қўлини узатувчи ва ҳимояга олгувчи шоҳ даргоҳидан кечирим сўрашдан бошқа чора кўрмадилар. Искандарнинг ўғли ва қалъа бошлиқлари бошни қуллик чизигига ва қадамни итоаткорлик доирасига киритиб, (қалъадан) чиқдилар. Ҳазрат Соҳибқирон ўзининг подшоҳлик одатига кўра, уларнинг гуноҳ ва хатоларини афв айлаб, меҳрибонлик ва раҳм-шафқат ила тақдирлади.

(Шундай қилиб), мазкур ойнинг ўнинчисида сешанба куни Ферузкўҳ қалъасини забт этиш ферузлик ила муяссар бўлди. Искандар девори билан тенглашмоққа даъвогарлик қилувчи шундай бир қўрғонни жанг ғолиби бўлмиш Хисрав бир кундаёқ эгаллади. Мозандаронликлар жамоаси (439) тўплаган барча нафис моллар ва бойликларни қалъадан чиқариб олдилар. (Амир Соҳибқирон) қўрғон кутволлигига Амир Зангий Тунийни тайинлади.

VII. ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ЧАЛОВ ВА РУСТАМДОР ТОМОНГА ЮРИШИ БАЁНИДА

(Ферузкўҳ) қалъаси ташвишидан узил-кесил халос бўлгач, нусрат шиор байроқлар ҳумоюн фол билан бахтли юлдуз йўл кўрсатувида, ақл-заковат қўлловида, ғалаба

олдинда, яхши белги йўл бошловчиси ўнг томонда, шон-шавкат йўлбошловчиси чап томонда, зафар қалб қисмида, ғалаба қуши икки қанотда азм жиловини Чалов томон йўналтирди ва қўл остидагилари билан кўзни қамаштирувчи чақмоқдай ул вилоят сари йўл олди.

Улар Айюқ (юлдузи)гача² бўй чўзган тоғлар ва тубсиз жарликлар орқали юрдилар. (Байт):

У (тоғлар)нинг чўққисини киши тасаввур кўзи
билангина (кўрган),

У (жарликлар)нинг тубини киши гумон оёғи
билангина босган.

(Улар бу масофани) саноқли кунларда босиб ўтдилар.
(Шеър):

Кўриб Искандар (Шайхий) бу аянчли аҳволни,
Кўз олдига ёруғ кун бўлган эди қоронгу.

Ғолиб аскарлар билан жанг қилмоққа қурби етмасди, мажбур бўлиб ожизлик қўли билан қочиш этагини тутди. Обдор қилич даҳшатидан саросимага тушиб қолди. Оқибатни ўйламайдиган бир гуруҳ билан шамол янглиғ тупроқ палосини чамалашга киришди ҳамда (оятда), <улар худди шердан қўрқиб қочган қулонга ўхшайди>³ — дейилганидек, Жаҳаннамдарага йўл олди. (Байт):

Кимки билмас экан нону туз ҳаққин,
Искандар (Шайхий)дек Жаҳаннамдарага кетади.

Нусрат шиор байроқлар йигирманчи зулқаъда жума куни (1404 йил 30 май) Чаловга етиб келди. Искандар ва унинг тобелари **(440)** Чаловни ташлаб қочиб кетган эдилар.

Ғолиб аскарлар йигирма учинчи (зулқаъда) душанба куни (1404 йил 2 июн) ҳадиксиз ва қоровулсиз дабдаба билан, унинг ёнида Жайҳун дарёси⁴ тақвим жадвали (чизиғи)дан ҳам кичик бўлиб кўринадиган, Ҳарос дарёсидан⁵ ўтиб, Жаҳаннамдара тоғига⁶ кўтарилдилар. Йигирма олтинчи (зулқаъда) пайшанба куни (1404 йил 5 июн) Искандар (Шайхий) ортидан (таъқиб қилиб) кетган бир гуруҳ ўрмонзорда уларга етиб олди. Искандар (Шайхий) тоғнинг баландлиги ва ўрмоннинг қалинлиги ғолиб аскарлар шаштини қайтаради, деб ўйлаган эди.

Ҳазрат Соҳибқирон аскарлари дубулғаларининг нурлари савлати тўсатдан алангаланди ва учқунлари у томонга ёпирилди; уларнинг табиатидаги жазо довули тўсатдан кўзгалди ва тўзони Искандар Шайхийнинг иқболи кўзини хира қилди, умидининг зилолдек (осмонини) қоронғу этди.

Қаттиқ жанг бўлди. Ўша куни Вафодор мардлик билан жанг қилаётган чоғда юзига найза санчилди ва унинг зарбидан тишлари отилиб кетди. Шунчалик қаттиқ яра-ланган бўлишига қарамай шиддат билан жанг қилди. (Байт):

У сардорлар бошини танидан жудо қиларди,
Панжаси тупроққа беланган, оғзи тўла қон.

Ўша куни Искандар Шайхийнинг тобёлари ва тарафдорларидан кўпчилигини доруллаънатга жўнатдилар, баъзиларини эса тирик қўлга олдилар. Бир неча киши, — мисра: у билан бирга ўрмонда бекиндилар. (Шундай қилиб), унинг димоғида ошёна қурган ғурур қуши ва фитна савдоси (оятда): <улар билан ўзлари истайдиган нарсанинг ўртаси тўсиб қўйилди>⁷, деб таъкидланган қилмишга эришди ва подшоҳнинг изғирин шамоли қаҳридан девсифат малъунлар билан биргаликда қочди; аждарҳодек ҳайбатли сипоҳ қўрқувидан чумоли кўзидан йўл изларди; сон-саноқсиз лашкар даҳшатидан илондай тўлғонарди. (Байт):

Чумоли қанот чиқарса ҳалок бўлади,
Сенинг душманинг қанот чиқарган чумоли
кабидир.

(441) Эртасига Рустамдор (вилояти) қўрғонларидан бўлмиш Нур қальъаси⁸ яқинида ғолиб аскарлар Искандар (Шайхий) акасининг ўғлини, унинг бир гуруҳ яқинлари ва навкарлари билан бирга тутиб, ҳазрат (Соҳибқирон) ҳузурига келтирдилар ва у марҳамат айлаб уларнинг қонидан кечди ҳамда жонларига амонлик берди.

(Ҳазрат Соҳибқирон у ердан) Гилон томонга Ҳарсо қальъаси сари йўл олди. (Йўлда) бир неча кун Кулорадашт водийсида⁹ тўхтади. Шу орада сайид Камолиддиннинг ўғли амир Ғиёсиддинга марҳамат кўрғазиб ҳамда у билан Искандар (Шайхий) ўртасида илгаридан адоват

борлигини ҳисобга олиб, Омул ва Сорий вилоятларини унга берди. Ҳозиргача ул мамлакат унинг ихтиёрида ва бу ҳақда салтанатшиорли ҳазрат (Шоҳрух)нинг, — Аллоҳ унинг подшоҳлигини ва салтанатини абадий этсин, — тарихи баёнида айтилажак. Голиб аскарлар ўша атрофда чопқинлар қилиб, кўплаб қорамол ва қўй олиб келдилар. (442)

VIII. ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ДОРУССАЛТАНА САМАРҚАНД ТОМОН ЙЎЛ ОЛГАНЛИГИ БАЁНИДА

Ҳазрат Соҳибқирон, <Аллоҳ унинг шуҳратини ёрқин қилсин>, ушбу воқеалардан сўнг йўлга отланиб, Гилонот ҳудудида Дамованд тоғи¹ этагига Лор мавзесига келиб қўнди. Ўз вақтида подшоҳ Арғун² у ерга битта кўшк қурдирган эди ва ҳозир ул жой Кўшки Арғун номи билан таниқлидир.

Саккиз юз олтинчи йил йигирманчи зулҳижжа якшанба куни (1404 йил 29 июн) давлат чодирининг маркази бўлмиш доруссалтана Самарқанд сари юрмоққа қарор қилинди ва амирлару аъёнлар билан биргаликда суръат ила равона бўлди. Йигирма иккинчи (зулҳижжа) сешанба куни (1404 йил 1 июл) Ферузкўҳга келиб қўнди. Йигирма тўртинчи (зулҳижжа) пайшанба куни (1404 йил 3 июл) Бистом³га етиб келди. Саккиз юз еттинчи йили муқаддас муҳаррам ойининг бошида чоршанба куни (1404 йил 10 июл) Нишопурдан⁴ отланиб, Ишқободга⁵ етиб шоҳона чодир тикди. Учинчи муҳаррам жума куни (1404 йил 12 июл) (Ҳазрат шайх Аҳмад) Жомнинг⁶ табаррук мозори (зиёратига келиб) иқбол чодирини ўрнатди.

Ҳирот (вилоятига) яқинлашганда, улуғ ҳукмдор хожа Фахриддин Аҳмад Тусийни Хуросон олиқ-солиғини йиғиш бўйича назоратчи қилиб тайинлади. (Шундан сўнг), хожа Фахриддин Аҳмад тошқин селдай ва кўзни қамаштирувчи чақмоқдай Ҳирот томон ошиқди ва қирқ кун деганда икки юз туман кепакий миқдорида маблағ йиғиб, хазинага келтирди ва шу йилнинг рабиъ ул-аввалида (1404 йил сентябр) палос ўпмоқлик шарафига муяссар бўлди ҳамда йиғиб олинган маблағни арзга етказди. Унинг бу

иши маъқулланди ва унга нисбатан эътиборнинг кучайишига ҳамда ҳурматнинг ортишига сабаб бўлди.

Ҳазрат Соҳибқирон, <Аллоҳ унинг шухратини ёрқин этсин>, доруссалтана Самарқандга келиб тушди ва у ердаги зарур ишлар билан машғул бўлди; солиқ йиғувчилар (уммол) ва ишчиларни (443) танбеҳ бериб, сўроқ қилди. (Гап шундаки), хожа Жалолоддин Маҳмуд салтанат девонининг ноибни этиб тайинланганди. Жаҳонни забт этувчи байроқлар Рум ва Шом мамлакатларини эгаллаш ҳамда Гурж ва Ифранжга⁸ газавот қилиш билан машғул бўлган муддат ичида у бир неча йил доруссалтана Самарқанд девонининг мутлақ ҳокими эди ва унинг ҳукми барча мамлакатларга ўтар, қаноатлилиги, тўғрилиги, ҳалоллиги ва диёнатлилиги билан танилганди. Бироқ илоҳий тақдир ва осмоний ҳукмга кўра, уни танбеҳ бериб қамоққа олди ва бир неча кундан сўнг ёсоққа етказди. Чунки, доруссалтана Самарқандда қурилган жомеъ масжидининг, — бу ҳақда айтиб ўтилди, — кираверишдаги айвони гарчи кўкка бўй чўзган бўлса-да, аммо мақсурага қиёсан пастроқ кўринар эди. (444) Аллақандай ғаразчиларнинг бўҳтони сабабли, анча вақтдан буён қамоқда ётган вазирилик сершоҳ дарахтининг бир шохи бўлмиш хожа Шарафиддин Али Симноний жаноби олийларига марҳамат қилди ва унга яна ўша соҳибдеворлик мансабини инъом этди. Чунки айқоқтафтишчилар қанчалик талашиб-тортишмасинлар, унинг Хуросон, Ироқи Ажам¹⁰, Қўмс¹¹ ва Мозандарон¹² (ўлкаларида) мутлақ ҳоким бўлиб турганлиги юзасидан ҳатто бир динор миқдорида ҳам камомад кўрсатаолмадилар. Хожа Шарафиддин Али ва хожа Фахриддин Аҳмадни Самарқанд девонига тайинлади. (445)

IX. САМАРҚАНДДА БЎЛИБ ЎТГАН ТҶЙ-ҲАШАМ БАЁНИДА

Олий ўрду ва катта ўғруқ нусратшиор байроқлар ортидан доруссалтана Самарқандга етиб келгач, ҳазрат Соҳибқирон шундай бир буюк юришдан фарзандлари ва амирлари билан соғ-саломат пойтахтга келиб қўнганлиги муносабати билан катта тўй бериб, сипоҳ амирлари ва олампаноҳ даргоҳ баҳодирларини суюрғамиши ва ағирла-

мишилар ила сийлаб, ҳар бирининг мансаби ва ҳурматиға қараб суюрғол ва чилду ила тақдирламоққа буюрди. (Вояга) етган шаҳзодаларға ҳам ҳар қайсисига ўзига муносиб, тагли-тугли ёстиқдош белгилади. Фармонға мувофиқ кўркам Конигил ўлангидан то Шовдоргача, тахминан ўн фарсанг келадиган ораликқа Соҳибқироннинг муборак ўрдулари, барча шаҳзодалар, оғолар, ўғлонлар, амирлар, мўътабар шахсларнинг қайтуллари ва жаҳонни турк ва тозикдан иборат забт этувчи турли-туман аскарлар ҳар бири ўз мавқеи ва мансабиға кўра келиб қўндилар.

Катта ўрду келиб тушган жойға қирқ устунли олий боргоҳни тикдилар; унинг атрофида ярим фарсанг келадиган ерни боргоҳ, катта чодир ва соябонлар воситасида қуёш нурлари тушмайдиган қилдилар; хисравоний хумлар ва кайхисравий жомларни (446) қатор тердилар; турли-туман егулик ва ичимликларни тўлдириб тоширдилар. Табрик учун келган етти иқлим султонларининг чодирларини ўрду атрофида тикладилар. Уларнинг ортидан яқин-узоқдан келган туман амирлари ва сипоҳ сардорлари, жўгинлар жамоаси ва ҳурматли арбоблар келиб тушдилар, уларнинг ҳар бириға чодирлар қурилган эди. Булар ортидан лашкар қисмлари — мингликлар, қўшинлар, юзликлар ва ўнликлар тартиб билан ҳар қайсиси ўз жиргаси ортида жавқ-жавқ бўлиб ўрнашди; тавочи, аюдочи ва ясовул амирлари хос бедовларға миниб олиб тарқу ва назли⁴ тортмоқ учун гуруҳларни тартибға келтирдилар.

Оламнинг турли тарафларидан йиғилган тиллари ва кийимлари бир-бирларидан фарқли ҳар қайси мамлакат созандалари, ҳар бир иқлимнинг санъат аҳлларию ҳунар соҳиблари гуруҳ-гуруҳ бўлишиб ҳар диёрнинг ўзида расм ва одат қилинган зеб-зийнат буюмлари, тақинчоқлари, кийим-кечак ва матолари билан ясаниб, ўзларига оро бердилар. Хушнағма созандалар ва хушовоз хонандалар форс тариқасида, ажам тартибида, араб қондасида, турк йўсунида, мўгул аёлғусида, хитой русумида, алтой услубида соз чалмоқ, ашула айтмоқ ва оҳанг боғламоқ ила машғул эдилар.

Тўй тайёргарчиликлари тугаб, айш-ишрат учун зарур нарсалар муҳайё этилгач, салтанат, ҳашамат ва (447) улуғликнинг махсус тахтини боргоҳнинг марказига ўрнатдилар. Хотинлар, келинлар, ўғиллар, султонлар ва

шаҳзодаларга, шунингдек, қадрдон ва шон-шуҳратли қовчинларга ҳам ҳар бири учун ўз мартабасига қараб жой белгиладилар. Шоҳлик палоси ва шаҳаншоҳлик кўрпачаларини бирин-кетин ёзиб чиқдилар.

Ҳазрат Соҳибқирон барчадан иззатлироқ улуғвор бир мақомда, шараф гўшангасида, саодат маснадида ҳашамат билан ўтирди ва ёвни куйдириш сифатидан базмни қиздириш сифатига ўтди, куч-қудрат либосини гўзаллик кийимига алмаштирди. (Қитъа):

Ул жойдаки қаҳри қиличи шам каби нур сочган экан,
Бош (думалаб) ётмаган бир қадам ҳам жой кўрмайсан.
Ул жойгаки лутфи кўзи бир бор назар солган экан,
Замона боғида гуллаб-яшнамаган биронта шох кўрмайсан.

Ҳар ким ўз жиргасида ўтирсин, деган фармон бўлди. Сувчилар коса тутмоқ ила машғул бўлдилар. Давлат амирлари, ҳазрат (Соҳибқирон)нинг яқинлари ҳамда мулк ва миллат мутасаддилари жирғомиши ва тузғу қилмоққа⁵ киришдилар. Аёқчилар улкан ширахона қуввати туфайли еру кўкни маст қилиб ташладилар. Қўш ва қаров, тўра ва жирга тутиб бўлингач, турли мамлакатлардан — Хитой, Алтой⁶, Чекка Мағриб⁷, Миср, Рум, Фаранг⁸ ва Ҳинд мамлакатларидан келган элчиларнинг ҳар бирини ўз жиргасига чорлаб, тортиқ ва инъомлар улашилсин, деган олий фармон бўлди. Рубъи маскуннинг⁹ тўрт чеккаси ва етти иқлим¹⁰ ҳоқонлари, ҳукмдорлари ва қайсарларининг хизматкорлик ва ҳамжиҳатлик ҳақида айтган сўзларини бирма-бир шарҳлаб бердилар. Ҳар бир ўлкадан келган бойликлар ва хирож миқдорининг тафсилотини арзга етказдилар. (Амир Соҳибқирон) улар юборган (элчиларни) ўз тарбият ва эътиборига сазовор этди. Жаҳон ва ундаги эл-улус аҳволи ҳақида қисқача маълумот олгандан сўнг, уларни қаров одати бўйича сийламоқчи бўлди; катта-кичик ҳамма тиз чўккан ҳолда ёрлиғ ва фармонга мунтазир бўлдилар. Ҳазрат Соҳибқирон шундай буюрди: (448)

"Тенги йўқ Тангри ва ранг-баранг оламнинг эгаси рубъи маскундаги мамлакатларнинг ихтиёр жиловини бизнинг қудрат чангалимизга тутқазган ҳамда жаҳоннинг қуруқлигию сувларидаги барча махлуқотни бизнинг амримизга бўйсундирган экан, оламни ёритувчи офтоб мисоли, узоқ ва яқинни бир хил билиб, барча давлатлар

ва миллатлардаги кучли ва заиф, фақир ва шариф, катта ва кичик ҳаммасини ўз марҳаматимиз ҳимояси ва шафқатимиз соясида бир хил кўришни, ҳар бир кишини ўз мавқеига қараб бу буюк давлат маҳсулидан баҳраманд этишимизни шарт қилиб қўймиш. Сизлар ҳам ҳар доим, <агар (берган неъматларимга) шукр қилсангизлар, албатта уларни зиёда қилурман>¹¹, (деган оят) ҳукмига кўра, Аллоҳ таолога шукрона қилмоғингиз лозим. Токи, <агар ношукурчилик қилсангизлар сўзсиз азобим ҳам қаттиқдир>¹², (деган оят) сўзларининг оғир кулфатига гирифтор бўлмагайсиз”.

Сўнгра (ҳазрат Соҳибқирон) Хитой сари черик тортмоқликка азм айлади ва буюрди:

“Биз машриқ мамлакатини эгаллашни ва ул томон кофирларини забт этмоқни мақсад қилиб қўйганлигимиз учун сизлар, то биз ул юришдан қайтиб келгунга қадар, ҳар қайсингиз ўз сарҳадларингизда бўлиб, аҳдлашилган қарор, ёсоқ услуби¹³ ва улуғ тўра¹⁴ йўлидан четга чиқмаслигингиз лозим. Чунки, худо кўрсатмасин, баъзиларнинг калтафаҳмлиги сабабли, улуғ тўрага хилоф иш юз берса, буюк давлатимизнинг узун уқруқи албатта унга чора кўради ва бир ёмоннинг ёмонлиги туфайли кўплаб солиқ кишилар ҳам жазо ва бандга маҳкум бўладилар”.

Ушбу сўзларни таъкидлаб айтгач, катта укалко тарқатишни улус тавочиларига топширди, барча қўшин бошлиқлари ва олампаҳоқ боргоҳ солорларини тўн ва совғалар билан тақдирлаб, сарафроз этди. (449)

Х. ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ОҚСЎЛОТДА ҚИШЛОВ ЎТКАЗГАНЛИГИ БАЁНИДА

Саккиз юз еттинчи йил жумоди ул-аввал ойида (1404 йил ноябр) (ҳазрат Соҳибқирон) қишловни ўтказиш учун доруссалтана Самарқанддан йўлга отланиб, Оқсўлотга келиб қўнди. Ўша кезларда дай¹ сипоҳи ханжарини қинидан суғураётган ва аёз лашкарининг олд қисми қилич кўтармоққа қўл чўзган эди. (Байт):

Дехқоннинг бозорига касодлик етди,
Гул богбони боғ эшигини қулфлади.

Қишнинг илғор қўшини совуқнинг байроқларини тик-
ди. Қиш сипоҳи хазон олтинларини талон-торож қил-
моққа ошиқди. (Байт):

Боғ дилкашлар жамолидан бўшаб қолди,
На булбул овози, на гулдан бордир нишон.

(Соҳибқирон) шунчалик (сон-саноқсиз) лашкар билан
(борардики), одам боласининг тасавури унинг гу-
руҳларидан бир гуруҳини, тўлқинларидан бир тўлқини-
ни қамраб олишга ожизлик қиларди: олам аҳлининг
барча иқлимлардаги қаламлари, (оятда), <агар ер юзи-
даги бор дов-дарахт қаламлар бўлиб>², деб таъкидлан-
ганидек, муболаға қилиб ёзганда ҳам уни етарли дара-
жада қамраб ололмасди. (Бу лашкарлар) шундай тўп-
тўп бўлиб борардики, унга ўхшашини хаёл кўргазмасида
ҳам намойиш этиб бўлмасди; тасаввурнинг икки отлик
чавандози ҳам унинг лашкари ғуборини кесиб ўта
олмасди; тафаккурнинг баландпарвоз бургути ҳам унинг
саноғига етмоқ ҳавосида учишдан толиқарди; сўз рас-
соми ёзувдан ҳар қанча чизма чизганда ҳам унинг
васфи чеҳрасини очиб бераолмасди. Улар бамисоли бир
темир тоғидай тоғдан тоққача саф тортган эди. (Байт):

Сон-саноқсиз сипоҳ жилди ўрнидан,
Гўё тоғ ва ўрмон бормоқда дерсан.

Унинг отлик лашкарлари қурол-яроғлари юкидан ер
устунлари ларзага ва отлари тақаси зарбидан осмон
гумбази жунбушга келиб, Оқсўлотга етиб тушди. (Байт):

Ер юзини бир неча фарсанг жойда лашкар босди,
Лашкар (кўплиги)дан жаҳон қўли билан бошини чангаллади.

Шоҳлик чодирининг арқонлари Айюқ юлдузигача
етди, ранг-баранг чодирлардан ул навоҳийда юзлаб
осмон тургандай кўринарди.

(Байт): (450)

Чодир ва ўтовлар худди осмонга ўхшарди ва
Тоғ-чўл бошдан-оёқ чақнаган юлдузларга
тўлиб кетган эди.

ХІ. ХИТОЙ ЮРИШИ БАЁНИДА

Бир неча кун чуқур ўйлаш ва машваратдан сўнг (ҳазрат Соҳибқирон) Хитой томон юришга қатъий қарор қилди. Қишнинг қоқ чилласи эди. Тоғ ва қирлар қора чўққисига оқ парда ёпинган, чўл зангори кийимини симобий либосга алмаштирган, тақдир зарғари Сайхун дарёсини худди кумуш қуймасидек қилиб қўйган, қишнинг пўстинчиси (ер юзи) иқлимларининг эни ва бўйига мослаб оқ либос бичган, ариқнинг устки сатҳи бир найза бўйича бамисоли яшм тошидек¹ бўлган, сахро саҳни ва дарё юзи қор қопламидан сатҳи бир хил бўлиб қолган мавсум эди. (Шеър):

Бунчалик (кўп) қорни ҳали ҳеч ким кўрмаган,
Ер қор оғзида гўё бир луқмадек эди.
Худди пахтанинг ичидаги чигит мисоли
Тоғларнинг гавдаси қорга бурканган. (451)

(Шеър):

Булут оғзидан қор элар эди,
Қор жаҳонни остин-устун қилганди.
Ўшал тоғ ва даштга ёққан қордан гўё,
Фалак "ўн" бўлмиш-у, ер бўлмиш "саккиз"².

Ўша кезларда ҳаво шу даражада совиб кетдики, кўпчилик ақобирлару зодагонларнинг баъзи аъзоларини совуқ олди, оддий одамлар ва ходимларнинг кўпчилиги ҳалок бўлди. Қавс (ойи)нинг бошидан то ҳут (ойи)нинг охиригача Жайхун ва Сайхун дарёларининг барча кечувларидан лашкарлар, карвонлар, аравалар, филлар ва ҳоказо муз устидан ўтдилар. Совуқнинг қаттиқлигидан тил оғзида уюшиб қоларди, (она) қорнидаги болага ҳам зарар етиши аниқ эди.

Саккиз юз еттинчи йил қутли ражаб ойининг ўн иккинчисида (1405 йил 15 январ) (ҳазрат Соҳибқирон) Ўтрор шаҳрига келиб тушди. Кузатиб қўйиш учун мулозимликда бўлган бир гуруҳ оқолар, фарзандлар ва аркони давлатнинг хушдиллик, хурсандлик ва бахту саодат ила қайтиб кетишларига рухсат бермоқчи бўлиб, (шу муносабат билан) шароб ичмоққа рағбат қилди. Бир неча кеча-кундуз базм соқийлари қўлидан тўла қадаҳ ва жом олиб, гўзал паривашлар юзидек гулгун бода ва

райҳондек (хушбўй) шароб ичмоқ ила ғанимат тонги бошини мурод ёқасидан чиқарди, айш-ишрат қуёши хуррамлик машриқидан чиқди. Шодлик манбаи ва дилхушлик сармоёси бўлмиш шароб лашкари кетма-кет димоғ майдонига от суриб, ғамнинг гердайган (бўйни) ва ўйловнинг бозорини синдирар, хуррамлик боғлари-ю, айшу тараб ниҳолини янгидан яшнатар эди. Шу орада (ҳазрат Соҳибқирон) ароқ келтирмоқни буюрди, муҳайё қилдилар; у кўринишда сувдек, лекин аслида оловдек бир жавҳар эди, бағоят латофатли бўлганидан, **(452)** ҳавога ўхшаб кўзга кўринмас эди; ўта суюқлигидан дағал тупроқ билан қўшилмас эди. Соқий нарғисдек олтин қадаҳни кумушранг қўлга қўйиб, ўз манзили бўйлаб бораётган ой мисоли³ узлуксиз қадаҳ узатарди.

(Аллоҳнинг) қули бўлмиш ҳазрат Соҳибқирон яна икки кеча-кундуз ушбу арақдан ичиш билан машғул бўлди ва бирорта овқатдан оғзига олмади. Кейинги кун муборак мизожида бир оз ўзгариш сездди. (Мисра): унда хумор аломати бўлса керак, дейишди. Тузалиш учун, шеърда:

<Лаззат олмоқ учун бўшатдинг косани,
Бошқасини ундан даво олмоқ учун ич>.

дейилганидек, яна бир-икки қултум ичди. Зоҳирида совуқлик (борлиги) сабабли, иситма бир мунча таскин топди, деб ўйладилар. Аммо меъда исигач, иситма кўтарилиб кетди. (Назм):

Тажриба юзасидан солдим мен назар, шундай экан:
Жаҳоннинг хурсандчиликлари қўлнинг қичиганига
ўхшар экан.

Аввалида қўлга қичиш ёқади,
Охирда қўл-қўлни оловдек қизитади.
Шунга ўхшаш, дунё жоми ҳам ёқимли эрур —
Аввалида мастлик, охирда хумор келтирур.

Ул муқаддиманинг хулосаси муродсизликдан иборат бўлди. Аёвсиз тақдир ичмоқ ортидан ўч олмоқ ништарини санчди; бевафо дунё хурсандчиликни йиғига ва базмни мотамга айлантирди. (Байт):

Токи айланар экан фалак, шундай эрур —
Шаробу заҳар, адовату меҳр биргадур.

ХП. ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ, <АЛЛОҲ УНИНГ ШУҲРАТИНИ ЁРҚИН ҚИЛСИН>, ВАФОТИ БАЁНИДА

Ҳар бир бошланишнинг ниҳояси ва ҳар бир қуёш чиқишининг ботиш (вақти Аллоҳ томонидан) олдиндан белгиланган бўлгани учун (ҳазрат Соҳибқироннинг) муборак мизожи тирикликнинг катта йўлидан ва мўътадиллик чегарасидан четга чиқабошлади: ҳумоюн ҳолати саломатлик безаги ва енгиллашиш чиройидан ажралди ва кераксиз бўлиб қолди; руҳ ва роҳатнинг порлаб турган тонги азоб ва малолликнинг зулмат орттирувчи шомига айланди. (453)

Ҳазрат Соҳибқирон, <Аллоҳ унинг шуҳратини ёрқин қилсин>, шундай дедилар: "Умр бўйи менда умуман ўткир ичимликларга майл бўлмаган ва тўсатдан юз берган ҳозирги ҳолат касалликка сабаб бўлди. Кўп гуноҳ қилинган бўлса-да, бироқ, (Қуръони каримда): <Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз>¹, (дейилганига кўра, Парвардигорнинг) даргоҳи кенг эрур".

(Ҳазрат Соҳибқирон), <У (Аллоҳ) бандаларидан тавба-тазарруъ қабул қилгувчидир>², (деган оят) башоратини англаб етмоқ қулоғи билан эшитиб, <Аллоҳга тавба қилинглр>³, (ояти) уни тўғри йўлга бошлади.

Унинг буйруғи билан кўнгилхушлик ва (мусулмончиликда) тақиқланган барча асбоб-анжомларни синдирдилар. (Ўзи эса), чин дилдан онт ичиб тавба қилди ва <Аллоҳ тинчлик макони — жаннатга даъват қилур>⁴, (ояти) уйининг зиёфатига тайёр бўлди: бутун фикру хаёлини, <эй осуда жон, сен Парвардигорнинг (ҳузури)га қайт!>⁵ — (ояти)нинг фармониغا қаратди.

Одатга кўра, аркони давлат ва ҳазрат (Соҳибқирон)нинг яқинлари ҳар бири (Аллоҳга) илтижо қилиб турардилар. Шу орада (Аллоҳнинг) қули бўлмиш ҳазрат Соҳибқирон аввал бир бармоғини, сўнгра икки бармоғини кўтарди ва кўзи билан имлаб, бу нимани англатишини сўради. Амирлардан баъзилари бунга жавоб топмоққа уриндилар ва: "Ҳазрат (Соҳибқирон тузалиш учун) бир ёки икки илож қолди, (деб ишорат қилдилар)", дейишди. (Ҳазрат Соҳибқирон): "Йўқ, мен ундай демоқчимасдим", деб, ушбу байт мазмунида ётган сўзларни айтди. (Шеър):

Жаҳондор деди, бу ўлмоқ демақдир,
 Чунки яшамоқ мен учун топмиш якун.
 Айланувчи фалак менинг измимдамас,
 Мен гардиш бермадим ойга, қуёшга.
 Мен бир сиқим тупроқдурман ва бир томчи суюқ сув,
 Дастлаб бир тар моддадан яратилганман⁶.
 Парвардигорнинг парваришлари билан
 Ул жойга етказдим ишнинг якунин: **(454)**
 Олдину кейин содир бўлиши мумкин бўлган нимаики бўлса,
 Ҳаммасига менинг қўлим етарди.
 Менинг айвоним Кайвонга бўй чўзган бўлса ҳам,
 Ўша (ажал етган) кун ўлим (шарбатин) тотмоғим лозимдир.
 Шундай бир пайтда подшоҳлик қилдимки —
 У пайт ҳам дилим кучли эди, ҳам таним.
 Энди нотавонлик пайдо бўлган экан,
 Бошқа саройга кўч тортмоқ лозим.

Ҳеч бир кина-кудуратсиз тақдирга тан бериб: "Мен сизнинг орангизда бир кун ё икки кундан ортиқ бўлмасман", деди. Ушбу сўзларнинг (ҳақлигини исботлаш учун) гувоҳликқа табибларни чақиртирди ва амирлар барча кечмишни сўзлаб бердилар. (Аллоҳнинг) бандаси бўлмиш ҳазрат (Соҳибқирон табибларга): "Ростини айтинг, хушомад қилманг, чунки менга тўғрилиқ ёқади", деди. Табиблар дедилар: "Аллоҳнинг инояти билан ҳали кўп йиллар яратганнинг сояси (бўлмиш подшоҳимиз) рубъи маскундаги мамлакатлар узра барқарор бўлмай, деган умиддамиз. Бироқ тиббиёт қондасидан келиб чиқилса, (Аллоҳнинг) қули бўлмиш ҳазрат (Соҳибқирон) айтганларича эрур". Бундан мулозимлардан баъзиларининг, нега бундай дедингиз, деб жаҳли чиқди. (Аллоҳнинг бандаси бўлмиш ҳазрат (Соҳибқирон) эса, уларга таҳсинлар айтди. Қисқаси табибнинг илож қўли даволамоқ этагини тутмоққа калталиқ қилиб қолди. (Шеър):

Лашкар табиблари, шаҳар улуғлари,
 Замон подшоҳи атрофидан олдилар жой.
 Беморликнинг давосидан сўз қотдилар,
 Турли шарбатларни қўшдилар бирга.
 Сийдик ва томирдан изладилар сир,
 Лек қайтиб келмади ҳўлга кетган умр.
 Табиб билганича қилди давосин,
 Муддат қолмагач, не фойда даводин.

Шунчалик истеъдод, лашкарнинг кўплиги ҳамда салтанатнинг улуғворлиги ва қудрати ўлим йўлбошчиси олдида тўсиқ ва қайтаргувчи бўлаолмади. (Шеър):

Қазо қўли очадиган зирҳдан не фойда,
Қадар ўқи ўтадиган қалқондан не манфаат.
Темир ва пўлатдан метин кўрган қилсанг ҳам,
Вақти келгач, ажал қўли қоқар эшик.

Салтанатни бошқармоқ навбати хотима топди. Жафкор рўзгорнинг <ҳаётни беришу қайтариб олиш> ҳукмига кўра (455) ўлим элчиси, <агар ажаллари етса, уни бирор соат орқага ҳам сураолмайдилар, илгари ҳам қилолмайдилар>⁷, деган оят ёрлиғини етказди ва (Амир Соҳибқироннинг) давлати ҳақидаги фармон қайтариб олинди. (Шеър):

Қуёши зулматнинг бағрига ботиб кетди,
Кўчини шоҳликдан тупроққа олиб кетди.

Тақдир қалами жаҳон шоҳининг боқийлик (ҳақидаги) фармониға фано туғросини битди. Етти иқлим шаҳри-ёрининг пок руҳи тўққиз фалакнинг чўққисига кўтарилди ҳамда ўткинчи сарой ва азоб-уқубат манзилидан анислик равзалари ва жаннат боғлари сари хиром айлади. Тақдирда бор қазо мактуби, <(ер) юзидаги барча жонзот фонийдир>⁸, (ояти)нинг хотимаси ила яқунланди ва саккиз юз еттинчи йил шаъбон ойининг ўртасида (1405 йил 18 феврал)⁹ Ўтрор мавзесида (ҳазрат Соҳибқирон руҳи) яхшилар мақомидан ўрин олди. (Байт):

Ўтрор остонасида етиб келгач қазо,
Сон-саноқсиз мукамал лашкардан не фойда.

Муродсизлик водийси бўлмиш ўткинчи дунёдан жаннат бағрига хиром этди. (Байт):

Қазо девонидан шаъбоннинг ўртасида унинг бароти битилди¹⁰,
Қарасам, унинг вафотининг тарихи "садри тўри"¹¹ экан.

Давлатнинг қулоғи ва бўйни шаҳаншоҳликнинг бошқарув зийнати ва адолат безағидан бўшаб қолди. Унинг

йўқолишидан жаҳон аҳлининг тинч-тотувлиги ва ҳаловатида паришонлик ва парокандалик бошланди. (Байт):

Шундай бир шаҳаншоҳ эдики, унинг йўқлигидан жаҳонда
парокандалик бошланди,
"Видои шаҳриёрий"¹² қилди ва (бу сўзлар) унинг (вафоти
учун) тарих бўлди.

(Ҳазрат Соҳибқирон),— Аллоҳ унинг шуҳратини
ёрқин этсин,— адолатининг шараф ва фазилати, под-
шоҳлик сиёсати тўхтади. <Дарҳақиқат, бахт мавҳум
(нарса), сен уни йўқотгандагина биласан>.

(Мисра): <Қуёшнинг қадри у бутгандан сўнг били-
нади>, дейилганидек, асл офтоб нурининг қадр ва
қиймати (456) маълум бўлди.

(Назм):

Одамлар қуёшнинг салмогини билмайдилар,
То унинг нури осмондан кетмагунча.
Тун келиб фалақда Суҳо юлдузи¹³ кўрингандагина
Ерда унинг қадрини англайдилар.

Ер юзи шаҳриёрининг (жасади солинган) сандиқни
доруссалтана Самарқандга элтдилар ва жаҳон шоҳи ва
шаҳзодаси, ўз даврининг валиаҳди, раҳматли ва ху-
дожўй Муҳаммад Султон¹⁴, — унинг қабрини Аллоҳ
нурга чўмдирсин, — мадрасасига дафн этдилар. (Шеър):

Жаҳон ҳеч ким билан дўстлик қилмайди,
Унда арзигулик меҳрибонлик ҳам топаолмайсан.
Тупроққа топширдилар уни ва қайтдилар,
Тикладилар (қабри) узра дахма эшигин.
Дунёнинг шу эрур асли одати,
Тахтта кўтарар, лекин олиб қолмагай.
На бошни бу сиртмоқдан олиб қочиб бўлар,
На сиртмоқ учини топиб бўлар.

Мамлакатнинг шуъла сочиб турган ойи айни
тўлишган чоғида абадиёт уфқида кўринмай кетди. Сал-
танатнинг осмонни безовчи қуёши чарақлаб турган
жойида жаҳон халқининг кўзидан ниҳон бўлди. Ер
юзининг улуғ ва мукаррам шаҳриёри хазина мисоли
тупроқ бағрига кўмилди ҳамда ҳумоюн дахмаси ва

муборак турбатининг гумбази айланувчи (осмон) гум-
бази¹⁵ ва хайвон қасрининг кунгурасидан ҳам баланд
бўлди. (Байт):

Ҳаёт тупроқдан бир олам яратди,
Ва уни яна тупроққа элтиб қўйди.

Дин ва давлат учун мотаму мусибат бўлмиш бу
даҳшатли бахтсизлик ва аламли фожианинг овозаси
жаҳон аҳлига маълум бўлди. Уйқудаги фитна наргис
мисоли ўйноқи ва беҳаё кўзини очди: амонликнинг
мўътадил мизожи бинафша каби бошини ҳасрату андуҳ
тиззасига қўйди. Қани ул дабдаба ва ҳукмдорлик
камоли, авжига чиққан қудрат ва комронлик, юртларни
забт этгувчи лашкар ҳашамати, осмонга қадалган виқор
қалпоғи?! Қанчалик (457) осмоний қазога тўсқинлик
қилмагин ва Тангри ўлчаб берган (умрни) оз-қўп
қилишга уринмагин, қанчалик (умрни узайтириш) учун
мол-дунё таклиф этмагин, барибир, белгиланган
муҳлатни бир соатга ҳам чўзолмайсан. (Байт):

Ўлимдан ўзга ҳар қандай мушкул учун
Чора топиш лозим бўлса, топилади.

(Назм):

Жаҳонни забт этувчи гурзи ва қалъаларни эгалловчи қилич
зарби билан

Жаҳон менга бўйсунди, мен эса қисматга.

Бир қўл силташ билан қанчалаб қўрғонларни эгалладим,
(Узангига) бир оёқ қўйиш билан қанчалаб сипоҳни мағлуб
эtdим.

Аммо ўлим от солгач, ҳеч бир фойдаси бўлмади,

Боқийлик Худога хосдир, мулк ҳам Худо мулкидир.

Марҳум амир, яъни Амир Темур Кўрагон аҳволининг
оқибати ана шундан иборат; ҳамманики (ҳам) шундай
бўлади. (Байт):

Баҳром йиллар давомида гўр¹⁶ овлаб юрарди,
Боқил, қай тарзда гўр Баҳромни олди.

Дунё бир ўткинчи манзилдир, у на доимий ғурур қароргоҳи ва на сурур саройи эрур. (Байт):

Жаҳон суҳбатин ким таманно қилар,
Кимга вафо қилмишки, бизга қилар.

Дарҳақиқат, бирорта фано домига илинмаган жаҳонгир ва бирорта ҳаёт камари ечилмаган ёвни банд этгувчи борми! (Мисра): Бу йўлда хоҳ булбул бўлсин, хоҳ қарға, бари бирдир. Аслзодани фақирдан ва шоҳни гадодан устун қўйиб имтиёз бермаганлар. (Байт):

(Бошқаларга) <зулм қилмасдан ва қондани бузмасдан
Ҳикмат билан ишларни олиб борганга балли!>

Ҳеч кимга бақо хилъатини ёпмаганлар ва абадийлик тожини топширмаганлар. (458)

(Шеър):

Қандай яхши бог эрур ҳаёт боғи,
Агар у хазон елидан омон бўлса.
Қандай хуррам саройдур замона саройи,
Агар унинг абадийликдан асоси бўлса.
Ул (сабаб)дан бу дилхуш қаср совуқ кўринарки,
Энди иссиққина ўрнашганинда, тур, дейди.
Кечагидан ва эртангидан бирортага маълум эмас,
Чунки у орадан кетди, бу эса ҳали келгани йўқ.
Айёмнинг биз учун нақди фақат бугундир,
Унга ҳам то шомгача ишонч йўқ.

Ҳақ таоло ўтганларнинг руҳларига мағфират райҳони атрини ва жаннат уфорларини етказсин. Чунки уларнинг саргузаштлари донолар ҳушёрлигининг сабаби ва зийраклар эътиборлигининг воситаси эрур, барчасига (Аллоҳ) ақл-заковат ва ибрат кўзи ато этсин. Токи (улар ҳаётдаги) ажойиб воқеалар ва ғаройиб кечинмаларни ўзлари учун сергаклик манбаи ва ҳушёрлик зийнати этсинлар; фоний дунёга кўнгиш қўймасинлар; турмуш жиловини ғафлат ва ғурур қўлига тутқазмасинлар; ҳаққонийлик нажот учун сабаб (бўлади), деб билсинлар. Яратган Тангри барчага тавфиқ ато этсин. Муҳаммад ва унинг шарафли авлоди ҳаққи!

НИЗОМИДДИН ШОМИЙНИНГ "ЗАФАРНОМА" АСАРИГА ИЗОҲЛАР

I

1. Қуръони карим, 79-сура (Ван-нозиот сураси), 28-оятдан.
2. Қуръони карим, 79-сура (Ван-нозиот сураси), 31-оятдан.
3. Қуръони карим, 31-сура (Луқмон сураси), 24-оят.
4. Маҳдий — Ислом дини эътиқодида ўн икки имомнинг охиргиси бўлиб, қиёмат яқинлашганда тирилиб "Дажжол"га қарши курашади, дейилади.
5. Тўртинчи китоб — Таврот, Забур ва Инжиллардан кейин Муҳаммад пайгамбарга нозил бўлган Қуръони карим назарда тутилган.
6. Қуръони карим. 42-сура (Шўро сураси), 22-оятдан.
7. Абу Бакр (572-634) — Муҳаммад пайгамбардан кейинги "хулафо ар-рошидин" ("Тўғри йўлдан борган халифалар") ёки "чорёрлар" деб аталган асосий тўрт халифадан биринчиси (632-634).
8. Қуръони карим, 9-сура (Тавба сураси), 40-оятдан.
9. Вадд ва Суво — араблар жоҳилия даврида топинган бутларнинг номи.
10. Умар ибн Хаттоб (тахм.585-644) — асосий тўрт халифадан иккинчиси (634-644).
11. Ниҳованд — Эроннинг гарбида жойлашган шаҳар, кичик вилоят маркази.
12. Сория — араб лашкарбошиларидан бирининг номи.
13. Икки нур эгаси — ("зу-н-нурайн"), халифа Усмоннинг лақаби; Муҳаммад пайгамбарнинг икки қизини ўз никоҳига олганлиги боисидан шу лақаб билан машҳур бўлган.
14. Усмон ибн Аффон (тахм.575-656) — асосий тўрт халифадан учинчиси (644-656). (Олдинги изоҳга қаранг).
15. Али ибн Абу Толиб (661 йилда ўлдирилган) — асосий тўрт халифадан тўртинчиси (656-661). Муҳаммад пайгамбарнинг амакиваччаси ва куёви. Ислом динидаги икки асосий оқимдан бири бўлган "шиалик"нинг ташиқил этилиши унинг номи билан боғлиқдир.
16. Дулдул — Муҳаммад пайгамбар ҳазрат Алига совға қилган отнинг номи.
17. Зулфиқор (араб. "тешиб ўтувчи", "ўткир") — ҳазрат Алининг икки дамла қиличи шундай номланган.
18. "Ҳал ато" — Қуръони каримнинг 76-сураси, асли номи "Инсон сураси". Бу сура "ҳал ато" сўзлари билан бошланади.
19. "Ло фато" — "Жувонмардлик майдонида унга тенги йўқдир" деган иборага ишора, одатда халифа Али номидан кейин ёзилган.
20. Фотима (тахм.606-633) — Муҳаммад пайгамбарнинг қизи, Али ибн Абу Толибнинг хотини, Мадинада дафн этилган.

21. Ҳасан ибн Али (625-669) — Али ибн Абу Толибнинг Фотимадан туғилган ўғли; иккинчи шиа имоми, Мадинада дафн этилган.

22. Ҳусайн ибн Али (626-680) — Али ибн Абу Толибнинг Фотимадан туғилган кичик ўғли, учинчи шиа имоми; 680 йилда Карбало даштида Сурия ҳокими Язид билан бўлган жангда ўлдирилган, жасади ўша ерда дафн этилган. Имом Ҳусайн ҳалок бўлган кун (муҳаррам ойининг 9-10 кунлари) шиаларда мотам эълон қилинади.

23. Абу Амрор Ҳамза — тўлиқ исми Ҳамза ибн Абдулмутталиб, Муҳаммад пайгамбарнинг амакиси.

24. Абулфазл Аббос — Муҳаммад пайгамбарнинг амакиси.

25. Абу Маноф — Муҳаммад пайгамбарнинг буваси.

26. Қуръони карим, 61-сура (Саф сураси), 4-оятдан.

27. Қуръони карим, 57-сура (Ҳадид сураси), 25-оятдан.

28. Қуръони карим, 51-сура, (Ва-з-зориёт сураси), 13-оятдан.

29. Жалолий ва жамолий — тасаввуфга оид атамалар; Жалолий — Аллоҳнинг улуглиги, қудрати ва қаҳру газабини ифодалайдиган сифат; жамолий — Аллоҳнинг лутфу марҳаматини ифодаловчи сифат.

30. Канбойит (бошқача ёзилишлари: Канбот, Канбои, Камбоят, Конбаат ва ҳоказо) — Ҳиндистон ярим ороли шимоли-ғарбида жойлашган бан্দар (порт). Темурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистоннинг ташқи савдосида катта аҳамиятга эга бўлган.

31. Боб-ул-Абвоб ("дарвозалар дарвозаси") — Кавказ тизмасининг шарқий қисмида Дари ал дарасида жойлашган қалъа.

32. Чингизхон (Темужин, тахм. 1155-1227) — Мўғул империясининг асосчиси ва буюк хони (1206 йилдан). Осиё ва Шарқий Европада кўпгина мамлакатларни забт этган.

33. Чигатой (ҳукмронлик йиллари: 1227-1241) — Чингизхоннинг иккинчи ўғли; 1224 йилда Чингизхон босиб олган ерларини тўрт ўғлига тақсимлаб берганда шарқда Олтойдан ғарбда то Амударёгача, Гулжаю Кошгардан то Самарқанду Бухорогача бўлган ерларни Чигатойхонга берди. Бу ҳақда матннинг ўзида койинроқ айтилган. Хоразмнинг Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган қисми ҳам унинг тасарруфида бўлган. Унга тобе ерлар Чигатой улуси деб аталган.

34. Қарочор (нўён) — Чингизхоннинг нуфузли амирларидан бири, Чигатойхоннинг маслаҳатчиси ва лашкарбошиси. Амир Темурнинг аجدодларидан бешинчиси (Тарагай-Буркул-Илангир-Ижил-Қарочор).

35. Исрофил — ривоятта кўра ислом динида қиёмат куни келганлиги ҳақида карнай чалиб хабар берадиган фаришта.

36. Икки тилли хома — қамишдан ясалган қалам; уч қисми ўртасидан сал тилинарди, шу сабабли икки тилга ўхшатишган.

37. Бир юзли қоғоз — бу ерда муаллиф мажозий маънода китобнинг икки юзламаликсиз, росттўйлик билан ёзилганига ишора қилган.

38. Қуръони карим, 18-сура (Қаҳф сураси), 44(46)-оятдан.

II

1. Жўчи (Жўжий, Жўжи, 1227 йилда ўлдирилган) — Чингизхоннинг тўнғич ўғли, Мўғуллар давлатининг шимолий қисми — шарқда Иртиш дарёсидан Ўрол тоғларигача бўлган мамлакатлар, ғарбда Волга дарёсигача бўлган ерлар унга қарашли эди. 1224 йилда Чингизхон фарзандларига забт этилган ерларни тақсимлаб бераётганида, Жўчининг

саркардалик маҳоратини юқори баҳолагани учун унга ғарбга томон "мўғул отларининг туёғи етган жойга қадар" ҳудудни тақдим этди.

2. Ҳтоқой қоон (Ҳгадей, Угадей) — Чингизхоннинг учинчи ўғли, отаси ҳаётлигидаёқ уни тахт вориси деб эълон қилган ва Чингизхон ўлимидан сўнг (1227), у 1229 йилда улуг қоон (бош ҳукмдор) бўлди; 1241 йилгача ҳукмронлик қилган. Мўғулистоннинг бир қисми, Жунгория ва Хитойнинг бир қисми унинг тасарруфида бўлган.

3. Тўли (Тулай, Тўлуй) — мўғул салтанатининг тўрт улусидан бирига ҳукмдорлик қилган. Бу улус аҳолиси 50 минг хонадондан иборат эди. У кичик ўғил эканлиги боис доим отасининг ёнида, қўшин қароргоҳида бўлган, отасининг ўлимидан кейин 1227 йилдан 1229 йилгача вақтинча Чингизхон салтанатини бошқарди. 1233 йили вафот этган.

4. Куюк қоон (Гуюк) — Ҳтоқойнинг тўнғич ўғли, 1246 йилда тахтта ўтирди ва 1248 йилда вафот этгач, ҳукмдорлик Тўли наслига ўтди.

5. Мунка қоон (Мункэ, Мунку) — 1251-1259 йилларда ҳукмронлик қилган.

6. Қубилай (Хубилай) — 1259-1294 йилларда ҳукмронлик қилган.

7. Улжойту — 1294-1307 йилларда салтанат юргизган.

8. Дашти қипчоқ — араб ва форс адабиётида ҳали XI аср бошлариданоқ қўлланилган бу атама Балхаш кўлидан тортиб ғарбга, Днепр дарёсигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Қипчоқ сўзи қадим рус солномаларида "половцы" дейилган, Византия солномаларида эса, "коман" атамаси қўлланилган.

9. Боту — салтанати 1227-1256 йиллар.

10. Беркахон — салтанати 1256-1266 йиллар.

11. Тўқтахон — салтанати 1290-1312 йиллар.

12. Ўзбекхон — салтанати 1312-1340 йиллар.

13. Жонибекхон — салтанати 1340-1357 йиллар.

14. Вердибекхон — салтанати 1357-1359 йиллар.

15. Наврўз — салтанати 1359-1360 йиллар.

16. Хизрхон — салтанати 1360-1361 йиллар.

17. Муруд (Мардуд) — салтанати 1361-1363 йиллар.

18. Мурохожа (Муродхожа, Муридхожа) — салтанати 1363 йил.

19. Қутлуғхожа — салтанати 1364 йил.

20. Ўрусхон — Жўчи наслидан; Оқ Ўрда хони, салтанати 1364-1375 йиллар.

21. Тўқтақийё — салтанати 1375 йил.

22. Темур Малик — Ўрусхоннинг ўғли, 1375-1376 йилларда ҳукмронлик қилган.

23. Тўқтамишхон — Жўчи наслидан; Оқ Ўрда хони, 1376-1395 йилларда ҳукмронлик қилган, у ҳақда тўлароқ маълумот матннинг ўзида келтирилган.

24. Темур Қутлуғ — салтанати 1396-1399 йиллар.

25. Шодибек — салтанати 1399-1407 йиллар.

26. Ироқ — бу ерда Ироқи Араб деганда қадимги Вавилония ва Ироқи Ажам деганда қадимги Мидия ҳудудларига тўғри келаётган жойлар назарда тутилган. Асарнинг бошқа қўлёзма нусхасида "Ироқ" номи ўрнига Озарбайжон, Форс, Кермон, Хуросон ва Эроннинг ғарби деб ёзилган.

27. Ҳулокухон — салтанати 1256-1265 йиллар.

28. Абоқохон — Ҳулоқунинг ўгли, салтанати 1265-1282 йиллар, Форсда.
29. Аҳмадхон — салтанати 1282-1284 йиллар.
30. Арғунхон — салтанати 1284-1291 йиллар.
31. Кехотухон — салтанати 1291-1295 йиллар.
32. Бойдухон — салтанати 1295 йил.
33. Ҳозонхон — Маҳмуд Ҳозонхон (1295-1304 йиллар), элхонийлар сулоласидан, Эронда мўғуллардан тахтга ўтирган еттинчи ҳукмдор.
34. Улжойтухон (ҳукм.йиллари 1304-1316) — Чингизхон наслидан, Элхонийлар сулоласига мансуб Эрон тахтига ўтирган тўққизинчи мўғул ҳукмдори, ундан меросхўр фарзанд қолмаган.
35. Абу Саъид Ваҳодирхон — салтанати 1316-1335 йиллар, Эронда.
36. Арпа — салтанати 1335-1336 йиллар.
37. Мусохон — салтанати 1336 йил.
38. Султон Муҳаммад — салтанати 1336-1338 йиллар.
39. Тағой Темурхон — салтанати 1338; 1341-1351 йиллар.
40. Сулаймонхон — салтанати 1339-1341 йиллар.
41. Йўсун Мунка (Есу-Менгу) — 1247-1250 йилларда ҳукмронлик қилган.
42. Қаро Ҳулоқу — салтанати 1242, 1251-1252 йиллар.
43. Арғина хотун — салтанати 1252-1261 йиллар.
44. Алиқу — салтанати 1261-1265 йиллар.
45. Муборақшоҳ — салтанати 1265-1266 йиллар.
46. Бароқ (Бўрақ) — салтанати 1266-1271 йиллар.
47. Никпай — салтанати 1271-1272 йиллар.
48. Тағой Темурхон (Туға-Темур) — салтанати 1272-1274 йиллар.
49. Даво Чечан (Дўвахон) — салтанати 1274-1306 йиллар.
50. Кунчақхон — салтанати 1306-1308 йиллар.
51. Эсан буға — салтанати 1309-1318 йиллар.
52. Кепақхон (Кебекхон) — Буроқхоннинг невараси, Чигатой наслидан. 1309, 1318-1326 йилларда ҳукмронлик қилган. Насаф шаҳридан 12-14 км. масофада Қарни қалъасини қурдирган ва ўз қароргоҳини шу ерга келтирган. Пул ва маъмурий ислохотлар ўтказган. Уни Тармаширинхон ўлдирган.
53. Элчикдойхон — салтанати 1321 йил.
54. Дура Темурхон (Дува) — салтанати 1321-1322 йиллар.
55. Тармаширинхон — салтанати 1326-1334 йиллар. Қароргоҳи Бухорода бўлган.
56. Жингпи (Жинкшин) — салтанати 1334-1335 йиллар.
57. Йўсун Темурхон — салтанати 1338-1340 йиллар.
58. Али Султон — салтанати 1340-1342 йиллар.
59. Муҳаммад — салтанати 1342-1343 йиллар.
60. Қазонхон — 1343-1346 йилларда ҳукмронлик қилган. Ўлдирилган.
61. Донишмандча — 1346 йили хонлик тахтига ўтирган, 1348 йили ўлдирилган.
62. Баёнқулихон — Чигатой наслидан, 1348-1358 йилларда Мовароуннаҳр хони ҳисобланган, аслида давлат ишларини унинг номидан амир Қазоғон бошқарган. 1358 йилда ўлдирилган.
63. Туглуқ Темур — 1348-1362 йилларда Мўғулистонда ҳукмронлик қилган. 1360-1361 йиллар давомида икки марта Мовароуннаҳрга юриш

қилиб, Қашқадарёгача бўлган ерларда қисқа муддатли ҳукмронлик қилган. 1362 йили вафот этган.

64. Илёсхожа — 1365-1366 йилларда Жета ҳоқонлигида ҳукумат юргизган, Тугуқ Темурнинг ўғли, Мўғулистон хони (1363-1364 йиллар).

65. Кобул Султон (Кобулшоҳ) — Чигатой улусининг гарбий қисмига 1365 йили амир Ҳусайн ва Амир Темур томонидан (анъанага кўра Чингизхон наслидан) номигагина тайинланган дарвешсифат хон.

66. Одил Султон — 1366 йилда тахтга ўтирган.

67. Суюрғатмишхон — Мовароуннаҳр тахтига Амир Темур томонидан номигагина тайинланган Чингизхон авлодига мансуб хон, 1370-1388 йилларда ҳукмронлик қилган.

68. Маҳмудхон (Султон Маҳмудхон, ҳукм. йиллари 1388-1402) — Амир Темур ҳукмронлиги даврида номигагина Мовароуннаҳр тахтига ўтказилган хон.

69. 1224 йили рўй берган бу воқеадан кейин Чигатой ва унинг авлодлари то Амир Темур салтанат тепасига келгунга қадар Мовароуннаҳр, Еттисув ва Кошғарда ҳукмронлик қилганлар. Улар ҳукмдорлик қилган ерлар Чигатой улуси номи билан машҳур бўлган.

70. Жалолiddин Манкбури — хоразмшоҳлар сулоласи (1097-1231)нинг сўнги ҳукмдори. Мўғулларга қарши курашга бошчилик қилган. Курдлар томонидан ўлдирилган (1231 й.).

71. Синд дарёси — ҳозирги Ҳинд дарёси; бу жанг 1221 йил кузида содир бўлган.

72. Қайдухон (ёки Ҳайду) — Ўқтойнинг набираси, 1302 йилда вафот этган.

73. Амир Қазоғон (Қозоғон) — чингизийлар сулоласига мансуб ҳукмдор. 1346-1358 йилларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган, Ўқтой қон авлодидан. Донишмандча ва Баёнқулихонларни хон деб эълон қилган ва улар номидан танга зарб қилиб, бутун ҳокимиятни қўлида ушлаб турган.

74. Соля Сарой — Амударё соҳилидаги шаҳар: Хутталондаги қалъа, амир Ҳусайннинг юрти, кейинчалик Сарой деб аталган.

75. Қоратур — Амударё соҳилида жойлашган маъзе.

76. Мунк — қадимий Хутталон вилоятига тегишли шаҳар. Кейинчалик Болжун деб аталган; ҳозирги аталиши Балжувон.

77. Кайхисрав — Хутталон ҳокими, 1372 йили ўлдирилган.

78. Абдулоҳ — амир Қазоғоннинг ўғли. У ўз қароргоҳини Самарқандга кўчирмоқчи бўлганда норози амирлар томонидан ўлдирилган.

79. Асарнинг бир нусхасида бу воқеа 761/1359-1360 йили юз берганлиги айtilган.

80. Ҳожи Барлос — Мовароуннаҳрнинг XIV аср иккинчи ярмидаги йрик ва нуфузли бекларидан, Амир Темурнинг амакиси. 1361 йили ўлдирилган.

81. Балх — Шимолий Афғонистонда, ҳозирги Мазори Шариф шаҳрининг гарбида жойлашган кўҳна шаҳар. Ўтган асрлар ёдгорликларининг бир қисми ҳозир ҳам сақланган.

82. Амир Ҳусайн ибн амир Мусаллаб ибн амир Қазоғон — Балх, Ҳисори Шодмон ва Бадахшон вилоятларининг ҳукмдори, у ота-бобоси ҳукмронлик қилган Мовароуннаҳр ҳудудига даъвогарлик қилган. Аввалига Амир Темур у билан иттифоқ тузган ва унинг синглиси Ўлжой Туркон оғони ўз никоҳига олган. Лекин 1365 йили бўлган "Лой жанги"дан кейин муносабатлари бузилган ва 1370 йилга қадар Амир

Темурунинг Мовароуннахрни марказлаштирилган ягона давлатга айлантириш йўлидаги ҳаракатларида асосий рақиб бўлган. У 12 рамазон 771 йил (1370 йил, 10 апрели)да ўлдирилган.

83. Шибиргон — Афғонистоннинг шимолида жойлашган қадимий шаҳар, Жужон вилоятининг маъмурий маркази.

84. Бадахшон — Амударёнинг юқори оқимида, ҳозирги Файзобод ўрнида жойлашган шаҳар шундай номланган.

85. Қатлон — Панж дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган қадимий вилоят, араб ва форс тилидаги ёзма манбаъларда ёзилиши: Хатлон, Хуттал, Хутталон. XVI асрдан бошлаб Кўлоб, ҳозир Тожикистоннинг Хатлон вилояти.

86. Арҳанг — Амударё бўйидаги Бадахшон вилоятига қўшни вилоят, қадимда Тоҳаристон вилоятидаги шаҳар; XVI аср 2-ярмидан Арҳанг Сарой деб ном олган; тахминан XVI асрдан бошлаб уни Имом (Ҳазрат Имом) деб ҳам атаганлар. Ҳозирги номи Имомсоҳиб, Панж дарёсининг чап соҳилида, Афғонистонда жойлашган.

87. Мўғулистон — Чигатой улуси парчаланиши натижасида унинг шарқий қисмида Шарқий Туркистон, Етгисув, Тянь-Шань (Тангригор) этаклари, Балхаш кўли, Иртиш ва Эмиль дарёлари атрофидаги ерларни ўз ичига олган, подшоҳ Туглуқ Темур томонидан (1348-1362) тузилган улкан салтанат. Туглуқ Темур 1360-1361 йилларда Мовароуннахрни ҳам қисқа муддат (1362) ичида забт этди.

88. Хузор — Қашқадарё вилоятидаги ҳозирги Ғузор шаҳри.

89. Бу жумла матнда араб тилида келтирилиб, кетидан муаллиф (Шомий)нинг ўзи мазмунини форс тилида "яъни" деб ёзган. Бу ерда ва асарнинг кўп жойида араб тилидаги ибораларни Шомий берган форсча таржимаси асосида ўзбек тилига ўғирдик.

90. Фасиҳ Хавофий "Мужмали Фасиҳий" асарида бу воқеа 763/1361-1362 йилда бўлганлиги ҳақида хабар беради.

91. Кайқубод — Хутталон ҳокими, Кайхисравнинг иниси.

92. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида (варақ 97 б.) унинг амир Ҳусайнга қарши бош кўтарганлиги маълум қилинади.

93. Қаҳалқа (Дарбанди Оҳанин) — Бойсундан (Сурхондарё вилояти) ғарбда Саримас тизмасидаги тор дара; узунлиги 2 км., эни 5-20 м., қояларининг нисбий баландлиги 150 м. чамаси. Қадимий машҳур тоғ йўли, ҳозирги Катта Ўзбекистон йўлидан шарқроқдан ўтган. Ёзма манбаларда унинг номи турлича ёзилган: форсча "Дарбанди Оҳанин" ("Темир Дарвоза"), қадимги туркий тилда "Темир қапуг" ("қапуг" — дарвоза), арабча "Боб-ул-Ҳадид" (Темир Дарвоза), мўғулча "Қаҳлага" ёки "Қаҳлақа" ("қалга", "жалга"—дарвоза). Қадимда дарё ёнида шу номда аҳоли маскани, қўрғон ҳам бўлган. Уни Бузғалахон ҳам деганлар. Ҳозирги вақтда Дарбанди Оҳанин яқинида Дарбанд қишлоғи бор. Бойсун райони ҳудудида.

94. Матннинг шу ердаги мазмунини англаб олиш қийин. Шарафиддин Али Яздий ёзишича (варақ 98а), амир Ҳусайн душман қочғач, Амир Темур ва амир Хизр шарафига базм уюштирган.

95. Амир Боязид Жалойир — Хўжанд вилоятининг амири. 1361 йилда подшоҳ Туглуқ Темурнинг буйруғига кўра қатл этилган. Асарнинг бошқа бир нусхасида келтирилишича, амир Боязид Хуросондан қайтиб келган Ҳожи Барлос билан учрашган.

96. Ўрдувон — Яздийда (варақ 98а) унинг сарой аъёнларидан бири бўлганлиги ҳақида зикр этилган.

97. Асарнинг бошқа нусхасида ёзилишича, Амир Соҳибқироннинг Кеш лашкаридан бўлган баъзи мулозимлари ажралиб чиқиб, Ҳожи Барлос томон жўнаганлар.

III

1. Бу воқеалар 763/1361-1362 йилда содир бўлган.

IV

1. Хивақ — ҳозирги Хива шаҳри.

2. Поёб — суви чўл-қумларда йўқ бўладиган дарё, сой, жилга. Асарда Мурғоб дарёси оқимининг тугаган ери назарда тутилган.

3. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида (Тошкент, 1972, варақ 1016) "дон сақланадиган қудуқ"қа (ўрага) деб аниқлик киритилган.

V

1. Моҳон — Ҳозирги Туркменистоннинг Марв шаҳри яқинидаги қишлоқ.

2. Алибек Жовуний Қурбоний — Жовуний Қурбоний номли туркман қабиласининг сардори бўлган. "Темур тузуклари" асарининг 1868 йил Теҳрон нашрида "Алибек Жун Қурбоний" деб ёзилган, ҳошиясида эса, "Жун-қурбоний — туркман тоифаларидан бирининг номланиши", деб изоҳ берилган. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида (варақ 102 а) "Алибек Аргуншоҳ Жун Қурбоний ўғли" деб қайд этилган. Алибекнинг отаси Аргуншоҳ ҳам жовуний-қурбоний қабиласининг сардори бўлган. XIV асрнинг ўртасида ҳулагуй (мўғул)ларнинг Эрондаги ҳукмронлиги барҳам топгач, Аргуншоҳ Хуросоннинг катта қисмини ўз тасарруфига киритди. Сабзавор сарбадорларига қарши кураш олиб борди. Аргуншоҳ ўлиmidан кейин Хуросоннинг у эгаллаган қисмида ўғиллари Муҳаммадбек (Гус ва Бовард шаҳарлари) ва Алибек (Моҳон ва атрофлари)да ҳукмдорлик қилганлар.

3. Асарнинг бошқа нусхасида: "бурғаси кўп бир қоронгу хонага", деб ёзилган.

4. Асарнинг бошқа нусхасида: "Муборақшоҳ Санжарий — Моҳоннинг кадхудоларидан бири" деб аниқлик киритилган.

5. Бошқа нусхада: "Бухор Зандон деган мавзегга кетди". Бу ерда Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида кўрсатилган Бухоро шаҳри яқинидаги "Зандана" қишлоғи устида гап боради.

6. Бошқа нусхада: "Ўша ерда қолдириб".

7. Бу ерда Кеш вилояти назарда тутилган.

8. Ҳофизи Аbru берган маълумотга кўра, Тамука Туғлуқ Темурхоннинг амирларидан бири эди.

9. Бошқа нусхада ёзилишича, Баҳром жалойирийлар подшоҳзодаси эди.

10. Шарафиддин Али Яздий берган маълумотга кўра, Тумон, Никударий ҳазорасининг амири бўлган ва Хирманнинг Гармсир вилоятида ҳукмдорлик қилган (варақ 103а).

Ҳазоралар — келиб чиқиши мўғул бўлган форс тилида сўзлашувчи халқ; никударийлар — ушбу тоифанинг бир гуруҳи. Афғонистоннинг шимолий қисмидаги Банди Туркистон тоғ тизмасининг ҳар иккала томонида яшайди. Мўғуллар истилоси даврида келиб ўрнашиб қолган.

Ҳазора — минг, лашкар гуруҳининг номи; Никудар — мўғул шаҳзодаси Никудар (XIII аср), унга бўйсунган тоифа шу ном билан аталган.

11. Бошқа нусхада: "Баҳром Жалойирий шу ердан Ҳиндистонга боришга азм қилган". (Яздийда ҳам шундай маълумот бор (варақ 103а).

12. Сеистон — Эроннинг шарқида ва Афғонистоннинг ғарбида жойлашган. 1872 йилда Эрон ва Афғонистон орасида бўлинган. Ҳилменд дарёсигача бўлган қисми Эронга, ундан шарқи Афғонистонга ўтган.

13. Сагзийлар — сеистонликлар.

14. Қуръони карим, 42-сура (Шўро сураси), 18-оятдан.

15. Қуръони карим, 17-сура, (Исро сураси), 82-оятдан.

16. Бир нусхада: "...у амир Ҳусайн қаердалигини биларди".

17. Бир нусхада: "...Амир Темур келгани ҳақида".

18. Арсаф — Балх вилоятидаги манзелардан бири.

19. Шарафиддин Али Яздийда ёзилишича (варақ 104а), "...йўлда Арсаф — Каҳмард оралигида Йилдирын Қорачор нўён наслидан бўлган Сиддиқ барлосни учратдилар".

20. Дулон Жован (Чолан) — Шарафиддин Али Яздий ёзишича (варақ 104б), Хулмдаги ҳазорадир.

21. Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сида (варақ 105а) ва "Темур тузуқлари" (Тошкент, 1991 й., 27-бет)да "Имлис" деб ёзилган.

22. Яздийда (варақ 105а) Тамуканинг онла аҳли яқин атрофга кўчиб ўтганлиги ҳақида маълумот келтирган.

23. Дарагез — Балх шаҳри яқинидаги жой.

24. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си (варақ 105а) ва "Темур тузуқлари"да (27-бет) бу амирларнинг бариси барлос қавмидан эканлиги ва Жете амирларидан юз ўттизиб, Термизга келганликлари ҳақида айтилган.

25. Дарагез суви — Балхоб дарёсининг тоғдан оқиб чиқиб, Балх шаҳрига етмасдан ҳосил қилган тармоқларидан бири.

26. Хулм — Балхнинг шарқий тарафида, Амударёдан 6 фарсах нарида жойлашган ўрта аср шаҳарчаси.

27. Арҳанг Сарой — қаранг: "Арҳанг", II, 86-изоҳ.

28. Кўлак дашти — Хутталон (Кўлоб)га қарашли ер.

29. Пули сангин — дара, Вахш водийсида.

30. Жете — Чингатай улуси 1269 йилда икки қисмга бўлиниб кетгандан кейин унинг Еттисув, Чуй воҳаси ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олган шарқий қисми шу ном билан аталган.

31. Тошариқ — тахминан ҳозирги Яккабоғ туманидаги Тошқўрғон қишлоғи.

32. Жигдолик (ёки Чакдолик) — ҳозирги Чакчар тизмасининг шимолий ва жанубий этакларидан оқувчи Ўрадарё ва Кичик Ўрадарё сойлари (Ғуздорёнинг асосий ирмоқлари). Демак, XIV асрнинг 2-ярмидаги Чакдолик (бошқа номи Қотилиш, яъни икки сув қўшилиши) ҳозирги Пачкамар сув омборининг ўрнида бўлган.

33. Хожа Размоз — бу ерда Хожа Шамсиддин Кулолнинг Шаҳрисабздаги қabri назарда тутилган.

34. Қабойи Намтон — тахминан ҳозирги Шаҳрисабз туманидаги Намтон қишлоғи, Шаҳрисабз билан Китоб оралигида.

35. Оби Ём — ҳозирги Жом сойи, Самарқанд вилоятининг жанубий қисмида.

36. Шарафиддин Али Яздий (варақ 109б)да бу воқеа 765/1363-1364 йилда юз берган.

37. Хўжаид суви — Сирдарёнинг ўрта асрлардаги номларидан бири.

38. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича (варақ 110а), амир Хусайн ва Амир Соҳибқирон Чигатойхон наслидан бўлган бир кишини хонликка кўтаришни маслаҳат кўрганлар ва 765/1363-1364 йили барча нўён ва амирларни жамлаб қурултой ўтказганлар. Унда фақирлик либосини кийиб, ўзини дарवेशликка солиб юрган Кобулшоҳ ўғлон ибн Журжи ибн Илчикдой ибн Дувахонни салтанат тахтига ўтказганлар.

39. Фасиҳ Хавофий "Мужмали Фасиҳий" асариди 766/1364-1365 йил воқеаларини баён этганда (91-бет), амир Ҳамид ва Искандар ўғлонлар Кобулшоҳнинг фармонида кўра қатл этилганларини маълум қилган.

40. Бодом суви — шу номдаги жилга, Қоржонтовдан бошланиб, Чимкент шаҳрининг жанубидан оқиб ўтади ва Арис дарёсига қуйилади.

41. Шарафиддин Али Яздий бу воқеа 766/1364-1365 йили рўй берган, деб ёзади (варақ 112б).

42. Матнда "қирон" (араб. "қирон" — яқинлашиш) — икки сайёранинг бир буржда яқинлашуви.

43. Бу ерда Илёсхожа назарда тутилган.

44. Бақлон — ҳозирги номи "Бағлон"; Афғонистондаги водий, вилоят ва шаҳар.

VI

1. Сарбадорлар — XIV асрнинг 30-80 йилларида Эрон ва Ўрта Осиёда кўтарилган халқ ҳаракати. Унда кенг халқ оммаси — деҳқонлар, хунармандлар, зиёлилар, майда ер эгалари ва қуллар қатнашган.

Ҳофиз Абрӯ "Зубдат ут-таворих..." асариди сарбадорларнинг Самарқандда ҳокимиятни ўз қўлларига олишининг тафсилотларини ёзган. Чунинчи, амир Хусайн ва Амир Темур "Лой жанги"да мўғуллардан енгилиб, Омуя (Амударё) сувининг нариги қирғоғига — Балх томонга ўтиб кетгач, фурсатни ганимат билган мўғуллар Самарқанд атрофига етиб келганлар. Самарқанд аҳолисининг хосу оми бу аҳволдан таъвишга тушиб, шаҳар жомеъ масжидига йиғилганлар. Шаҳарни мўғуллардан мудофаа қилиш тadbирлари хусусида турли фикрлар билдирилган. Лекин жўялироқ таклиф бўлмагач, Мавлонозода номли Бухоро улугзодаларидан бўлган бир донишманд киши (у камондан яхши ўқ-ёй отар, ўта журъатли ва довиорак эди, слка-бўйнидан қилич осиб олганди) ўрнидан туриб, оҳиста минбарга кўтарилган. Мажлис аҳлига қизғин салом бериб, баланд овозда шундай деган:

"Эй, мусулмонлар жамоаси! Бугун кофирлар устулик қилмоқда. Улар мусулмонларнинг хонумони, хотин, бола-чақаси, номуси, еру молига кўз олайтириб келдилар. Ҳозир амрига мувофиқ иш кўрса бўладиган ҳоким йўқ. Шу қушгача бож-хирож деган ном қўйиб, мусулмонлардан жизя олган ҳоким, уни ўз ҳою ҳаваси йўлида сарфлади, кучли душман пайдо бўлгач, мусулмонларни ташлаб қочди. Энди эса шаҳар аҳолиси ҳар қанча совғалар тортиқ қилмасин, (мўғуллардан) халос бўлолмайди. Қиёмат куни Тангри таоло сизлардан бу воқеаларнинг жавобини сўрайди. Ушанда сизлар нима деб жавоб берасизлар?"

Улуглардан бирортангиз мусулмонларни зулму ситамдан сақлаб қолишни, ислом шаҳрини муҳофаза қилишни ўз зиммангизга оласизми? Токи биз унга эргашиб хизматида бўлайлик!"

Самарқанднинг барча ақобир, ашрофу бузургворлари хомуш тортиб, ҳеч бири жавоб бермади. Шундан кейин Мавлонозода деди: "Сиз уз

зиммангизга олиб, журъат қадамини илгари қўймас экансиз, агар мен ўз зиммамга олсам, мадад бериб, ҳамроҳлик қиласизми ёки йўқми?"

Бари авому хос бу гапни маъқуллаб бирдан ҳайқирди ва уни ўзларига етакчию сардор этдилар. Шундан сўнг Мавлонозода шаҳар мудофаасига тайёрлана бошлади. Шаҳардаги барча дарвозаларни беркитди. Кўчалар, боғлар атрофига говлар қурдирди. Фақат бир кўчани очиқ қолдириб, шу ерда Мавлонозоданинг ўзи беш юз киши билан пистирмада ўтирди. Душманнынг қаровул қисмлари ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмайди деган ўйда, кўнгиллари тўқ ҳолда шаҳарга кириб келганда, Мавлонозоданинг ишораси билан дўмбиралар чалинди. Душманга ҳар томондан ўқ-ёйлар, тошлар ёғдирилди, уларни таёқ билан саваладилар. Натижада мўғулларнинг минг аскарлари мажруҳ бўлди, юзтаси эса қўлга олинди. Эртаси куни ҳам мўғуллар бутун кушларини ишга солиб ҳамла қилсалар, турли ҳарбий ҳийлалар қўлласалар ҳамки шаҳарни эгаллай олмадилар ва Самарқандни босиб ололмасликларини тушундилар. Кейинги кун Самарқанд атрофидаги ерларни таладилар. Бир неча кун ўтгач, уларнинг отлари вабо касалига чалиниб, кўпи ўлди. Аскарларнинг аксари пиёда қолди ва ўз вилоятларига қайтишга азм қилди. Бу хабар Амир Соҳибқиронга етгач, у Аббос Баҳодирга бир неча отлиқ билан сувдан кечиб ўтиб, вилоятга кириш ва ёғийнинг аҳволини ўрганиш ҳамда унга хабар етказишни буюрди. Мавлонозода ҳам айни пайтда аҳволни билиб келиш учун бир неча отлиқни Жайхун соҳилига жўнатган эди. Амир Аббос бу отлиқлардан бирига тўқнаш келди, уни қўлга олиб, Амир Темур олдига келтирди. Ундан бор гапни билиб олдилар ва воқеалар шарҳини мактубга битиб, амир Ҳусайнга жўнатдилар. Амир Темурнинг ўзи ҳам амир Ҳусайн томон йўл олди. Мактуб амир Ҳусайнга етганида, у душманлар мағлуб бўлиб қочганидан қувонди, бироқ самарқандликларнинг жангу жадалга журъат қилганликлари уни хавотирга солди. Икки-уч кундан кейин Амир Темур етиб келди. Сарбадорлар ҳақида фикр алмашдилар ва чораю тадбирлар мўлжалладилар. Охири уларни ҳийла билан қўлга туширишга қарор қилдилар. Шундан сўнг сарбадорларга тинчлик тилаб нома ёздилар, элчилар орқали уларга хилъат, камар, шамширлар жўнатдилар. Элчиларни жўнатгач, амир Ҳусайн самарқандликларнинг хотиржам бўлиши учун Амир Темур ҳам Жайхундан ўтиб, ўша ерда қишлаши лозимлигини маслаҳатдан деб кўрди. Шибарту мавзеида бир неча кун тўйлар бердилар, сўнгра иккиси ҳам у ердан кўчдилар. Амир Ҳусайн қишлаш учун Соли Саройга кетди. Амир Темур эса ўз юртига келди. У ердан кўчиб, Кеш ва Нахшабга йўл олди. Қаршига етгач, қалъа қуришга киришди ва ўша қишнинг ўзидаёқ уни битирди. Сарбадорлар амир Ҳусайннинг совғаларини олиб, яхши ниятда экан, деб қувондилар. Амир Темурнинг Қаршига келганлигини билиб, ҳар бир амирга алоҳида совға-саломлар тайёрлаб, Амир Темур ҳузурига жўнатдилар. Хуллас, сарбадорлар дилида бирор хавф-хатар ҳиссини қолдирмадилар. Шу зайдла қиш ҳам поёнлади.

Ҳофизини Абу амир Ҳусайн қўллаган ҳийла-найранглар хусусида ба-тафсилроқ маълумотлар берган. Чунончи, амир Ҳусайн Балх, Бадахшон, Қундуз, Бағлон, Андхуд ва Шибиргон лашкарини тўплаб, Самарқанд томон юзланган. У сарбадорларга мактуб йўллаб, унда уларга ишонишини, ҳатто ўз амирларидан ҳам яқин тутишини ёзган ва Самарқанд яқинидаги Кониғил мавзеига етгунича унинг ҳузурига келмасликни илтимос қилган. Сарбадорлар унинг тахаллуфини чин билиб, фурсатни қўлдан бой берганлар. Амир Ҳусайн Кониғилга етиб келгач, унга иззат-икром билдириш, тортиқлар

тақдим этиш учун истиқболига чиққанлар ва хизматига шай бўлиб турганлар. Амир Ҳусайн биринчи куни сарбадорларга илтифотлар кўрсатган. Бундан сарбадорлар янада руҳланиб, кўнгилларидан хавф-хатар губори кўтарилиб, эртаси куни кўпроқ совғалар ва камёб моллар билан унинг ҳузурига йўл олганлар. Карбосга етганларида амир Ҳусайннинг буйруғига кўра уларнинг ҳаммаси қўлга олинган... Фақат Мавлонозодани Амир Темур илтимос қилиб, дор тагидан қутқариб олган.

2. Ҳусайн Сўфи — Хоразмнинг волийси; у мансуб бўлган Сўфийлар сулоласи бу вақтда Хоразмда ҳукмронлик қилган. Ҳусайн Сўфи Амир Темурнинг Хоразмга қилган биринчи юриши, яъни 774/1372-1373 йилда вафот этган.

VII

1. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон), 26-оятдан.

2. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон), 26-оятдан.

3. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон), 26-оятдан.

4. Шарафиддин Али Яздийда (варақ 115а) "ўз юрти Хутталонга" дейилган.

5. Яздийда (варақ 116а) амир Ҳусайн Шербаҳромни такаллуф ва марҳаматлар кўрсатиш билан ўз томонига оғдириб олганлиги айтилган.

VIII

1. Ҳофиз Абрунинг "Зубдат ут-таворих..." асарига ёзилишича, бу воқеалар 767/1365-1366 йилда рўй берган.

2. Чағоно (Чағониён) — ҳозирги Сурхондарё вилоятининг қадимги номи.

3. Чакчак — Чакчар тизмасининг жанубий этагида жойлашган мавзе, ҳозирги номи Чакдара (Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани ҳудудида). Шарафиддин Али Яздийда (варақ 116б) ва "Темур тузуклари"да (37-бет) "Чакчек дараси" шаклида келтирилган.

4. Деҳи нав — ҳозирги Қашқадарё вилояти Деҳқонобод яқинидаги мавзе.

5. Танги Ҳарам — Деҳқонобод қишлоғи.

6. Қотилиш (ёки Чакдолик) — қаранг: V, 32-изоҳ, "Чакдолик".

7. Бурдолик — Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. XIV аср 2-ярмида Марв — Қарши қарвон йўлидаги дардан ўтиш жойи асосан шу ерда бўлган. Ҳозирги номи ҳам Бурдолик. Туркменистоннинг Чоржўй вилоятидаги мавзе.

8. Ҳирот малики — ўша йилларда Ҳиротда Курт сулоласининг вакили малик Муиззиддин Ҳусайн (1331-1370) ҳукмронлик қиларди.

9. Қаровнос — Чигатой улусида, унинг шарқий қисмида яшовчилар ўзларини "мўгул" деб, Ғарбий қисмидаги турк-мўгул қабилаларини "Қаровнос" ("чатишган мўгуллар") ва ғарбадилар ўз навбатида шарқий қисмдагиларни "жете" ("қароқчилар"), ўзларини эса фахр билан "чигатойлар" деб аташган.

10. Қарағошун ва Гунбади Лавлий — тахминан ҳозирги Қўшгепа ва Савлигар — Ғузор томонидаги қишлоқлар.

11. Пазди (Фазди) хўҳна — ҳозирги Фазли қишлоғи, Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани.

12. Ширкент — ҳозирги Бешкент аҳоли маскани, Қарши туманининг маркази.

13. Матнда "маст-и хароб" дейилган. Агар "масту хароб" бўлса, ўртада "вов" ҳарфи бўлиши керак эди. Шунинг учун биз матн мазмунига кўра "маст-и хоб" деб ўқидик.

14. Яздий (варақ 119 а) амир Муҳаммад амир Мусонинг ўгли эканлигини маълум қилади.

15. Қизилқоқ — Деҳқонобод тумани ҳудудида жойлашган.

IX

1. Ҳофизии Абруда 768/1366-1367 йил воқеалари деб ёзилган.

2. Кўрданг йўли — Кўрданг-Деҳқонобод туманидаги Кўрдара адирини (дўнглиги). Деҳқонобод қишлоғидан шимоли-шарқда.

3. Шайхӣ олам — бу ерда Шайх Сайфиддин ал-Бохарзий назарда тутилган (576-658/1180-1259) — таниқли шайх, мутасаввуф олим. Хуросоннинг Бохарз шаҳрида туғилиб, Бухорода вафот этган. Унинг исми Абул-Маълий Саид ибн Мутаҳҳир ибн Саид Али ас-Сўфи ал-Бохарзий шаклида ҳам ёзилган. Матнда унинг номи билан аталган мавзе назарда тутилган.

X

1. Амирзода Жаҳонгир — Амир Темурнинг тўнғич ўгли, 1376 йили вафот этган, Кеш шаҳрида дафн этилган.

2. Қўзи Мандоқ — тахминан Қамашини туманидаги Қизил-тепа қишлоғи.

3. Навқат — Кеш ва Насаф йўлидаги қадимий шаҳар.

4. Оби Раҳмат — Сиёб (Сиёҳоб, Қорасув) ариғининг ўнг тармоғи, Самарқанд шаҳрининг шимоли-шарқ қисмида жойлашган Кўҳак (Чўпонота) тепалиғи этагидан оқиб ўтиб, Зарафшон дарёсига қуйилади.

5. Шарафиддин Али Яздий ёзишича (варақ 125а), шамшир Учқаронинг садоқ-ўқдонига теккан ва унинг ҳамма ўқ-ёйи синган.

6. Фаринқанд ва Соғаржи — Сўгднинг қадимий мавзеларидан; XII-XIII аср манбаларида Иштихонга тобе, дейилган. Маҳмуд ибн Вали (XVIII аср) уларни обод шаҳар ва қишлоқлар, деб ёзади; XIX асрда ҳам обод жойлар, деб тилга олинган. Тахминан ҳозирги Самарқанд вилояти Оқдарё тумани ҳудудидаги Янгиҳўрғон қишлоғи атрофлари.

7. Яздий (варақ 125 а) унинг Кешдан қочиб келганлиғи ҳақида маълумот берган.

8. Нахшаб (Насаф) — Қашқадарё вилоятидаги қадимги шаҳар, ҳозирги Қарши шаҳридан тахминан 8 км. шимоли-ғарбда жойлашган, харобалари ҳозирги вақтда Шуулуктепа номи билан маълум. Нахшаб шаҳарнинг қадимий номи, IX-XIII асрлардаги араб манбаларида асосан Насаф деб ёзилган. Нахшаб (Насаф) мўғуллар истилоси даврида хароб этилди ва унинг яқинида Қарши шаҳри барпо бўлди.

9. Яздийда (варақ 126а): "Кеш ва ул ноҳиялардан йиққан лашкарини тарқатиб юборди".

10. Яздий Амир Темурга олти юз киши ҳамроҳлик қилганини ёзган (варақ 126а).

XII

1. Бошқа нухада 769/1367-1368 йил воқеалари баёнида, деб ёзилган.
2. Солорбулоқ — тахминан ҳозирги Самарқанд вилоятида, Ургут томонидаги Бешбулоқ қишлоғи.
3. Яздийда айтилишича (варақ 1266), Шайх Муҳаммад Баён Сулдузнинг ўғли бўлган.
4. Яздий (варақ 1266)да: Улжойту Апарди.
5. Сўзангарон — Самарқанд атрофидаги мавзелардан бири.
6. Работи Малик — Жиззах вилояти Зомин туманидаги Равот қишлоғи.
7. Еттиқудуқ йўли — тахминан ҳозирги Тошкент-Жиззах автомобиль йўли (шимолий йўл)га тўғри келади.
8. Дизак (Дизақ) — ҳозирги Жиззах шаҳри.
9. Яздийда (варақ 1266) Харман жой номи эмас, балки амир номи эканлиги ва амир Харман минг киши билан Дизақ мавзеида Еттиқудуқ йўлини муҳофаза қилгани ҳақида ёзилган.
10. Хавос — ҳозирги Сирдарё вилоятидаги Ховос мавзеи.
11. Яздий ёзишича (варақ 1276), Сайхун дарёсидан кечиб ўтгач, Хумракка бориб тушган.
12. Хумрак — Оҳангарон дарёси соҳилидаги, унинг Сирдарёга қуйилиши қисмидаги мавзе, ҳозир сақланмаган.

XIII

1. Оққўтал — тахминан ҳозирги Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Оқтош қишлоғи.
2. Порсин — Оҳангарон дарёси қуйилишидан жануброқда жойлашган Сирдарё яқинидаги мавзе.
3. Сайром — Ўрта Осиёдаги қадимий шаҳар. Ҳозирги Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидаги Сайром қишлоғи яқинида бўлган; Чимкент шаҳридан 12 км. шарқда. Қадимги номи Испижоб.
4. Чимиканд — ҳозирги Чимкент шаҳри, Қозоғистоннинг Чимкент вилояти маркази.
5. Ўтроп — Арис дарёсининг чап соҳилида, Арис Сирдарёга қуйиладиган мавзеда жойлашган шаҳар. 1405 йилнинг 18 феввалида Хитойга юриш бошлаган Амир Темур шу жойда вафот этган.
6. Қуръони карим, 4-сура (Нисо сураси), 127-оятдан.
7. Шодмон — Самарқанднинг ғарбида жойлашган мавзе.
8. "Вақт кескир қилич кабидир", деган араб мақолига ишора қилинган.
9. Қундуз — Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган шаҳар, маъмурий-сиёсий марказ, ҳозир ҳам шу номда.
10. Ишкмиш — Қундуздан 90 км. жануби-шарқдаги мавзе, ҳозир ҳам шу номда.

XIV

1. Шарафиддин Али Яздий (варақ 131а) улар Балхда Ҳиндувон қалъасини қуриш ва унинг атрофига хандақ қаздириш учун шаҳар

аҳолиси ва лашкарини сафарбар қилганлари ва бу воқеа 769/1367-1368 йилда бўлгани ҳақида хабар берган.

XV

1. Кешм — Бадахшон вилоятидаги қадимги шаҳар, Кўкча дарёсининг (Панж дарёсининг сўл irmoғи) юқори ҳавзасида.

2. Каркас кўтали — Кўкча дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғ довони.

3. Журмун кўтали — Кўкча дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғ довони.

4. Журмун суви — Ҳозирги Журм дарёси, Кўкча дарёсининг асосий irmoқларидан бири.

5. Вовлум — биз фойдаланган адабиёт (лугат)лардан топмадик. Яздийда (варақ 1316) "гузар" — кечиклар дейилган. Шунга кўра "ўтиш жойлар" маъносидagi сўз бўлса керак.

6. Кунқор ўланг — Кўкча дарёси ҳавзасидан жануби-шарқдаги тоғлар.

XVI

1. Бошқа нусхада Амир Соҳибқиронга бир мактуб йўллагани ва у мактуб амир Ҳусайн қўлига тушиб қолгани ҳақида хабар берилади.

2. Олой — ҳозирги Олой тоғлари.

XVII

1. Бошқа нусхада 771/1369-1370 йил воқеалари, деб кўрсатилган.

2. Қуръони карим, 13-сура (Раъд сураси), 11-оятдан.

3. Жоми жаҳоннамо — жаҳонни кўрсатувчи жом.

4. Амир Мусо аввалига амир Ҳусайн билан иттифоқдош эди. Аммо Ҳофиз Абруда ёзилишича, бир воқеа сабаб бўлиб, амир Мусонинг кўнгли амир Ҳусайндан совиган. Шу ўртада амир Ҳусайн Амир Соҳибқиронни заифлаштирмоқчи бўлиб, бир қанча тadbирларни амалга оширишни мўлжаллаган. Бундан хабар топган Амир Темур амир Мусо билан машварат қилган.

5. Саййид Барака (вафоти 1404 йил) — Термиз саййидларидан, Амир Темурнинг учта пиридан бири.

Ҳофиз Абру берган маълумотга кўра, аввал Саййид Барака амир Ҳусайн олдига бориб, икки муқаддас шаҳар бўлмиш Маккайи мукаррама ва Мадинаи мунавваранинг вақфи учун маблағ ажратишни сўраган. Амир Ҳусайн вақф маблағининг кўпчилигини эшитиб, унинг илтимосини рад этган ва унга саййидларга муносиб илтифот кўрсатмаган. Саййид Барака унинг бу ҳаракатидан ранжиб, кетишга ижозат беришни талаб қилган ва бориб Амир Соҳибқиронга қўшилган. Унинг ҳузурига етгач, пайгамбарлар ва халифалар руҳига илтижо қилиб, Амир Соҳибқиронга мадад беришларини сўраган. Амир Темур унинг дами ва қадамини қутли билиб, унга икки муқаддас шаҳар (ҳарамайн) вақфи учун маблағ ажратишларини тайинлаган. Саййид Баракага олам аҳлига бўлгудек иззат-икромлар кўрсатган.

6. Чағон (Чағониён) — Чағониён вилоятининг маркази; унинг ўрни ҳақида фанда икки хил фикр мавжуд: 1) ҳозирги Денов шаҳри яқинида; 2) Сангардак дарёсининг Сурхон дарёсига қўшилишидаги жойда.

XVIII

1. Бошқа нусхада Суяргатмишхон ибн Донишмандча ибн Ҳинду ибн Бурхон ибн Малик ибн Ҳуктойхон. 1388 йилда вафот этган.
2. Бу ерда Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 246-оят устида гап бормоқда.
3. Ҳурпўз мавзеи — Балх яқинида жойлашган. Яздийда (варақ 137а) "Дарайи Гез суви соҳилида, Ҳурпўз қалъаси яқинида" деб ёзилган.
4. "Балх" сўзи бошқа нусхадан олинди.
5. Умаршайх баҳодир — Амир Темурнинг иккинчи ўгли; 1394 йили ҳалок бўлган.

XIX

1. Амир Ҳусайн 1360 йили Хутталон ҳокими Кайқубодни қатл эттирганди. Кайқубод эса, Кайхисравнинг иниси эди. Шунинг учун амир Ҳусайн асир этилгач, Кайхисрав ўз инисининг хунини талаб қилган. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си (варақ 138б, 139а)да бу воқеа батафсилроқ ёритилган. Чунончи, амир Ҳусайнни қўли боғланган ҳолда Амир Темур ҳузурига келтирилганларида, Амир Соҳибқирон ўз амирларига юзланиб, унинг қонидан кечганлигини эълон қилган. Амир Ҳусайнни мажлисдан олиб чиққанларида, Кайхисрав Хутталоний Амир Темурдан илтимос қилиб: "У менинг биродарим Кайқубодни ўлдирган, уни менга топширинг, токи шариат ҳукмига кўра қасос олай", дейди. Амир Соҳибқирон уни юнатиб: "...унинг қонидан кечтил ва сенга ёмонлик қилган кишини замона ҳукмига топшир", дейди. Шу аснода Амир Соҳибқироннинг хотирига бир вақтлар амир Ҳусайн билан суҳбатдош ва яқин бўлганликлари, унинг синглиси Ўлжой Туркон оғонинг ўз никоҳида бўлган вақтдаги ҳаёти келиб, ҳам-андуҳга ботди ва кўзларидан ёш қуйилиб келди. Бу ҳолатни кузатиб турган тажрибали амир Улжойту ташвишга тушиб ўйлашиб қолди: "Амир Соҳибқироннинг аҳволи шу бўладиган бўлса, амир Ҳусайн яна жонини омон сақлаб қолади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки фурсат қўлдаи кетгач, надомат бармоғини тишлаш бефойда. Илон харсанг устида-ю, қўлда тош бўлган бир вақтда, уни ўлдирмаслик афсусу пушаймонлик келтиради". Сўнг у амир Кайхисрав ва амир Муайядга яширин имо-ишора қилди ва улар Амир Соҳибқирон мажлисидан чиқдилар. Амир Соҳибқирондан рухсат олмасдан отланиб, амир Ҳусайн олдига шошилдилар. Етиб боргач, амир Ҳусайннинг жонини танидан жудо қилдилар ва ўз жонларини дунман хавф-хатаридан халос этдилар. Амир Ҳусайнни Хожа Аккоша тумбазига дафн қилдилар. Сўнг зафарнишон лашкар Ҳиндувон қалъасини эгаллади. Амир Ҳусайннинг икки ўгли: Саййид ва Наврўз Султонни отасининг қилмишлари учун ҳалок этдилар. Унинг икки бошқа ўгли Жаҳон Малик ва Халил Султон қочиб Ҳиндистонга боргач, у ерда ном-нишонсиз йўқолдилар, Амир Ҳусайн тахтга ўтказган хонни ҳам қиличдан ўтказдилар. Ўт кетгач, ҳўлу қуруқ баробар ёнди. Амир Ҳусайннинг хотинлари ва унга тааллуқли кишилари ҳирс ва бахиллик билан йиғилган бутун мол-мулк билан бирга Амир Соҳибқирон ҳузурига келтирдилар. Ҳазрати Соҳибқирон амир Ҳусайннинг хотинларидан Қазон Султонхоннинг қизи Сарой Мулк хонимни, Баён Сулдузнинг қизи — Улус оғони, Хизр Яссурийнинг қизи — Ислон оғони ҳамда Тағо Туркон хотунни танилаб олди. Амир Ҳусайн ҳарамидagi бошқа хотинлар — ҳарамнинг улуг бекаси, Гармаширихоннинг қизи Суяунч Қутлуғ оғони Баҳром Жалойирга берди, Дилшод оғони — Зиндачашмага,

Кайқубод Хутталонийнинг қизи Одил Мулкни — амир Чокуга, амир Ҳусайннинг қизини эса Элчи Бугога тақдим қилди. Шу қабилда бошқа хотинларни ҳам амирларига топширди. Сўнгра Амир Темур фармон бердики, унга кўра амир Ҳусайн билан қалъада бўлган шаҳар аҳолиси яна эски Балх шаҳрига қайтишлари, у ерда уйлар қуриб, уни ватан қилишлари лозим эди. Қалъа талон-торож қилиниб, айрон этилган эди. Балх фатҳ этилгач, у ерда тўпланган Чигатой улусидан бўлмиш барча амирлар ва нўёнлар: амир Шайх Муҳаммад Сулдуз, амир Кайхисрав Хутталоний, Амир Улжойту Апарди, амир Довуд Дуглот, амир Сори Буго, амир Чоку Барлос, амир Муайяд Арлот, Бадахшон волийси Шоҳ Шайх Муҳаммад, Ҳусайн баҳодир ва бошқалар Амир Соҳибқирон фармонларига итоат этишларини изҳор қилганлар.

2. Асарнинг 55-бетида (Тауэр нашри) амир Ҳусайн подшоҳ Одилхонни салтанат тахтига ўтказганлиги қайд этилган эди.

3. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон сураси), 140-оятдан.

4. Қуръони карим, 24-сура (Қамар сураси), 39-оятдан.

5. Қуръони карим, 54-сура (Қамар сураси), 20-оят.

6. Алп-Арслон — Салжуқий султонларидан бири, 1063-1072 йилларда ҳукмронлик қилган.

7. Қуръони карим, 38-сура (Сод сураси), 25-оятдан.

8. Қуръони карим, 21-сура (Анбиё сураси), 23-оятдан.

9. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон сураси), 26-оятдан.

10. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон сураси), 26-оят.

11. Бошқа нусхада: "Омуя суви".

XX

1. Ҳофиз Абруда 722/1370-1371 йил воқеалари, деб ёзилган.

2. Яздий (варақ 142а)да: "Қазохож амир Ҳусайннинг биродари" дейилган.

3. Тир ойн — Эронда жорий қуёш йили ҳисобига кўра йилнинг тўртинчи ойи — милодий йил ҳисобига биноан 21-22 июндан 21-22 июлгача давом этади; бу ерда 1371 йилнинг июн-июл ойлари назарда тутилган.

4. Хожа Юсуф — Ҳофиз Аbru берган маълумотга кўра, у Улжойтунинг ўғли эди.

5. Яздий ёзишча (варақ 143а), Амир Соҳибқирон ҳам Шибиргонга борган.

6. Ҳофиз Абруда шу гапдан кейин қуйидаги сарлаҳқа қўйилган: "773/1371-1372 йил воқеалари — Зиндачанининг Термиз хонзодаси билан иттифоқ тузиб, иккинчи марта Амир Соҳибқиронга қарши бош кўтариши баёнида".

7. Ҳофиз Аbru ёзишча, Зиндачанининг Шибиргондан тўшлаган лашкари талон-торож қилиш учун атрофга тарқалиб кетган эди.

8. Қуръони карим, 6-сура (Алғом сураси), 28-29-оятдан, матида мазкур оятнинг Низомиддин Шомийнинг ўзи келтирган шарҳи ҳам ёзилган.

9. Араб тили грамматикасига биноан "куфр" бирлик, "куфрон" эса иккиликни билдиради.

10. Мўгул вилояти — қаранг: "Мўгулистон" II, 87-изоҳ.

11. Шарафиддин Али Яздий берган маълумотга мувофиқ (варақ 145б), улар Амир Темурга суиқасд уюштиришга аҳд қилганлар. Уларнинг режасига кўра Амир Соҳибқирон Қарисмон манзисада ов билан машгул бўлган пайтда уни қўлга туширмоқчи бўлганлар.

XXI

1. Хоразм шаҳри — ҳозирги Кўҳна Урганч.
2. Қуръони карим, 4-сура (Нисо сураси), 58-оятдан.
3. Бу ерда гап номигагина хон этиб тайинланган Чигатой авлодидан бўлган Суюргатмишхон (1370-1388) ҳақида боради.
4. Кот (Кат) — Амударёнинг ўнг соҳилидаги шаҳар, Хоразмнинг қадимги пойтахти, ҳозирги номи Беруний шаҳри, Қорақалпоғистондаги Беруний туманининг маркази.
5. Бу ерда Амир Темури "подшоҳ" деганда Чигатойхон авлодидан бўлган Суюргатмишхонни назарда тутмоқда. Чингизхон ўз империясини ўғилларига тақсимлаб берган вақтда Хоразмдаги Хивақ ва Кот шаҳарлари Чигатойхон авлодига тақдим этилган эди. Шунинг учун Амир Темури бу ерларни Суюргатмишхонга топширишни талаб қилган.

XXII

1. Бошқа нусхада: 774/1372-1373 йил воқеалари, деб кўрсатилган. Яздийда: (варақ 1466) 773/1371-1372 йил, аниқроғи 1372 йил баҳорида бўлган.
2. Сепоя — Чоржўй билан Дархонота оралиғида жойлашган мавзе. Яздий ёзилишича (варақ 147а), лашкар Бухородан ўтиб, Сепоя мавзеида Жайхун сувига етган.
3. Курлон /Гурлон/ — Амударёнинг Кўҳна Урганч томон оққан асосий ирмоғи.
4. Жўйи Қовун — Яздий ёзилишича (варақ 148а), Хоразмдан икки фарсах масофада жойлашган эди.
5. Ҳофизи Абру бу воқеаларни батафсилроқ ёритар экан, Ҳусайн Сўфи жангда мағлуб бўлиб Хоразмга қайтиб киргач, гам-андуҳнинг зўридан ўлим тўшагига ётиб қолгани ва икки-уч кундан кейин оламдан ўтгани ҳақида хабар беради.
6. Юсуф Сўфи — Ҳусайн Сўфининг укаси. 1373-1380 йилларда ҳукмронлик қилган.
7. Оқ Сўфи — Хоразм ҳокимлари Ҳусайн ва Юсуф Сўфиларнинг биродари.
8. Ўзбекхон — Олтин Ўрда хони (712-741/1312-1340).
9. Хонзода (хон қизи) — Оқ Сўфининг қизи. Исми Севинбек бўлган. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий берган маълумотлар диққатга сазовордир: "Оқ Сўфи ва Ўзбекхоннинг қизи Ширинбекдан Севинбек исмли қиз туғилган ва у кўпроқ Хонзода номи билан машҳур бўлган" (варақ 148б). Севинбекни амирзода Жаҳонгирга никоҳлаб берганлар. 1376 йилда амирзода Жаҳонгир ўлгандан кейин Хонзода Амир Темурнинг бошқа ўғли амирзода Мироншоҳ никоҳига кирган.
10. Ўша даврда Чингизхон авлодлари билан қариндошликда бўлиш катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Шу сабабли ҳукуматни эгаллаган амирлар ўзлари ва ўғилларини хонлар қизлари билан ақди никоҳ қилишга интилардилар. Бу билан улар "кўрагон" (мўғулча "гўрагон" — "хон кўёви") фахрли лақабига эришардилар.

XXIII

1. Ҳофизи Абруда 775/1373-1374 йил воқеалари баёнида, дейилган.

1. Қамариддин — Яздийда: "дуғлот аймағидан" (варақ 1516); Мўғулистон амирларидан бири, 1368-1389 йилларда ҳукмронлик қилган.

2. Бу ерда Дилшод ого назарда тutilган.

3. Ҳофиз Абруда ёзилишича, Буён ого Шамсиддиннинг хотини бўлган.

4. Дилшод ого — Шомийнинг "Зафарномаси"дан амир Шамсиддин қизи эканлиги англашилади. Лекин баъзи адабиётда амир Қамариддиннинг қизи эканлиги айtilган. 1376 йилда Амир Темур никоҳига кирган ва 1383 йили вафот этган.

5. **Отбоши** — Амир Темур ва унинг авлодлари тарихига бағишланган асарларда Норин дарёсининг жанубий ирмоғи ва бу ирмоқ соҳилида жойлашган водий шу ном билан аталган. Ери жуда ҳосилдор бўлгани туфайли мўғул хонларининг асосий ёзги манзилгоҳ (яйлоқ)ларидан бири бўлган. "Тарихи Рашидий" асарида ёзилишича, Отбоши "Қошғардан етти кунлик масофада жойлашган эди". В.В. Бартольд тахминича, Отбоши шу номли дарёнинг соҳилида жойлашган бўлиб, ҳозир у ерда Қушой-Қўрғон харобалари мавжуд.

6. Ҳофиз Абрӯ ёзишича, Одилшоҳ суиқасд ниятида Амир Соҳибқиронни даъват қилиб, ўз саройига олиб келган. Бундан аввалроқ эса Шайх Муҳаммад Баён ва амир Туркан Арлот билан келишиб олиб, тўй вақтида Амир Соҳибқироннинг жонига қасд қилмоқчи бўлган.

7. Яздий ёзишича, Амир Соҳибқирон бу воқеалар гирдобидан омон қутулиб чиқиб, қишни Қаршидан икки манзил масофада жойлашган Занжирсаройнинг гарбий томонида ўтказган. Шу ерда Одилшоҳ қилмишларига пушаймон бўлиб, бош эгиб келган (варақ 153а).

8. **Кисро** — бу ерда Сосонийлар сулоласига мансуб Эрон подшоҳи Хусрави Парвиз I (531-579) назарда тutilган. Ўтмиш адабиётда Ануширвони Одил номи билан машҳур бўлган.

9. Бузуржмехр — Хусрави Парвизнинг вазири бўлган.

1. Шарафиддин Али Яздий ёзишича, жалойир ва қипчоқ элини тўплаганлар (варақ 154б).

2. Шарафиддин Али Яздий Дашти Қипчоққа кетганлар, деб хабар беради (варақ 154б)

3. Низомиддин Шомий бундан кейин рўй берган бир неча воқеани баён этмаган. Воқеалар мантқиқий изчиллигини сақлаб қолиш учун бошқа асарларга мурожаат қилайлик. Чунончи, Ҳофиз Абрӯ асарида ёзилишича, бу вақтда Амир Соҳибқирон Самарқандга қайтган ва жанглар натижасида хароб бўлган ерларни тиклаган. Самарқанд шаҳри аҳлидан хосу омга илтифотлар билдирган. Шундан кейин ўгли Умаршайхни Ўзганд томонга юборган. Худди шу пайтда Амир Соҳибқирон Хуросонга Малик Гиёсиддин (1370-1389) ҳузурига элчи юбориб, қадимдан мавжуд дўстликни тиклаб "ўртада пайдо бўлган бегоналикни бирдамликка айлантиришни" таклиф қилган. Малик Гиёсиддин шу куннинг талабига мувофиқ жавоб йўллаб, унда Амир Соҳибқирон уни мулозимларидан бири деб ҳисобласа ва ўгли Пир Муҳаммадни ўз хизматкори ва гуломи сифатида қабул қилса, фахрланиши ҳақида ёзган. 779/1377-1378 йили маликзода Пир Муҳаммад Хуросоннинг кўплаб ақобиру ашрофи ҳамроҳлигида зўр дабдаба билан Самарқандга келган. Амир Соҳибқирон

синглиси Ширинбек оғонинг қизи Севинч Қутлуғ оғони унинг никоҳига киритган.

XXVI

1. Қазоқ — бу ерда кўчманчи маъносиди.
2. Қуръони карим, 2-сура (Баҳара сураси), 249-оятдан.
3. Саййид Бурҳониддин Қилич — Ўрта Осиёнинг йирик шайхларидан, асли Фарғона водийсининг Ўзганд мавзеидан; Қорахонийлар сулоласидан бўлган Бугрохон Абд Али ал-Ҳасан ибн Сулаймон (451-467/1059-1075 йиллари ҳукмронлик қилган)нинг замондоши бўлган. Фақат Фарғонада эмас, балки Кошғар, Самарқанд ва Бадахшонда ҳам машҳур бўлган.
4. Шарафиддин Али Яздий (шарақ 1556)да келтирилишича, Амир Соҳибқирон юриш олдидан ўгли амирзода Жаҳонгирни бемор ҳолда Самарқандда қолдириб кетган экан.
5. Яздий (варақ 156а)да: Самарқандга қайта бошлади.
6. Қуръони карим, 16-сура (Наҳл сураси), 127-оятдан.
7. Қуръони карим, 2-сура (Баҳара сураси), 156-оятдан.
8. Ҳофиз Аbru ёзишича, Амир Темур ўгли Жаҳонгирнинг жасадини Шаҳрисабзга келтириб дафн эттирган. У кўмилган ер Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат обидаларидан бири ва мақбараси Ҳазрати Имом номи билан машҳур.

XXVII

1. Соврон (Саброн, Соурон) — Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, аниқроғи, Туркистоннинг шимолий қисмида жойлашган шаҳар.
2. Ҳофиз Аbru берган маълумотга кўра, бу ерда юқорида зикр этилган Эдигуй барлос эмас, балки Дашти Қипчоқ подшоҳларидан қочиб келган Эдигуй Манқут назарда тутилган.

XXVIII

1. Сигноқ — Сирдарёнинг ўрта оқимида, ҳозирги вақтда Туманариқ почта бекатидан 18 км. жануби-шарқда жойлашган мавзе.
2. "... ўқ оёқдан ўтиб отга санчилди" — бу жумла Ҳофиз Абрудан олинди.
3. Ҳофиз Аbru ёзишича, Амир Соҳибқирон Тўқтамишга от тақдим қилган чоғида шундай деган: "Бу отни авайлаб сақлагин. Кунни келиб яраб қолади".

XXIX

1. Ҳофиз Абруда: "781/1379-1380 йил воқеалари ва ҳодисалари: Амир Соҳибқироннинг гўртинчи марта Хоразмга лапқар тортиб бориши баёнида", деб ёзилган.
2. Яздий ёзишича, мулозимлар қовунни ёғоч табоқда юборишни таклиф қилганлар, Амир Темур буни рад этиб, олтин табоқда юборишни буюрган.
3. Ҳофиз Аbru ёзишича, Юсуф Сўфи ҳижрий 781 йил ражаб ойининг ўртаси (милодий 1379 йил ноябр ойининг охири)да вафот этган.

XXX

1. Амироншоҳ (Мироншоҳ) — Амир Темурнинг 1366 йилда туғилган учинчи ўғли: Озарбайжон ва Ироқда ҳукмронлик қилган. 1408 йилда ўлдирилган.
2. Пушанг (Фушанж) — Ҳирот яқинидаги мавзелардан бири.
3. Асар матнида Амир Темурнинг қариндошлари аксар ҳолда "биродар" шаклида ҳам келтирилган.

XXXI

1. Абу Муслим Марвазий — Абу Муслим Абдурраҳмон ибн Асад Марвазий (727-755) Ўрта Осиё ва Хуросонда уммавийлар халифалиги (661-750) зулмига қарши кўтарилган кўзғолон (744-750) раҳбари, Аббосийлар халифалигида бош кўмондон ва уларнинг Хуросондаги номи. У 755 йили иккинчи аббосий халифа ал-Мансур (754-775) буйруғи билан қатл этилган.
2. Али Муайяд Сабзаворий — Амир Темурга бўйсунган Сабзавор сарбадорларининг охириги ҳукмдори. 1364-1381 йиллар ҳукмронлик қилган.
3. Исфаройин — Эроннинг шимоли-шарқда жойлашган шаҳарлардан бирининг ўрта асрлардаги номи.
4. Амир Вали — 1353-1384 йилларда Ҳулағуийлар ҳукмронлиги тугагач, Мозандарон ва Хуросоннинг бир қисмида ҳукмдорлик қилган ҳоким. (1337-1410 йилларда Астробод, Домғон, Бистом, Симнонда ҳукмронлик қилган Тоға Тимурлилар сулоласининг вакили. Ушбу подшоҳлик маркази Гўргон бўлган.)
5. Бу ерда Амир Соҳибқироннинг Оғобеги (Ўғибеги) исми қизи назарда тутилган. У 784/1382 йилда вафот этган. Унинг Султон Ҳусайн исми ўғли бўлган. Оғобеги Шаҳрисабзда дафн этилган.
6. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 156-оятдан. "Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз".
7. Ҳофиз Абрү берган маълумотга кўра, бу хабарни Сабзаворнинг ўша вақтдаги ҳокими Хожа Али Муайяд бир навқари орқали йўллаган.
8. Яъни 784/1382 йил қиш фаслида.
9. Калот — Эроннинг Тус шаҳридан шимолроқда тоғли мавзеда жойлашган қалъа.
10. Қуръони карим, 48-сура (Фатҳ сураси), 10-оятдан.
11. Куҳистон — Афғонистоннинг шимолидаги тоғли ўлка.
12. Ҳофиз Абрү ёзишча, қалъанинг девори бир неча еридан олдиндан қавланганлиги боис пойдеворнинг қарийб ўттиз гази ўпирилиб тушган. Қалъадагилар уни бир кечада қўлдан келганча тузатиб, бошқа деворлардан фарқ қилмаслиги учун устига наमतлар осиб қўйганлар. Тонгда жанг қилганларида Амир Соҳибқирон буни кузатиб, уларнинг олдига Малик Гийсиддинни юборган ва бориб ҳамюртларига беҳуда қон тўкишни тўхтатишларини ва қалъадан чиқиб таслим бўлишларини насиҳат қилишни топширган.
13. Ҳофиз Абрүда: Туркистондан Кошғаргача ҳар бир мустақкам қалъага улардан бирини кутвол этиб тайинлади. У ернинг барча ҳосилотини уларга суюрғол тариқасида тақдим этди.
14. Шоҳ Шужоъ (Абу-л-Фаворис) — Жамолиддин ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар, Кермон ва Исфаҳонда ҳукмронлик қилган. 1364 йилда

вафот этган. (1294-1393 йилларда Форс ва Кермонда ҳукмронлик қилган музаффарийлар сулоласининг вакили, пойтахти Шероз шаҳри бўлган.)

15. Қизни амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир учун сўраттирган эди. (Ҳофизи Аbru.)

XXXII

1. Родкон — ҳозир Манҷад шаҳридан шимоли-ғарбга борадиган катта йўл яқинидаги шаҳарча.

2. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 156-оятдан.

3. Мурғоб — дарё, Афғонистон ва Туркменистон ҳудудида; Банди Туркистон, Сафид Кух, Паропамиз тоғларидан сув олиб, Қорақум чўлида тугайди.

4. Исфизор — Афғонистоннинг Ҳирот вилоятидаги ўрта аср шаҳри. Яздий "Зафарнома"си (1105-бет) да Исфизор ўрнида Сабзавор, амир Шайх ўрнида амир Шайх Сабзаворий.

XXXIII

1. Матнда "даклайи яктойи".

2. Буст — Афғонистоннинг жанубидаги шаҳар. Ҳилманд дарёсининг ўрта ҳавзасида жойлашган.

3. Гармсир — Ҳилманд дарёсининг қуйи ҳавзасидаги чўл. Ашкинак ва Чорбурчак аҳоли пунктлари атрофи.

4. Киж — Эроннинг жануби-шарқида жойлашган шаҳар.

5. Макрон — Эроннинг жануби-шарқида ва ҳозирги Покистоннинг унга ёндош қисмларида жойлашган вилоят. Макроннинг ўрта асрлардаги чегарасини XIII аср географи Ёқут Ҳамавий жуда аниқ ифодалаган: "Бу вилоят ғарбдан Кермон, шимолдан Сижистон (Сеистон), жанубдан денгиз (Арабистон денгизи) ва шимолдан Ҳинд орасида жойлашган".

6. Ҳирмон суви — Афғонистоннинг жанубидаги Ҳирманд (Гильменд) дарёси.

7. Қандаҳор — Афғонистоннинг жанубидаги шаҳар.

XXXIV

1. Астробод — ўрта асрларда Каспий денгизининг жануби-шарқий томонида, Деҳистон билан Мозандарон оралигида жойлашган катта бир шаҳар бўлган. Ҳозир Эроннинг шимолида жойлашган кичик бир шаҳар бўлиб, Гургон деб аталади.

2. Бу ерда шаҳзода, деб ёзилганда Шероз ҳукмдори Шоҳ Шужоънинг қизи назарда тутилган. Уни амирзода Пир Муҳаммад учун келтирганлар.

3. Билқиси Суғро — ривоятларга кўра, Билқис қадимда Месопотамиядаги Сабо мамлакатининг подшоси бўлган аёлнинг исми. У Сулаймон ҳукмронлиги даврида яшаган. Қуръонда келтирилишича, подшоҳ Сулаймонда малика Билқисни кўрмоқ иштиёқи туғилади ва уни келтириб, қуёшга топинмоқдан қайтаради ва қалбига ягона Аллоҳ эътиқодини киритади. Бошқа бир ривоятда эса, Сулаймон малика Билқисга уйлан-

ган, дейилган. "Сугро" кичик маъносиди. Кичик Билқис — малихаларга нисбатан берилган сифатлардан бири.

4. Вонуи Кубро — катта ойим.

5. Бовард — Хуросоннинг ўрта асрлардаги йирик шаҳарларидан бири. Кўпроқ Абивард шаклида машҳур бўлган, Нисо ва Марв оралигида жойлашган эди.

6. Нисо — ҳозирги Ашгабад шаҳри яқинидаги ўрта аср шаҳри, харобалари сақланиб қолган.

7. Говкураш — Нисо шаҳридан шимоли-ғарб томон кетаверишда йўлдаги аҳоли пункти.

8. Дурун — ҳозирги Ашгабад-Красноводск йўналишида жойлашган аҳоли пункти. Ашгабад-Қизил-Арвот оралигида, Боҳарден темир йўл станцияси яқинида.

9. Журжон суви — Эроннинг шимоли-шарқидидаги Гўргон (Журжон) дарёси.

10. Рай — Эроннинг қадимий шаҳарларидан бири, 1220 йилда мўғуллар истилоси вақтида буткул хароб этилган; ҳозир Теҳрон яқинидаги ўртача шаҳар, ислом маърифати марказларидан ҳисобланади.

11. Ҳофизӣ Абрӯ ёзишича, 787/1385-1386 йил хусусида гап бормоқда.

12. Султония — XIV асрда Эронда ҳукмронлик қилган Ҳулогуйлар сулоласидан бўлмиш мўғул султонларининг пойтахти ҳисобланган. Шаҳар қурилиши элхоний султон Арғун (1284-1291) даврида бошланиб, Ўлжойту (1304-1316) ҳукмронлиги вақтида яқунланган. XIV асрда шаҳарнинг аҳамияти кучайган. Чунки Султония бешта муҳим қарвон йўллари туташган ерда жойлашган эди. Ҳозир Эроннинг шимоли-ғарбида Занжон ва Қазвин шаҳарлари оралигидаги шаҳар. Мирзо Улуғбек 1394 йилда шу шаҳарда тутилган.

13. Чолус — Эроннинг Каспий денгизи соҳилидаги шаҳар.

14. Омул — Эроннинг Каспий денгизи яқинидаги кичик вилоят маркази.

15. Сорӣ — Эрондаги Мозандарон вилоят (остони)ининг маркази.

16. Яъни танга зарб қилиниб, унинг айланасига Соҳибқирон номи ёзилди. Масжид минбаридан эса Амир Темур номига хутба ўқидилар, маъносиди.

17. Яъни 787/1385-1386 йилда.

18. Қуръони карим, 35-сура (Фотир сураси), 30-оятдан.

XXXV

1. Кичик Лур — Исфаҳон ва Хузистон ўртасида бўлиб, кенг тоғлиқ ерлардан иборат.

2. Ферузкўҳ — Эрондаги Мозандарон остони чегарасида, Дамованд тоғига яқин жойлашган аҳоли пункти.

3. Бўружард — Эроннинг ғарбида жойлашган Луристон вилоятидаги шаҳар.

4. Хуррамобод — Эроннинг Луристон вилояти маркази.

5. Султон Аҳмад ибн Шайх Увайс Жалойирӣ — 1382-1410 йилларда Озарбайжон ва Ироқда ҳукмдорлик қилган. Амир Темур Бағдодни забт этгач, (1393 йили) Султон Аҳмад Мисрга мамлук султони Барқуқ (1382-1399) ҳузурига қочган. Шундан сўнг у ўз ерларини гоҳида забт этиб, гоҳида қўлдан чиқарган. 1394 йили Амир Темур иккинчи

маротаба Бағдодни эгаллаганда у яна қочган. Бироқ Шом (Сурия)да ҳибсга олиниб, 1405 йили Амир Тсмур ўлиmidан кейингина озод этилган. 1406 йили қайтадан Бағдодда ҳукм юритаётган пайтда туркман Қора Юсуф билан унинг орасида низо чиқиб, кейинроқ урушга айланган. Натижада, 1410 йилда Табриз остонасидаги жангда ҳалок бўлган.

6. Табриз — Эрондаги қадимий шаҳарлардан бири; XIII-XV асрларда Султония шаҳри билан бир қаторда Хулогуйларнинг марказий шаҳарларидан бўлган. Ҳозир Шарқий Озарбайжон остонининг маркази, темир йўл ва автомобиль йўллари чорраҳасида.

7. Бу ерда 1386 йилнинг июн-июл ойларида бўлган воқеалар кўзда тутилмоқда.

8. Нахчивон йўли — бу ерда Нахчивон ва Армалистоннинг жанубидан ўтиб Жавахетия тизмаси орқали Тифлис (Тбилиси)га борган йўл назарда тутилган.

9. Элбрус тоғи — катта Кавказ тизмасининг Элбрус чўққиси яқинидаги жанубий қисми.

10. Кур дарёси — ҳозирги Кура дарёси, Озарбайжонда.

11. Қорабақ — Тоғли Қорабоғ ўлкаси.

12. Қуръони карим, 30-сура (Рум сураси), 30-оятдан.

13. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон сураси), 110-оятдан.

14. Қуръони карим, 49-сура (Хужурот сураси), 10-оятдан.

15. Ширвон — Озарбайжондаги тарихий вилоят. Кура дарёсининг қуйи ҳавзасида. Уни Ануширвон бунёд қилганлиги ривояти боис шу ном билан аталган.

16. Шобирон ва Шамохий — ҳозирги Озарбайжоннинг Шемаха шаҳри атрофлари.

17. Гилон (Жилон) — Каспий денгизининг жанубидаги вилоят; ипак матолари билан машҳур бўлган.

18. Ардабил — Эроннинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар, ҳозир ҳам шу номда.

19. Дарбанд — Каспий денгизининг чап соҳилидаги тарихий шаҳар, асрлар давомида у ерда жойлашган мустақкам мудоффа ишшоотлари ва қалъа муҳим чегара пункти ва Каспий денгизидagi катта бандарлардан бири бўлиб ҳисобланган. Ҳозир Догистоннинг маркази.

20. Самур суви — Догистондаги дарё, Катта Кавказ тизмасининг шимолий ёнбағридан бошланиб, Каспий денгизига қуйилади.

21. Кўкча денгиз — Севан кўли.

22. Маранд — Эроннинг ғарбий Озарбайжон вилоятидаги шаҳар.

23. Алодоғ — Ван кўлидан шимоли-шарқда жойлашган тоғ тизмаси, Туркия ҳудудида.

24. Авник — Эрзирум шаҳри шарқи ва Ван кўли оралигида, Аракс дарёси яқинида жойлашган қадимий қалъа.

25. Арзирум (Арзан ар-Рум) — Кичик Осиёдаги Султония ва Қоя шаҳарлари оралигида, Трапезунддан Эронга олиб борадиган ғарбий қарвон йўлида, XIII асрдан эса европаликларни осийликлар билан боғлайдиган асосий йўл ёқасида жойлашган шаҳар.

26. Эрзинжон — Туркиядаги Эрзинжон шаҳри. Шу номдаги вилоят маркази. Трапезунд ва Эрзирум шаҳарлари оралигида, Сивосдан шарқроқда катта ғарбий қарвон йўлида жойлашган эди; тўқувчилиги ва темирчилик-ҳунармандчилиги билан танилган шаҳар бўлган.

27. Қора Аҳмад Туркмон — Қаро Юсуф туркман, туркман қаби-
лаларининг ҳукмдори, унинг вафотини Абдураззоқ Самарқандий "Матла
ас-саъдайн" асарида 823/1420 йил воқеалари баёнида қайд этган.

28. Ахлот — Ван кўли бўйидаги шаҳарча.

29. Вон ҳисори — Ван кўли соҳилидаги Ван шаҳри.

30. Хўй — Эроннинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар, ҳозир ҳам
шу номда, савдо маркази.

31. Сямос — Эроннинг Ғарбий Озарбайжондаги кичик вилоят
маркази.

32. Урми — Ризойя (Урмийа) кўли атрофидаги жойлар.

33. Мароға — Эрон Озарбайжонидagi кичик вилоят маркази. Урта
асрларда машҳур илмий марказлардан бири бўлиб, унда йирик расад-
хона бўлган.

34. Ҳамадон — Эроннинг қадимий шаҳарларидан бири, мамлакат-
нинг ғарбида жойлашган.

35. Исфаҳон — Эроннинг қадимий шаҳарларидан бўлиб, ҳар
томондан тоғлар билан ўралган пасттекисликда жойлашган. Амир Те-
мурдан қаттиқ талафот кўрган бўлса-да, тезда янада обод бўлиб, 1403
йилдаёқ Амир Соҳибқироннинг набираси амирзода Рустам мулкининг
маркази бўлиб қолган.

36. Қуръони карим, 80-сура (Абаса сураси), 34,35,36-оятлар.

37. Шустар — Эроннинг Хузистон остонидаги шаҳар, кичик вилоят
маркази.

38. Шоҳ Мансур — Жанубий Эронда ҳукмронлик қилган музаф-
фарийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори; 1387-1393 йилларда Ироқ ва
Форсда ҳукумат юргизган.

XXXVI

1. Бу сана Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сидан олинди (варақ
194а).

XXXVII

1. Бу воқеа 790/1388 йилда рўй берган (Яздий, "Зафарнома" варақ
194а).

XXXVIII

1. Муҳаммад Мирко — у Шербаҳромнинг фарзанди эди (Ҳофизи Абру).

2. Яъни, у Бадахшонга қочган эди (Ҳофизи Абру).

3. Лағмон мавзеи — Афғонистоннинг шимоли-шарқидаги шаҳар ва
унинг атрофи.

4. Синд — Покистондаги вилоят номи, Ҳинд дарёсининг қуйи
ҳавзасида.

XXXIX

1. 790/1388 йилда рўй берган.

2. Яъни Султон Маҳмуд номига сикка-тангалар зарб этдилар, четига
унинг номини ёздилар.

3. Яъни 1389 йил баҳори.

XL

1. Ҳофиз Аbru ёзишича, 791/1389 йил воқеалари.
2. Матнда араб тилидаги машҳур ибора: "Фи-т-таъхир офатун".
3. Арис — Сирдарёнинг ўнг ирмоғи.
4. Сариг-Узан — Сарису, Қозоғистонда.
5. Ойқуз — В.В. Бартольд бу ерни Қозоғистоннинг шарқда жойлашган Аягуз мавзеи деб ҳисоблайди.
6. Алокўл — Қозоғистоннинг шарқда жойлашган Олакўл кўли.
7. Қароғучур — Қорабуго дарёси ҳавзаси.
8. Чукчун — ҳозирги Чугучак атрофлари.
9. Эмил Ғучур — Эмиль дарёси ҳавзаси.
10. Юлдуз — Кичик Юлдуз мавзеи.
11. Қорахўжа — Шарқий Туркистондаги қадимий шаҳар. Харобалари ҳозир Турфон шаҳридан 40-45 км. жануби-шарқда сақланиб қолган.
12. Худойод — Амир Темурнинг кўлаб юришларида қатнашган машҳур амирларидан бири. Амир Темурнинг невараси Халил Султонга отабеклик қилган. Амир Соҳибқирон ўлиmidан кейин юз берган барча воқеаларда муҳим рўл ўйнаган. Хўжаид ва Фарғона ўша вақтда унинг ҳукмронлиги остида бўлган. 812 (1409-1410) йилда ўлдирилган.
13. Ило мавзеи — Или дарёсининг юқори ҳавзаси.
14. Кўказ — Или дарёсининг юқори оқими, Хитой ҳудудидаги Кунгез дарёси ҳавзаси.
15. Жалиш — Чалиш, Шарқий Туркистондаги шаҳар.

XLI

1. Бу ерда Султон Маҳмудхон назарда тутилган.
2. Кичик доғ — тахминан ҳозирги Кўк-тубе (Қозоғистонда).
3. Улуғ доғ — Улу Тоу (Қозоғистонда).
4. Бу харсангтош асримизнинг 30-йиллари ўртасида Қозоғистоннинг Қарсақлай маъдани ёнида топилган, ҳозир Эрмитаж музейида сақланмоқда. Унга ўн бир сатр ёзув битилган, ёзувнинг 8 сатри қадим уйғур ва 3 сатри араб ҳарфидадир. Араб ҳарфидаги 3 сатрни ўқиб бўлмайди, лекин уйғур тилидаги сатрларни ўқиса бўлади. Ундан маълум бўлишича, 793 (1391) қўй йили ёз фаслининг ўртасида Турон султони Темурбек 200 минг кишилик ўрдуси билан Тўқтамышхонга қарши сафарга чиқди.
5. Илончуқ — Дулигали-Жиланшиқ (Қозоғистон).
6. Илончуқ суви — Ули-Жиланшиқ дарёси (Қозоғистон).
7. Тубул суви — Тобол дарёси (Қозоғистон).
8. Ёйиқ суви — Урал дарёси.
9. Қундузча — Самара ва Чистопол шаҳарлари оралигида жойлашган мавзе.
10. Шу ерда мазмун бўйича Шомий матнида сукут бор. Яздий "Зафарнома"си (варақ 213а) бўйича аниқлик киритилди.
11. Яздий ёзишича, булар чингизий Жўжий наслидан бўлганлар (варақ 221а).
12. Яздий ёзишича, шундан кейин Амир Соҳибқирон 793 йил зулқаръда (1391 милодий йил октябр) ойининг бошида Саброндан ўтиб,

Ўтормга етган, сўнгра Сайхун дарёсидан ўтиб, Самарқандга келган (варақ 2236).

XLII

1. Ҳофизии Абру 1392-1396 йиллар орасида давом этган бу' юришни "беш йиллик юриш" деб атаган.

2. Маҳди улё (айнан "улуг беланчак") — подшоҳнинг катта хотинига бериладиган лақаб.

3. Қуръони карим, 17-сура (Ал-Исро сураси), 82-оятдан.

4. Қуръони карим, 42-сура (Шўро сураси), 19-оятдан.

5. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 186-оятдан.

6. Қуръони карим, 27-сура (Намл сураси), 62-оятдан.

7. Юқорида (Тауэр нашри, 126-бет охири) 794(1392) йил эслатилганига биноан, бу муҳаррам ойи 795 йилга тааллуқлидир (1392 йил ноябр-декабр).

XLIII

1. Домғон — Эроннинг шимолий қисмидаги қадимий шаҳар, Техрон-Машҳад темир йўл ва автомобил йўли устида жойлашган.

XIV аср муаррихи Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг ёзишича, бу шаҳарнинг атрофи қалъа девори билан ўралган бўлиб, деворнинг узунлиги 8000 қадам бўлган. Шаҳар атрофида тўртта қишлоқ мавжуд бўлиб, булар битта булоқдан сув ичган. Қолган атрофи дашт-биёбондан иборат бўлган.

2. Семнон — Эроннинг шимолида жойлашган, Семнон остонининг маркази.

3. Қазвин — Эроннинг Ҳамадон шаҳри шимоли-шарқида жойлашган; ўрта асрларда Султония ва Нишопур, Ўрта Осиё ва Ҳиротни бир-бирига боғлайдиган катта карвон йўли ёқасидаги шаҳар.

4. Шарафиддин Али Яздий ёзишича, Шайх Шоҳсувор Қазвиннинг ҳокими бўлган (варақ 2306).

5. Дарбанд — бу ерда Курдистондаги Дарбанд назарда тутилган. Яздийда "Дарбанди Тоши хотун" шаклида келтирилган (варақ 231а).

6. Қум — Эрондаги шаҳар, диний-илмий марказ.

7. Караҳруд — Эрондаги Исфаҳон ва Ҳамадон оралигида жойлашган Арок шаҳрига яқин мавзе.

XLIV

1. Ҳофизии Абру ёзишича, Амир Соҳибқирон Султониядан жўнаб Бағдод томон йўлга чиқди, лекин Курдистонга етганда, бирдан йўналишини ўзгартирди.

2. (Ҳувайза йўли билан) — Ҳофизии Абрудан кўшилди; Ҳувайза — Эроннинг гарбидаги Керха дарёсининг қуйи оқимида жойлашган қадимий шаҳар. Ҳозирги вақтда харобалари сақланиб қолган.

3. Яздий берган маълумотга кўра, Ҳувайза шаҳрининг ҳокими (варақ 232а).

4. Дизфул — Эроннинг Хузистон остонидаги шаҳар, кичик вилоят маркази.

XLV

1. Ромиз — Ромхўрмўз. Эроннинг Хузистон вилоятидаги шаҳар.
2. Яздий ёзишчи, Сори-Буго ўгли Шайх Нуриддиннинг қўшини Эмлик номи билан машҳур бўлган (варақ 238а).
3. Шарафиддин Али Яздийда лашкарнинг қалбида бўлган ва қавчин деб аталган хос ҳазора (минг киши)га тегишли ҳарбий бўлинма буй қўшини деб аталган (варақ 238а).
4. Шоҳ Мансур ўлими ҳақида тарихчиларнинг берган маълумотлари турли. Гийёсиддин Али ("Дневник похода...", 52-бет), Ибн Арабшоҳ ("Амир Темур тарихи", 112-113-бетлар) берган маълумотларга кўра Амир Темур Шоҳ Мансурнинг мардлиги шижоатини тан олгани англашилади, шунинг учун у Шоҳ Мансурнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитганда изтиробга тушган. Лекин Шарафиддин Али Яздий ёзишчи, Шоҳ Мансурнинг бошини Амир Темурнинг 17 ёшли ўгли Шохрух Мирзо кесган ("Зафарнома", варақ 238а). Бу ҳақиқатдан йироқ бўлса керак. Бу ҳақда яна қаранг: А.Мюллер. История ислама., 322-бет. Шоҳ Мансур 1393 йил 26 апрелда ўлдирилган.
5. Козерун — Эроннинг Форс остонидаги шаҳар, кичик вилоят маркази, Шероз шаҳридан ғарбда жойлашган.

XLVI

1. Матнда ноаниқлик бор.

XLVII

1. Ҳилла — Ироқдаги катта шаҳар, Бағдоддан жанубда жойлашган, қадимги Бобил шаҳри қолдиқлари ўрнида бунёд этилган, ҳозир бу шаҳар Бағдод вилояти (ливоси)га мансубдир. Бағдод-Басра катта автомобил ва темир йўллари устида жойлашган.
2. Яъни муаллиф Низомиддин Шомийнинг ўзи.
3. Раъс ал-Айн — Туркиянинг жанубидаги шаҳар, булоқларининг ғоятда кўплиги билан шухрат қозонган.
4. Қуръони карим, 59-сура (Хашр сураси), 9-оятдан.
5. Восит — Ироқдаги қадимий шаҳар. Ҳозир харобалари сақланган. Дажла дарёсининг қуйи ҳавзасида.
6. Такрит қалъаси — Ироқдаги Бағдод ва Мосул шаҳарлари оралиғида жойлашган қадимий қалъалардан, Дажла дарёсининг ғарб томонида бўлган бу қалъа XIV асрда хароб этилган. Ҳозир шу номдаги қишлоқ.

XLVIII

1. Мўсул — қадимий шаҳар бўлиб, илгари Ироқнинг дарвозаси ҳисобланган. Кўпгина хорижий мамлакатларга Мўсул орқали ўтилиб, ҳатто у Хуросоннинг калити деб ҳам аталган. Ҳозирги вақтда Ироқнинг

шимолий қисмидаги йирик шаҳарлардан бири. Дажла дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган, темир йўл ва автомобил йўли устида.

2. Матнда: "Чоҳўргон ва аъмала".

3. Қуръони карим, 27-сура (Намл сураси), 52-оятдан.

4. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 251-оятдан.

5. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон сураси), 13-оятдан.

6. Низомиддин Шомий матнида "нарғеҳ" ёки "нарке" — яъни пошпоҳона ов вақтида ҳайвонларни ўраб олиш шаклида берилган. Шарафиддин Али Яздий эса "жарқаҳ" ёки "жарга" шаклида келтирган (варақ 250 б).

XLIX

1. Басра — Ироқнинг йирик порт шаҳри. Шатт ул-Араб дарёсининг қуйилишида, ўнг соҳилида жойлашган.

2. Бағдод 1393 йил август ойида эгалланганлиги юқорида айтилган эди (қ.: Тауэр нашри, 139-бет).

3. Ҳофизии Абру ўша йили Бағдодда очарчилик бўлгани ҳақида ёзади.

4. Ҳофизии Абруда: Сориқ Али Ҳйрот.

5. Нашрда хато бўлса керак. Яздийда Ардабил (варақ 252а).

6. Мордин — Туркиядаги шаҳар, вилоят маркази. Ўрта асрларда тахминан Раъс ал-Айн ва Найсибин ўртасида, тоғ қоясида шу номли қалъа қурилган эди. 1394 йили шаҳар ва қалъа Амир Темурга бўйсунганини истамай қаттиқ қаршилик кўрсатгани боис бутунлай хароб бўлиш оstonасида эди. Лекин Амир Соҳибқиронга невараси Мирзо Муҳаммад Тарағай (Улугбек) туғилгани ҳақида хушхабар келган. Шунда Амир Темур шаштидан қайтиб, қалъа ва шаҳарни аввалги ҳокими Султон Исонинг биродари Султон Солиҳга топширган.

LI

1. Таҳамтан — "Шоҳнома" қаҳрамони Кишгаспнинг лаҳаби, баҳодир, паҳлавон.

2. Қуръони карим, 31-сура (Луқмон сураси), 20-оятдан.

3. Жазира — Месопотамия.

4. Султония — Яздий "Зафарнома"сидан қўшилди (варақ 255б).

5. Бу ерда ҳужжат сўзи ҳукм, қарор маъносида ишлатилган.

6. Ҳофизии Абруда аниқлик бор: "ҳижрий 796 йил жумодиул-аввал ойининг ўн тўққизида", милодий 1394 йил 22 март, яъни Мирзо Улугбек туғилган сана.

7. Вaшорий — Туркиядаги Бешири қишлоғи, Гарзан дарёси яқинида.

8. Майдон — ҳозир Туркиядаги Мейдан қишлоғи, Ван кўли яқинида.

9. Савур — Туркиядаги шу номдаги қишлоқ, Мордин шаҳридан шимоли-шарқда.

10. Ботмон — Туркиядаги Батман шаҳарчаси.

11. Муш саҳроси — Муш шаҳарчаси атрофидаги жойлар, Туркияда, Ван кўлидан гарбда.

12. Бидлис — Ван кўлидан жануброқда жойлашган ўрта аср шаҳри, ҳозирги аталиши Битлис, Туркия ҳудудида.

13. Курдистон — бу ерда Туркия ҳудудида жойлашган асосий шаҳри Диёрбакр бўлган Курдистон назарда тутилган. Эрон ҳудудидаги Курдистоннинг асосий шаҳри Кермоншоҳдир.

14. Аланжиқ — Озарбайжондаги Нахичевонга яқин жойлашган қадимий қалъа номи.

15. Ойдин қалъаси — ҳозирги Туркиянинг шимоли-шарқий чеккасидаги Айдин қишлоғи.

ЛII

1. Куҳистон — бу ерда Кичик Кавказ тизмаси.
2. Шаки — ҳозирги Озарбайжоннинг шимолидаги шаҳар.

ЛIII

1. Элбруз (Албруз) — Катта Кавказ тизмасининг шарқий этаги.
2. Сунж суви — ҳозирги Сунжа дарёси, Терек дарёсининг ирмоғи, Шимолий Кавказда.
3. Тарак суви — Терек дарёси. Катта Кавказ тоғ тизмасининг шимолий ёнбағридан бошланиб, Каспий денгизига қуйилади.
4. Қурий суви — Шимолий Кавказдаги кичик дарё, суви Нўғой даштигача етиб тугайди.
5. Жулот — ҳозирги Қабарда-Балқар ўлкасининг Майский шаҳри яқинида бўлган (Қуйи Жулот манзилгоҳи).
6. Туротур гузари — Мечетное манзилгоҳи, бу кечув ҳозирги Волгоград шаҳри ёнида бўлган.
7. Укак — русча адабиётда Укек, Олтин Ўрда хонлигидаги шаҳар, унинг ўрни Волга дарёси бўйида, ҳозирги Саратов шаҳри яқинидадир.
8. Юлуқлуқ (Йўлқўлуқ) — Олтин Ўрда хонлигидаги шаҳарлардан бири, ҳозирги Саратов шаҳри яқинида бўлган.
9. Ўзий суви — Днепр дарёси.
10. Манжармон суви эмас, мавзеи бўлса керак.
11. Қаросу — тахминан ҳозирги Воронеж шаҳри.
12. Сарой — Олтин Ўрда хонлигининг дастлабки пойтахти. Ботухон томонидан XIII асрнинг ўрталарида асос солинган ва шу сабабдан уни Сарой-Боту деб ҳам аташган; ҳозирги Астрахан шаҳри яқинида, аниқроғи Ахтуба дарёсининг чап қирғоғида; Сарой шаҳри XV асрнинг иккинчи ярмига келиб тугайди. Сарой (Сарой ал-Жадид) — Олтин Ўрда хонлигининг янги, XIV асрдаги пойтахти, Ўзбекхон томонидан 1332 йили асос солинган, 1395 йили тугаган. Сарой ал-Жадид шаҳрининг қолдиқлари Волгоград областининг Царев қишлоғидан топилган.
13. Ўрус ва Ўрусжуқ — матн мазмунига кўра, бу аҳоли масканлари Сарой ал-Жадид яқин атрофларида бўлган.
14. Мушқу — Москва шаҳри. Яздийда "Маскав" шаклида ёзилган (варақ 278а).
15. Курбуқо, Барлон, Буркун, Қалачи — Олтин Ўрда хонлигидаги қабилалар.
16. Билжиман (русча манбаларда Бельджамен) — унинг ўрни Волга дарёсининг ўнг соҳилида, Волгоград областининг Дубовка шаҳридан шимолроқда аниқланган (Водянское манзилгоҳи).

17. Озоқ — Олтин Ўрда хонлигининг асосий шаҳарларидан бири, йирик савдо маркази. Шаҳарнинг қолдиқлари ҳозирги Азов шаҳри худудидан топилган.

18. Черкас вилояти — ҳозирги Қорачай-Черкас вилояти, Шимолий Кавказда.

19. Қубон — Ҳозирги Кубань дарёси, Катта Кавказ тоғ тизмасининг ғарбий ёнбағридан бошланиб, Азов денгизига қуйилади.

LIV

1. Ёлбруз тоғи — бу ерда Катта Кавказ тизмасининг ўрта қисмлари назарда тутилган.

2. Болқон — Қабарда-Балқар ўлкасидаги Булуңгу манзилгоҳи.

3. Бештоғ — тахминан ҳозирги Пятигорск шаҳри жойлашган ерлар, Шимолий Кавказда.

4. Куҳистон — бу ерда тоғли ерлар маъносида ишлатилган.

5. Уҳар тоғи (Аваҳир тоғи) — тахминан Шимолий Осетиядаги Адагир шаҳри атрофлари, аварлар яшайдиган ерлар.

6. Қуръони карим, 41-сура (Фуссилат сураси), 46-оятдан ва 45-сура (Жосия сураси), 15-оятдан.

7. Бўғозқум — Кума дарёси соҳиллари.

8. Мамуқгу — қумуқлар яшайдиган ерлар.

9. Ҳожи Тархон — Астрахан.

LV

1. Язд — Нишопур, Шероз ва Исфаҳон оралигида жойлашган шаҳар.

LVI

1. Шарафиддин Али Яздий бу воқеа аниқ 1397 йили март ойида рўй бергани ҳақида ёзади (варақ 289а).

2. Ўрдибеҳешт — Эрондаги жорий қуёш йилининг иккинчи ойи: 21 апрел — 21 май (яъни 1397 милодий йилининг ушбу ойлари).

LVII

1. Ҳўрмуз — Эроннинг шарқи-жанубида, Форс қўлтиғига киришда жойлашган порт-шаҳар. Ривоят бўйича, бу бандар-шаҳарнинг қурилишига сосонийлар сулоласи ҳукмронларидан Ардашер Бобокон (224-241) асос солган. X-XV асрларда катта савдо аҳамиятига эга бўлган бандар-шаҳар бўлган; бу ерга Ҳиндистондан келтирилган моллар Кермон, Сеистон орқали Хуросонга юборилган.

2. Лор — яъни Лористон, асосий шаҳари — Лор. XIII-XV асрларда Лор шаҳари Ҳиндистон савдо алоқаларида катта рўл ўйнаган. Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг ёзишича, Лор вилояти аҳолисининг асосий машғулотини қуруқликда ва денгиз орқали олиб борилган савдо ишлари бўлган.

3. Макрон — Эроннинг шарқи-жануби ва ҳозирги Покистоннинг унга ёндош қисмларида жойлашган вилоят. Марказий шаҳри Бампур. Макроннинг ўрта асрлардаги чегарасини XIII аср географи Ёқут Ҳамавий жуда аниқ ифодалаган: "Бу вилоят гарбдан Кермон, шимолдан Сижистон (Сисстон), жанубдан денгиз (Арабистон денгизи) ва шимолдан Ҳинд орасида жойлашган".

LVIII

1. Бу ерда мўғул хони Хизрхожа ўғлоннинг қизи Тўқалхоним назарда тутилган. 1397 йилда Амир Темур унга уйланган ва у кичик бека сифатида ҳарамда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўрин Амир Темур 1370 йилда ўз никоҳига олган Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк хонимга тегишли эди.

2. Бу ерда гарчи йил рақами кўрсатилмаган бўлса-да, ойларнинг бирин-кетин тартибини назарга олганда 800 йил рабъ ул-аввал ойига тўғри келади, чунки юқорида (Тауэр нашри, 168-бет) 799 йилнинг рамазон ойи эслатилган эди.

LIX

1. Фаранг — бу ерда умуман Фарбий Европа назарда тутилган.
2. Оҳангарон — Тошкент вилоятидаги Оҳангарон водийси.
3. Муҳаммад Султон (вафоти 1403 й.) — Амир Темурнинг набираси.
4. Хўтан — Шарқий Туркистондаги шаҳар ва вилоят.
5. Қуръони карим, 25-сура (Фурқон сураси), 43-оятдан, 45-сура (Жосия сураси), 23-оятдан.
6. Маҳмуд оқибатли — Маҳмуд Ғазнавий (999-1030 йиллар) назарда тутилган.
7. Аёз — Маҳмуд Ғазнавийнинг лашкарбошиси.
8. Қуръони карим, 5-сура (Моида сураси), 95-оятдан.

LX

1. Катур — Кобулнинг шимоли-шарқидаги тоғли вилоят.
2. Андаров (Андароб) — Афғонистондаги дарё ва вилоят. Ҳиндикуш тоғларининг шимолий этаклари.
3. "... бир тоғ устига..." — Ҳиндикуш тоғларидаги Саланг доғони атрофлари назарда тутилган.
4. Ҳофизи Абруда: балад тоғ (Кўҳи олий).
5. Қуръони карим, 4-сура (Нисо сураси), 48-оятдан.
6. Ўзбек вилояти — бу ерда Олтин Ўрда хонлиги назарда тутилган.

LXI

1. Эрёб — ўрта асрларда ҳозирги Афғонистоннинг Кофиристон вилоятида жойлашган қалъалардан бири. Маҳаллий қабилавий урушларда вайрон этилган. Амир Темур томонидан қайта тикланган.
2. Ғазнин — Афғонистондаги Ғазни (Ғазна) шаҳри ва вилояти.
3. Бону мавзеи — Андароб дарёсининг юқори оқимида, чап соҳилида жойлашган.

4. Диболпур — Панжоб вилоятидаги шаҳар.
5. Жару чўли (Чўли Жалолоий) — ўрта асрларда Синдх Сагар чўли. Ҳозирги Тхал чўли.
6. Султон Жалолоиддин Маликшоҳ — қаранг: Султон Жалолоиддин Менгбурни.
7. Жуд тоғи — Чанхат тизмаси.
8. Мултон — Покистондаги йирик шаҳар.

LXII

1. Жамад суви — Желам дарёси. Чиноб дарёсининг ўнг ирмоғи.
2. Жанова суви — Чиноб дарёси.
3. Талмина суви — Равий дарёси.
4. Биёҳ суви — бошқача аталиши Лиҳовар эканлиги матнда кейинроқ айтилган (қаранг: Тауэр нашри, 206-бет); Лиҳовар — ҳозирги Лоҳур (Лаҳор) шаҳридир, унинг ёнидан Рави дарёси оқиб ўтади. Биёҳ суви эса аслида Сатлаж дарёсининг ўнг тармоғидир. Ҳозирги номи Пақпатав канали.
5. Жанжон қишлоғи — Рави дарёси бўйидаги Чауханди мавзеи.
6. Жиҳвол — баъзи бир нусхаларда Ҳимивал (қаранг: Ғиёсиддин Али, "Дневник похода Тимура в Индию", Москва, 1958, 92б.).
7. Ажудан шаҳри — матнда "балда" ва "Қасаба" атамалари билан берилган. Шундан келиб чиқиб, Ажудан шу номли сув соҳилидаги кичик шаҳар эканлиги маълум бўлади.
8. Батнайр (Бҳатнайр) — ҳозирги Хонумангарҳ аҳоли пункти, Панжоб вилоятида.

LXIII

1. Ажудан суви — Сатлаж дарёси.
2. Сарастий шаҳри — Сирса шаҳри.
3. Фатҳабод — ҳозирги Фотеҳобод аҳоли пункти. Панжоб вилоятида.
4. Ражабпур қалъаси — Ғиёсиддин Али асарида (100-бет): Рахтпур кўрғони.
5. Аҳруни қалъаси — Фотеҳобод яқинидаги аҳоли пункти.
6. Тудана қишлоғи — ҳозир шу номдаги мавзе.
7. Сомона — Сомона мавзеси.
8. Ғаггар суви — кичик дарё, ҳозир ҳам шу номда.
9. Кайтал қишлоғи — Ғиёсиддин Алида (102-бет): Китил шаҳри. Ҳозирги Кайтхал шаҳарчаси.
10. Туғлуқпур ҳисори — Ганг дарёсининг юқори ҳавзасидаги ўрта аср шаҳри, дарёнинг ўнг соҳилида. Ҳозирги Деобанд шаҳарчасининг жануби-шарқида бўлган.
11. Понипат шаҳри — Деҳли яқинида, шимолий томонида жойлашган шаҳар. Катта автомобиль йўли ва темир йўл устида.
12. Жаҳоннамой — (таржимаси: "жаҳонни кўрсатувчи") аҳоли маскани. Деҳли шаҳридан икки фарсах масофада бўлган. Ғиёсиддин Али (105-бет) изоҳида, шу ерда Деҳли султонларидан энг буюғи Элтутмиш Ферузшоҳ (1210-1236) маҳбараси бўлган бўлса керак, деб тахмин қилган.
13. Пала қишлоғи — Ғиёсиддин Алида (104-бет): Пилла.
14. Жаун суви — ҳозирги Жамна дарёси, Ганг дарёсининг энг йирик ўнг ирмоғи.

15. Маллухон — Деҳлида Султон Маҳмудшоҳ ҳукмронлиги даврида вазир бўлиб, ҳукуматни деярли ўзи бошқарган.

LXIV

1. Султон Маҳмуд (Султон Насируддин Маҳмудшоҳ II — 1393-1413 йиллар) — Туғлуқийлар сулоласи (1320-1414)га мансуб ҳукмдор.
2. Султон Ферузшоҳ (Ферузшоҳ III) — Деҳлида 1351-1388 йилларда ҳукмронлик қилган ҳукмдор.
3. Қуръони карим, 10-сура (Юнус сураси), 24-оятдан.
4. Қуръони карим, 16-сура (Наҳл сураси), 75-оятдан.
5. Қуръони карим, 105-сура (Фил сураси), 1-оят.
6. Қуръони карим, 13-сура (Раъд сураси), 11-оятдан.
7. Лаҳовар — Лаҳор шаҳри.

LXV

1. Мирт қалъаси — Мератҳ шаҳри, Деҳлидан жануби-шарқда.
2. Гармаширин — Чигатой улусининг хони, ҳукмдорлик йиллари 722/1322—730/1330.

LXVII

1. Кўпла тоғи — Ғиёсиддин Алида (142-бет): Кўйла тоғи. Ҳимолай тоғ тизмасидаги Заскар тоғларининг ғарбий этаклари.

LXIX

1. Сиволик тоғи — бу ерда Заскар тоғларининг ғарбий ёнбағирлари. Ҳимолай тизмасида, Ганг дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғлар. Бу тоғлар шимоли-ғарбий йўналишда давом этиб, Жамму ва Кашмир штати ҳудудига ўтади.
2. Маёпур вилояти — тўғри аталиши Малҳилпур. Ганга ва Жамна дарёлари оралигидаги Сахаранпур вилоятида.
3. Шақ-и Сорсова — Жамна дарёсининг чап соҳилидаги мавзе. Ҳозирги Сахаранпур шаҳри яқинида.
4. Кундуру мавзеи — Сахаранпур шаҳридан шимоли-шарқда жойлашган эди.

LXX

1. Ратан — Ғиёсиддин Али асарида (157-бет): Рин.
2. Кўка тоғи — Ҳимолай тизмасининг ғарбий ёнбағрида жойлашган. Жамна дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғлар.
3. Нагаркут вилояти — ҳозирги номи Нагрота. Панжоб вилоятининг шимолида жойлашган.
4. Жамму ноҳияси — Жамму ва Кашмир вилоятининг йирик шаҳри. Чиноб дарёсининг Жамму ирмоғи (бошқача аталиши Бҳадран) соҳилида жойлашган.
5. Малик Шиха Кўкар — Ғиёсиддин Али асарида (161-бет): Шиха Куку.

LXXI

1. "Қашмир волийси... дан тортиб шу ергача бўлган абзац матни Шомий "Зафарнома"сида ноаниқ, Яздий "Зафарнома"сига (Тошкент, 1972, 338а арақ) таққослаб, бир қадар аниқлик киритилди (А. Ҳуринбоев).

2. Ману қаряси — Жамму шаҳри яқинидаги жой. Шу номдаги дарёнинг чап соҳилида бўлган.

3. Жинова суви — ҳозирги Чиноб дарёси.

4. Дандана дарёси — Желам дарёсининг юқори қисми.

5. Сонбит — Гисиддин Алида (178-бет) ноаниқ: Шон. б.т.

6. Гурбанд мавзеи — ҳозир ҳам шу номда.

7. Хармис довои — Гисиддин Али (182-бет) Яздий "Зафарнома"сининг Теҳрон нашрига ишора қилган ҳолда бу жой номи "Шибарту" шаклида берилганлигини маълум қилади. Ҳозирги Шибар довои, Ҳиндукуш тизмасида.

8. "... у жой ниҳоятда тор" — Бомидан дараси пазарда тutilган.

9. Қуръони карим, 42-сура (Шўро сураси), 18-оятдан.

10. Сароб мавзеи — Сурхоб дарёсининг юқори ҳавзаси. Шу номдаги дарё водийсида. Ҳозирги Дуоба — Меҳзарин яқинида жойлашган.

11. Саманшон мавзеи — ҳозир ҳам шу номда. Ҳулм дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган.

12. Газник мавзеи — ҳозирги номи Газнигак. Ҳулм дарёсининг чап соҳилида жойлашган.

13. "... худовандзода" — Яздийда (арақ 345 б): "Хонзода Аюулмулк, аждоди пайгамбарга туташади".

14. Тахти Қароча — Зарафшон туманидаги довои. Баландини 1675 м. Китоб — Самарқанд йўлида жойлашган.

15. Жаҳоннамой — Амир Темурнинг боғи ва кўши, Самарқанднинг жанубидан 24 км. масофада, Қора-Тепа мавзисида жойлашган эди.

16. Давлатобод — Самарқанднинг Дарғот номи мавзеидаги боғнинг номи.

17. Дилкушо — Самарқанднинг шарқида 1396 йил Амир Темур фармонида мувофиқ барпо этилган боғ. Ҳазрат Соҳибқирон бу боғни рафиқаси Тўқалхонимга бағишлаган.

18. Қусам ибн ул-Аббос — Муҳаммад пайгамбарнинг амакиваччаси. Халифа Али ибн Абу Толиб замонида Макка ёки Мадинада волий бўлган. Муовия замонида Саййид ибн Усмон билан Самарқандга келиб, шу ерда ўлдирилган. Самарқанддаги машҳур "Шоҳи зида" ёдгорликлари мажмуаси шу зот билан боғлиқ ҳолда шундай номланган.

19. Боғи Чинор — Самарқанд шаҳрининг чеккасида, Сисб аригининг ўнг соҳилида жойлашган.

20. Нақши жаҳон — Чўпон-ота тепалиги эгатида жойлашган боғ.

LXXII

1. Қуръони карим, 9-сура (Тавба сураси), 18-оятдан.

LXXIII

1. Барқуқ — Миср султони, 1382-1399 йилларда ҳукмронлик қилган.

2. Тўнғузхон — Хитой императори назарда тutilган. Амир Темур салтанати даврида Хитойда мўғуллар истилоси тугатилиб, ҳокимият Мин

сулоласи (1368-1644) ҳукмдорлиги остига ўтди. Бу суложа ҳукмдорлигининг дастлабки йилларида уни император Чжу Юан-чжан (1368-1398) бошқарган. Унинг ўлимидан сўнг ҳокимият ўгли Чжу-ди (1402-1424) қўлига ўтди.

3. Бошқа нусхада: "Абхоз ва Гурж мамлакати томон" деб аниқлик киритилган; асосан ҳозирги Грузия ва Абхазия назарда тутилган.

4. Кур суви — Кура дарёси.

5. Хамшо — бошқа нусхада "Хансо".

6. Осун дара — Ҳофизии Абруда "Ақсу" шаклида ёзилган. Ахсу — Озарбайжоннинг Шемаха шаҳри яқинидаги жой.

7. Халил Султон баҳодир (туғ. 1384 — ваф. 1411) — Мироншоҳнинг ўгли. Амир Темурнинг набираси.

8. Гўргин — бу ерда Грузия подшоҳи Георгий VII назарда тутилган.

9. Бардаъ — Озарбайжондаги Барда шаҳри, темир йўл ва автомобиль йўли устида.

10. Тахуртан (ёки Тахерт) — Арзинжон вилоятининг ҳокими, Яздий (варақ 366 б) кейинги воқеалар баёнида бу жойни Рум мамлакати яқинидаги чегара шаҳар сифатида эслатади.

11. Гўргин — Ҳофизии Абруда: "Тури"; Грузиянинг Гўри шаҳри атрофлари назарда тутилган. Кура дарёсининг чап соҳилида жойлашган.

12. Свонет номли мавзе — Свонет тоғлари, Катта Кавказ тизмасининг жанубий ёнбағрида жойлашган.

13. Ийғир — матнда ёзилиши шундай; ҳозирги Ингури дарёси, Катта Кавказ тизмасининг жанубий ёнбағридан бошланиб, Қора денгизга қуйилади.

14. Курлон суви — ҳозирги Кодори дарёси. Катта Кавказ тизмасининг жанубий ёнбағридан бошланиб, Кодори тоғлари ғарбидан оқиб ўтиб, Сухумидан жануби-шарқроқда Қора денгизга қуйилади.

15. Ивоний томонига — Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида Ивоний Гурж (Грузия)нинг улуг амир(княз)ларидан бири эканлиги ёзилган (варақ 361 б).

16. "...тоғлик сипоҳийлардан иборат эди" — Яздийда: "...ул жойнинг аҳолиси сипоҳийпеша (жанговар), жасур тоғ кишилари эди" (варақ 361б).

17. "...Авникда муборак ўғруққа етдилар" — Яздийда: ўрду (ўғруқ) Манқўлда эканлиги қайд этилган (варақ 362а).

LXXIV

1. Сивос — Кичик Осиёдаги қадимий шаҳар. Ўрта асрларда Себастия деб номланган "Султония-Табриз-Қўния" катта қарвон йўли устида жойлашган эди. Ҳозирги вақтда Туркиядаги шу номдаги вилоят маркази.

2. Ҳофизии Абруда ёзилишича бу воқеалар 803/1400-1401 йилда рўй берган.

3. Курьони карим, 37-сура (Ва-с-сафот сураси), 177-оят.

4. Малотия — Рум мамлакатининг машҳур шаҳарларидан. Ҳозир ҳам Туркиянинг шу номдаги вилоят маркази.

5. Кахта қалъаси — Малотиядан жанубда (ҳозирги Кяхта дарёси водийсида) жойлашган ўрта аср шаҳри. Кяхта дарёси Фирот дарёсининг ўнг irmoқларидан бири, Малотия тизмасидан бошланади.

6. Шом — ўрта асрларда Сурия ва унинг ён атрофларидаги жойлар.

LXXV

1. Қуръони карим, 17-сура (Ал-Исро сураси), 16-оят.
2. Абу Саъид Баҳодирхон — қаранг: II, 35-изоҳ.

LXXVI

1. Беҳаста қалъаси — тахминан ҳозирги Туркиядаги Бесни шаҳри (кичик шаҳар).
2. Антоб қалъаси — Ҳозирги Туркиядаги Гази Антеб шаҳри, шу номдаги вилоят маркази.

LXXVII

1. Ҳалаб шаҳри — Суриядаги Алеппо шаҳри.
2. Дамашқ — Суриянинг пойтахти.
3. Тароблис — Ливаннинг пойтахти — Триполи шаҳри.
4. Ҳумс — Суриядаги Ҳомс шаҳри.
5. Ҳамо — Суриядаги шаҳар.
6. Баалбак — Ливандаги Баалбек шаҳри.
7. Бошқа нусхада: "Фарзандининг фарзанди (невараси)" шаклида келтирилган.
8. Султон Ҳусайн баҳодир — Амир Темурнинг қизи Оғо Бегимдан туғилган невараси. 1405. йилда вафот этган.
9. Ҳофиз Аbru асарида ўзи ҳам бу юришда қатнашганлигини қайд этар экан, бу вақтда Ҳалаб шаҳрида Мавлоно Низомиддин Шомий бўлгани, ул ҳазрат Соҳибқироннинг бошидан кечирган воқеалар битилган аксари асарлар Шомий ёзганлари асосида таълиф этилганини баён этган. Шунингдек, Ҳалаб шаҳри эгаллангач, амир Жалол Ислом муаррих Шомийни ҳазрат Соҳибқирон ҳузурига олиб боргани ва унинг иззат-икром билан кутиб олинганини маълум қилади.
10. Ҳофиз Абруда бу воқеалар 803 йил жумоди ул-аввал (1401 йил январ) ойида бўлгани ёзилган.

LXXIX

1. Билол Ҳабаший — ҳабаш, Ислом динидаги биринчи муаззин, 641 йилда Дамашқда вафот этган.
2. Муовия ибн Абу Суфён — умавийлар сулоласининг асосчиси бўлиб, 661-680 йилларда халифалик қилган. 680 йилда вафот этган.
3. Язид ибн Муовия — умавийлар халифаларидан (680-683), Муовия ибн Абу Суфённинг ўғли.

LXXX

1. Абу Бакр баҳодир — Мироншоҳнинг ўғли, 1408 йилда вафот этган.

LXXXI

1. Қуръони карим, 20-сура (Тоҳа сураси), 106-оятдан.
2. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон сураси), 13-оятдан; 24-сура (Нур сураси), 44-оятдан.
3. Қуръони карим, 17-сура (Ал-Исро сураси), 58-оят.

LXXXII

1. Ҳофизии Абруда: 804/1401-1402 йил воқеалари.
2. Шамкур саҳроси — ҳозирги Самғори шаҳри атрофидаги мавзе. Тбилиси шаҳри яқинида жойлашган.
3. Қуръони карим, 109-сура (Кофирун сураси), 6-оят.

LXXXIII

1. Фаридун — Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида таъкид-ланишича, қадимий Эрон подшоҳларидан.
2. Кай — лугавий маъноси "замонанинг энг буюк подшоҳи". Эронликлар тўрт ёки беш машҳур подшоҳни назарда тутганлар: Кай-хисрав, Кайковус, Кайқубод, Кайлаҳрасп, Каюмарс.
3. Арас суви — Аракс дарёси.
4. Қуръони карим, 11-сура (Ҳуд сураси), 83-оятдан.

LXXXIV

1. Қуръони карим, 37-сура (Ва-с-сафот сураси), 164-оятдан.
2. Қуръони карим, 21-сура (Анбиё сураси), 107-оятдан.
3. Кемох қальаси — ҳозир Туркиядаги шу номдаги шаҳарча. Фирот дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Эраинжон вилоятидан жануброқдаги жуда мустақкам қальанинг номланиши.
4. Тартум — ўрта асрларда Рум ўлкасидаги қалъалардан бири. Тортум дарёси (Чороҳ дарёсининг ирмоғи) водийсида бўлган.

LXXXV

1. Қуръони карим, 85-сура (Буруж сураси), 11-оятдан.
2. Ҳофизии Абруда: "Курдистон".
3. Читоғлар — матн мазмунига кўра, қора калтак, номунтазам лашкар, бебошлар, партизанлар маъноларида келган. Кейинроқ этник ёки жуғрофий атама тушунчасида ҳам учрайди (Таузр нашири, 255-бет).

LXXXVI

1. Қаро Юсуф (1388-1420) — 1378-1469 йилларда ҳукмронлик қилган Қора қўюнли туркман қабиласининг ҳукмдорларидан; 1388-1399 йиллар мобайнида Арманистон, Ироқ ва Жанубий Озарбайжон сарҳадларида Амир Темур билан жанглар қилган. Унга Султон Аҳмад Жалойирий иттифоқдош бўлган.

LXXXVII

1. Шарафиддин Али Яздийда: "Ҳорук" (варақ 4066).
2. Қайсария — Туркиядаги ҳозирги Қайсари шаҳри. Катта автомобиль ва темир йўли устида. Шу номдаги вилоят маркази.
3. Анкурия — ҳозирги Анқара шаҳри, Туркиянинг пойтахти.
4. ... катта бир сув — Кичик Осиёдаги "Қизил ирмоқ" дарёси. Қора денгизга қуйилади.

LXXXVIII

1. Қуръони карим, 27-сура (Намл сураси), 62-оятдан.
2. Читог — қаранг: LXXXV, 3-изоҳ.

LXXXIX

1. Қуръони карим, 61-сура (Саф сураси), 13-оятдан.
2. Қуръони карим, 48-сура (Фатҳ сураси), 1,2,3-оятлардан.
3. Қуръони карим, 30-сура (Рум сураси), 1-оятдан.

XC

1. Бурса — Туркиянинг ғарбий чеккасидаги йирик шаҳар. Шу номдаги вилоят маркази.
2. Оқшаҳир — Ақшеҳир, Туркиядаги шаҳарча, Қўния вилоятининг ғарбий қисмида жойлашган.
3. Қўния — Туркиядаги йирик шаҳар. Шу номдаги вилоят маркази.
4. Қуръони карим, 56-сура (Воқеа сураси), 18-оятдан.
5. Қуръони карим, 56-сура (Воқеа сураси), 20-оятдан.
6. Қуръони карим, 56-сура (Воқеа сураси), 21-оятдан.
7. Қуръони карим, 56-сура (Воқеа сураси), 22-оятдан.

XCI

1. Қуръони карим, 27-сура (Намл сураси), 34-оятдан.

XСII

1. Сийноб — Синоп вилояти. Туркиянинг шимолида, Қора денгиз бўйида жойлашган, маркази Синоп бандар-шаҳри.
2. Қуръони карим, 5-сура (Моида сураси), 95-оятдан.
3. Денғизлиғ — ҳозирги номи Денизли. Туркиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Шу номдаги вилоят маркази.
4. Гўзал Ҳисор — тахминан ҳозирги Қизил ҳисор. Денизидан шимолда жойлашган.
5. Тира шаҳри — ҳозирги Тире шаҳри, Измир вилоятининг жанубида жойлашган.

XCIII

1. Қуръони карим, 15-сура (Ҳижр сураси), 49,50-оятлар.

XCIV

1. Измир — Туркиядаги йирик бандар-шаҳар, шу номдаги вилоят маркази. Эгей денгизи, Измир қўлтиги бўйида жойлашган.
2. Қуръони карим, 9-сура (Тавба сураси), 14-оят.
3. Қуръони карим, 61-сура (Саф сураси), 13-оят.

XCv

1. Фўча қалъаси — Фоча, Измир вилоятидаги аҳоли маскани, денгиз қирғоғида жойлашган.
2. Султонҳисор — Туркиянинг гарбидаги Ойдин вилоятидаги аҳоли маскани. "Катта Мендерес" дарёси соҳилида жойлашган.
3. Улубўрлиг — Улуборлу, Туркиядаги кичик шаҳар. Испорта вилоятида жойлашган.

XCvI

1. Қуръони карим, 81-сура (Таквир сураси), 6-оят.

XCvII

1. Қуръони карим, 13-сура (Раъд сураси), 38-оятдан.
2. Қуръони карим, 72-сура (Жин сураси), 28-оятдан.
3. Боязид Йилдирим 1403 йилнинг 9 мартида вафот этган. Туркиянинг Ақшеҳирдаги Маҳмуд Ҳайроний мақбараси ёнида дафн этилган.

XCvIII

1. Қуръони карим, 16-сура (Наҳл сураси), 127-оятдан.
2. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 156-оятдан.

XCIX

1. Барқуқ ўғли Фараж — 1399-1405 йилларда Миср ва Шомда ҳукм юритган Буржийлар сулоласига (1382-1517) мансуб Миср волийси.

C

1. Ҳофизи Аbru асарида ҳам қаро таторларнинг кўчирилиши ҳақида маълумот келтирилган. Қисқача баёни шундай: Мунка қосон Ҳулагухонни Эронга юборганда, қаро таторларни ҳам Мўғулистондан кўчириб, Ҳулагухонга кўшиб жўнатган. Ҳулагухон эса уларни Рум ва Шом сарҳадларига жойлаштирган эди. Улар 52 аймақ бўлиб, тарқоқ ҳолда яшар ва Боязид Йилдирим хизматида эдилар. Боязид Йилдиримнинг ўлиmidан сўнг Амир Соҳибқирон уларни қайта кўчириб, Мўғул, Мова-роуннаҳр ва Ўзбек юртларида жойлаштиришга қарор қилган.

CI

1. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 156-оятдан.

CII

1. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 256-оятдан.

CIII

1. Қуръони карим, 7-сура (Аъроф сураси), 97-оят.
2. Қуръони карим, 6-сура (Аль-ом сураси), 45-оят.

CIV

1. Қуръони карим, 9-сура (Тавба сураси), 123-оятдан.
2. Қуръони карим, 27-сура (Намл сураси), 37-оятдан.
3. Қуръони карим, 9-сура (Тавба сураси), 29-оятдан.

CV

1. Қуръони карим, 12-сура (Юсуф сураси), 81-оятдан.
2. Қуръони карим, 61-сура (Саф сураси), 2-оят.

CVI

1. Байлақон — Аракс ва Кура дарёлари бирлашадиган ерга яқин бўлган макъса (Арронда). 1221 йилда мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган ва кейинроқ баён этилганидек, 1403 йилда Амир Темур томонидан қайта тикланган.

2. Қуръони карим, 11-сура (Ҳуд сураси), 61-оятдан.
3. Қуръони карим, 6-сура (Аль-ом сураси), 165-оятдан.

CIX

1. Қуръони карим, 21-сура (Анбиё сураси), 30-оятдан.
2. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон сураси), 15,16,17-оятлардан.

CX

1. Қуръони карим, 5-сура (Моид сураси), 33-оятдан.
2. Қуръони карим, 47-сура (Муҳаммад сураси), 4-оятдан.
3. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 185-оятдан.
4. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 183-оятдан.

ҲОФИЗИ АБРУНИНГ ИЛОВАСИГА ИЗОҲЛАР

I

1. "Зафарномаи шоҳий" — Асарнинг Ҳофизи Абру томонидан аталиши шундай. Аслида "Зафарнома" номи билан машҳур. Уни бошқа "Зафарнома" номли асарлардан фарқ қилиш учун кўпинча муаллиф номини қўшиб "Зафарномаи Шомий" ҳам дейишади.

2. Бисмиллаҳир раҳмонир роҳим — таржимаси: Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (Қуръони карим, 1-сура (Фотиҳа сураси), 1-оят.

3. Қуръони карим, 1-сура (Фотиҳа сураси), 2-оят.
4. Қуръони карим, 7-сура (Аъроф сураси), 128-оятдан.

II

1. Арас суви — Аракс дарёси.

III

1. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 197-оятдан.
2. Қуръони карим, 65-сура (Талоқ сураси), 2,3-оятлардан.
3. Қуръони карим, 17-сура (Исро сураси), 29-оят.

IV

1. Қуръони карим, 2-сура (Бақара сураси), 30-оятдан.
2. Қуръони карим, 3-сура (Ол-и Имрон сураси), 26-оятдан.
3. Қуръони карим, 27-сура (Намл сураси), 16-оятдан.
4. Қуръони карим, 38-сура (Сод сураси), 35-оятдан.
5. Қуръони карим, 27-сура (Намл сураси), 40-оятдан.
6. Қуръони карим, 1-сура (Фотиҳа сураси), 2-оят.
7. Қуръони карим, 57-сура (Ҳадид сураси), 21-оятдан.

V

1. Миёна — Эроннинг Шарқий Озарбайжон вилоятидаги шаҳар: Техрон — Табриз тсмир йўли ва автомобиль йўли устида.

2. Абҳар — Эроннинг қадимда ва ўрта асрлардаги йирик ва машҳур шаҳарларидан. Ҳозир кичик аҳоли маскани; Қазвин — Зинжон автомобиль йўли яқинида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан Гилон вилоятига қарайди.

VI

1. Ферузкўҳ қалъаси — Эроннинг шимолидаги Элбрус тоғларида жойлашган ўрта аср қалъаси. Ҳозир харобалари қолган. Уша ерда Ферузкўҳ қишлоғи бор. Техрондан Каспий бўйига, Мозандаронга борадиган темир йўл ва автомобиль йўли устида.

2. Жавзо буржи — 12 буржнинг учинчиси.

3. Кайвон — Зуҳал (Сатури) сайёраси: қадимги фалакиёт илмида унинг ўрни етти қават осмоннинг энг баланддагисида — еттинчисида, деб белгиланган.

VII

1. Чалов — Эроннинг шимолида, Мозандарон вилоятининг гарбий қисмидаги жой; Чолус дарёси ҳавзаси.

2. Айюк юлдузи (Капелла) — Савр юлдузлар туркумидаги Сурайё юлдузлар гуруҳига мансуб энг баланд юлдуз. Ҳозирги илмий талқинда Капелла — Аравакаш юлдуз туркумидаги энг равшан юлдузидир, осмоннинг шимолий қисмида.

3. Қуръони карим, 74-сура (Муддассир сураси), 50-51-оятлар.

4. Жайҳун дарёси — Амударё.

5. Ҳарос дарёси — ҳозирги номи Ҳароз: Элбрус тизмасининг шимолий ёнбағридан бошланиб, Каспий денгизига қуйилади. Бу ерда қиёслашда муаллиф томонидан муболағага йўл қўйилган, чунки бу дарё Жайҳун (Амударё)дан анча кичик.

6. Жаҳаннамдара тоғи — Ҳароз дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғлар.

7. Қуръони карим, 34-сура (Сабаъ сураси), 54-оятдан.

8. Нур қалъаси — Ҳароз дарёсининг сўл ирмоғи — Нур дарёси ҳавзасидаги ўрта аср қўргони.

9. Кулорадашт водийси — Чолус дарёсининг ўнг томон юқори ҳавзасидаги ерлар.

VIII

1. Дамованд тоғи — Элбрус тизмаси, Эроннинг шимолий қисмида; бу ерда ушбу тоғнинг Дамованд чўққиси (вулкани) яқинидаги жойлар назарда тутилган.

2. Арғун (Арғуншоҳ) — Эрондаги элхонийлар сулоласига (1284-1291) мансуб ҳукмдор.

3. Бистом — Эроннинг шимолий қисмида, Хуросон ва Мовароуннаҳрга борадиган карвон йўлидаги манзилгоҳ. Ҳозирги вақтда Симнон вилоятидаги кичик аҳоли маскани.

4. Нишопур — Эроннинг Хуросон остонидаги шаҳар, Машҳад — Техрон йўналишидаги темир йўл ва катта автомобиль йўли устида; икки минг йиллик тарихга эга.

5. Ишқобод — ҳозирги Ашгабат (Ашхобод), Туркменистоннинг пойтахти.

6. Аҳмади Жом (1049-1142) — Салжуқийлар салтанати даврида Хуросонда яшаб ўтган йирик мутасаввуф шайх.

7. Гурж — Гуржистон, Грузия.

8. Ифранж — умуман Ғарбий Европа; бу ерда Шарқий Европа ҳам назарда тутилган.

9. Самарқандда қурилган жомеъ масжид — Амир Темур буйруғи билан 1399-1404 йиллар давомида қуриб битказилган; Бибиҳоним мадрасаси қаршисида жойлашган бўлганлиги сабабли, тарихда "Бибиҳоним масжиди" номи билан машҳурдир.

10. Ироқи Ажам — Эроннинг Ироқ билан чегарадош ғарбий ерлари, Месопотамияга туташ жойлар.

11. Қўмс — Эроннинг шимолий қисмидаги тарихий вилоят. Унга ҳозирги Семнон остонининг шимолий чеккалари ва Мозандарон остонининг шарқий қисми кирган.

12. Мозандарон — Эроннинг Каспий денгизи соҳилларида жойлашган вилоят. Маъмурий маркази — Сори шаҳри.

IX

1. Жумладан, қуйидаги шаҳзодаларни: Улуғбек Кўрагон ва унинг биродари Иброҳим Султон баҳодир; Жаҳонгир ибн Муҳаммад Султон баҳодир; Умаршайхнинг ўғиллари — амирзода Бойқаро; амирзода Сайид Аҳмад; амирзода Ийжал ибн амирзода Амироншоҳ баҳодир.

2. Мингликлар, қўшинлар, юзликлар ва ўнликлар — лашкар қисмларининг номлари.

3. ...тавочи, аюдочи ва ясовул амирлари — қ., лугат — тавочи, ясовул.

4. ...тарқу ва назли — тарқу озиқ-овқатни англатади, назли ҳам матн мазмунича шунга яқин маънода.

5. ...жирғомиши ва тузғу қилмоқ — матн мазмунидан: "давра қуриб еб-ичмоқ".

6. Алтой — Олтой.

7. Чекка Мағриб — ҳозирги Марокаш ҳудуди.

8. Фаранг — Ғарбий Европа.

9. Рубъи маскун — Ернинг обод чорағи, Евроосиё материги ва Шимолий Африка.

10. Етти иқлим — қадимда фанда мавжуд географик тушунча; дунёнинг етти иқлими ғарбдан шарққа параллеллар бўйлаб чўзилган еттита географик зонадан иборат бўлган.

11. Қуръони карим, 14-сура (Иброҳим сураси), 7-оятдан.

12. Қуръони карим, 14-сура (Иброҳим сураси), 7-оятдан.

13. Ёсоқ услуби — белгиланган ҳоида.

14. Улуғ тура — асосий қонун.

X

1. Дай — Эрон шамсий солиномасидаги 10-ойнинг номи, милодий ҳисобда 22-23 декабр — 20-21 январга тўғри келади.

2. Қуръони карим, 31-сура (Луқмон сураси), 27-оятдан.

XI

1. Яшм — оқ нефрит.

2. Қадимда мавжуд бўлган тўққизта фалак ва етти қават ер тушунчаси назарда тутилган; муаллиф қор юқориди қўшимча бир қават осмон-фалак, ерга ёққан қисми эса қўшимча бир қават ер ҳосил қилган эди, демоқчи.

3. ...ўз манзиллари бўйлаб бораётган ой мисоли — бу ерда Ойнинг турли фазаларда бўлиш ҳолатига ўхшатма берилган.

XII

1. Қуръони карим, 39-сура (Зумар сураси), 53-оятдан.

2. Қуръони карим, 42-сура (Шўро сураси), 25-оятдан.

3. Қуръони карим, 66-сура (Таҳрим сураси), 8-оятдан.

4. Қуръони карим, 10-сура (Юнус сураси), 25-оятдан.

5. Қуръони карим, 89-сура (Ва-л-Фажр сураси), 27,28-оятлардан.

6. Матнда хато: "нармода"; тўғри ёзилиши ("гар модда") Ҳофизи Абрунинг "Зубдат ут-таворих" асаридан олинди. Бу ерда дастлабки инсон — Одам Атонинг лойдан (обу гил) ясалганлиги ҳақидаги ақида кўзда тутилган ва бу ҳақда Қуръони каримда бир нечта жойда қайд этилган: "...(Аллоҳ Одам Атони) тупроқдан, сўнг бир томчи сувдан яратиб..." (Каҳф сураси, 37-оятдан); "У зот (Парвардигор) инсонни (Одам Атони) сопол каби қуриган қора лойдан яратди" (Раҳмон сураси, 14-оят); "Биз инсонни (Одам Атони) лойнинг мағзи (гил)дан яратдик (Мўминлар сураси, 12-оят); "Маълумки, Биз инсонни (Одамни асли) қора ботқоқдан, (одам) сурати берилгач, қури-тилган лойдан яратганмиз" (Ҳижр сураси, 26-оят).

7. Қуръони карим, 10-сура (Юнус сураси), 49-оятдан.

8. Қуръони карим, 55-сура (Раҳмон сураси), 26-оят.

9. Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сида бу сана "17-шаъбон" деб аниқ кўрсатилган. (Шарафиддин Али Яздий. "Зафарнома" (фото факсимил нашр). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А.Уринбоев. Т., 1972, в. 473а.

10. Барот — бир нечта маъноси бор: 1) хазинадан олтин ёки шунга ўхшаш қимматбаҳо нарса олиш учун ҳукмдор томонидан бериладиган ёзма кўрсатма; 2) шаъбон ойининг ўн бешинчи кечаси ёки шу кечада марҳумга ўқиладиган фотиҳа.

11. "Садри тўри" — бу сўзлар арабча ёзувда абжад ҳисобида 807 (1405) йил бўлади ва таржимаси "жаннат тўри" демакдир.

12. "Видон шаҳриёрий" — бу сўзлар арабча ёзувда абжад ҳисобида 807 (1405) йил бўлади ва "салтанат билан видолашди", деган маънони англатади.

13. Суҳо юлдузи — Катта Айиқ юлдузлар туркумидаги Алқор юлдузи.

14. Муҳаммад Султон ибн Мирзо Жаҳонгир — Амир Темурнинг невараси (1376-1403).

15. ...айланувчи (осмон) гумбаз — қадимги фалакиёт илмида мавжуд бўлган геоцентрик назария; унинг асосида Ер коинот марказида жойлашган ва қолган барча фалак (осмон)лар ёки сайёралар унинг атрофида айланади, деган тушунча ётади.

16. Гўр — қулон; Баҳроми Гўр (421-438) — сосоний подшоҳлардан, Яздигарднинг ўғли; у қулон овлашни яхши кўраркан ва шу сабабдан унга Баҳроми Гўр деган лақаб берилган экан. Байтда гўр сўзи биринчи мисраъда қулон, иккинчи мисраъда эса қабр маъносиди ишлатилган.

ШАХС ИСМЛАРИ КЎРСАТКИЧИ¹

А

Аббос (амир)	28, 30, 31, 35, 36, 38, 39, 42, 45, 50, 56, 64, 74, 82, 106, 107
Абди бек	256
Абдул Ахтачи	133
Абдулкарим (амир)	255
Абдуллоҳ (амир)	18, 36, 38, 39, 51, 255
Абдуллоҳ (амирзода)	15
Абдуллоҳ Байров	35, 36
Абдюлоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдуррашид, Ҳофизид Абру — қ. Ҳофизид Абру	
Абдулхожа	134
Абдуссамад (амир)	255
Абочи	67
Абоқохон, Ҳулоку ўғли	13
Абу Аммор Ҳамза	7
Абу Бакр баҳодир (амирзода)	226, 228, 236, 238, 250, 251, 253, 256, 261, 262, 266, 270, 277, 278, 290, 437
Абу Бакр Надлоф	32
Абу Бакр Сиддиқ	6, 247
Абуллайс Самарқандий (шайх)	64
Абдулфазл Аббос	7
Абулфатҳ	108
Абулфатҳ Шоҳи шоҳон	228
Абу Маноф	7
Абу Муслим Марвазий	84
Абу Саъид	23, 110, 166

Абу Саъид Баҳодирхон	13, 221
Аёз	171
Ажабшер (амир)	225
Айбож ўғлон	139, 140, 152
Али — қ. Али ибн Абу Толиб	
Али (амир, амирзода)	41, 42, 52, 82, 88, 89, 92, 94
Али Акбар	110
Алибек Жовуний	
Қурбоний	20, 21, 75, 78, 85, 88, 90, 118
Али Дарвиш (амир)	33, 35
Али ибн Абу Толиб	6
Алийи Муртазо	235
Алику, Бойдор ўғли	13
Али Пошо	256
Али Султон (амир, тавочи)	13, 173, 186, 193, 196, 197, 202, 235, 237, 240, 241, 255, 257, 270
Али Сурх (амир)	145
Алишоҳ	39
Али Ясовурий	41, 44, 45, 56
Али Қовчин	255
Аллоҳдод (амир)	76, 143, 159, 174, 179, 180, 182, 183, 186, 189, 190, 191, 194, 196, 197, 207, 234
Алоуддин ноиб	193
Алп Арслон	60
Амирак (амир)	255
Амири бузург Темур	
Кўрагон	192, 457 яна қ. Амир Соҳибқирон
Амироншоҳ (Мироншоҳ, амирзода)	81, 82, 92, 93, 96, 102, 103, 108, 114, 123, 124, 136, 137, 138, 139, 144, 145, 150, 151, 152, 161, 163, 165, 167, 206, 208, 220, 239, 240, 241, 255, 257, 263, 267, 437
Амир Соҳибқирон	9, сўнг деярли ҳар бетда
Амир Темур	

	17, 27, 30, 33, 49, 54, 55, 62, 102, 158 яна қ.
Амир Темур Кўрагон	Амир Соҳибқирон 9, 15, 457, яна қ. Амир Соҳибқирон
Амир Хақан	153
Амир Шайх (навкар)	91
Амир Ғўрий, малик	
Ғиёсиддин ўғли	84
Амоншоҳ	143, 155
Анка-қоон	13
Аночоғ	44
Анушервон	80
Ардашер (амир)	145
Арпа	13
Арғина, Қаро Ҳулоку хотини	13
Арғун, подшоҳ	442
Арғун (амир)	255
Арғунхон, Абоқохон ўғли	13
Арғуншоҳ баҳодир	63, 100, 121, 144, 151, 155
Арғуншоҳ Бурдолиқий	21, 46, 127
Ашмуил (пайғамбар)	58
Ақта	274
Ақчаки	129
Аҳмад	255, 263, 274
Аҳмад Жом	442
Аҳмадий	255, 256
Аҳмад Таҳонасарий (мавлоно)	194
Аҳмадхон, Абоқохон биродари	13

Б

Бадахшон шоҳлари	24, 52
Бадриддин (амир)	45, 143
Баён Сулдуз (амир)	15, 16, 18, 19
Баёнқули, Сурғату ўғли	13
Байрамхожа ясовул	66

Байрамшоҳ	62
Байром Сўфи	134
Балбон	256
Банги баҳодир (амир)	40, 77
Бурож	178
Бурундуқ (амир, баҳодир)	235, 237, 240, 241, 245, 250, 251, 253, 255, 257, 264, 272
Бурхон ўғлон (амир)	115, 142, 152, 156, 172, 174
Буқрот — қ. Малик Буқрот	

В

Вали (амир)	85, 86, 87, 89, 91, 94, 95, 96, 97
Вали ул-аҳд (амирзода Муҳаммад Султон)	192, яна қ. Муҳаммад Султон
Вафодор	440

Г

Гаршахий	256
Гўргин	214, 215, 277, 279, 285

Д

Давлат Темур	181, 237, 251, 255, 261
Давлатхожа (амир)	255
Давлатшоҳ (баҳодир)	26, 32
Давлатшоҳ баҳши	40, 56
Давлатшоҳ тот	174
Давохон	14
Даво Чечан	13
Дарвишак	39
Дарвиш Буғо	39
Дилшод оғо	20, 70, 90, 146

Довуд (амир)	27, 38, 39, 40, 45, 56, 68, 69
Довудболи	256
Довуд Сўфи	159
Довудхожа	30
Додмалик	109
Донишмандча	14
Доро	60
Дура Темурхон, Даво ўғли	13
Дурко баҳодир	39, 43, 44, 45
Дуровул (?)	46
Дурсултон ого	129
Дўққуз Темур қоон	13

Ё

Ёдгор барлос (амир)	68, 116, 129, 144, 161, 185, 255
Ёдгори Андхўйи (амир)	104
Ёйиқбек	142
Ёйиқ Сўфи	143, 151, 152
Ёр Али	142, 145
Ёруқ Темур (амирзода)	76

Ж

Жаброил алайҳиссалом	28, 247
Жалил (амир)	43
Жалол баҳодир, амир Ҳамид ўғли	114, 115, 122, 134, 139, 140, 142, 173, 255
Жалолиддин Барлос (амир)	25
Жалолиддин баҳодир	79
Жалолиддин Кеши	65
Жалолиддин Маҳмуд	443
Жалолул Ислон	175, 207, 255
Жамродий	26
Жамшид	118
Жанбу	26
Жатмоқ (амир)	255

Жаҳонгир (амирзода)	44, 47, 55, 67, 69, 70, 71, 72, 73, 145
Жаҳон Малик	53, 54, 196, 255
Жаҳоншоҳ баҳодир (амир)	41, 47, 84, 94, 100, 103, 110, 115, 116, 117, 124, 129, 136, 144, 151, 152, 156, 157, 160, 164, 166, 171, 185, 187, 189, 190, 195, 200, 201, 202, 207, 209, 216, 227, 238, 245, 246, 250, 251, 255, 257, 261, 264, 432, 435
Жингши, Эбукин ўғли	13
Жиржис	145
Жирғоту	67
Жовурчи	30, 55
Жонибек	215, 255
Жонибекхон	13
Жунайд (амир)	27, 110, 255
Жунайд Туркмон	146
Жунки (амир)	61
Жўчи	12, 13

З

Зайниддин	204
Зайнулобидин	104, 105, 132
Зангий Тўний (амир)	439
Зийрак (амир)	156, 255
Зиндачашм	18, 27, 55, 58, 62, 63, 64, 65
Зубайда	24
Зулайҳо	261

И

Иброҳим	263
Иброҳимбек (амир)	272
Иброҳим Султон	157
Иброҳимшоҳ	130
Иброҳим Яҳё, шайхи раббоний	138

Иброҳим Қуммий (амир)	255
Иброҳим Халилуллоҳ	146
Ивоний	217
Идиберди бахши	149
Идику	120, 125, 171
Идику Барлос	75
Идику Манкқурт	75
Идику Чақир	174
Идрис (пайғамбар)	148
Идрис (амир)	255
Иззиддин Малик — қ. Малик Иззиддин Курд	94, 107, 120, 151
Ийдхожа	82, 83, 88, 94, 96, 101, 103, 104, 108, 113, 114, 115, 121, 122
Ику Темур (амир, баҳодир)	82, 255
Илёс (амир)	194
Илёс Афғоний	13, 99
Илёсхожа	26
Илёсхожахон	19
Илёсхожа ўғлон	13
Илик қоон	27
Иман	127
Имомиддин (мавлон)	114
Инкожак	106, 107, 114
Инкотўро	96
Иноғ Хуморий	60, 215
Искандар	213, 251, 255, 257, 270, 436
Искандар, Умаршайх ўғли	84, 94, 255, 436, 437, 439, 440, 441
Искандар Шайхий	177
Искандаршоҳ Кашмирий	26, 27
Искандар ўғлон	131
Ислом (ҳоким)	216
Исмоил	144, 174, 203
Исмоил Барлос	256, 269
Исобек	255
Исо, Йилдирим Боязид ўғли	
Исо (малик) — қ. Малик	
Исо	
Исо (султон) — қ. Султон	
Исо	

Исрофил	10
Исфандиёр	130
Исфандиёр (адабий қаҳрамон)	17
Иқболшоҳ Ёрғучи	103

Й

Йилдириш Боязид	218, 219, 220, 245, 247, 248, 252, 254, 256, 258, 262, 264, 269, 271
Йўлақту (Хон Тойзий)	13
Йўл Темур	25
Йўл Қутлуғ	73
Йўсун Мунка	13
Йўсун Темурхон, Эбукин ўғли	13

К

Кай	244
Кайхисрав	261, 446
Кайхисрав (амир)	15, 18, 25, 46, 47, 48, 49, 54, 55, 57, 60, 66, 67
Кайқубод	16, 261
Калик (?)	66
Калон Тавочи	116
Камолиддин, сайид	
Камолиддин	183, 441
Каюмарс Рустамдор	436
Келдибекхон	13
Кепак Монкқут	75
Кепак подшоҳ	30
Кепак Темур	30, 52, 64
Кепакхон, Даво ўғли	13, 14
Кепакчи-юртчи	76
Кехотухон, Арғунхоннинг биродари	13
Киржик	250
Кисро	70, 290

Кобул Султон, Дурчи ўғли	14
Кобулшоҳ	27
Кублок	117
Кудо	44
Куло	163
Кунчакхон, Давоҳон ўғли	13, 14
Кунча ўғлон	107, 113, 124, 125, 159
Кучук Темур	46
Куюк қоон	12, 13, 14
Кўзал (волий)	146
Кўча Малик	66, 107
Кўч Темур, Бекижак ўғли	25

Л

Лаъл (амир)	115
Лиқ (?) Али	134
Лолим баҳодир	108, 109, 134
Лолохожа	103
Лос Ифранжий	255
Луқмон	127
Луай авлодлари	260
Луқмон Зард (амир)	255

М

Мавло	121, 129, 133
Мавлонозодаи Самарқан- дий	32
Мавлоно Хўрдак Бухорий	32
Мазид (амир)	166
Малик (баҳодир)	28, 29, 35, 36, 38, 39, 40, 47, 48, 255
Малик Буқрот	100, 101
Малик Иззиддин Курд	98, 103, 104, 130, 131, 149, 150
Малик Исо	265, 266
Малик Муҳаммад	133
Малик Шиха Кўкар	197, 203, 205, 206
Малик Қутбиддин	92, 93

Малик Ғиёсиддин	81, 83, 84
Малик Ҳусайн	43
Маллухон	187, 189, 190
Малук	114
Мамоқ	121
Мақсуд	178
Маҳдий	5
Маҳмуд	171, 255
Маҳмуд Баротхожа	208
Маҳмуд Сабуктагин	283
Маҳмудхон, Суюрғатмиш ўғли	14
Маҳмудшоҳ (амир)	38, 41, 42, 45, 133
Маҳмудқули	23
Маън Зойида	295
Менгли Буғо	23
Менглихожа	66, 173, 236
Мизроб	185, 239, 436, 437
Милкат (амир)	195
Милкат оғо, Шоҳрухнинг хотини	169
Мирак	83, 114
Мирко Муҳаммад	103, 108, 109, 110
Мироншоҳ — қ. Амироншоҳ	
Миср, Қора Аҳмад ўғли	154, 155, 156
Митор	70
Мол кўч Пошо	256
Мосҳ	256
Моҳнус	267
Муайяд (амир)	25, 39, 41, 55, 57, 60, 67, 72
Муайяд қози	66
Мубашшир	38, 66, 76, 82, 83, 88, 94, 95, 102, 116, 121, 130, 134, 144, 165, 173, 185, 187, 196, 203, 255
Муборак	252
Муборакхон (малик)	197
Муборакшоҳ	37
Муборакшоҳ Бурдоғули	94
Муборакшоҳ Макрит	70
Муборакшоҳ Санжарий	21, 44

Муборакшоҳ, Қаро Ҳулоку	13, 14
ўғли	30
Музаффар	135
Музаффарийлар	12
Мунка қоон	235
Муовия	28, 256
Мурод (амир)	13
Мурохожа	275
Мурувват	13
Муруд	247
Муслама	23, 24, 25, 33, 35, 38,
Мусо (амир)	39, 40, 41, 42, 44, 45,
	46, 47, 48, 49, 50, 51, 52,
	55, 56, 57, 61, 62, 63,
	64, 173, 250, 255
Мусо, Йилдирим Боязид	
ўғли	255, 259, 260
Мусо Ратмол	437
Мусо Тўйбуго	228
Мусохон	13
Мустафо (пайғамбар)	235
Мустафо (амир)	219, 220
Мустафо, Йилдирим Боязид	
ўғли	255, 259
Муқбил	256
Муҳаммад, Муҳаммади Ара- бий (пайғамбар)	5, 9, 10, 100, 101, 170,
	213, 234, 235, 247, 260,
	277, 285, 430
Муҳаммад (амир, ҳоким)	39, 62, 74, 138, 295
Муҳаммад Арлот	122
Муҳаммад баҳодир	255
Муҳаммадбек (амир)	20, 100
Муҳаммадбек бин Арғуншоҳ	38
Муҳаммад Дарвиш (амир- зода)	100, 144, 152
Муҳаммадий	256
Муҳаммад Мирко — қ. Мир- ко Муҳаммад	
Муҳаммад Музаффар	135
Муҳаммад Озод (амир)	134, 139, 173, 174, 175,
	207, 241

Муҳаммад оға	263
Муҳаммад, Пўлод ўғли	13
Муҳаммад Султон баҳодир	119, 120, 123, 124, 126, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 136, 138, 141, 144, 151, 152, 153, 154, 155, 156, 159, 161, 162, 168, 170, 192, 244, 250, 251, 255, 256, 257, 261, 262, 264, 267, 268, 269, 272, 276, 293, 456
Муҳаммад Султоншоҳ	76, 92, 97, 104, 108
Муҳаммад Тавочи	255
Муҳаммад Туркмон	137
Муҳаммад Халил (амир)	255
Муҳаммадхожа Апарди	15
Муҳаммад Хуросоний	123
Муҳаммадшоҳ	168
Муҳаммад Қаландар	263
Муҳаммад Қаромон	270
Муҳаммад, Қирбек ўғли	163
Муҳаммад Қумий	130
Муҳаммад Худобанда	13
Муҳаммад, Ҳиммат ўғли	99

Н

Наврўз (хон)	13
Наврўз (амир)	43
Навқудой (амир)	67
Неъмат (мавлоно)	208
Нигор оғо	129
Низомиддин Шомий (бу банда, муаллиф)	10, 11, 227, 280, 281, 289
Никпай, Широмон ўғли	13
Никпайшоҳ	41, 42, 43
Никрўз Муҳаммад (амир)	88
Нимруд	146
Нодиршоҳ Қарокўлий	127
Носириддин Умар (мавлоно)	181, 188, 190, 192
Нубиншоҳ	105

Нуралвард, Султон Аҳмад	292
Жалойир ўғли	204
Нуриддин (мавлоно)	179, 180
Нусрат	180, 229
Нуҳ алайҳиссалом	

О

Одам	63
Одил (амир)	35, 255
Одил Султон, Муҳаммад ўғли	14
Одилхон	55
Одилшоҳ Жалойир	69, 70, 71
Одина	174
Ожуной	24
Ой Темур	204
Олтун Бахший	196, 236
Орзумулк ого	60
Ортуқшоҳ	129
Отломиш (амир)	156, 222, 231, 271
Отша	22
Оюширин Доро қоон	13
Оқ Буғо (баҳодир)	32, 38, 39, 44, 45, 49, 51, 56, 71, 74, 78, 91, 92, 110
Оқ Буғо, Султон Аҳмад ўғли	97
Оқ Сўфи, амир Нангқудой ўғли	67
Оқ Темур баҳодир	39, 45, 67, 72, 76, 88, 91, 92, 94, 96, 99
Оқтов	159, 161

П

Панжшанба	50
Пир Али (амир)	114, 145, 173, 207, 208
Пир Муҳаммад, амирзода Жаҳонгир ўғли	166

Пир Муҳаммад, Умаршайх ўғли	95, 129, 131, 132, 133, 134, 138, 149, 164, 166, 177, 178, 179, 180, 181, 185, 189, 190, 191, 195, 198, 199, 200, 201, 206, 207, 209, 228, 238, 250, 255, 257
Пир Муҳаммад Шонкум (амир)	255
Пирподшоҳ Луқмон ўғли	127
Пирҳожӣ, Тилончи ўғли	115
Подшочуқ	256
Пошшо (амир)	255, 270
Поянда Баҳши (амир)	255
Пўлод баҳодир	45, 71, 73, 133
Пўлод Буғо	24, 27, 28, 41, 46, 51, 55
Пўлод (ҳоким)	163

Р

Рамазонхожа	94, 100
Расулulloҳ — қ. Муҳаммад (пайғамбар)	
Ратан рой	201
Робиа	211
Рой Дулжин	182, 183
Рой Ратан — қ. Ратан рой	
Рустам Барлос	195
Рустам баҳодир, Умаршайх ўғли	144, 160, 165, 168, 171, 172, 177, 185, 189, 194, 204, 207, 228, 234, 239, 240, 241, 251, 255, 257, 263
Рустами Достон	17, 26, 163, 251
Рустами Тағой Буғо (амир)	239, 241, 261
Руқия хоника, Кайхисрав- нинг қизи	47

С

Сайид Али	157, 213
Сайид Барака	57, 124, 126
Сайид Иззиддин	228
Сайид Камолиддин	97, 98, 126, 127, 128
Сайид Разиуддин	97, 127
Сайид Ризо Киё	294
Сайидхожа, Шайх Али баҳодир ўғли	140, 142, 187, 195, 216, 255, 263
Сайид Шамсиддин	193
Сайид Фиёсиддин	98, 127
Сайид Муҳаммад Маданий	177
Сайфиддин (амир)	26, 27, 32, 40, 42, 50, 65, 80, 122, 124, 156
Сайфиддин Тожик	130
Сайфул (амир)	110
Салим (амир)	255
Санжар (амир)	255
Саодат (амир)	132, 250
Сарбадорлар	92
Сарой	255
Сарой Мулк хоним, оғо (Қазон Султон қизи)	95, 102, 126, 129, 136, 150, 152, 155, 157, 167, 171, 209, 249, 276
Саройхожа	255
Сарой, Қаландар ўғли	194
Сата	269
Сафий габр	194, 195
Севинч	22
Севинчак, Севинжак (баҳодир)	83, 95, 108, 113, 121, 130, 131, 171, 173, 185, 186, 187, 228, 234, 239, 255, 270
Севинч Темур	174
Сиддиқ	22
Сирож	92
Сойин Темур	121, 133, 174, 202
Сойинхон	13
Солучи	116
Сори Буғо (амир)	28, 38, 39, 45, 49, 67, 71, 92, 137

Сория	6
Сориқ	25
Сори Қулончи	20
Сору Одил	97
Соси Нукой	13
Сотқин	76
Судун	224, 225, 227, 228
Сулаймон	434, 436
Сулаймон (амир)	23, 24, 25
Сулаймон, Йилдирим	
Боязид ўғли	255, 262, 264
Сулаймон Сўфи	108
Сулаймонхон	13
Сулаймоншоҳ (амир, баҳодир)	44, 107, 116, 123, 176, 178, 182, 183, 185, 187, 189, 190, 195, 198, 199, 200, 201, 207, 228, 240, 241, 245, 250, 251, 253, 255, 257, 261, 263, 270 275, 436, 437
Султон	83
Султон Али Арзиний	146
Султон Аҳмад	97, 99, 139, 140, 214, 216, 239, 245, 246
Султон Аҳмад Жалоир	292, 293
Султон Барлос (амир)	255
Султонбахт оғо (Амир Темур қизи)	126
Султон Жалолиддин	14
Султон Жалолиддин Ма- ликшоҳ	177
Султон Исо	146, 147, 149
Султон Маҳмуд	187, 191
Султон Маҳмудхон	111, 161, 171, 185, 186
Султон Муҳаммад, Абу Саъ- ид ўғли	166
Султон Муҳаммад, Йўл Қутлуғ ўғли	13
Султон Муҳаммад Хоразм- шоҳ	222
Султон Туғлуқшоҳ	193
Султоншоҳ	97, 104, 130

Султон Ҳусайн баҳодир	166, 171, 185, 186, 189, 190, 226, 227, 230, 233, 234, 236, 237, 238, 250, 251, 255, 257, 261, 263, 270, 275
Сунқур	115
Суружа	256
Суюрғатмиш, мишхон	Суюрғат- 14, 38, 57, 58, 61, 67, 110, 111
Сўфи Халил (амир)	255

Т

Табаррук	275
Тамук, Тамука	21, 23, 24, 133
Тангриберди (амир)	241
Тангрибермиш (амир)	255, 256
Тармаширин, ринхон	Тармаши- 13, 194
Тармочуқ	45, 46
Тағой	250
Тағой Буғо	39
Тағой Буғой Барлос	171, 177, 185
Тағой Мергон	122
Тағой Темур, хон	Тағой Темур- 13, 127
Тағойшоҳ	45, 46
Таҳуртан	103, 104, 153, 156, 214, 218, 219, 251, 252, 255, 259
Тезакчи, Тезакчи Жалойир	54, 64
Темур, Бубакон ўғли	25
Темур	289, 434 яна қ. Амир Соҳибқирон
Темур Малик (амирзода)	104, 250
Темур Малик ўғлон	76, 77, 78
Темуртош	224, 227, 228, 256
Темурхожа ўғлон	21, 22, 28, 30, 130, 133, 153, 166

Темуршоҳ, Йўсун ўғли	13
Темур қоон	13
Темур Қутлуғ ўғлон (хон)	13, 107, 113, 125, 171, 213
Термиз сайидлари	193
Тилок	103
Тилончи (амир)	28, 62, 115
Тобон баҳодир (амир)	29, 62, 91
Тобтуқ (амир)	255
Товус	163
Тож	92
Тойзи ўғлон	172
Тойхожа	66
Тойхожа Салбарий	25
Тойғо	77
Толиқу, Бўри ўғли	13
Тохча Бўрон	284
Тош Темур ўғлон	161, 255
Тоҳир	256
Тублоқ (амир)	113, 255
Тулак ўғли хон Тойзий	13
Тулужон	75
Тулун Буғо	23
Тумон, Тумон Гармсери (амир)	21, 22, 23, 66, 91, 93
Тумон ого	40, 129, 136, 211
Тумон Темур (амир)	74, 77
Тумса	26
Тумқули	23
Туркон	70, 71
Турмиш	71
Туроншоҳ	50
Турумжи	41
Туго	22
Тутон	99
Туғлуқ	25
Туғлуқ Темур (амир)	17
Туғлуқ Темурхон	15, 16, 18, 19, 46, 47
Туғлуқхожа	25
Туғлуқхожа Барлос (амир)	22, 23
Тўй Буғо	79
Тўй Буғо Шайх	116
Тўкал (амир)	19

Тўкал баҳодир	40, 107, 255
Тўкал боварчи	134
Тўкал хоним, Хизрхожа ўғлон қизи	169, 170
Тўкал Қарқаро	237
Тўли	12, 13
Тўмкон Темур Малик	13
Тўнғузхон	213
Тўқтамиш, Тўқтамишхон	13, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 97, 101, 102, 105, 106, 112, 117, 120, 121, 124, 157, 158, 159, 160, 161
Тўқтахон	13
Тўқтақиё, Ўрусхон ўғли	13, 75, 76
Тўқта қоон	13
Тўқ Темур (амир)	15, 16, 26
Тўғонхон	191

У

Удурку	159, 163
Узун Улжойту	68
Улжой Буғо	30
Улжой Буғой Сулдузий	15
Улжой Мўғул	47
Улжой Темур тунқатор	204
Улжойту (амир)	13, 15, 28, 41, 42, 46, 47, 50, 57, 60, 62
Улжойту Апарди (амир)	62, 63
Улжойту Дароз	95
Улжой Туркон ого (Амир Темурнинг хотини, Амир Хусайннинг синглиси)	20, 21, 27, 32, 36
Улжойту Тойхонжи	45
Улжойтухон	13
Улус (амир)	133
Улугбек (амирзода)	171, 210, 429

Умар, Умар баҳодир (амир- зода)	82, 88, 96, 99, 107, 115, 210, 255, 290, 432, 434, 435, 437
Умарбек (амир)	255
Умар ибн Хаттоб	6
Умаршайх баҳодир (амир- зода)	58, 72, 74, 80, 106, 107, 109, 113, 114, 115, 116, 117, 123, 124, 130, 131, 134, 135, 147, 153, 166, 213
Умаршоҳ (амир)	83, 89,
Умил	176
Умм Салама	234
Умм Ҳабиба	234
Усмон Аббос	101, 109
Усмон баҳодир	113, 115, 124, 133, 139, 140, 145, 151, 156
Усмон Зийрак (амир)	255
Усмон ибн Аффон	6
Учқаро баҳодир	25, 45, 46, 69, 73, 91, 103, 108, 115, 129, 136, 137, 144, 145, 149

Ф

Фазлуллоҳ Балхий	191
Фараж	239, 240
Фараж, Барқуқ ўғли	213, 274
Фаридун	244
Фарҳод (амир)	28, 33
Фахриддин	263
Фахриддин Аҳмад Тусий	442, 444
Феруз	226
Ферузбахт	99
Феруз Сеистоний	184
Ферузшоҳ	186, 188
Фотимайи Заҳро	9, 235

Х

Халил (амир)	55, 57, 256
Халил Султон, Мироншоҳ ўғли	95, 176, 182, 185, 189, 190, 191, 200, 203, 214, 236, 237, 240, 241, 250, 255, 257, 261, 436
Халил ясовул	84
Ҳамшо	213, 214
Хизр (амир)	15, 16, 17, 64, 65, 263
Хизрбек	272
Хизр хазиначи	37
Хизрхожа ўғлон	116, 169, 171, 213
Хизрхон	13
Хисрав	83
Хитой баҳодир	43, 50, 51, 57, 63, 64, 67, 71, 72, 74, 76
Хожа Али (амир)	110, 255
Хожа Али Муайяд Сабзаво- рий	85, 99
Хожа Маҳмуд Сабзаворий	131, 145, 240
Хожа Маҳмуд Шаҳоб	181
Хожа Муҳаммад	182
Хожа Ростӣ	134
Хожа Шайх	113
Хожа Шайхзода	67
Хожа Шоҳин	155
Хожа Юсуф (амир)	62, 110
Хонзода	63, 64, 168
Хонзода бегим	67, 68, 95, 136, 276
Хонзода хоним, Шакарбек қизи	138
Хон Тойзий, Тулак ўғли	13
Худойдод баҳодир	92, 96, 107, 116, 123, 166
Хумори ясовул	66, 120, 133
Хўрдак Бухорий — қ. Мав- лоно Хўрдак Бухорий	

Ч

Чеко тавочи	124
Черик	38
Черкас	13
Чеҳра	178
Чингизхон	10, 12, 14, 58, 174, 177, 221, 222, 224
Чигатойхон	10, 12, 13, 14, 58, 65
Чоку (амир)	17, 23, 24, 25, 26, 28, 35, 36, 38, 40, 42, 43, 44, 56, 57, 63, 91, 432
Чўлпон Мулк ого	117, 129, 146
Чўпон (амир)	43
Чўпон Сарбадор	57
Чўғон (амир)	18

Ш

Шаддоди Од	104
Шайх	149, 150
Шайх Абдул	208
Шайх Али	142, 145
Шайх Али Бадахшоний	53
Шайх Али баҳодир	44, 45, 51, 56, 57, 64, 66, 67, 72, 82, 88, 89, 90, 91, 95, 99, 101, 103, 107, 113, 114, 115, 116, 127, 130, 134, 142, 144, 174, 195
Шайх Али Журжирий	18
Шайх Али Қарокўлий	127
Шайх Али Ҳарғубий	103
Шайх Арслон	139, 171, 173, 185, 186
Шайх Аслон (амир)	255
Шайх Аҳмадхожа Афғон	208
Шайх Бурҳониддин Қилич	72
Шайх Довуд	119, 120
Шайх Иброҳим	101, 165, 213, 279, 292
Шайх Иброҳим Яҳё	138

Шайх Микоил	130
Шайх Мунаввар	181
Шайх Муҳаммад	25, 37, 47, 48, 54, 55, 57, 67, 69, 70, 134, 174, 255
Шайх Муҳаммад Баён	70, 71
Шайх Муҳаммад Ику Темур (амир)	179, 182, 186, 203
Шайх Нуриддин баҳодир (амир)	157, 159, 171, 172, 178, 179, 180, 181, 182, 183, 184, 185, 189, 190, 195, 200, 202, 207, 217, 234, 235, 236, 240, 241, 250, 251, 253, 255, 262, 270, 280, 284
Шайх Нуриддин Исфарионий	138
Шайх Саъд Ажудоний	181, 183
Шайх Темур баҳодир	107, 133, 137, 144
Шайх Яҳё	91
Шайх Ҳасан	99, 255
Шайх Ҳасан Қовчин	174
Шайх Ҳожи	137
Шакарбек	138
Шамс Ўрдушоҳ	174
Шамсиддин (амир)	28, 30, 49, 70, 92, 94, 108, 116, 129, 144
Шамсиддин Алмолиқий (амир)	158, 255
Шамсиддин Мунший	434
Шамсиддинбек	136
Шамъун (пайғамбар)	58
Шанкул	113
Шарафиддин Али Симноний	444
Шаҳобиддин Муборак Та- мим	177, 178
Шаҳсувор	255
Шербаҳром	22, 23, 24, 25, 27, 28, 34, 35, 36, 37
Шером Ижам (?)	28
Шерўғул	52

Ширинбек оғо, Амир Темур-нинг синглиси	55
Шиха Кўкар — қ. Малик	
Шиха Кўкар	
Шодибек	13
Шонкум (амир)	25, 28
Шоҳ Баҳоуддин	16
Шоҳ Вали (амир)	255
Шоҳ Жалолиддин	91, 109
Шоҳи шоҳон (амир)	92, 228, 255
Шоҳин	256
Шоҳ Искандар	204
Шоҳ Малик, Шоҳ Малик Тархон (амир)	103, 116, 122, 123, 142, 173, 175, 179, 181, 185, 186, 189, 190, 191, 193, 194, 197, 199, 200, 207, 234, 235, 236, 240, 241, 250, 255, 267, 270, 281, 282, 283, 284, 436
Шоҳ Мансур	105, 131, 132, 133
Шоҳрух баҳодир (амирзода)	102, 126, 128, 132, 133, 134, 136, 141, 143, 150, 151, 152, 156, 157, 166, 167, 169, 180, 208, 209, 210, 220, 223, 233, 240, 241, 255, 257, 266, 270, 275, 430, 441
Шоҳсувор	129
Шоҳ Турон (амир)	255
Шоҳ Шужоъ	89, 95, 104, 132
Шоҳ Яҳё	105
Шуқал	165

Э

Элдигиз	256
Элдортон	256
Элийғмиш ўғлон	108
Элги Буғо баҳодир	32, 39, 40, 45, 54, 56, 67, 71, 76, 80

Элчиндойхон, Даво ўғли	13
Элчи Темур қоон	13
Эмин Сарбадор	71
Энғирчоқ, Ҳожибек ўғли	30
Эрунус	256
Эсан Буғо, Даво ўғли	13
Эсин Темур (амир)	255

Ю

Юсуф (амир)	255, 256
Юсуф алайҳиссалом	260
Юсуф Сўфи	67, 68, 79, 80, 81
Юсуфхожа (амир)	26, 110
Юсуфшоҳ Хожа (амир)	66
Юшаъ пайғамбар	58

Я

Язид	235
Ясудор қоон	13
Яъқуб	253, 256
Яҳё (амир)	174

Ў

Ўзбек (подшоҳ)	67
Ўзбекхон	13
Ўктой қоон	12, 14
Ўлмас, Тумон ўғли	23
Ўлон Буғо	114
Ўрдувон	17, 215
Ўрду хотун	33
Ўрдушоҳ	44
Ўртоқ	158
Ўрусхожа	78

Ўрусхон	71, 72, 75, 76, 77, 118
Ўрунг Темур	29, 64, 77, 78
Ўғлон (Амир Темурнинг оти)	76

Қ

Қазон Буғо баҳодир	39
Қазон Султон	13, 95
Қазончи баҳодир	75, 158
Қазончи, Ҳарту Эсин ўғли	22
Қазоғон (амир)	14, 52
Қайдухон	14, 68
Қайсар	44
Қаландар	194
Қамариддин (амир)	52, 69, 70, 71, 72, 73, 74
Қарлуғоч (амир)	62
Қаро (амир)	36
Қаро Аҳмад (амир)	255
Қаро Аҳмад Туркмон	103, 154
Қаро Кесак	76
Қаромон (амир)	255
Қаро Муҳаммад	133
Қарохон	113
Қарочор, Қарочор Барлос	10, 14, 58
Қаро Юсуф (Туркмон)	152, 248, 249, 252, 259, 290, 293
Қаро Ҳулоку	13
Қидбо Тархон	113
Қишлой қоон	13
Қубилай Чичон	12
Қулинчоқ баҳодир	124
Қумартағу	116
Қуртғо хотун	68
Қусам ибн ул-Аббос	211
Қутбиддин	92, 255, 269
Қутлуғ Буғо, Ўрусхон ўғли	75
Қутлуғ Темур	15
Қутлуғ Туркмон оғо (Амир Темурнинг опаси)	21, 70, 86, 90
Қутлуғхожа	13

F

Гиёсиддин (амир)	441
Гиёсиддин — қ. Малик	
Гиёсиддин	
Гиёсиддин Тархон	66, 77, 116, 134, 144, 145, 169, 171, 185, 190
Ғозонхон	13

X

Ҳайдар	23
Ҳамдий	29
Ҳамза-йи Тағой Буғо Барлос	171, 185
Ҳамид (амир)	18, 26, 27, 121, 122, 140
Ҳарий Малик	174, 180, 255
Ҳарту Эсин ўғли Қазончи	22
Ҳасан (амир)	142, 143, 253
Ҳасани мужтабо	7
Ҳасан Пошо	256
Ҳиммат	99
Ҳинду (амир)	45, 57
Ҳиндука (амир)	23, 36
Ҳиндушоҳ (амир)	30, 44, 57, 76
Ҳиндушоҳ Хозин	203, 206, 208
Ҳожи Барлос (амир)	15, 16, 17, 18
Ҳожибек (амир)	29, 49, 52, 69, 105, 114
Ҳожибек	25, 30
Ҳожи бобо	255
Ҳожи Маҳмудшоҳ (амир)	16, 96, 129, 136
Ҳожи Муҳаммад	20
Ҳожи Сайфиддин баҳодир (амир)	22, 25, 28, 38, 39, 45, 46, 80, 82, 91, 92, 99, 103, 113, 123, 126, 156, 157, 160, 161, 162, 186

Ҳожи Хожа	88, 95
Ҳожи Шараф (амир)	152
Ҳожи Эркинугий	15
Ҳорун	6
Ҳотаи Той	295
Ҳофизи Абри	430
Ҳулокухон, Тўли ўғли	13
Ҳусайн (амир)	15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 173, 255
Ҳусайнбек (амир)	57
Ҳусайн Малик	173
Ҳусайни шаҳиди Карбало	7
Ҳусайн Сўфи	33, 65, 66, 67

ЖОЙ НОМЛАРИ КЎРСАТКИЧИ

А

Абдуллоҳ ариғи	23
Абоса	163
Абошо ҳисори	137
Абу Муслим Марвазий мо- зори	84
Абхоз	216, 284, 285, 434
Абхар	437
Авник қалъаси	103, 153, 217, 276
Авоно мавзеи	141
Аёслиғ	265
Ажам	98, 225
Ажиғий	21
Ажудан шаҳари	181, 182, 183
Ажудан суви	182
Айғирёли кечиги	120
Акридурунис қалъаси	269
Аланжиқ қалъаси	102, 152, 153, 165, 166, 206, 238
Алиато мозори	50
Алиобод	50
Алиш юрт	153
Алма қуруғ мавзеи	137
Алодоғ	103, 151, 152, 156
Алтой	447
Амосия	275
Амударё	16
Андаров	172
Андигон	72, 106
Андхўй	81
Анкудон вилояти	136
Анкурия	253, 261, 269
Аноқирқуюн (мавзе)	118, 119
Антоб қалъаси	223, 237

Араб Ироқи — қ. Ироқи	
Араб	
Арбил мавзеи	145
Ардабил	101, 142, 432
Ардибек (қалъа)	216
Арзинжон	103, 104, 153, 214, 218, 250, 251
Арзирум	103, 250
Арас суви, наҳри	244, 291, 431
Арис суви	113
Арманистон, Армания	215, 237, 285, 432
Арпа Ёзи	70
Аррон	432, 434
Аррон Қаробоғи	292, 430, 431, 434
Арсаф (дарёси)	22, 23
Арғувон (сув)	132
Арғун қўриғи	103
Арҳанг	15
Арҳанг Сарой	24, 48
Асвон манзили	181
Асико мавзеи	208
Асинди (ҳисор)	186
Асор мавзеи	194
Астробод	94, 127, 436
Ато қум	73
Ахлот	103, 152, 153
Аччиғ Кўкалдир	46
Ашкалача (ҳисор)	84
Ашкужон	164, 165
Ашмо	152
Ақдон — қ. Оқдом мавзеи	
Ақтодиктур (?) мавзеи	115
Аҳруни қалъаси	184

Б

Баалбак	224, 229
Бавон (ўзан, дара)	133
Бадахшон	15, 16, 24, 51, 53, 54, 57, 88, 286
Бадхобдон (?) даҳонаси	208
Байлақон	286, 289, 290, 291

Байлақон наҳри	288
Байтуллоҳ	99
Байқут мавзеи	116
Балиқ (?) мавзеи	264
Балх	15, 23, 24, 30, 51, 52, 58, 61, 81, 94, 95, 110
Балх суви	61
Банди Рустам	93
Банди Усор (мавзеи)	141
Бани Умайя масжиди	236
Бардаъ	214
Барзина	267
Барка-йи Ғуриён (мавзе)	69
Бароғон	162
Барсгӯрд (мавзе)	217
Басра	144, 278
Батнайр	181, 182
Башорий (мавзе)	151
Бақлон	22, 31, 110, 209
Бағдод	97, 99, 129, 138, 139, 141, 145, 147, 206, 221, 238, 239, 240, 241, 242, 245, 246, 250, 277, 278, 290, 292
Беш Бармоқ (мавзе)	137
Бермас мавзеи	43
Беҳасти (қалъаси)	223, 224
Бидак мавзеи	132
Бидлис	152
Биёҳ суви	179, 180, 206
Бикри	200
Билжиман	161
Билжир	116
Билоди Инижка	210
Билон (мавзе)	113
Бира қалъаси	237
Биртис қалъаси	280, 284
Бистом	442
Бишканд	164
Биҳира	200
Боб ул-Абвоб	9, 434
Бовард	95
Бодом суви	28

Бодон (ариқ)	208
Бойла қалғасы	203
Боймароғ	38
Бойсун (мавзе)	36
Бойтоқ (мавзе)	69
Болу (ҳисор)	165
Болқон мавзеи	163
Бону мавзеи	176
Ботмон	152
Боязид қўрғони	103
Боғи Бут (марҳала)	194
Боғи Дилкушо	169
Боғи Зағон	84
Боғи Чинор	211
Булон мавзеи	107
Булунғур	47
Бурдолиқ	38, 39, 42
Буркажит (кечик)	120
Бурса	261, 262, 264
Бурулдой эли	110
Буст	93
Бухоро	21, 41, 42, 43, 71, 75, 79, 85, 107, 109, 110, 294
Бўри-боши	114
Бўружард	99, 130
Бўғозқум мавзеи	164

В

Вазиробод	193, 194
Вали яйлоқи	129
Вон (ҳисор)	103, 104
Восит	141, 144, 278

Г

Ганг дарёси	195, 196, 197, 199, 206
Гармсир	21, 22, 27, 93, 137
Гилон	101, 294, 295, 434, 441
Гилон денгизи	245
Гилонот	295, 442
Гирдикуҳ мавзеи	96

Говкураш мавзеи	95
Гуйим қалъаси	133
Гунбадак жулгаи	137
Гунбази Лавли (мавзе)	38, 40
Гурж, Гуржистон	156, 157, 214, 215, 222, 238, 242, 277, 278, 432, 434, 443
Гҳаггар суви	185

Д

Давлатобод боғи	210
Даёлама	294
Дажла	139, 150, 239, 241
Дамашқ	128, 139, 141, 224, 225, 227, 228, 230, 231, 232, 233, 234, 236, 237
Дамли	267
Дамованд (тоғ)	442
Дандана дарёси	206, 207
Дарагез суви	23
Дарбанд	101, 102, 130, 131, 138, 141, 145, 157, 158, 161, 165, 434
Дарвозайи ийдгоҳ	193
Даркалу (ҳисор)	165
Дарқий (мавзе)	158
Дашти Карбало	140
Дашти Қипчоқ	13, 117, 158, 170, 206
Даҳанайи шер	93
Дез-чубин эли	146
Денғизлиғ	265
Деҳи нав	37
Деҳли	9, 170, 181, 186, 187, 188, 191, 192, 193, 204
Диболпур	177, 181, 183, 185
Диёрбакр	278, 434, 437
Дизак	47, 48
Дизза	82
Дизфул	131
Дилбар (мавзе)	137
Дилкушо кўшки	210

Добон тоғи	53
Домғон	129
Думонж	263
Дурбаржин мавзеи	210
Дурин	171, 175
Дурун мавзеи	95
Е	
Ертиқудуқ	47
Ё	
Ёйиқ суви	120
Ж	
Жаббахжур	152
Жаббахжур суви	103
Жабҳон (мавзе)	207
Жазира	149, 150
Жайхун, дарё	440, 451
Жалиш	116
Жалоний	25
Жамад суви	177, 178
Жамму дарёси	202, 203, 205
Жамму қасабаси	204, 205
Жанжон мавзеи	180, 181
Жарбодақон	104
Жару чўли	177, 207
Жаун дарёси	186, 187, 189, 194, 201, 206
Жаҳаннамдара	439, 440
Жаҳоннамой (мавзе)	186, 187, 188
Жаҳоннамой кўшки	210
Жаҳон новар дашти	137
Жаҳонпаноҳ масжиди жомеи	192, 193
Жаҳоншоҳ қишлоғи	210
Жигдолик (мавзе)	25, 41, 45, 82
Жидрис ариғи	107
Жийжол мавзеи	107

Жилован мавзеи	95, 129
Жилон — қ. Гилон	
Жинова суви	178, 205, 206
Жиҳвол (манзил)	181
Життон (мавзе)	185
Жол (мавзе)	179, 180
Жорунқо (мавзе)	69
Жуд тоғи	177, 207
Жулот	159
Жулоҳон мавзеи	132
Журбодакон	136
Журжон суви	95, 126
Журмун кўтали	53
Жусақ	151
Жўйи Гурлон	66
Жўйи Зар	126
Жўйи Нав	208
Жўйи Қовун суви	67

З

Зарнуқ	112
Зийра вилояти	165
Зиреҳ қалъаси	92
Зовул	228
Зурят қалъаси	216

И

Идил дарёси	160
Измир қалъаси	266, 267, 269
Ийик суви (қ. Ёйиқ, Яйиқ суви)	120
Ийғир суви	216
Ило (мавзе)	116
Илончуқ мавзеи, суви	118
Инижка — қ. Билоди	
Инижка	
Инижкакўл	47
Ироқ	13, 102, 125, 129, 136, 168, 206, 212, 278
Ироқи Ажам	432, 434, 444

Ироқи Араб	245, 278, 434, 437
Иртиш	115
Искандар девори	437, 438
Искандария	274, 434
Иссиқ кўл	74
Истанбул	264, 279, 434
Исфароин	85
Исфаҳон	104, 105, 134, 135, 136
Исфизор	91
Исҳоқ қудуғи	38
Итичмас Алокўл мавзеи	115
Ифранж	443
Ишқамиш	51
Ишқобод	442

К

Кабуд Жома	89, 95
Кавроқўргон ҳисори	138
Кайтал мавзеи	185
Калау (шаҳар)	267
Калот	85, 87, 88, 89, 94
Калотиён мавзеи	177
Канбадак Жулгойи (мавзе)	137
Канбойит	9, 170
Караҳруд (мавзе)	130
Карбало	7, 140
Каргас кўтали	53
Каркук қалъаси	145
Кармина мавзеи	71
Ката мавзеи	194
Катур	172, 173, 175
Кат ҳисори	108
Кашмир	204, 207
Каъба	33, 59, 260
Каҳмард	22
Кемоҳ (Комоҳ) қалъаси	249, 250, 251, 252, 259
Кеш	15, 17, 18, 25, 30, 33, 45, 51, 52, 55, 61, 81, 167
Кеш довони	210

Кешм (мавзе)	53
Кеш чўли	18, 37
Киж	93
Кийлон вилояти	165
Кирмон	434
Кирмош	208
Киту	100
Кичик Доғ	118
Кичик Лур	98
Кичик Қаробоғ (мавзе)	100
Кобул	91, 110, 171, 175, 176, 208
Кобул ҳисори	51, 52
Козерун вилояти	134
Конигил (мавзе)	169, 445
Кот	65, 68, 71
Кот ҳисори	66
Кошғар	117
Коҳта қалъаси	220
Кужроти майдони	25
Кузан (мавзе)	117
Кузистон (?)	141
Куказ	116
Куло (қалъа)	162
Кулорадашт (водий)	441
Кундуру мавзеи	201
Кунккор ўланг	53
Кур дарёси	100, 102, 157, 165, 213, 216
Курдистон	99, 104, 129, 130, 141, 152, 242, 245, 278, 434
Курлон суви	216
Курон	53
Куроқўрғон ҳисори	138
Кур қалъаси	130
Кўка тоғи	201, 202
Кўканг	46
Кўкёр	165
Кўксоли мавзеи	114
Кўкча денгиз	102
Кўлак	24
Кўк Тепа (мавзе)	69
Кўли Лужа (мавзе)	137

Кўмишканд	50
Кўпла тоғи	197
Кўпла дарёси	197, 198, 199
Кўрдунг	41
Кўрчун	113
Кўтоҳия	261, 263
Кўшак мавзеи	168
Кўшки Арғун	442
Кўшки Жанкаши	244
Кўшки Чўпон	130
Кўшки Ғозон	242
Кўҳак	30
Кўҳистон	88, 103, 108, 141, 149, 157, 163
Кўҳна дарё — қ. Эски Ўғуз	
Кўҳна Деҳли	192, 193

Л

Лаби ҳавзи хос	191
Лажма	141
Лангару (мавзе)	96
Лағмон мавзеи	110
Лиҳовар вилояти	193, 205, 207
Лиҳовар суви	206
Лор	168, 442
Луний ҳисори	186, 188
Луристон	132, 250
Луҳра	88

М

Маёпур (вилоят)	200
Макка	57, 260
Макрон	93, 168, 215
Малик Деврож қалъаси	203
Малотия	220, 222
Мамоқ мамлакати	78

Мамуқта	93
Мамуқта вилояти	164
Манкармон суви	161
Мансура мавзеи	195
Ману қаряси	205
Маранд (мавзе)	102, 153
Маранд суви	152
Марв	60
Марвон (мавзе)	130
Мароға	104
Маснор мавзеи	203
Маҳмудий (мавзе)	20
Маҳмудобод	157
Миёна	437
Миёфориқин	152
Мико ҳисори	165
Манкўл саҳроси	157, 217
Мино ҳисори	168
Мирт қалъаси	194, 195
Миср	9, 141, 146, 148, 206, 213, 221, 222, 224, 230, 231, 233, 234, 274, 434, 447
Мовароуннаҳр	9, 18, 19, 125, 225, 294
Мозандарон	89, 125, 129, 436, 438
Мозандарон денгизи	245, 444
Моли Амир Шул	132
Мордин	145, 146, 147, 149, 150, 238, 265, 266, 267, 278, 279
Мохон	20, 38, 41, 42, 43, 87, 129
Мочин	213
Мудула мавзеи	194
Мулғуту (мавзе)	116
Мунк (қалъа)	14, 185
Мункаро ҳисори	130
Мурғоб	91, 95
Муш саҳроси	103, 152
Муқурқаро	52
Мўлтон	177, 180
Мўсул	142, 145, 149, 150
Мўшку (Москва)	161

Мўғон	434
Мўғулистон	15, 46, 69, 106, 110, 170, 213

Н

Наботор	53
Навбандгон (мавзе)	133
Навмуқон	168
Навқат	44
Нагаркут	202
Нажрон	285
Наргис (ҳисор)	165
Насой	85
Нахчивон	99
Нахшаб	46
Нақши жаҳон	211
Нағз қалъаси	176, 177, 207, 208
Наҳри Барлос	245
Некниҳод	171
Ниёзий	49
Никоту мавзеи	116
Нил	434
Нилон	104
Нисо (мавзе)	95
Нишопур	442
Ниҳованд	6, 130, 166
Новрин кутали	116
Нохушак (манзил)	209
Нур (қалъа)	441

О

Оби Ём	26, 27, 46, 49
Оби Жулохон	132
Обилистон	219
Оби Раҳмат	45
Оби Сиёҳ	23, 124
Оби Ширин	132
Оби Шўр	24, 131
Оби Қаросув	195
Оби Қўй	158

Обсол мавзеи	130
Одий тоғи	172
Одил Жуз	153
Озарбайжон	208, 212, 290, 291, 432, 434, 435, 437
Озоқ	161, 162, 170
Озурмон мавзеи	137
Ойдин ҳисори	103, 153, 156
Ойнаруз	267
Ойиша хотун суви	64
Ойу Қиз	114
Олой	55
Олтин кўприк	145, 239
Олтой	14
Ол Қўшун	113
Омул	436, 441
Омул вилояти	97, 127
Омуя суви	18, 21, 23, 24, 30, 38, 41, 42, 51, 53, 63, 71, 82, 94, 110, 126, 128, 166
Осун дараси	214
Отбоши	70, 72
Оқбулоқ	138
Оқ Буғро (мавзе)	99
Оқдом мавзеи	165, 293
Оқ ёр	17
Оқжаб вилояти	100
Оқкўтал	48
Оқ Машҳад саҳроси	242
Оқор	27, 113
Оқ сарой	81, 97, 167
Оқсиқо	156
Оқсой	137
Оқсой суви	106
Оқ Сумо	113
Оқсўлот	449
Оқуби	40
Оқ Шаҳир	261, 270, 272, 274
Оқ қиё	41
Оққубий	21
Оқ қўрғон	134
Оҳангарон	170

П

Пазди кўҳна	38
Пала	186
Пири Камар мозори	245
Пирузпур	195, 198
Поёб	19
Понипат	186
Порёб мавзеи	71
Порсин	48
Пули Кўйла (Кўпла)	185
Пули Миёна	437
Пули Сангин	25
Пўшанг қалъаси	82, 83

Р

Работ (мавзе)	133
Работи Малик	47, 71
Ражабпур қалъаси	184
Рай	96, 97, 104, 129, 434, 437
Рамон	267
Раъс ал-Айн	139, 146
Родкон	89
Ромиз	131
Рудак суви	210
Руди Манқут	132
Рум	9, 136, 153, 206, 217, 218, 219, 220, 222, 245, 246, 247, 248, 249, 251, 252, 254, 255, 258, 262, 265, 275, 276, 277, 430, 434, 443, 447
Рустамдор	96, 97, 439, 441
Руғад	89
Руҳо вилояти	146
Руҳо шаҳри	237

С

Сабзавор	85
Савур	151

Садди Искандар	212
Сайром	48
Сайхун	14, 450, 451
Сакистон	115
Салмос	104
Самангон	209
Самар суви	120
Самарқанд	15, 17, 19, 21, 26, 27, 30, 31, 32, 33, 35, 45, 46, 48, 49, 57, 62, 66, 67, 68, 69, 71, 74, 77, 85, 93, 94, 97, 102, 105, 107, 109, 110, 115, 117, 126, 128, 156, 157, 166, 167, 168, 169, 170, 206, 209, 210, 211, 212, 244, 261, 290, 291, 294, 430, 436, 442, 443, 444, 445, 449
Самдарак	267
Самилғон	89
Самово	216
Самур суви	101, 158
Санкиз Ёғоч	64, 73
Санксун	137
Сан Салиғ	114
Сарастий шаҳри	184
Сарахс	43
Сариғ Ўзан	113, 118
Сароб мавзеи	209
Сарой	161, 164, 170
Сарой Ўрдим	115
Сарча Бел	245
Сафд	224
Сағча қудуқ	19
Свонет	216
Севосир	152
Сеистон	21, 88, 91, 92, 93, 225, 228
Семнон	129
Се-поя (мавзе)	66, 71
Сиволик тоғи	199, 200, 201, 202

Сивос	217, 219, 220, 248, 252, 253
Сийнобод	261
Симсим (вилоят)	163
Синд	110, 170
Синд дарёси	14, 177, 188, 204, 207
Сирий	192, 193
Ситр	267
Сичқон добон мавзеи	116
Сигноқ	76, 77, 78
Сиҳвол	181
Сова	221
Соврон	75
Солисарой	14, 24, 27, 33, 54
Солорбулоқ	47
Сомона	185
Сонбит	204
Сори, Сорий	97, 441
Соря	436
Сориг Ўзан	113
Сорониюс	264
Сосун	267
Соқиз	269
Соғарж	46, 112
Султония	97, 129, 136, 138, 150, 152, 153, 157, 158, 166, 212, 218, 238, 276, 429, 436, 437
Султон Урдуж (мавзе)	168
Султон ҳисор	269
Сунж суви	159
Сури ҳисори	261
Сурмори ҳисори	99
Суткўл	116
Суқурлоғу	115
Сўзангарон	47

Т

Табрак қалъаси	104
Табриз	97, 98, 99, 136, 206, 212, 218, 242, 276
Такрит қалъаси	141, 142

Талмина саҳроси	179
Талмина суви	179
Танги Чакчак	37, 40, 41
Танги Ҳарам	37
Тарак суви	159
Тарашли	264
Тароблис	229
Тароблис дарёси	224
Тартум	250
Тахти Сулаймон	93
Тахти Қароча	210
Тевабўйни (мавзе)	46
Термиз	18, 23, 24, 51, 57, 63, 80, 94, 193, 210
Термиз суви	210
Тешло (ҳисор)	137
Тира шаҳри	265
Тирус	267
Тифлис	100, 157, 215, 286
Тигиртош	264
Товус (қалъа)	162
Тозиён мавзеи	168
Толиқон	24
Тонқут вилояти	100
Торам	168
Торқий мавзеи	164
Тошариқ	25, 26
Тошканд	28, 46, 48, 49, 52, 55, 117
Тошқўприк	25
Тоғ Адоғ (мавзе)	66
Туболик қўруқ	114
Тубул суви	119
Тубшин Андур	115
Тумоду	137
Тумон оғо хонақоҳи	211
Тум суви	46
Тун суви	161
Турин	130
Туркий Гармоба	210
Туркистон	14, 61, 89
Турон	10, 12, 287, 288, 292
Туротур	160

Туршиз қалъаси	88
Тутак	128
Туғлуқпур ҳисори	186, 196
Туғровут	114
Туҳана қишлоғи	185
Тўрткул	42

У

Удан ато зиёратгоҳи	64
Ужа	178
Ужон	242
Узуқлуқ	161
Уйматой мавзеи	161
Уйноғу	74
Уйрот	278
Укак	160
Улжой Буғо майдони	23
Улочу	23
Улубўрлиғ қалъаси	269
Улуғ Доғ	118
Улуғ Юлдуз	117
Улуғ юрт — яъни Хитой	12
Унхиркужо (?)	137
Урми вилояти	104
Уружку	116
Уч Калисиё (мавзе)	153
Уч Пармон	69, 117
Уҳар тоғи	164

Ф

Фай ариғи	20
Фаранг	170, 217, 255, 434, 447
Фаринканд	46
Фароҳ ҳисори	93
Фатҳобод қалъаси	184
Ферузабандгон қалъаси	184
Ферузкўҳ	98
Ферузкўҳ (қалъа)	437, 438, 439, 442
Ферузобод	193
Фирот дарёси	139, 237, 245, 250

Форс	125, 135, 149, 168, 171, 434
Фўча қалъаси	268

X

Хавос	47
Харман	47
Хармоту	147
Хатлон	57
Хивақ, Хива	19, 65
Хисрави Нўширвон тоқи	212
Хитой	9, 12, 170, 261, 447, 448, 449
Хожайи жаҳон ҳовузи	193
Хожа Размоз мазори	25
Холис кўтали	182
Хоразм	65, 66, 68, 71, 79, 81, 107, 108, 110, 111, 128, 225
Хос	71
Хузур	16, 21, 25, 37, 38, 39, 40, 44, 50, 57, 166
Хулм	24, 51, 57, 210
Хумрак	48
Хуросон	13, 16, 18, 38, 41, 42, 44, 51, 62, 81, 85, 110, 114, 166, 167, 169, 176, 202, 212, 215, 225, 284, 436, 442, 444
Хуррамобод	99, 130
Хўжанд	15, 16, 18, 33, 49, 57, 70, 106, 107
Хўжанд дарёси	28, 48, 49, 55, 112, 113, 117, 169
Хўй	104, 152
Хўтан	9, 170

Ч

Чакчак — қ.Танги Чакчак	
Чалов	439, 440
Чапмакажит (кечик)	120

Чақишманд	106
Чағон	57
Чағоно	37
Чекка Мағриб	447
Черкас	162
Чимканд	48
Чимлик мавзеи	147, 149
Чимчимол	129
Чинн	213
Чинор Работ	210
Чинос	28, 169
Чипор Айғир мавзеи	114
Чичақлик	116
Чигатой улуси, вилояти	14
Човшон мавзеи	132
Чолус вилояти	97
Чоноқ Булоқ	15
Чорбоқ	44
Чоримакон	89
Чукчун	115
Чулок	106
Чўдир Қазоқ вилояти	164
Чўли Жалолий — қ. Жару чўли	
Чўлиғ ерлари	253
Чўл мавзеи	126

Ш

Шайх Баҳдул зиёратгоҳи	141
Шайх Иброҳим Лак қуббаси	138
Шайх Иброҳим Яҳё мозори	138
Шайхи олам (мавзе)	42
Шаки	100, 157, 213
Шамкур саҳроси	243
Шамохий	101, 434
Шатт суви	144, 246
Шажоса йўли	139
Шақшор	50
Шаҳри Нав	262
Шаҳрисабз	15, 16, 17, 47

Шервон, Шервонот	101, 165, 213, 279, 292, 434
Шероз	89, 95, 97, 104, 105, 129, 131, 134, 135, 136, 147, 149, 166, 168
Шибарту	22, 114
Шибурғон	15, 62, 63
Шинузон	176
Ширканд	38
Шиху қалъаси	203
Шобирон	101
Шовдор	445
Шодмон	49
Шом	147, 206, 220, 221, 222, 232, 235, 245, 274, 293, 434, 443
Шомил (ҳисор)	168
Шосмон	89, 95, 128
Шоқи Сорсова (мавзе)	200
Шоҳнавоз (бутхона)	179, 180
Шурник (мавзе)	168
Шуштар	105, 131

Э

Эгри Ёр	107
Элбруз	100, 101, 158, 162, 163
Эли Сўдин	263
Эмил Ғучур мавзеи	115
Эмруз	267
Эрам боғи	167
Эрёб вилояти	175, 176
Эрон	10, 12, 125, 242, 287, 288, 292
Эсан майдони	25
Эски Ўғуз	79

Ю

Юз Қўшун	46
Юлдуз мавзеи	115, 116, 117
Юлуқлуқ	161

Я

Язд	166
Яйиқ суви — қ. Ёйиқ суви	
Якролик мавзеи	210
Ялғузбоғ	41
Ялғуз Оғоч	109, 126
Ярлоғу	114
Ясси вилояти	70

Ў

Ўзбек вилояти	71, 114, 151, 174, 213
Ўзганд	38, 70, 72, 74, 106, 117
Ўзий суви	161
Ўлон Чирчиқ	114
Ўрдабон	116
Ўрпуз	58
Ўртоғ	114
Ўрунгёр мавзеи	114
Ўрунг Чақил	113
Ўрус (мавзе)	161
Ўрусжуқ	161
Ўтрор	48, 55, 57, 75, 76, 79, 451, 455

Қ

Қабирту	31
Қабой митон	26
Қабчиғой	176
Қазвин	129, 437
Қайсария	253, 269, 275
Қалот	94
Қалъайи Салосил	142
Қалъайи Сафид	32
Қалъайи Сурх	93, 101
Қалъат ар-Рум	224
Қамганд	108
Қандаҳор	94
Қапчиғай ҳисори	163
Қарағошун	38

Қарноб	41
Қаробоғ	101, 212, 214, 243, 248
Қаробулоқ	116, 209
Қаровнос (мавзе)	47
Қароқалғон	157
Қаросмон	117
Қаросу	161
Қаротил	77
Қаротөш	116
Қаротур	14, 116
Қарохожа	115
Қарочақиё	151
Қарочуқ	118
Қароқасмоқ	70
Қароқўюнлиғ эли	146
Қароғучур	114, 115
Қаро Ҳисор	261
Қарс	99, 156
Қарчуқ	46
Қарши	32, 36, 37, 38, 39, 41, 44, 128
Қарят ул-Уқоб	139
Қасри Аблақ	234
Қатавон	69
Қатлон	15, 25, 108, 109
Қачовроту	116
Қаҳлаға	17, 23, 24, 25, 31, 35, 36, 41, 117
Қаҳқаҳа	88
Қизилқоқ	40
Қрим	170
Қирққўл	121
Қитоғ эли вилояти	101, 165
Қобучи Қаровул	161
Қовун суви — қ. Жўйи	
Қовун суви	
Қойнор	50
Қора йўли	237
Қорасув	136
Қорату	114
Қотилиш	37
Қуббаи Ҳарамон	212
Қуббат ул-Ислои	98

Қубон	162
Қубоғ	114
Қуд ариғи	23
Қулон кўтали	116
Қулоғий	137
Қум	130
Қундуз	51, 52, 57, 110
Қундузча	123
Қурбуқо	161
Қурий суви	159
Қурой (мавзе)	160
Қуроту тоғи	74
Қурум ҳисори	99
Қутлуғ юрт мавзеи	210
Қўзи Мандоқ	44, 210
Қўмс	444
Қўния	261, 270
Қўроғон	114

Ғ

Ғазник мавзеи	209
Ғазнин	175
Ғалата	267
Ғози Саййид	261
Ғози Қумуқ (Қумуқлуқ)	164, 165
Ғулжоту	85
Ғурбанд	209

Ҳ

Ҳазора	70
Ҳазоргирий	228
Ҳайрон Қамиш	76
Ҳалаб	224, 225, 227, 228, 230, 237, 274
Ҳамадон вилояти	104, 136, 166
Ҳамо шаҳри	224, 228, 237
Ҳанҳак	267
Ҳарбий	141, 143, 144
Ҳармис довони	209
Ҳарос (дарё)	440

Ҳарсо (қалъа)	141
Ҳасан вилояти	146
Ҳасан Кайфо (қўрғон)	146
Ҳижоз	64, 98, 103, 227, 278, 434
Ҳизорпаз ҳисори	93
Ҳилла	139, 144, 246
Ҳинд, Ҳиндистон	31, 170, 171, 178, 181, 182, 188, 189, 193, 194, 201, 206, 212, 215, 222, 447
Ҳиндувон	129
Ҳиндукуш	19
Ҳирмон суви	93
Ҳирот	38, 43, 44, 81, 82, 83, 84, 91, 95, 180, 208, 209, 295, 442
Ҳисор	45
Ҳисори Санкур	129
Ҳисори Тоғ	93
Ҳит қалъаси	245
Ҳовик қалъаси	253
Ҳожи Тархон	164
Ҳувайза	131
Ҳўмс	224, 229, 237
Ҳўрмуз	168, 434

ЭТНИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

А

Алтой	446
Араб	140, 239, 292, 446
Арман	212, 219, 220, 284, 285
Афранж (ифранж) — қ. фан- ранглар	
Афғон	175, 207, 208

Б

Баний Исроил	58
Барин, Борин қабиласи	26, 114
Барлон (жамоа)	161
Барлос қавми	10
Булғочи эли	116
Буркун (жамоа)	161
Бурулдой (эл, қабила)	24, 110

В

Варкуни (қабила)	175
------------------	-----

Г

Гуржилар	100, 212, 214, 215, 216, 217, 243, 250, 258, 279, 280, 281, 282, 283, 285, 286
----------	---

Д

Дез-чубин эли	146
Дулон Жавон эли	23

Ж

Жалойир эли	41
Жете (лашкари)	25, 31, 32
Життон қавми	185

К

Калачи (жамоа)	161
Калотиён (ҳашами)	176
Керойит (қабилла)	15, 18
Керо (қабилла)	134
Курбуқо (жамоа)	161
Курдлар	245
Кўпак туркмон	263

М

Макрит (қабилла)	162, 282
Манқутийлар	78
Мўғул	47, 49, 52, 64, 446
Мўғуллар	48, 52, 225

П

Парниёний (қабилла)	176
Румийлар, румликлар	254, 256, 257

С

Сағзийлар	21
Солун (аҳоли)	186
Сулдуз	17, 57, 124

Т

Тамим (қабилла)	179
-----------------	-----

Тожиклар	42, 54, 126, 174, 207, 282, 292
Толиб (жамоа)	78
Турк	79, 98, 126, 134, 160, 162, 174, 207, 237, 239, 282, 292, 446
Туркман	20, 79, 99, 103, 137, 138, 152, 153, 154, 237, 271, 290
Туғочи эли	93
Ф	
Фаранглар	248, 255, 258, 267, 269
Форс	446
Х	
Хитой	446
Ч	
Черкас	162
Чигатой уруғи	10, 20, 140
Э	
Эронлик	257
Я	
Ясовурийлар	15, 35
Ў	
Ўзбек	39, 75, 140, 213
Ўранайтиён қабиласи	15
Ўрус	161

Қ

Қазоқ	72
Қаровнос	38, 40, 43, 44, 47, 50
Қаро таторлар	254, 275
Қароқалқонликлар	217
Қароқўюнлиғ (эли)	146
Қиёт (насли, жинси)	140, 174
Қитоғ эли	101

Ғ

Ғурийлар	43
----------	----

Ҳ

Ҳабаш	237
Ҳазора	173
Ҳиндлар, Ҳиндулар	178, 180, 182, 184, 189, 192, 193, 196, 197, 199, 201, 202, 204, 205, 207, 237

АЙРИМ АТАМАЛАР ВА ТАРИХИЙ ИСТИЛОҲЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

- А -

Авбош — дайди, безори, бебош. Ёзма манбаларда адолат талаб қилиб ҳўзгалган халқ ҳам кўпинча шу ном билан аталган.

Авориз — фавқулудда, одатдагидан ташқари солиқлар.

Ажам — араблар ўзларидан бошқа халқларни "ажам" деб атаганлар, шунингдек, араблар яшайдиган ерлардан бошқа мамлакатлар, хусусан, Эрон ва Туронлар ҳам "мулки ажам" номи билан юритилган.

Азноурлар — ўтмишда Грузиядаги уруғ бошлиқлари ва йирик ер эгалари шундай номланган.

Аймоқ (уймоқ) — уруғ, қабила.

Айқоқ (айғоқ)лар — тафтишчилар.

Алочуқ — чодир.

Алуфа (Улуфа) — сипоҳийлар, йўловчи мансабдорлар, элчиларга ҳамда уларнинг от-уловларига бериладиган озиқ-овқат ва ем-хашак; шу мақсадда халқдан йиғиладиган солиқ.

Амволи девон (девон моли, даромади) — давлат мол-мулки.

Аминлар — луғавий маъноси, асосан молия ва қишлоқ хўжалигини бошқариш ишлари билан шуғулланувчи давлат девони (идораси) томонидан белгиланадиган амалдорлар.

Амон моли (моли амоний) — бўйсундирилган ерлар халқидан уларга омонлик берилганлиги эвазига олинган солиқ, контрибуция.

Ансорлар (араб.: ёрдамчилар, сафдошлар) — ислом дини тарихида 622 йили Маккадан Мадинага кўчиб борган мусулмонларга ва Муҳаммад пайгамбарга ёрдам берган ва ислом динини қабул қилган мадиналик авс ва хазраж қабилаларининг аъзоларига нисбатан қўлланилган ном. Ансорлар Маккадан кўчиб келган мухожирлар билан бирга илк мусулмонлар жамоасини ташкил этган.

Аррода — муҳосара вақтида қалъа деворини бузиш учун қўлланилган, гилдирак устига ўрнатилган, катта тошларни отишга мосланган махсус қурилма.

Асаслар — кеча қоровуллари, қидирув ишлари бошлиқлари.

Асбоб — ҳарбий иш учун лозим бўлган қурол-аслаҳа ва жиҳозлар мажмуаси.

Асҳоб — саҳобалар (араб.: ҳамроҳ, дўст) — Муҳаммад пайгамбарнинг яқин маслакдошлари.

Атка (Атко) — шахсий номга қўшилиб келиб, бирор шахзода энагасининг эри, шу шахзоданинг тарбиячиси маъносини аниқлатган.

Аҳли Суннат ва Жамоат — пайгамбаримизнинг вафотларидан кейин ислом динида пайдо бўлган икки катта оқимдан бири бўлиб, бу оқим аҳли суннат (суннийлар) деб аталади, яъни пайгамбаримизнинг халиф

(ўринбосари)ни маслаҳат билан тайинлаш, диний ишларда пайгамбарнинг суннат — айтган гаплари ва қилган ишларига эргашувчилар.

- Б -

Бағтар — темирдан ясалган, усти бахмал ёки заррин мато билан ўралган уруш кийими.

Баковул — шахсий номга қўшилиб келган. Подшоҳга бериладиган овқатни олдиндан тотиб берувчи, тўй ва меҳмондорчилик ишларини бошқарувчи амалдор.

Барот — давлатга тўланиши лозим бўлган маблағни муддатидан илгари йиғиб олишга ҳуқуқ берувчи ҳужжат.

Бахшийлар — Амир Темур ва темурийлар давлатида ёзув ишлари билан шуғулланувчи девон ходимлари. Улар одатда уйғурлардан бўлган. Лекин Шарафиддин Али Яздий уларга умуман "Турк бахшийлари", "Туркистон бахшийлари" иборасини қўллаган ("Зафарнома", Тошкент нашри, 1972, 7 б, 9 б. варақлар).

Бегор (ҳинд.) — ҳукмдорлар томонидан аҳолини канал қазииш, қалъа таъмирлаш, йўл ётқизиш, кўприк қуриш ва шу каби ишларга мажбуран сафарбар қилиш.

Бағалтоқ — совут остидан кийилган енг калта камзулча.

Баронғор (ёки буронғор) — лашкарнинг ўнг қаноти.

Баҳодир — шахс номига қўшиб айтилган; сипоҳийнинг жангда кўрсатган қаҳрамонликлари эвазига берилган фахрли унвон.

Боварчи — шахсий номга қўшилиб келади ва бу шахс маълум вақтда қандай лавозимда бўлишидан қатъий назар, сарой бош ошпази маъносини англатади (баковулдан кейинги мансаб).

Бож (араб.) — ўлпон, солиқ; таслим бўлган мамлакат аҳолисидан олинадиган ўлпон.

Болиш (турк-мўғул) — мўғуллар ҳукмронлиги даврида тилла ва кумушдан ясалган пул бирлиги: бир тилла болиш тахминан 8 мисқолга ва 2 минг динорга тенг бўлган; бир кумуш болиш эса 300 динорга баробар бўлган.

Боргоҳ — подшоҳ саройи; хон қабулхонаси.

Бору — қалъа ва қўрғон девори.

Бошломииши — бошқариш.

Булжор — лашкар қисмларининг сафарга чиқиш олдидан тўпланиши лозим бўлган жой ва вақт; шу ҳақда келишиб олинган аҳд.

Булуқ — ўз маъмурий марказига эга бўлган, бир неча қишлоқ, қасабаларни ўзида бирлаштирган жой.

Бурж — 1. Қалъа деворларига туташган минора, одатда унинг бурчакларида бўлади, қалъанинг мудофаа қобилиятини кучайтириш мақсадида қурилган. 2. Сайёраларнинг ҳаракатидаги чамбар йўл, чунончи, қуёш йил давомида қуйидаги 12 бурждан ўтади: ҳамал (март-апрел), савр (апрел-май), жавзо (май-июн), саратон (июн-июл), асад (июл-август), сунбула (август-сентябр), мезон (сентябр-октябр), ақраб (октябр-ноябр), қавс (ноябр-декабр), жаддий (декабр-январ), далв (январ-феврал), ҳут (феврал-март).

Бутқада — бутпарастларнинг ибодатхонаси.

Бурғу — карнайнинг бир хили, ковак шох шаклида бўлади.

Бўй қўшуни — лашкарнинг қалб қисмидаги хос бўлинма (Яздий, "Зафарнома", варақ 238а).

Бурғустон — жанг вақтида аскар ва от устига ёпиладиган махсус ёпинчиқ.

Вақф — диний муассасалар бўлиши масжид, хонақоҳ, авлиёлар ва подшоҳлар мазорлари, зиёратгоҳлар, қадамжолар учун, мадрасаларнинг толиблари, хизматчилари фойдасига ер-сув, дўкон, карвонсарой, от-улов, ҳатто қўллар ва ҳар хил буюмлар ажратиш.

Ваҳий — лугавий маъноси: худонинг хабари. Қуръон оятларининг Муҳаммад пайгамбаримизга қандай етказилганлиги ҳақидаги хабарларга кўра, Аллоҳнинг фаришта Жаброил орқали Расули акрамга йўллаган муборак гаплари.

Висоқ — турар жой, қўнимгоҳ.

Вожибот — шариатта кўра ҳар бир мусулмон бажариши зарур бўлган кўрсатмалар.

Габр — оташпараст, зардуштийлар динидаги, мажусий; кофир. Асар матнида кўпинча ҳиндлар ва гуржларга шундай нисбат берилган.

Газ — узунлик ўлчови, қарийб 70 см., турли жой ва вақтларда газдан ангилашилган узунлик шу 70 см. атрофида ўзгариб турган.

Гилтўда — 1. Ўлдирилганлар жасадларидан кўтарилган тепалик. 2. Кесилган одам бошларидан ҳосил бўлган минора.

Говсинар — ҳўкиз терисидан тикилган катта ҳажмдаги олд қалқон.

Гузар — ўтиш жойи, кечик.

Гўйу чавгон — ўрта асрларда от миниб ўйналган, ҳозирги хоккейга ўхшаш бир ўйин (қ., чавгон).

Дабир — котиб ва маслаҳатчи маъносиди.

Дагала — аскарларнинг уст кийими.

Дарёбор — денгиз соҳилида жойлашган ерлар; ороллар мазмунида ҳам учрайди.

Дафтар — асар матнида кўпроқ салтанатнинг кирим-чиқимлари дафтари маъносиди учрайди.

Дашна — ханжарнинг бир тури.

Даҳа — лашкар бўлинмаларидан энг кичиги — ўн кишилик гуруҳ. Чингизхон ва Амир Темури ҳукмронлиги даврида лашкар одатда тумон (10000), ҳазора (1000), сада (100) ва даҳа (10)дан иборат бўлган.

Девон — салтанатнинг молия ишларини идора қилувчи маҳкамга.

Девонхона — қабул қилиш хонаси.

Дибо — пишиқ, гуллик ипак мато.

Динор — олтин ёки кумуш танга номи; олтин бўлса 4,235 гр.

Дирҳам (дирам) — кумуш танга; вазни тахминан 3,5 гр. бўлган.

Довудий совут — ривоятга кўра Довуд пайгамбар темирчи ўтган бўлиб, темирчиларнинг "пири" ҳисобланади; бу ибора мазкур ривоятга ишора тарзида қўлланилган.

Дошг — бирор нарсанинг олтидан бир қисми.

Доруладолат — адолат уйи; қозихона.

Доруламорат — ҳукмдор саройи.

Дорулибода — обидлар, яъни ибодатга берилганлар уйи, демакдир. Шаҳарлардан баъзисига (масалан, Язд шаҳрига) берилган лақаб.

Дорулислом — ислом уйи. Бағдод шаҳрига берилган нисбат.

Дорулмулк — подшоҳ мақом қилиб турадиган шаҳар, пойтахт маъносида; дорулхилофат, доруссалтана, дорулимора шаклларида ҳам учрайди.

Дорулимора — қ., дорулмулк.

Доруссалтана — қ., дорулмулк.

Дорулҳарб — уруш уйи, ислом динини қабул қилмаган мамлакатларга берилган нисбат.

Доруға — тумон, шаҳар ёки вилоят ҳокими; соқчилар бошлиғи. Мўгуллар, темурийлар, шайбонийлар ва бошқа ўзбек хонлари ҳукмронлиги давомида қўл остидаги раиятни рўйхатга олиш, аскар тўплаш, солиқларни йиғиш ва подшоҳ саройига етказиш, маҳаллий ҳукмдорларни назорат қилиш ва ҳоказо ишларни бажарган.

Дурбош — подшоҳлик аломати бўлган найза ёки асо. Уни подшоҳ олдида олиб юрганларида кишилар четланишлари лозим бўлганлиги сабабли "дурбош" (нари тур) деб аталган.

- Ё -

Ёбиса — қуруқ, ташландиқ ер.

Ём (ёки ёмхона) — мўгуллар ва темурийлар даврида тахминан ҳар бир кунлик йўлда элчилар, чопарлар ва давлат арбобларининг тўхташ жойи. Бу ерда озиқ-овқат, тунаш учун жой, от-уловига ем-хашак берилган. Кетиш олдидан лозим бўлганда отларни алмаштириб берганлар, керакли яроқларни ҳозирлаб, йўловчиларга топширганлар.

Ёргу (ёки яргу) — муҳокама қилиш, ҳукм чиқариш; жазолаш; молни олиб сақлаш; тафтиш, тартиб-қоида.

Ёргучи (ёки яргучи) — ёргуни амалга оширувчи; тафтиш ишларини олиб борувчи; ҳукмни ижро этувчи.

Ёрлиғ — фармон.

Ёсо (ёки ясо, ёсоқ) — Чингизхон аллодлари томонидан жорий этилган қонун-қоидалар ва ҳуқуқ мажмуаси (Буюк Ясоқ). Унда турли давлат ишлари ва тадбирлари учун қонун-қоидалар, тартиблар ва турфа жиноятлар учун жазолаш даражалари кўрсатилган. "Зафарнома"да аксар ҳолларда "жазоламоқ", "қатл қилиш" (ёсоққа етказмоқ) маъноларида ҳам келган.

Ёсол — қўшинларнинг уруш олдидан саф тартиб туриши.

Ёсомиший — ишларни тартибга келтириш; лашкар сафларини ростлаш.

Ёсоқий — солиқ йиғувчи, ясовул, ясоми амалга оширувчи; сарбоз.

Ётуған — мусиқа асбобининг тури.

- Ж -

Жавшан — оддий темир совут, симдан тўқилган.

Жаноҳ — луғавий маъноси — қанот; лашкарнинг қанот қисми.

Жариб — ер ўлчови. 958 кв.метрдан иборат майдонни англатади.

Жаҳонгушой (форс) — жаҳонни очувчи, жаҳонгир. Чингизхон ва Амир Темурга берилган фахрий лақаб.

Жета — қароқчи. ХІҲ-ХҲ асрларда Чигатой улусининг шарқий қисми (Еттисув, Ил дарёси воҳаси ва Шарқий Туркистон)да яшаган кўчманчи мўгулларни Мовароуннаҳрда яшаган, ўтроқлашган ва туркийлашган барлос ва жалойирий қабилалари шу ном билан атаганлар).

Жийбо (ёки жийба) — мудофаа кийимлари; зирҳ, совут ва ҳоказо.

Жийбохона — мудофаа кийимлари, яроғ-аслаҳа сақланадиган жой (арсенал).

Жизя — мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа диндаги кишилардан жон бошига олинган солиқ.

Жирға — доира шаклида жой олиб ўлтириш; олий кенгаш; ов вақтида ов қилинадиган ерни теварак-атрофдан ўраб олиш.

Жоққий (ёки чоққий) — давлат ишлари бўйича маслаҳатга йиғилиш, машварат тузиб тадбир белгилаш.

Жувонғор (ёки жавонғор) — лашкарнинг сўл қаноти.

Жогирдор — инъом этилган ер-сув (тиюл) эгаси.

Жоҳулар — қ., Чоҳурлар

Жуқ — тўда, гуруҳ (банда).

Жўгийлар — сеҳргарлар, дарвишлар.

Жўлду — совға, тортиқ.

- 3 -

Забонгир — 1. Жосус. 2. Душман ҳақида маълумот йиғиш учун асир олиб келиш.

Забони ҳол — ҳол-аҳвол тили, яъни содир бўлиб турган ҳолатдан англашиладиган хулоса; тасаввуфда эса камолот даражасига етишган мутасаввуфнинг нуқтадон гаплари.

Зарродхона — қурол-аслаҳа сақланадиган омбор.

Зиммийлар — ислом дини ҳукмрон бўлган мамлакатда яшаб турувчи бошқа динларга мансуб кишилар; улар ислом давлати ўз ҳимоясида сақлаб турганлиги эвазига жизя (қ., жизя) тўлаб турганлар.

Зиндиқ — худосиз, динга ишонмовчи.

Зириҳ — симдан тўқилган, ўқ ва тиг ўтмайдиган уруш кийими; совет.

Зобит — забт этувчи, бошлиқ. Бирор вилоят ва шаҳарни идора қилувчи.

Зулфиқор — ҳазрати Алининг икки дамли қиличи.

Зупин — учи икки шоҳли кичик найза.

- И -

Изора — уйнинг девори устидан тоқчагача етказиб пардоз бериб ишланган қисми.

Илми рамал — нуқта ва чизиқлар чизиб қум устида фол очиш; фол-бинлик.

Илғор — лашкарнинг асосий қисмларидан илгари юрувчи енгил эҳтиёт қисми; лашкарнинг енгил қисми билан чопқин ясаш.

Инжулар — қуллар.

Иноқлар — луғавий маъноси яқин дўст, надим, суҳбатдош; бирор ҳукмдорнинг ишончли навкарлари.

Искандарий (сана ҳисоби) — Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский)га нисбат берилган бу эранинг бошланиши бизнинг эрамызгача бўлган 310 йилдир.

Истихора — мўлжалланган ишнинг муваффақиятли чиқиш-чиқмаслиги борасида Қуръонни кўриб фол очиш.

Ичкилар — ҳукмдорнинг хос ишончли навкарлари.

Иқтоъ — юқори ҳарбий лавозимдаги кишиларга олий ҳукмдор лашкарида хизмат эвазига берилган ер улуши. Шундай ер эгалари иқтодорлар деб аталган.

Иқлим — ўрта аср мусулмон географлари дунёнинг обод ҳисобланган қисмини (рубъи маскун) жугрофий кенглик бўйича экватордан шимолга томон етти иқлимга бўлганлар. Хуросон ўлкаси шу тартиб бўйича тўртинчи иқлимга тааллуқли бўлган.

- К -

Кабакий (келекий) динор — Чигатой авлодидан бўлган Кепекхон ибн Дувахон (1318-1327) томонидан ўтказилган нул ислоҳотлари натижасида таъсис этилган кумуш танга.

Кадхудо — 1. Рўзгор бошлиги. 2. Ҳукмдор; қишлоқ, жамоа оқсоқоли.

Кайбур — ов вақтида ишлатилган ялпоқ ўқ-ёй.

Кайвон — Зуҳал (Сатури) сайёраси.

Калисиё — черков.

Калонтар — шаҳар ҳукмдорларидан бири; нуфузли кишилар.

Каминжой (ёки камингоҳ) — пистирма жойи; яширинадиган жой.

Камони раъд — тўп; катта ўтли ўқларни отишга мослаштирилган ҳарбий қурилма.

Карбос — пахта толасидан тўқилган мато.

Қаҳшашон — осмонда узун бўлиб кўринадиган оқ йўл; Сомон йўли.

Ковийлар байроғи — Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сидаги темирчи Кова ва золим шоҳ Заҳҳок ҳикоясида таърифланган байроқ. У аслида Кованинг чарм пешгири бўлиб, Заҳҳокни тахтдан туширган кўзғолончилар уни ўзларига байроқ қилиб олганлар. Кўзғолончилар томонида бўлган одил шоҳ Фаридун эса уни қимматбаҳо матолар ва тошлар билан безатган.

Коҳин — мажусийлар руҳонийси; сەҳрагар.

Кулу — маҳалла раиси, ҳунармандлик растасининг бошлиғи.

Курка (ёки Курко) — ноҳранинг катта тури.

Курон — эл, юрт, яқинлар; лашкар қароргоҳи.

Кус — дўмбира.

Кутвол — қалъа бошлиғи.

Куфий — араб алифбосининг энг қадимги турларидан; VII асрда Куфа шаҳрида (Месопотамия) ихтиро этилиб, шу шаҳарга нисбатан "куфий" деб аталган. Куфий хати кенг қўллаш учун ноқулай бўлганлиги учун араб алифбосининг бошқа турлари ихтиро этилиб, куфий хати эса тангалар, иморатлар, қабр тошларида қўлланиб келинган.

Кўкалтош (ёки кўкалдош) — сут эмишганлик жиҳатидан шаҳзодага биродар бўлган киши; шаҳзода энагасининг ўғли.

Кўрагон (мўғ.) — хон куёви; Чингизхон авлодига мансуб хон қизига уйланган аслзодага берилган фахрли унвон. Амир Темур мўғул хони Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк хоним (Биби хоним)ни ўз никоҳига олгач, бу фахрли ном унинг номига ҳам қўшилиб айтилган.

Кўриниш (тура) — хон ва подшоҳнинг қабули. Қабул қилинадиган жой кўринишхона деб аталган.

- Л -

Лавҳ — ёзув тахтаси; инсоннинг яхши ва ёмон қилмишлари ёзиладиган ёхуд унинг тақдири азалдан битилган лавҳа.

Лангар (ёки лангархона) — йўловчилар ва мусофирлар тунайдиган жой; хонақоҳ; камбағал, етим-есирларга эса бу ерда овқат берилган.

Лашкаргоҳ — лашкар жойлашган ер; лагер.
Лигом риз — югани бўшатиб қўйилган.
Лулу — дур, тавҳар.

- М -

Мавкаб — подшоҳ ё мўтабар амирларнинг юришида уларга ҳамроҳ бўлган суворийлар гуруҳи; лашкар.

Маволийлар — қулликдан озод қилинган, аммо шунга қарамай ўз хожасига итоаткор кишилар.

Мадинатуррижол — эр кишилар, азиз-авлиёлар шахри. Термиз шаҳрининг сифатларидан.

Мажистий — ал-Магест; қадим юнон астрономия Птоломей (Батлимус)нинг асари бўлиб, қадим замон астрономия фани нодир ёдгорликларидандир. Эрамизнинг иккинчи асри ўргаларида ёзилган.

Маймана — лашкарнинг ўнг қаноти.

Майсара — лашкарнинг сўл қаноти.

Маллоҳ — кемачи, матрос.

Макруҳ (араб.: рад этилган, қораланган, номақбул) — шарият кўрсатмаларида қатъиян тақиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган ва рад этилган хатти-ҳаракатлар макруҳ ҳисобланган; бундай хатти-ҳаракат учун жазо белгиланмаган.

Ман — оғирлик ўлчови; ҳар хил ерларда турли миқдорни англатган; масалан, араб халифалигида ишлатилган 1 ман — 831 гр.

Манжаниқ — қамал этилган қалъа деворини бузиш учун қўлланилган уруш қуроли. Ундан тош ёки гўла отилган.

Манзилгоҳ — бир кунлик йўлдан кейин келадиган тўхташ жойи.

Маншур — мактуб, ёрлиғ.

Манғлой (ёки Манқлой) — лашкарнинг олд (авангард) қисмида борадиган ҳарбий бўлинманинг номланиши.

Марра — масофа ўлчови; тахминан 400-450 метрга тенг бўлган.

Марсум — маош ҳамда давлатдан маош олувчи (сипоҳий)лар рўйхати маъноларида учрайди.

Маъқул ва манқул илмлар — маъқул илмлар фалсафа, ҳайъат, риёзиёт каби аниқ исботларга асосланган билимлар; манқул эса — катта эътиборга эга бўлган олимларнинг сўзига асосланиб аниқ текширишсиз ҳам ишониладиган билимлар.

Маҳдий — лугавий маъноси: Аллоҳ томонидан тўғри йўлга етакланувчи — ислом динида замона охир бўлганда ерга қайтиб келиб адолат ўрнатади, деб тасаввур этиладиган пайгамбар.

Маҳди улё (ёки Маҳди олийа) — лугавий маъноси: улуғ беланчак. Тахт вориси бўлган шахзоданинг онасига ва умуман, маликаларга бериладиган унвон.

Маҳмил — туя ва бошқа улов устига ўрнатилган, одам ўтирадиган, усти ёпиқ кажава, паланкин; кажавадаги юк.

Мехтар — улуғ, катта, оқсоқол; ҳукмдорларга тегишли бирон кичик муассаса бошлиғи.

Мил — масофа ўлчови, тахминан 2 км.

Мил — жуводдизга ўхшаш металлдан ишланган асбоб; жазолаш усулларида бири сифатида (кўзни кўр қилиш учун) қўлланган. Уни қаттиқ қиздириб, кўзга тортилган.

Миррих — Марс сайёраси.

Мисоқ — аҳд-паймон.

Мисқол — оғирлик ўлчови; 4,25 гр.

Миҳаффа — подшоҳлар, уларнинг аёллари ва фарзандларини кўтариб юриш учун мослаштирилган тахтиравон; кажава.

Миҳаффачи — шахсий номга қўшилиб келиб, у шахснинг подшоҳ тахтиравони (миҳаффаси)га боғлиқ бир лавозимда эканлигини билдиради.

Мол — 1. Ер солиғи. Бунда у харож, мутаважжиҳот ва молу манол истилоҳлари билан ҳам аталади. 2. Бўйсундирилган ҳукмдордан олинadиган ўлпон. 3. Умуман мол-мулк, бойлик.

Моли амоний — бўйсундирилган подшоҳдан олинadиган ўлпон. Эл-юртга амонлик бағишлангани учун олинган.

Моли жиҳот — хирож (даромад солиғи)нинг синоними. У нақд пул ва маҳсулот билан олинган.

Молихулиё — хафақон касаллиги.

Мубоширон — ишончли вакиллар.

Мудаббирон — юқори лавозимдаги кишилар, мансабдорлар.

Музофот — бирор маъмурий марказ (шаҳар, қишлоқ)га тегишли жойлар.

Муомала — келишув; кирим-чиқим ишлари.

Мулжар — қамал вақтида ҳар бир амирга белгилаб берилган ер, дарвоза.

Мунший — котиб, мирза.

Муросилот — ёзишмалар.

Муסיқар — муסיқий асбоб турларидан бири.

Муставфийлар — молиявий кирим-чиқим ишлари бўйича ерлардаги вакиллар.

Мустаҳаббот — Муҳаммад пайғамбаримиз бажарилиши савобли деб тавсия қилган ёки ўзи севиб бажарган ибодатлар.

Мутаважжиҳот — қ., мол; харож.

Мутакаллим — нотиқ, воиз.

Мурчал — мустаҳкамланган жой. Қалъа атрофида қазилган чуқурлик (окоп).

Муршид — тўғри йўлга солувчи. Тасаввуфда — пир, эшон.

Муфассир — изоҳловчи, шарҳловчи.

Муча — амал, мансаб, даража.

Мучалко — ваколатнома, аҳднома.

Муншарий — Юпитер сайёраси.

Муқаддима — олдинда борувчи ҳарбий бўлирма.

Муқарнас — сайқал бериб пардозланган, лак суриб жилолантирилган, қадама нақш ишланган иморат.

Муқотала — истеҳком иншоотларидан бири; жанг қилиш, ўқ отиш учун қулайлаштириб қурилган жой.

Муҳассил — солиқ йиғувчи, ундирувчи.

Муҳиммот — муҳим ишлар.

Муҳожирлар (араб.: кўчиб келганлар) — ислом дини тарихида Маккада динни қабул қилиб, 622 йилда Муҳаммад пайғамбар билан бирга Мадина шаҳрига кўчиб ўтган мусулмонлар гуруҳи.

Муҳосиб — ҳисобчи, ҳисоб-китобларни сақловчи.

- Н -

Найзадор — амирлар найзасини кўтариб юрган аскар.

Найсон — апрель ойи.

Нард — шатранж ўйинига ўхшаш ўйин номи; бунда тахтадаги доналар суяк соққа кўрсатган ададга кўра сурилади.

Нафир — карнайсимон мусиқа асбоби.

Нақб — лаҳим, қалъа девори тагидан қавланадиган ўра, йўл.

Никовулоч — душманни таъқиб этувчи сипоҳийлар.

Никомийш — душман лашкарини таъқиб этиш, кетидан қувиш.

Новак — камоннинг ўқи.

Номбардорлик расми — жанг вақтида ҳукмдорнинг ҳузурида мулозим бўлган, асосан вилоятларнинг улуғларидан ташкил топган мунтазам лашкардан ташқари қисм.

Нофа — мушк (бир тур кийикнинг киндиги тагидан олинадиган хушбўй модда).

Нохин — тирноқ; тоққа чиқишда қўлланиладиган тирноқсимон асбоб.

Ноқус — черков қўнгираги.

Ноҳид — Зухра юлдузи. Мунажжимлар уни фалак мутрибаси деб сифатлаганлар.

Нўён (ёки нўйин) — турк-мўғул халқлари орасида хонзода, улуғ амир, ноиб, туман (ўн минг кишилик лашкар) бошлиғи маъноларида қўлланилган.

- О -

Обгир — ҳовуз, сув оладиган жой, чўмич.

Одина кун — жума кун.

Ойин — қоида, расм, тартиб, усул, одат, равиш, тарз.

Омил — умуман хизматчи ёки амалдор маъноларида; солиқ йиғувчилик лавозимидаги кишилар маъносини англатувчи тарихий атама.

Омили хирож — хирож йиғиш ишлари мутасаддиси.

Онҳазрат — яъни ул ҳазрат, катта ҳурмат эгаси бўлган шахснинг номини қайтариб ёзмай, эҳтиром билан аташ учун қўлланилган.

Ориз — аскарлар ва мансабдорларга маош улашиш ишларини бошқариш лавозимидаги киши, хазиначи маъносида ҳам тушуниш мумкин.

Оташқада — ўтга топинувчилар ибодатхонаси.

Ошира — бир дақиқанинг олтишдан бирини сония (иккилик), сониянинг олтишдан бирини солиса (учлик) ва ҳоказо солисадан робиа (тўртлик) чиқариб тақсимлашда давом этиб, ўнликкача етказилса, уни ошира деб аталади.

Оқо (ёки оғо) — подшоҳ хонадонига мансуб маликаларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб айтилган.

Оқор — қуш номи, қарқара, қутон.

- П -

Парвин — юлдузлар туркумларидан бирининг номи. Сурайё деб ҳам аталади.

Парвоначи — Султон амр-фармонларини маҳаллий ҳукмдорларга етказувчи мансабдор.

Парданишинон — парда ортидаги мажлис; аёллар.

Пашакол — ёмғирлар фасли.

Пешкаш — хон ва подшоҳларга уларга тобе бўлган амирлар ва ҳоқимлар томонидан тақдим этиладиган инъом.

Пийпа — сим торли мусиқий асбоб турларидан бири.

Пос (ёки посбон) — тунги соқчи.

Работ — карвон қўниб ўтадиган жой; карвонсарой.

Равза — боғ, гулбоғ, жаннат.

Раят — фуқароларнинг давлат девонига солиқ тўлаши шарт бўлган қисми; ҳукмдорнинг қўли остидаги халқ.

Ръядандоз — ўт отувчи қурол.

Рубъи маскун — ўтмиш донишмандларининг тушунчасига кўра ер юзининг инсонлар яшashi учун қулай бўлган тўртдан бир қисми; бу қисм ўз наъбатига етти иқлимга бўлинган (қ., иқлим).

Руд — торли мусиқий чолғу асбоби.

Руйин — жез, бронза, мис; руйин тап — мис танлик одам; танасига ўқ ўтмас бақувват одам. "Шоҳнома" қаҳрамонларидан Исфандиёр (Гиштоспнинг ўғли) руйинтан деб аталган.

Савр — қуёш ўз ҳаракатида йил давомида ўтадиган ўн икки бурждан бири, бу апрел-май ойларига тўғри келади.

Сада — лашкар қисмларидан юз кишилик бўлинма шундай аталган.

Садр — диний жамоа ва руҳонийлар бошлиқларига берилган унвон. Қозилик, вақф ерларини бошқариш каби муҳим ишларни олиб борган мансабдор.

Самандар — калтакесаксимон жонивор, адабиётда уни оловда куймайдиган жонивор деб муболага юритилиб келган.

Самур — қундуз, қундуз териси.

Самурий жубба — қундуз терисидан тикилган пўстин.

Сангандоз — тош отувчи; қўрғон деворида ўқ, тош отиш учун қилинган тешиклар.

Сангрез — тош ёғдириш.

Саратон буржи — июн-июл ойи.

Саркуб — ҳарбий истилоҳ; қалъа мудофаачиларига қарши ўқ отиш учун қалъа рўпарасида қуриладиган кўтарма.

Саронарда — 1). Катта сарой чодир. 2). Чодирлар олдига осилган парда.

Саршумор — жон бошидан олинадиган солиқ.

Саъди Акбар — Юпитер сайёраси.

Сидра (дарахти) — ислом дини этиқодига кўра еттинчи осмондаги дарахт, инсонлар билими шу дарахт чегарасидан нари ўтмайди; фақат Муҳаммад пайғамбаргина "меърож" вақтида бу чегарадан ўтган.

Сиёк — тартиб, қоида.

Сикка — танга пул, тамга урилган ақча.

Симобий қалқон — симоб бериб ялтиратилган, симобранг қалқон.

Соварий — 1). Ҳукмдорларга эҳтиром ва бўйсунуш маъносига тортиқ этилган ҳадялар. 2). Подшоҳ ва хонлар ўзларига тобе бўлган вилоятлардан ўтаётганларида халқдан талаб қилинадиган тортиқлар.

Сопис тумани — подшоҳ даргоҳидаги хос ва яқин кишилардан тузилган лашкар қисми.

Соқа — ҳарбий юришда лашкарнинг асосий бўлинмаларидан кейинда борувчи қисм (арьергард).

Соҳибқирон — жаҳонгир подшоҳларга берилган фахрли лақаб, масалан Чингизхон, Амир Темур ва Шайбоний Абдуллахонлар шундай лақаб соҳиби

бўлганлар: луғавий маъноси — "соҳиб" — эга, "қирон" — яқинлашиш. Мунажжимлар икки шарофатли сайёра: Зуҳра ва Муштарий ўз ҳаракатида бир-бирига яқинлашган ҳолатини "қирон буржи" деб атаганлар, шу вақтда туғилган болага эса, келажаги бахтли бўлиши ҳақида фол кўрганлар. Амир Темур туғилган вақтда мазкур икки сайёра қирон буржида бўлганлиги боис унга "Соҳибқирон" деб лақаб берилган.

Субҳи содиқ — тонг отгандек бўлиб кўринадиган (субҳи козиб) вақтидан сўнг содир бўладиган ҳақиқий тонг отиш вақти.

Сунбула буржи — август-сентябр ойлари.

Сурон — жанговар чақириқ, одатда ҳужум қилинганда ёки босқин ясашда аскарлар ҳайқирганлар (сурон солганлар).

Суюрғол — шаҳзодалар, амирлар, нўёнлар ва нуфузли руҳонийларга катта хизматлари эвазига хон ёки подшоҳ томонидан маълум шарт ва имтиёзлар асосида инъом этиладиган ер-сув, мулк ва ҳ.к.

Суюрғомиший — подшоҳ ва хоннинг сийланшларига мушарраф бўлиш, инъом.

- Т -

Табл — дўмбира.

Тавочи — ўрта асрларда лашкарнинг нозири; лашкарни тўплаб ҳисобга олиш, жанг вақтида лашкарнинг тўхташ жойини белгилаш, олий ҳукмдор буйруқларини ҳарбий бўлинмаларга етказиш, лашкарни кўрикка ҳозирлаш, хавф-хатар вақтида теварак-атроф халқини қалъа ичкарасига кўчиртириш, махсус иншоотлар қурилиши устидан назорат қилиш, жазо чораларининг бажаралишини назорат қилиш каби вазифаларни бажарувчи киши.

Такбир — "Аллоҳу акбар" сўзларини баланд овоз билан такрорлаш орқали Аллоҳни улуғлаш.

Такомиший (ёки никомиший) — чекинган лашкарни таъқиб этиш.

Талоя — вазият ҳақида хабар келтириш учун лашкардан олдинга юбориладиган кичик ҳарбий бўлима (разведка).

Тархон — Салтанат олдида кўрсатган айрим хизматлари учун ер-мулклари солиқлардан озод қилинган ва яна бир қанча имтиёзларга эга бўлган (хон ҳузурига бемалол кира оладиган, тўққиз мартагача гуноҳи кечириладиган, тегишли ўлжаси тақсимланмайдиган, гоҳида авлодлари ҳам солиқдан озод қилинадиган) амир.

Тарху (ёки таргу) — қимматбаҳо ипак мато; таом.

Тарҳ — қурилажак бинонинг режаси; лашкарни жойлаштириш режаси.

Тахш — ўқлари кичик бўлган камон.

Тахшандоз — камондан ўқ ёғдирувчи сипоҳий.

Танҳо — сарой хизматчилари, лашкарбошилар ва хизмат кўрсатган аскарларга махсус хазинадан бериладиган маош; баъзида алоҳида хизмат кўрсатган бекларга танҳо сифатида ер-сув берилган.

Тағор — лашкар учун юришдан олдин тайёрланадиган озиқ-овқат, кўпинча галла; шу мақсадда раиятдан йиғиладиган галла.

Таҳамтан — наҳлавон, баҳодир; Фирдавсий "Шоҳнома"сида қаҳрамон Рустамга берилган лақаб.

Тири най чўпи — ичи кавак бамбуқ новдасига солиб, алоҳида бир усулда отиладиган кичик ўқ-ёй.

Тиюл — умуман ҳар бир сардорга маош ўрнида берилган ер-мулк; у ердан хирож йиғиб олиш ҳаққи билан инъом этилган.

Тири чарх — айланиб ўзи ўқ отувчи ҳарбий қурилма; темирдан ясалган снаряд шаклидаги ўқ, ичига порох солиниб, ёқиб душман томон отилган; гоҳида ичи нефть билан тўлдирилиб, ёндириб иргитилган.

Тиркаш — садоқ-ўқдон.

Томғо — турк-мўғул халқлари орасида қабила, уруғ; кейинчалик давлат рамзи, муҳр.

Тубо — ривоятга кўра, жаннатда ўсадиган, антиқа мевага эга бўлган хушбўй дарахт номи.

Тубра — аскарнинг тўрва-халтаси.

Тумон — 10000 дан иборат ададни англатиб, маблаг ҳисобига ҳам, лашкар ҳисобига ҳам қўлланилаверган. Шомийда кўпинча мазкур рақамдан иборат лашкар бирикмаси ва бу бирикмани юбориши лозим бўлган қабила ёки уруғлар уюшмаси маъносида келади. Лашкар тумони ўз навбатида ҳақора (минглик), сада (юзлик), даҳа (ўнлик) қисмларидан ташкил топади.

Тунбак — икки томонидан бармоқлар билан уриб чалинадиган дўмбира.

Тумғо — ов лочини, умуман ов қуши бошига кийгизиш учун мўъжалланган қалпоқча.

Тура (ёки тўра) — қалъани қамал қилганда душман ўқидан яшириниш учун одам бўйи баландлигида ясалган махсус қалқон, жангда кўчириб юриш мумкин бўлган махсус сипар.

Туг — ўрта асрларда учига қўтос, от ёли ёки думи, ярим ой ёки керилган беш панжа тасвири ўрнатилган лашкарнинг байроқсимон нишон-белгиси; асарда туг атрофида тўлланган ҳарбий бўлилма маъносида ҳам келтирилган.

Тугро — подшоҳнинг ёрлиги, фармони; герб, давлат нишонаси; ҳарфларни бир-бирига чирманштириб ёзиладиган хат тури. Бундай ҳарфлар билан подшоҳнинг номи ва лақабларини унинг фармони тепаси (унвоми)га битганлар.

Тўққиз-тўққиз — турк-мўғул халқлари орасида қўлланилган одат, яъни ҳадиё қилинаётган ҳар бир нарсадан тўққизтадан кўйиш (тўққиз нафар қул, тўққиз от, тўққиз мато ва ҳоказо).

Тўй — асарда кўпинча меҳмондорчилик маъносида қўлланилган; бирор олий мартабали зот ёхуд муҳим воқеа муносабати билан уюштирилган базм, меҳмондорчилик.

Тўқмор — учига темир қалпоқча кийгизилган ўқ-ёй.

- У -

Уд — сим торли мусиқий асбоб турларидан бири; хушбўйлиги учун тутатиладиган чўп.

Уйўғлонлар — бирор шаҳзоданинг ўғлонлари (ходимлари), сарой ходимлари (форсча атамаси ҳам учрайди: қ., хона бача).

Укадко — аскарларга пул инъом қилиш, мукофот бериш.

Уруқ (ёки уруғ) — эл, халқ; хонадон, сулола.

Урф — одатга асосланган қонун-қонда.

Уторид — Меркурий сайёраси.

Ушрий — шариат бўйича маҳсулотнинг байт ул-мол, яъни давлат хазинасига бериладиган ўндан бир қисми.

Уғруқ (ёки ўғриқ) — асли "чодир" маъносида; кўпроқ лашкарнинг асосий жанговар қисмларидан орғда борадиган "оғир карвон" (обоз) қисмини шундай номлашган.

Фавж — лашкарнинг ҳарбий бўлини маси.

Фарвардин ойи — ҳижрий қуёш йилининг биринчи ойи; 21 ёки 22 мартдан 21 ёки 22 апрелгача.

Фарз — шариатда барча мусулмонлар бажариши лозим бўлган шартлар.

Фатво — лугавий маъноси — ҳукм, қарор; ислом динида муфтий ёки эътиборли уламо кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда эълон қилинадиган ҳукм ёки қарор.

Фарсанг (ёки фарсах) — масофа ўлчови; ундан тушуниланган масофа миқдори йўл шароитига қараб ҳар хил жойларда турлича бўлган, одатда 6-7 км. масофа кўзда тутилган.

Фасил — қалъа ва бошқа мудофаа иншоотлари деворлари олдидан қурилган яна бир ташқари девор, оралиқ жой.

Фағфур — Хитой императорини шундай деб номлаганлар.

Фасиҳ — гапга чечан, мазмундор сўз сўзловчи нотик киши.

Фиҳҳ — шариат ҳукмлари ҳақидаги илм; мусулмон ҳуқуқшунослиги.

Фосила — икки деворни ажратиб турувчи оралиқ ер.

Хазонайи омира — обод хазина, яъни давлат хазинаси.

Хандақ — шаҳар ёки қўрғон девори ташқарисидан гир айланасига душмандан мудофаа мақсадида қазилган чуқурлик, одатда унга сув тўлдириб қўйилган.

Хайл — бир жамоага мансуб кишилар.

Хайлхона — манзилгоҳ, турар жой.

Хайр хожаси (хожайи хайр) — лугавий маъноси — хайр-эҳсон қилувчи хожа; тақводор, диёнатли хожа.

Халифа — ноиб, ёрдамчи.

Харвор — ҳар хил шаҳарларда миқдори турлича бўлган оғирлик ўлчови; лугавий маъноси — "бир эшак юки", тахминий ўртача ҳисоби 300 кг.

Харож (ёки хирож) — солиқ, ер солиғи учун қўлланилган истилоҳ; "мол" деб ҳам аталади; олинадиган ҳосилнинг учдан бир қисми, баъзан даромад солиғи.

Хатм — бирор ишни такомилига етказиб тамомлаш маъносида.

Хатти истиво — иқлимлар кенглигини ўлчашдаги бош чизиқ, экватор.

Хиргоҳ — катта чодир.

Хожа саролар — подшоҳ саройида (ҳарамда) хизмат қилувчи бичилган (ахта) қуллар.

Хона шумор — ҳар бир хонадондан олинадиган солиқ.

Хонсолор — подшоҳ таомларини олдиндан тоғиб берувчи; сарой дастурхонини безатувчи.

Хокрез — қалъа ёки қўрғоннинг душман ўқлари ва ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида тупроқ уйиб кўтарилган ташқи қисми, унда душман ҳужумини қайтариш учун махсус тешиklar қилинган бўлади.

Хона бача — бирор шаҳзоданинг ходимлари; сарой ходимлари.

Хорижий — фавқулудда, одатдагидан ташқари солинадиган солиқ.

Хотин — подшоҳ ва хон қизлари номига қўшиб айтилган атама; кўпроқ мўғуллар ва темурийлар ҳукмронлиги даврида учрайди.

Хум — катта ногора.

Хутба — 1). Подшоҳнинг тахтга ўтириши муносабати билан жумъа кунлари масжидда хатиб (хутба ўқувчи) тарафидан ўқиладиган диний ва ҳаётий мазмундаги панд-насиҳат. 2). Жумъа ва ҳайит намозларида хатиб томонидан Аллоҳнинг, Муҳаммад пайгамбарнинг ва ҳукмронлик тахтида ўтирган шахснинг номини эслатиб ўқиладиган ваъз. У ёки бу подшоҳнинг сибсий ҳукмронлиги танилганлиги унинг номи хутбага киритилиши ёки киритилмаслиги билан белгиланган.

- Ч -

Чавгон — учи қайрилган таёқ; чавандозлар чавгон ўйини деб аталган ўйинда от устида туриб бу таёқ билан тўп сурганлар.

Чандовул (ёки чигдовул) — лашкарнинг ёки лашкар бўлинмаларидан бирининг ортки қисми (аръергард).

Чапар — мудофаа иншоотларидан: душмандан сақланиш учун шох-шаббалардан тикланган ғов, тўсиқ.

Чапардор — шох-шаббалардан тўқилган қалқон тутган аскар.

Чарх — гилдирак, тақдир, толе. Асарда қалъа девори устига ўрнатилган ҳарбий ҳурилма назарда тутилган (ҳ., тири чарх).

Чаҳор пора — мусиқий асбоб турларидан бири.

Чирик — асосий мунтазам лашкарга қўшимча тарзда чекка ерлардан юбориладиган сипоҳийлар.

Читоғон — партизанлар.

Чонқий — қ., жонқий.

Чортуғ — ҳарбий бўлима амирининг даражасини билдирувчи учи ўткир найза; байроқнинг бир тури.

Чохурлар — ер тагидан фойдали қазилмалар изловчилар, Шомийда умуман ер кавловчилар.

Чошингир — подшоҳга бериладиган таомнинг мазасини олдиндан тотиб кўриб, заҳарланмаганлигини аниқловчи шахс.

Чуҳра — оқсуяк тоифадан чиққан ва сарой хизматида бўлган ёш йигит; умуман, ҳали вояга етмаган мулозим мазмунида ҳам қўлланилган.

Чўмоқ — темир турзи.

Чўп ёсоқ — калтаклаш йўли билан жазолаш.

- Ш -

Шабихун — ҳарбий юриш вақтида йўл устидаги қишлоқларга, шунингдек, душман жойлашган манзилга тунда тўсатдан қилинган ҳужум.

Шараф уйи — аслида баландлик, улуглик уйи. Мунажжимлар тушунчасига кўра, еттига ёритгичдан ҳар бирининг ўз шараф уйи (яъни буржи) бўлиб, ёритгич ана шу (бурж)да саодатга эришади: офтобнинг шарафи — ҳамал буржида, ойники — савр буржида, Муштарийники — саратон, Зухраники — ҳут, Уторидники — сунбула, Миррихники — жадий, Зухалники — мизон буржларида ҳосил бўлади.

Шақовул — 1). Қўшиннинг сўл қанотини қўриқлаб турувчи ҳарбий бўлима. 2). Элчиларнинг керак яроқларини муҳайё қилиш ишлари билан шуғулланувчи сарой ходими.

Шаҳрбанд — ҳисор; шаҳар атрофини ўраган девор.

Шилон — 1). Султонлар ва амирларнинг дастурхони. 2). Шоҳона дастурхон ёзилиши учун раиятдан йиғилган солиқ тури.

Шира — хонтахта.

Ширк — кўп худолилик.

Шиҳна — шаҳарда тартиб сақлаш ишлари билан шуғулланувчи ҳарбий мансабдор.

Шукурчи — хон ва подшоҳлар чодирини олиб юрувчи, соябон кўтариб юрувчи хос хизматкор.

- Э -

Эҳром — ҳаж маросими вақтида белга боғланадиган ва елкага ташланадиган (икки бўлақдан иборат тикилмаган) мато.

- Ю -

Юрт — яшаш жойи; урду, қароргоҳ; тўхташ жойи.

Юртчи — тўхташ жойини белгилайдиган киши.

- Я -

Ярга (ёки жирга, жарга) — ов ҳайвонларини маълум ерга қувиб чиқармоқ учун лашкар томонидан тузилган саф, доира. Мутлақ саф, доира маъносида ҳам ишлатилган.

Ярлиғ — қ., ёрлиғ.

Ямин — лашкарнинг ўнг қаноти.

Ясор — лашкарнинг чап қаноти.

Ясо — қ., Ёсо.

Ясоқ — қ., Ёсоқ.

Ясовул — Ёсода белгиланган қонун-қонидани амалга оширувчи кичик мансабдор; одатда бундай лавозим эгаси лашкарни жанговар тартибга келтириш, лашкарни кўрикка тайёрлаш ишлари билан шуғулланган.

Ясомиший — қ., Ёсомиший.

Яктойи — бир ёқали кўйлак.

- Ў -

Ўлжомиший — хон ҳузурига кирганда тиз чўкиб таъзим бажо келтириш расми. Гоҳида "тобуғ" деб номланган.

Ўрду — лашкаргоҳ; подшоҳ ва амирларнинг қароргоҳи; лашкар.

Ўғруқ — қ., Уғруқ.

- Қ -

Қабо — Жубба (совут) остидан кийиладиган узун уст кийими.

Қабола — тилхат, кафолатнома; мол-мулк олганлиги ҳақидаги ҳужжат.

Қавсуннаҳор — осмоннинг кўриниб турган қисми, осмондаги қуёш чиққандан то ботгунча кўзга ташланадиган масофа.

Қайтул — қароргоҳ, манзилгоҳ.

Қалб — лашкарнинг марказ қисми.

Қамурға — шикоргоҳ, овда қатнашаётган лашкарлар томонидан ҳайвонларни маълум майдонга қувиб чиқармоқ учун тузилган тобора то-райиб борувчи доира.

Қанбил (қанбул) — лашкар қисмларининг олдинги сафи.

Қарағу — соқчилар турадиган жой, кузатиш жойи маъноси англатиши мумкин.

Қаровул — биз ҳозирда тушунганимиз қоровул-соқчи маъноси билан бирга ҳарбий истилоҳ сифатида лашкардан илгари юриб, душман яқинлашганидан огоҳ қилувчи ҳарбий бўлинмани ҳам англатган.

Қаровнос — лугавий маъноси — турли миллатлар қони қўшилган, қони бузилган — Еттисув воҳасида яшаган Чигатой улусига мансуб кўчманчи мўғуллар, Мовароуннаҳрга кўчиб бориб, ўтроқлашиб, туркийлашиб қолган барлос ва жалойирий қабилаларини шундай деб номлаганлар.

Қасба — қишлоқ, жой.

Қатийфа — духоба.

Қачарчи — ҳарбий юриш вақтида йўл бошловчи, йўл кўрсатувчи киши.

Қишломиши — лашкарнинг қишлаши.

Қовчин — қўшиннинг хос қисми.

Қодирандоз — камондан беҳато ўқ отувчи мерган.

Қопучи — дарвозабон.

Қорура — ёнувчи модда солинган идиш.

Қосид — хабар элтувчи.

Қош тоши — олий навли яшм тоши, нефрит; кўк тош.

Қул (ёки ғул) — лашкарнинг марказий қисми (солиштиринг: қалб).

Қурчи — қуролбардор, яроғбардор, салоҳдор; подшоҳ саройини назорат қилиб турувчи киши.

Қушломиший — қуш солиб ов қилиш.

Қушчи — подшоҳнинг ов қушларини парвариш қилувчи, ов қушларини бошқарувчи киши.

Қўналға — чопарлар ва элчилар йўлда "тунаш"и учун тўланадиган маблағ.

Қўшун — лашкар бўлинмаларидан бирининг аталиши; аммо бир қўшунга бириктирилган аскарлар сони муайян бўлган эмас. Баъзи манбаларда бир қўшун 50-100 кишидан иборатлиги сўзланган, бошқаларида эса ҳатто 600-1000 кишигача етган.

- Ҳ -

Ҳазар — лашкарнинг бир жойда тўхтаб туриши.

Ҳазора — лашкарнинг минг кишилиқ бўлинмаси.

Ҳамал — март-апрел ойлари.

Ҳарба — ҳарбий қуроллардан найзанинг қисқа тури.

Ҳаровул (ёки Ҳировул) — лашкарнинг илгор қисми кетидан борувчи бўлинма; лашкарнинг марказ, қанотлари олдида турувчи олд қўшинлар.

Ҳашам — мулозимлар, маҳрамлар, уруғ, қабила маъноларида келган.

Ҳисор — 1). Мудофаа қурилмаси. 2). Қўрғон.

Ҳожиблар — сарой хизматкорлари.

МУНДАРИЖА

Низомиддин Шомий ва унинг "Зафарнома" асари	3
I. (Муқаддима)	11
II. Жаҳонгушой ҳазрат (Амир Темури)нинг муборак тарихи бошланиши	25
III. Подшоҳ Туглуқ Темурнинг иккинчи маротаба Мовароуннаҳр вилоятига келиши баёнида	32
IV. Подшоҳ Туглуқ Темурнинг иккинчи маротаба ўз пойтахтига қайтиб кетиши ва (ўғли) Илёсхожа ўғлини Мовароуннаҳр подшоҳлигига қўйиши баёнида	33
V. Амир Алибекнинг амир Ҳусайн ва Амир Соҳибқиронни ушлаб, Моҳонда ҳибс қилгани баёнида	35
VI. Амир Ҳусайннинг Самарқанд мамлакатини эгаллаганлиги баёнида	50
VII. Амир Соҳибқироннинг Шербаҳром ва Баҳром Жалойирлар билан кенгашиб, амир Ҳусайнга муҳолиф бўлгани баёнида	52
VIII. Амир Ҳусайн келиб сулҳ асосини қурганлиги, аммо қайтадан жанг бошланганлиги баёнида	55
IX. Амир Мусонинг амир Ҳусайн томонига қочганлиги ва лашкар тортиб Амир Соҳибқирон устига келганлиги баёнида	61
X. Амир Соҳибқирон амирзода Жаҳонгирни Ҳирот малики олди-га юборганлиги баёнида	64
XI. Кайхисрав билан Баҳром подшоҳ Туглуқ Темурга илтижо қилганликлари ва лашкар олиб келганликлари баёнида	67
XII. Амир Ҳусайннинг Амир Соҳибқирон томонига лашкар тортиб келганлиги баёнида	68
XIII. Амир Ҳусайннинг ўз амирларига ғазаб қилганлиги баёнида	70
XIV. Амир Ҳусайннинг Кобул ҳисорини олгандан кейин Балхга келиши баёнида	74
XV. Амир Ҳусайн ўз ўғли Жаҳон маликни Амир Соҳибқиронга қўшиб лашкарнинг манғлоий этиб юборгани баёнида	75
XVI. Шайх Муҳаммад ва Кайхисравнинг амир Ҳусайнга душман бўлгани баёнида	77

XVII. Амир Соҳибқироннинг амир Ҳусайн билан жанг қилганлиги ва у томон лашкар тортиб борганлиги баёнида	79
XVIII. Подшоҳ Суюрғатмишнинг подшоҳлик тахтига ўлтириши баёнида	81
XIX. Амир Ҳусайннинг қочгани ва минорага чиқиб олгани баёнида	83
XX. Балх шаҳри олингандан кейин амир Мусонинг Туркистон томон қочганлиги, Амир Соҳибқирон амир Жункини унинг кетидан юборганлиги ва уларнинг жанги баёнида	86
XXI. Амир Соҳибқироннинг Хоразм ва у жойнинг ҳокимлари билан боғлиқ кечмишлари баёнида	91
XXII. Амир Соҳибқироннинг биринчи марта Хоразм сари лашкар тортиб бориши баёнида	92
XXIII. Амир Соҳибқироннинг иккинчи марта Хоразм томонига лашкар тортиб борганлиги баёнида	94
XXIV. Амир Соҳибқироннинг мўгул томон юзланиши ва унинг Қамариддин билан жанг қилганлиги баёнида	96
XXV. Амир Соҳибқироннинг учинчи марта Хоразм томон юриши баёнида	98
XXVI. Қамариддиннинг Ўзгандга бостириб кириши ва амирзода Умаршайх Амир Соҳибқиронга хабар юборганлиги баёнида	100
XXVII. Подшоҳзода Тўқтамишнинг Амир Соҳибқирон олдида келиши баёнида	103
XXVIII. Амир Соҳибқироннинг Ўрусхон томонига лашкар тортиб борганлиги баёнида	104
XXIX. Амир Соҳибқирон ва Юсуф Сўфи орасида қайтадан ваҳшатли (воқеалар) бошланганлиги баёнида	109
XXX. Давлати барқарор бўлгур амирзода Амироншоҳга Хуросон мамлакати волийлигининг топширилиши баёнида	112
XXXI. Амир Соҳибқироннинг Ҳирот мамлакатини забт этишга юзланиши баёнида	114
XXXII. Амир Соҳибқироннинг амир Валига қарши юриши баёнида	122
XXXIII. Амир Соҳибқироннинг Сеистон томон юзлангани баёнида	125
XXXIV. Амир Соҳибқироннинг иккинчи марта амир Вали томон юриши баёнида	128
XXXV. Амир Соҳибқироннинг Кичик Лур бузгунчиларини даф этишга юзлангани баёнида	133
XXXVI. Инкотуро лашкарининг келиши, амирзода Умаршайх баҳодир ва амирларнинг Чулок мавзеида қилган муҳорабаси баёнида	143

XXXVII. Амир Соҳибқироннинг Хоразм шаҳрига тўртинчи марта юриши баёнида 145
XXXVIII. Муҳаммад Мирқонинг итоатдан бош тортиб, Қатлон томон қочганлиги ва Кўҳистонда тутилганлиги баёнида 146
XXXIX. Жаҳон подшоҳи Султон Маҳмуднинг салтанат тахтига ўлтириши баёнида 150
XL. Амир Соҳибқироннинг Тўқтаминхон муҳорабасига бориши баёнида 150
XLI. Амир Соҳибқироннинг дашти Қипчоққа юриши баёнида 157
XLII. Амир Соҳибқироннинг Мовароуннаҳрдан Мозандарон, Ироқ ва Форс томонларга юриши баёнида 168
XLIII. Амир Соҳибқироннинг Мозандаронда қишлаб қолиши, у жойдан Ироқ ва Шероз томон юриши баёнида 172
XLIV. Амир Соҳибқироннинг Шуштар томонига бориши баёнида 174
XLV. Амир Соҳибқироннинг Шероз дорулмулки томон жўнагани баёнида 175
XLVI. Амир Соҳибқироннинг Шероздан чиқиб, Ироқ томонига жўнагани баёнида 181
XLVII. Амир Соҳибқироннинг Бағдод томон юзланганлиги баёнида 184
XLVIII. Такрит қалъасининг олиниши баёнида 188
XLIX. Улуғ амирзодаларнинг Басра ва Восит томонига юборилганлиги баёнида 191
L. Амир Соҳибқироннинг Мордин томон юзланганлиги баёнида 193
LI. Амирзода Умаршайх баҳодир воқеаси баёнида 194
LII. Амир Соҳибқироннинг Авник қалъасини олиш учун юриши баёнида 203
LIII. Амир Соҳибқироннинг Дарбанд йўли орқали Дашти Қипчоқ томон юриши баёнида 209
LIV. Амир Соҳибқироннинг амирзода Амирошшоҳ ва амирзода Муҳаммад Султонларни Черкас томон юборгани баёнида 214
LV. Язда Султон Муҳаммаднинг муҳолифатчилик изҳор этиши ва унга жазо берилганлиги баёнида 219
LVI. Самарқанднинг шимолида бог ва кўшк бино қилинганлиги баёнида 220
LVII. Амир Соҳибқирон амирзода Муҳаммад Султонни Форс вилоятига юборгани ва у вилоят ёғийларини тутиб келтиргани баёнида 221
LVIII. Амир Соҳибқироннинг Хизрхожа ўғлон қизига совчи қилиб унинг ўғлини юборганлиги баёнида 222

LIX. Нусрат шиорли байроқларнинг Сиид ва Ҳиндистон мамла- катлари томон қўзғалиши баёнида 224
LX. Катур газоти ва у ер кофирлари билан воқеъ бўлган кечмиш- лар баёнида 226
LXI. Эрёб вилоятида воқеъ бўлган газот баёнида 230
LXII. Шаҳобиддин Муборак Тамимнинг тобъ бўлиши ва сўнгра мухолифатчилиги баёнида 233
LXIII. Батнайр қалъасининг фатҳ этилиши баёнида 239
LXIV. Амир Соҳибқироннинг Деҳли волийси Султон Маҳмуд би- лан жанг қилиб зафар топгани ва галаба қозониб шаҳарни фатҳ қилгани баёнида 246
LXV. Мирт қалъасининг фатҳ этилиши баёнида 255
LXVI. Амир Соҳибқироннинг Ганг дарёсида ўтрилар жамоаси би- лан жанг қилгани баёнида 256
LXVII. Габрлар жамоаси билан бир кунда содир бўлган уч газот баёнида 257
LXVIII. Кўпла дарасидаги габрларнинг йўқ қилиниши ва улар то- пинадиган сигир шаклидаги тош баёнида 260
LXIX. Сиволик тоғи воқеаси баёнида 261
LXX. Сиволик тоғининг чакалакзорлар билан қопланган бошқа бир ҳудудидаги газот баёнида 263
LXXI. Амир Соҳибқироннинг Жамму ноҳияларида тўхтаб турган- лиги баёнида 266
LXXII. Олий ҳазратнинг Самарқанд дорулмулқида бино қилган Жомеъ масжиди баёнида 276
LXXIII. Амир Соҳибқирон Ҳиндистондан қайтиб келгач, Ироқ ва Озарбайжон томон юзлангани баёнида 277
LXXIV. Амир Соҳибқироннинг Сивос томон юзланганлиги баёни- да 283
LXXV. Амир Соҳибқироннинг Шом жонибига таважжуҳ қилгани ва бунинг сабаблари баёнида 287
LXXVI. Беҳасти ва Антоб қалъаларининг мусаххар қилиниши ба- ёнида 290
LXXVII. Ҳалаб шаҳрининг фатҳ этилиши баёнида 292
LXXVIII. Амир Соҳибқироннинг Баалбак шаҳрига юзланганлиги баёнида 298
LXXIX. Дамашқ шаҳрининг фатҳ этилиши баёнида 299
LXXX. Амир Соҳибқироннинг Мордин шаҳрига юзлангани баёни- да 310
LXXXI. Бағдоднинг фатҳ этилиши баёнида 311

LXXXII. Амир Соҳибқироннинг Бағдоддан қайтиб, Табриз томон жўнаганлиги баёнида	315
LXXXIII. Амир Соҳибқироннинг Қаробоғда қишлоқ қилганлиги баёнида	316
LXXXIV. Амир Соҳибқироннинг иккинчи марта Рум томон юри- ши ва бунинг сабаблари баёнида	320
LXXXV. Кемох қалъасининг фатҳ этилиши баёнида	325
LXXXVI. Йилдирим Боязид элчисининг келганлиги ва лашкар- нинг кўриқдан ўтказилганлиги баёнида	327
LXXXVII. Ҳовик қалъасининг фатҳи баёнида	328
LXXXVIII. Йилдирим Боязиднинг Рум аскарлари билан келганли- ги хабари баёнида	329
LXXXIX. Амир Соҳибқироннинг султоний жанг бошлаб, галабага эришгани ва Йилдирим Боязиднинг асир олингани баёнида	332
XC. Атроф (ерлар)га лашкарлар юборилиши ва айшу ишратта машгул бўлинганлиги баёнида	337
XCI. Амирзода Муҳаммад Султоннинг Бурса томонига жўнаши баёнида	339
XCII. Истанбул маликининг Соҳибқирон ҳазратга итоат ва фар- монбардорлик билдирганлиги баёнида	341
XCIII. Мордин Султониинг (Амир Соҳибқирон) ҳузурига кели- ши ва унинг гуноҳидан ўтилиши баёнида	343
XCIV. Измир қалъасининг фатҳ этилиши баёнида	344
XCv. Фўча қалъасининг фатҳ этилиши баёнида	346
XCVI. Бир кунда уч қалъанинг олинганлиги баёнида	348
XCVII. Йилдирим Боязиднинг вафоти баёнида.	349
XCVIII. Худо ёрлақагур амирзода Муҳаммад Султон воқеаси баё- нида	351
XCIX. Миср элчиларининг келиши ва мол ҳам (танга) зарби кел- тирганлиги баёнида.	353
C. Қаро таторларни Рум еридан кўчиришга ҳукм қилинганлиги баёнида	354
CI. Амир Соҳибқирон ҳазратнинг Рум томонидан қайтиши баёни- да	356
CII. Амир Соҳибқироннинг Гуржистон томон юриши ва амирзода Абу Бакрни Бағдодга юборганлиги баёнида	357
CIII. Гуржиларнинг энг катта қалъаларидан бўлган Биртис қалъа- сининг олиниши баёнида	361
CIV. Амир Соҳибқироннинг Абхоз томонига арманлар билан газот қилишга жўнаши баёнида	366

CV. Амир Соҳибқирон ҳазратнинг олижаноблиги ва адлу эҳсои баёнида	. 369
CVI. Байлақон шаҳрининг бино қилиниши ва унда хандақ қазилганлиги баёнида	. 371
CVII. Улуғ амирзода Абу Бакрнинг Бағдод шаҳрига бориб тушганлиги баёнида	. 372
CVIII. Улуғ амирзода Умарнинг Самарқанд томонидан Озарбайжон мамлакатига келганлиги ва бунинг сабаблари баёнида	. 373
CIX. Байлақон наҳрининг қазилиши баёнида	. 374
CX. Соҳибқирон ҳазратнинг Аррон Қаробогига бориб тушиши, у жойда айшу ишратта машгул бўлиши баёнида	. 374

Низомиддин Шомийнинг "Зафарномаи шоҳий" асарига илова	. 380
I. Муқаддима	. 380
II. (Ҳазрат Соҳибқироннинг) Қаробогдан отланиб ов қилмоққа йўл олганлиги баёнида	. 381
III. (Ҳазрат Соҳибқироннинг Озарбайжон ва Ироқи Ажам) мамлакатларини амирзода Умарга белгилаганлиги баёнида	. 382
IV. Ўша пайтда амирзода Умар номига мавлоно Шамсиддин Мунший қалами ила битилган (Соҳибқирон Амир Темур) ҳукми	. 383
V. Искандар Шайхийнинг бўйсунмоқдан бош тортгани ва исён кўтаргани баёнида	. 386
VI. Ферузкўҳ қалъасининг забт этилиши баёнида	. 387
VII. Ҳазрат Соҳибқироннинг Чалов ва Рустамдор томонга юриши баёнида	. 388
VIII. Ҳазрат Соҳибқироннинг доруссалтана Самарқанд томон йўл олганлиги баёнида.	. 391
IX. Самарқандда бўлиб ўтган тўй-ҳашам баёнида	. 392
X. Ҳазрат Соҳибқироннинг Оқсўлотда қишлоқ ўтказганлиги баёнида	. 395
XI. Хитой юриши баёнида	. 397
XII. Ҳазрат Соҳибқироннинг, <Аллоҳ унинг шухратини ёрқин қилсин>, вафоти баёнида	. 399
Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарига изоҳлар	. 405
Ҳофизи Абрунинг иловасига изоҳлар	. 445
Шахс исмлари кўрсаткичи	. 449
Жой номлари кўрсаткичи	. 477
Этник номлари кўрсаткичи	. 502
Айрим атамалар ва тарихий истилоҳларнинг изоҳли луғати	. 506

НИЗОМИДДИН ШОМИЙ

ЗАФАРНОМА

Ўзбек тилида

Издательство "Ўзбекистон", 700129, Ташкент, ул. Навои, 30.

1937 йилги Тауэр нашридан таржима қилинди.

Нашр учун масъул *Б. Омон*

Рассом *Ҳ. Меҳмононов*

Расмлар муҳаррири *О. Соибназаров*

Техн.муҳаррир *С. Собирова*

Мусахҳиҳлар *С. Тоҳирова, Г. Азизова*

Компьютерда тайёрловчи *А. Юлдашева*

Босишга рухсат этилди 20.08.96. Бичими 84x108 1/32.

"Таймс" гарнитурда офсет босма усулида босилди.

Шартли босма тобоги 27,72. Нашр тобоги 30,79.

Адади 10 000 нусха. Буюртма № **773**

Баҳоси келишилган нарҳда.

"Ўзбекистон" нашриёти. 700129, Ташкент, Навоий кўчаси, 30.

Шартнома № 136-96.

"Камалак" нашриёти компьютер бўлимида терилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги Ташкент матбаа комбинатида босилди. 700129, Ташкент, Навоий кўчаси, 30.